

Ғаффор Ҳотамов

БИРИНЧИ МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Қиссалар ва ҳикоялар

Тошкент
«Ёзувчи» нашриёти

Ў 56

Ҳотамов, Ғаффор.

Биринчи муҳаббат қиссаси: Қиссалар ва ҳикоялар.—Т.: Ёзувчи 1995. —336 б.

«Биринчи муҳаббат қиссаси»даги қиссалар ва ҳикоялар маънавиятнинг инқирозга юз тутуви, инсоннинг йўқотилаётган қадриятлар сари талпинуви ҳақида. Шу йўлда интилаётган кишиларга қарши ўлароқ олчоқ кимсаларнинг эзгулик сари эмас, балки гуруҳ-гуруҳ бўлиб амалга интилиши, нафс йўлида ҳар қандай муқаддасликни топтаб кетиши тадқиқ этилади.

Ҳикоялар ҳам китобхонни ҳаёт ҳақида, Ватан ва унинг қисмати ҳақида ўйлашга даъват этади.

Уз2

Ў 4702620201 — 57
М 362(04) — 95 15 — 1992

ISBN 5—8255—0049—9

© Ғ. Ҳотамов, «Ёзувчи» нашриёти, 1995 й.

КИССАЛАР

ТОҲИР ВА ЗУҲРАНИНГ КУЛМАГАН БАХТИ

Сен болсан гўё
эсладимми, лабим тамшанар,
Сен бир кулгу
шиддатидан кўз ҳам ёшланар.
Мен ғарибман, ким ҳам хафа
қиларди,
Дўзах кўрдим, энди жаннат истар
дил
Эҳ, бошқалар, нечун сени севадир,
Севма сен, одаммас улар ахир,
Уларда дард ва изтироб не қилар,
Улар фақат кишнаб юрган
йилқилар...

Ўлжас СУЛАЙМОНОВ

... ғира-шира.

Қандайдир кул сепилган ерга эмас, шифтга тикилиб ётганлигини у кейинчалик — зарғалдоқ тус пардага кўзи тушгач англади.

Хўрсинди...

Ҳамон билакларига бош қўйганча сим каравотда чўзилиб ётар, кечаси кўрпани оёқ учига тўдалаб, шунга оёқларини мингаштирган кўйи узала тушган, қачон кўзи илинган — билмас эди.

... ҳали тонг отмаган, деразанинг очиқ тавақасидан юлдузчасимон панжара ортидаги... осмон кўришиб турар, у — тунд, қат-қат булутлар ирkit увада каби тўзғиб ётарди.

... ечинмапти ҳам.

Қаймоқранг атиргул! Ўша кулбада?!

Буткул ёдидан ўчган кулбани туш кўриши ва унда қандайдир атиргулнинг барқ уриб туриши нохуш, ғайриоддий эди.

Кўкка топинган, оллоҳдан ваҳий келишига ҳозир Муҳаммад каби у фалакка тикилди, кўзларидан зиё кетиб, шуури зиёлашди. Шу зиё ёдининг бир четида муҳрланиб қолган кулбанинг аксини ёритгандай бўлди. Қўш тавақали ғужум эшик секин очилди-да, у ичкари кириб борди. Зах тупроқ оёқлари остида кул каби уваланди. Тарвузга узалган чоғи рутубат янада аққимтирлашганини туйди. Баногоҳ совуқ ва таҳдидли вишиллашдан сесканиб, бир қадам ортга чекинди,

кўрдики, кулча бўлиб ётган чипор илон ҳамлага шайланиб, айри тилини пешлаётир...

Кейин... боши янчилган чипор; уни белкуракка илдириб, олиб чиқишаётганида ҳамон белининг майишмай тургани... хира суврат янглиғ кўз олдида аксланди. Ўшанда — уйларининг ортида — илонни қиймалай туриб айтган гапини орадан йигирма беш йил ўтгач, отаси тагин эслатган бўлди: «Илон — бехосият: ойни кўрса, тирилади. Буниси тирилмаган тақдирда ҳам, бошқалари шунинг изидан келиб ўч олади, тинч қўймайди энди». Чипор кўмилгач, текислаб ташланган ва илоннинг пўстидай йилтиллаб қолган жой анчага довур кўзларига кўриниб турди. Ётти яшарлигида отаси дилига солган, кейин буткул унутган ўша ваҳм қайта бошдан юрагида ғимирлаб бош кўтарди ва хонанинг зимистон бурчакларида аламзада илон ҳамон вишиллаб ўч олиш пайида юргандек туюлаверди...

Ўша уйларида асар ҳам қолмаган.

У тирсагига таяниб қўзғалди-да, туриб ўтирди. Суяги оғир, қони гўё увиб қолгандай эди.

Ётар маҳали на қишлоғи ва на отаси хаёлига келмаган, унут воқеалар қаёқдан тушига кириб юрибди — ўзи ҳам ҳайрон. У узалиб, устол устида турган «Родопи»дан бир дона олди-да, тутатди, нохуш ҳид кўнглини оздирди, сигаретни эзгилаб ўчирди, кейин бадбўй қўланса таралаётган кулдонга норозиланиб қаради.

У оғир хўрсиниб бошини кўтарди. Девор туссиз, булутли куннинг ўлик уфқига ўхшарди. Ранглар шу қадар оғир ва малолли эдики, улар муайян бир тус касб этиши учун аввало унинг ўзи турғун ҳолатдан қутулиши, бунинг учун кайфиятини ўзгартириши, нимагадир уннаши, нимадир қилиши, яъни ҳолатга кириши лозим, шуни у билар, бироқ нимадан бошласин? Не қилсин? Нимага қўл урсин? Умрни сарфлашга арзигули нима бор ўзи? Ҳеч вақо... ҳеч вақога кўнгли чопмасди.

Бўғзига довур балчиққа беланиб ётган одамга ўхшар, бундан чиқиш фурсати гарчи аллақачон етган бўлса-да, гарчи шуни ўзи англаб турса-да, ҳеч бир рағбат сезмас эди.

Деразадан найза каби санчилган нур молберт қиррасига урилиб, синди. Молбертда Леонардо да Винчининг Мона Лизасига ўхшаб сузилиб турган малак мунг тўла кўзларини унга тикиб турар, чимирилиши-

дан у норозидек, шундай эмас-да энди, яратгувчим, юрагимда нималар борини пайқамас экансан, мен бечорани чалажон қилиб нетасан, дея гина қилаётгандек туюларди. Дераза тирқишидан қуйилаётган тангадай нур малакнинг ёноғидан ўпди, нурдан тириклик шарпаси янглиғ таралган шуъла унинг нурсиз юзини фавқулудда ёритиб юборди. «Чехраси нақадар жонсиз...»

У оғир сўлиш олди-да, бошини эгди. «Жалолиддиннинг Ватани» эмиш. Нақадар дабдабали сарлавҳа! Холбуки...

Назарида, ранглар маъно касб этганидан буён шу триптихга унайди у. Ватанни бир қиз сиймосида ифода этишга у дастлаб ўн беш йил аввал уринган. Ўшанда хаёлан Гулбаҳорни тасаввур этган, чизган ҳам...

Хали у хаётнинг паст-баландини кўрмаган, китобларда ниманики ўқиган бўлса, муаллимлари ниманики ўргатган бўлса шу қабилда дунёни кўрадиган ва шу қабилда хаёлий мушоҳада юритадиган ўспирин эди. Институтнинг кириш имтиҳонига — иншо ёзгани ҳам аудиторияга дунёдаги тантиқ ва энг билимдон киши каби виқор билан кириб борди, ҳамманинг назари ўзида каби туюлиб, бундан ғурурланиб, кўзга ташланадиган жойга бориб ўтирди. Оқсоч домла аудиторияга кириб келганида унинг кўйлаги гижимлигидан, рости, ажабланди. Домла иншо мавзуларини доскада қайд этгач, бориб курсига ўтирди, бошларини чангаллаб, афтидан, мудрай бошлади. Шунда унинг тамомила ҳафсаласи пир бўлди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси бир кун бурун тўй-пўйда ўлгудай ичса агар, эртаси кuni уларга: «Қани, бир футбол ўйнанглар», дерди-да, ўзи бир четга бориб, шу алфозда карахт ўтирарди. Тагин бу домла ҳеч бошини кўтармай: «Агар бирон-танг ул-булдан кўчирсанг, қувиб соламан!», дея пўписа ҳам қилади.

Секин-аста ўтирганлар даҳага кирган қурт каби гимирлаб қолишди, баргнинг шитирлаши каби бирдан қисирлаган, шитирлаган товушлар аудиторияни тутиб кетди. Унинг ёнгинасида ўтирган йигит китобдан йиртиб олган саҳифаларни титкилай бошлади, ундан наридаги қиз хонатлас кўйлагини сони баробар кўтарди-да, остига қўл суқиб, бир сиқим қат-қат қогоз олди. У эса... У шўрлик...

... жангга аслаҳасиз кирган аскар каби нажот истаб тевааракка аланглади. Назарида, анавилар институт дарвозасидан ичкари кириб кетишаётир, у эса оёғи михланган каби бир жойда қимир этолмай турибди. Аслида, ҳаммаси ўзи ёд билган мавзулар, бироқ таҳлика боис, йилт этган бир фикр хаёлига келмайди.

Илк дафъа тақдирида рол ўйнаган ва аудиторияда қарор топган ноҳақлик иродасини тамомила синдирди. Ҳафсаласи ўлгач, қоғоз-қаламни бир четга суриб қўйди-да, зўрға қўзғалди ва йўлак тарафда ўтирган бир қизга рўбарў туриб қолди.

— Кечирасиз, чиқиб кетмоқчи эдим, ўтказиб юборсангиз!

Қиз унга паришон тикилди, кейин хаёли бўлинганидан норозиланди — бу унинг нигоҳида акс этди.

Унга туюлдики, шу оҳу кўзларни илгари ҳам қайдадир кўрган. «Қаерда?» Қиздан кўз узиш, узилиб кетиш жуда маҳол эди. Бу кўзлар гўё ўзи пайқаманган ҳолда ўн саккиз йил хаёлида яшаган, ўн саккиз йил юрагида армон бўлган.

— Айбга буюрмайсиз!— деди у анчайин хазин, гуноҳкорона овозда. Сўнг синиқ жилмайди. — Мен...

У қайтиб жойига ўтирди, шу кўзлар чиройи, ҳар куни уларни кўриб туриш истаги кўнглига қувват бўлди...

Биринчи курснинг иккинчи ярмида Қоработир деса дегулик бир йигит, ўша кўзларга банди бўлган каби худонинг берган куни уларнинг аудиторияси атрофида ўралашиб қолди. Тоҳир бир куни у қизнинг йўлини тўсиб бир нималар деганини, қизнинг лаби бурилиб кетганини кўрди, шунда йигит оғир бир шарт қўйган каби жуда кескин ҳаракат қилди, қизнинг юзи оқариб кетди. Кейин у ҳеч кимга қўшилмай, бир хил бўлиб юрди...

Тоҳир ҳис этдики, тақдир қизни қандайдир зулумот сари ҳайдаётир, Қоработир деса дегулик йигит унга: «Ўлдириб кетаман», деган бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Шу пайтга довр қизга у бир нима демаган, шу боис дабдурустдан унинг шахсий ишларига аралашингга ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. У охир-оқибат бир фалокат содир бўлиши муқаррар эканини ҳис этар, қизни шу балодан халос этишга журъат сезар, ҳали ҳар ҳолда фурсат бор, шу имкондан фойдаланиб икки орага тўсиқ қўйиши лозим, шуни истар эди. Уч кун дарсга бормади, у уч кеча мижжа қоқмади ҳам. Жис-

ми-жаҳонида яширин ва ўзи астойдил ишонган илоҳий қудрат ларзага келди-да, унинг тошқинлари саёҳга айланиб мато юзига оқиб тушди. Тасвири солинган қиз зоҳиран Гулбаҳорнинг ўзгинаси эди. Эғнида бурма ёқали оқ ҳарир кўйлак, ёқалари ҳам учишга шайланган қалдирғочнинг қанотларига ўхшаб кетади. Фарқи чиройли очилган сочлари икки ёнига қуюлиб тушган, улар хаёл каби унсиз, беором. Малакнинг гунча лабларию камондек қошларида қалдирғоч қанотига монандлик бор. Қийғоч кўзларида сирли бир хилқат яширин, бу нима: ёрга интизорликми, айрилиқ қийноғими, меҳрми ва ёки меҳрга ташналик — билиш маҳол эди Синчиклаб узоқ тикилган кишигина унинг кўзлари хиёл намланганлигини, қисматдаги кўргулик сезгисидан беором эканлигини пайқаш мумкин эди, холос.

Сувратни тугатгач, у шалағи чиққан йиғма каравотга омонатгина ўтирди, кўзларини юмди-да, бир лаҳза тин олди. Вужудини ларзага солган қудрат руҳи-жонида сокин ва улуғвор осойишталик қолдирган эди. Нина қадалгандек ачишаётган кўзларини у зўрға очиб, ўрнидан турди, бориб қизга полотнони тақдим этмоқчи ва индамай изига қайтмоқчи эди.

... Эшикни ижозатсиз очдию сил каби мотамсаро бир алфозда узала тушиб, оғир ўйга толиб ётган қизни, кейин унинг шоша-пиша очилиб қолган сонларини ёпишга уринганини илғади ва беихтиёр ҳолатдан чиқди — ижозатсиз кирганлигидан хижолат бўлди у, таймовсиради. Даҳлизда чекинаётганида: «Кириг, кираверинг!» деган эркакшода овозни эшитдию бошини ўгириб тўрға қаради. Қизнинг ҳамхонаси — ўнг қўлида мўйқалам, чап қўлини белига тираб, молберт олдида турар эди.

— Кириг! — деди у, сўнг дугонасига юзланиб: — Турсанг-чи, Гулбаҳор! — деди ва мийиғида жилмайиб қўйди. — Хонани йиғиштир, мен чой қўйиб келай, худо ёрлақаб шундай йигит меҳмон бўлиб келибди.

Гулбаҳор жойини, кейин устол устини йиғиштирди, дастурхон ёзди. Чой ичиб ўтириб, сувратни энди қизга бера олмаслигини у ҳис этди. Журъати адо бўлган, бу ерда қиладиган иши қолмаган эди. Пиёлани дастурхон устига қўйиб, бўшашган кўйи ўрнидан турди.

— Хай, майли, мен бора қолай!

— Намунча? — Эркакшода ўсмоқчилади. — Дарс-

даям кўринмайсиз, соғинтирасиз. Тинчликми ўзи?

У, ҳа, тинчлик, деган маънода шоша-пиша бош ирғади, кейин кўз остидан Гулбаҳорга назар солди. Қизнинг қарашлари худди ўзи чизгани каби теран бир ҳасратга кўмилган эди. Бу кўзлар нажот истаётгандай, ёлвораётгандай бўлиб туюлди унга. Шунда ўзининг журъатсизлигидан эзилиб, ерга кириб кетай деди у.

— Қўлингиздаги нима? — яна уни гапга тутди эркакшода. — Мунча бағрингизга босмасангиз уни? Суратми? Кимники? Ўзингизникими ё?

— Ҳа, бир чизувдим... — деди у тутила-тутила, манглайдан тер чиқиб кетганини пайқагач, ноқулай бу ҳолатдан тезроқ қутулиш учун: — Хай, майли, мен бора қолай. Ўтинглар мунда-ай, — деди. Ва шунда қайтиб Гулбаҳорга рўбарў бўла олмаслигини, мана шу сонияда барчаси биратўла бой берилаётганини у англаб етди. Эҳтимол, чорак соатдан сўнг буткул кеч бўлар? Эҳтимол, қайтиб у хонасига боргунича ҳеч қутилмаган фалокат рўй берар? Шунинг англайтуриб, тақдирга тан берган киши янглиғ ортига чекинди. Ва ногоҳ кимгадир урилиб кетди у, шунда қўлидаги суврат учиб, шарақлаб полга тушди; ўзи урилган вужуд бағоят майинлигидан у пайқадик, ортидаги — қиз, шу боис сувратга узалишдан аввал қайрилиб ундан кечирим сўради, сўнг сувратини олмоқчи бўлиб ўғирилганида кўрдик, уни аллақачон эркакшода курсдоши олган, сувратнинг юзига қоплаган қоғозгина полда тўшалиб ётар эди. Шу чоғ:

— Вой, бу сенинг суратинг-ку! — деган овозни эшитди ва кўрдик, эркакшода курсдоши Гулбаҳор сари юзланиб сувратни унга кўрсатиб турибди.

Гулбаҳорнинг кўзлари чақнаб кетди. Дардга чалиниб ётган кимса интизор кишисини кўрганида не ҳолатга тушса, худди шундай — юзларига бир севинч ёйилди, сувратга талпиниб ўрнидан турди-да, унга сари қўлларини узатди.

— Вой, қандай яхши!..

— Лекин нима учун энди «Жалолиддиннинг Ватани»? — Эркакшода курсдоши унга саволомуз тикилди. — Нега? Ахир, бу бир нимадан безовта бўлган малак-ку, йўқ, мен эмас, Гулбаҳор ҳам эмас, самовий бир малак! Қарашлари нечоғлик сокин — Рафаэлнинг суратларидаги малойика бамисоли! Аммо сал нотинч у, яхшилик истайди, қани энди яхшилик

улашсам дейди! Йўқ, нигоҳи сокин эмас, кўз илғамас сирли хилқатлар яширин унда. Бир нималар бўлаётгандай. Нима, сиз Жалолиддиннинг Ватани шунга ўхшаш демоқчимисиз, Тоҳир? Жуда ғалатию қарашларингиз, а?!

У индамади. Бағридаги чигил тарқаб бораётган эди. Гулбаҳор лаблари билан унинг юзини силамоқчи бўлган каби оққушникидай бўйнини чўзиб:

— Раҳмат сизга!— деди бағоят миннатдор, унинг гап оҳангидан яққол сезилиб турарди бу.

Эртаси кун яна у дарсга бормади — тош қотиб ухлади. Индинига эшитдики, Гулбаҳор Қоработир деса деғулик ўша йигитга:

— Бир бошда бир ўлим!— депти!..

Қани энди, манави чизганларини кўриб, лоақал бирон киши шундай деса: «Бир бошда бир ўлим!»

Бир кун келиб шундай куйга тушиши муқаррар эканлигини ўзи ҳам сезар эди. Сурункасиз ижод, ўз бошига орттирган ортиқча ғалва — ойномани безаш, турмуш ташвишлари, шунга кўмилган кунлар шамга, айтайлик, туйғулар ёғ бўлса, шу ёғни пилик каби шимиб, шунинг эвазига лопиллаб турган шамга ўхшар, қачондир ўша ёғнинг адо бўлиши, қачондир пилик қуриб, тутай бошлаши муқаррар эди. Тўққиз ойдирки, бу дунёда қиладиган бирон иши қолмаган каби бетайин ивирсийди, юраги зиқ. Икки ой бурун ўзини зўрлаб бир суврат ишлай бошлади, бунда у гўё гўзалликнинг иккинчи умрини ифода этмоқчи бўлди. Мона Лизаникига қиёсан бир малак сувратини яратмоқчи, кейин дарз кетган ойна каби уни уч бўлакка бўлиб ташламоқчи ва уларнинг ҳар бирига қўшимча маъно ташувчи деталларни кенг кўламда, хирароқ йўсинда киритмоқчи, бирида қозон-товоқ, иккинчисидда — бола-чақа, учинчисыда — бужмайиб қолган олмага ўхшаш юракнинг тасвирини солмоқчи эди. Малак сувратини чизишга чиздию бирдан ният бачкана туюлди. Ҳар қалай, ундан эътиборга молик бир нима чиқмаслигига кўзи етгач, буткул кўнгли совида, ортиқ ҳеч вақога ҳафсаласи қолмади. Авжи саратонда беомон каллакланган дарахт каби шалпайиб, толғин ва ноумид, афтодаҳол ўтирганида аллаким гўё чақиргандек туюлди. Шу ҳол яна такрорлангач, хаёлини йиғиб, товуш келган тарафга юзланди у: телефон.

Оғринган каби ўмганини кўтарди-да, қирмизи аппаратга узалди, шу чоғ жиринглаш тинди ва тик этган товуш эшитилди. У дастакнинг белига кафтини босганча хийла кутди, бироқ телефон қайта овоз чикармади. У аппарат остига бостириб қўйилган эскизга кўз ташлади, бужмайган юрак тасвири қирмизи ранг олдида бағоят туссиз ва ўлик кўринди. Уч йил бурун шу ҳолатни туйганида, шаксиз, эскизни гижимлаб итқитган бўлур эди, ҳозир ҳатто шунга ҳафсаласи келмади. Бундан буён бирон-бир кимсанинг дилида сўнгсиз бир ҳайрат туғдиргулик асар яратишга на умид, энг даҳшатлиси — ҳаттоки рағбат сезмади у. Қўллари — устол устида — бургутнинг синган қанотлари каби шалпайиб ётар эди, қайтиб улар булк этмайдиган каби, мўйқалам тутмайдиган каби. Зим-зиё саҳро оғушига сингиб кетаётган карвон гўё унга кўриниш бергандек бўлди. Ҳар бир туя — бир лаҳза. Улар — юксиз, уларни юкламоққа эса унинг юки йўқ. Вақт карвони шу зайл бесамар ўтиб бораётир — йўқлик сари. Карвон қўнғироғи садолари ўлик сукунатни тилим-тилим қилиб юборгандек туюлди. Тағин у телефон аппаратида унча хушламай тикилди ва иккинчи бор жиринглаганидан сўнг гўё ўлганининг кунидан дастакни олди-да, қулоғига тутди.

— Ало-о, — бу сас гўё ғойибдан келаётгандек эди, оҳанграбо сасларидай майин, дилни ўртагувчи, жонбахш.

У ҳорғин овоз берди:

— Ҳа.

— Кечирасиз, Тоҳирни чақириб бера олмайсизми, а? — Қиз унинг йўқ дейишидан чўчиётган каби шунчалар илтижо билан ўтиндики, ўтинч сасларини тинглай туриб, ўзини у дастакка суяниб тургандай ҳис этди. — Ало-о?

Қиз яна бир: — Ало-о? — дегач, хаёли ўчган каби у бирдан ҳушёр тортди ва: — Ҳозир, — деди-ю, сўнг нима деярийи билмай ўйланиб қолди. Фаҳмича, уни эмас, қиз бўлак бир Тоҳирни йўқлаётган эди. Бу даргоҳда эса ундан бўлак Тоҳирнинг ўзи йўқ. Шунини рўй-рост айтишга эса сира унинг тили бормади, ипакдай майин шу овоз уни буткул ром этган, яна эшитгиси, яна у билан сўзлашгиси келар эди. Шу боис атай таъинсиз жавоб қилди:

— У киши... шу тобда... йўқ эдилар!

— Нима, бирон ёққа чиқиб кетибдими? Ва ё?..

— Ким билади дейсиз.

— Пичадаан кейин сим қоқсам, чақириб бера ола-
сизми у кишини?

«Сим қоқсам...»

— Албатта, жоним билан. Биздан нима кетди... —
У пойма-пой гапларни қалаштириб ташлади. Шу чоғ
қизнинг:

— Сизни овора қилдим — айбга буюрманг мени.
Хўп, хайр, раҳмат сизга! — дегани эшитилди, астой-
дил хижолат бўлгани унинг овозидан яққол сезилиб
турар эди. Тоҳирда бу муҳаббат ҳақида ёзилган дил-
бар ҳикоянинг диловор хотимаси янглиғ таассурот
қолдирди.

Қисқа-қисқа ту-тулаган заиф овоз ҳамон жимлик-
ни бузиб турар эди, қўлидаги гулгун дастакка у маҳ-
лиё бўлган каби бир лаҳза термулиб турди-да, кейин
уни жойига қўйди.

«Оҳанграбодай-а! Нима эмиш, «сим қоқсам» эмиш!
«Сизни овора қилдим — айбга буюрманг мени»! Ҳат-
то шоирлар ҳам мунчалар чиройли жумла тузолмай-
ди... Тоҳир? Ким бўлди экан у? Тоҳир-р. Ҳм-м. Тоҳир-
лар манглайи қаро бўлган, ким экан бу — худо ёрла-
қаган? — У қирмизи аппаратга умрида илк дафъа
жонли бир матоҳга қарагандай қаради. — Яна «сим
қоқаман» деди. Ким экан у? Биронтасининг... — Ўзи-
га шу тарзда тегишиши мумкин бўлган дўстларини
эслади у, йўқ, ҳеч ким ҳозир бирон қизга унинг но-
мерини бермайди, ва айтмайдики, телефон қил, шу-
нийам бир қитиқпатига тегиб қўййлик, деб. Ўша тенг-
дошлари аллақачон бунақа ҳазил-мутойиба дунёсини
тарк этган, барчаси вазмин тортиб, ўзларига қўйи-
лажак доҳиёна қиёфадаги ҳайкаллар шоҳсупасини
тиклаш билан банд. Ҳазил-мутойиба аралаш кечган
дамларни қўмсади, дили орзиқди. Сўнг яна ўша сас-
лар ёдига тушдию шундай малак йўқлаб турган но-
маълум адашига ҳаваси келибми, юрагида армон ту-
ғилди, дили ўртанди. Қизнинг саси авжи саратон бу-
лоқдан таралаётган шабада янглиғ хуш ва оромбахш
эди. Баайни мана шу шабадага кўмилиб кетгиси ке-
лаётганини ҳис этди у. Шунинг учун ҳам нотаниш
қизнинг гапи мухтасар бўлганлигидан ўкинди, ҳатто
унинг номини ҳам сўрамапти-я, лекин бўлиб ўтган
суҳбатнинг ўзидеки дилидаги қарахт туйғуни қўзғаб
юборган, ҳаёлида бир нима туғилган, бироқ ҳали-ҳо-
зирча шунинг нима эканлиги буткул мавҳум эди. —

Адашиб тушдимикин ё менга? Аммо тили бағоят ширин, аломат экан!»

Ўша куни у токи кечга довур қизнинг сим қоқишини интизор кутди. Иш вақти тугагач, ҳатто қоронғи тушгач ҳам юпун шу хонада кўмилиб ўтирди. Атай унинг асабига тегмоқчи бўлган каби қирмизи аппарат ҳам мум тишлаб тураверди, жиллақурса кўнгил учун тиқ этмади у, савил қолгур ишляптими ўзи ва ёки йўқми, деган хаёлда неча бор дастакни қулогига тутди, шунда ажабтовур бир сас эшитилди, демак ишляпти. Фақат... Диққати ошган сайин хўрликка ўхшаш бир туйғу юрагини эза бошлади. Назарида, шаҳарнинг аллақайси бурчагида, миллионлаб хоналарнинг қайси бирида товушлари ипакдай майин ҳурилиқо уни интизор қилиб ўтирибди, билади — бир оғиз лутфи-карамини тинглашга маҳтал, билади — юраги тарс ёрилиб кетай деяпти, лекин сим қоқмайди. Гарчи унга шундай бўлиб туюлса-да, қизга нисбатан на ранж туйди дилида, на нафрат.

Хона деразаси яхлит бир сувратга ўхшаб кетар эди, тўшалиб ётган шаҳар эса унда акс этиб турарди. Шомнинг гунафша ранг тўзғиган сочларини итқитиб ташламоқчи бўлган каби миллион-миллион чироқлар беҳолгина милтирарди.

Шу пайтда ҳам кимнингдир сим қоқишини кутиб ишхонада ўтириш... Эҳтимол, бирон юмушга андармон бўлиб хаёлидан кўтарилган чиқар? Балки у истаган Тоҳир ўз оёғи билан унинг уйига кириб боргандир? Ҳойнаҳой, шундай бўлган, бўлиши мумкин-ку, ахир?!

Нихоят, у ўрнидан турди, паришон тимирскиланиб устол устидаги қоғозларни йиғиштирди. Сўнг шошилмай кийинди-да, чироқни ўчириб даҳлизга чиқди. Эшикни ёпишдан аввал ихтиёрсиз равишда қирмизи аппаратга термулди. Сўниб бораётган умид маёғига ўхшар эди у, ахийри ширқ эткизиб калитни буради-да, ҳувиллаб ётган кимсасиз йўлак бўйлак юриб кетди.

Эртаси куни тушликдан қайтса, телефон оламни бузгудай жиринглаб ётибди. Қизни ҳам, кеча унинг «сим қоқаман» деганини ҳам ва қандайдир Тоҳирни йўқлаганини ҳам тамомила унутган эди. Шу боис бемайлихотир эшикни очди у ва ичкарига кирди-да, шошилмай дастакни олди, шунда... нақ миясига яшин келиб урилгандай бўлди:

— Ало-о?

— Ҳа?

— Тоҳи-ир?— дея дараклади қиз, қандайдир сезилар-сезилмас журъатсизлик билан.

Унинг дами ичига тушиб кетди. Кечаги кайфиятидан асар ҳам қолмаган, шу тобда аллақандай қиз билан пачакилашишни ҳам ўзига эп кўрмас, фақат қиз шунчалар муштоқлик билан Тоҳирни йўқлаётган эдики, дабдурустан, бизда ундай одам йўқ, дейиш, унинг раъйини синдириш оғир эди. Шу боис у мавҳум жавоб қилди:

— Ало?

— Тоҳир?— Қоронғида одамлар бир-бирининг юзини пайпаслаб топгани каби қиз ҳам гўё овози билан унинг юзларини пайпаслаётгандек, Тоҳирини излаётгандек бўлиб туюлди унга. — Тоҳирмисиз?

— Нимаиди?

Бундай саволни ҳеч кутмаган эканми, қиз жим бўлиб қолди. Тоҳир унинг заиф товушидаги титроқни пайқаган, ишончсизлик боисми, Тоҳирмисиз, деганида ҳам ҳуркибгина сўраган эди, тўсиндан берилган тайинсиз бу саволга айтгулик жавоби бўлмаса, дастакни қўйиши тайин. Шу боис, қизни чалғитиш муроидида у:

— Кеча нега сим қоқмадингиз?— дея ўсмоқчилади.

— Сиз... — Қизнинг товуши титраб кетди, — кутганмидингиз?— деди хиёл жонланган овозда ва ширин энтикди — аниқ сезилди бу. — Сизга айтганмидилар?— деди у қандайдир ёниқ ҳаяжон билан, кейин: — Мен... — деди алланечук рангсиз оҳангда, сўнг ҳатто нафас олиши ҳам эшитилмай қолди.

Ғалати эди: ўзини сичқон билан ўйнашаётган мушук каби ҳис этди у.

— Ярим кечага довор кутдим-ов сизни, — деди атай гина қилгандек оҳангда.

— Чинданми?!— Бир неча товушдан таркиб топган бу сўз сўз эмас эди гўё, табиий йўсинда таркиб топган оҳанграбо сасининг мусиқий жилваси ва ёки ялт этиб нур тушган дуру ноёбнинг камалак янглиғ жилоланиши деймизми, ҳар қалай, шунга ўхшаш ҳайратангиз бир мўъжиза эдики, унинг назарида, оч сариқ, оч яшил ранглар оч қизилга қоришиб бирдан бодрадия бу ёруғ оламни тутиблар кетди. Шу синоат замирида нозу ишва ҳам, эркаланиш ҳам, қарор топаётган ишонч ҳам — барча-барчаси мавжуд эди. —

Мен... мен ўйлабманки... — дея давом этди қиз китобий йўсинда, — сиз... янглиш рақам териб... ахир, тус-моллаб... менга туюлдики, сиз... аслиям телефон номерингиз шудир деб ўйловдим-а! Кўнглим сезувди ўзи!

Аввал бошда — Тоҳирининг дардида адойи тамом бўлиптию бечора, деб ўйлаган йигит қизнинг кейинги гапларидан сўнг тамомила гарантсиди. Қизнинг узук-юлуқ гапларидан бир маъно чиқариб олишга қурби етмади унинг, ҳарчанд ўйланмасин, калаванинг учини тополмади, алай-балай деб яна мунофиқлик қилишга тили бормади — қизга жавобан бир нима деёлмади, шу тариқа ўртага ноқулай жимлик чўкди, бу — нохуш эди; у жўрттага ташвишланганнамо: — Ало! Ало! — деди. Бунга жавобан қиз овоз берди. Шунда:

— Негадир товушингиз эшитилмаяпти, — деди у ўзича шумлик қилиб.

— Мен эса яхши эшитяпман! — деди қиз.

— Номерингиз ўшами? — деди у, худди ҳеч вақон эшитмаётган одамдай, товушини баландлатиб, — ҳозир мен телефон қиламан сизга. Номерингиз...

У тарафдан садо келмади. Хийладан сўнг қизнинг оҳиста йўталгани эшитилди, кейин истар-истамас — бу гап оҳангидан аён сезилди — у олти рақамни санади ва ўтинди:

— Фақат... илтимос, кўнглингизга олманг-у...

— Хўш, хўш?

— ... Сиз сим қоқмасангиз! Мен... ўзим... хайр...

Беихтиёр:

— Хайр, — деди у ҳам. Сўнг, эҳтимол, одоб юзасидан, биринчи бўлиб дастакни қўймай қиз сукут сақлаётганини пайқагач, — хайр, саломат бўлинг, сим қоқишингизни кутаман, — деди у ва оҳиста дастакни қўндоғига қўйди. Кўнгли хижил эди. Узалиб қаламини олди-да, ўтирди ва чап кафтига иягини тираган кўйи хийла вақт бир нуқтага тикилиб қолди. У на ўй ўйлар, на мушоҳада юритар, уйқуси қочгач, кўрпадан чиққиси келмай чўзилиб ётган киши алпозида эди. Қизнинг бехислат эмаслигини ва қандайдир Тоҳирни қумсаётганини у фаҳмлаган, бироқ бу ҳақда ўйлашни ҳам истамас эди. Фақат унинг товуши... Шу чоғ устол четида ётган эскизга кўзи тушди. «Гўзалликнинг иккинчи умри». У бир варақ қоғоз олди-да, булутли осмон тасвирини сола бошлади: оламни зулумот қоплаган, тумтайган булутлар орасидан эса бамисоли ипак толасидай бир ҳовуч нур қуюлар эди.

У нимтагиңа ойдан мўралаяптими ва ёки офтобдан, буни билиш маҳол. «Суврат ортига худди мана шундай тус берилади», деб ўйлади у, шубҳасиз, бу уни жонлантириб юборарди, аммо санамнинг ўзи... санамнинг ўзи қандайдир жонсиз, қандайдир беҳол... Шу эскизга неча бор уннаган бўлса, бирон марта қизнинг чеҳрасини аниқ-тиниқ кўз олдига келтира олмади, шундан қийналди у. Баногоҳ, шу сувратга оби-ҳаёт янглиғ таъсир этиши мумкин бўлган бир синоат яшириндек туюлди. «Хўш, нима у?» Кўзларини юмди-да, чап кафтига иягини босди, «нима?.. Менга нима бўлди ўзи?» Мияси тўнгиб қолгандай эди. У бошини кўтарди ва яна қирмизи аппаратга кўзи тушди. Шундагина ўша қиз, ҳар гал у билан сўзлашганида қизнинг овози ғойибдан келаётгандай туюлиши унинг ёдига тушди. Ҳа, ҳа, суҳбатлашаётиб, у анави дастакка, йўқ, йўқ, қизнинг майин ва жонбахш овозига суяниб тургандай ҳис этар эди ўзини! Бироқ бу овозни, кама-лакдай товланувчи мусиқий сасларни, ундаги новниҳол тароватни сувратга қандай сингдиради у?

... Эртаси кун қизни у атай чалғитди.

— Раъно, сизмисиз? — деди у, қизнинг товушини эшитган заҳоти таниган бўлса-да, лекин у тарафдан, йўқ, бу — мен, фалончиман, деган иддао келмади, қиз индамади. — Гулчеҳра?..

Ниҳоят, бир нимадан дили озор чеккан каби синиқ, сал фаромуш овозда қиз дедики:

— Йўқ, Раъно эмасман, Гулчеҳра ҳам эмас!

— Кимсиз унда?

— Бу — мен! — деди қиз. — Менман! — дея таъкидлади жиндай алам ва ғурур йўғрилган иддао билан, гап оҳангидан унинг «наҳот менинг овозим бировларникига ўхшаса?» деган ўкинч яққол сезилиб турар эди. — Сиз... — деди у ва гарчи малакнинг қорасини ҳам кўрмаган бўлса-да, шу тобда қошлари чимирилганини Тоҳир аниқ тасаввур қилди, — анавиларнинг сим қоқишини кутаётган эдингизми?

Мабодо у, ҳа, деса, қизнинг йиғлаб юбориши таяин, унинг титраб кетган хиёл бўғиқ овозидан йиғи ҳиди келиб турарди. Шу боис у кечирим сўради ва шоша-пиша изоҳ берган бўлди:

— Анавилар, — деди у қизга ёқиш учун атай беписанд оҳангда, гўё уларни ерга уриб, — бир маҳаллар бирга ўқишган қизлар. Мен ўйлабманки...

— Мен жамики овозлар ичидан ҳеч адашмай сиз-

никини билиб оламан-ку, ахир?!— деди қиз алам ичра сўниб бораётган овозда, шу овоз гўё унинг жонини суғуриб чиқди ҳам.

Тоҳир бирдан чўкди, манглайдан реза-реза терчикиб кетди, ўзини йўқотиб қўйди у ва нима деярини билмай:

— Биласизми, улар... шунчаки, сим қоқишмоқчи эди, холос,— деди у гўлдираб, — кутиб турган эдим, шунга...

— Унда... кечиринг,— деди қиз йиғлаб бўлган кишининг овозида. — Мен...

— Ало!— Шундай бўлиши муқаррар эди — унинг илтижоси бўғзида қолди, дастакдан товуғини чақираётган кампирникига монанд ту-тулаган овоз эшитила бошлади. Аслида, Раъно деган курсдоши йўқ эди унинг, Гулчеҳра деган ҳам. Қизнинг исмини билиб олиш ниятида атай ўсмоқчилаб кўрган эди, холос. Қилмишидан пушаймон бўлди у. «Шартмиди шу?!» У қўйин дафтарчасини бир-бир варақлаб, ниҳоят, қизнинг телефон номерини топди-да, бирин-кетин олти рақамни терди, тердию шу заҳоти тағин дастакни аста жойига қўйди, қизнинг иродасига қарши боришга ҳадди бўлмади унинг. Умуман, қилаётган шу иши...

«Мен жамики овозлар ичидан ҳеч адашмай сизникини билиб оламан-ку, ахир?!» Минглаб чумоли ўрмалаган каби унинг вужуди жимирлаб кетди. Ўрнидан турди-да, атрофига аланглади, тимирскиланди, кўнгли алланимани тусар, бироқ ўша матоҳни ахтариб топа олмас эди. «Мен жамики овозлар ичидан ҳеч адашмай сизникини билиб оламан!..» Тимирскиланиб у ғаладонни титкилади, баногоҳ кўзи «Родопи»га тушди. Бир дона сигарет олиб лабига қистирди, худди ҳовурини шу оладигандай шоша-пиша гугурт чақиб, уни чўглантирди-да, ютоқиб чекди. Дераза олдида бориб, ҳаворанг тутунни бурқситар экан, беихтиёр такрорлади: «Жамики овозлар ичидан ҳеч адашмай сизникини билиб оламан!..»

Агар, жисми-жони минг-минглаб чечаклардан таркиб топган-у, улар аллақачоноқ қовжираб сўлган бўлса, гўё чашмадан шундай бир намхуш насим таралдики, ўша чечаклар қайта бошдан япроқ ёзгандай туюлди. Бундан беш йилча илгари асаб толиқиши туйфайли хийла вақт даволанган, кунларнинг бирида у касалхона ҳовлисига чиқиб, баайни ҳозиргидай ҳолатни бошидан кечирган, барқ ураётган яшилликка,

тенгсиз даражала шаффоф, тенгсиз даражада мусаффо сува, ундан ҳам тиниқ ва ундан ҳам поёнсиз феруза осмонга — маҳобатли, муҳташам илоҳий чиройга термулганида... тош қотган дийдаси эриб, кўзларидан тирқираб ёш чиққан эди. Ҳозир ҳам ташқарига, адоқсиз осмонга тўйиб-тўйиб термулгиси келдию бироқ деразанинг ғубор инган ойналари ҳарир парда янглиғ оламни тўсиб турарди, шу пайтга довуру бунга эътибор қилмаганига ўзи ҳам ажабланди, дастурмолчасини олди-да, дераза тавақаларини очиб ойнасини арта бошлади. Шу чоғ яна телефон жиринглади. У юмушини чала қолдириб ортига ўтирилди ва дастакни олди. «... жамики овозлар ичидан...»

— Алу-у?

Юрагидаги ўтга биров бир челақ сув сепгандай бўлди. Хушламайгина, ҳа, деди у.

— Хўжайин?

«Гулбаҳор». Оламда шундай бир товуш ҳам мавжудлигини ёдидан чиқарган экан у. Мана шу товуш гўё бўйнига сиртмоқ бўлиб тушди-да, қуйига — етти қават осмон устидан қуйига сурғалай бошлади.

— Нима дейсан?— деди у зарда қилгандай, энсаси қотиб, ҳалиям етти қават осмон устидан кўнгил узгиси йўқ эди.

— Кечқурун каттангизнинг мактабида...

«...ота-оналар мажлиси бор экан. Ўтарсиз». Хотинининг гапини у шарт кесди:

— Ўзинг ўтсанг, тўпиғинг тушадими?— деди у иддао қилиб, бари бир, алами босилмади,— йиғинга мен югурай, бозорга мен югурай, қачон ўз ҳолимга қўясан, ахир?— У дастакни шарақлатиб қўндоғига босди, сўнг қарсиллатиб деразани ёпди, кейин тутоққан кўйи эшикка довуру борди, шу ерда пича турди-да, қайтиб келиб тагин жойига ўтирди. Очиқ-сочиқ ғаладондан яна бир дона сигарет олди, асабий ва узоқ эзгилади, сўнг оҳиста хўрсинганча уни лабларига итирди...

Табиатан қоришиқ бўёқларни ёқтирмасди у. Ҳозир туйғулари қоришиб кетиб таъбини хира қилди. Қизининг сим қоқишини кутиб турганида хотинининг телефони қилиши, тагин атай қилгандек ўғлини эслатиши уни телба қилиб қўяёзган эди. Мана шу хилқат — чирмовуқ каби уни чирмаб турган мана шу хилқат... Кейин, ҳовури бир оз босилгач, хотинининг илтижосидаги беозор оҳангни, унга жавобан қилган дағаллиги-

ни эслаб, баттар дили хуфтон бўлди. Кечга довур нима қиларини билмай чўғи оловланмаган тараша каби гутаб ётди у.

Чоршанба, пайшанба, ҳатто жуманинг биринчи ярми ҳам коктейл сингари туюлгувчи — қуйқа ва ўлик кунлар бўлди. Аввал бошда калаванинг учини йўқотиб қўйган одамдай фаромуш юрди, бирон-бир ишга қўли бормади. Ҳафтанинг охириги кун иса безакларни топшириб улгуриши лозимлигини қайта ва қайта эслатишгач, кўмилиб ишлади. Ўша қизни қўмсаш тугул манглайдаги реза-реза терни сидиришга ҳам фурсат топа олмади. Доимий равишда ойда бир марта қайтарилувчи мана шу жараён аллақачон бадига урган, кун сайин, соат сайин шу ишдан кўнгли совиб борар, энг нохуши — шуни ҳис этган ҳолда тагин ўзини зўрлаб бўлса-да, ўтирар эди. Бола-чақа — тирикчилик ташвиши, агар шу зарурат бўлмаганида аллақачон у этагини бир силкиб кетган бўлар эди бу ердан. На чора.

У ўсмирлар ойномаси мусаввири бўлмиш бақалоқнинг беўхшов чизмасини қўлига олди-да, ўзининг таъбири билан айтганда, косиблик қилишга тутинди. Жиндай-жиндай сайқал бергач, яроқсиз матоҳ пича жонлангандай туюлди. Кишига малол келадигани — шу. Косиблик қилмай деса, анави суллоҳ кўз очиргани қўймайди. «Ҳеч бўлмаса, йилда бир номимиз кўринсин, ака. Биздаям уч-тўртта чуғурчиқча бор, ҳар оқшом оғизларини карнай қилиб, юҳодай ютаман деб туришади. Шафқат қилинг! Хи-хи-хи-хи. Биз, ака, даҳоликни даъво қилмаймиз, пақир киши панада». Чиқармайин деса...

Гап ҳашаки матоҳда эмас. Ижоднинг йўли шундай — бўтана дарёга ўхшайди ўзи ва унинг таркибида хасу ҳашак ҳам, олтин зарралари ҳам қоришиб оқади. Лекин у — бир замонлар барчани бирдек «бир бошда бир ўлим» дейишга ундовчи асарлар яратаман, деб ўйлаган зот косиблик қилгунча...

Юраги тош қотиб, назарида, тобора оғирлашаётган эди. Ўзини у яна ботқоқ қаърига чўкиб бораётгандай ҳис этди. Мана, кифтлари ҳам қандайдир юк остида қолди ва у бўғилиб бошини кўтарди-да, зўрға нафас олди. «Жалолиддининг ватани»дан тортиб Пикассоча йўсинда чизган сувратларию энг сўнгги уринишларига довур — ҳамма-ҳаммаси тадрижий тарзда муайян тартиб ҳосил этиб кўз олдида уйғунлашди.

Аллақачон бу сувратлар унинг олаמידан узилиб кетган, иккинчи даражали бўлакка айланган, руҳиятидаги бугунги тўхтам эса қандайдир чигал ва боз устига, шу мавҳум кайфият моҳиятини ифода этай десаннимадир қўлу оёғини ипсиз боғлаб турар эди. Бўғзи-га довур ботқоққа ботган янглиғ у қимирлашга имкон сезмас, гўё миясида биргина ҳужайра ишлаб турар ва неники кўрса, шуни идрок этар, аъзойи бадани эса ўликники каби сезгидан маҳрум эди.

Телефон ҳам одатдагидек жирингламади, назарида, аллаким нақ миясига ертешарни тираб тариллатгандай бўлди. У сесканиб, асабий важдоҳатда аппаратга ўқрайди. Кимдир атай, гўёки гашига тегиш, гўёки асабларини чийириш учун сим қоқаятгандай эди.

— Ҳа!— Товуш эмас, гўё бир ҳовуч заҳар сачраб кетгандек туюлди.

— Ало-о?

Шароб дарддан фориг этиб, элитгани каби бирдан ҳовури босилди, интиқ нарсасига талпинаётгандай иягини хиёл олдинга чўзди ва қулт этиб ютинди. Бемажол кўзлари юмилди ва қизга жавобан толғин, узрхоҳ овозда:

— Ало!— деди.

— Бу — мен!— дея изоҳ берди ноаён хилқатда яширин малак, бемаҳал безовта қилганидан юрагититраб кетгандай бир аҳволда эди у.

У, чарчоқ ва тажанглик боис тиришган юзларига гўё фаришталар хушбўй анбар суртиб силаб-сийпагаётган каби бир ором туйди, ширин бир уйқу элита бошлади.

— Бу — мен,— деди қиз тагин, қайдадир у билан сўзлашиш илинжида интиқ турганлигини эслатган каби, сўнг ўксингандай енгилгина хўрсиниб қўйди.

У ширин туш кўриб уйқудан уйғонган кишидай кўзларини очди ва чап қўлида қирмизи аппаратни қўтарганча ўрнидан турди-да, қоғозлар орасидан суғурилиб чиқиб, дераза олдига борди.

— Албатта, бу — сизсиз!— деди сўнг йиғи пардалаган бўғиқ овозда.— Сиздан бўлак ким ҳам ёдга оларди мени — шундай пайтда...

— Раҳма-ат сизга!

Бу ғаройиб товушни илғамоқ истарди у: қаёқдан келаётир мезонга ўхшаб, нега мунчалар ёқимли, оҳанграбоси борми унинг? Деразанинг артилган ўша бир

ларча еридан у ташқарига — деворига чанг ўтирган биноларга, чўзилиб ётган ҳорғин кўчаларга, ғубор босган олис уфққа тикилди. Нақадар толғин эди бу шаҳар, унинг хира осмонида мезон янглиғ учиб юрган ўша овозни илғай олмади у. Шунда-да қизга уникидан-да майин овозда, илтифот кўрсатиб бир нима дегиси келди унинг, бироқ бўғзида турган товуш бағоят беўхшов чиқишини, ўзининг туриш-турмуши бесўнақайлашиб кетганлигини ҳис этдию жим қолди. У дастакнинг қуйи қисмини кафти билан тўсди-да, томоқ қирди. Шу пайг қизнинг тағин: — Ало-о! — дегани эшитилди. «Ало-о» деяётиб, негадир унинг товуши титраб кетди, афтидан, раҳма-ат, дегач, ундан бир садо чиқмагани боис ўнғайсизланаётган, сим қоққанига пуншаймон бўлаётган эди у.

— Яхшимисиз? — деди у ниҳоят ва сўнг қизнинг шунга жавобан назокат ила бир сўз айтишини кутди, баногоҳ унга туюлдики, малак, товушингиз мунчалар дағал, дея инжилади. Юраги увишиблар кетди унинг. Бироқ ундай демади қиз, аксинча, шуни, яъники овози нечоғлик дағал эканлигини айрича йўсинда сездирди, холос, демоқчимизки, таърифига ҳаттоки тил ожиз бўлмиш бир назокат ила:

— Тузукмисиз? — дея кўнгил сўради у ва шу лутфу карамда буткул бир ансамбл ижросидаги нағма мужассам эдики, хусусан, кейинги жумла истифодаида шундай бир истиғно жилва қилдики, унинг чанг босган кўнгил торларига илоҳий бир сас келиб урилгандек, камалак янглиғ жилвалангандек туюлди. Наҳот ундан кўнгил сўраган ўша малак бўлса? Ва ё фариштами? Ахир, инсон боласига шунчалар диловор товуш насиб этиши мумкинми сира? Бунчалар майин у? Бунчалар жозиб? Беқарор туйғулардан бунчалар товланмаса бу саслар?!

— Нега индамайсиз? — Қизнинг товушида оромсизлик белги берди ва бу нафас текканида атиргулнинг сезилар-сезилмас лохасланишини эслатиб юборди унга. «Мабодо фаришта эмасмисиз?» дейишга эъди у оғиз жуфтлаган эди, зарб билан очилган эшикнинг шарақлаши қулоғига чалинди. Ва беихтиёр ортига ўгирилди — хомсемиз ҳамкасбининг терчираган бақбақасига кўзи тушди.

— Ҳормасинлар! Жа-а, бу дейман?.. Қалай, бизнинг шедеврларни кўриб улгурдингизми, ока?

Бақалоқнинг гапиши у жавобсиз қолдириб, тағин

дераза тарафга юзланди. Аллақандай нохушлик юрагини босар эди. Шу чоғ бижғиб ётган кўлмакка сизиб кирган тиниқ сувдайин фарахбахш бир сас таралди:

— Нега индамайсиз, ахир?..

— Сизнинг овозингизни эшитсам, дейман-да! Шунга...— деди у бегонанинг олдида хижил бўлиб, сўнг ҳали кўнглидан кечган гапни эслашга уринди. Эслаёлмади. Ўша малакнинг кўнглига ёқгувчи яна бир фикр хаёлини равшан этди-ю, тўсиндан «анави безбет ҳалиям зинкийиб турибдими», деган ўйга борди ва қайрилиб ортига қаради, шу чоғ қуюлиб келган фикрлар беихтиёр тилига кўчди: — Биласизми, худонинг ўзи ҳар кимга бир неъмат инъом этади, дейлик, у сизга овоздан берган. Шу овозни эшитатуриб, агар ўлиб кетса армон қилмайди киши. Мен... мен... бўлак масала бу. Биласизми нима, бир шоир — кеча унинг асарига суврат ишлаган эдим, ҳозир, — у шеърнинг иккинчи нусхасини қоғозлар орасидан ажратиб олди, — биласизми, у нима деб ёзади, кечирасиз, сиз шеърни хуш кўрасизми ўзи?

— Вой, бўлмасам-чи!

— Ўқиб берайми?

— Кимники? Ишқилиб, ўзингизники эмасми, а?!

Қизнинг саволини жавобсиз қолдирди у.

— Хў-ўш, эшитинг унда, — негадир товуши йиғига йўғрилиб чиқди, — *Мажнунтол тагига ўтқазинг мени, Қоврилмай то ғашлик алангасида, Мажнунтол тагига ўтқазинг мени, Нафасимни ростлай кўланкасида. Мажнунтол тагига ўтқазинг мени, Қушлар овозига қулоқ солайин. Мажнунтол тагига ўтқазинг мени, Хаёл оғушида ором олайин. Мажнунтол тагига ўтқазинг мени, Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим. Мажнунтол тагига ўтқазинг мени, Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим...*

У жим бўлиб қолди, қиздан ҳам садо чиқмади, хийла вақтга довр унинг нафас олиши ҳам эштилмай қолди. Йигит қандайдир лаззатбахш, тотли жимжитликни бузишни истамас, ҳорғин шаҳар чангу ғуборга кўмилиб ётар, у шунга кўз тиккан кўйи сукутга толган, лекин ҳеч вақони кўрмас, илғамас, аллақачон дийдаси эриб, қароқлари намланган эди. У, қандайдир жонсиз дастакни эмас, дардини олгулик фариштанинг қўлидан тутиб, кафтини юзига босиб тургандай ҳис

этар эди ўзини. Гўё фариштанинг тим қаро сочлари мажнунтол кокилларидай боши узра қуюлган-у, у... Ниҳоят, малакнинг енгилгина хўрсингани қулоққа чалинди, кейин у бирдан кулиб юборди. Тоҳир, аллақандай қитмир гўё ортида жўрттага танга сочгандек, танга жаранги хаёлини ўғирлаб беихтиёр ўгирилганида ҳалигининг калакаомуз турқиға кўзи тушгандек жуда нохуш аҳволда қолди. Тағин дийдаси муз қотди унинг. Кўзларидаги аланга сўндию унинг ўрнида қаҳрми, топталган туйғулар маломатими, ишқилиб, шунга ўхшаш совуқ бир ифода акс этди.

— Кулгили эканми?— деди у дили оғриган кишининг аччиқ тўла овозида.

— Йў-ўқ, нега?— Қизнинг ҳушёр тортгани шундоқ говушидан сезилиб турарди. — Мен... кечирасиз... сизни... — Яна кулги садолари бу овозни босиб кетди.

Бамисоли гўр олчани тишлагандай йигитнинг афти буришди.

— Нега куласиз?— деди у ошкора таъна, адоват билан.

— Мен сизни... кечирасиз... Мен сизни Алпомишдай бўлсалар керак, деб ўйлаган эдим. Алпомишни кўтари-иб келиб қандайдир мажнунтол остига ўтқазишса... кулгили эмасми, ахир?— Қизнинг кулгиси яна танга жарангидай жаранглаб кетди, бу гал у йигитнинг кўнглида малол уйғотмади, балки унинг ўзи ҳам шу кулгиға шерик бўлди.— Алпомиш чолға ўхшаб мункайиб ўтирсаю унга мажнунтол...— тошиб келаетган кулги қизнинг гапини бўғиб қўйди.—...мажнунтол гапира бошласа, кулгили эмасми, а?!— Қиз кулмас, гўё кимдир, қайдадир нафисгина тилла қўнғирсқчани чалар, унинг тансиқ садолари гўё атиргулнинг муаттар бўйига йўғрилган бағоят мусаффо, фараҳбахш кўклам ҳавосини дераза тирқишлари орасидан бошлаб ккбаётгандай туюлар эди. Йигит енгил нафас олди, сўнг нохуш сўз айтиб қўйишдан, ўйлари-ни шарҳлаётиб ноўхшов ўхшатиш қўллаб юборишдан чўчиб, эҳтиёткорлик билан айтдики:

— Йўқ ердаги гапларни айтасиз-а! Алпомиш қаёқдаю... мана шу ўхшатиш тасаввурингизда...— фикрининг давомини у қай йўсин баён этарини билмай пича чайналди ва охири китобий қилиб:— мантиқсизлик туғдирган, бу эса кулгили,— деди сўник ва лоқайд овозида.

Қиз эътироз билдирмади, аксинча, қандайдир ҳадик-хавотир билан:

— Мабодо, ишдан қўймаяпманми сизни?— деб сўради. Йигит туйдики, унинг овозида хўжасига мулозамат қилаётган ва унинг марҳаматидан дариг қолишни истамаётган жорияникига монанд ҳаяжон яширин. Қандай қиз экан бу? Шу тобда нима қилаётир ўзи? Шунини у тасаввур қилишни истади ва ҳадди сизиб сўрадики:

— Утирибсизми, ё?..

— Нимайди?— Қиз ҳушёр тортди ва унинг хиёл бўлса-да ташвишлангани овозидан яққол сезилди.

— Сизни... қандай тушунтирсам экан, ҳолатингизни...

— Билмоқчийдингиз, шундайми? Ҳозир дераза олдида...

— Турибсиз, шундайми?

— Ҳа.

— Эгнингизда қирмизи халат?

— Қаёқдан билдингиз?

— Деразадан ташқарига...

— Кийгоч гуллаган бир тўп ўрикка...

— Ўйчан термулиб...

— Турганча...

— Мен билан...

— Сиз билан...

— Суҳбатлашаётирсиз,— деди йигит хушнуд овозда. Гарчи дили яйраган бўлса-да, юрагидаги муз батамом эримаган, бу муз — йиллар бадалида йиғилган чарчоқ — тош каби қотиб турар, бу оний суҳбатлар ҳарорати уни сел қилишга қодир эмас эди, чамаси.— Нима, кийгоч гуллаган бир тўп ўрикка, дедингизми?— дея сўради у бирдан сергак тортиб.— Ўрик гуллаяптими, а?

Яна ўша — тилла қўнғироқчанинг нафисгина аксу садеси кулоғига чалинди.

— Ўрикнинг гуллаганига ҳайронмисиз?!— деди қиз ҳайратини сира яширмай.— Ахир, ҳосилга кираптию!

У нимадандир қуруқ қолган кишидай хиёл ташвишланиб, ғубор инган ойнанинг артилган жойидан кўчага, хиёбонларга эътибор бериб тикилди ва дарахтлар яшил либос кийганини, шаҳарнинг олис бурчаклари яшнаб ётганлигини ниҳоят илғади; баайни шу яшиллик кифтидан гарду ис аралаш бир ҳорғинлик босиб турганлигини ҳам илғади у. Ва беихтиёр:

— Баргларга ўтирган чангу ғуборни ҳам кўряп-сизми?— деган сўров оғзидан чиқиб кетди. Репродукторда бир шарпа ғув этдию кейин кар жимлик ҳукм сурди. Пичадан сўнг гўё сув кириб том битган қулоғи очилгандай тагин бир нима ғув этди ва қизнинг:

— Қанақа ғубор?— деган навозишли тансиқ овози қулоққа чалинди. Боя у кулгисини яшириш учун кафти билан дастакни тўсиб қўйганини йигит шунда фаҳмлади.

— Нима, ғуборни кўрмаяпсизми?— деди у пича иддао билан.

— Ахир, улар кеча куртак ёзишдию! Тагин қанақа ғубор инсин?..

Қизнинг шалоланикидай тиниқ овози таққосида, ҳарқалай, ўзини у бирмунча қартайиб қолган каби ҳис этди. «Ахир, улар кеча куртак ёзишдию! Тагин қанақа ғубор?..» дея хаёлан такрорлади у ва ногоҳ кўнглидан кечган фикрни қизга баён эта кетди:

— Сиз... сиз-чи, сиз, эндигина тоққа чиқиб келатган Сизифга ўхшайсиз. Бир пайтлар худди шу ҳолатни бошдан кечирганман. Ушанда ҳаммаси кўзимга бошқача — сирли ва ғаройиб бўлиб кўринган, тоғнинг ортида нелар бор — билмайсан, шуни билишни истайсан киши. Ҳозир сиз, чўққига чиқишни, қаршингизда бўй бермай турган хилқатни ўйлайсиз, холос!

— Сиз-чи, сиз?

— Менми?— Алами келиб у чуқур хўрсинди.— Мен аллақачон бу йўлни босиб ўтганман,— деди ҳасратга тўлиб, сўнг алам билан жилмайди.— Энди мен... дарага қулаб боряпман — Сизифга ўхшаб!

— Чўққининг нарёғида нима бор экан?— деди қиз эркаланганнамо, унинг гап оҳангида ҳасадга ўхшаш бир синиқлик ҳам яширин эдики, у йигитнинг гап-ларига кулиб қараётгани шундан сезилиб турарди.

— Чўққининг нарёғида?..— хаёлини банд этиб турган Сизифнинг кўргулиги бошқача йўсинда фикр юришига монелик қилди.— Сиз... сиз Сизиф ҳақидаги нақлни ўқиганмисиз?

— Йўқ, аввал сиз менга чўққининг нарёғида нима борлигини айтиб беринг-чи?

У — булутларга ёндош иморатнинг энг тепа қаватида турган одам, деразадан нарига қаради: йўлак четидаги акациялар шувоқчилик кўринмас, талтанглаб бораётган одамлар чумолига менгзагулик эди. У

Тошини кўтарди ва шундоқ рўпарада осмоннинг устунидек кўкка бўй чўзиб турган телеминорага кўзи тушди. У турган баландлик миноранинг «тизза»сига ҳам тенг келмас эди. Таниш бир кечинма дилини чулғади. Шу чоғ қизнинг бир нимадан ташвишланган каби:

— Ало-о! — дегани эшитилди.

— Ҳа?

— Чўққининг нарёғида нима бор экан?

— Шундай жойларга ҳеч чиқмаганмисиз дейман?

— Ҳм-м.

— Айтайми — чўққининг нарёғида нима борлигини?

— Айтинг!

— Толиблик пайтлари алпинизм билан шуғулланар эдик, — деди у тилар-тиламас, — учинчи курсда Чимторга чиққанмиз, ўзиям беш ярим минг метр баландликда. Қанча тайёрландик, қанча вақт кетди шунга, ахийри чиқдик ҳам, — ортда қолган машаққатлар хаёлида жонландию синиққина жилмайиб кўя қолди у. — Чиққунимизча она сутимиз оғзимизга келди-ёв. Энди чўққига кўтарилган пайтдаги хурсандчиликни айтиб ўтирмасам ҳам бўлади, қийқирган — ким, байроқча ўрнатган — ким. Мен ўша — шамол учириб кетай деяётган жойда туриб, қуйига қарадим: сизнинг бутун бошли шахрингиз кафтдаги носчалик кўринмайди у ердан! Мана мен деган денгиз, ишонсангиз, чумолининг кўз ёшичалик туюлмайдди. Рост, ҳали шсир айтганидай, баҳри муҳит нима, нима у денгиз... Чўққининг нарёғида нима борлигини ўшанда кўрдим.

— Ҳўш, нима бор экан?

— Дара. Оддийгина, туман чўккан дара. Худди губида сув қайнаб, буғланиб ётгандай. Ҳозир ҳам уники кўриб турибман, сиз билан гаплашяпман-у, назаримда, ўша дарага эниб бораётгандайман!

— Унда... сиз қайтинг, дарров жойингизга қайтинг! Хўпми? Ўша чўққида учрашамиз!

Йигитнинг юраги бир чайқалди. Ўксик кўзлари намлангандай бўлди, кейин истеҳзоли кулги лабларига қалкиб чиқди.

— Э-э, сиз!.. Сиз!.. — деди у аламзада овозда. — Сиз билмайсиз-да, ўша дара нақадар тубсиз эканлигини, менинг туманда адашиб қолганимни, кейин...

— ...Юрагимга даҳшат солган бу дара ҳам эмас! Унинг нарёғида — туман қўйнида тоғнинг яна бир

шундай силсиласи бор эдики, энди унинг чўққиси...—
У яна телеминорага қаради.— Асли қайтмаслигим
керакмиди ўшанда? Шерикларга, униям биратўла забт
этайлик, десам, ҳафсала қилишмади. Ўзлари-ку, майли,
мениям йўлдан қайтаришди, бекорга ўлиб кетасан,
дейишди. Шу-шу...

— Ҳалиям чиққингиз борми ўша чўққига?

— Йў-ўқ.

— Нега ўқинасиз унда?

— Қандай тушунтирсам экан сизга? Энди... юрак-
да ғужур қолмаган, ғужур! Энди... у чўққи мен учун
маъносини йўқотган, тушундингизми?

— Агар мен ўша чўққига чиқсам-у, сизни чақир-
сам, чиқармидингиз?

— Ким билсин? Ҳарқалай, кеч эмасмикин?

— Тоҳир, Тоҳир, Тоҳир!, дея муттасил овоз бериб
турсам-чи, агар?!

Қиз гўё рўпарасида турган каби у, билмасам, де-
ган маъно англатиб елка қисди.

— Қўлингиздан тутиб тортсам-чи, агар? Ҳоли-
жонингизга қўймасам-чи сира?!

— Раҳма-ат!— деди у, қизнинг болаларча беўйлик
ва тантиқлик билан айтган гапларидан мийиғида ку-
либ, кейин, назарида, малакнинг гап оҳангида астой-
дил куюниш бордек туюлди унга ва меҳри товланиб
дедики:— Мингдан-минг раҳмат сизга! Лекин у чўқ-
қининг ўз хўжаси бор, шуни билганингизда бундай
демаган бўлур эдингиз! Шундай чўққини эгаллайман
деб Сизиф оқсуяк бўлган! Уриниб-суриниб чиқаётга-
нини кўргач, чўққида ўтирган яратган эгамнинг ўзиям
аввал бошда хиёл шодланган, сўнг, унинг чўққига
ажабтовур чиқиб, ёнига келаётганини, тенг мавқе
эгаллаётганини кўргач, гаши келган-да, манглайдан
чертиб юборган! Сиз... шу қисматни менгаям раво
кўрмоқчимисиз? А?!

Унинг саволига жавобан қизнинг товуши эмас,
хазин бир наво қулоққа чалинди, туйқусдан Алланинг
«Қадимий соатлар» қўшиғи маҳзун мусиқаси билан
шуурида янгради ва унинг «Ортга қайтариб бўлмас
ўтган умрни» деган сатри хонага қамалиб қолган
қалдирғоч янглиғ хаёлида чарх ура бошлади. Худди
шуни ерпарчин қилиб ташлашни истаган каби репро-
дуктордан: «Ёрим бўлсанг, ёнимга кел, узоқдан тер-
мулиб турмоқлигинг нечун?!» деган бир дардчил му-
ножот таралди. Қизнинг: «Қўлингиздан тутиб торт-

сам-чи, агар? Холи-жонингизга қўймасам-чи сира?!» дегани кўнглидан кечдию юраги япроқдай титраб кетди. Кейин гўё аллаким нақ қулоқлари остида шивирлай бошлади: «Тоҳир! Тоҳир! Тоҳир!» Кишини ҳушёр торттирувчи бу майин даъват мўнгли бир қўшиқ янглиғ жону жаҳонини тутиб кетди гўё.

Унинг кўзлари юмилди: — Ҳамон дераза олдидамисиз? — деди ҳаяжон юққан овозда ва ҳаёл олдинга қўл чўзди, ҳаёлан унинг сочларига қўл юборди у. Қизнинг мажнунтол кокиллари янглиғ қуюлган сочларини ҳаёлан силаб-сийпалар экан, шуни равшан ҳис этдики, қиз ҳам сархуш, гўё унинг оғушида тургандек, гўё ёноқлари унинг ўтли нафасини туяётгандек...

Олдин мусиқий наволар тинди, кейин қандайдир бегона, уларнинг оламига етти ёт товуш, кейин қизнинг ҳадик тўла овозда: — Хайр! — дегани аниқ эшитилди. Қизнинг хуфя томони борлигини у сезган, бир кун келиб муқаррар шу овозни эшитишини аввалдан билар эди. Отасими? Йўқ, ундай бўлиши ҳеч мумкин эмас. Акасимикин? Эҳтимол, шундай чиқар?!

Қулоғи остида чийиллаб турган бир маромдаги ту-тулаган овоз ғашига тега бошлаган эди.

Саробга ўхшайди. Агар, ҳануз дастакдан таралаётган ту-тулаган овозни айтмаганда, барчаси туш, макр ила жодунинг ўзгинаси. Унинг товуши, ҳатто бу оламда мавжудлиги ҳам ақл бовар қилмайдиган ҳодиса. — Тавба-а! — Боя қўққисдан қулоғига чалинган дағдагани эслашни ҳам, ўша малак ҳақидаги тасаввурига бирон нима дахл солишини ҳам истамас эди. Агар, мана шу ту-тулаш бўлмаса, унинг сим қоққанига ҳам ишониниш маҳол.

У дастакни жойига қўйди-да, кафтларига иягини босган кўйи туриб қолди. Ёмғир ёғишидан аввал содир бўладиган таранглик кайфиятида ҳоким, ишга қўли бормас, худди умр йи қидирган матоҳини топиб олиб, энди томоша қиламан деб турганида биров қўлидан уни юлиб олган каби дилтанг: кўнглидаги безовталик портлаб портламайди, қўйиб қўймайди ҳолига. Ҳали қуёшнинг ботишига анча вақт бор. Ундан кейин тонг отишига яна қанча фурсат бўлса, кун ботишига ҳам тағин шунча бор. Сўнг яна ва яна... У бўғилиб кетди. Сигарет тутатди-да, ўрнидан турди, йўлакка чиқди. Пастга тушиб, қаҳвахонага кирди.

Қаҳвахона ичини томаки тутуни янглиғ жаз садо-

лари тутган: кўйлагига хорижий ширкат расми солинган тўрт нафар йигит қаҳва ичганча, сигарет тутатиб ўтиришар эди. У икки юз грамм коньяк олди-да, бориб хилват бурчакдаги курсичага ўтирди. Ва ичимликни икки бор ҳўплагач, сездик, юрагида тош қотган ғамни май эритди, улар силқиётган дардга айланди, шунда кўйлагиси, томоқ пардалари йиртилиб кетгунча шундай бир қўшиқ айтгиси келдики, асти сўраманг, нафасидан тўфон қўпсаю — дов-дарахтни илдизи билан суғуриб учуриб кетса, тоғу тошлар мум қаби эриб, дарё бўлиб оқса!

Лекин қани у қўшиқ? Юрагини ўртаб, бўғзига ёш бўлиб қадалиб турган нима бу — дарду ҳасратми ва ёки муҳаббат? Армонми, ўкинчми ва ёки ғамми? Нима у?

Анави қиз ким ўзи? Нега сим қоқди у? Нечун қийнайди мунча? Гуноҳи нима унинг?

Наҳот ҳаётнинг унга атаган бирон-бир инъоми бўлмаса? Наҳот умри тоабад аросатда кечса? Ахир тош қотиб кетди-ку юраги... Қачон, қачон унга имкон беради ҳаёт? Қачон?

У деразадан ҳовлига — ғунчалаган атиргулларга термулиб ўтирар, хаёлининг бир четида — безакларни кечга довур босмаҳонага топшириши зарурлиги; анави қиз ва ўзларининг оламига таҳдид солаётган етти ёт овоз... ҳамон михланиб турар эди. Ким бўлди у? — Ўша қиз билан анави кимса тил бириктириб, бир четга ўзини сиғиб чиқаргандай — ўкситилган ҳис этди у, баногоҳ қизнинг телефон рақами ёнида борлиги ёдига тушди. — У билан гаплашиш керак, учрашиш керак! — Бироқ кечга довур безакларни топширишига ҳам, қизга сим қоқишига ҳам кўзи етмади, бунга ўзини мажбур этгиси келмас эди.

Хонага чиққач, кетма-кет сигарет тутатиб, кечга довур булк этмай ўтирди, на бир ишга қўли борди, на безак топширишга. Шом зулумоти ёпирилиб келгач, мужмал бир кайфиятда ўрнидан турди, секин йўлакка чиқди, эшикни қулфлаб уйга ҳам эмас, устасхонага бормоқчи, ичиб, мотам тутиб шанба-якшанба ётмоқчи бўлиб турганида кўнглидаги ҳакам: «Майли, қизга сим қоқа қол», дегандай бўлди. Тагин эшикни очди ва қайтиб ичкари кирди, хотиржам, дастакни олди-да, қизнинг рақамини терди. Шундагина унинг: «Сим қоқа кўрманг!» дея ўтингани ёдига тушди, би-

роқ қизнинг иродасига қарши бориб чакки қиялпман шекилли, дея ўйлаб кўрмади ҳам. Телефон иккинчи бор чақиргач, қиз, қанақа одамсиз ўзи, ахир сизга айтган эдим-ку!, дея таъна қилиши мумкинлиги хаёлидан кечди. «Ҳеч маҳал у: «Қанақа одамсиз ўзи?», дея олмайди менга,— деб ўйлади у қатъий ишонч билан,— нари борса, майин, жуда майин товушда, сизга ўзим сим қоқардим-ку, дея зорланади, холос». Шу ўй замирида туғилган гурур дилига таскин бағишлади. «Дунё қизиқ-да. Юлдузи юлдузига тўғри келди, деганлари шумикин? Кимдир ҳар оқшом унинг йўлини пойласа, жон-дилидан яхши кўриши мумкин бўлса? Шундай қиз ростдан ҳам бор бўлса агар, жонини беришга ҳам тайёр у, лекин...» Ғаюр бир туйғу унга ҳузур бағишлади. Бироқ ҳеч ким дастакни кўтармагач, тоқатсизлана бошлади. Диққатпазлик дилидаги журъатни бамисоли топпот урган гул каби сўлдирди. Шу чоғ нариги тарафдаги дастак кўтарилди ва аллаким ирғитган ғазаб учиб келиб нақ қулоғига урилди:

— Да?

Унинг борки журъати, наинки журъати, балки юраги тутдай тўкилиб тушди.

— Да-а! Гапирмайсанми?! Гапир!

— ...

— Тилингга чечак чиққанми дейман, гапир!

Шу чоғ хийла олисдан қизнинг, менга бер, дегани эшитилди. Қиз қандайдир исканжа ичра қолгандай эди, унинг товушида мутелик оҳанги яққол сезилар, ёлворишидан ер билан битта бўлгани англашилиб турарди. «Эримикан? Эри бўлса-я?! Унда... йў-ўқ, товушидан қиз болалиги... Эридир, эҳтимол, ажралишган чиқар? Балки келиб турар? Бўлиши мумкин-ку, ахир. Бир-бирини яхши кўриб... кейин... ҳар нима бўлиши мумкин!— Қалашиб келаётган турфа гумонлар унинг юрагига даҳшат солди.— Эҳтимол акасидир,— дея ўзини чалғита бошлади у, шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир? Ким бўлса ҳам чакки қилдинг! Номаъқулнинг бу нонини емаган маъқул эди!» Қандайдир оғир бир юк кифтларидан босганча ерга киритиб юбораёзди. Қизнинг: — Ало-о?— деган, титраган овозини эшитиб, кўнгил уйи хиёл ёришди, айна пайтда нобоп иш қилиб қўйган бола каби ўсал бўлиб, ўзини қўярга жой топа олмай қолди.

— Сизмисиз?— деди қиз ниҳоят, худди унинг

дастак ортида жовдираб турганини аниқ кўргандай, майин, илтифотли овозда; бу овоз бояги исканжани парчалаб ташлаб эмин-эркин чиқаётган эди. Йигит ўзларининг оламига ҳеч қандай куч дахл қила олмаслигини шундагина теран ҳис этди. Ёш боладай қуво-ниб, ҳам узрли овозда: — Ҳа! — деди.

— Айбга буюрмайсиз — боя мен шошиб... узр! Га-пингиз чала қолди-я!

— Ҳа.

— Айтинг, айтаверинг! Ўзим ҳам, сим қоқиб қол-сангиз керак, деб ўйлаб турувдим. Ростини айтсам, кутаётувдим!

— Эртага вақтингиз зиқмасми?

— Нимайди?

— Суратингизни чизмоқчи эдим, — деди у, нега-дир йиғлагиси келиб, — билсангиз...

— Биламан...

— Қай маҳалда борсам бўлади, а?

— Кўнглингиз тусаган пайтда келаверинг! — деди қиз ва борар йўлнинг йўриғини айтди, сўнг эҳтимол атай: — Билсангиз, сиз учун ҳамиша эшик очиқ! — деди, муштоқона оҳангда илова қилди ҳам: — Кута-ман-а!

У молбертдан кўз узди-да, қўлларини боши остига қўйганча тагин каравотга чўзилди. Симиллаб оғриёт-ган боши зилдай оғир эди. Гарчи хона хийла салқин бўлса-да, манглайида реза-реза тер чумолидай ғимир-лаб, ғашига тегарди. Буйраги шамоллаган эди унинг. «Яна қанча яшар эканман? — деб ўйлади ниҳоят, тақ-дирга тан берган кимсадек маҳзун кайфиятда, — ахий-ри шу дард...»

Юлдузсимон панжара ортидаги булутли осмон йиғламоқдан бери бўлиб турган аёлнинг ўксик юзла-рига ўхшаб кетарди. «Ўзимни ўнглаб ололмасам, а?! Наҳотки шу кўйда?! Наҳот умр деганлари шу бўлса? Наҳотки барчаси бирдек барҳам топган? Гоҳо доҳиё-на, гоҳ ёнлама, гоҳо ўйчан, гоҳо ашаддий қиёфадаги сувратларини кетма-кет ойномаларда эълон қилаётган соғлом, фақат мўйқаламлари тузук бир асар яратиш-га ноқобил ҳамтенглари кўз олдидан ўтди, алами кел-ди унинг. У даҳо бўламан, деб...

Қани энди шундай бир асар яратсаки, бирон мусав-вир босиб ўта олмаса уни, Достоевский, гўзаллик олам-ни қутқаради, дегани каби фавқулодда тугал ҳосила бўлса!..

Брак бежиз айтмаган-да ўзи, туйғу шаклни бузади, заковат эса уни қолипга солади, деб. Ишлаш керак, ақлий камолат учун умтилиш керак...

Анави санъатшуноснинг ёзганларида асос бор: ҳамма нарса эскираётир. Эрталаб шов-шув бўлган асарнинг оҳори кечга довур сониялар эпкинида чангдай учиб кетаётир. «Фақат Тоҳирнинг изланишларигина...» деярли у. Бу изланишларда ўша санъатшунос англаши маҳол бўлган жиҳатлар ҳам йўқ эмас, неларнидир у инкор этган, анъанавий йўсинни синдирган. Афсуски бу ҳам умрибоқий янгилик эмас, бу ҳам аслида эскирди. Санъатшунос шуни рўй-рост айтишга журъат қила олмаган, холос. Ақлнинг маҳсули бўлган ҳар қандай ҳосила инкорга маҳкум, тоабад яшашга қодир асарлар эса ақлдан ташқарида юзага келади...— У оёқучида — деворда осиглик турган Леонардо да Винчининг «Мона Лиза»сига назар солди. Беш юз йил мобайнида ҳам Мона Лизанинг чеҳрасини тарк этмаган ҳаёли шарпаси, гўё ҳозиргина тушган ёруғдан тилло каби товланаётган барқут энгию унинг кўзларидаги меҳнатчилликни жилваси дилида яна бир бор ҳайрат кўзғади,— менда мантиқи бир имкон бор,— деб ўйлади у,— унинг товуши...— Ҳаётдаги борки синоат тажассум топган ўша милоҳий товушни ўлик сурпда, мўйқалам воситасида қай йўсин ифода этиш мумкин? Ахир?.. Жокондадан кўз узиб, тагин юлдузсимон панжара оша қат-кат булутлар уймалашиб ётган фалакка кўз юборди. Шу чоғ ўзи чизган эскиз — увада булутлар бағрини шамширдай тилиб, қуйига ёғилаётган ипакдай майин нур кўз олдига келди, ихтиёрсиз равишда ирғиб ўрнидан турди. Ва «Мона Лиза»нинг чап тарафида осиглик турган Пикассонинг «Қочиш»ига кўзи тушдию тагин шашти синиб туриб қолди.— Наҳотки бу детал... эскирган? Эскирган!— дея хитоб қилди у беихтиёр товуш чиқариб,— эскирган! Пикассо...— У, Мона Лизадаги назокатни ташлаб қочаётгандек, аслида тўнгиб қолгандек туюлгувчи беўхшов қоматларга тикилди. Икки аёл... олақуроқ булутлар тош қотган осмон остида муаллақ... чап тарафдагиси гўё учиб кетаётгандай, унга қўлини берган ва ярим қадамча ортда қолган иккинчиси эса таққа тўхтаётгандай... шу ялпозда бошини орқага ташлаб, оллоҳ макони бўлмиш кўкка кўз тиккан у.

Учиб кетаётган аёл... бесўнақай чап қўлини олдинда чўзиб сермаётир, гўё Мона Лизага демоқчики, нари

тур! Агар, хиёл ўзини четга олмаса ҳозир бу икки аёл Мона Лизани босиб-янчиб ўтиб кетиши тайин... «Шу пайтга довур пайқамаган эканман бунӣ. Ё тавба-а! Сувратларнинг жойлаштирилиши-чи! Етти ухлаб, ҳатто тушингга ҳам кирмайдиган тасодиф.

Ҳамон биз Мона Лизани чизишни истаймиз, бироқ бешафқат ҳикмат, яъни йиллар тўфони қолдирган асорат Пикассода аниқ кўриниб турибди-ку! Ҳамон биз гузалликни ибтидоий ҳолида кўрмоқ истаймиз, аммо ўтган асрлар бу чиройни ер билан битта қилганлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Аслида бизга елкадош бўлган аёл — мана шу! — деди у овоз чиқариб, сўнг сувратдаги қўпол ва ярашиқсиз қоматга қаради, у ва унинг ортидаги аёл ҳам ўлат қувиб, шундан қочаётган юраксиз кимса каби қўрқинчли ҳолатда эдилар. — Улар кимдан қочяпти асли? Аллоҳданми? Ва ёки тараққиётдан? Менданми ва ёки ўзларидан? Мунчалар даҳшатга тушишмаса улар? Мунчалар ҳолдан тойган бўлмаса? Ҳа, нарвоке, бу аёллар билан бизнинг орамизда ҳам бутун қалби бошли юз йил яшириниб ётибди, юз йил! Ҳозир... қочаётганга ҳафсала ҳам йўқ, ҳол ҳам қолмаган. Аслини олганда, кимдан ҳам қочишсин? Ўзлигиндан қочгандан кўра уни маҳв этиш осонроқ кечса... — у, бошини солинтириб турди-да, кейин оғир ингранди. Бунӣ у муҳокама этиши эмас, балки ифодалаши зарур, шуни билар эди. Беихтиёр Пикассонинг таъкиди хаёлидан кечди: «Охир-оқибат, қарши туриб, фақат қарши туриб ишлаш мумкиндир, ҳатто ўзингга ҳам. Бу жуда муҳим...» Ҳа, бу жуда муҳим...

Мона Лиза сувратидаги улугвор сокинлик асосларини унинг сийратидан излаган ҳолда у ўрнидан турди. Малакнинг чеҳрасидаги осойиш илоҳий бўлиб, у иззат талаб этар; тағин у буткул борлиғида тенгсиз бир даҳшат акс этган оёқяланг қочоқларга кадалиб қаради. Гарчи улар нафосатдан йироқ ва беўхшов бўлса-да, аллақайси жиҳати билан кўнгилга яқин, яъни у кўрган ва билган одамларга жуда-жуда ўхшаб кетарди. «Нимаси ўхшаш? — деб ўйлайди у, сўнг ўша жиҳатни қочоқларнинг афту ангоридан қидира бошлади. — Ташвишманд, тағин таҳликада ҳам. Гўё вабодан қочишаётгандай. Мона Лизанинг чеҳрасида, наинки чеҳрасида балки бутун борлиғида ажиб бир улугворлик, йўқ, йўқ, илоҳий бир сокинлик мавжуд. Худди ана шу сифат бизларга бегона. Илоҳий осойиш руҳимизни тарк этган.

Илоҳий сокинлик диёридан қувғинда бўлган қочоқлар!..»

Улуғвор сокинликни бузиб, қўшни хонадаги радиодан марсия янгради. Қайдадир, теран сукунат оғушида ётган шаҳарнинг овлоқ кўчасида трамвай гилдираги темир изнинг уланган жойига келиб урилди ва тарақа-туруқ этган аксу садо таралди.

Йигит дераза олдига бориб, панжарага суянди, у муздай эди. Йўл ёқасидаги тераклар киприкдай тизилган ва уларнинг учига булутлар илиниб қолган, булутлар кўмондоннинг ҳукмини кутаётган аскарларга жуда ўхшаб кетар эди; кунботар тарафдаги бир парча яланг осмонда тўда-тўда булутлар ортда қолган қўшинлар янглиғ маҳзун сирғалиб келишар, ҳали-замон қиё^амат-қойим бошланадигандай безовталиқ ҳукмрон э^ат^аб Муқаррар кўргуликнинг намхуш шарпаси дилгирл^ик^и қўзғаб ҳавода кезинарди.

Дунё тўнини тескари кийиб олган, юракни сиқ^{мен} юборадиган даражада тунд ва зиқ. Гўё у бир нимада^{ам} қаттиқ норози...

Яна у молбэртга юзланди. Сувратдаги санамни^{ам} мунг тўла кўзлари ҳам, сузилиб туриши ҳам кўнглига ёқмади. Сувратни олди-да, малакнинг юзини тескари қилиб, деворга суяб қўйди. Кейин шошмасдан молбэртни йиғиштирди, келиб каравотга ўтирди, сўнг нима қиларини билмай бошини чангаллади.

«Энг қийини — бошлаш... бошлаб юбориш. Лекин нимани? — деб ўйлади у ўзидан ранжиб, — моҳиятни идроклашдан, мушоҳада юритишдан маҳрум экансан, мана шу — қувваи ҳофизанг бўш қутидай гап. Нимадандир норози бўлсанг, кўнгилда қувват сезасан, бироқ... — Бошини кўтариб, тагин у Пикассонинг қочоқларига юзланди, — агар, шу мавзу менда бўлганда борми... — Аввалги одатича, юз чандон зўр чизган бўлар эдим, демади у, балки хийла вақтгача муаллақ ўйларга соме туриб қолди, кейин ички бир норозилик аламли ҳасратга айланди: — Нега биз маҳруммиз — мушоҳададан? Оламни идрок этишдан? Нега? Рангларни деярли бир хил тусда кўрамиз? Нега? Шундай ўргатишган бизга? Нечун боши берк йўлга солишган? Мактабдаёқ муайян қолипга тиқишади, каллаклашади, — деди у афсус ила бош чайқаб. — Пикассо муҳити мав-

жуд бўлганида мен ҳам ундан кам ишлар қилмас эдим,— дея ўйида давом этди у, кейин Васельевнинг табиат манзаралари тасвир этилган асарлари хаёлидан кечдию тагин жимиб қолди, ҳарқалай, кўп нарса истеъдодга ва фақат унинг ўзига, унинг кўламига дахлдор, буни рад этиш маҳол эди.— Мосуво бўлиб қолганмиз. Нега? Нега энди ҳамма нарсадан маҳруммиз, ахир, нега?— Рафаэл бўлишга орзуманд чоғлари хаёлидан кечди ва шу дамга кадар неки яратган бўлса, барчаси бирдек Пикассонинг «Герника»си каби қурамалардан иборат ҳолида хаёлида яхлитлик касб этди. Улар орасида кўнгил тўлгулик бирон-бир асар кўзига чалинмади.— Бесамар кечган умр. Надоматга айланган ҳаёт!—Қисматдан норозилик туйғуси умидсизликка қоришиб кетди-да, кўнгли чўкиб, ўзини орқага ташлади.— Ноумидлик. Бундан халос бўлиш, қутулиш келажик!— Унинг оҳу зорини яратган эгам эшитган каби... Худдусимон панжара орасидан саррин бир насим сикирди-да, йнгитнинг юзларини силаб ўтди. Худди маҳал кишининг ҳушини ўғирлаб, оҳанграбодай ўмига тортгувчи саслар жуда олис-олислардан елиб кела бошлади: Тоҳир! Тоҳир! Тоҳир!..

Жангга кираётган аскар каби у молбертини елкасига осиб йўлга чиққанида кун чошгоҳдан ошган эди чамаси, фақат кўк юзини булутлар тўсиб қўйганлиги, офтоб тугул ҳув олис уфқларни ҳам ирkit увадалар қоплаб ётганлиги учун кай маҳаллигини билиш маҳол эди. Шамол изғиган кўчалар ҳувиллаб ётар, ҳатто троллейбусда йўловчи сийрак, бори ҳам қандайдир мотамсаро, фавқулодда ҳодиса рўй беришини тоқатлари тоқ бўлиб кутишаётган каби сукутга толган эди. Троллейбус ойнасидан маҳзун панжара, ерга кириб кетгудек алпозда заминга капишиб ётган қабрлар кўзга чалинди. Оғочлари ўтда куйгандай қорайиб ётган кўҳна черков унинг кўзларига бағоят маҳзун, ғамнинг ўзидай афтода бўлиб кўринди. Бекатда бир неча аёл имиллаб-симиллаб троллейбусга чиқишди, уларнинг юзида ҳам умумий кайфиятга монанд — тунд бир ифода, эгниларида тим қора либос, бу либос уларни ҳам ерга тикиб юбораётгандай. Башарасини тарам-тарам ажин босган муштдайгина кампир икки букилганча ғимирлаб келди-да, қўлидаги матоҳини унга уриб ол-

ди. Йигит сурилиб жой берди. Кампир салқи қобқ-ларини зўрға кўтариб, кўз остидан унга қаради, бу қараш тошдай оғир эди, баданида минглаб шиллиқ-қурт ўрмалаган каби у бир сесканди, кампир эҳтиёт-қорлик билан ўриндиққа чўкди, унинг фикри-зикри — қўшқўллаб тутган матоҳида эди. Терс тутган шиша идишни у маҳкам сиқимлаган, кети сидириб олиб ташланган бу идиш ичида бир шам милтираб турар, шундан бўлак ҳеч вақо билан кампирнинг иши йўқ, мунчоқдек кўзлари жовдираганча у шамга термулиб, нуқул пичирлар, бажо хисирданиб, тагин, афтидан, ишқилиб ўчиб қолмасин-да, дея тавалло қилар эди.

Кейинги бекатга етиб келганда тушишга чоғланиб йигит ўрнидан турди, шунда унинг эпкинигами қўққисдан шам лопиллаб кетди, кампирнинг қўллари титради, бўзариб, ғам тўнган кўзларида сокин бир қаҳр ва аччиқ таъна акс этди. Йигит бошини қуйи солинтириб узрини айтди ва сўнг ёнламаси билан йўлакка ўтди-да, троллейбусдан тушиб қолди. «Қизиқ, худди мен атай қилгандай... олдин келиб ўзи урилганида ҳам шундай ўкрайди-я. Тавба-а!..»

Бекатда туриб, кўз қири билан у қиз айтган рақам битиклик уйни ахтарди. Шу чоғ аллаким панада туриб ҳар бир ҳаракатини назорат қилаётгандек бўлиб туюлди. Этагидан биров босиб турган каби ўнғайсизланди у. Жаҳли чикиб ялт этиб ортига ўгирилди — пойлоқчи тугул, ҳатто унинг шарпаси ҳам сезилмас эди. Тагин у йўлнинг кунботиш тарафидаги уйларга кўзланди ва шу заҳоти яна ўша таъкибни ҳис этди. Шунда у бамайлихотир ортига қайрилди ва рўбарўсидаги иморатнинг борки деразасини бир-бир кўздан кечириб чиқди, шубҳа-гумон қилгулик ҳеч вақо белги бермагач, ажабланди. Кейин манглайдаги терни кафти билан сидирди-да, паришонҳол йўлни кесиб нариги тарафга ўтди ва туйқусдан ўн уч рақамга рўпарў келди. «Бехосият аломат». Бир четига қиз айтган шу рақам битилмиш иморат шўрлаган каби кўримсиз, ўзи ҳам поезд каби чўзилиб ётар эди. Кўз қири билан у тўртинчи эшикни ахтариб топгач, юрагида заифгина тараддуд сездди. Кимдир ҳамон таъқиб қилаётган каби эди. У бошини буриб йўлакка қаради ва рўпарадан келаётган қимсанинг баланд пошнали туфлисига кўзи тушди. Оёқ босишидан бу туфли эрмакталаб, зериккан қимсага тегишли эканлиги шундоқ сезилиб турар эди.

Унниққан жени шим, йўгон тўғали камар, «Молборо» ширкати тамғаси босилган антиқа кўйлак ва худди анави булутлар сингари бир имога маҳтал даҳшатли қўллар... У зимдан ўшанинг кўзларига қаради, нигоҳлар тўқнашган заҳоти кўнглидагини ҳарифи уқиб олганлигини Тоҳир пайқади, назарида, ҳарифи совуқ ва таҳқирона илжайди ва атай кўз қисиб қўйди. Шунда унинг юраги увишиб кетди. Бироқ ўша йигит ёнгинасидан жуда ҳам лоқайд, парвойифалак алпозда ўтиб кетгач, ҳайрон бўлди ва балки менга шундай туюлган чиқар, деган ўйга борди, сўнг йўлак бўйлаб тўртинчи эшик сари одимлади. Ичкари кираётиб, нечундир, гарчи ўзи истамаса-да, ўғринча назар билан йўлакка қаради, ҳалиги йигитнинг қораси ҳам кўринмагач, бадгумон бўлиб қолибман шекилли, дея мийиғида кулимсиради, сўнг зинани босганча бир нимани унутиб қолдирган киши каби бир лаҳза туриб қолди. Етти ёт кимсалар дунёсига дабдурустдан кириб бориш нечоғлик ҳаросатли эканлигини шунда у теран ҳис этди. Олдинга юриш — таҳдиду ваҳм тўлиб-тошган чакалакзор ичига киришнинг баайни ўзи, чекиниш эса ундан ҳам оғир — шундай манглайингда кўриниш бериб турган тилсимдан, бу оламда эришиш мумкин бўлган бирдан-бир сирли хилқатдан юз ўгириб кетиш билан теппатенг эди. Ҳолбуки...

Ихтиёрига бас кела олмай оёқларини судраб босганча у аввал иккинчи, кейин учинчи қаватга кўтарилди. Ҳамон иккиланар, ҳамон ўзида журъат сезмас эди. Шу чоғ иккинчи қаватдаги темир эшик шарақлаб очилди ва беихтиёр ўзини у панага олди, аёл кишининг ҳовлиқиб кимнидир койингани, анави киморбоз илиб кетган чиқар, дегани кулоқка чалинди. Ниҳоят, аёл афтидан йўлакка чиқди, негаки унинг бақириги энди баралла эшитила бошлади: — У ўлмади, мен қутулмадим! Ер ютгур қаёққа кетди ўзи? Кафангадо қилади бу касофат!

У зинадан кўтарилаётган аёлнинг шип-шип қадам товушини эшитиб, илгарилади. Аёл тўртинчи қаватга чиқаверишда уни ёнлаб ўтди ва зина адоғидаги эшик олдида — супачада ҳаллослаганча туриб қолди. Чап томондаги кўкиш чарм қопламали эшикка яқинлашиб, қўнғироқ тўғмасига узалди, шу чоғ бир нимадан чўчигандек дабдурустдан қўлини тортди. Қайрилиб, тимирскиланганча оёқсургич поёндоз устини кўздан кечирди, сўнг унга жонҳалак назар солди-да, ўп-

каси оғзига тиқилганча иркит зинадан қуйига энб кетди.

Тасодифий бу ҳодисалар силсиласида қандайдир бехосият аломат мавжудлигини унинг кўнгли сезиб турарди. У кўкиш чарм қопламали эшикка юзландида, адоий тамом бўлган киши каби ҳорғин бир алфозда кўнғироқ тугмачасига қўл узатди. Ва ичкарида булбулигўё зор куйиб сайраб юборди.

Эшик қия очилди. У бўсағада турган кўйи рўпарасида намоён бўлган сирли ва нотаниш хилқатга ўгринча назар солди: ғира-шира йўлак ва унинг адоғида ланг очиқ эшик; торгина, деворини оч пуштиранг гулқоғоз безаган хона, тўрда суянчиқлари жим-жимадор қадимий диван, узала тушиб ётган заҳил юзли кампир — шунда у дорининг нохуш ҳидини тўйгандек бўлди — боёкишнинг бўйнига довур оппоқ чойшаб ёпиб қўйилган. Йўлак деворига бир суврат осиглик, эшик очилган заҳоти дафъатан кўзга шу ташланади. Унда мажнунтол каби шохлари қуйига сари ўстирилган бечораҳол тут тасвир этилган. Асфалт йўлакни у ёриб чиққанлиги бўртиб кўзга ташланади, асфалт яра каби битиб, унинг танасини сиқиб қўйган. Боз устига аллаким унинг бағрини ўйиб юлдузча тасириини солган, ярадан кўкракнинг сутига ўхшаш қон силкиб турибди.

Атиги олти ой аввал чизган шу сувратидаги бўш ўринлар шу тобда ўпирилиб ётган жарликдай бўлиб кўзига чалинди. Ижиргангандек лаблари хиёл бурилди. У нигоҳини сувратдан узди-да, рўпарасида турган қизнинг кўзларига синовчан разм солди.

Бу қисса муҳаббат ҳақида бўлганлиги учун ҳам, гарчи сизнинг кимматли ва азиз вақтингизни пича олсам-да, Тоҳир ва Зухранинг дилидан кечганини ҳеч эринмай тасвирлаб ўтмоқчиман. Зухра ким дейсизми? Ҳеч шошилманг! Шошган қиз ёрига ёлчимас, дейдику, ахир. Ҳеч шошилманг!

Ўтган бир лаҳза мобайнида қиз ўзига тикилиб турганлигини у билар эди. Одатда киши шундай дамларда кўз уриштириб, рўпарасида турганининг дилидагини уқиб олишга интилади. Қизнинг на етти ётлиги, на ўзининг бу останага бош уриб турганлиги ҳаёлига келмади унинг, аксинча — минг йилдан кейин тагин ўз мулкига эга чиққан одам каби, шундай саю ҳаракатга мутлоқ ҳақли киши каби киприклари лашкардай тизилган чарос кўзларга у қадалиб қаради. Худо

ярлақаб, кечаси ҳеч қудуққа тикилганмисиз Сиз? Ҳа, ҳа, баайни ўша — Сиз термулган қудуқнинг ўзгинаси эди бу кўзлар! Бағоят теран, бағоят маҳзун, қаърида жодули бир ёлқин жилва қилиб, туради унинг.

Гарчи у қараш-қараш қилиб турган бўлса-да, қизнинг чеҳрасидаги тенгсиз малоҳатни ва айни пайтда қуйи лаби гунчадек бўлатуриб, юқори лаби қушнинг ёйилган қанотларига ўхшаб кетишини, бу ақиқ лабларнинг чап учи хиёл қимтилганини ва бу юзига бўлакча бир ифода бераётганини, баайни шу ифода ҳатто қарашларига ҳам кўчганлигини илғай олди у. Ўзини фавқулодда жиддий тутаётганидан қиз ичида бегараз кулаётганини ҳам фаҳмлади: «Жоконда». Кўнглидан кечган ўйни, табиийки, қиз уқишни истамади, шунинг учун ҳам кўзини олиб қочди у ва малаканинг чиройли иякларига кўз юборди ва яна бир марта Жоконданинг бағоят силлиқ қилиб йўнилгандай туюлгучи кўркам ияклари хаёлидан кечди. Фақат унинг бўйни оққушникисимон узун; эғнида ҳам қора ҳарир кўйлак, шунданми, ярим яланғоч сийнаси оқ-оппоқ момиқдай бўлиб кўринар эди; у қизнинг нозик белига ва ундан ҳам қуйига қаради ва бирон-бир нуқс топа олмади!

...ютунди.

...ичкаридан арзи-дод янглиғ титроқ бир овоз келди: «Сизга фақатгина термульмоқ даркор, Сизга фақатгина лозим сиғинмоқ!..»

Қизнинг бежиримгина шиппак илган оёқларидан кўз уза олмай, табиатнинг ўзи ҳеч эринмай ҳатто тўпинига довур мунчалар оро берганлигига ҳайрати келди унинг.

— Келинг!

У титраб кетди. Қиз, келинг, демади, гўё чанқовузни олди-да, оҳиста ҳалиб юборди:

— Келинг!

Тараддудланди.

У ичкарига кирган заҳоти димоғига шундай бир муаттар бўй урилдики, ихтиёрсиз равишда шоша-пиша туфлисини ечишга тутинди, оёғида шу матоҳнинг борлиги, рости, орини келтирди. Энгашиши, боғичини ечиши лозим, қандайдир ўнғайсиз эди бу. У тагин каддини ростлади, сўнг тик турганча туфлини ечди. Шунда, кўп қатори энгашиб туфлиси боғичини ечишдан нечун ўзини тийганлигини фаҳмлади, бу ёқимсиз

юмушга уринган чоғда қизнинг чеҳрасида авваъигидай — нокомиллик устидан кулишга мойиллик акс этгандай бўлди, буни у кейин — оёқ учида туфлини бир четга суриб қўяётган пайти баногоҳ англаб етди ва ёки унга шундай бўлиб туюлди.

Қизнинг марҳаматига итоатан унга эргашиб меҳмонхонага қадам босар экан, арзонбаҳо, бежирим қандилу осиглиқ сувратларнинг, қуюлиб турган ҳарир парданинг, қўйингки, ҳар бир жиҳознинг бағоят дид билан жойлаштирилишида ораста кўнгилнинг нозик таъбини илғади, беихтиёр энгил-бошини назардан кечирди ва кўрдик, пойчасига сезилар-сезилмас чангу гард сингишиб қолипти, у қиздан яширинча оёғини кўтарди-да, шимини қоқди, кейин шу қилиғи ўта бачканадай бўлиб туюлди, бесар ўзини ерга ургандай кўнгли малолга тўлди. «Мен бир рассом бўлсам,— деб ўйлади у,— ўзимни бозорга солгани эмас, манавининг сувратини чизгани келдим-ку, ахир. Бунга пойчадаги чангнинг нима дахли бор?! Қулса кулар.— Шунда у ўзининг қисмати ҳеч қачон манави қизнинг тақдири билан туташиб кетмаслигини идрок этди. Унинг умр йўли бундайларники билан аҳён-аҳёндагина кесишиб ўтади, холос. Шунда бир хил қутбли зарядлар тўқнашганидаги каби чақмоқ чақади ва унинг ҳосиласи ўлароқ фавқулотда бир асар бино бўлади. Шундай экан, оний йўлдошнинг нимасидан бунча тортиниш керак?— Қулса, кулар. Бари бир эмасми, ахир. Бунинг сувратини солишим керак, вассалом, мен учун энг муҳими шу!»

Бу малак тугул қитмироқ ҳамкасби қитиқлатига текканида ҳам, битта-яримтаси, телба, деб кулганида ҳам сира у парво қилмас, ўз ишини билиб қилаверар эди, буғун, манави қизнинг қошида ёш болага ўхшаб, ёш бола эмас, ўн ўтти яшар ўспирин каби қисиниб-қимтиниб туриши...

Унинг жағлари қаришди, қизнинг ширин жилмаяйишига ҳам, ўтиринг, дея қилган мулозаматига ҳам эътибор бермай, молбертини курсига қўйди-да, уни шайлади. Кейин жўрттага, яъни одоб юзасидан, атай шундай қилганини сездириб жилмайган бўлди ва: — Агар иложи бўлса,— у дераза тарафга қаратиб қўйилган курсига ишора қилди,— мана шу ўриндикқа ўтирсангиз,— деди пул топиш илинжида ёлланувчи қизларга муомала қилаётгандай қўрслик билан,— юзин-

ғизга ёруғ тушиб тургани маъкул! — Мўйқаламга узалатуриб, ҳамон қизнинг қилт этмаганидан диққати сшди. «Сизга нима дедим», деган таадди билан унга карашга чоғланди-ю, бироқ ҳадди сизмади, ўша юзларда тагин бояги ифодани кўришни истамади у. Шундагина бир оз шошилганини, эҳтимол, ўзини йўқотиб қўйиб ноўрин муомала қилганлигини пайқадди ва шашти синиб маҳзун бир алпозда туриб қолди.

— Бир пиёла чой ичмайсизми аввал? Чарчаб келгандирсиз, ахир?!

У қизнинг гап охагини, талаффуз йўсинию муроди — ҳамма-ҳаммасини элақдан ўтказди. Гарчи киз унинг ҳукмига итоат этмаган бўлса-да, буни меҳмон-навозликка йўйган ва гап йўсинида унинг кўнглига тегувчи бирон-бир иддао қилмаган эди. Шунда ҳам у бир нима демади — ора очик қолди. Хўрсиниб бошини кўтарди-да, паришонҳол — девордаги жиҳозларни кўздан кечира бошлади. Ҳайбатли чинни гултувакнинг юза қисми деразадан кўриниб турар, деворга чирмашиб ўсган печакгул болаҳонанинг умумий фусунига яшиллик файзини сингдириб юборган эди. Берида, бурчақда турган телевизор устига ваза қўйилган, вазада эса бағоят кўркам, фақат бир дона қаймокраңг атиргул...

Нари кетаётган қизнинг шарпаси унинг эътиборини ўзига тортди, ўгирилиб даҳлизга чиқаётган малаканинг сарвеномачига тикилиб қолди. Унинг наинки ўзи, ҳатто юриши ҳам маъсум ва диловар эканлигига ичинда тан берди. Шу чоғ чала чизилган суврат каби ҳаёлини аялашма банд этди, ихтиёрсиз равишда дераза сари юзланди, ниҳоқи тимирскилана-тимирскилана ниҳоят гулнинг ортида турган расмни илғади. Боя ҳам шуига назари тушгандай бўлувди. Ички бир қизиқиш билан у икки қадам ташлади ва узалиб расмни олди-да, кўзига яқин келтириб, тикилиб қаради. Бир замонлар русм бўлган одат бўйича сочи турмакланган ва қўйиб кўйгандай шу қизга ўхшаш аёл кўзларида келдуз чақнаган йилғитга кифтини бериб турибди, — адаси билан ойиси бўлса керак, — фақат сувратда руҳ йўқ, нимаси биландир, вафот этган кимсанинг билдириш маъносида идорасига осиб қўйиладиган расмига жуда ўхшаб кетарди у. Ҳа, дарвоқе, чор атрофи қора боғич билан ўралмаган, холос. Қилиғидан ўзи жи-

жолат бўлиб расмни аввалги жойига қўйди, шундагина вазанинг бу тарафида турган иккинчи расмга кўзи тушди. Қизнинг ўзиники эди бу. У чаккасига гул тақиб, бурмали кўйлак кийиб тушган. Чаккасидаги гул равшанроқ кўринсин учун хиёл бошини буриб турбди, шу ниятини биров сезиб қолгану шундан уялган каби лабининг учида бир қимтиниш бор. Бу расмдан у кўз узмади-да, тагин зингил солиб гул ортидаги расмга қаради ва комил ишонч билан,— уларнинг сиймосида ҳеч қандай руҳ йўқ,— деб ўйлади,— эллигинчи йилларнинг кишилари, бирон-бир фалокатга гирфтор бўлишган шекилли.

У қайтиб жойига келди-да, ён-верига зингил солиб қаради. Қаймоқранг телефон аппарати, «Рекорд» телевизори... олтмишинчи йилларда харид қилинган жиҳозлар, фақат шу қадар дид билан жойлаштирилганки улар, ёлғиз мана бу сувратгина уларга ботишмай, тамомила ажралиб турар эди. Сувратда кимнингдир йўлига интиқ термулиб, ҳаяжондан юзлари ёнган қиз...

— Менинг жону дилим шу суврат!

Ўгирилиб у қизга қаради.

— Нимаси яхши шунинг?

— «Нимаси яхши-и»?— Қиз хиёл чимирилди. — Қаранг! У нечоғлик интизор. Буни сиз тушунмайсиз! Бу — мен, ўзгинам менинг!

«Мен эса бу суврат замирида хазон бўлган истеъдодни, тирикчилик ташвишини кўраман, халос».

Йигит кибр билан бошини кўтарди-да, э-э, шунақа денг, тушунарли, тушунарли, деган истеҳзо билан қошларини керди. Табиий равишда у қизга асари маъқул тушганидан ички бир қониқиш туйган, ўзига баҳоси баланд бўлганлиги учун ҳам у қадар татимаган эди бу. Ёзув замиридаги моҳиятни ўқишни истаган олим назари билан у қизга қаради. Ва бир замонлар Микеланжело тошдан йўниб, сўнг ўзи ошиқ бўлиб қолган мрамор санамни ёд этди.— Худди ўзи,— деб ўйлади у,— худди ўзгинаси, эгнидаги қора ҳарир кўйлагию чой қайтараётган қўллари унинг тирик эканлигидан шаҳодат бериб турибди, холос.— Аслида сийму танини ёпган ҳарир кўйлак янглиғ ҳарир бир парда малакнинг кўзларини ҳам тўсиб тургандай эди. У қизнинг

юзига, кейин зимдан қаймоқранг атиргулга қаради.— Жуда, жудаям ўхшаш.

— Ўтиринг!— Бу лутф эмас, илтижонинг, юракдаги илтижонинг ўзгинаси эди. Йигитнинг юрагида заифгина бир титроқ сезилгандай бўлди. Курсини хиёл орқага суриб чўкди-да, қизнинг бояги мақтовидан дили равшан тортиб ўзи чизган сувратига қаради. Бу асар аллақачоноқ руҳидан узилиб кетган, қолаверса, шу тобда ҳолати тамомила унга номутаносиб эди, эҳтимол, шу боис суврат бари бир бошқа бировнинг иши каби туюлди, унинг аксар ўринлари бўш — боғбоннинг уқувсизлиги туфайли файзини йўқотган боғ каби кўзга хунук ташланиб ётар эди.

— Шу сувратни чизган мусаввирни танийсизми?

«Танийсизми?» деган сўз талаффузидаги товланиш боисми, ҳар қалай, мақтанчоқлик қилишига бир баҳя қолди. Аранг ўзини тийиб ва аранг вазмин оҳангда:— Ҳа,— деди.

— Ўзи қандай киши у?

Йигит индамади. Уйнинг тўрида осифлик турган асари ва ундаги кўнгли тўлмаган жиҳатлар хаёлида оламча ўйлар қўзғади. Бугунги тасвирий санъат эҳтиёжлари қаёқдаю кишилар савияси қаёқда. Ким учун яратиш керак ўзи — санъат учунми ёки манавилар учунми? «Эскича айтилар янги куйимиз».

У осмондан қулаб тушган ярадор қуш каби одатий саросимага берилди, диққати ошиб дераза томонга юзланди, гарчи у булутли осмонга қараб тургандай туюлса-да, аслида ҳеч вақони кўрмас эди; хаёлига каманд ташлаган таъсир секин-аста кимнингдир овозига айланди, қачонлардир у:— Да!— деган овозни эшитган, лекин қачон? Ким эди унинг ўзи? Йигитнинг фикрини шу савол банд этди.

Баногоҳ аллаким гўё Рим ибодатхонасидаги қадимий жомни чалиб юбордию унинг янгроқ садолари майинлашиб-майинлашиб шуурига сингиб борди. У садо таралган тарафга бурилди ва кўрдик, ўша қиз пиёлани чертаётир!

Қиз курсида омонатгина ўтириб чой узатмоқ барсбарида чап қўли билан ёқасини хиёл ғижимлаб турар эди. Бу ҳолат аллазамонлардан буён қўл тегмаган ва чанг босиб ётган унинг кўнгил торини чертиб юборгандай бўлди. Шундан таралган оҳанг ўлик танга тириклик суви янглиғ сингганди гўё. Бундай нафосат-

ни четлаб ўтаётган силавий ҳаёти, саранжом-сариш-
талиқдан холи қозон-товоғи, тик оёқда туриб чой ичи-
шни доимий тартибсизлик... бари-барчаси кўз олдидан
ўтди ва умри нечоғлик қашшоқ кечаётганлигини шу
лаҳзада аниқ-тиниқ идрок этди.

Оҳиста чертилган пиёла сокин жаранг таратди.
Уйқуси қочган одам каби кўзлари пирпираб кизга
термулди у ва жилмайинқираб чойга узалди. Кун
кеча чимилдиқдан чиққан келинчак каби рўбарўсида
ўша малак ибo сақлаб ўтирар, ҳатто тик қарамас эди
унга.

Ингит пиёлани қўлига олиб, ҳайрон бўлди, у чил-
пиллаб турар эди, чойнинг бунчалар тўлдириб қуйи-
лиши одатийликка хилоф бўлганлиги учун ҳам — бир
тилсимга рўбарў келиб, шунинг ечимини тополмаётган
каби унинг руҳиятини маҳзунлик чулғаб олди. «Ни-
мага ишора экан бу ўзи?» У бошини кўтариб, шу са-
вслга жавоб излаган каби қизнинг чеҳрасига кўз юбор-
ди. Ўн саккиз яшар қизнинг чеҳраси эмас эди бу,
кечмишга дахлдор аччиқ ситамлар унда совуқ асорат
қолдирган, парда тўсган кўзлар эса сийратини ундан
ишхон тутарди. Тенгсиз ва плоҳий шу малоҳат зами-
рида даҳшатли бир сир яширин эдики, бун
у сезмас-
дан қолмади. «Нима?» Шунда боя ҳаёлини банд
этган: — Да! — деган товуш бир қадар аниқ ва равшан
эшитилгандек туюлди. «Ўша — телефонда: — Гапир! —
дея дағдаға қилган...» Беихтиёр у қизнинг қўлидан
тутди ва дилидаги гумонига ойдинлик киритиш учун
«Қим эди у?» дея сўрашга чоғланди. Бироқ шу лаҳ-
за, гарчи ҳеч бир эътироз билдирмаса-да, қиз қўлини
оҳиста халос этди ва унинг лабларида норозиликнинг
шундай бир нафис ифодаси зуҳур бўлдики, қилиғи-
дан ўзи пушаймон бўлиб, кечирасиз, деди у беихтиёр,
кейин ер бўлган ғурури вужудида бир исён кўтарди.
Ва туриб, чиқиб кетишга аҳд қилди. Шу чоғ қизнинг,
нега бундай қиласиз, деган каби ўпка-гина билан қа-
раб турганини кўрдию тағин ўзини босди. «Анавиям,
ким бўлмасин, ботиниб бир сўз дея олмаса керак бун-
га. Жуда ҳам баҳосини билар экан! Истаса, бутун бош-
ли дунёни тургазиб ўтқазади. Унча-мунчаси кўзига тик
қарай олмайди ҳам! Эҳтимол, бирон-бир касалга ча-
лингандиру шундан қолган асоратдир юзидаги, деган
ўйга борди, тағин бу тахмини ҳақиқатдан жуда йироқ
эканлигига ўзи иқроор бўлди. — Асли-насли шунақа

бўлиши мумкин! Ҳа, ҳа, ота-онаси вафот этгач... шундан қолган асоратдир! Осонми бундай кулфатга чидаш!» деб ўйлади у, негадир шунга жуда ҳам ишонгисин келиб, бироқ бу таскинбахш тўхтам замирида нохуш бир ҳақиқат, ҳа, ҳа, ўйлаган ўйига тамомила зид ҳақиқат ётгандек бўлиб туюлди унга.

Баногоҳ дераза тавақаси шамолда ўйнадию ойна кўзгу янглиғ бир тилим ёғдуни дастурхон устига сочиб юборди: қизнинг чап юзи ойдай ёришди, сочлари ёғдуланиб кумушдай жимиллай бошлади.

Йигит қўлидаги пиёлани дастурхон устига қўйди-да, апил-тапил молбертга энгашди; оппоқ қоғоз юзидан мўйқалам сирғала кетди. Қизнинг яримта юзи тим қаро кечадаги ўн беш кунлик ойдай бўлиб қоғоз юзига тушди, фарқи очилган сочнинг тенг ярми олов каби ёнар эди, қолган тенг ярми... зимистон зулматига чулганган.

Ҳали у эскизни ниҳояламай туриб, тугатдингизми, дея қизиқсинди қиз. Унинг ҳаяжон илашган овозига болаларникига хос ўйинқароқлик, шираю тиниқлик юққан эди. Гўё аллаким йигитнинг кўнгил даричасига тутилган пардани бир силкиб очди ва ичкарига оламжаҳон ёғду қуюлгандай бўлди — дили ёришиб кетди унинг. Шикаста табассум билан у қизга юзланди-да, — йўқ, ҳали чаласи бор, — деди, — қимир этманг! — Шунда ўзининг айтган гапи шу қадар дағал туюлдики, назарида, йиллар мобайнида қарор топган бу нуқс феълу хўйида йўқотиб бўлмас даражага етгандек эди. Ёши ўтиб кетаётганини ёдига солди бу ва дилгир кайфият кўзгади унда. Ҳар калай, у томдан тараша тушгандек, «қимирламанг» демай, шоирона бир гапни ўйлаб топиши, айтиши ҳам мумкин эди-ку! Масалан, дейлик, жойингиздан жилманг ва ёки ҳолатингиз ўзгармасин, илтимос! Ҳатто шу ҳам қандайдир ярашиқсиз ва дағал.

Маликага рўпарў келган чўпон каби у чиройли сўзларни қидира бошлади, бироқ тафаккур олаmidан уларни тутиб олиш жуда маҳол эди.

Ниҳоят, у эскиздан бош кўтарди ва ички бир қониқиш билан қизга қаради. Малакнинг кўзлари кулиб турар, меҳр учқунлари ҳам йўқ эмас эди унда, бироқ бу — суврати чизилаётгани учунлигини, қиз шундан мамнун эканлигини фаҳмламай қолмади у. Айнан мана

шу — меҳр не боис туғилганлигию унинг оний эканлигини англаб етгач, таъби хира бўлди. Эскиз кўнгилдагидай чиққан эди, қизнинг оқи оққа, қораси қорага ажралиб турган ҳолати ўзига ҳам ёққан эди. Эскизини у молбертдан олди-да, қизга узатди. Ҳайратини ифода этиб, қиз ширин энтикди, юзлари яшнаб кетди унинг. Чиройли бошини бир ёнга солинтирган кўйи ўзининг тасвирини узоқ томоша қилди у, сўнг кўзлари чақнаб йигитга термулди. Унинг чарос кўзлари меҳрга тўлиқ, улар, миннатдорман сиздан, бағоят миннатдорман, деяётгандай бўлиб туюларди. Йигит туйдики, кўнгли меҳр эмаётир.

— Ўзим ҳам шундай келиштириб чизарсиз деб ўйловдим-а!

Қизга гап қотмасдан тагин молбертга энгашди у.

Малакнинг бояги қараши шуурида михланиб қолган эди. «Билмаган эканман, ёш тўла кўзлар, юлдуз тўла гўзал осмонга ўхшар». Шоирнинг шу байти қайдандир сизиб хаёлига келди-да, сўнг уйда қамалиб қолган қалдирғоч янглиғ чарх ура бошлади. Бу сатр такрор ва такрор хаёлидан кечар экан, йигирма йиллар аввал ёд олган шеъри шунча вақт ўтиб кетгач, бирдан ёдида қайта бошдан тикланганига ўзи ҳам ҳайрон қолди. «Билмаган эканман, ёш тўла кўзлар, юлдуз тўла гўзал осмонга ўхшар. Йўқ, унинг кўзлари осмонга эмас, денгизга ўхшайди. Денгиз бўлганда ҳам шундай денгизки, бағрида ақл бовар қилмас ғалаён...»

Онда-сонда у бошини кўтариб ўша чарос кўзларга қарар ва унинг корачўғларидаги ҳайрат тобора меҳрга қоришиб бораётганини илғар, табиийки, бунинг барчаси ўзига дахлдор эканлигини ҳис этар эди. Эҳтимол, қўшни уйдан таралгандир, ҳар қалай, мунгли ва хазин, айна пайтда шу қадар дилдош бир наво унинг руҳи-жонини банд этди. Дардга тўлиқ бу муножот сел бўлиб оқ қороз юзига қуюлаётгандай эди, назарида, мўйқалами ҳам шу тобда шу қўшиқнигина куйлаётгандай. «Менга тобе эди чиндан ўша чоқ,— Илоҳий учкунлар чақнаган кўзлар. Сендаги бу нарса — муқаддас, гўзал. Менга эса булар — жонимдан афзал». Дардчил оҳу зорнинг ҳар биттаси юрагини титратиб ўтар, жисми-жони эриб шу муножотга қоришиб бораётган-

дай туюларди. «Қандай ширин эди у кезлар руҳга, Бир кечин бермасдим мангу умрга».

«Нега мен бу қизга ўн беш йил аввал рўбарў келмадим?!— деб ўйлади у тенгсиз бир армон билан.— Нега энди бугун у менга дуч келиб турибди? Нега? Тақдир менинг устимдан кулмоқчими ё? Мени масхара қилмоқчими у? Қайтиб ортга чекина олмаслигимни у аниқ билади. Бунга имони комил бўлгани учун ҳам бунга мени дучор этиб.. Ё раббий! Қани, энди анорнинг суви бўлсаю ташналигим қонгунча сипқорсам, биратўла қонимга сингиб кетса у. Қани энди бир марварид бўлсаю тилимнинг остига жойлаб, умр бўйи асраб юрсам! Энди кеч. Энди...»

У сўнгги чизгини тортгач, мўйқаламни хонтахта устига қўйди-да, устол қиррасига тирсагини тираб, кафтига ияк босди. Шу заҳоти кўшиқ ҳам тинди. Мезон янглиғ ҳавода учиб юрган наво гўё тош каби қотди-да, юрагининг тубига чўккан кўйи туриб қолди. Бояги завқ-шавқдан ному нишон қолмагач, ўзини бағоят ғариб ва ёлғиз, унутилган ҳис этди у, назарида, икки орадаги тубсиз жарлик тобора кенгайиб бораётгандай эди. Қисмат ботқоғига яна тойиб кета бошлади. Неча йилдирки, шундан чиқаман деб уринади у, билъакс, сирғалиб тобора қуйирокқа ботиб кетади, эгни-боши тошдан оғир, танига ёпишиб қолган, ҳаракат килишига сира йўл бермайди. Боя, назарида, қўллари халос этиб, пича нафас ростлагандай бўлувди. Тағин беомон қаърга чўка бошлади.

— Бу сизга!

Қизнинг товуши жуда ҳам олисдан эшитилгандай туюлди, тағин у аллақандай муаттар бўйни эргаштириб келаётгандай эди. Шу чоғ бир қушча унинг кифтига кўнгандай бўлди. Қушчани ҳуркитиб юборишни истамай у секин бошини кўтарди, бироқ қизга ўгирилмади, балки рўбарўдаги кўзгуга қаради, устол устида сутдек тошиб турган каймоқранг атиргулни ва ҳамда тепасидаги қизнинг аксини кўрди. Зоҳиран қиз унга суяниб тургандай, севинч тошган кўзлари эса айрича чирой касб этган, ёноқлари ял-ял ёнар, чеҳраси тонгда юз очган ва гулкосасига шабнам инган қаймоқранг атиргулнинг ўзгинаси эди, гулкосаларнинг зиҳига қизиллик югурган ва улар шунчалар яшнаб кетган эдики, ростки, термулиб ўтирганча ўлиб кетгинг келарди.

Кўзгуда, унинг кифтига инган бармоқлар шу қадар омонат турардики, чиндан ҳам учиб кетишга маҳтал қушчани эслатарди. Бурилиб, шу оққуш қўлга қарагиси, лабларини босгиси ва уни кўзларига суртгиси келди, бироқ ўзини тийди у. Ниҳоят, қизнинг: — Қўшиқ! Қўшиқ айтяпти улар! — дегани эшитилди. Шунда у ҳамиша юрагини титратган, қизнинг овозидаги илтижо илоҳий бир хазинлик эканини пайқади. Ҳозир қиз ўшандай ширали, ўшандай инжа оҳанглар йўғрилган овозда ҳайратини изҳор этган бўлса-да, у мунгдан холи эди, шу боис юрагида севинч уйғотди, холос. Йигит бошини хиёл орқага ташлаб, бош учида турган малакка термулди. Аслида, бу тахлит назар ташланса ҳар қандай дилбар ҳам хунук кўриниши ва кўнгилда нохуш таассурот қолдириши муқаррар эди, шуни билгани важдан ҳеч маҳал у гўзалларга мана шу йўсинда, яъни қуйидан туриб разм солишни истамасди, шуни кўра-билатуриб, айни чоғда ўзини тутиб қололмади; қиз унинг кўнглидагини сезган каби ва унга хунук кўринишни истамаган каби чиройли бошини чап ёнга хиёл солинтирди, тун каби қуюлган унинг сочлари оппоқ елкасини тамом пардалаб, оққуш бўйини ҳам кўздан яширди, ўксиган боланикига, ўхшаш гунча лаблари эса анор донасининг баайни ўзи...

«Умр бўйи ахтарганим!.. Умримнинг бу хазон фаслида юлдуздай чарақлаб манглайимда турганинг нима-си? Нима дей сенга? Бир сўз демоққа ҳаддим бормикин, ҳаққим бормикин?! Айт, бу ҳолга чора борми, айт? Ёниб ёнолмасанг, ўчиб ўчолмасанг!..»

— Қўшиқ куйлаяпти улар!

Олис-олислардан элас бир сас таралгандай бўлди гўёки: — Тоҳир, Тоҳир, Тоҳир!..

— Ҳа, ҳа, — деди қиз, ҳаяжондан энтикканча шивирлаб ва яна давом этдики: — Сиз билмайсиз! Сиз шундайсиз, шундайсиз ўзи, деб ўйловдим асли!

Қизнинг кўзларига термулгиси келди унинг, лекин қиз унга қарамади, паришон бир алфозда сувратдан нигоҳини узмай дедик: — Сиз ҳеч нимани билмайсиз! Лекин мен сизнинг борлигингизга ишонар эдим! Бир куни эшикдан худди мана шундай кириб келишингизга ям ишонар эдим. Ахир, Зухраси дунёда бўлганидан кейин унинг Тоҳириям бўлиши керак-ку! Шундай эмасми ё? Даъвом ножоизми? Лекин сиз сурат

чизарсиз деб ҳеч ўйламаган эдим. Алпомишга ўхшаб...— Йигит ютунди. Минглаб чумоли ўрмалаган каби вужуди жимирлаб кетди унинг, ботқоқлик секин-аста чекинган каби ва исканжа руҳи-жонини хиёл бўшатган каби туюлди унга.— Йўлингизни пойлаб кўзларим тўрт бўлди менинг. Наҳот мен ғарибни тоқ яратган бўлса, наҳот хору зорликда ўтса бу умрим дея адои тамом бўлдим. Ахийри, сабрим чидамади, телефон дастагини шундай олдимда, таваккалига рақам тердим, аллаким овоз берди. Тоҳир борми, дедим. Шунда қанчалар жон ҳовучлаб турганимни хаёлингизга ҳам келтира олмайсиз сиз. «Йўқ, Тоҳир йўқ! Унақа одам йўқ бизда!» деса нима бўлар эди? Билсангиз, куйиб кулга айланардим. Хайриятки, бор, лекин ҳозир бир ёққа кетган, фалон-писмадон, деди ўша овоз берган. Сиз билсангиз эди — шунда қанчалар суюнганимни! Сизга айтишгандир-а, сим қоққанимни? — Қиз унга бир қараб олди. У, ҳа, деган каби тасдиқ маъносида бош ирғади. Қиз ўзининг гапидан ўзи уялган каби тагин эскизга қаради, сувратдаги кўзлари билан ўзи сўзлашаётган каби гапида давом этди.— Алпомишдай бўлсангиз чиқар, деб ўйлаган эдим. Товушингизни эшитдим-у, ҳа, ҳа, ўзи, худди ўзгинаси, мунча ҳориб қолипти менинг Алпомишим, дея куйдим. Рост, умр бўйи сиз ҳам мени, менинг сим қоқишимни интизор кутгансиз, шуни овозингиздан дарҳол пайқадим. Шундай эмасми, хай? — Зухра бу гал кўзгу орқали унга назар ташлади. Йигит, ҳа, демади, юзини бурди-да, унинг чатнаб бораётган бармоқларига кўзини суртди. Шунда баҳор эпкинидек бир насим, ҳа, ҳа, муаттар бўйга чулғанган бир насим сочларини силаб-сийпагандай туюлди, сочларини силаётган кўл эмас, меҳрнинг ўзгинаси эди гўё. У етмиш икки томирида бир титроқ сизди. Йиллар бадалида муз қотган дийдаси батамом эриб, қайноқ бир йиғи келиб бўғзига қадалди ва кейин икки қатра қайноқ ёш кўзларидан силқиб чиқди. Тип-тиниқ осмонда ҳаволаниб бораётган укпар булут янгилиғ ўзини енгил ҳис этди у. Қулоқлари остида яна гирянинг нолон оҳанглари чаппар урди:

Ё малак, ёхуд пари ҳусн ичра монанди эмас —
Ким, анинг ҳақ айламиш оламда якто ҳуснини...

Титроқ оҳанглар юрак торларига зарб билан урилиб парчинланар, камалак янглиғ жилолана-жилолана уби сел қилиб юборар эди; назарида, у умр бўйи шу навони ахтарган, шу кўшиққа зор бўлган, уни ҳар қанча тингламасин, ташналиги босилмас; тоабад у дарё бўлиб оқишини ва ҳеч адоғи бўй бермаслигини тилар эди. Қачондир шундай кун келишига ҳамиша имони қомил эди унинг, аммо бу ҳеч кутилмаганда — бугун насиб этишини хаёлига ҳам келтирмаган, руҳан бунга ҳозир эмасди. Укпар булут янглиғ ҳаволай туриб, баногоҳ турфа манзаралар: уй-жойи, чўмич кўтарган Гулбаҳор, учирган варрагига термулган каби унга кўз тиккан болалари, чала ётган ишларию ойноманинг топширилмаган безаклари — ҳамма-ҳаммаси мезон янглиғ хаёлидан сузиб ўтишди, бошқа бир кучга соме бўлганлигиданми, уларга мутелик ҳиссини туймади, мастона сузилган кўзлари чўмич кўтарган Гулбаҳорни, учта боласини, тартибсиз сочилган қоғозларни, кўчаларни, шаҳарни — ўзи илдиз отган ўша хилқатни, тобора майдалашиб тубанда қолиб кетаётган заминни кўрди, бора-бора заминнинг ўзи ҳам гўё зиғирга айланди-да, бирдан узоқлашиб кетди — ернинг тортиш кучидан биратўла халос бўлиб, самоларга чиқиб кетган эди гўё. Ўша гиря уни қанотларида олиб учарди: — Тушларимда кўрганман сизни, Тоҳир ака! Мунча интиқ қилмаса деб кўз ёшларим дарё бўлган! Уйкусиз кечаларда қанча хатлар ёзганман сизга. Қанчасини кушларнинг оёғига боғлаб учириб юборганман. Сиз... эҳ, си-из... ҳеч келмадингиз. Бошимга кулфат тушганида, бир халоскорга зор бўлганимда тоғдай таянчим бўлмадингиз менинг! Мана, энди...

— Ҳалиям кеч эмас...

— Ҳа, ҳалиям кеч эмас. Ёмон қиз эмасман мен, Тоҳир ака. Зухрайам ёмон бўладими, ахир?! Кўргулик экан-да, эртақлардаги одамхўр аждарга... Сиз мени бало-қазодан асрайсиз! Асрайсиз, а?!

У маст эди.

— На акам бор менинг, на укам! Бу дунёда сиздан бўлак ҳеч кимим йўқ. Сиз... сиз ундан асрайсиз, а, мени?

У ихтиёрсиз тарзда, ҳа, деди.

— Э-ҳ, сиз! Сиз!.. Қандай ажойибсиз-а! Ўла-ўлгунимча чўрингиз бўлайин сизнинг!

Қиз тиз чўкди ва унинг тиззасига юзини босди.

У бошини кўтарди ва қизнинг кўзида қалқиб тур-

ган икки томчи ёшни кўрди. Кўз ёшлари қизнинг юзини ҳам ювиб тушар эди.

У мажнунтолнинг кокилидек қуюлган сочларни силади ва шунда қўллари ипакдек майинлашиб кетганлигини туйди.

— Сиз — яхшисиз! — деди у. — Сиз — ҳурсиз! Сиз ҳар недан юксаксиз. Агар, сиз бўлмаганингизда бу дунё нечоғлик ғариб, нечоғлик етим бўлишини билсангиз эди. Сиз менинг ҳасратим, сиз менинг бахтим, сиз жону жаҳоним, армоним, Зухра!

— Тоҳир ака!

Э-э, нега тақдир ўн беш йил бурун уни рўпару қилмаган? Нега энди, бир марварид эмаски, тоабад танглайида асраб юрса, нега у анор суви эмаски, ичсаю жисмига сингиб кетса?!

Қани энди жисму жонлар анови икки томчи ёш каби бир-бирига қўшилиб кетсаю тоабад яктан яшашса!

— Зухра!

Қиз бошини кўтарди, адоқсиз ёшлари дарё бўлиб оқаётган кўзларини унга тикди. Шундагина йигит тафаккурнинг англаш маҳол бўлган табиатини пайқагандек бўлди — дафъатан хаёлининг бир четида: — Билмаган эканман ёш тўла кўзлар юлдуз тўла гўзал осмонга ўхшар, — деган ўй кечди. Сўнг юраги қон силқиди. «Сизни яхши кўраман, Зухра. Умрим бўйи излаганим сиз. Ростини айтсам, нимани ахтараётганимни ўзим ҳам билмай, ахийри умидимни узган эдим. Энди билсам, мен бору йўғимни, жону жаҳонимни ахтарганман. Менинг бору йўғим — сенсан, севар ёрим — сенсан.

Сени яхши кўраман, яхши кўрмоқ ҳам гапми! Сенсиз бу дунё ботқоқликдай гап. Ундан холос қилган — ўзингсан!

Дунёдан кўнглим совиган, бору йўқдан умидим узилган бир пайтда худойим сени менга бежиз йўлиқтирмади! Сен менинг юрагимдаги армоним эдинг, энди бир умрлик кўшиғим бўлиб қоласан, Зухра!»

У қизнинг юзларини ювиб тушаётган кўз ёшларни сидириб ташлади. Қиз унинг чап қўлидан сиқиб ушлади, агар ишонсангиз, унинг бармоқлари қўлга тушган қушча каби безовта титрар ва гўё йигитнинг қўли ҳозир сиқимидан чиқиб кетадигандай, шуни истамаётгандай, бу қўлни йўқотиб қўйишдан чўчиётгандай, бир йўқотиб қўйса агар, қайтиб уни топа олмайдигандай титраб-қақшаб сиқар; унинг безовта эканлиги, бир

нимадан қаттиқ чўчиётгани шундоқ сезилиб турар эди.

Йигит, ким учундир шунчалар арзанда ва керак эканлигини шунда илк дафъа теран ҳис этди ва юраги тўлиб, кейинги бир неча сония ичида шу ёруғ оламдаги энг азиз кишисига айланган малакнинг оқ-оппоқ билакларидан оҳиста тутиб ўрнидан турғазди.

Кўз ёшига ювинган қиз нақ унинг рўбарўсида шабнамда чайилган атиргулдай бўлиб турар эди. Ва ундан шундай бир муаттар бўй таралар эдики, йигитнинг юраги орзикиб кетди.

Толеидаги ошуфта юлдузга талпинган каби у қизга интилди ва шунда баногоҳ то шу кунга қадар қўлу оёғини ипсиз боғлаган ғайришуурий куч малол ботгулик тарзда кўкрагидан секин итарди.

Шунда-да, малак дудокларига лабини босди у.

Дилларни сеҳрловчи бир куй элас-элас қулоғига чалинди, юракларини титратиб чиқиб томирларида қон бўлиб оқаётган бу наво уларни, шунинг баробарида оламни аллага кўмар эди гўё.

Қизнинг киприклари ошиқ-маъшуқлар каби бир-бирига чирмашиб кетдилар.

Шууридаги совуққон ҳакам ҳамон хатти-ҳаракатини кузатиб, қилмишини муҳокама этиб турганлигини йигит ҳис этди, кейин... ўша дилдош наво жисми-жонини тамомила сеҳрлаб олдию маст каби кўзлари сузилди, сўнг руҳи-жонини чирмовиқ каби чирмаб турган исканжа ҳеч кутилмаганда парча-парча бўлиб кетди, руҳи танидан суғирилиб чиқди-да, укпар каби, ҳатто самолардан ҳам юксак — арши аълога мансуб укпар каби беҳад тез ҳаволай бошлади, ҳакам-пакамлар, исканжаю тазйиқлар жисмига қўшилиб ирkit заминда қолиб кетдилар, шунини аниқ ҳис этди у.

Одамзод шунчалар унутиши мумкинми ўзини? Жисмидан шунчалар холос бўлиши, руҳи шунчалар юксалиб, фаришталар янглиғ учиб юриши мумкинми сира?! Ё раббано! Нима бу ўзи? Қандай куч бу? Қандай синоат, қандай саодат?

Гўё у ботқоқликдан суғирилиб чиқди-да, тириклик сувига чайинди ва сўнг учиб бориб нақ юлдузлар оғушига сингиб кетди. Ўша дамда мудом бир наво янграб турди, бу наво қонига қўшилиб оқдими унинг ва ёки фалакдан таралдими ёки унга шундай — қўшиқ янграётгандай бўлиб туюлдими, ўзи ҳам аниқ билмайди буни. Лекин шу наво унга қанот бўлганлиги, учар гилам янглиғ уни олиб учганлиги рост.

Орадан йиллар, эҳтимол ойлар, балки лаҳзалар ўтиб, у жисмида бир оғриқ туйди. Эҳтимол, кимнинг дастидан шундай азият чекаётганлигини билиш учун ҳам қайтиб у фалакдан турган жойига тушган чиқар?..

Бир жондор келиб қўлидан чақаётгандай бўлиб туюлди. Жони оғригач, у истамайгина кўзини очди, оғушида — самовий ҳурилиқо, у ширингина туш кўраётгандай, туш кўриб ухлаётган гўдакдай, чеҳрасида илоҳий бир осойиш, маъсумлик; ўзининг кўз очгани, эҳтимол ҳолатнинг ўзгариши мана шу осойишга хиёл бўлса-да даҳл қилганлигини у пайқади ва кўзларини чирт юмди. Жони оғрий бошлагач, қизнинг белида турган чап қўлини оҳиста кўтарди ва унинг елкаси оша каради. Қон. Шуни кўра-билатуриб, қудратли бир куч элитган каби унинг кўзлари тагин юмилиб кетди. Гўё у тош қотиб ухлар ва барча-барчасини тушида кўраётгандек ҳис этар эди ўзини. Бир сархушлик ато этувчи оққуш қўллар ток навдалари янглиғ бўйнига чирмашган, оғушидаги малакнинг кўкраклари ҳам бир маромда енгилгина кўтарилиб тушар эди. Мана шунинг ҳаммасини, ўзи асл ҳолатига қайта бошлаганини ҳам, бу ўзгариш қизга сезилганию унинг лаблари гармсел теккан гунча каби қовжирай бошлаганини ҳам у фаҳмлади. Кўзларини очиб, малакнинг ёноқлари оша тагин ўзининг қўлига разм солди, бир нима тилиб юборган, шекилли, қўлининг орқасидан тизиллаб қон оқар эди. Ширин туш кўратуриб, сесканиб уйгонган одам каби у ажабланди. Ҳеч вақони англай олмай кўзларини чирт юмиб олди, ва кўрдик, нохуш нарсa теккан каби қиз инграётир, нозик елкалари ўқ еган қуш қанотидай теришаётир.

«Қўлини тилиб юборган — нима у? Ахир, бу уйга келганида... кейин...» — Ортиқ ўй ўйлагиси келмади унинг. Маст уйку элитаётган каби кўзи юмилаётиб, баногоҳ ҳу нарида турган ва йўқ ердан пайдо бўлган аллақандай шарпани илғаб қолди. Ўша шарпа секин-аста шамойилга айланди. Бу дунёнинг бир тантқи кўз остидан адоват билан тикилиб турар эди унга...

Қиз, эмаётган сути адо бўлган гўдак каби оромсизланди, тамшанди, ниҳоят, у хиёл бошини кўтарди-да, лабларини чўччайтириб аразлаган каби навозиш ила унга термулди.

Тоҳир, қайта туғилган одамдайин нималар бўлаётганини, анави ердан чиқдими ва ёки осмондан тушдими — шуни, ўзи ким — шуни англамоқ хоҳишида

ундан кўз узмас, бироқ буни идрок этмоққа қувваи ҳофизаси етмас эди сира.

Женси кийганнинг мушаклари туртиб чиққан, қўлида — пакки, эҳтимол, шу билан унинг қўлини тилиб юборгандир? Шу тариқа уни огоҳ этгандир? Бунақаялар шунақа — қиликсиз бўлишади-ку ўзи — эшик эса ланг очиқ. Наҳот қулфламаган бўлса? Ва ёки анави очиб кирдимиз, а? Қандай қилиб, ахир?.. — Оёғида ярашимли оппоқ калесо; тошдек қотган чап юзида чандиқ, бўйнида ҳам ингичка тиртиқ бор эди унинг. Афтидан, у бамайлихотир, фақат буларнинг бу қадар имиллаши хуш ёқмаётганди. Қиз оққушниқисимон бўйнини чўзиб иягини кўтарди-да, унга тикилди, кейин «сизга нима бўлди ўзи?» деган каби кулимсираб, қошларини чимирди, унинг бир нуқтага тикилиб қолганлигини кўргач, ҳайрон бўлиб ўгирилди-да, ўша ёққа қаради. Дафъатан, билакларига оғирлик тушгач, йигит сездикки, қиз тамомила бўшашиб кетди. Кейин унинг ваҳм билан оҳиста энтиккани қулоққа чалинди. Шу лаҳза у нақ юраги ёрилгандай Тоҳирнинг чап билагини шунчалар сиқдикки, шунчалар сиқдикки, оғирлигининг дастидан хаёлини ўғирлаган сархушлик пардаси тарам-тарам бўлиб кетди: «Бу—ўша!» Умр бўйи қора булут каби руҳиятини хуфтон қилиб келган шарпанинг одам шамойилида турганини кўрди у. «Бу — ўша!» Қиз ўшандан қочиб, жисми-жонига сингиб кетмоқчидай, баттар унинг пинжига суқилди, сўнг хиёл дадиллашгач, унга орқайин қилиб: «нима демоқчисан? Қани, гапир! Ортиқ менга кучинг етмайди. Шунанга!» демоқчи каби кибру адсват билан тумтайганча ўшанга қаради.

— Чиқ, сени кутишяпти!

Қиз, биров уни икки буклаб нақ аждарнинг комига тикиб юбораётгандай фиғон чекиб зорланди:

— Чиқмайман! Чиқмайман!

Нариги хонадан кампирнинг безовта ингрангани, кейин ғарибона нолиши эшитилди.

— ...Ютқаздим сени! — Йигит Тоҳирга қараб хунук ишшайди. — Бир кечага... ўлиб қолмас! Сен...

Қиз унинг пинжига сингиб кетгандек бўлди, кейин нажот истаган каби ваҳм тўла кўзларини катта-катта очиб унга термулди.

«Ютқаздим?» Нечун ютқазди? Нимани? Қимор-бозмикин бу? Зухрани ўйинга тикканмикин? Наҳотки? Наҳот у?.. — Тоҳирнинг мияси ғовлаб кетди. Зух-

рани қиморга тикиш ақл бовар қилмайдиган ҳаракат. Баногоҳ боя, юқорига кўтарилаётиб, аёл кишининг, у ўлмади, мен қутулмадим. Қаёққа кетди ўзи? Кафангадо қилади бизни!, дея қақшагани хаёлидан кечди. Ҳа-я, ўша аёл, анови қиморбоз илиб кетган чиқар, деган эди-ку!

— Нима, сиз қиморбозмисиз?— деган сўров беихтиёр оғзидан чиқиб кетди унинг. Лекин қиморбоз эътибор бермади унга.

— Зул!— деди у хиёл таҳдид билан. Одатда, бировни чўчитмоқ истаса овозига шундай тус беради киши.

— Ўлдириб ташласанг ҳам бормайман!— Қиз йиғлаб юборди.

— Зул!!!— Бу ўдағайлашдан кейин ҳали тамомила тамошабинга айланган Тоҳир хиёл ўзига келди ва айтган сўзи жобажо бўлишига гарчи кўзи етмаса-да:

— Ҳеч қаёққа бормайди у!— деди.

Женси кийган йигит, ана холос, деган каби лабларини чўччайтирди. Кейин икки қадам олдинга юрди. Худди шу лаҳзада икки одам вужудида бирикиб турганлигини Тоҳир аниқ ҳис этди: бири бу жанжалга бевосита иштирок этишни истамас, ўзини четга олишга, ҳар бир ҳодисага ҳушёр муносабатда бўлишга мойил, хархашага тасодифан аралашиб қолганлигини, аслида қизга етти ёт эканлигини унутиб қўймасликка ундар эди уни; иккинчиси... енгини бир нима ёндириб юборганлигини туйди, ўгирилиб кўрдик, қизнинг қайнок кўз ёшлари дарё бўлиб юзини ювиб тушаётир. Ва беихтиёр уни кўлтиғидан бўшатди-да, кифтидан тутиб орқага сурди, сўнг ўзи олдинга бир қадам ташлади.

— Қоч йўлдан!

У қочмади.

«И-а!» Нақ юзига урилган зарбдан орқага у чагилиб кетди, учиб тушаётиб бир амаллаб устолга таяниб қолди холос, устол денгиз каби чайқалдию аввалига пиёлада чилпиллаб турган чой пўртана янгилиғ ҳавога сачради, кейин пиёланинг ўзи қарсиллаб полга тушди-да, чил-чил синди.

Тоҳир шу пайтга қадар ўзи англамаган бир ёввойи кудрат жисми-жонини банд этганини сезди, қўллари метинга айланди гўё.

«И-а!» Бу галги ҳамладан ўзини асраб қолди у ва бир маҳаллар — ёшлигида ўн бир одимлик жарима тўпини чирпирак килиб қандай тепган бўлса, худди шу алфозда — жон-жаҳди билан ҳалигининг нозик

жойига қақшатиб тепди. Шунда бетма-бет турган ба-
шара буришиб кетганини, ола-кула кўзлар қонталаш-
ганини илғади, қайта ҳамла қилатуриб, тирсаги ачи-
шиб куйишганини сизди, бари бир, ўқрайган кўзларни
у хийла нарига итқитиб ташлади. Кимдир елкасига
чирмашгандай бўлди, у дарғазаб силтанди ва қиз-
нинг: — Қўйинг, тегманг унга. Ўлдириб қўясиз. Кейин
тоабад балога қоласиз! Улар ҳаммамизни қон қопти-
ради! Кетинг! Тезроқ кетинг бу уйдан!— дея зор қақ-
шагани қулоғига чалинди. Шунда хиёл ҳовури босил-
ди унинг. Нима қиларини билмай гарангсиб туриб
қолди. Ановига бас келгач, ортик эътибор қилмай бир
нималар дея ёлвораётган қизга сари ўгирилди ва кўр-
дики. қизнинг кўзлари ваҳмдан олайиб кетаётир. Шу
чоғ «И-а!» деган чинқириқ аралаш ёвуз бир зарб келиб
вужудига урилди, белини синдириб юборди, гўё. Чўми-
латуриб, анҳорга калла ташлаган одам сингари учиб
ерга тушар экан, қизнинг: — Қўй, Қоражон! Тегма!
Тегма унга! Мен бораман! Нариги дунёга десанг ҳам
бораман! Фақат тегма унга, тегма!— дея зорланганини
аранг эшитди. Юраги олов бўлиб ёндию вужуди тан-
дирдек қизиб кетди. Кейин осмондан қулаб тушаётган
тайёранинг варанглашига монанд бир овоз узлуксиз
эшитила бошлади. Тубсиз бир жарлик қаърига қулаб
кетган каби кўнгли беҳузур бўлди, жони товонига
довур сидирилиб тушди. Сўнг бор қулоғига чалинган
овоз — қизнинг ваҳм тўла чинқириғи бўлди, кейин
уқпар булутлар қаърига сингиб кетди у.

...Жисми-жони адоқсиз оғриққа айланган, аъзойи
бадани сиркирар, чап тирсаги олов бўлиб ёнар эди.
Икки чаккаси муттасил лўқиллар эди, боши тошдек
оғир. Ниҳоят, ковжираб бужмайган номозшомгул сал-
қинда қайта юз очгани каби унинг киприклари ҳам
очилди. Оламини ғубор қоплаган, гўё оппок булутлар
кўзларига қуюлаётгандай. Бир маҳал булутлар ораси-
дан бир кампир чиқиб келиб кўриниш бергандай туюл-
ди, эғнида қора ридо, қўлида — шиша, шиша ичида—
милтираган шам, етти букилиб ўтирибди, юзлари буж-
майган, шилпиқ кўзлари эса нурдан мосуво. Бу кам-
пирни у қайдадир кўрган, қайдадир маломат ила тер-
мулган эди унга, шу тобда ҳам нечундир кампир ҳа-
деб уни койир, мунчоқдек кўзларию хиёл чимирилиб
туришларида шафқатсиз бир таъна-маломат акс этар
эди. Кампирнинг жаврайтуриб, чап кўлини пахса ки-
либ кесиб-кесиб гапиришни истаётгани айнан сезилар,

чамаси, бунга ҳадди сиғмас, ва яна сомеларча, афтидан, жуда жиддий-жиддий гапларни айтар, айтатуриб, лаблари ўксик кизалоқники каби бурилиб кетар, баногоҳ ёдига тушиб қолганда шамига термулар, уни кизғанган, ўчиб қолишидан чўчиган каби «ҳо-о» дея бағрига босар, пана қилар эди ундан. Пичадан сўнг эса зимдан ғарибона ўқрайиб қўярди.

У кўзларини юмди. Ва қайта очганида кўрдик, бош устида қора ридо кийган ва шағам тутган кампир эмас, тамомила ўзга — сийрак сочлари кулранг тус олган, чаккалари устихонига ёпишиб қолган бечораваш бир момо ўтирар, ич-ичига чўккан кўзларида унга ачиниб, шунинг баробарида иродасини синдирган кулфат асорати акс этиб турар эди. Момо бир нималар деди — лекин у эшитмади — кейин лаблари бурилдида, мунчокдек кўзларидан жовуллаб ёш қуйилди. У ана шу ёшнинг нақадар қайноқ эканлигини аниқ ҳис этди. Момо унга мўлтираган кўйи яна бир нималар деди ва сўнг енгининг учида кўз ёшларини сидириб ташлади, кейин яна лаблари бурилди ва яна мунчокдай кўзларидан шовуллаб ёш қуюлди...

Момони у қайдадир кўрган, тагин аллакимга у жуда-жуда ўхшаб кетар эди. Ким бўлди бу? Сира эслай олмади у: яна кўзлари юмилиб кетди... Ғирашра. Қандайдир кул сепилган ерга эмас, шифтга тикилиб ётганлигини у кейинги сафар кўзини очганида пайқади. Баайни шу тахлит, яъни илгари ҳам қандайдир кулранг шифтга тикилиб ётганлиги хаёлидан кечди. Қачон ва қасрда? Кўзига чалинган нарсалар ўзи эслашга қийналаётган бир манзаранинг бўлак-бўлакларини каби туюлди.

Ҳеч вақога тушуна олмай кўз учида атрофига аланглади ва кўрдик, пиёла синиқлари полда сочилиб ётибди. Қон сачраган денгиз қаъридаги бўрон унинг юрагига кўчди — кизнинг кўзларига (яъни эскизга) термулган кўйи у инграб юборди, гўё аллаким юрагига чанг солдида, нақ суғуриб олди...

Хийладан сўнг — ўзига келгач, кўрган-кечирганлари шамол деразага қоплаб урган хазон янглиғ шу урида чарх урди. Узук-юлуқ манзаралар бир бутунлик касб этди ва барчаси биратўла равшанлашди.

Ичи ёниб, ҳаво етишмай қолди. Хонадаги бояғи муаттар бўйлардан асар ҳам қолмаган, қандайдир қуруқ ва димоқни ачитувчи чанг ҳиди кезинар эди.

Ерпарчин бўлган ва иззат-икромдан, бор-будидан

биратула ажралган сипоҳ янглиғ хор бўлиб ётар экан, англадики, ҳозирок ўрнидан туриши ва биринчи навбатда ҳосиятсиз бу хонадан тезроқ чиқиб кетиши керак. Тирсагига таяниб ўмганини кўтармоқчи бўлдию инграб юборди — чап билаги ловуллаб кетди. Шундагина қўли оппоқ дока билан ўралганини пайқади у. Ва кампирнинг кўзларидан шовуллаб яна маржон-маржон ёш куйилди. «Мунча сил қилмаса бу?» Бошига тушган кўргуликка ва аялч ҳолатига гувоҳ бўлиб турганлиги учун ҳам момони у ич-ичидан ёмон кўриб қолди. Аччиқ устида ўнг тирсагига таяниб қийнала-қийнала қаддини ердан узди, туриб ўтиргач, кўзи тиниб димоғи ачиша бошлади.

Ниҳоят, бош айланиши тиндию кўзларини очиб, кўргаки — оёқ учиди ётган бир сиқим оқ-оппоқ булут бўлди. Булут секин-аста шаклга энди ва барқ уриб турган қаймоқранг атиргулга айланди. Юрагидан бир йиғи оққанча у анчага довур, худди кўзларига ишонмаган каби атиргулга термулиб қолди, жонбахш бир бўй кўкрагига, бир тиниқлик кўнглига келиб урилгандек бўлди. Гандираклаб ўрнидан турди-да, минг машаққат билан эскизларини йиғиштирди ва чап қўлтиғига қистирди, кейин молбертнинг тасмасидан судраган кўйи йўлакка чиқди. Шунда бир нимани унутиб қолдиргандек безовта бўлди у. Паришон алпозда бир лаҳза серрайиб турди-да, қайтиб эшикни очди ва тутғичга таянганча ичкарига кўз юборди. Полда... асир олиб кетилган ёрдан қолмиш сўнгги ёдгор... бағоят катта ва фавкулудда нафис, ҳойнаҳой, дунёдаги жамини гулларнинг энг чиройлиси, шоҳаншоҳи — қаймоқранг атиргул мунғайиб ётар эди.

Шунга кўзи тушган ҳамона Зухраси ва кечмиш воскалар кайта бешдан ҳаёлида жонланди, босинқираш каби таассурот қолдирган бу ҳодиса аслида бир неча сония бурун, айнан шу ерда рўй берганлигига имон қўтирдию юраги зардобга тўлиб, бошини эгди, молберт тасмаларини кифтига осиб ичкари кирди, бориб энгашди-да, атиргулни ердан узиб олди. Олаётиб, гулкосанинг уч-учлари товон остида ерпарчин бўлганини, полга батамом ёпишиб қолганини аниқ кўрди у. Юрагидаги зардоб тўкилган каби ичи ачишиб кетди.

Қаймоқранг атиргул шу ҳолида ҳам нафис, тенгсиз бир чиройга эга эдики, бўғилиблар кетди у. Атиргулни юзларига босгиси, тўйиб-тўйиб ҳидлагиси келди.

Баногоҳ гулкосада титраб турган шабнам янглиғ муссаффо бир қатрани — кўзёшини кўрди, ҳа, ҳа, у айнан кўзёши бўлиб кўринди унга ва яна қанақа кўзёши денг, атиргулнинг кўзёши. Гулга у юзини босгач, гулкосалар чаккасини силаб-сийпаётганини, йиғили овозда бия нима дея шивирлаётганини, йиғлай-йиғлай ёноғидан ўпаётганини; қайноқ ёшлар юзини ювиб тушаётганини ҳис этди у...

Олам сув қуйгандек осуда, жим-жит: ёмғир чайиб ўтган кўчалар сартахтадаги малакнинг ювилган тана-си каби муштипар; есир қолган келинчакдай беҳол ва ғамгин фалак эса йиғлайвериб кўзёшлари қуриб қолган кўзлар каби маҳзун, шикаста эди.

Кўча поёнида бир чироқ милтирар, гўё у чироқ эмас, қора ридо кийган кампирнинг қўлидаги шағам-у, қирмизи алангаси намчил асфалт узра бир олов ёқар, муздай шуълалар намда синиб ўйнар эди.

Зухрасига қўшилиб ўлиб кетганида ва ўша уй мазорига айланганида ҳеч армон қилмас эди. Бор-йўғидан мосуво бўлиб яйдоқ йўлида бош эгиб кетиш ўлимдан ортиқ. У маҳв бўлган ва етмиш икки томири туташ нарсаларни ёвга ташлаб, киндик қони томган юртдан чиқиб кетаётган хору ҳақир сипоҳга ўхшар, ерни эмас, ўзининг номусини, орини — юрагини бир-бир босиб бораётган каби жисму жонида азим азоб туяр эди. Қани энди бошини кўтарсаю ортида қолаётган хилқат билан сўнг бор видолашса, қани энди шунга қурби етса унинг!..

Устахонага кирган заҳоти рутубатга сингган мой-бўёқ ҳиди гўё учқун янглиғ сачраб, юрагини куйдираётган ситамни аланга олдириб юборди. Топталган номус, олинмаган қасос шу қадар руҳини парчинлаб ташлаган эдики, деворда осиглиқ сувратдаги қиз ми-йиғида кулиб тургани учун алами келиб бир мушт солдию унинг бўйнини чирт «узиб» ташлади. Нарига ўтиб молбертни ерга, эскизлару гулни устол устига иргитди. Шунда аллаким ортида кузатиб тургандек ва устидан кулаётгандек бўлиб туюлди унга. Ялт этиб ўгирилдию бўйни «узилган» кизнинг кулиб турган қорачиқларига кўзи тушди. Аччиқ устида бориб уни парча-парча қилиб ташлади. Бари бир, ўнлаб назарлар таъқибидан халос бўла олмади у. Ерда ва ёки деворда осиглиқ турган турфа сувратлар, тасвири туширил-

ган турфа кишилар андиша нима билмай, яратган эгасини бу кунги ҳолатига ачинган каби мийиғларида қулиб туришар эди. Буларнинг таъқибидан халос бўлиш амри маҳол. У тақдирга тан берган, иложсизликдан синган каби бошини солинтирди, банагоҳ қаймоқранг атиргулнинг заха еган косаларидаги «яра»ни, икки коса орасида ҳамон милдираб турган ўша — шабнамдай ожиз, қатра кўзёшини кўриб қолди. Яна дили вайрон бўлди унинг. Ўзини қўярга жой топа олмай, тутакиб кетди, икки қадам олдинга юрдию кўққисдан оқ-оппоқ матога рўбарў туриб қолди. Мато юзида қизнинг муштипар қиёфаси кўриниш бергандек туюлди, шунда димоқлари ачишиб кетди, ич-ичидан бир ҳақирлик тошиб келдию кўзларида ёш ҳалкаланди.

Ўгирилиб, устол устида ётган эскизга — қон сачраган, ҳа, ҳа, қон сачраган денгизга қаради. Ёа унда жисми-жонининг бир бўлагини кўрди гўё. Бежо туйғулар лова каби тошиб, вужудини куйдирар эди. Яна мушаклари метиндек қотди, яна қонида тийиб бўлмас бир тўфон қўпди. Бир зарб билан азим чинорларни ер билан битта этгиси, қуёшнинг юзини тескари қилиб, рўй-заминни чил-парчин қилгиси келди унинг.

Малакнинг муштипар чеҳрасини кўриш илинжида у тагин матога юзланди, ғамга ботган кўзларида хаёл шарпаси кезинди.

Баногоҳ қизнинг «ало-о» деган хазин ва зорли овози эшитилгандек бўлди. У титраб кетди. Аланг-жаланг теvarакка қаради, устол устида ва ундан нарида сочилиб ётган эскизу сувратларга кўзи тўшгач, устахонада эканлиги ёдига тушди, бўғзига тикилган нарсани ютиб, борди-да молбертни олди. Мўйқалам бўёқларини бир четда турган эски курсича устига териб қўйди у. Мўйқаламни чайиш ва бўёқлари увитишда аскотадиган сувни пластмасса идишга солаётиб чилпиллатиб юборди ва бу қизнинг чой узатган ҳолатини — ибo билан ёқасини ёпиб туришини беихтиёр ёдига солди. Пиёлаки чилпиллатиб юборгани ҳам бежиз эмаслиги энди унга аён эди. Қизнинг нигоҳи нечун қаърида тўфон кўпган денгиз янглиғ бўлиб туюлгани ҳам унга аён эди. Фақат...

«— Ҳалиям ўшанга чиққингиз борми?

— Нима десам экан сизга. Ҳафсала, юракда гужур қолмагач, қийин-да.

— Агар ўша чўққига чиқиб, сизни муттасил чақириб турсам-чи?

— Қайдам. Кеч эмасмикин энди?!

— Тоҳир! Тоҳир! Тоҳир! дея чақириб турсам-чи сизни! Қўлингиздан тутиб, ўзим тортиб олсам-чи сизни?!»

«Бу сизга!..»

У ялт этиб қаймоқранг атиргулга қаради ва, назарида, хона муаттар бўйга кўмилиб кетгандек бўлиб туюлди. У бориб атиргулни олди-да, юзига босди, кейин уни гултувакка солди. Шу чоғ бир ёнда турган эскиз — денгиз янглиғ КЎЗЛАР назарига илинди.

«Қўшиқ қўйлаяпти улар!»

Олис-олислардан муסיқий бир сас тарала бошлади. Сўнг хазин ва дилдош наво муайян пардаларга кўтарилиди-да, бу ёруғ оламни буткул тутиб кетди гўё.

Мана шу наво қаъридаги дардчил ноаларни чизади у, бу дардни рангларга солади, армонни рангларга солади, фақат...

...фақат у кечинмалардан хиёл узилиши ва тафаккур шоҳсупасига кўтарилиб, ҳолатларга разм солиши ва улар ичидан ниятга рангдошини ажратиб олиши лозим, холос.

У қарта чийлаб ўтирган киши каби ҳолатларни бир-бир назардан ўтказди. Телевизор устида кўрган суврати — чиройли турмакланган сочига қаймоқранг атиргул кистирган, расмда гул ҳам кўринсин учун хиёл ёнлама турган, кўнглидаги шу майлни пайқаган кишигагина хижолатомуз жилмайиб боқаётган, дудоқларида аёл бовар қилмас даражада тиниқлик барқурган маъсума...

Бир тарафи зимистон кечаю бир ёни ўн беш кунлик ойдаин тўлин чирой...

Денгиздай теран кўзлар...

Ҳар бири ўзича жозиб, бироқ...

У сгарет тутатганча торгина йўлак бўйлаб ўйчан кезина бошлади. Сўнг хонанинг нариги бурчагига бориб тўхтади-да, деразадан ташқарига тикилмоқчи бўлди. Кўзлари деворни пайпаслаб чиқди, бу ҳужрада дераза йўқ эди, баногоҳ деворда юлдузсимон панжаралар намоён бўлгандай туюлди. Тушида кўрган иллон... Қора ридо кийган кампир, унинг таъна-маломат билан боққан кўзлари, қўлида милтираб турган шағам...

«Илон... Аждар... Шағам... Энг тубанда юлдузсимон панжаранинг хирагина кўриниши. У деярли сезилмайди, фақат матонинг чет-четларида йўғон бўлиб кўзга ташланади. Кейин... — У ялт этиб атиргулга юзланди. — Аждаҳо... тангачалари қиёфалардан таркиб топади. Унинг оғзидан лова тошиб чиқаётир. Икки ўт орасида — барқ урган атиргул. Атиргулнинг ҳар бир япроғи юракка ўхшаб кетади. Унинг таркибида — қизнинг чехраси... Қўллар... унга талпинган, қўллар... интизорлик... қўллар қандай бўлиши керак ўзи? Қўллар... Алпомишникидай, ҳа, ҳа, худди Алпомишникидай, мантиқан билагидан буёғи шарт эмас! Гўё чопилган. Хў-ўш, суяғи, мушаклар, томир найчалари... қон... кўриниб туради, аниқ кўриниб туради. Шағам-чи, шағам? Ахир, ҳамма гап шунда-ку?! Шағам? Шағам-м?! У қизнинг бир юзига нур сочиб туриши керак! Ҳа, ўша юзи худди ўн беш кунлик ойдаин тўлин... сочларининг шу тарафи ҳам, табиийки, шуълаланиб туради.

Лова увиган қон янглиғ қорамтир-қизғиш тусда бўлади. Кейин фон... умумий фон... тим қора бўлгани маъқул. Тим қора... Шундай. Бошладик. Бошладик, унда...»

Мўйқаламни у қўлига олган заҳоти «шағам лопиллаб турган бўлиши керак» деган ўй кўнглидан кечди, «аждарнинг ҳамласи уни лопиллатиб юборган бўлади».

Аждарнинг боши тасаввурида шунчалар баҳайбат шамойил касб этдики, матони у деярли бошдан-оёқ эгаллаб олди. Шу босис танасини чизишга ҳожат қолмади. Ранглар бир-бирини тўлдира бориб, ўрадек очилган оғиз нақ жаҳаннам шамойилини касб этди. Унинг қаъридан ловадек отилаётган олов қорайиб чиқар, оловдан кўтарилаётган ҳовуру юпқагина кўкимтир тутун ҳам кўзга яққол ташланиб турар эди.

Олов қаърида... бағоят улкан ва фавқулудда нафис қаймоқранг атиргул. Унинг олов урилаётган гулкосалари хиёл қовжираб бужмайган, бошқалари ҳам, гарчи жон ҳовучлаб тургандай бўлиб кўринса-да, аччиқ-ма-аччиқ, янада яшнаб, янада барқ уриб бораётганини илғаш қийин эмас эди. Остки гулкосада узилиб тушай-узилиб тушай деб турган бир томчи кўзёш...

Матонинг чап бурчагида...

Шундоқ юқоридаги уйда, афтидан, болохонада хўроз бўғиқ овозда чўзиб-чўзиб уч марта қичқирди.

...Зимистон қаърида туриб таҳдид қилаётган махлуқни, ҳам ажиб ифор таратаётган қаймоқранг атир-

гулни ва унинг сийнасига жо бўлган гўзалликни кўр-
моқ илинжида кўлидаги шағамни баланд кўтарган ва
ўзи ҳам ҳаммасини аниқроқ кўрай деган истакда чў-
зилиб бўйлаётган кампир,— сочлари қордай оқ, эғни-
да фавқулодда оқ либос,—аждар ҳамласи шағамни
лспиллатиб юборган ва бундан кампирнинг юзида
ажиб бир жонсараклик, мунчоқдай кўзларида «ишқи-
либ, ўчиб қолмасин-да», деган бир таҳлика. Ва айни
пайтда у қандайдир фожиани илғаб даҳшатга туша
бошлаган, бу унинг ваҳм ичра, ё раббий, деган каби
ёқасини ғижимлашга тутинганида, оғзи хиёл очилган-
ча қақшаб туришида жиндай сезилади, холос.

Лопиллаган шағамнинг ёғдуси... гулкосаларни тов-
лантириб юборган. Ёруғлик гулкоса юзида ҳаёт шар-
паси янглиғ кезинади. Ойнинг куйган бўлагига атиргул
сийнасини доғлаб турибди, унинг бу ёнида — ўн беш
кунлик ҳилол — санамнинг нур эмаётган ва ёки нур
ёғилаётган юзининг ўнг томони. Унинг сочлари ҳам
шағам ёғдусида ёлқинланган, турмагига қадалган че-
чак ҳам нур эмиб жавоҳир янглиғ шуълаланади ва
зимистон қаърини заифгина нурлантиради.

Худди мана шу чечакка, балким, ўн беш кунлик
ҳилолга ва, эҳтимол, фавқулодда жозиб атиргулга
талпинган қўллар. Улар муҳитда муаллақ, ҳарчандки
дағал, мушакдор ва сертук бўлмасин, нақ тирсақдан
чопилган; қонталаш пайлар, чарс ёрилган суяк ва
йўғон томирнинг оппоқ найчалари кўзга яққол таш-
ланиб турибди. Саодатманд, интизор талпинган бармоқ
учлари ҳаяжондан титраётгандай, атиргулни жондай
авайлаб тутиб олишни истаётгандай...

Санамнинг кўзларини у денгизга ўхшатиб юборди.
Бу денгиз қаърида бир ёқут бор эдики, муҳитни у ёри-
тиб турарди. Лекин унинг сиймоси...

Унинг боши сирқираб кетди. Қўли продасига бўй-
сунмай, бармоқлари увишиб қолди. Аллақачон оёқла-
ри кесакка айланган. Тасаввурида жонланиб турган
сиймони матога тушириш — ҳувиллаб турган ҳаётнинг
ҳувиллаб ётган бир бўлагига жон ато этиш мажбурия-
тигина уни оёқда тутиб турар, бироқ уни ифода этгу-
лик ранг топа олмай қийналар эди. Маъбудларга
ўхшатсаммикин, йўқ, ойдек чехра, четида ўлик бир
чизиқ, ёнокларида ёшлик ҳарорати барқ уриб туради,
ғунчадай лаблари хиёл қимтилган. Санамнинг саодат-
мандлиги, ноумидлиги, жиндай бешармлигию ибоси—
ҳамма-ҳаммаси акс этади.

У қийналиб кетди, бир ҳимога маҳтал бўлди ва шунда умрида илк бора овоз чиқариб муножот қилди:— Ёрим бўлсанг ёнимга кел, узоқдан термулиб турмоқлигинг нечун?

Боши узра мажнунтол кокиллари қуюлгандай ва улар маҳзун навога эш бўлиб гиря қилаётгандай туюлди: «Эҳ, сиз!.. Сиз... Шундайсиз ўзи, деб ўйловдим, а!.. Сизнинг борлигингизга ишонардим... Ахир, Зухраси бўлганидан кейин Тоҳириям бўлиши керак-ку, а!.. Шундай эмасми, хай?!».

Аччиқ изтироблар ва ҳақирлик лова каби юрагида тоша бошлади — мўйқалам санам сиймосига тириклик ато этар экан, қон силққан бағридан унсиз бир фарёд ситилиб чиқди: «Куйдирма жоним эдинг, жони-жа-хоним эдинг, кеч айтилган бир сўздай, эрта учган юлдуздай армон бўлдинг юракда. Кўзимни ёшлаб кетдинг, бағримни доғлаб кетдинг, тагин қўлу оёғим-ни сен ипсиз боғлаб кетдинг. Сен бир тош бўлганинга дилга жойлардим абад, умримга нақш берарди балки шунда муҳаббат. Сен бир бағри қон бўлдинг, юракда армон бўлдинг, очилмасдан сўлдинг — адо қилган муҳаббат...»

Хазин дарё бўлиб оққан бу наво денгиз янглиф тубсиз кўзларга сингиб кетди...

Ниҳоят, унинг юраги ҳувиллаб қолди. У бир қадам ортга чекинди ва уйқусизликдан қизарган бемажол кўзларини йириб сувратга тикилди. Юлдузсимон панжаранинг чарх ураётган алпози орқа тарафдаги зимистон муҳитга шундай бир шамойил ато этгандики, қуюн янглиф у чир айланаётгандай ва даҳшатли уюрма ҳосил этиб, борлиқни комига ютиб юбораётгандай бўлиб туюлар эди. Шунинг учун ҳам аждарнинг боши матодан чиқиб келаётгандай, ҳамла қилиб тобора сенга яқинлашаётгандай, лова эса, аксинча, унинг оғзига кириб бораётгандай, ловага қўшиб атиргулни ҳам у ютиб юбораётгандай...

Ўзини у оромкурсига ташлади. Кўзлари тўймай меҳр ила асарига термулиб қолди, сўнг ички бир қониқиш билан енгилгина хўрсинди. «Гўзаллик оламини халос этади». Йўқ, аксинча, «Қисмат». Яхшиси, «Тоҳир ва Зухранинг қулмаган бахти». Фалон сана. Қуйида — оҳанжамо имзо: Фалонча Писмадончи ўғли». Қуруқшаган лаблари кибр ила аянчли бурилди. Кейин хунук ишшайди-да, устахонани бошига кўтариб қаҳ-қаҳа отди. «Яша, Пушкин! Бугун сен даҳосан!» Меҳри

жилва килиб, сувратини, кейин шарафли қўлини кўзларига суртди у ва ўпиб қўйди. Сўнг қийқирганча курси суянчиғига мушт туширди. Суянчиқ чарс этиб ёрилди икки бўлиниб кетди. Зарб теккач, устол ҳам чайкалиб, гултувак лангиллаганча ерга қулади. У нима бўлганини идроклай олмай, манглайн тиришиб жовдиради. Оёқостида ётган қаймоқранг атиргулга кўзи тушдию хўнграб йиғлаб юборди. Сўнг бирдан жимиб қолди. Энгашиб атиргулни олмоқчи бўлди, бироқ нимадир назарида халал бераётгандай, гулни олишга ҳеч имкон йўқдай бўлиб туюлди. Бечораваш, жовдираб ён-верига, сўнг қўлига қаради. Бармоқлари орасида ҳамон мўйкаламни сиқиб турганини кўриб, ўзининг паришонхостирлигидан саланглаб кулди. Шу чоғ...

...теран сукунатни зир титратиб шаффоф ва беғубор занг садолари таралди. Бағоят мусиқий, тиниқ ва улғувор эди бу сас ва у хиёл наридан — муаззам Курантдаги баҳайбат соатдан таралаётган эди, шунини идрок этди у. Тилла қўнғироқ жаранги каби улғувор бу садо аллакимни шарафлаётган каби бағоят тантанавор ва мусиқий эди.

«Қўнғироқ кимни шарафлаётир?»

«Бизни!»

Унинг боши шилқ этиб кўксига тушди. Қўли осилиб қолгач, бармоқлари орасида қисилиб турган мўйқалам соат қапғири янглиғ бир неча бор тебранди-да, сирғалиб ерга тушди...

1986 йил

ҚУДУҚ ТЕПАСИДАГИ ОЙ

«Қайдасан? Қайдасан, улим — Ҳакимбой?! Овоз бер, қайдасан?»

«Ҳакимбой қудуқда-а!»

Қудуқ супанинг этагида эди: оғзига беш-олти боғ маккажўхори ташлаб қўйилган. Ёдгор калта жонҳолатда уларни бир четга итқитди, энгашиб, пастга қаради. Қудуқ саёз, туби кенг, ўғлининг қулоғидаги ортиғигача аниқ кўриниб турар эди. Ёпирай! Ҳакимбсйми бу? Нега юзлари сарғайган? Нега сартахтада чўзилиб ётибди у? Бўйнигача сўзана ёпилганми? Манглайига босилган пахтадан силқиётган... қон шекилли?!

«Ули-им!»

Унинг ноласи таъсир қилдими, ё Ёдгор калтага шундай туюлдими, ишқилиб, Ҳакимбекнинг кўзидан тирқираб ёш чиқди ва чаккасини ювиб тушди.

«Ули-им!»

Ёдгор калта ночор зорланганча... уйғониб кетди. Тирсагига таяниб, шоша-пиша қаддини кўтарди, тева-ракка аланг-жалаң қаради. Бўсағада ийманиб турган набираси — Адолатга кўзи тушди-ю, беҳол ютинди. Хайрият, кўрганлари туш экан!

— Эна қизим, отанг келдими?

Адолат сезилар-сезилмас бош ирғади: ҳа. Ёдгор калта оғир тин олди. Кейин имиллаб-симиллаб ўрнидан турди-да, равонга чиқди. Бир ҳолатда эди. Ҳозир ўғлига рўпара бўлишга ҳам, у билан рўйрост сўзлашишга ҳам рўйхуш сезмасди. «Қўй, тинчгина ётиб, дамини олсин. Гаплашиш қочмас. Эрта бор, индин бор», деб қайтмоқчи ҳам бўлди. Лекин «Ҳакимбекка бир фалокат ёпишган ўзи!» деган иштибоҳ кўнглидан кечдию бу ишни орқага суришга сабри етмади. Аттанг деб қолмасин тагин! Ўғли босар-тусарини билмаса! «Орка-олдинга қараб юргин, ҳўй!» деса, жеркиб ташласа! Кимга тортди падарқусур?

Меҳмонхона даҳлизига етмаёқ босинқи ғовур қулоғига чалинди. Ўғлининг: «Эй, киши ялоғини ялашдан, қарғишга қолишдан ҳайиқмайсанми сен?» деганини эшитдию юраги сирқиради. Кимга дағдаға қияпти у? «Эна, энажон!», деб сиқтаган келиними? Ундан не хатолик ўтди экан? Ҳакимбой ловуллаб тургандир? Шу тобда меҳмонхонага бостириб кирса, юзингда кўзинг борми, демай ўғли уни қайириб ташласа, нима деган одам бўлади?

Ёдгор калта ўғил ўстириб, унинг бирор ишига тумшук тикмаган. Шу боис нима қиларини билмай, каловланди. Ним қоронғи даҳлизда жунжайиб турган набирасини кўриб, ич-ичидан зил кетди.

— Сен қачон келақолдинг, эна қизим? — деб унинг бошини силади. Шу чоғ меҳмонхона эшиги ланг очилиб, изиллаган келини кўринди. Қўрқиб кетган Адолат уввос тортиб йиғлаб юборди. «Ота бўлмиш болани ҳам зада қилиб қўйди!»

— Тинчликми, келин?

— Вой, отажон! Ўғлингизга бир бало бўлибди! Кассирнинг қарз гапини айтсам, ҳаромхўрдан олиб, ялоқхўрга солди мени, ота!

Ёдгор калтанинг баданига титроқ кирди. «Мундай эмас-да энди! Кетидан борсанг — тепса, олдидан борсанг — тишласа! Тоза қон қилди-ку бу!»

— Э, садқаи сар, менга деса ўлиб кетмайдими! — У қарсиллатиб эшикни ёпди. Аччиқ устида яктаги барини бир силкиди-да, изига қайтаберди. «Қандай кунларга қолдим? Бу нима деган гап ўзи — на еганинг татимаса, на ичганинг! Мен тенгилар ётибди-ку — оёғини узати-иб! Бола эмас, бошга бало ўстирган эканман!»

Ёдгор калта тупуриниб, тўрдаги уйга кирди. Равоқдан носковоғини олиб, бир чеким нос отди-да, бурунги жойига ёнбошлади. Беҳаловат эди: турди, тимирскиланиб дастшўйни ахтарди, тополмагач, ўтирди, тағин ёнбошлади. «Э-э, одам бўлмай кет-э!» Унинг бароқ қошлари уюлди. «Ҳа, Ёдгор, Ёдгор, энди бошингни тошга ур — бефойда! Улимда бувасининг келбати бор, деб вақтида керилиб юрдинг. Муштдайлигидан ўт билан ўйнашди, тергамадинг, мана оқибати! Мулла Суяр айтувди-я!..»

Ҳақимбек ўт билан ўйнашмади, рост, лекин илон билан ўйнашди.

Авжи баҳор эди. Қизғалдоқзор дашт алвондек чўғланиб ётарди. Мўрти сабза урган йигитлар, бўй етган дуркун қизлар шувоқ чопиб, дасталашади. Кун тиккада. У — Ёдгор самоварчи офтоб тиғидаги тезағу хасхашакни йиғади. Тушликка чой қайнатмаса, битта-яримта хўл ўтиндай тутайди-да. Тиши тушган бўз бола — Ҳақимбеги лолазор ўнгирда учиб-қўниб юрибди: кўрсанг, капалакми, дейсан.

— Ҳақимбой! — дея овоз бериб қўяди у. — Ҳаяллаб кетма, болам!

Шу чоғ бир қиз чўғни босиб олгандек чинқирди:

— Ило-он?!

Ёдгор калта бошини илкис кўтарди, кафтини соябон қилиб қаради: чийиллаган — мулла Суярнинг пучуқ қизи Сафаргул экан. Боёқиш полиздаги қўриқчидек қотиб қолибди. Ёдгор калта ҳовликиб, ҳой қизим, анқаймай нарига қочсанг-чи, дегандек қўл, сермади. Анави Бўри маймоқни қара: кесак бўл-э! Садқайи йигит кет! «Ўлдир! Бошига ур!», дейди-я! Ҳақимжон, улим, бу нима қилганинг, қайт! Об-бо, шумтака-е, бир ғалвани бошламасанг гўрга эди.

Ҳақимбек чопқиллаб, Сафаргулнинг ёнига етди. Чап қўлида ҳамон гулни чангаллаган кўйи қанот ке-

риб, ярим давра айланди ва бирдан энгашиб, илонга чанг солди. Унинг думидан тутиб, азот кўтарди: бўйи баробар экан, чипор экан. Чипорни у боши узра чир айлантирди. Бўри маймоқ қийшанглаб унга яқинлашди, кейин кетмонини ҳам ташлаб, ҳайҳайлаганча тисарилди:

— Ҳо-ов, бу нима қилиқ?! Илон билан ўйнашма, чақади! Калласини тошга ур! Ия, ия!..

Айҳайлаган шўвоқчилар тариқдек тиркираб кетди.

Бўри маймоқ-да, ғилдираги тоб ташланган арава-дек чайқалиб қоча берди. Ҳакимбек унинг изидан қува берди.

— Едгор бува-ей! Манави касофатга қаранг! Айтинг, қўйсин!

Едгор калта кўрдик, иш чаток — маймоқ ўсал бўпти! Уни қара, қоқсуяк оёғига тиринка шими чиппачиппа ёпишяпти! Об-бо-о! Уятга қолди-ку, а?

У соқолини селкиллашиб, беғараз кулди.

Ҳакимбек, ўнг қўлида илон, чап қўлида гул, ҳамон маймоқни чирқиратиб қувар эди. «Муқбил Тошотар бўл-э! Туф-туф, кўз тегмасин! Қўлингдаги сабил палахмонмиди, мунча силкийсан, улим!» Ҳайҳайламади у, индамади, койисам боланинг шашти синади, деди. Қўкламнинг маҳобатли, тиниқ осмонига, ўзича, арши аълога ихлосманд юзланди. Фалак қопкасининг қибла буржидаги бир тутам парқу булут офтоб тифида айрича ёғдуланиб, кўзларини камаштирди. Шунга термулганда бағри тўлиб кетди, шукрона айтди: «Парвардигори олам, ўзингга шукр! Падарим армони кўк-сида кетди. Арвоҳлар ҳозир дейдилар, тойчоғимда бувасининг келбати бор! Мен-ку, икковнинг бирови бўлолмадим. Энди... Гўрўғлининг ўрнини Авазбек босар! Ҳей, юрагининг ёлидан отанг!.. Ўзингга минг қатла шукр, яратган эгам! Ишқилиб, умрини бер! Тупроқ олса, олтин бўлсин!..»

Парку булут бодраб тошди, Едгор калтаининг назарида, фарзандига меҳри ийган отанинг юзларидек товланди.

Кенқуруқ дастурхон устида у кампирини аста нуқиди-да, кўнглига келган гапдан ўзи ҳам чўчинқираб, тайинлади: «Мулла Суярга борсанг, тумор ёзиб, дам солиб беради, шунга қўшиб бир-иккита кўзмунчоқни улингнинг каллапўши астарига қадаб кўй! Ҳакимбой кўзга яқин бўп қолди, кампир, кўзикмасин!»

Ё Ҳакимбек кўзикдимикан?!

...Бултур, йўнғичқа кўклаган кезлар. Ёдгор калта ўтпояга сув тараб ариқ ёқалаб юрган эди. Мулла Суяр гузардаги чорпояда халачўпдек ориқ оёқларини қучиб, тумшайиб ўтирган экан. У Ёдгор калтага бундай қайрилиб қарамади, қонталаш шафаққа кўз тиккан кўйи тикрайиб совуқ нафас қилди:

— Ҳей, Ёдгорбой! Мунингни тий! Шу кетиши бўлса, Қилич қоровулбегининг ёшигаям етмайди бу!

Ёдгор калта дилида бир оғриниш туйиб, деди:

— Э, биродар, нимасини айтасан, улғайган ул — қўлдан кетган лочинакан...

Ёдгор калтанинг отаси — Қилич қоровулбегини ўттизида давра кўтаришган. Эскиларнинг нақлича, у жўп келбатли киши экан. Раҳим бой унинг соясидан ҳайиққан. Бурунги замон олатасир экан-да. Шундай замонда қоровулбеги одам қуригандек шу бой билан ўчакишадими: элни талама, деб шунга от қўядими! «Қилич, сен ўрнингни билиб ўтир!» деган Раҳим бой. Қоровулбеги тутган жойидан кескич экан, босган изидан қайтмаган. Ахийри бой итялоқ қўйган; итялоқлар қора хуфтонда қоровулбегиникига бостириб боришган. Намозхонлар мачитдан қайтаётган палла экан. Қарашаки...

— Қилич, чиқ бу ёққа!

Қоровулбеги кифтига чопонини илиб, девдек гувраниб чиққан, изидан аёли чирқираб қолаберган: «Менинг бўйимда бўлса... Булар сизни бир бало... нетаман? Қайтинг!» Қоровулбеги аёлининг изиллашига қулоқ солмаган, чиққан. Тантилиги бошига етган. Ўзини ҳам етмиш икки томирида қони қотгунча қарсиллатиб отишган-ов. Э-э, бурунгининг оти ўчсин!

Жони узила туриб, қоровулбеги аёлининг қаппайган қорнини силаган: «Энаси, кўрар куним йўқ экан! Ёдгорбек қўй, мендан ёдгор...»

Бошга тушганни кўз тортар, Ёдгор калта жонидан ўтган ситамни ўзи билади.

«Ҳа-а, бу — мулла бир балони сезмаса, бундай демасди!» Яқин бир ҳафтадирки, Ёдгор калтанинг чап қабоғи учади. «Ишқилиб, яхшиликка бўлсин-да», деб кишибилмас хайру эҳсон қилди. Юрагидаги ғашлик барибир тарқамади. Ўғлининг оёқ олиши бежо. Ёдгор калта шундан хавотирда. Бугун, кечки пайт, тоқати тоқ бўлди. Сабри чидамай кўчага чиқди — йўл қара-

ди. Қани энди Ҳақимбеги кела қолса! Лаънати мотоцикл ҳам бошга битган бало бўлди. Шуни молхонага тикиб ташламаса, Ёдгор калтанинг кўнгли тинчимайди. Пиёда юрса, тубиғи тушмас. Оқсуяк қилди бу — ўғил!

Ёдгор калтанинг шашти баланд эди, Ҳақимбекни ўбдан «ийламоқчи» эди. Кўрдик, у мотоциклни шамолдек учириб келяпти! На ўнгу сўлига қарайди, на кўчада юрганни одам ўрнида кўради! «Ҳе, нодон! Шундай қилиб йўқ ғурбатни сотиб оласан-да!»

— Ажал қувиб келяптими, тентак, мунча жоникмасанг?!— Ёдгор калтанинг ўғлига гинаси шу бўлди.

Ҳақимбек кўкарди, бўзарди, ноқис гап қилди:

— Ҳа, ажал қувиб келяпти!

Ёдгор калта бўғзига довр қоқ ерга кириб кетди-ёв. «Ундай дема-е, улим!»

Ҳақимбек кажавали мотоциклни ўнгга бурди-ю, билқиллаган тупроқ йўлнинг чангини чиқариб кетди-борди. Боёқиш Ёдгор калта жунжайиб, буруқсаган чангга кўмилиб қола берди.

— Ажал қувиб келяптими, тентак, мунча жоникмасанг?!—

Ҳақимбек моторни ўчириш ниятида энди калитга узалган эди, бу койиш томдию дил косасида чилпиллаб турган зардоб тошди. «Падаринг ёмонлик соғинса-я, Азроилни пеш қилса-я!»

У оғриниб, отасига маломат билан қаради, сўнг зардали овозда:

— Ҳа, ажал қувиб келяпти!— деди. Деди-ю, бетоқат газ дастагини тоблади. Мотор қақшаб ўкирганидан тутқа дириллаб кетди. У муфтани сиқа туриб, рулни ўнглади-да, бирдан қўйиб юборди: мотоцикл жойидан сапчиб кўзгалди.

Ғужбоғнинг сертупроқ йўли тор ҳам нотекис эди.

Кунчиқардан пода чувалиб келаберди. Ҳақимбек йўлнинг четини олиб бораберди. Поданинг чанги курсин, шом палласи ҳавода тутун янглиғ қалқиб туради, йўлингни тўсиб қўяди.

Йўлнинг кунгай бети — жарлик. Пода йўлнинг нариги биқинига четланди, жар ёқдан «йўлак» очилди. Ҳақимбек, жиндек бўлсин, тезликни сусайтирмади. У амин: кетма-кет рўй бераётган бугунги дилсиёҳликларда қандайдир боғлиқлик, хосиятсиз оқибат қутқу-

си ботин. Ахир, подақайтар маҳалга эрта-ку, атай қилгандек, бу ҳам лоп этиб оёқостидан чиқди. Шунга-ми, моллар кўзига арвоҳкапалакдек кўринди. Айниқ-са, чамбаршоҳ қора говмиш шохлашгудай қийшанглаб, тикка кела берди, Ҳакимбек унинг тимсолида бошига кулфат солгувчи ҳамлакорни кўрдию алланечук сесканди ва ўзича ёвлашиб, газни оширди. Қора говмиш билан беомон тўқинишни, чирпирак бўлиб жарга қулашини — муқаррар юз беражак мудҳиш фалокатни сабрсиз кутди. Парвонадек ўртаниб, балойи азимга ўзини урсаю баъдига теккан бу жаврлардан биратўла кутулса!

— Ҳай-ҳай-ҳай! Ҳавор-э, Ҳаким язна!

Койинган — Салим гушси эди, подачи-да, поданинг оёғида юради. Ҳакимбек фаҳмлади, бу галча фалокат ундан юз ўгирди. Бироқ, таскин топмади у — дилидаги гидир тарқамади.

Ҳудудсиз ёвонни иккига айирган асфалт йўлга чиқди: йўл сувилоннинг пўстидек чўзилиб ётар эди.

Қўштутга етай деганида бирдан қўзғалган шамолдан тутларнинг заъфарон барглари шовуллаб тўкилди, гала чумчуқ каби чирпираган хазонлар йўлни тўсиб қўйди. Бу қуюндан ўтган замони тарғил таначани кўрди. Танача чираниб, йўлни кесиб чиқа берди. Иштончан болакай изиллаб чилвирни тортади, тана бўйин товлайди, питирлайди, диконглайди; чилвирни қўйиб юборишга — болакайнинг, бўйин беришга таначанинг раъйи йўқ.

Ҳакимбек чамалади: улгуради, бедаво таначани четлаб ўтиб кетади. Э, сабил-э, ирғишлаб... Йўқ, Ҳакимбек кечикди: чап қанот таначанинг гарданига бақамти келди.

— Имҳ! — У қуйи лабини қаттиқ тишлади. Ажабки, шу сония танача ҳуркиб, ўзини орқага ташлади.

«Буни қара! Шундай бўлар деб ким ўйлабди. Ё пирым-эй, асради-я, бир эмас, икки марта. Бирор инояти бордир-да? Энди кўзингга қара, Ҳакимбой, бу ёғига ҳушёр бўл!» Шундагина умид куртакланиб, дилига ҳаловат инди. Гўё сарин шамол тафтини олди, у енгил тортиб бир хўрсинди, рулни қўйиб юборди-да, манглайидаги совуқ терни сидирди. «Кўзбойлогич ҳам бундай найранг қила олмас... Бу йўлда нега сандирақлаб юрибман? Э-э, уйга борувдим-а? Нега? Идорадан бўлак ҳаёл билан чиқмовдимми? Айтганча, директор: «Бурунги ишхонангиздан йўқлашди, ҳозироқ йўлиқар

экансиз», деди. Кейин йўлга чиқдим. Суриштирган ким? Муроди нима?» Гумонгир бўлди, кўнглига ёмон ўй келди, кириб уйдан анави қурғурни олсамми, яроғлансамми, деди! Тагин алланимабалонинг аҳдида эдию, дарвозахонани супуриб-сидираётган қизи Адолатни, қўлини орқасига бериб, тумшайиб турган отасини кўргач, фикрлари тўзғиб кетди. Кўнгли тилаган нарса бу ерда эмасдек туюлди. Ана, ичкарига кирди, дейлик, лекин барибир уйга сиғмасди. Хувиллаган кўчага жонсарақ аланглади, назарида, нимадир, қайдадир йўлига кўз тикиб турибди, шунга етмас экан, ором билмайди, шунга етмас экан, кўнгли тинчимайди. Ўзини кўярга жой тополмай, жигибийрони чиқиб турганида отаси койиди:

— Ажал қувиб келяптимиз, тентак, мунча жоникмасанг?!

Шунда нимадир совук башарасини Ҳакимбекка аён кўрсатди... Унинг аъзойи-баданига муз югурди. Қўллари шалвираб тушди. Ич-ичидан бир каҳр тошиб келди: «Э, Ҳакимбек, бунча қалтирамасанг! Бир бошда — бир ўлим, шундай экан...»

«Йўқ, ажалинг етган бўлганида эди, оёқ остидан чиққан фалокатдан икки дунёда ҳам қочиб кутулолмасдинг. Хўп, майли, отам «Кўзингга қарасанг-чи!», деб ўпкалангандир, лекин анави-чи? Ё унинг дилига солдимикан-а?»

...Тушлик чоғи эди. Тошбоевникидан келаётувди. Ошхона биқинидан ўтаётганида биров овоз бергандек туюлдию ҳовуз гирдидаги супага бирров кўз ташлади. Ҳеч ким чақирмабди. Лекин Ҳакимбек илғади: серкокил мажнунтоллар соясидаги чорпояда уч-тўрт киши оёқларини айқаштириб ўтирибди. Уларни таниди: анави чой ҳўплаётгани — дўсти, район газетасининг муҳаррири Санд Маҳсум. Ҳакимбек кўз узатуриб, Санд Маҳсумнинг «Бу ёққа кел!» дегандек қўл силкиганини кўрди. Ҳакимбекнинг димоғи чоғ эди. Борди. Одатича, дилозорлик қилди — тикка Маҳсумнинг кўзойнагига чанг солди.

— Балдоғи амири тилладан бўлсаям, шунингни ошқўй! Кўнглингдагини тўсгани-тўсган. Маҳмуд кўрдай кора кўзойнак такканингга куяйми!

Маҳсум оёғини чалиштириб ўтира берди. Энасаси қотди чоғи, бетакаллуф:

— Ўтир, ўтир,— деди, сўнг оғир чайқалди ва қўл-

ларини кўкрагига чалиштириб, кўз учиди жой кўрсатди: — Ўтир!

Маҳсум қув-да, куйган кулчага ўхшаш юзига ташвиш кўлага солди: «Оғзимга қараган манави жужуқлар олдида қилиқ қилма!»

«Э, Маҳсум, соянгдан ўлардай қўрқасан, Маҳсум! Шумлигинг етти эшакка юк бўлади-ку. Майли-да. Бир майизни қирқ бўлардик, энди мавқе сақлайсан, мартабангни кўндаланг қўясан! Ҳов ўша кеча ҳам кенгаш тилаб, бўсағангга бош урганман. Йиқилатуриб, суянай деганимда думингни хода қилгансан. Қўй-э!.. Маҳсум тугул расул бўлганингда ҳам, ёқангдан олиб, ҳовузга чалпак қилардим-у, мавриди эмас-да! Азмойиш олиб карайсан менга? Бу тентак аравани дамбага элтиб қопламасайди деб ҳадиксираяпсанми?»

— Нима, хода ютганмисан, Ҳаким, ўтирсанг-чи!

— Дастурхонинг қуруқ-ку?

— Шу зормандадан бўлак дардинг йўқми, дейман?

— Бозоринг касод бўлган бўлса, айт, қарз-ҳавола қилармиз!

— Қўймадинг, қўймадинг-да! Шокирвой, тур, ярим-та спке! Томоғини ҳўлламаса, бу хумсанинг гапи гапига қовушмайди! — У Ҳакимбекнинг қўлтиғидан олдида, супанинг нариги четига бошлади. — Бири камсанда, Маҳмуд кўр, дейсан, Шокирвой — унинг ўртанчиси-ку!

— Бўлса бўлар. Кўрни кўр дейди-да.

— Ҳа-а... Йўлнингга қараб турувдим. Гап бор, оғайни!

— Нима дейсан?

— Ҳанифа сендан хафа. Уйга йўламаётган эмишсан. Энди, жўра, Маҳмуд кўр ҳам ҳассасини бир йўқотган... Анави сатангга илакишдинг, буд-шудингдан айрилдинг. Шилмагани — теринг қолди. Сени чув тушириб, Ажамга жуфтакни ростлади.

— Нима деб валдираяпсан ўзи?

— Гавхарингни айтаман-да.

— Гавхар Ажамга кетди, деб сенга ким айтди?

— Э, кўй! Ҳаммани аҳмоқ қиламан, дема. Сабил, энди Ойбарчинни тусабди-да. «Волга»ниям солибсанми? Ҳанифани чирқиратиб, топган-тутганингни Ойбарчинга тиқиштиравер. Ошнам, газетачилар тилида бу «ўтакетган риёкорлик» дейилади. Террор-ку бу! Оқибати вой лекин. Са-ал ўпкангни бос, ўйлаб кўр, шу қилмишинг инсофданми? Бола-чақангни ҳам ўйла-да.

биро дар! Рӯзғосрим, деб, бир нимали бўлайин, деб одамлар етти пуштини сотяпти-ю, сен тентак ризку-рӯзингга тупурыпсан!..

Маҳсумнинг паст-баланд гаплари Ҳакимбекка малол келди. Маҳсум унинг дунёсига бундай бесўроқ кириб, қилмишини ўз майлича муҳокама этмас, Ҳакимбек юрак ёрганда ҳам муносабат билдирмай тайсаллаб тургич эди. Ҳозир эса бурунги истиҳолани бир четга йиғиштириб, дабдурустан бетга чопди, Ҳакимбекнинг қитиқпатаига тегишини била туриб бузуки деган шаъмада жўрттага Ойбарчинни гапга суқди. Бу ҳам камдек уни риёкорга чиқарди; кўзига сурган хилқатаига тил тегизди. Хусусан, оилавий ишларига аралашуви, Ҳанифага ошкора муруввати, шунинг замиридаги маломат Ҳакимбекнинг дарди-дунёсини элак-элак қилиб юборди. Жаҳли чиқса, кўзлари қисилар, бурун парраклари кенгаяр эди. Ҳозир чап қабоғи пир-пир уча бошлади. У кибр билан тумшугини кўтарди-да, бас қил, дегандек хезланиб, Маҳсумга тепадан қаради.

— Менинг ишларимга тумшугингни тикма!

Ҳаволаниб турган Маҳсум тутдай тўкилди. Каловланиб:

— Ичим ачиганидан айтдим-қўйдим-да,— деди. Бошини қаший-қаший йўлнинг кунчиқарига — девори оқланган пастак, кўримсиз идорага тикилди. Ҳийла вақт ўйловда қолди. Кейин кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, кўзойнагини жиндек кўтарди ва идора томон ишора қилиб деди:

— Ҳа, айтгандай, анави ағдар-тўнтардан хабаринг борми?

Буни у деярли шивирлаб сўради. Сўровдаги нохуш оҳанг, оҳангдаги кандайдир офатга сирли ишора Ҳакимбекни сескантирди. Чорак соат бурун Тошбоев, «Зобитовингния хонумонига ўт кетди», дея пихиллаб кулган эди, шу гап ялт кўнглидан кечди. Гина-қудуратини ҳам унутди. «Ур-сур бошланибди-да!» У гап олиш илинжида Маҳсумнинг кўзларига тикилганча тагдор им қоқди: «Нима гап ўзи, тинчликми?»

Маҳсум, иш чатоқ, деган маъно англатиб лабини бурди-да, оғир бош чайқади.

— Салом Ҳаққул даврида кесилган бармоғингга энди йиғламасанг эди, Ҳаким! Асли, ҳо-ов ўшанда — кенгаш сўраб чиққанингадەк, бу кунлар ўтар-кетар,

лекин Ҳаким тинчимас, ўзини ўтга-сувга уриб, бир ғалвани бошлар, деб қўювдим. Айтганим келди-да! Ишқилиб, хотимаси хайрли бўлсин! Икки тепонғич от ўртасида қолган эшакни ҳеч кўрганмисан? Ҳолига вой унинг!

— Ҳа, осмон узилиб тушдими, Маҳсум? Бунча ваҳима қилмасанг?

— Э, сўрама!— дея Маҳсум қўл силтади. Кейин, юракни қон қилгувчи оҳангда деди: — Бу, энағар Тошбоев тагдан кўзғабди-ю, юқоридан тафтиш келди. Шу кимга ёқади дейсан! Хўжайинлар ҳам оёғи куйган товукдай питирлаб қолишди. Шу бугун саҳаримардонда раисингни элтиб тиқишибди. Ишинг хуржун!

Маҳсум гапларининг таъсирини уқмоқ ниятида унинг юзларига синчидек тикилди. Ҳакимбек сергакланди: Маҳсум бежо, афтидан, у асл муродини яшириб турар, гап ўғирлаб, Ҳакимбекнинг кўнглини библи олмоқчи эди. Ҳакимбек қувлик қилди — ичидигини ташига чиқармади.

— Э, садқаи сар, менга деса, йўқ қилиб юбормайдими!— дея бепарво қўл силтади, кейин Маҳсумнинг: «Раисингни элтиб тиқишибди. Ишинг хуржун!» деган замзамаси эсига тушдию, бўғилиб ўшқирди: — Нега энди у менинг раисим бўларкан? Нега ишим хуржун? А?! Колхозингда ишламасам... Этагимни силкиб кетганимга бир йилдан ошди чоғи! Хўш, муддаонг нима? Нега курк товукдай қа-қаглаб қолдинг сен?!

— Ҳо-ов, урасанми? Бердисини айтмасдан юзга сапчийсан!

— Хў-ўш?

— Чекишинг борми, ол-э, бир тутатайлик!

Ҳакимбек норозиланиб чаппа қаради. Гапни бунча айлантирмаса? Раис Зобитовнинг, анави можароларнинг унга нима алоқаси бор? Эзмалангани эзмаланган.

— Кеча, жўра, Бўривой ака катта бошини кичик қилиб эшик қоқиб борибди. Сеникига чиқсак, қизинг, адам йўқлар, деди. Боёқиш, акаси қамалганига чўкиб қолибди...

«Маҳсум, тилингдан чопилдинг, жўрам! Боя ўзинг «Шу бугун саҳармардонда раисингни элтиб тиқишибди», демаганмидинг?! Чамаси, анавилар латгабўйисини олгану ёнгинни пайқаган. Лўлининг кучугидай зир югуриб қолибди-ку ҳаммаси. Манави ҳам дум

берган кўринади. Майли, ёрилсин, тузукроқ ёрилсин-чи».

— ...шу ишда жўрангниям қўли бор-ов? Арпасини хом ўрибмизми, деб гаранг. Сендан гумонгир. Анча-мунча ҳужжатлар йўқ эмиш. «Касса дафтари»ни Ҳакимбекдан бўлак бирон киши икки дунёдаям ололмайди, дейди. Ишқилиб, ҳазир бўл, қош қўяман, деб кўз чиқарма! Улар ҳам жўжабирдай жон, тирикчилик-да. Энди, жўра, бу кўпга келган тўй, сенинг ҳам «тўй-тўйламай» иложинг қанча? Вақтида «ҳам-соятовоқ» қилгансан, тўғрими?

— Дуруст, терговда бор айбни Зобитовга ағдарарсан. Унда...

Маҳсумга Бўри маймоқнинг нуқси урган, гапидан ўшанинг ҳиди келади. Ҳакимбек уни яхши билгани важидан бунга ажабланмаса-да, ўзини ноқулай сезди. «Бу ғалчага нима? Мунча куйиб-пишмаса? Ҳа, энди кўнгли яримта-да ғарибнинг. Бўрибой акаси «улуғ» бошини эгиб, имдод тилагану бу ийиб кетган!— У пинҳона кулиб қўйди. — Нима бўлганда ҳам шундай дейишингга ҳожат йўқ эди, Маҳсум!»

Ҳакимбек индамади, ҳозир оғиз очса, Маҳсумнинг дарди ичида қолади. Ҳушёр, саволчан зингил солиб қаради: «Давом эт, Маҳсум, хўш?»

— Салом Ҳаққулнинг қавлида кетмасанг деб қўрқаман,— Маҳсум совуқ нафас қилатуриб зиғирча хижолат чекмади, юзлари килт этмади. Аксинча, Ҳакимбекнинг назарида, у бадхоҳлик билан сезилар-сезилмас тиржайди.

— Хўш, кейин?

— Нима, кейин?— «Кейин — оллоҳу акбар» деган маънода Маҳсум юзига қўл сурди. — Ажал кўмсаган сичқондай мунча ўйнашмасанг! Колхоздан кетаман, дединг, Зобитов рухсат берди. Болапакир қийналмасин, деб «нафака»ям тайинлаб қўйди. Бола-чақанинг ризқи рўзи шу-ку, ахир! Ҳой, ношукур банда, нима, яна тувагингга тилла сумак, дейсанми? Асли сени, бор-ки мениям, той-тойлаб оёққа тургазган шу одам эмасми, Ҳаким?— Маҳсум қизишиб, кутилмаганда баджаҳл муаллимдек ўдағайлади: — «Касса дафтари»ни сен олдингми?

Анойироқ одам бўлса, довдираб, мен деб юбориши ҳеч гап эмасди. Ҳакимбек пинагини бузмади. Маҳсумга тешиб юборгудек назар солди. Йўқ! Унинг кўнг-

лида зигирча хайрихоҳлик йўқ. Хаёлидан «Вой, пихини ёрган жаллоб-э, мени эрмак қиялпсанми?!» деган ўй кечиб юрагини кемираётган ғулу газабга айланди. Ҳаҳри келиб, ўзини тутолмай қолди, жазавада Маҳсумнинг «ниқоб»ини юзидан шартта шилиб ташлади:

— Сартахтага олиш келиб-келиб сенинг чекингга тушдимиз, Маҳсум? Бўлак кўшмачи қуриб қоптими? Бор, жазманларингга айт...бориб айт ўша Жаброилингга, ўлигимни босиб ўтибгина Зобитовни турмадан чиқаради. Бошқа йўл йўқ!— тиззаларигача дагдаг титраётган Ҳакимбек серрайиб турган Маҳсумни ҳайфсиниб, кўкрагидан итарди-да, бир қадам юриб, кейин тўхтади, бурилиб унга еб юборгудек ўқрайди:— Айтиб қўй! Салом Ҳаққул эмас Ҳаким! Осонликча жон бермайди! Ўзинг ҳам буни қулоғингга қўрғошиндай қуйиб ол! Шу кунга умримни тикиб, интиқиб яшаган одамман!.. — У дудуқланиб, гапини йўқотиб қўйди, култ этиб ютинди-да, хийла паст, босиқ овозда давом этди: — Ҳужжатлар худонинг дастиди! Бандасининг қўли етмайди!

Яна бир таъна Ҳакимбекнинг тил учиди турар, юрагини оғудек куйдирар, лекин тўкиб солай деса тутқич бермас эди. Чорпояни айланиб ўтаётганида аламдан бағри ўртанди: «Ойбарчинни маломатга қўйди-я, бетамиз... Шошмай тур, бу ирғишлаларинг ҳаққи кўп ўкинасан ҳали!», дея бир зуғум қилгиси келди-ю, ўзини тийди. Чорпоядаги бесаранжом Шокирбой оғиз жуфтлаётганини кўриб, уни Маҳсум ароққа жўнатгани ёдига тушди ва аччиқма-аччиқ қайрилди-да, йигитнинг барра сочиға тикилганча бетакаллуф сўради:

— Опкелган матоҳинг кани?

— Ўтиринг, ака!— Шокирбой тараддудланиб, кафтини кафтига ишқалади.— Мен айтдим, ҳозир... чойнак чайиб келишсин. Ўшанга қуйиб...

Шокирбойнинг гапи оғзида қолди. Ҳакимбек узалиб, кўк сатин кўрпача қатига тиқиб қўйилган шишани абжирлик билан олди. Олатуриб, терликдек юпка, яғир кўрпачага кўзи тушди, ирганди. «Ман айтдим...» эмиш. Корчалонлиги оламни бузади-ю, ўтирган тўшагини қара!

У шишанинг нуқрасимон қалпоғини бир юлқишда юлиб олди. Хазон кўмган ариқчага ирғитмоқчи бўлди, лекин, тагин китмирлиги қўзиб, уни Шокирбойга узатди:

— Ма, ука! Туяча ясаб, ўйнайсан!

Шокирбой қизаринди. Бироқ қалпоқчани олмасликка ҳадди сизмади, ҳарқалай, муҳаррирининг девордармиён қўшниси, биродари.

— Икки жуфт гугурт чўпиниям қизғанманг, ака, оёқчасиз туя-туями? Ишга миниб кетишгаям ярамайди, — дея ҳиринглади.

Ҳакимбек чўнтагидан оппоқ дастрўмол чиқариб, шишанинг бежирим оғзини ҳафсала билан артди-да:

— Энди, укам, гугурт чўпини ҳурматли каттақонингдан сўра, муштдайлигидан у майда-чуйда йиғиб юргич эди, — деди. Кейин чашма сувидан симираётган ташна каби бир кўтаришда шишани бўшатди...

Мана, ҳозир худо асраб, қўша фалокатдан омон қолгач, хуфтон дили хийла ёришди. Ярим кеча босинқираб уйғонган киши ваҳму аросат чангалида теъаракка аланг-жалаң қарайди, ниҳоят, шунчаки алаҳлаб, чўчиб кўз очганлиги, аслида ўз уйи — ўлан тушагида ётганлигини идрок этади. Шунга ўхшаб, кўнгли жойига тушгач, не ўй уйга етаклаб борганини Ҳакимбек фаҳмлади. Эсида, бўш шишани атай чорпоядагилар бошидан ошириб, ҳовузга итқитди-да, хайр-хўшни ҳам раво кўрмай, ҳазон кўмган ариқчадан илкис ҳатлаб, йўлакка чиқди.

— Ажал қисяптими, дейман, тагида мотоцикли бер-у, ароқдан бош кўтармайди!

«Ҳа, Маҳсумча! Довул қоқавер энди, дов сеники! Ўримга гишт қалаб қол!»

Ё ўша дам, ё кейин — мотоциклни ўт олдира туриб, ногаҳоний бир иштибоҳ кўнглидан кечди: «Бўри маймоқ Маҳсумникига танда кўйибди-да? Нияти нима экан? Булар бир кўрпани тепкилашиб ўсган, ҳам-кўр; Ҳакимбой Маҳсумнинг чизган чизигидан чиқмайдми деган ўйдадир? Ёпирай, Маҳсум бу ишга нега бош суқди, а?..»

Фикри-ёдини ноҳуш хаёллар булут янглиғ тўсиб қўйди, кўнглида бундай ноҳуш ўй-хаёлларга мойиллик туйганидан ўзи ҳам уялиб кетди: «Ўтган ишга саловат. Бўлари бўлган, бўёғи сингган. Етти йиллик гапни энди ковлаштира, Ҳаким! У номус қилмаса, сен номус қил! Йў-ўк, шошма, Маҳсумнинг юрагида қин-адоват йўқмикан? Ахир, кўнгилсизлик асорати кўкрагида қолмаганми?! Ўшанда мен икки ўт ора-

сида буткул гангиб юрувдим, кўп нарсани назардан қочиргандирман? Ҳарқалай, кечқурун у — зор бўлмаса онасини ҳам йўқламайдиган одам, ўз оёғи билан уйга бежиз кириб келмаган. Аламга ем бўлгач, арзи ҳолга чиққану бун пайқамагандирман. Пайқагулик ҳолим бормиди. «Юр, ошна, Очиқ писмиқни кига қуллуқ бўлсинга борайлик, яна ўғил кўрибди», деди. Унамадим, у тирғалиб, ҳол-жонимга қўймади: «Чигилинг жиндай ёзилади, юр!», деди яна.

Очиқ писмиқ қурумсоқ-да. Нон-туз қўйгач, бақамти ўтирган ўғилчасини илкис жеркиди:

— Гап ўғирлагунча мишиғингни артмайсанми, даюс!

Писмиқнинг бу қилиғи оғир ботди. Ароқни ҳам қўлида ўн айлантириб, бир томизди. Бўйинга арқон солиб, судраб келган жойингни кўр, деб Маҳсумга итқараш қилдим. Унинг пучук қулоғигача довур қизарди.

— Ҳой, писмиқ! Тошни сиқса, сув сирқийди, сендан шуям чикмайди. Ол бу ёққа савилни!

Маҳсум даврани жиловлади. Пулим — куйган кабобим-да, деб писмиқ босиб-босиб ичди. Кайфи кўнгач, қабоғи ҳам очилди. Э, бунинг сахийлигини! Топган-тутганини тўкиб ташлади. Кўнглига тирговуч қўйдим:

— Кичкиналингингдаям қўлинг очиқ эди-да, Очил!

— Сен айтма, мен куймай! Рўзгор — ғор-да. Борингни ялмоғиздай ямламай ютаркан! — Писмиқнинг ҳасратидан чанг чиқди.

Шу кеча азонгача Маҳсумнинг кети ер искамади. Писмиқнинг дастурхонига фотиҳа ўқилгач, у: «Салим гуппиникига кетдик!» деб қисталанг қилди. Ярим кеча гуппининг янги уйига кириб бордик. Сўққабош-да, у тўрдаги хонада усти очиқ, ёстиқлари ҳар ёнга сурилган ҳолда, билагига бошини қўйиб, юзтубан ётган экан. «Бўғизланган қўйдаи хирилламай кет-э, тур!», дея ғазабланиб, чотига тепиб уйғотдик. Юраги қинидан чиқиб кетар, деб ўйламабмиз. Гупписи қурғур довдир-да, «Ҳа-а» деб сапчиб туриб кетди. Бир дам кўзлари манглайига ирғиб, тили осилганча бақрайиб қолди. Ўзига келгач, қулочини ёзиб ҳиринглади:

— Э, жўражонлар! Қандай шамол учирди, а!

Гуппи чапани-да, ҳаялламай дастурхон тузади. Ичкилик устида, Маҳсум, сен айтдинг:

— Ойбарчин, деб елдинг-югурдинг, етолмадинг! Ханифанинг доғида куйдинг-ёндинг, оқибат бундан ҳам айрилиб қопсан-ку, Ҳакимбек!

Эҳ, Маҳсум, Ханифанинг ҳасратида куйган ўзинг эдинг-ку. Алқисса, шундай деддинг, мен ўзимни куйган сиёқладим:

— Ҳей?

— Эртан оқшом никоҳқийди экан!

Гуппи гап суқди:

— Синфимизнинг олди шу эди, суқсурдай қиз эди! Э, аттанг, қўлдан чиқибди-да? Куёв бўлмиш ким экан?

— Э, билмагандай сўрайсан, қовуннинг яхшиси — итнинг ризқи. Маҳмуд кўрнинг чўтири бор-ку, тус-почанг ўша, гуппигинам!

— Хайф-э! Ойдаи нарса увол бўпти, — Очил писмиқ афсусланиб бош чайқади. — Шотирдай бўлиб юрамиз, қўлимизда бит ўлмайди. Уят! Биримиз ол-сак, биракайига татирди. Ҳалиям кеч эмасдир-ов, али-бали деб ўтирмай опқочадиган мард борми?

Сен айтдинг, Маҳсум:

— Ов-в, Ҳакимбек! Юрагингдаги ўт қани? Бос-майсанми қамчини! Ахир, Ғужбоғда ҳам бундай бир тарихий воқеа бўлсин! Ҳа-а, бурунгининг Ҳакимбек-лари!..

Гуппи гўл-да, ниятингни фаҳмламади, менга чақ-чайди, чағир кўзи чақнаб кетди:

— Ҳой, хунаса, қимирласанг-чи! Кучаладан бўк-кан кучукваччадай ётишингни қараю! Соядай эрга-шиб юардинг-ку, энди мунча талмовсирайсан? Тур, кетдик! У ёғини аканг қарағайга қўйиб бер!

Мен сенга қарадим, Маҳсум, сен ер чиздинг. Атай теккизиб:

— Опқочсак, опқочдик-да, — дедим.

Сен пишанг ташладинг:

— Опқочмаган ҳам номард!

Мен дедим:

— Илентирсак, этагидан тутатқи ҳам тегмас сиз-га, мулла Маҳсум!

— Ҳалолинг бўлсин, жўра! — деди Очил писмиқ. Сендан садо чиқмади.

Шу кеча Ҳанифага синдирилган нон бекор бўлди. Шу кеча у қон йиғлади, бағри хун бўлди:

— Саид Маҳсум сенга кўнгил қўйган, деган сиз эдингиз, нега бундай қилдингиз?

Ҳаҳ, Ҳанифа, ҳаҳ Маҳсум, ора йўлда мени адо қилдинглар-ку! Аччиқ устида бир нажас едим, захри оғзимдан кетмайди. Ҳа, Маҳсум хурмача қилиғинг қолмади-да, жўра! Ҳеч эвини қилолмагач, суйганингдан ўч олишга қасдландинг-а? Тезласам, Ҳаким ҳиддат опқочади, бунақа қинғирликка суяги йўқ, дегансан-да. Опкелиб қўйнимга солар, деб ичикиб ётгандирсан? Номаъқулнинг нонини ебсан! Сен — кофир, суйганингни менга лафз қилдинг, азбаройи пасткашлигинг қасдида шу ишга қўл урдим! Ичинг куйиб, ўл энди... Ҳой, Ҳанифа, қўй! Бу не қилиқ? Тишлайвериб, лабингни узиб оласан-ку! Маҳсум ҳам одамми, садқайи сиқтавларинг кетсин!

— Бахтиқаро қилдингиз-ку, Ҳакимжон! Қандай кунларга қолдим?

— Э, ўчир овозингни! Маҳмуд кўрнинг чўтири тилло қаср қуриб берармиди сенга? Ҳикилламай, худ-до деб ёт! Мениям кўзим учиб тургани йўқ эди, пешонага битилгани шу экан-да!

Эҳ-ҳа, ундан бери қанча сувлар оқиб ўтди, неча бир уйларга бешик келди, не-не толлар ҳассакашга ҳасса бўлди! Наҳот Маҳсум ҳамон хусумат сақлаб юрган бўлса?! Кеча у бизникига Бўри маймоқни бошлаб чиққани аниқ. Адолат «адам уйда йўқ» деган эмиш. Бўлмаган гап! Улар меҳмонхонага кирган, ўтирган. Ҳанифа чой дамлаган. Чойлашган киши сиёғида булар анчагача мени пойлашган. Ахир, Ҳанифа кўча-кўйда дабдурустан Маҳсумнинг йўлини тўсиб, дардини дастурхон қилмайди-ку! Тўлиб юрган эди, ёрилган. Бу — Бўри маймоқнинг иши, гапни чува-латган: «Келинпошша, ишқилиб, ул-булга зориқмаяп-сизларми? Қийин, қийин, катта еб, катта тишлаб ўрганиб қолганга қийин. Бу, дейман, Ҳакимжон укамиз ҳам...» Ҳанифанинг дийдаси юмшаган, кўзёшини артиб, ҳикиллаган: «Ҳа, шу экан-да! Айтгулиги бўлса экан, айтсам, амаки. Рўзғорим бордир-ов, деб мундай кайрилиб қарамайди. Тошганини совуради. Шукр, раис бувам оталик қилиб, шу кишига ойлик тайинлаган эканлар. Ҳарқалай, кунимиз ўтиб турибди». Маҳсум унинг кўзёшини кўриб, дийдиёсини тинглаб, ич-ичида мазахлаб кулган. Ҳузур қилган!

«Эҳ, Ҳанифа, одам деган бу қадар оккўнгил бўлмайди-да! Дўстан душманни фарқлаёлмасанг? Сени ўша... Ҳозир уйга бориб, тилингни таг-томири билан суғуриб оламан!»

Борганида-ку Ҳанифани қон қақшатарди. Ҳали ҳам фаромуш тортиб, чалғинибди, тикка идорага — совхозга ўтиб кетибди. Ҳисобчилар хонасида ўтирганида, чўт қоқатуриб, бир нимани унутиб қолдиргандек нуқул безовталанаверди. Лекин, нима — эслаёлмади. Унутгани гўё шу хонада ётгандек туюлди, тими-мирскиланиб пол юзасини қараб чиқди, сўнг деразадан ташқарига — шийдам боққа тикилганча ўйга толди. Бироқ, Ҳанифанинг тилини таг-томири билан суғуриб оламан, деган ният сирғалиб кўлдан чиққан балиқ каби қаёққадир гум бўлди. Энди билса, уни уйга сургалаган ҳам ўша — кўнгилдаги бекарор ният экан! (Рост, ҳар эҳтимолга қарши анави яроқни ҳам олмоқчи эди.) Аслида, шўрлик Ҳанифанинг гуноҳи нима?! Унга ҳам қийин, рўзғорга Ҳакимбек сариқ чақа қўшмайди. Эрининг бор-йўқлигини билинтирмай, уйим-жойим, деб азондан қаро кечгача қирт-қирт кетмон чопадиган шу Ҳанифа-да! Унга осонми, ахир!

Бир гал Ҳакимбек тўлиб кетди: «Кафтимда олиб юргуликсан! Лекин бу қўллар... Равишингни кўриб, кўнглим «жиз» этмайди! У бир парча музга айланган. Сен ўзингни бунча хўрлама, Ҳанифа! Кетгин!», деди.

Ушанда Ҳанифанинг кўзёшлари маржондек тизилган: «Ундай деманг, Ҳакимжон! Гулдай қизимизни тирик етим қилайми? Наҳот кўзингиз қийса?!»

«Майли-да! Адолат ҳам сен тан, ола кет!»

«Кайнотам-чи? Қайнонам-чи? Суянчиқларим шулар-ку! Буларсиз менинг, менсиз у муштипарларнинг ҳоли не кечади?!»

«Мингдан-минг розиман сендан! Истасанг, уларни ҳам эргаштириб кетавер. Ҳувиллаган уйда кўмилиб, бир ўзим қолай».

«Ундай деманг, Ҳакимжон! Борар жойим бўлса экан... Ахир, отам ок қилган!.. Қўчқордай ўғилга сизни зор қилдим! Нетай, дуои бадга колганман. Мени кўп топтаманг! Шўришим бор экан, не бўлса шу пешонамдан кўрдим!»

«Ўпкаланиб юрма унда, мен кетай?»

«Ундай деманг, Ҳакимжон!..»

Ғапини қаранг! «Қўчқордай ўғилга сизни зор қилдим», дейди-я. Йў-ўқ, сенинг қақшаб тилаганинг кўзларига кўринмайди! Ҳакимбекнинг ичидан ўтган қириндини билмайсан-да, Ҳанифа! Мана, салкам бир йилдирки, шу ҳол: на ётганда, на турганда ҳаловати

бор! Сурункасиз муроқабалар, пушаймону изтироблар унинг энка-тинкасини қуритган.

Хазонрез шамолнинг увиллаши, қулоқларига урилиши сусайди. Муюлишдан ўнгга қайрилиб, катта йўлга чиқди. Шунда манзилидан адашган чопар янглиғ ақли шошиб, юраини ҳам, тўхтарини ҳам билмай каловланиб қолди. Шаҳарга оёғи тортмади. Қайтсинми? Идорага бориб, ишга овунсинми? Қиламан деса, хомчўт ҳисоб-китоблари тўлиб ётибди.

Ҳисобчилар хонаси кимсасиз эди, қаҳваранг эшикнинг бир табақаси ланг очиқ. У кирасолиб, ғаладонни очди, очдию сарғимтил дағал қоғозларга кўзи тушиб, ҳафсаласи пир бўлди. Бурчакдаги диванга оқир чўкди, чап ёнидаги тошдек болишга суяниб, лабига сигарет қистирди. Чўғлантиришни ҳам унутиб, бежо назар билан жиҳозларни кўздан кечира бошлади. Чанг чўккан, ўнгиб кетган пол, ночор, одми иш столлари, стол устида сочилиб ётган рангпар қоғозлар, гезарган қумсувоқ девор... бу қаровсиз кулба Ҳакимбекдан ҳам абгор аҳволда эди, бироқ шу ҳолига у гўё ниманидир пинҳон тутаётгандек кўринарди. «Нимани?» Уззу-кун Ҳакимбекни беором қилган дилхоҳиши — нима у? «Нимани ўйлаётувдим-а? Эсим қурсин, дори ичишни ҳам унутибман — буйрак яна чимиллаяпти... Боя бир хаёлда... У кайрилиб, ўтмишга гўё синчков разм солди, калаванинг учини топмоқчи бўлди. Афсуски, ўтган дамлар у қолдирган изларни қуюн янглиғ кўмиб кетган эди. — Фаромушлик қурсин! Э, ҳа-а! — Ҳакимбек диваннинг бесўнақай болишини шаппатилаганча ирғиб туриб кетди. Сўлғин, паришон чехраси ўзгарди, лаблари асабий бурилди. Гезарган девордаги суратга, суратдаги киши бўйинбоғининг йўғон тугунига тикилганча вазмин муҳокама юрита бошлади: — Аждаҳонинг оғзига Маҳсум нега бош суқди? Қизик! Менга ақл бўлиш кези келганда бу кишим подага кўшилиб, чанг кўтараяпти!

«Ҳаким, сен балосан, баланд охурлардан сув ичасан. Катталар сўзингни синдирмайди, бир жўралик кил», деб эланиб, оёқларим остида ўралашиб юрадиган мишиқи кимнинг сармоясида кўкарганини ҳам унутибди-да. Майли, хусумат ўз йўлига, лекин онангчалик, отангчалик қилганим бор эди-ку, биродар! Бугун қарайсанки, Ҳакимбекнинг аҳволи танг; катта-

лар билан тиллаш, тиллашавер! Аммо, эсингда тут: анавилар дарвозангда елпатак бўлганига омадим чо-пибди, деб кўп ҳам суюнма! Бировнинг қора кунига кулма! Кун деганинг ўтар-кетар. Билиб қўй, бу замон-да эс-ҳуши жойида одам қулаётган чинордан қоча-ди, сен-гумроҳ, унга кўтир эчкидай суйкаляпсан. Ҳой каллаварам, сўқир эмассан, мундоқ қарасанг-чи, қур-ғурнинг томирлари чириб битган-ку! Эрта бир кун унинг тагида қолиб, пачағинг чиқади. Ўшанда: «Э, Ҳакимбой, жўра, кўр эканман!», деб пешонангга шап-патилайсан, лекин унда жойига тушмайди. Мен сени кечирмайман, биродар! У дунёю бу дунё икки қўлим ёкангда, Маҳсум!..»

Шу маҳал кимдир чакиргандек бўлди. У истар-ис-тамас бошини кўтариб, деразага бетланди. Ҳамон юз-кўзида хаёл шарпаси кезинар эди. «Бировнинг ди-лидагини билиш қийин экан-да. Ўйларининг интиҳо-си шу бўлди. Кейин хумори тутиб, чўнтагини кав-лашга чоғланди, бармоқлари орасидаги сигаретга кў-зи тушдию паришонхотирлигидан кулди.

Шу чоғ бузуқ шақилдоқникидек шиқирлаш эши-тилди. Боя ўйини бузган мана шу овоз эканлигини Ҳакимбек англади. «Телефонми? Бу сабил ҳам путур-дан кетибди-ю! Отам замонидан буён шиқирлаб ётиб-ди, чоғи?»

У трубкани аста кўтарди. Бироқ дераза ортидаги йўлак бўйлаб ўтиб бораётган бир қизни кўриб, ундан кўз узолмай қолди. «Ойбарчинникидай сочи бор экан! Тақимини ўпади-е! Ҳозир, ҳозир қарайди у». Чиндан ҳам қиз қия боқди. «Қарашлариям Ойбарчинники-дай!..»

Ўн уч йил бурун Ойбарчинлар Ғужбоғдан кўчиб кетишди. Кета туриб, Ойбарчин шундай бир қичғоч қаради, қарашидан Ҳакимбекнинг юрагига ўт тушди. Шу ўт уни куйдирди, йўқ қилди, бор қилди...

— Алё, алё-ё? Нима, тилингизга чечак чиққанми? Гапирсангиз-чи! Ҳаким борми?

«Гавҳар».

— Нима дейсан?

— Дамингни ют-э! Нима бало, хотининг тепангда ўклов ўқталиб турибдими?

«Бунча тилига эрк бермаса бу».

— Ҳакимчик, жонгинам, ишонсанг, жуд-даям қий-налиб кетдим. Не балолар кўзимга кўриниб... шу ке-ча мижжа қоққанам йўқ. Сени кўзим қиймайди-да,

бўлмаса, аллақачон анави бақалокқа...— Гавҳар қиқрлади.

«Эшилиб кул-э! Бунинг қичиқлариям зиғир ёгдай кўнглимга тегибди». Гавҳар гўё даққионусдан қолган ролни ҳануз ўйнайди, асли сийқа бу ижро ўзининг ҳам жонига теккан-у, бироқ буни пинҳон тутади: иккиюзламачилик қилади. Чунки бўлак илинжи йўқ, мабодо ролдан чиқса қандай кун кечиради — буни ақлига сиғдира олмайди. Ҳакимбек эса, баайни нозиктаб томошабин: зийрак назари Гавҳарнинг истиғносигаги макрни, гўдакона қилиқларидаги ясамаликни илғаб туради ва бу унга эриш туюлади. «У бу тахлит риёкорликни бир пайтлар тенгу тўшларига аломат кўриниш, назарга тушиш илинжида ўйлаб топган. Энди тарки одат амримаҳол — шу кўйда ўтади. Бадбахт! Яна ҳам ким билсин, балки шуниси маъқулдир? Ролдан чиқса, туруми бузилар? Ола-а...» Ҳакимбекнинг энсаси қотди. Гавҳарга боғланиб қолганига койинди. Жувоннинг: «Анави бақалокқа...», дея теша теккизиб ўтгани унда сира ҳам қизғаниш туйғусини қўзғамади. Ўзидан заҳарханда кулди: «Бугун уни бақалок, дейди, эрта бир кун... Сенга ҳам ҳўкиз-пўкиз, деб лақаб тақамаслигига имонинг комилми, мулла Ҳаким?!» У ғамбода хўрсинди ва жеркинган овозда:

— Гавҳар! — дея қайириб ташлади. — Олдимдан ўтмоқчимисан? Шу ниятда кўнғироқ қилдингми? Нима, этагингга ёпишиб ётганмидим мен, тилимни қичитасан? Кимга тегсанг, тегавер-да, бошинг очиқ-ку!

— Вой, тентак, сени қараю! Нималар деб алжи-япсан ўзи? Жим, эшитишни ҳам истамайман!

— Менга қара, Гавҳар, биласан, Ҳакимнинг васиқаси йўк! Шундай экан... нозандай нарсасан, токай-гача томса ялаб юрасан! Азбаройи, бахтинг очилганини кўрай, деб куйганимдан айтяпман! Бунақа эмас-да энди!...

Чамаси, Гавҳар трубкани улоқтириб юборди: дафъатан тарақлаган товуш, сўнг бир маромда қисқа «ғув-ғув»лаш эшитилди. Ҳакимбек ҳийла вақт трубкага тикилиб тургач, олиб аста ўрнига қўйди. Гавҳар энди ўзини каравотга ташлаб, кинолардаги жабрдийда қариқизлардек ўкраб-ўкраб йиғлаётгандир! Нима қилсин, борсинми? Унинг муздай ёноқларини силаб, юпатсинми? «Сочларингдан мойчечакнинг ҳиди келар, Гавҳаржон! Билсанг, бу атрга дунёингни тенг-

ситмайман! Қани, нима қилар экан, деб жўрттага тегишувдим!» У аразлайди: «Бераҳм!» Ҳақимбек тонг отгунча ўртанади, ахир шу азоб кимнинг газзати дори? Нимага?.. Ҳечқиси йўқ, пичадан сўнг яна сим қоқар. «Сен золимсан, бераҳмсан, ўзингдан бошқани ўйламайсан!», деб ҳиқиллаши, заҳрини сочиши, ала-мидан чиқиши зарур-ку! Мулла Суяр «Ёлгон дунё бу!», дегич эди. Мен — шаккок, ичимда мазах қилар эдим: «Қургур бобойча ҳақини қолдирмади, ёшини яшаб, айшини сурди. Авлиёдай қўр тўкиб ўтириб, қордай соқолини силаб, энди насихатгўйлик қилишини қаранг! Қўнглимизни совутмоқчи-да?», дер эдим. Қари билганни пари билмаслиги чин экан, қара, алдоқнинг нуқси жонимизга ҳам урган, тинчимизни, ҳаловатимизни кўзлаб... Йўқ, Гавҳар билан ора очди қилиш керак. Бироқ, ҳозир мавриди эмас; юрагимга қил ҳам сиғмайди. Обидийдага тоқат йўқ. Боя Маҳсум нега уни эслаб, минғирлади? Бирини кўрга, бирини шолга чиқариб, гап ора: «Сабил, энди Ойбарчинни тусади-да», деб қистирди. Э-э, похол тагида ўра бор экан-ку! Бола-чақангни чирқиратиб, бор-йўғингни Ойбарчинга тикиштиряпсан, демоқчи бўлганди. Далвай қилиб чалғитганини қара. Ноўрин таънаси жонимга тигдек ботиб, чарсиллаб олов сачратишимни пайқаган. Мақсади: «Волга»ни нега қурутдим — шуни билиш! Э, Маҳсум-э! Пайшанбалик нонни еб, суягинг қотган-да, бир таъма йўлида... Наҳот Тошбоев икков ҳамниятлигимизни сезган бўлса? Йўғ-э? Учириндисига қараганда, «Волга»ни бежиз бошидан соқит қилмади бу, деб не номаъқулни тусмоллашган. Пайтаваларига қурт тушган-у, лекин ҳали-ҳозирча Тошбоевнинг ялоғини ялашмаган. Тошбоев кўп дажжол-да! Унинг қараши ҳеч ёқмайди, кароғида мингта иблис — бири олиб, бири қўйиб, ўсмоқчилаб туради. Чол тамшаниб, манак қоқади-ю, аслида ҳамнишини билан мунозарачи — анавилар. Лекин Маҳсум эмас-да у, шилпик бўлса ҳам етти қават осмонни газлайди кўзи. Ўттиқоднинг сотмас. Ахир, у «Тошбоев!» деган овозанинг қули-ку.

«Зобитовдай эррайимни бир чўқинида кочирган ким?»

«Валинеъмат Тошбоев!»

«Ҳақни қарор топтирган ким?»

«Адолатпеша Тошбоев!»

Қулгунадай ўзини четга тортиб, қув-қув йўталиб,

бир чеккада ғимирлаб юраверади. Дуч келган ғужбоғ-лик, бувамизнинг кўнглини олайлик, деб топинса, атай талмовсирайди. Аммо кўнгли тўқ: эл ҳам, элбоши ҳам соясига салом беради. Э, ғарибим Тошбоев, бувагинам Тошбоев, сен ҳам чумолисиёқсан, қолиб кетадиган бир дсн кўйида кечаю кундуз ғимирлаганинг ғимирлаган. Майли-да, шунинг ҳам бориға шукр!.. Ҳаммаёқнинг шудгорини чиқариб ташладинг, мулла Ҳаким, ғирт бетамиз одам экансан! Хўш, энди нима қилдик? Сим қоқмаяпти-ку? Ана... — у қитирлаган телефон аппарата-тиға зада бўлиб, иккиланинқираб тикилди. — Ҳиқил-лайвериб хун қилади! — Ҳакимбек юраги бетламай, трубкани кўтарди. — Худди ўзи!»

— Алё, Алё-ё, Гавҳар? Бунча ҳиқилламасанг? Тўғ-ри гап туққанингга ёқмас экан-да, ўзи!.. Э, кўй, хоҳ шишани тошға ур, хоҳ тошни шишаға — бари бир эмас-ми! Сендан чиқадигани шу-да. ...Ҳа, этак силкидим. .. Ёш боладай кўп тихирлик қилаверма! Маъқул, бор-ганим бўлсин!

Йўл сувдек оқиб ўтаберди. Кўзи илғаган олам унга бирикиб келди ва асфалт юзида уюрма пайдо этиб, шувиллаб орқаға кетаберди. Ҳакимбек жилувчи уюрмадан кўз узмади. «Пича қолди, ўша!..» УША-жойдан ўтмаганига қўймаган Гавҳардан хафа бўлди. Суякларин қоқшслникидек сирқиради. «Ўтдим-ов! Йўқ, нарироқда эди. Ҳу анави ерда ётувди шекилли. Қўл-лари...» Кўзларига қон кўринди — йўл бетиде ивиган қон, янчилган бош, чарм камзул...

Ҳакимбек мурдани босиб кетишдан чўчигандек ҳаприкиб, рулни чапға бурди. Шу чоғ гўё аллаким бариға чанг солди. У жонсарақ, газ дастагини кўйиб юборди-да, ўнгирини човутдан халос этмоқчи бўлиб силкиди ва этагига ёпишган ғанимига ихтиёрсиз юз бурди. Қараса, баридан торткилаётган — шамол; тугма-лари ечилиб кетган экан. Иттифоқо қабр тепасидаги туғға кўзи тушди. Алам боғланган гужум тагидаги арлиё Сўппоқ сағанаси, чангалзорға айланган тумор-деккина азиз ер аклини шоширди. Оқ ялов тўзғиган ок-оппоқ сочларни эслатди. Мук тушиб, фалакка қўл чўзган ва унсиз фиғон чекаётган муштипар Истарчи¹ момонинг мотамсаро сиймоси йўл тугул оламини ҳам тўсиб қўйди...

¹ Истарчи — бригадир маъносида қўлланилган. Русча «стар-ший», «старшина» сўзининг бузилган шакли.

Ҳақимбек, қуёнчиқлаган, дард ўтиб кетса ҳам, иситмаси босилмаган киши каби анчагача ҳушини йиғиб ололмади. Қизил чироқ йўлнинг берклигидан огоҳ этиб турса-да, у Эски шаҳар чорраҳасидаги айланмага ҳайдади ва кунчиқар тарафдан келаётган «Жигули»га йўл бермай, ўтди-кетди. Айланадаги назоратчи милиционер ҳуштагини чуриллатди, «Жигули»нинг тажаниг ҳайдовчиси чўзиб-чўзиб сигнал берди...

Ана, Гавҳарларнинг муълиши. Шу халта кўчага бош тикиб нима қилади. Яхшиси, анави ошхонага боргани маъкул. Ойбарчиннинг изидан юрган маҳали ўтганда-қайтганда бу ошхона тупроғини ялаб... «Нимқоронги бурчакдаги бирон столга эгалик қилиб, тонг-отаргача, хуморинг тарқагунча ич, Ҳақим! Гавҳарнинг барагига¹ зормисан? Қоқи баҳосида турмаган сатанг! Тагин ўзини бозорга солиб, ҳунар кўрсатишини қара! Ошиқи бедавони бақалоқ деб ерга ур-э, эрмакла-е! Сочига оқ тушса ҳам қуюлмайди бу. Қаёқдан ҳам чакамуғдай илашдинг унга, Ҳақим?!»

Ҳақимбек гаҳ деса, ҳумо қуши ҳам кафтига кўнган кезлар. Бир кун юмуш билан банкка кирса, суқсурдай жонон ўтирибди. Вориб, даштахтага ўмганини берди. Бир хил умидда томоқ қирди, кейин лаб учида хуштак чалди; ҳавоси баланд экан, жувон назар солмади. Ҳақимбек деди:

— Қўлоғингни кемтиб кўяйми?

Қочирими ерда қолди. Бир бўлди бу, икки бўлди, Ҳақимбекнинг жаҳли чиқди. «Ҳап, сеними, шошмай тур, нархингни бийлаб, бурундикдай илиб қўймасам!..»

Кунларни қувиб, кунлар ўтди.

Қараса, жамғармаси бир қучоқ. Пулнинг майдаси курсин, солаверган эди, киссаси етмай қолди. «Яхлитлаб олиш керак. Анави ҳонқизини ишга соламан. Шу баҳонада тузоққа илинтирмасам...»

Муродига етди ҳам, яхлитланган пулларни қайтариб ола туриб, бир гижимини кофтасининг кўкрак чўнтагига тикиб қўйди. Жувон кўзларини пирпиратиб тисарилди.

— Вой, бу нима қилиқ? Мени ким деб ўйладингиз? Эс-ҳушингиз жойидами ўзи?— Юлишгудек важоҳатда шоша-пиша чўнтагидан пулни чиқара бошлади. Бежиримгина бурнининг учигача терлаб кетди.

¹ Барак — чучвара.

Аҳвол чатсқ. Ҳали шу танноз кимсан Ҳакимбекни қиёқдек синдирмаса! Тешиққулоқ эшитмасми? Кейин у ҳамқурларининг кўзига қандай қарайди? Ҳакимбек шартта унинг билагидан тутди, жиминг, деган ишоратда лабига бармоқ босди.

— Иrimi шунақа, ойқиз. Йўқса, манавилар,— дея у чўнтақларига шаппатилаб қўйди,— фақирга ҳам буюрмайди. Майли, тешиб чиқсин десангиз, зоримиз бор, зўримиз йўқ!

Жувон астойдил ўйловда қолди, ишонқирамади, шубҳаланиб, зимдан ғалати қаради.

— Исмингиз нима, сингилжон?

Жувон нозланиб бурилди-да, пиқиллаб кулиб юборди:

— Вой, озғунчиларнинг пири-ей! Тутган жойингиздан узиб оларкансиз! Гавҳар исмим, нимайди?

— Гавҳархон, денг. Раҳмат сизга!

Гавҳар лабларини буриб кулган чоғ, яъни таннархига рози бўлган дамдаёқ, Ҳакимбекнинг наздида, қўлидаги буюмга айланди...

Бултур, шу кунлар, тушида Ҳакимбек Ойбарчинни кўрди. Эртасига Истарчи момо «Қани? Қани?!»лаб, унинг жони-жаҳонига ўт қўйди. Шу оқшом Ҳакимбек қаро кунига куйиб, ҳуши оғиб, беванинг уйини қора тортиб борди.

Эсида, хона шинам эди, хона қоронғу, уй ичида гул ифори кезарди. Гавҳар ич кўйлақда, меҳри ийиб, тирғалиб, унинг бўйнидан қучарди. Кенгли синган боладек ўксиниб турган Ҳакимбек уни яқин олди, муздай сийнасига юзини суйкаб, қайноқ кўзёшини сурта-сурта ўкраб йиғлади, юрак ёзди. Маст эди.

— Мен Қилич қоровулбегининг неварасиман: гапим — гап,— деди,— шу кечадан менинг аҳдимдасан! Ҳозироқ Мулла Суярга етаклаб бораман сени, никоҳ қилади! Бу дунёдан кўзим очиқ кетмасин-да, Рустами Достондай бир чироғбон туғиб бер! Кейин, кейин... тўлиб кетдим, тўйдим, Гавҳар! Сочларингдан мойчечакнинг ҳиди келади-я! Бору йўқнинг баҳридан ўтайми? Сени олиб, тоғ ошиб кетайми? Кўздан панада, овлоқда, Одам Атою Момо Ҳаводай ўз йўригимизча кун кечирсак, нима дейсан, Гавҳар?

— Исминни сўрадинг-у, қорангни кўрсатмай кетдинг...

— Хўп, майли, юр десам, кетасанми ҳозир мен билан?

— Тентаккинам, суюмлигим! Баданингдан мойче-
чакнинг ҳиди келади, де?

— Ҳа, силашга ҳам ботинолмайман. Қўлларимга
қон нуқси урган!

— Қўлингдаги — пулнинг ҳиди, Ҳакимчик! Сени
қутуртирган — шу! Ноинсофсан. Ҳакимбекнинг тенги
бўлай, деган сон-минг. Сен тентак, шаҳарни қўйиб, ҳу-
зурижонингдан кечиб, қай гўрларга кетсам дейсан. У
ёқда нима бор, давринг кепти, сур, бегим!

«Э, Гавҳар, Гавҳар! Ҳаргиз даври давронни ҳавас
қилма! Пулнинг сассиғи димиқтириб, абгор қила-
ди».

Ҳакимбек ўшанда гарчи кайф эди, бироқ, пайқади!
Гавҳар кафтига қўнган капалак экан. У ҳатто ўчоқ
бошида ҳам: «Дунёга келдик бир карра. Ўйна, кул,
яйра-а!», дея шигаб роса ўйноқлаган эди. Ҳозир шу
ёдига тушдию Ҳакимбек унинг хониш қилишга, ўйин-
қароқликка даъватманд нотагон кўнглини, ҳавойи
акидасини кафтига олиб кўргандек бўлди, унга ичи
ачиди, «Наҳот бир умр шу кўйда ўтса?! Бориб, ёти-
ғи билан укдириш керак. Лекин ҳозир эмас, кейин»,
дея ҳаёлидан кечирди. Кайф устида Гавҳарга оғиз
ургани лоп этиб кўнглидан ўтдию орияти қўзиб, жун-
жикиб кетди, ғашланди. Эшитса, илон пўст ташлайди-
ган анаси гапнинг ҳам учини чиқарди-я! Сирини, би-
нобарин, ночор ҳолатини ошкор этиб қўйгани учун
ўзидан норози бўлди. Шундай танг дамларда Ҳаким-
бек жонини ўтга-сувга урар, хижолатпазликдан қуту-
лиш чорасини излар эди. Шу алфозда кетатуриб, ба-
ногоҳ қандайдир таҳдид сезди, сесканиб, ҳаёли чалғи-
ди. Қараса, Эски шаҳар адоғидаги муюлишга етиб қо-
либди. Гўё аллаким қилич сермаб, изидан от қўйиб
келаберди. «Ҳали чорраҳада ҳуштак чалгандай бўлув-
ди-я, пайимга тушдимиз дейман?» У мотоциклни сер-
қатнов йўлнинг четидан шиддат билан учириб кета-
берди.

Ҳакимбек йўлдан кўз узмай бораркан, туйқусдан
ҳаёлига келган ўйни овоз чиқариб айтди: «Э, Маҳсум-
э! Зобитовнинг этагини тутсам, бир нимали бўлиб қо-
ламан, дебсан-да. «Рўзгор бекаларига маслаҳат» —
ингни ёз, биродар! Сен юзсиз ҳам кўп балодан боха-
барсан шекилли? Э, бўлганча бўлар, қўлдан келгани-
ни қилмайсанми!.. Ҳакимбек, шу кунга умрингни тик-
жан одамсан, сен! Қаёқдаги каланғи-қасангини, бўл-
магур ўйларни қўй энди, ширин тасминга заҳар қўш-

ма! Ишинг бароридан келди, Зобитовни қулатдинг! Улар энди кўкингни кийгани чин. Лекин сен ҳам қараб турганинг йўқ! Эҳ-ҳ, не-не тилакларинг бор эди, гунчаламай эзгилашди. Умр деганингдан тоғдай армон қолди. Шунинг бадалига татигулик ўч олдинг! Бу балохўрларнинг калласини кемирсанг ҳам, асти камлик қилади! Ҳали питирламай туришсин!— Ҳакимбек иситмалаб, аъзойи-бадани зир қақшай бошлади. Мияси карахтлашди.— Шоми ўзига ургурларни қўй энди! Буёғини худога сол! Кейин... ишқилиб, охири бахайр бўлсин!»

Ниҳоят, ошхонага ҳам етиб келди. Унга бир бало бўлгандек эди. Туясути ичган касалдай тинкаси қуриб борарди. Мотоцикл кажавасини йўл четидаги дағал-пўстлок қарағайга тираб, моторни ўчирди-да, тушди. Оёқ томирлари тортишган, сочлари тердан жиққа ҳўл бўлган эди. Мияси ўбдан ғовлаган, қўллари бежон, зил-замбил. Бирпас кўзларини чирт юмиб тин олди, иситма элителиб, боши айланди, кўнгли беҳузур бўлди, кейин қўнишганча, Янги шаҳар бўсағасидаги ошхонага қараб юрди. Беш-олти қадам босгач, ошхона тумшугидаги кенг-мўл майдонга эътибор қилди ва мотоциклни гавжум йўл ёқасида нобоб қолдирганлигини фаҳмлади. Эринчоқлиги тутиб, турар, деди-ю, яна кўнгли бўлмай изига қайтди. Моторни ўт олдиратуриб безовталанди, жовини ўртаётган сезги таъсирида орқасига аланглади: ху нарида, йўлнинг шу бетида тўрсайиб турган «ЗИЛ»ни кўрди. Совхозники эмас, лекин жуда ҳам таниш! Аниқ, қаердадир кўрган. Унга дахлдор қандайдир нохуш таассуротга эга. Фақат, эслаб ўтиришга ҳозир унинг тоқати йўқ эди: дилтанг эгарга минди, фаромушлик боис, шу заҳоти «ЗИЛ»ни унутди...

Ошхона доғланган зигирёғ ҳидию тамаки тутунига тўлган. Бу, ирkit пол, бемаъни рала-говур — бари бир бўлиб кўнглини оздирарди. Аксар хўрандалар ишчи шекилли, эгниларида пахталик, букчайиб ўтириб олиб танаввул қилишар, ора-сира бошларини кўтариб, яғир рўмолча билан бўйинларидаги терни сидирар, бир-бирларига гап қотиб, хохолаб кўйишар эди. Ҳакимбек қўлансиган бу ошхонага кириб янглишганини тушунди. Буд-шуди — уч-тўртта «Чашма»ни столга намоёншкорона тизиб, майхўрлик килаётган анов йигитлар шу ҳолида унга алланечук ғариб, афтодаҳол кўринди.

Даврани айланиб ўтатуриб, Ҳакимбекнинг таъби хуфтон бўлди. «Энгил-боши не аҳволда-ю, ўлган кунига ичадимми булар? Хаҳ, дунёйи қўтир!..»

Кўкракларини очиб стулда ястаниб ўтирган йигитлар виқор билан «Уруш бўладими, йўқми?», дея қизгин мунозара юритишар эди. Жайрасоч, ўрдакбурун киши ҳўплаган виносини эрмак қилатуриб: «Бўяди!», дея ғулдирадди, ютиниб олгач эса дўрдоқ лабларини жийириб, яна бир қултумни оғзига оларди-да, «Бўяди!», дея такрорлар эди. У шунчалар лоқайд қиёфада сўзлардики, гапи урушга алоқадорми ёки виногами—англаш маҳол эди! Қаршисида ўтирган ушоққина, қотма йигит эса ғозбўйинини чўзиб, эътироз билдирарди:

— «Сиз «Инсон тақдири»ни, «Алвидо, қурол!»ни ўқиганмисиз? Уруш нималигини биласизми ўзи? Ваббо-ку у! Хемингуэй ҳақ гапни айтган: кимлигидан қатъий назар, урушпарастни шартта отиб ташлаш керак!

Сиз — ёшингиз бир жойга борган одам, э-э... Уруш жабрини чекканларнинг кўзи очиқ ҳали, бу вабонинг тарқалишига йўл қўярмиди улар!

Йигит фикрини уқтириш ниятида ҳарчанд таъкид билан қўл силкимасин, бирон улфати унга эътибор қилмас, гапларига қулоқ солмас эди. Ахийри, қотма йигит қарсиллатиб столга мушт урди. «Ҳашма»ю стақанлар дириллаб учди, кайфи бузилган ўрдакбурун шериги унга кўз сузиб қаради:

— Ҳа-а, Аҳмад? Бу, дейман, Ҳаққа етдингми, а?

— Бўлмайди, дедим, бўлмайди!

— Ни-нима?

— Уруш!

— Э-э, жағинг қаришмаганини қараю! Бор, ана, сен айтганча бўла қолсин-э! Қуй, обизамзамдан!

«Яна буларнинг жаҳоний савдо доғида мия ачитиларига қуяйми? Қойнаҳой, бу ғалвани анави Аҳмад дегани қўзгаган?!»

Кўриниб турибдики, Аҳмад бу тоифага бегна эди, увада кўрпадаги оҳорли ямоқдек ботишмай турарди. Ким билсин, мактабни шу ёзда тугатган-у, ўқий деса, имкон бўлмаган. Балки, борган-у, киролмай қайтган. Ҳар қалай, тентираб-тентираб, ахийри қурилишдан қўним топгани аниқ. Бугун у эл қатори имзо чекиб, биринчи маошини олгандир, шунинг шарафига «сен же, мен же», деб шokolбазм қилишаётган чикар? Энди асосчиларга элакишиб, али-бали деб кетаберади. Ҳам-

товоқларининг сиёғига қаранг! Буни ҳам уларнинг қисмати кутяпти! Бунча хуноб бўлмаса! У тириктонларга нимани уқтирмоқчи? Ёспирай!

Аҳмад ўзи билан ўзи бўлиб қолган улфатларининг боқибегамлигидан ранжиди шекилли, ўриндигини пича орқага сурди ва шерикларига ётсираганнамо бир-бир гинали қараб чиқди. Унинг ўқсик лабидаги тамкин табассум, юзларида кезинган хаёл Ҳакимбекнинг дилида адоқсиз ўқинч қўзғади. Дард еганда ҳамдардини кўрган каби у бир хил бўлиб кетди. Бундан роппароса етти йил муқаддам, ўша қора кунда, у — Ҳакимбек, она сути оғзига келгунича ичди, ғирт маст, бўйи баробар тошойна қаршисига борди-да, «Ўз отинг билан Ҳакимбек эдинг, тоғни уриб талқон қилардинг! Кўнгил қосанг синиб, энди ниманг қолди?», дея ойнадаги аксига бир қур назар солди. Баайни мана шунақа — ҳозир Аҳмаднинг юзида кўринган аломатлар ўшанда унинг ҳам синиқ чехрасида зуҳурланган эди! «Ўзингни назаркарда билиб юрар эдинг, Ҳаким! Худойим кўшкўллаб урди-ю!», дея инграганча қадаҳни полга тоблаб урган ва унинг чил-чил синиғи устига муқ тушиб ер муштлаган, жазавада қуёнчиқлаб қолган эди...

Ҳакимбек кайрилиб яна Аҳмадга қаради, хаёлан кимгадир: «Мана, сенга яна бир «назаркарда!»— дея пичинг уриб, аччиқ тиржайди.— Э, ғарибим, зўр олим чингулик авзойинг бор экан-у, начора?!»

Ошхонанинг тўридаги буфет пештахтасига суяниб турибди-ю, хаёлида яккан «Боёқшини бу тўпдан ажратиб олиш керак!» деган фикр. Нимта-нимта гўшт терилган ликопчаю ароқли графинчани келтириб стол устига қўяркан, «Болалақир нобуд бўлади,— деб қўйди.— Шу тобда уни анави тўдадан айириб олиш амри маҳол. Сен боғдан келсанг, маст одам тоғдан келади. Худо билсин, улфатлар ўзларида куч сезиб, бир ғавғо бошлашга баҳона тополмай, зикланиб ўтиришгандир? Еннинг тегиб кетса, лов этиб кўтарилишади. Сабр қилчи!»

Обиёвгон ҳиди ошхонани босиб кетди, бу ҳид теру тамакининг бўйига қоришиб, янада қуйқалашди. Ҳакимбекнинг яна нафаси қайтди. У, бошим оғиб, қаерга келиб қолдим, дегандек бурдини жийирди-да, ўчоқ-бошига норози қараб қўйди. Бу ердан тезроқ чиқиб кетгиси келди. Ароқнинг ярмини стаканга қуйди-да, жаҳд билан кўтарди. Сув қўшилган чоғи, ютуми ёқим-

сиз эди. Бу баттар унинг таъбини хира қилди. Буфетчини чақириб, заҳрини сочмоқ ниятида энди қайрилган эди, гулдираган овоз қулоғига чалинди. Овоз қандайдир таниш, шовқин-сурон ичидан момақалдироқдек гумбурлаб чиқди:

— ...шу юрак билан ҳали бош кўтариб юрибсизми?!

Ҳакимбек буфетчини ҳам унутиб, биров турткилагандек, товуш келган тарафга беихтиёр ўтирилди. Юпқа, ҳаворанг тутун пардаси, парда ортида — пойгакдаги столда икки киши ўтирибди. Шанғиллайди, ниманидир муҳокама қилади. Бериёқдаги дўнгбўйин, суяги бузуқлиги орқасидан ҳам кўриниб турган кишининг бошида тўзғиган телпак. Қора пахталигининг барини силкий туриб, у жеркинди:

— Э, қўйсанг-чи, Болтавой! Гапингда туз йўқ. Авваламбор, кўрдинг, ўзлари пашшага ем. Иннайкейин, асли сен билан менга нима — бировнинг тойгоғига тойиб, ўшанинг жатига қолгинг келяптими? Билиб кўй, насяни ўғри чиқарган! Насяга... дунёни горат қилмоқчимисан?

Девор тагида Ҳакимбекка юз ўгириб ўтирган Болтабой дегани қиррабурун, найнов киши эди, ёши ҳам чамаси қирқларда. Шеригининг гапини тинглай туриб, сигаретини столга эзгилаб ўчирди. Кейин бошини кўтарди-да, совуқ иршайди. Тутақди.

— Э-э! Мурув-ватга бало борми, ахир?!— деди у ситамли оҳангда, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб.— Бундай пайт-тда, пашистнинг моягидан тутамлагандай сиқиб...— Болтабой қоқсуяк қўлини олдинга чўзди. Чангалини қузғундек ёзган кўйи хаёлан ғанимининг зормандасини тутамлади, сўнг тиш қайраб, ўбдан эзгилади. Эзатуриб шу қадар ҳузур қилдики, ҳатто қийиқ кўзлари юмилиб кетди. Ниҳоят, ўзига келиб, муштини ёйиб юборди-да:—...қат-тигини чиқар-рвориш керак-к!— дея таъкидлади. Сўнг шеригининг авзойига қаради: афтидан, йўлдоши унинг фикрини маъқулламади. Болтабой тутақиб, э, бу этиоракдан одам чиқмайди, деган гинада ноумид қўл силтади. Қилтириқдек оёғини чўзди-да, ўриндиқ суянчиғига ястанди. Унинг сочлари паришон тўзғиган, чаккаларига қировинган эди — шулар ҳамда эғнидаги қора чарм камзул Ҳакимбекка аллакимни эслатди.

Болтабой, ниҳоят, бир нимани сезгандек, шеригининг кифти оша унга вазмин, кузатувчан назар ташлади. Қарашлари тошдек оғир эди. У, лаблари ёйилиб,

кибр билан хунук тиржайди, негадир, кўз қисиб кўйди.

Ҳакимбек ток ургандай бир сесканди, юраги увишди. Эси жойидами бунинг, дея чаппа қараб олди. Графинча тубида симобдек йилтираётган ароқни силқитди, стаканни қўлга олатуриб, яна найзадек кадалган назар таъқибини туйди. Ўнғайсизланди, бўғзидаги бўғзида қолди. «Катта онасининг ҳақи бормикан менда?!» дея жаҳли кўзиб, ялт этиб Болтабойга қаради. Чиндан ҳам Болтабой дегани ҳамон киприк қоқмай, тигдор кўзларини унга тикиб ўтирар, қарашлари илоникидек аврагич эди. Сиёғида заҳарханда кайфият кезинар, ҳойнаҳой, машғулотидан — Ҳакимбекнинг қитиқпатиға тегаетганидан димоғи чоғ. Бир хаёл, Ҳакимбек биқинидаги ўриндиқни шартта олиб, унинг бабарасига иргитмоқчи бўлди, тагин шайтонга ҳай берди. «Ўзингдан ўтди-да, Ҳаким! Кўриб турибсан — қипқизил каллакесар! Йўлпашшадай айланишиб, гапига қулоқ солиш зарурмиди сенга?!»

«Мурув-ватга бало борми, ахир, бундай пайт-да?!..» Бу гина — ёвуз ниятнинг индаллоси қисматиға дохилдек Ҳакимбекда нохуш кайфият уйғотди.

...Зимзиё кеча. Нам асфалт йўл. Юзтубан ётган лош. Ҳакимбек ўликнинг бош тарафида сумалакдек қотган, бармоқлари қон, қон шилимшик. Мурданинг қисға беланган қилтириқ бўйини қимирлади. У аввалиға мажақланган бошини, сўнгра, тирсағига таянганча, ўмовини кўтарди. Минг машаққат билан чап биқинига ёнбошлади-да, ҳансираб, қуруқшаган лабини ялади. Кабоғини керди, бироқ кўзи очилмади, қон қотган киприклар бир-бирига ёппишиб қолган эди. Мана, ҳозир, ҳозир... улар ажралади! Ҳакимбекни даҳшат босди. Э, худо, ишқилиб кўзини очолмасин-да, дея зорланди. Шу лаҳза киприклар пирпиради, Ҳакимбекнинг нигоҳи конталаш кўзлар билан тўкнашди. Бу назар тигли эди, кинли, маломатли эди. «Умримга завол бўлдинг, баттол! Гуноҳимни айт!» Ҳакимбек ногоҳ:

«Нега бундай қарайсан, Салом Ҳаккул?», деб юборди.

«Э, Ҳакимбек, Ҳакимбек! Дўст бўлиб, душманнынг ишини қилдинг! Кани. айт-чи, еб-еб шохинг чиқдимми? Е дунёдан умидим йўқмиди менинг? Ҳатто ўлигим-нияма юз-хотир қилмадинг! Ўлган ўлди, унинг шўри, энди қайтиб келармиди, тагин, изида йўқловчиси бўлмаса, дегансан-да! Адашибсан, хун довлайман, ху-ун!»

Салом Ҳаққул зўриқиб, узун, қоқсуяк кўлини кўтарди ва Ҳақимбекнинг чотига узалди. Чангак тиғи янглиғ қадалган тирноқлар заҳридан...

...аянчли ўкирик бўғзига тиқилдию Ҳақимбек дард тутган дамқисма каби титраб-қақшаб ўрнидан турди, ҳуд-беҳуд, судралиб, чап биқиндаги эшиқдан кенг ҳовлига чиқди. Ичбуруқ санчиғи жонини қийнаб юборди. Бадҳазм ароқ заҳру заққумдек халқумини ачиштирди. Қайт қилгач, чарақлаб мияси очилдию уни бузилган арилар янглиғ яна фикрлари тўзғиб кетди. У ҳовли этагидаги тайпоқ ариқчанинг чимтол бўйига бориб чўнқайди, энгашиб, зилол сувдан ҳовучига олди-да, чайинди, барибир оғзида какраники каби тахир ва ноҳуш таъм қолди. Тошбоевнинг қув кўзларини йилтиллатиб: «Зобитовингния хонумонига ўт кетди!», дея пихиллаб кулгани ёдига тушдию каллакомуз илжайди. Кейин кўнгил уйининг бир кунжаги ёришиб кела бошлади. Инқиллаб ўрнидан турди. Ўзида елкасидан босиб турган зил-замбил юкни итқитиб ташлагудек, жисмидаги толғинликни енггудек мадор туйди.

«Манави тошқин босилгунча Нухнинг кемасига биқиниб ол! Емон кўздан панада юр!» — Тошбоев шунақа дейди. Меҳрибончилигини қаранг! Ахир илҳақ кутилган, тантана қилиш мавриди келган интиқом кунида Ҳақимбек кўҳна девор қавагида тухум босиб ётсинми?! Шу пайтгача у кечалари мижжа қоқмай юлдуз санаб чиқди. Анавилар уни анжирдек эзгилашди. Бугун эса барча кўргиликларга Ҳақимбек чек қўйди. Елкасига минган найрангбозлар, ана, оёқостида тупроққа беланиб ётибди. Бас, шундай экан, нега у дўпписини осмонга иргитмасин? Куни туққан бўлса! Ахир, бит ташлаб яйрашга, чигилини ёзишга унинг ҳам ҳаққи бордир?

Бултур шу кунлар, шом қоронғиси чўкаётган палла, у — Ҳақимбек, бугун Саид Маҳсум оёғини осилтириб ўтирган чорпояда ғужбоғликларга маош улашаётган эди. Эл булутдек ёпирилиб, теваракни тўсган. Кимдир вақтичоғ, қўл қичиса, пул келади, деб қадоқ кафтини ўпади-да, манглайига суради; бошқа биров бош бармоғини тупуклаб, пул санайди; бошқаси пешонасини тириштириб, ордона қолгур, хомчўт қилганимдан йигирма сўм кам-ку, а, дея норози тўнғиллайди.

Салим гуппи ўзича давра гирдини айлашиб, элни тартибга солиб, бакириб-чакириб юрган эди, бир маҳал Ҳакимбекнинг тепасига келдию козиқдек қаққайиб туриб қолди. У доим, синфдош тушди сенга, энди язнасан бизга, дегич эди.

— Ий-е, Ҳаким язна,— дея уни турткилади,— раҳматли Салом Ҳаққулнинг онасими?

Ҳакимбекнинг кўлидан мадор кетди. У Очил писмиқнинг моянасини санаётган эди, иккита уч сўмлик сирғалиб кўлидан чиқди-да, шолча юзига тушди. Биров буни пайқамади. Одамлар авжи тўйда шум хабар эшитгандек саросимада Салом Ҳаққулнинг онасига жовдираб қараб туришар эди. Мотамсаро жимлик чўкди. Ҳакимбек қуруқ ютинди. Зимдан йўлакка қаради. Белачак кампир имиллаб-симиллаб, шу тарафга келар эди. Кўзлари чўкиб, ёноқлари туртиб чиққан. Увоққина жуссаси ҳилвираган кўйлагини аранг кўтариб тургандек.

Салим гуппи қайғурди, қайғусини ичига сиғдиролмай, элдан бурун намоишкорона хўрсинди ва барчага эшитарли қилиб:

— Ҳа, бечора-я!— дея пичирлади. Ҳаялламай саланглаб капирга пешвоз чиқди: — Қани, келинг, Истарчи момо! Ҳей, эс жойидами, анграймай бир четлик турсанг-чи! Кани, Истарчи момо, ўтинг бу ёққа, манави ерга, ўтиринг! Давлатимиз соясида мундай узаниб дам олинг, тўғрими, Ҳаким язна? Бизнинг давримизда... Салом Ҳаққулга нафақа оляпсизми, момо? Раҳматли тилла одам эди!

«Бу тентакнинг ҳаприкишини! Истарчи моманг сенга нафасимни ростлай, деб кептими, гумроҳ!» Бировга шу кампирни кўрсатиб: «Вақтида гуркирган бригадага бош эди, кўкрагига нишон тақиб, кўча-кўйни тўлдириб юрарди», десанг, кулманг, кулганнынг косаси оқармайди, дейди. Ҳолбуки...

Салом Ҳаққулдан айрилгач, у карс уриб, соч юлиб идорага келди. Жон куйиғида: «Шунқоримни топиб бе-е-ер!— дея зор қакшаб, Зобитовни юмдалади, киёмат-қойим қилди.— Сен! Се-ен боламнинг бошига етдинг, золим! Оқ ювиб, оқ, тараган тойлогимни единг!.. Айтдим-а, қўй, шуларга тенг бўлма, олишма, ёзма, деб худонинг зорини қилдим-а! Йўригимга юрмади-юрмади! Ҳа-а, қон кўр қилгур Зобитов! Бир ёқангдан оларим бор-ку! Сенинг қаҳринг каттиқ бўлса, илоҳимники — метин! Сенга ҳам боққа бало бордир? Худого

солдим, худоё худовандо, ўнғарилма, кўкрагингдан кўк тош боссин!»

Уддабурро эди Истарчи момо, чарс эди, тиккаси-дан келди. Зобитов қирриқ-да, кулоғини кар қилди. Инига биқиниб, туйнукларига пахта тиқди. Қараса, бўлмайдиган — момонинг ҳасратидан чанг чиқаётир, майда миш-миш билиқсиётир. Ахийри, девонахонага сим қоқди: «Алло-ов, Маҳмуд, бачам, ўзингмисан?.. Хай, менга кара, бир мумомиз бориди: калхузни деб кўп захмат чеккан! Боёқишнинг кў-ўп дуруст бачаси бориди... Ҳа-а, топдинг, ўша — ўзимизнинг Салом Ҳаққул-да! Э-э, нимасини айтасан, кайфи тароқ экан, ёни-дан ароқ чиқипти!.. А? «Суд экспертиза даъвоси?», дейсанми? Грузовой бачани туртган, бача орқа чингалак тагига тушган, кўзим билан кўрмадим-у... Касо-фат мошин бадар кетган!.. Шу-шу! Айтганча, Маҳмуд, бачам, кенжангни Салом Ҳаққулнинг ўрнига тайинладим! Энди бу ёғини эшит: бачаси куйигида мумонинг эси кирарли-чиқарли... Ҳа, юбор, бадбахтни опкетсин!..

Кейин, оқ халатлилар келишган, Истарчи момони машинага тиқиб, олишган-кетишган...

Истарчи момо арвоҳдек судралиб Ҳакимбекнинг нақ тепасига келди. Аёл-да, аёллигига борди, ёқаволангарлигидан ийманди, жиякли, унниққан ёқаларини тўнжиртади. Тиланчи каби бир қўлини унга чўзди. Ҳакимбек баайни тумшуғи остида турган чангадек **нимёйиқ** панжалардан кўз узолмай қолди, улар дарахтнинг қуриган шохларидек ачинарли эди.

— Қани?

Истарчи момонинг синиқ, шикаста овозидан у сергак тортди. Жўрттага қовоқ уюб, тўрсайди ва зоҳиран ишга андармон бўлди:

— Менда ҳақинг қолмадими, Очил жўра?

Очил писмиқдан садо чиқмади.

— Ҳаким язна, мунча эловсирайсан? — Салим гуппи талпанглаб унинг қабатига келди, хиёл энгашиб, кулоғига шипшиди: — Бошингдан ўгириб, кампирга бир нима бер! — Кейин у дилидаги гумонини элга овоза қилди: — Истарчи момо Салом Ҳаққулнинг ҳақини сўраяпти!

Дарди ҳаринадан осонгина қутулиш имкони туғилганига Ҳакимбек суюнди. Шоша-пиша қопчиқдаги пулга узала туриб, «Нега шу илгарироқ хаёлимга келмади?» дея чандон ҳовлиқди. Азбаройи шошганидан пайпасланиб, аввал уч сўмлик, сўнг беш сўмлик тах-

ламни қўлига олди. Ахийри, уни ҳам қайтариб қопчиққа тикди, типирчилаб, элликталикнинг бойламини чиқарди-да, шартта боғичини узди ва шалдироқ пулдан бир жуфтини суғуриб, Истарчи момонинг ҳовучига қўйди. Кейинчалик шу қилиғини эслаганда ўзидан ижирганиб юрди. Ўша дамда эса телба-тескари бир жазму хоҳишдан аранг ўзини тийиб қолди: аввал бойлам-бойлам пулнинг ҳаммасини Истарчи момонинг этагига ташлагиси, бор дунёсини унга қолдириб, одамтопмас жойларга улоқиб кетгиси келди. Шундай қилса, гуноҳдан фориг бўладигандек туюлди. Ҳартугул, бу майл жунбушга келмаёқ, бўлак нарсани фаҳмлаб қолди: Истарчи момонинг бужур юзлари қилт этмади, демак, Салом Ҳаққулнинг ҳақини даъво қилиб келмаган! Момонинг «Қани?» деган сўроғида айрича маъно бор. Шу чоғ унинг ҳовучидаги пуллар Ҳакимбекнинг бемаврид севинчлари янглиғ чирпирак бўлиб, наридаги чиринди устига тушди.

— Қани?!

Истарчи момонинг кўнгилтопаридек, ўзини ишбилармон сиёқлаб кайвонилик қилаётган Салим гуппи энди укки каби бош буриб бир кампирга, бир Ҳакимбекка чақчайди-да, нима гаплигини англаёлмай гаврангсиб тил тишлади.

«Нима, у боласини суриштиряптими?!» — Ҳакимбек дилидан кечган шу иштибоҳ тўғрими, йўқми — шуни билиш ниятида зўрға бошини кўтариб кампирнинг қизилжияк, киртайган кўзларига журъатсиз тикилди. Нигоҳлари тўкинган заҳоти Истарчи момонинг иддасини уқдию ичида гўё ўпқон ўпирилиб тушди. Айбига иқрор мужримгина ҳақлигини даъво қилаётган киши ҳузурида зир титраб, шундай ночор ва забун ҳолга тушади. Истарчи момонинг қорачиқларининг туб-тубидан аллаким айбситувчи назар солиб, «Чироғбоним қани, чироғбоним?», дея сўроқ сўрар, бетин зуғум қилар эди. Ҳакимбек унсиз нола чекди: «Нега бундай қарайсиз, момо? Миридан сиригача огоҳсиз-ку! Менинг айбим нима?»

— Э, олмаса, олуvsиз кетсин, Ҳаким язна! Бир нуқоти камнинг несига хафа бўласан? Юзидан ой кўрувдингми, бор отангга, де!

Салим гуппининг ноҳўя жеркиниши Ҳакимбекни сескантирди. Истарчи момодан кўз узиб, бир нимани пайқашмадимикан, деган ўйда ён-веридагиларни назардан ўтказди. Кишилар қиёфатида ҳадигини тасдиқ-

ловчи бирор маъно уқмагач, тетикланди. Қалтис, ноқулай вазиятдан сурлик билангина чиқиб кетиш мумкинлигини фаҳмлади-ю, гўё «Базмга қиров тушди, кешлар. Билмадим, кампиршога хўрознинг сути керакми?», дея эътирозланиб кифтини қисди, сочилган қоғозларни йиғиштирди-да, қопчиққа жойлади. Кейин тунд киши алфозида издиҳомни ёриб ўтиб, ошхона сари юрди. Ҳангу манг ғужбоғликларнинг «Бизнинг ойликни қачон берасиз, ука?», дея ёлвориб сўрашганини ҳалигина Истарчи момога қайишган тоифа энди уни телбадан олиб нонкўрга, нонкўрдан олиб яна дево-нага солишганини ҳам, «Эҳ-ҳо, Ҳакимбой бечоранинг қўли очик! Бошқа биров бу шўртумшукқа биттангаям бермас эди», дейишганини ҳам аниқ эшитди, бироқ мунофиқлик қилди — ўзини карга солди.

«Эҳ, бу — авом! Оғзини тўлдириб «Ойлик!», дейди-я, ҳақингни Зобитов кемириб ётибди-ку! Юзхотирингдан-а!.. Нима эмиш «Ҳакимбой бечоранинг қўли очик!» эмиш. Топган экансан қўли очикни! Бадбахт Салом Ҳаққул шулар ёруғ кўрсин, деб хазонмарг бўлди. Бу тўда бўлса гўр оғзидан қайтган бечора кампирни мазах қияпти. Ё алҳазар!.. Истарчи момо қайдан келиб қолди ўзи? Бирон қитмир жўрттага рўпара қилмадимикан?..»

Ҳакимбек эзгин кайфиятда ошхонага кирди. Буфетчи Маҳмуд кўр пештахтага ўмганини бериб, пашма кўриб ўтирарди. «Э, Маҳмуд кўр, Зобитовга орқа қилиб, Истарчи момони жиннихонага тикдинг-а, энди келиб турган жойинг шу бўлдим? Ҳали бу одам чапсигини оламан деб соғ кўзингни ҳам кўр қилади. Қайтар дунё-да бу! Эҳ-ҳе, ҳали... — дея хаёлдан кечирди. Кейин имлади: — Опке топган-тутганингни!»

Талабгор чиқса, Маҳмуд кўр ароғини аярмиди! Томоғи қақраб турган эканми, ўзи ҳам Ҳакимбекка шерик бўлди.

— Ич, шоввоз, ичавер, — деди у, — бу қурғур юракнинг таптини олади!

Шунда Ҳакимбек кўз остидан унга ёмон қаради: «Сен бир шабкўр бўлсанг, юрагимдаги тафтни қаёқдан кўра қолдинг?!»

Маҳмуд кўр кўзини олиб қочди, нолинди:

— Э-э, Ҳакимжон, ука, сен билан мен — қафасдаги қушлармиз. Патирлаб ўзимизни туйнукка ураримиз бор-у, чиқиб кетаримиз йўқ. Мен-ку, қариганда қармоққа тушдим, жўжабирдай жонман, лекин сен... Ҳа,

майли, ич, ичавер, ичганинг қолади! Мана, мендан қиёс: ичиб-ичиб, «урилиб-сурилиб»... ҳалиям тупроқдан ташқарида юрибман! Ҳи-ҳи...

— Бунча талмовсирайсиз, Маҳмуд тоға?

— Талмовсирамай бўладими, шоввоз? Қўй, кел, яхшиси, олайлик: ўтганларнинг жойи жаннатда бўлсин!..

Шу оқшом Ҳакимбек ҳар қанча ичмасин, чигали ёзилмади. Кечаси, не маҳалда жиғилдони қайнаб, уйғонди. Уйғонгач, дафъатан эслагани Маҳмуд кўр бўлди. «Ўтганларнинг жойи жаннатда бўлсин!», деди-ми? Кимни назарда тутди экан? Кейинроқ яна бир нима деб мингирлади. «Яхшига кун йўқ!», деди-ёв. Намунча ўтганларга сиғинмаса? Ё Салом Ҳаққулни... Буям тавбасига таянибди-да?

Ҳакимбек хит бўлди. Туриб ҳовлига чиққиси, кудуқнинг муздай сувига чайингиси келди. Силласи куриган экан, туришга мадори етмади: гандираклаб кетди. Хона оч яшил ёғдуга кўмилган эди. Ҳайрон бўлди. Уйқуси буткул ўчди-ю, хушёр тортиб, шуъла таралаётган бурчакка қаради. Телевизор устидаги вазмин электрон сатнинг йирик-йирик рақамлари совуқ ёғду таратиб турарди.

«Қаер бўлди бу?» Шу сўроқ қуткусига ёнига ўгирилди: Гавҳар қўнишиб ётар эди. «Тавба, шуниси камлик қилиб турувди ўзи!» Усти очилиб қолгач, жувон ҳув-ҳувлаб дилдиради, оқ жилдли кўрпани қўлтиғига довор тортди, кейин Ҳакимбекнинг тердан жиққа ҳўл, майин сочларини тўзғитиб ўйнай бошлади.

— Вой, босмачи-ей! Қарашларинг чатоқ десам...— Унинг тили чучук эди, нози ўртагич; суйса суйгулик эди. Бироқ...

«Куйикиб ётган экан-да?!— Ҳакимбек Гавҳарнинг оппоқ билагидан тутди-да, бир иддао билан кўрпа устига суриб қўйди.— Ювиқсиз».

У тирсагига таяниб, ўмганини аста кўтарди ва яланғоч тиззаларини қучди-да, шу кўйда ўй ўйлаб қолди. Қизиқ, уникига қандай келиб қолди экан? Ошхонадан юраги тўлиб чиққани эсида. Уйга сира оёғи тортмади. Шу пайт Гавҳарни эслагандай бўлувди-я. Меҳригиёси тортибди-да! Санқиб, келган жойини қаранг!

Ҳакимбек, қути учиб, ҳамон тиззаларини қучиб ўтирар эди. У, хаёли жойида бўлган дамларни: мастона, ярашиқсиз қилиқларию оғзидан чиқиб кетган ту-

туруқсиз гапларни бир-бир эслади. Қилмиши кўз ўнгидан ўтгани сайин бўғилди, фарёд солиб юбораёзди: «Келиб-келиб, обидийдангни шунга оқиздингми, Ҳаким?! Уйланаман, деб лафз қилдинг-э! «Бу дунёдан наслим узилиб, армонда кетмайин, Рустами Достондай чирогбон туғиб бер», эмиш! Шу гапларинг эл оғзига кўчмайдими ҳали? Шунчаликкаям бориб етадими киши? Ҳанифа шўрлик, мундай уйим-жойим десангиз, Адолатингизга ҳарф ўргатсангиз, деяр-демас оғзидан олиб, ёқасига урасан: «Кўчқордай бир ўғлим бўлганида!..» У: «Шу қиз ҳам пушти камарингиздан бўлган-ку, ахир, тирноққа зорлар қанча?», деб гина қилса, ўрланасан, «Кўтар валадингни, қиз ному нишон қолдирадими», дейсан! Яхшиям, Ҳанифа бир гапдан қолади. Яхшиям, у ичингдагини билмайди, Ҳаким!»

Рост, илгари ҳам Адолат нимаси биландир дилини жунжиктирар эди. Бироқ учиб-кўниб, тантиқланиб тиззасига ўтирса, ачомлашса, жимит кафтчалари билан бетини силаса... Ҳакимбекка бир давлат эди. Завқи жўшиб, қизалоғини тутиб олар ва унинг лўппи юзчасига киртишланган ссқолини суйкаларди. Қизча қиқирлаб, ўзини олиб қочар, ундан келаётган сутнинг аломат ҳиди Ҳакимбекни маст қиларди. Ҳидларнинг момоси шу ҳид, мастликнинг зўри — шу мастлик эди! Энди-чи, Адолатга кўзи тушса — бас, елкаси тиришадди. У ҳам бурунги қизалоқ эмас-да, эсга иниб, Ҳакимбекдан совуган чоғи, еттиётдек хушламай қарайди. Ҳакимбек жаҳл қилади, қилдан қийиқ қидиради, қизининг ташвишланиб қолиши, маъюс чимирилиши юрагига наштардек қадалади. «Нега қовоқ-тумшук қилади у? Зиғирча меҳри йўқ менга. Зиғирча-я!» Дарди-дунёси қоронғи Ҳакимбек судралиб супага чиқади-да, гиштин зинага чўнқаяди. Дарвозахонада чанг босиб ётган қаймоқранг «Волга» кўзига балодек кўринадди. Ахийри, машинани бошидан соқит қилди. Барибир кўнгли жойига тушмади. Касалхонадан чикди-ю, шу дардга чалинди. Ҳали Ойбарчинни, Ҳали Салом Ҳаққулни туш кўрадимиз-ей! Арвоҳ чалиб кетдимиз э! Ишкилиб, юраги ҳаприқади, бир нимани кўмсаб, ўртади. Қани энди бирон ўғри эвини қилса-ю, дабдабали бу кўрғонни буд-шуди билан кўшиб кўтарса-кетса — у азобдан қутулса. Ҳакимбек ҳамма нарасада ҳам қонқатронни, доғ-дугни кўради, гўё биров қачондир қонга булганган кўлини уй жиҳозларига, ҳатто хонтахтада ёзиглик дастурхонига ҳам артган.

Ишқилиб, шунча чигаллик бир бўлди, Гавҳарники-га келганию чигал «ёзиб» ўтиргани бир бўлди.

— Отаси ўлганлар ҳам дам олиб йиғлайди, нима-мангга бунча куясан, Ҳаким?— Гавҳар узалиб, аста унинг қўлидан тутди.— Ўз отинг билан Ҳаким шерсан, ахир, сендай бўлай, деганнинг сони мингга-ку!

— Э, Гавҳар, дард нелигини дард чеккан билади, сен нимани биласан? Кеча бир туш кўрдим: унақа-бунақа эмас — бир азим дарё лойқаланиб, айқириб оқяпти. Мен — бери соҳилда, кўз тикканим — нари ёқда! Ҳойнаҳой, шу дарёни кечиб ўтиш пешонамда бор. Базмга қиров тушди энди, Гавҳар!— деди у ҳорғин товушда. Ўрнидан турар экан, яна такрорлади: — Базмга қиров тушди. Хуш қол, Гавҳар!

Ҳакимбек, бўйнига тегирмон тоши осилгандек судралиб кўчага чиқди. Кеча сим-сиёҳ эди. Сомон йўли кул босган чўғ каби хира милтирайди.

У Ғужбоғни четлаб, жар ёқалаб тўғри Қалқонариқ анҳориға чиқиб борди. Анҳор суви қорайиб, сокин оқар эди. Ҳакимбек бир арава сиққулик анави кўприкдан анҳорга калла ташлаб... улғайган; буғдойзордек чайқалаётган беором тўлқинлар болалигини оқизиб кетган.

Чўмилгач, сувини силқитиб соҳилга чиқди-да, чимзорга узала тушди. Хийладан сўнг, назарида, борлиқ каттиқ безовталанди, донг қотган дашту далалар узра уйғоқ бир жон сарсари кезинди. Ва У нортуйдек чўкиб ётган Оқтов тўшида, сув юзида — ҳар нарсада кўриниш берди. Ниҳоят, бесараанжом уфқ сийнаси чок-чек ёришди. Оқтовнинг музлоқ чўққилари чўғ бўлиб ёнди. Ҳакимбек ерга қўл тираб бошини кўтарди-да, кунчинларга термилди. Соҳир кун туғмоқда. Унинг жон-бахш нафаси гиёҳларга, тоғу тошга яшноқлик ато этмоқда, оламни сутга чайиб олгандек тозартирмоқда.

Ҳеч ким сенга монелик қилаолмас экан, одамзоднинг кетмас бахти — Тонг, сенинг балқилишинг абадиятдир.

Бир замонлар Ҳакимбек Боғи Эрам қиламан деган давт кўз олдида ҳансираб, тўқсон алпнинг қуршовида Алломишни кутган Ойбарчин каби ўртанади. Э, Ҳакимбек, Ҳакимбек! Олишини нима — билмай туриб, белинг синди-я! Бахтиқаро бўлмасанг, ўша фалокатнинг устидан чиқармидинг?! Маҳмуд кўр кеча синамоққа гап ташладимикан? Йўғ-э! Қариганда қармоққа тушдим, деди-ку! Истарчи момога қилганлари қайт-

ди-да. Пушаймони ичида шекилли. «Мен-ку жүжабир-дай жон, лекин сен...» деди. Муроди нима? Мен-ку қарғиш урган бир нставонман, лекин сен-чи, беш-ол-ти йилдирки ҳамон қилғиликдан юз ўгирасан, ўзинг-ни карга, кўрга соласан, демоқчими у? Раҳматли Салом Ҳаққул қилмишидан топгани ростмикан? Ё...

Зимзиё кеча эди. Асфалт йўл нам эди. Раҳматли юзтубан, узала тушиб ётган эди. Хўш, ким унинг жонига қасд қилди? Нега? Зобитовнинг тўнғичини маломатга қўйган эмиш! Э-э, элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди! Унда Маҳмуд кўрнинг Шокирбойига нима экан? Ахир, элга «эрмак» топиб берган ўша-ку: «Кеч-қурун кинода қўлтиқлашиб ўтиришувди. Ўз кўзим билан кўрдим: Салом Ҳаққул анавининг маммасини анордай эзди-е! Нима, менга ишонмаяпсизларми? Ёлгон айтсам, каломулло урсин!»

Бўри маймоқ бўлса, идорага боратуриб йўл ёқасидаги тутзорнинг шитир-шитиридан чўчиб кетдим, дейди. «Ёшпай! Не маҳал эди. Ой тўлин эди. Бир нимани сезиб, кўнглим ғашиқди. Аста ўзимни балхитут панасига олдим. Э, бу шармандаликни кўргунча кўзларим ўйилиб тушса бўлмасмиди?!»

Идорага боргач, акаси Зобитовга таъна қилибди: «Анави манжалақингни тийсанг — тий, эмаса, ўзим кўкини кияман! Элнинг улуғи, деб ким айтади сени? Исодга қолдик-ку, ака!» «Ҳадеб тупук сачратасан! Упкангни бос! Нима гап ўзи? Бундай ётиги билан тушунтир. Нима, Ғужбоғни сел босдимми? А?» «Э-э, бош кўтариб юргилигимиз қолмади, ака! ...Шундай!.. Шундай!» У ёғи...

Йў-ўқ, косанинг тагида нимкоса бор! Билмайсанми, Ҳаким, бўталоқ туяга эргашади: Маҳмуд кўр Зобитовнинг айтганини қиламан деб Истарчи момони сондан чиқарди. Шокирбой отасининг қилганини қиламан деб Салом Ҳаққулнинг номини булғади. Акаси шунинг эвазига бош ҳисобчиликка тайинланди-да! Бошида, барининг тили бир бўлган. Маҳмуд кўр ҳассасини йўқотди-да, шуни фаҳмлаб энди изилляпти. Қариганда кармоққа тушдим, деб шиллиқ кўзининг сиёҳини оқизяпти!

Дарвоқе, ўша кеча ой сира ҳам тўлин эмас, ой куйган эди. Гум қилиш мўлжали бурун тузилган. «Оғрик тиш»ни кўпоришга катрон тун қўл келган. Хуфтон клубда кино қўйилганига эл шоҳид. Лекин Салом Ҳаққул суқатой эмасди-ку, шайтоннинг гижги-

жигга йўлдан озса! Ўша ислиқининг маммасини эзаман деб ўлақолса ҳамиятидан кечмасди! Бу дейман, Зобитов ой юзини қизининг этаги билан ёпди чоғи?!»

Ўша кун, намозгар, соат бешларда Ҳақимбек бош ҳисобчи — Салом Ҳаққулдан изн сўради:

— Каттакон, бизга рухсат! Бўлғуси бошлиқ йўқлабди, бормасак уятдир.

Салом Ҳаққул деразага бетланиб букчайиб ўтирар, маҳзун нигоҳи боққа — кеч куз шамоли беаёв юлқилаётган ночор ниҳолга қадалган эди. У Ҳақимбекка ўтирилиб лоқайд қаради ва ниҳолга ишора қилиб деди:

— Чархнинг ўйиниши кўр! Кўзинг очигида кўчат эк, деган... Иншияти шифо, айнияти вабо. Ўйлайвериб, тенгак бўлиб кетасан киши!

— Хай, бизга ижозатми?

— Қассобга мой қайғуси, эчкига — жон. Э, бор, кет, менга деса, юрт ошмайсанми!

Ҳақимбек каловланиб қолди. У на эшикка чиқарини билди, на бир нима дейрини. Салом Ҳаққул қаламнинг кети билан столни вазмин чертган куйи ер остидан унга қараб турарди. Ниҳоят, сочилиб ётган ксғозлар устига қаламши ташлаб, ўрнидан қўзғалди. Келиб, Ҳақимбекнинг чап қўлтиғидан олди-да, ҳовлига бошлади. Унинг ранги синиққан, қотма чакаклари тиришган, қаншарида ҳадсиз чарчоқ муҳри қолган эди.

— Кечқурун уйда бўласанми, Ҳақимали?

— Кўрамиз, ака! Райкомсомолдагилар, бизга ўт, дэб ҳол-жойимга қўйишмаяпти. Кенгаш беринг: бораймми ё?... Ўсиб кетсак, Зобитовнинг қулоқ-чаккасига бир уриб, жилсови кўлга оламиз, ака шунда элнинг куни туғади. Э, ният катта, ака, шу даштни жаннат билгим бор!

Салом Ҳаққул ҳасадлангандек синиқ, тагдор қаради.

— Жаржағ бўлма, Ҳақимали, бу даъво учун калланиг кетади-я! Вақти-замонида аканг ҳам учирма эди. Ўшанда ҳам Зобитов қанотимга қайчи солган. Ўзим одам қиламан, деган-да. Бало бу, сенга ҳам тузоқ қўйгандир? У элдан бурун гўрини қазиб қўядиганлардан! — Салом Ҳаққул пўрсилдоғ боғлаган ингичка лабини кимтиди-да, бурилиб Бўри маймоққа зимдан қараб кўйди: Маймоқ идора боғидаги чорпояда оёғини айқаштириб буларни кўрмаганга олиб тамаки бурқситиб ўтирган эди. — Қисталоқнинг қиладиган иши йўқми? Қачон қарасанг, қулоғи динг, искаланиб, соя-

дай эргашиб юради!— Салом Ҳаққул ҳазин жилмайди-да, ўксаси қуриган кишидек хўрсиниб, ҳоргин уф тортди.— Ёлғизлик қурсин, Ҳакимали, ёлғизлик! Яккаланиб қолдим... Ҳалиги ведомостга сен қўл қўйдингми?

— Қайси?

— Айтмоқчи, ундан хабаринг йўғ-а? Майли, ука, боргин, йўлингни берсин! Кечқурун уйда бўл, ўтаман, зарур гап бор! Дурустми?

— Маъқул!

Ҳакимбек бепарво қўл силкиб, у билан хайрлашди. Ахир, қайтиб кўришмасликларини туш кўрибдими. Қизиқ, Салом Ҳаққул қайси ведомостни назарда тутди экан? Ўша йили планни эртароқ тўлдирайлик, деб озмунча харажат қилинмади. Чиқимни қоплаш учун тузилган ведомостга бош ҳисобчи имзо чекмабди, деган шивир қулоққа чалингандек бўлувди-я!

«Айтдим-а, қўй, шуларга тенг бўлма, олишма, ёзма, деб худонинг зорини қилдим-а! Йўриғимга юрмади».

Демак, Салом Ҳаққул ёзган, олишган, охир-оқибатда яккаланиб қолган. Бундан чиқди, ҳалфана ош экан-да бу? Дўппи тор келгач, шериги ўзини четга тортган? Шундай! Ким бўлди ўша шериги? Маҳмуд кўр ўша кезлар Зобитов билан ит-мушук эди, бирдан апоқ-чапоқ бўлиб қолишди. Қоғоз қоралашни у ҳам дўндиради. Кейин гул кесган, шу ҳисобдан тўнғич ўғли Салом Ҳаққулнинг курсисига ўтирган. Бўлса бордир. Кўр Зобитов билан чиқишмагани учунгина бу ишга бош қўшмаган — каттароқ луқмани кўзлаган! Лекин у девор ортини кўрадиганлар хилидан эмас, даққи-ку! Устига-устак, болажон, Салом Ҳаққул, ўғлингни ишга олмайман, деганда юмшоқ супургидек эшилавериб... Уни, янглишмасам, Салом Ҳаққулнинг икки суймас эди. Ё Тошбоев аралашганмикан? Ўша қоқвошнинг қўли бордир? У эски қонунчи, бир ёзса, астар-пахтасини чиқариб юборади! Салом Ҳаққул бориб, унинг оёғига бош урган: «Мана бу ҳужжатлар қалбаки, Тошбоев бува. Тумшуғингиз тагида шунақа кўзбўямачиликлар бўляпти! Хулласи калом... Шошма-шошма! Чини-пишиги билан киришса, сувдан ҳам чанг чиқарадиган бу бедаво ўша қотилликдан сўнг нега кўрсичқондай инига уриб кетди? Жилла қурса, йўлига бирор миш-миш чиқармади? Қизиқ, юраги дов бермадимикан? Йў-ўқ, оғзига талқон солиши бежиз эмас! Нима сир бўлиши мумкин? Ҳозир-ҳозир, хў-ў-ўш...

Айтганча, ўша кун Салом Ҳаққул давлатидан айрил-
гандек хафагазак эди. Кўнглимни билмоқчидек зингил
солиб қаради: «Яккаланиб қолдим! Ёлғизлик қурсин!»
Раҳматли қаттиқ зорланди. Тошбоев лафзидан қайтган-
микан? Ё Зобитовга дум берганми? Ахир, шундай бўли-
ши ҳам мумкин-ку! Қилвир чол бир шумликнинг этагини
тутиб, ҳамниятини пуфак баҳосига пуллаб юборган.
Илоннинг оёғини санаган доғули-да у! Салом Ҳаққул,
зарур гап бор, деб эди. Довдирлигинг қурсин, Ҳаким,
бир оғиз, тинчликми, деганингда тилинг танлайнгга
ёпишмасди-ку!.. Анави қоқвош миридан-сиригача би-
лади-ёв? Йўлиқиб, қўйнига қўл солиш керак! Булар
мени қонимга ташна қилишди. Ё шуларни бир ёкли
қиламан, ё ўзим!..»

Кечкурун у Тошбоевникига кириб борди.

— Қадамингга ҳасанот, отагинам, келгин, кела-
вср, тўбичоғинг дарвозада тураверади, бола-чақа йўқ,
зоғ ҳам тегмайди. Зобитовнинг кассири — Ҳакимбой-
ман, де? Ҳи-ҳи-ҳи! Кулбаю вайронамга қандай қуюн
учирди, чироғим?

— Тошбоев бува! Юрт оғзида юрган гап — мулла
Суярдан ҳам нафасингиз ўткир эмиш! Салим гуппи
кафил: бир дам урган эдилар, Қалқонариқ айқириб
терс окаверди, дейди. Ер тагида илон қимирласа — би-
лар экансиз. Шу овоза чин бўлса, тиккасидан келинг:
Салом Ҳаққул қонини ичган ким?

— Ҳой, Ҳаким, отанг валломат одам-ку, сени ба-
ло урдими? Ё мункиллаган бувангни мазах қилай деб
келдингми, а? Бояна худога аён, пири комилинг Зо-
битов жўнатгандир? Унда, йўлингдан қолма, бор, айт,
Тошбоев бувам тилдан копти, де! Ахийри, дунё биз
тан бўпти-да, деб бир суюнсин!

— Олди-қочдини қўйинг, Тошбоев бува! Не-не
умидда спзга юкуниб келдим.

— Келганинг тузук, кароғим! Қўлғунадай овлоқда
яшайман. Кўнгил сўрар бир мусулмон бўсағамни бос-
майди. Эмаса, шу колхозни тузиб, қулоқларнинг уру-
ғини қуритган, босмачига кафан бичган — Тошбоев
буванг бўлади. Энди эса, кимга қарама, Зобитовнинг
битини тозаласам дейди. Катта отасига бирон кас
кайрилиб қарамайди. Одамнинг тафтини одам олар
экан, келиб, зап қилибсан-да, чироғим!

— Энди, бува, бу гапларнинг «берди»си ҳам бор:
жаннати Салом Ҳаққулнинг бошига етганлардан би-
р-св-икковининг изини олганман. Қатрондай кеча эди.

Баттоллар раҳматлининг жасадини катта йўлга чиқариб ташлашаётган экан, кўргилик-да, шу фалокат устидан чиқиб қолдим! Шўрлик, қора қонига беланиб ётган экан...

— Кимнинг мурдасини? Нима деб валдираяпсан, Ҳакимжон? Бу Салом Ҳаққулининг кимнинг ўғли ўзи?.. Қарилик-да, қарилик қурсин, болам, қартайганда эсинг кирарли-чиқарли бўлиб қолар экан.

— Тошбоев бува, кўзингиз айтиб турибди — балон биласиз, гўлликка солманг ўзингизни! Айлантириб бир ураман, ернинг қомига кириб кетасиз! Ҳакимбек билан кў-ўп ўйнашманг!

— Пишт-э, бехосият! Буни қаранглар, мовга келипти! Жонивор мовлайвериб, узун кеча уйқу бермади. Товуши хунук-э! Ҳэ, эгангнинг бошини е, пи-ишт!

— Бошни қотирманг, бува, бола бўлсам экан, мени чалғитсангиз! Бўйингизга оласизми, йўқми — сиз тан, лекин Салом Ҳаққул билан офтобда қатиқ ялашгансиз, икки орадаги гапдан хабарим бор. Раҳматли айтувдики, Тошбоев...

— Мулла Ҳаким, қани, ўғлим, чойни қайтаринг! Қўйларни саранжомлаб келай, маърайвериб, қулоқмияни кемириб ташлади-ку!

— Майлингиз... — «Ҳа, қурмағур чол-а! Бир қувликни ўйлаб кетди. Ўлган ўлди, шохид йўқ, деб юрганмикан, шошиб, шумшайиб қолди. Тахминларинг ҳақроост чиқди, Ҳакимбек! Бувангнинг ҳадиги бор!» — ...Келдингизми, бува, қани бундай ўтиринг. Гапнинг пўсткаллеси шу — бир иш кўзғасак! Қозон сабил тагига олиб кетди-ку!

— Э, чироғим, қарқуноқдан булбул чиққанини кўрганмисан? Шарти кетиб, парти қолган чолга йўқ ердagi гапларни айтасан! Гиргтак пинак қилай деб ёнбошласам, ётоқчилагандай туролмайман: турсам, юролмайман. Одамни бичиб қўяркан-да ўзи!

— Сизни орка қилиб кекириб юрсанг-у, суянган тоғимиз бундай деб турса! Уят-э! Адл турунг-да энди.

— Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади. Зобитовнинг дастёри бўлатуриб, совунига кир ювмабсан! Бувангни белини синдирган — шу. Энди қасдланса, ўнгирмайди.

— Мен кўз юмсам, сиз индамасангиз, ҳақ деган хору зор ўлиб кетаверса, бу молимардумхўрлар эл қонини битдай сўриб юраверса, итнинг калласи мис товоққа чиқар кун борми, ахир?!

— Оқсоқоллар ҳақингга кўп дуо қилишди, Қалқон отага топиниб борибсан. Юпандингми, қароғим? Азизлар йўлига анча-мунча корихайр қилибсан, эшитиб, аҳволингга ачиндим. Бу бир тўполоннинг бошланишидир, чаккибосар эрта-индин шумшайиб кириб келар, деб турувдим.

— Қийналиб кетдим-да, бува! Тушимда ҳам нуқул бир қоп гўшт ортмоқлаб юраман, десангиз.

— Кўпнинг ҳақи тешиб чиқади, чироғим!

— Кўргилик. Пешонада бори шу экан!

— Оҳанжама қил-э! Бу еганинг — ҳолва! Ҳали Зобитовнинг шалтоғига тейреан, ишқилиб, кўзим тиригида балога ем бўлиб, кадига қамалганларингни бир кўрсам эди!

— Менга қара, Тошбоев, кўп вишиллама! Кошки кимлигингни билмасам! Бурунги ранс калондимог эди. Зобитов, қўллаб юборинг, ота, деб оёғингга йиқилди, пишанг ташладинг, сўнг биргалашиб тагига сув қўйдинглар! Бориб-бориб Зобитов ҳам ҳунар чикарди, шохингни қайирди. Кайвонилик қилиб, яна ошдан қуруқ қолгач, аламинг олти бўлди. Пайт пойлаб юрганингда Салом Ҳаққул, эл ризқини бутлайлик, бува, деб келди. Оқибат, у бечора қулоғини ушлаб кетди, сен-чи? Унинг кўли билан Зобитовнинг этагини жиндак кўтардинг, энди ўла-ўлгунингча соянгга у кўрпача тўшайди! Сен — дўзахига тагин нима керак?

— Дилимни оғритма, чироғим! Бу тўқайда сен янгисан. Мен эсам, қашкирдай изғийвериб эғнимда туким, оғзимда тишим қолмади. Баланддан келсам бувамга сичқоннинг ини минг танга, деб ўйлаяпсан шекилли, дўқ урасан! Ҳў-ўй, касдланган туядан қўрқ: қиёматда ҳам кечирмайди. Жойини топиб, шундай чаламан... Ўҳ, дейсан, додинг худога етмайди! Ундан кўра, иззатинг борида этагингни йиғ. Анави хуржунни кўряпсанми? Сен тугул каттазанг Зобитовниям, ундан улуғингниям думи шу хуржунда! Улар намозини бежиз этагимда ўқимайди! Сулаймон ўлди — девлар қутулди, деган Зобитовмиди? Бир ҳамлада жонини кадига қамадим-ку! Улуснинг улуғи — сиз, пирим, деб тилёғламалик қилди, тўнлар ёпди! Эҳ-ҳэ-э, сен — нима, ҳафтафаҳм?

— Ичиқоралар сизни бир ўламса чол-да, дейди, лекин офатсиз бува!

— Шу колхозни тузган ким, деб отангдан ҳеч сўрадингми, падарқусур? Тошбоев буванг тузган! Бос-

мачини қон қоптирган ким? Буванг — Тошбоев! Манави, чиноқ қулоғимни Эргаш қўрбоши кесган, уқдингми? Ўртоқ Сталиндан раҳматнома олган буванг! Юрибсан-да, ҳэ-э!..

— Мендан ўтди, бува, қўйинг, қизишманг! Асли кенгаш тилаб келувдим.

— Кенгашни, бор, отангдан тила!

— Сиздан бошқаси дардимга малҳам бўлолмайди, бува!

— Ҳали шунақа, де? Унда, нега тилимни қичитасан, зангар!.. Хўш, нима дардинг бор эди?

— Қувсиз-да, бува, гўлликка соласиз, ниятимни пайқамаган бўлсангиз кошки? Кўзларингиз айтиб турибди-ку...

— Ота-буванг темирчи ўтганми, дейман, чироғим, ҳадеб маҳси гичирлатасан? Зобитов билан тилимиз бир, деб танбурни хўтикнинг қулоғига чертдимми, а? Хол қўйдинг — тилингдан чопилдинг, майли, гуноҳингдан ўтдим, бор, жўна, тошингни тер!

— Зорим бор-у, зўрим йўқ, бува. У ёғи имонингизга ҳавола. Мен эсам, белни боғлаб майдонга чиқдим! Ё енгил муродимга етаман, ё ўлиб нари-берисидан қутуламан! Ҳазир бўлинг, қўлим баланд келгудай бўлса, сизга ҳам омонлик бермайман, бува!..— «Мени хўқ урармиди, қароғим!» деди, қўрқди, товуши қалтираб чиқди! Ё чиндан Зобитовга ҳамтовоқмикан? У, пирим, деб тўн ёпибди-ю? Энди шошма, Ҳакимбек, сув лойқаланди, али-бали, деб ўтирмай, жон чиқар жойидан тут! Йўкса, ишнинг расвоси чиқади».—...Ўзингизни авлиё тарошламанг, Тошбоев, одамлар анойи эмас! Салом Ҳаққулнинг бошини кундага қўйган — сиз! Ё шуни элга овоза қилайми?

— Хаёлинг жойидами, тентак? Нималар деяпсан ўзи?

— Сиз, Зобитов, Бўри маймоқ... айтаверайми?

— Қайгўрдагиларни ким айтди сенга, касофат?

— Осмондан олиб жаврамаётгандирман! Сиз...

— Ё раббано! Ўт балосидан, сув балосидан, туҳмат балосидан...

— Талмовсираманг, оғизбирларингиз бўлганини бозор қилишди-ку. Эшитмаган тешиккулоқ қолмади Ғужбоғда! Ғафлатда қолибсиз-да, бува!

— Уккағар Зобитов мени ёмонотли қилдимми, а?

— Укасиям!..— «Ўйловда қолмайсан-а! Шохига урсанг туёғи зирқирайди. Айтгандай, девнинг жони

қўлингда экан-ку, Ҳакимбек! Эсингдами, кассирликка тайинланган кунинг Зобитов, Бўривойни чақир, деб қолди. Уни на молхонадан топдинг, на уйдан. Шунда Зобитов қўлингга сўргичланган пакет тутқазди: «Тошбоевга етказ. Бошинг бориб, оёгинг қайтсин, бачам!» Пакетни олатуриб, чолнинг акашак қўли япроқдай титради. Сўнг ҳадик тўла мунчоқдек кўзларига иблисона кулги югурди. Қуллуқ, дея ҳақоратомуз ишшайиб, жўрттага тавозе килди. Энсам қотганини кўриб, баттар эгилиб-букилди, Зобитовга таъзимимизни етказинг, чироғим, деб заҳаролуд тиржайди. Хўш, нега? Бу макрнинг тубига етиш керак!»—...Тошбоев бува, эсингиздами, ҳўв бирда сизга сўргичланган пакет олиб келувдим. Зобитов уни бературиб: «Ҳакимбой, сен ўзимизнинг одамсан, уруғимиз бир, хулласи, орамизда сир йўқ. Энди, бу, Тошбоев дегани беҳаловат илон, аврагудек бўлса, лаққа тушма! Газанданинг бошини манави сабил билан мажақламасак, заҳрини сочаверади», деган эди. Ака бўлмишининг бу ҳадигига Бўри маймоқ иршайган: «Э, ака, қўй, бўлмағур ўйлар билан каллангни қотирма, сен айтган илоннинг пўсти қолган. Қайтиб инидан чиқмас, ахир унинг ҳам тумшуғи қон-ку», деган.

— Йўғ-э?

— Рост. Ёлғон айтиб, менинг бошим иккитами, бува!

— Гапинг ишонимли, Зобитов — қавмпараст. Пўсти қолган, деб қайси бири айтди?

— Иккови ҳам.

— Оббо ўлаксахўрлар-э! Шундай дейишдими, а?

— Тап тортмасдан шундай деса бўладими!

— Адашибсан, Зобитов, кўп эсарма: Тошбоев сен ўйлаган илонлардан эмас!

— Ишкилиб, ҳушёр бўлинг-да, бува! Бу ёғи — шудгорчилик. Бирда бўлмаса, бирда Зобитов сизни чақирари, ер илмининг пирисиз, газлаб беринг, шудгор қалай, деяри бор. Тимирскиланиб турганингизда, плугнинг тагига тиқиб юбормасин. Тагин лошингизни тополмай, тупрок титиб қолмайлик!

— Э-э, қароғим, қайси бир дардимни айтай? Доғули Зобитов юраколди килиб қўйди мени! Ўша хуфтон Маҳмуд кўрнинг ифторлигида эдик. Мулла Суярнинг азони тугаб, бир бурда нонни нишолдага энди булаб олаётувдим, Шокирбой, уйингизга меҳмон кепти, деб қулоққоқти қилди. Бемаҳал келган ким бўлди, де-

ган ўйда гурунгни ташлаб чиқдим. Ҳаққост рост айтдинг, қатрондай кеча эди, кўз қурғур оёқостини илғамади. Шабкўрдай қоқиниб-суриниб, фонусни ола-чиқмаганимга пушаймон еб, амал-тақалда дарвозага-ча етдим-ов. Йўқ, йўқ! Ҳали сен тўбичоғингни қўйган жойга ҳам келмаёқ бир шарпа йўлимни тўсиб чиқди. Ё ҳаллоқи олам! «Тошбоевмисиз?», деди. «Ҳи» деб овоз берарманми, кифтимга қирғийдай чанг солди: балохўрнинг тирноғи елкамни ўйиб юборди. Нима жоним бор менинг, чироғим? Ҳалиги мени азот кўтарди-да, ҳе йўқ — бе йўқ, бир силтовда мошинга тикди. Зўрға юрак ютиб, «Тинчликми, болам?», деб сўрадим. Қисталоқларнинг бари мум тишлаган. Ичим сидири-либ кетди: «Кунинг битган экан-да, Тошбоев!» Дайра-ботга — Куйик лўлиникига элтишди. Етимақдай тепиб-турткилаб оғилга киритдилар. Ичкари ғира-шира, пой-гакдаги охур лабида исчиноқ липиллаб турибди. Биров қиличнинг дамидай кескир овозда ўдағайлади: «Ҳой, Салом Ҳаққул, ростингни айт, ҳужжатлар сен-дами ё Тошбоевдами?!» Дағдағасидан Бўри маймоқ-ов, деб қўйдим... Не кўз билан кўрайки, ўзимизнинг Са-лом Ҳаққул! Бурчакда кун битган сипоҳидай мук тушган. Зангар алп жасад эди-да, чўчишган-ов, қўлла-рини қайириб боғлашибди. Сенга ёлғон, худога чин, Салом Ҳаққул пинак бузгани йўқ! «Ёзган ким?», деб сўрашди. У оғринди. «Бунча сиёсат қиласан, Бўри? Қўлингда бўлса, ташлаб юбор осмонни!» деди-я. Ердан чиқдим, осмондан тушдим, бир андисиёқ найнов унинг тепасида ҳозир бўлди. Ҳойнаҳой, бурчакда па-налаб турган. Эғнидаги чарм камзул эди-ёв, чироқда енг мумдай йилтиради. Энди бу мингир бир эзмала-нади-ей, мижғовлигининг чеки йўқ. Туйқусдан у чар-силлаб: «Худой деганингни айт!», дея ғазабга минди. Касофат нега қўлини орқасига бериб турибди, баво-сирмикан ё... деб алагда бўлувдим, бунинг ойболтаси бор экан. Дастаси бир ярим қаричча чиқар, ўбдон чарх еган чоғи, тиғи совуқ ярақлайди. Салом Ҳаққул мундай оқибатни кутмаган эканми, чорасизликдан аччиқ кулимсиради, ранжиб, «Эс-песини еб қўйганми, десам, соппа-соғга ўхшайсизлар. Бу нима қилиқ ўзи?», деди. Гапи оғзида қолди. Найновнинг қўлидаги ой-болта қушноч момонгнинг алас латтасидай ловуллаб айланди-ю... Э-э, болам, нимасини айтасан! Чархи кажрафтор дегани шу-да. Ойдай йигит, кўз юмиб очгу-нингча қора қонига беланиб турса!.. Ё, қудратингдан!

Бадбахт ихраниб, жон талвасасида қалқиб оёққа турди. Найнов тисарилди, ваҳму аросатда Салом Ҳаққулнинг бўксасига теппди. Салом Ҳаққул ғўладай гурсиллаб оёқостимга қулади. Ўнг қўли шилқ этиб, айланиб тушди; билагида титиг чилвир... Панжалари юмилди, ахийри оғилнинг кун тегмаган зах ҳокини чангаллаганча қотди-қолди. Тавба қилдим, тавба қилдим! Ҳа-кимбой, болам, қон дегани шириллаб оқар экан, бундай зуғумни кўрсанг, кўзинг қўрқиб қолар экан! Бетийиқ найнов ойболта ўқталиб, менга ҳам хезланди: кўрар куним бор эканми, «Қўй, бунга тегма!», деб Бўри маймоқ орага тушди. Э, чироғим, нарёғини сўрар бўлсанг, аслида Салом Ҳаққулга кўшиб, мени ҳам йўқ қилишган. Бу ёғи етмагандай, уч-тўрт кун ўтар-ўтмас сен ҳалиги пакетни кўлтиклаб келдинг. Очмай туриб фаҳмладим. «Мен билган Зобитов бўлса, шундай қилар!», деган гумоним бор эди-да. Эсингдан чиқар, уни ола-ола аста эзғилаб кўрдим, Ҳаким, болам, у бир нимта лаҳм эди! Ҳойнаҳой, Зобитов раҳматлининг аччиқ тилинги суғуриб олган. «Тийил, Тошбоев, эмаса, бошингга шу кунни соламан!», деган замзамада уни сендан бериб юборган. Келтирган матоҳинг ҳали ҳам хуржунда, юрагинг бетласа, ана, очиб кўр! Яшшамагурлар мендайн бувангининг бошига ит кунини солди! Зада бўп қолдим, чироғим...

— Қўйинг, бува, ҳиқиллаб бағримни эзманг. Ҳозир йиғи-сиғининг мавриди эмас. Дунё кўрган одам-сиз, энди белни боғлайверинг! Биламан, Салом Ҳаққул анча-мунча маълумот йиққан-у, дасти калта эди-да. Мен эсам, сизнинг тилингизни ҳам, қўлингизни ҳам узун қиламан, бува!

— Ўт билан ўйнашмайдилар, қароғим!

— Элга дўстлигингиз кани, бува?

— Айтишга осон-да! Юрак бетласа экан...

— Эскилар, ёмонни ўз ёмонлигига топшир, деган. Тайсаллаб, яна гуноҳга ботамиз.

— Узангига кўз тикканмисан, а, ниятинг шуми?

— Амалга даъвойим йўк! Майли, авом, адолат бор экан-ку, деб сизни олқаб юрсин; майли, Истарчи момо ер муштлаб мени қарғайверсин, лекин кўнгли чўкиб, армонда кетмасин, бува! Ўтинчим шуки, қўлансиган ҳаво бир тозарса, ўпкамни тўлдириб симирсам, сўнг... майлига! Бу йўлда не балога дуч келсангиз, балоғардонингиз бўлай!

— Баланд-паст гапни қўй. Аввалоси, бу юмуш сен ўйлаганчалик осон кўчмас, қолаверса, бенаф ғалвага не ҳожат? Билсанг, ҳар йилнинг бир баҳори бўлади. Колхоз тузиб, «Янги ҳаёт», деб от қўйганмиз. У пайглар тушингга ҳам кирмаган. Эл юпун, нотинч, лекин тилаги улуг эди. Буни қара, қадимда қиз олиб-қиз бермаган тўпорлар апоқ-чапоқ десанг! Бердисини айтганда, улус биракайига ловуллаб ёнди, борини хўжаликка бахшиш қилди. «Янги ҳаёт»нинг айни баҳори эди бу! Шу зайл қаҳатчилик, Эргаш кўрбоши тугул, Гитлерниям ер қакшатдик, қора кунлар шаштимизни синдирилмади... Зобитовнинг кушандаси сену мен: у—сув, биз чарсиллаб турган ўт! Уни анойи санама, пишиқ ўйлаб, кейин ўлаксахўрлик қилди у: сизди, вақтида якжилов қилиб бурмаса, тизгин чўрт узилиб кетадиган. Ҳали жужуклигинг бор-да, қароғим! Дунёга келиб, нени кўрдинг?

— Ноумид — шайтон, бува, у ёғини кўйиб беринг, эгаси тафтиш қилар!

— Майли, айтганингча бўлсин. Тадорикингни кўрдингми ҳеч, қазган чоҳингга тойганиб кетаринг бор, чироғим?

— Ҳайит курбонсиз бўлмас, бува!

— Э-э, келдингим, қароғим? Айни пайтида етказди-да, сени! Буванг ул бўлди, болам, буванг ул бўлди! Шу кеча раҳматли Салом Ҳаққул тушимга кириб юрибди. Ўша-ўша оғил, етти йил бурун кўрганимдай... Тонг туғар палла эди. Уйқу-уйғоқ ётган жойим. Кўз ёргандай бирдан ер тўлғоққа тушди, гўё қиёмат қўпди. Кўк қаъридан ҳукмфармо товуш келди, дегин. «Салом Ҳақ Қул! Тур ўрнингдан!» У ўрнидан тура-келди, қоқинмади, ўз кўйича оғилдан чиқиб, катта йўлга қайрилди — ўлаатга қараб кетди... Савоби иш қилдик-да, чироғим, сафар кочди! Раҳматли Салом Ҳаққулнинг арвоҳиям чирқираб юрувди, мана энди кўнглидаги кўксидагидай бўлди. Мениям қайраб турмаганингда, бу гаплар каёқда эди? Гўр оғзидан қайтдим, ўлиб тирилдим. Шу, десанг, тўғри қози қуззотнинг ўзига рўпара бўлдим. «Э, Тошбоев, келинг, келинг!», деб қучоқ очиб қарши олди. Эмаса, ойлаб кутиб, эшигидан мўралаёлмаганлар қанча. Буванг...

— Илгаридан яқинлигингиз бормиди, бува?

— Ҳа, муғомбир, нега кўзларинг қуляпти? Одам

¹ Ўлаат — қишлоқ маъносида.

бўлмайсан сен! Нега жағ ураётганимни фаҳмладингми ё? Энди, тойлоғим, мен айтсам, ярашмас, сен учирим қил: «Тошбоев чол улуғимизнинг эски қадрдони экан! Пичоқ суякка қадалгач, тўғри қошига чиқиб борибди. Зобитовнинг чархини чаппа айлантириб юборибди!», де. Майли, гап орасида «Қариганда охират ғамини еб, теккина ўтирса-ку, ярашади. Қурмағур чол миясини еб қўйибди. Қилиб юрган ишини қара!», деб яниб қўй. Бу овозадан сўнг эчкини осмонда кўрасан. Ҳа, айтганча, раисликка ким маъқул, Ҳакимбой? Саид Маҳсумни кўз остимга босиб юрибман-у...

— Э-э...

— Нега қўл силтайсан? Айниганми? Мартаба десанг, Маҳсум томдан ташлайди. Ула-ўлгунча эгасига содиқ туради.

— Сизу мендан сўраб раис қўйишмайди. Ўзингизни уринтириб нима қиласиз, бува?

— Катталар Тошбоев бувангнинг олдидан ўтмай кунини кўрсин-чи! Бир аравакашни тайинлатиб, четдан тегирмонни юргизаверсаммикан, а, нима деддинг, чироғим? Ҳи-ҳи-ҳи! Майли, йўлингдан қолма! Лекин, хушёр бўл — ўлар хўкиз болтадан қайтмас! Анавилар бир кутуради. Сендан қаттиқ гумонгир. Оқава қуригунча Нухнинг кемасига чиққину кўрсичқондай биқиниб кет! Эртан-мертан сени ҳам элтиб тиқишар: хатар ўтар, ишқилиб, шунгача ёмон кўздан панада юр, дейман-да! Бола-бақрангнинг қарғишига қолар бўлдим. Мусибатда қийналганда умидсизланма, чида! Эсон-омон чиқиб келсанг борми, муртингни ойболта кесмайдил! Даминг пўлатни эритадиган бўлади. Буванг қарағай ҳам камалиб чиқмагунча яхши-ёмон, фойда-зиённинг фарқига етмаган. Закуни суз қилиб ич — ҳожи бўлганинг шу! Келиб, бувангдай бир гулмихга эски хуржунни илиб кўясан-да... Ҳе-ҳе-ҳе! Бор энди, борақол! Кўнглингни хушла. Бошинг тошдан бўлсин, чироғим, хайр!..

«Э, Тошбоев, Тошбоев! Беназир иш қилдик! Асли, ният холис эди-да». Ҳакимбек намиққан дастрўмолчасини катлаб, ён чўнтагига солди, кейин ҳатлаб, ариқчанинг нариги юзига ўтди. Чимтол уват момикдек юмшоқ эди, товони ботиб кетди. Оёқлари остида — сарғайган чимзорда қайтадан кўклаган ажриқлар барқ уриб турарди. Уватга туташ ўтпоя чўкиртас билан қопланган, тангакулоқ майсалару барра йўнғичқалар уларни писанд этмай гуркираб ўсмоқда эди. Йўлак-

нинг икки ёнидаги қулоч-қулоч кузги оқ гуллар шох-
лаб, бачки ғунчалар тугиб, чаман бўлиб ётарди. Шип-
шийдам шотутлар ҳам яна кўртақ ёза бошлаган, бар-
қут япроқчалари ям-яшил, мўрт, зариф эди. Куз оёк-
лаган бир пайтда кунлар илиб, табиат қайта-бошдан
яшармоқда, бироқ бу яшноқлик замирида кўз илға-
мас жонсараклик, безовталиқ ниҳон эди.

Қизлар кўйлақ кияди,
Жияги йўқ, ёр-эй,
Қилпиллайди кўш анори —
Суяги йўқ, ёр-ёр!

Саккиз-ўн чоғли қиз-жувон, кифтларида кетмон,
тутчорвоқ ёқалаб ёвондан қайтишади. Олдинга тушиб,
қилпиллаб кетаётган ўспирин чийилдоқ овозини ба-
ралла қўйиб, яйраб ўлан айтади, йўлдошларига теги-
шади, қизлар эса орланиб, ўл-э, беҳаё, дея койишади,
унга етиб олиб, турткилашади, бунга ҳадди сиғмаган-
лар ўз ҳолича қиқирлашади. Ўспирин эса нашъа ки-
либ, оғзида чилдирма чалганча баттар илдамлайди.
Ўлан авжига минади:

Ариқчадан ҳатладим,
Тушди пичоқчам
Қизлар билан ўйнади-им...

Ўланнинг сўнгги сатри қий-чувга кўмилиб кетади.
Қизлар мушт кўтариб, ўспиринни қувлашади. У кал-
такдан қочаман деб кирпидек питирлайди, кесакка су-
риниб, йиқилади. Мўр-малах каби ёпирилганлар уни
ерга ағнатиб, келидаги жўхоридек туя бошлайди.

Ҳақимбекнинг дили орзиқди, у далиғули гўяндаю
шовқин солиб уни қувган дилкаш, беташвиш қизлар-
нинг қораси ўчгунча кузатиб турди. Гунафша тусли
шом қуюлган, осмон нопормон чодирини тортган эди.
Уфқ гардишигина оқиш, гўё учқур чавандоз тулпори-
ни елдириб келмоқдаю туёқ остидан бодраган тўзон-
лар тизимча-тизимча бўлиб, тўзгиб қолмоқда. Ҳақим-
бек армон тўла нигоҳини уфққа тиккан кўйи маъюс
жилмайди.

Бола эди. Сигир боқиб куни ўтарди. Кунлар якранг
эди. Отаси инқиллаб-синқиллаб хуфтон намозини ўқир-
ди-да, жойнамозни сидириб олиб, тахмонга итқитар

эди. Зорлангандек, ё пирим-ай, деб ёнбошлаб мудрайди. Онаси деворга суянган кўйи ёстиқлик қуроқ қурайди. У жим, Ҳакимбек жим. Сомонсувоқ деворлар баъдига урган, қачон қарама — якранг, қачон қарама — тунд. Якранг кечалардан кўнгли қолган: отасининг туриш-турмушидек одатий, онасидек сукутпараст...

Иттифоқо, шувоқ чопиғида отаси уни даштга эргаштириб чиқди. Ҳакимбек, Алпомишдек ирим қилиб, ҳу тоғ тепасига чиқсам, нариги қуйруқда қандай элат яшар экан — бир кўрсам, деди. Менинг Барчинойим ҳам шу тоғлар этагида, тўқсон алп сиқувида йўлимга кўз тикиб ётгандир! Уни қутқарсам, деди. Хаёлида Бойчибори дараларни гумбурлатиб, иркилмай ўркачларга чиқаберди...

Намозгарга бориб у иситмалади, ўқчиб-ўқчиб йўталди. Кечга томон онаси унинг баданига қиздирилган думбаёғи суркади, ўраб-чирмаб бурчакдаги пўстакка ётқизди. Ичи музлаб, суяклари қақшаб, ҳуд-беҳуд ётган Ҳакимбекнинг кўзларига овлоқ тепа, тепа бошига тикилган оппоқ ўтов ва ундан чиқиб келаётган хаёлий Барчинойи кўринди. У Ҳакимбекнинг бош учига келиб ўтирди ва энгашиб, деди: «Мени деб шунча ситам чекибсиз-эй, жон бегим? Сизга қурбон мендай ойимнинг жони!» Барчинойининг кўзёшлари қайноқ эди, қайноқ ёшлар дарё бўлди, шу дарёда Ҳакимбек деганлар ҳам муз каби эриб кетди...

Уша ором унинг жисми-жонини яна банд этди. Ойбарчинни қўмсади. «Поликлиникага ўтсаммикан?» Эзгин кайфиятда у сутдек тошиб ётган оппоқ гўлларга ўйчан тикилди. Ойбарчинга учрашсамми? Ҳарқалай, эрталабоқ шу ниятни кўнглига туккан, йўлиқмаса — бўлмас, кейин қачон кўради уни? Ахир, шу тугайли у онадан қайта туғилди, ҳарқалай, айбини ювди. Кўнгилетари — Ойбарчин-да!..

— Немиснинг моягидан тутамлагандай, де? Хў-хў-хў! Куйик лўли тўрвасидаям йўқ гапларни топасан-а, Болтавой!

— Ҳе-хе-хе!..

Ҳакимбек чоңилган дарахтдек қалқиб кетди. Гуллардан кўз узиб, ошхона айвонига қаради. Эгнига пахталик кийган бояғи миқти киши асфалт супачада шамолга орқа бериб, букчайиб гугурт чақар эди. Сигаретини чўғлантириб олгач, чарм камзулли шериги —

Болтабойга «Кетдик» деган ишорада бош ирғади. Болтабой сўзга чечанлигидан, айниқса, боя гапга тўн кийдириб юборганидан ғурурланиб ўзида йўқ хурсанд эди. У сўроқ аломатидек букилди, эшилиб товуш чиқармай кулди; юқори лаби ингичка тортганда қонсиз милклари кўриниб кетди. Унинг узун, озгин жуссаси ҳамда бесўнақай кўллари Ҳақимбекка боя Салом Ҳақкулни эслатган бўлса, бадҳазм ишшайиши ғашига тегди; унга нисбатан дилида нафрат туйди. Бу ёқимсиз туйғу замирида ғайри шуурий безовталиқ яширин эди. Ва у лаҳза сайин илдиз ёйди, вужудини буткул чулғаб олди, назарида, еру кўк ҳам бадфеъл кампир каби бирдан тўрсайди. Болтабойнинг тигдор қарашлари... дилгирлигини зиёда қилди. У шоша-пиша марза ёкалаб мотоцикл томон юрди. «Тулқини инлаган тозидай бунча айланишмаса? Дардисарлар бир ғавғони бешламасайди».

Аксига олиб, ҳадеганда мотор ўт ола қолмади. Ҳақимбек эса нуқул шошар, ёв қувгандек юраги ҳаприқар эди. Шу маҳал ошхона эшиги шарақлаб очилди. Маст-аласт бир тўда шовқин-сурон солиб супага чиқди. «Чашма»хўрлар-ку!» Улар лаб-лунжларини йиғиб ололмай, тўлқиндаги хашаклардек чайқалиб, қўлтиқлашиб келаётган эди. Ногоҳ, қилтирикдек йигит — Аҳмад тўдадан отилиб чиқди, бир шиша винони боши узра кўтарганча, хирилдоқ овозда куйлаб юборди: — Уч-чувчи-нинг ор-рзуви бит-та-а — ба-ланд-ли-ик!

Уни кўриб, Ҳақимбек серрайиб туриб қолди. Сўнг, кўнгилетарининг номатлуб қилиғидан оғринган каби хастаҳол кулимсиради. Боя-ку Аҳмадни анавилардан ажратиб олиш зарур, деб лафз қилувди, йигитни афтодаҳол кўриб, ихлоси қайтди ва у истаги энди қандайдир далолини тусолди. Айни чоқда, ўша ниятидан кечишига, ботқоққа чўкаётган ғофилни кўра-била туриб кўз юмиб кетишига нимадир йўл бермади. Баайни шу сония йигит калкиб кетди, сўнг ўққа учган аскар каби гурсиллаб тушди; кўлидаги шиша тошга урилиб, чил-чил синди, қондек вино заиф чанг кўтариб, қакрок асфалтга ёйилди. Улфатлар алпанг-талпанг қадам ташлаб, Аҳмаднинг тепасига келишди ва оёқ кериб, уймаланиб тураберишди. Ниҳоят, жайрасоч, ўрдакбурун киши оғзидаги папиросни унга қарата туфлаб, ҳиринглади. Бошқалар ҳам тоза ғаройиб ҳодиса рўй бергандек оламни бошларига кўтариб хахолаб

юборди. Ёзиқ устида ўрдақбурун киши Аҳмаднинг кетиға ўхшатиб тепди:

— Расво қилдинг, энағар!

Аҳмад туришға уринди, бироқ тинка-мадори қуриган бемордек ўмганлаб қолди. Хпйла ўтиргач, ҳамон тепасида ҳиринглаётган тўдаға ғарибона илжайиб қўйди. Хўрликдан шекилли, юзи сиғикди. Ҳақимбек бориб уни ердан даст кўтариб олмоқчи бўлди-ю, қон силқиган ёноғига кўзи тушгач, тайсаллади. «Тошға урилган-да, ёноғи ёрилибди». Аҳмад эса оғрикни ҳам сезмас, кўзларини чирт юмган ҳолда нимадандир беҳад мамнун, илжаймоқда эди.

Ҳақимбек дилтанг, чўнқайди. «Нима жин урди бунӣ? Бензин тикилдими ё?— У карбюратор тугмачасини босди.— Эҳ, одамзод, кўрган кунинг қурсин сени!»

У, жони ҳалқумига тикилиб, тепкини босар экан, Аҳмаднинг гумроҳлигидан куйиниш, манави зотларнинг номаъқул хатти-ҳаракатларидан ирганиш ҳисси қатори яна бир туйғу юрагини кемираётганини туйди. Ёифтида аллақимнинг нигоҳи, гўё уни кимдир таъқиб қилмоқда, пайт пойламоқда... Мана, ҳозир кураги остиға пичоқ санчади! Ҳатто этида тиг дамини сезгандек вужуди жимирлаб, илкис силтанди, лекин ортиға ўгирилиб қарамади. Ясама ўктамлик билан эгарға ясланиб ўтирди-да, секин муфтани қисди. «Қим бўлди экан? Неға энди?..»

Катта йўлга чиқаётганида таниш унсур диққатини тортди. Ва беихтиёр йўлнинг чап юзига, у ерда гуриллаб турган «ЗИЛ»ға, биратўла кабинаға кўз қирини ташлади. Игтифоқо, нигоҳи илонникидек совуқ назар билан тўқнашди. Миясига қон тепди. Вужуди кўзға айланиб, қаҳру ғазаб билан ўша жонсарақ кўзларға қадалиб қаради. Ундаги ҳар бир ўзгариш Ҳақимбекнинг ёдида муҳрланиб қолди: дафъатан таъқибкаш кўзлар чақчайди, сўнг ноҳақлигини ҳис этди чоғи, синикди, журъатсизланди, серкиприк мижжа қасдланиб, хусуматли қисилди.

Ҳақимбек «ЗИЛ»ни ёнлаб ўтгач, нохуш кайфият туйди: вужудидан иситмадек ёқимсиз ҳовур кўтарилди, кўзлари тинди, кейин ногаҳоний балодан қутулгандек бўшашиб, анча енгил тортди. «Бу олакўзни кўрганим бор-ов? Дабдурустдан устимға машина ҳайдамоқчи бўлди-я, тавба! Неға унақа қилди экан? Бир баҳя қолди-да. Тағин ҳам кўз кўзға тушганда ҳаросат

босди, гангиди. Шашти ёмон! Ҳа, кетимга тушганлар— шулар. Қизик, бу олакўз ким бўлди? — Ҳакимбекнинг кўз ўнгига ошхонада ўзига орқа бериб, букчайиб ўтирган миқти киши келди. — Адашмасам, «Кўйсанг-чи, Болтавой! Сен билан мен ўйиндан четдаги одам», деб жеркингани ўша эди. — Олакўз — Болтавой чиқар?» «Мурув-ватга бало борми, ахир?!» деб, тўнғиллаган эди-ку! Нима бало, билиб-билмай, бирда-ярим ўтказган жойим бормикан? Бўри маймоқнинг иши-ёв бу! Ундай десак, Саид Маҳсум нега мурсою мадора килаётувди? Гап ерда ётмайди, Ҳаким! Маҳсумга айтганларинг Бўри маймоқнинг кулогига етиб борган: шунинг жазавасидир бу! Ҳали-бери булар менга қўл текизишолмайди. Анави ҳужжатлар билан ўйнашиб бўлти! Ҳозир шуни олиш пайида. Тошбоевнинг хуржунида озмунча нарса борми? Шунга эгалик қилмагунча, чертишмайди ҳам! Итининг феъли эгасига маълум. Пўписа бу, шунчаки, йўлига...»

Ҳакимбекнинг суяклари андак оғирлашди. Ортиқ ҳеч вақога қизикмай кўйди, дардманд хотиржамлик ва лоҳаслик боис руҳи чўкди. У на базми жамшидга ва на бўлак кўнгилчоғликка хоҳиш сизди. Руҳини умидсизлик кайфияти шом пардаси янглиғ аста эзиб юбормоқда эди. У поликлиника ёнидан тўхтамай ўтиб кетди, бироқ кўча поёнига етар-етмас рулни кескин буриб, изига қайтди. Поликлиниканинг қўшқават ёштин биноси рўпарасига келиб тўхтади. Бироқ, моторни ўчирарини ҳам, ўчирмасини ҳам билмай, каловланиб қолди. Ахийри, калитни суғурди-ю... Ойбарчинга йўлиқиш нокулай. Қандай йўликсин? «Йўлим тушувди, сизни кўриб ўтай дедим», десинми? Бу гапдан Ойбарчин кулмайдимми? Жилай деса, ҳозир унинг на бирор кўнгилетари, на эмин-эркин ўтиргулик гўшаси бор. Ойбарчинга тўқинишга эса ҳадди сиғмайди. Ниҳоят, эгардан ирғиб тушди-да, жаҳд билан моторни ўт олдиришга пешлай бошлади, сўнг ўнг кафтини шокилалди мато копланган эгар таяб, ўнг оёғининг учини тепкига қўйди. Шунда у тепкини босиш тугул, мотор ўкиригию жонини кўярга жой тополмай бетайин изғишларигача — барчаси бирдек меъдасига ургангани ҳис қилди. Ҳасрат тўла кўкрагини гижимлади. Бир пайт орқароқда «ЗИЛ»нинг мотори зўриқиб гуриллади. «Иҳм! Яна шу товонтешарларми? Бунча зулукдай ёпишиб олмаса?!» Чаккалари лўқиллаб, бошига оғриқ кирди, зил-замбил мияси босиб кетаётгандек бўлди.

«Шулар ҳам юрагимга тўкилди-да!» Ҳақимбек, кураги ерга теккан ҳамиятли полвондек қони қизиб, алам ва таадди билан бошини кўтарди-да, тепкидан оёқ олиб, кажавада ётган узун темир калитга узалди. Яроғланиб, Болтабойнинг устига бостириб бормоқчи, «Ҳой, қани, туш буёққа! Онангининг ҳақи қолган бўлса, ол! Биратўла орани очди қилай!» демоқчи бўлди. Очқичнинг йўгон тўғасига кўзи тушгач, қирпичоғу тўкилажак қонлар... лоп этиб кўз олдига келди ва яна ўйловда қолди. Бирон йил илгари — кўли қичиган кезлар булар қаёқда эди-ю... Эҳтимол, жўрттага қитиқпатиға тегишаётгандир? Ҳали ошхонада ҳам сўнадек чақишди. Анависи ҳақоратомуз иршайди, қилиқ кўрсатди. Кейин... тикка устига машина ҳайдади. Жанжал чиқариш пайида. Номига машмаша кўзғашса-ю, Ҳақимбекнинг оёғини ерга теккизмай элтиб қамашса; «жабрланувчи» — Болтавой кўрпа-тўшак қилиб, касалхонада ётиб олса; терговчи иш кўзғаса; «даъвогар»лар бирга ўнни қўшиб-чатишса! Қарабсизки, жамоанинг хаёли чалғийди, Зобитовнинг қилмиши эътибордан четда қолади; дунёнинг ишлари чувалашиб, яхшию ёмон, фойдаю зиён аралаш-қуралаш бўлиб кетади, кейин бориб тушингни сувга айтасан, мулла Ҳақим! Катта тўлғоқ тутиб, сўроқ бериб ётганингда Зобитовнинг жиноий иши ёпилади: яктанлари унинг сиртига сув юқтирмай олиб чиқиб кетишади. Эл назарида, ким ёмон — Ҳақимбек ёмон; ким бузғунчи — Тошбоев бузғунчи! Ана, сенга ҳангома! Уч-тўрт калла обдон кенгашиб, қилинаётган иш-да бу!..

Ҳақимбек ғанимини пайқамаган, сезганда назарга илмаган киши алфозда мотоцикл калитини суғуриб олди-да, занжирини шаҳодат бармоғидан ўтказиб, айлантириб ўйнамоқчи, ўзини кўнглихуш кўрсатмоқчи бўлди. Аммо дилидаги қувлик юзага чиқмади: фаромуш, калитни чўнтагига жойлади-да, иситма доғида каловланиб поликлиника сари юрди. Йўл-йўлакай оёқ остидаги қайроқ тошни тепиб юборди, узалиб, чинор чивиғида илинибгина турган қонталаш япроқни юлди, бандини чайнади, тахир таъм оғзини ачиштиргач, тупинди. Зоҳиран Ҳақимбек овунч истаб юрган дарбадар сиёқида кўринса ҳам, асли беҳад паришон ва дилгир эди. У ғам тўнган кўзларини йўлакдан узмай, йўқотганини излаганнамо бир-бир босиб, мармар пиллапояларига етди. Чанг ўтирган зинадан кўтарилиб, эшикка етгач, бир лаҳза иккиланиб турди, сўнг оқ чи-

виқи гул солинган оғоч тусли эшик тутқичига ҳорғин қўл юсорди. Табақанинг эшиқ-мошиғи зорлангандек ғийишллади.

Нимкоронғи дахлиз ҳавоси анча оғир эди — дори, атир, кийим-кечак ислари қоришиқ. Ўнг тарафда мўъжаз дорихона. Девордаги суратда кўзларига қон куюлган бир ит тилини осилтириб, сўлакайини окизганча гўё ҳансираб турибди. Тепасида: «Қутуриш хавфли!» деган битик. Ҳакимбек ундан кўз узди-да, униққан одми пойандоз ёзиғлиқ йўлак бўйлаб кетаберди. Йўлак тўри ғордек қорайиб кўринар, афтидан, чироқларни ёқиш биронтасининг хаёлига келмаган эди. Адоқдаги қаймоқранг эшик табақаси қия очиқ экан, бўздек девору қирмизи полга ичкаридан ингичка ёғду сутдек куюлиб турибди. Ҳакимбек шарпасиз бориб, ичкарига ўгринча мўралади. Деворга бақамти жигарранг жавон, унга тираб қўйилган ва устига оқ чойшаб ёпилган темир каравотча кўзига чалинди. Деразанинг оч яшил, сидирга пардалари полга тўкилиб турибди. Ана, сарғимтил стол, унинг устида «Қасаллик варақалари», фонендоскопнинг тарғил ичағи, ниҳоят, оқ энгли тирсаклар...

Ҳакимбек, оёғи мумга ботгандек қимир этмай, пича тараддудланиб турди, кейин аста тамоқ қирди.

— Марҳамат, киринг, кираверинг!

Ойсарчинининг майин овози гўё дардини олди — толғин чехрасига нур инди. Бу сас алла каби оромбахш эди.

...Ушангда у ҳуд-беҳуд эмасмиди!

Бултур, ёз кунларининг бирида, чошгоҳ пайти Ҳакимбек оч биқинида заиф санчиқ сездн. Кўнгли озди. «Ёқмас овқат едим-ов!» Салдан кейин томоғидан нон ушмоғи ҳам ўтмай қолди. Осмон чатнаб, саратон гарм-сели шиком соясида ҳам айланишаётган палла эди. Ҳеч бўлмагач, у кўрпа-ёстиғини қўлтиқлаб, сув сепилган салқин меҳмонхонага кирди. Ётса, суяғи чатнаб жетаберди. Устини очиб ташласа, муз котиб, дилдиради. Турай деса, оғрикнинг зўридан биқинини ололмади. Кечга бориб, ичбуруқ-да, ўтар-кетар, деган умиди узилди. Ичи тандирдек қизиб, лаблари қовжиради. Чидаёлмай, кўкрағини памга босди.

Кўнгли алағда бўлди.

Санчиқ забтига олди ва биров гўё ўтмас пичоқни биқинига суқди-да, ўхшатиб буради. Олов селида қов-

рилиб, жон аччиғида ўрнидан ирғиб турди. Хона ҳаво-си сўриб олингандек. У каппа-каппа оғиз очмасин, ҳа-во етишмайди, бўғриқади. Ташқарига чиқиб, ёруғ олам-ни кўргиси, тўйиб нафас олгиси келади. Аммо, шиша синиғидек биқинига қадалган оғриқ қимир этгани қўй-майди. Бора-бора у ҳушидан айрилди.

Бир пайт у манглайига муздай томчилар урилаёт-ганини ва шу томчилар жонига ора кириб, нафас олиш-га имкон туғдираётганини ҳис этди. У дорда мувоза-нاتини йўқотган жонҳалак дорбоз аҳволига тушган эди: ҳу тубанда тош қотган ер, мабодо чалпак бўлиб тушса, омон қолиши душвор; жон сақлай деса, имкон бору мадор йўқ. Мана, ниҳоят пастга қулай бошлади. Вазнсизлик туфайли юраги шигиллаб, ичи сидирилиб кетди...

Ҳакимбек талваса ичра питирлаб, бемажол кўз очди. Оламни ғубор қоплаган эди, тўзон оғушида у оппоқ рўмол танғиган оқ халатли ҳамширани кўрди; қаба-тида киши борлигини билиб, кўнгли таскин топди. Ёнига ағдарилиб, кулала бўлиб ётгиси келди. Бироқ қимирлаёлмади, қўл-оёғи операция ўриндиғига чандиб боғланган эди. Оч биқинида бир нима чумолидек ғи-мирлайди, гўё чевар бир неча сўзанни бетин ўйнатиб, ичакларидан пайпоқ тўқийди. «Кесишяпти чоғи?» Ҳа-кимбек кўзи очиқ ётаберди; кўзини юмишдан — тағин дордан оғаётган дорбоз аҳволига тушишдан чўчиди. Ногсҳ аллаким юрагининг тағ томиридан қулайлаб сиқимлади-да, илкис, беомон тортди. Жони ҳалқумига тикилиб, манглайида кезинган ажал шарпасини аён илғади. Ширин жонидан, биракайига Тириклик дунё-сидан ажралиб қолгиси келмади, ваҳму аросатда ингра-ниб, меҳр-шафқат ҳам юпанч истади:

— Дўхтир... дўхтир! Юрагим кўтарармикан?..

Ғубор янглиғ ҳарир туман оғушидан Ойбарчини чиқиб келди. Бошида оппоқ рўмол; халати сурпдан эди унинг. Юзлари — гулкосасидан ҳали шабнам ари-маган қаймокраг атиргулнинг нақд ўзи. Меҳрибон нигоҳида бир куюниш: «...Кўп азият чекибсиз-да, жон бегим!»

— Ҳаким ака, жиндак чиданг! Дард кўрмагандай бўлиб кетасиз!

Ўшанда у худ-беҳуд эди, бироқ табибининг жон-бахш саси, ундаги ботиний далда руҳини тетиклаш-тирган, шубҳа-иштибоҳдан дили фориг бўлган, чидаган. Лекин, барибир, дард кўрмагандек бўлиб кетмади!

...Эшик табақаси кенг очилдию чироқ ёғдуси Ҳа-
кимбекнинг кўзларини қамаштирди.

— Вой, сизмисиз?! Нима қилиб туриссиз бўсағада?
Киравермайсизми, ахир?

Йўқ, бу шоша-пиша айтилган анчайин лутф эмас.
Бурч тақозосига кўра табибнинг беморга одатий мар-
ҳамати, мулозимати ҳам эмас! Кўпдан муштоқ бўлган
кишисига дуч келгандек Ойбарчин ўзини йўқотди,
сеихтиёр «Вой, сизмисиз?!» деб юбориши шундан.
Ийманчоқ овози хиёл титраб, суюнгани ошкор бўлди.
Унинг чарос кўзларида қаяжон учқунлади. Буни кўриб
Ҳақимбек ўзини қўярга жой топа олмай қолди. Юраги
тубида тошдек қўкиб ётган ғуссани — зиқланиш азо-
бини унутди. Яқинидан айрилиб доғу ҳасратда қуйиб
қолган ўспирин ич-ичидан суйган янгаси билан бағир-
лашиб, сиқтар экан... қайноқ меҳр оғушида дарди эриб,
ўзини ҳам айрилиқ ғуссасини бирпас унутди. Шунга
ўхшаб Ҳақимбекнинг ўпкаси тўлди. Дийдаси юмшаб,
ийгиси қистади.

— Утиринг, Ҳақим ака!

Ойбарчин каравотнинг қатланган чойшабини тўғри-
лади ва Ҳақимбекни иззатлаб жой кўрсатди. Ҳақим-
бекнинг маврид-бемаврид қуюндек ёпирилиб келишля-
рию маънос чиқиб кетишляри боисми, ҳозир тўсатдан
кириб келиши Ойбарчинни унча ажаблантирмади.

Ҳақимбек унинг сутга чайиб олингандек тиниқ,
малоҳатли чеҳрасида, бодом ковоқларида, доимо нам-
ланиб тургувчи серкилрик, ҳуркак кўзларида бир ало-
мат кўрди: одатда, кичкинтойлар чала қолган кечаги
ўйинни қайта бошлаб юборишга тутинганларида кўз-
ларида шундай мароқ туюлади. Ойбарчин тирсакля-
рини стол қиррасига таяб, юзини кафтларига босди ва
қизалоқникидек маъсум назар билан Ҳақимбекка қи-
зиқсизлиб тикилди. Бежирим халати кўкракларини си-
риб, тўлиша бошлаган қоматига ярашиб турар, занго-
ри кофтаннинг нуҳси уриб, халат хиёл кўкимтир тусга
кирган ва бу ҳам Ойбарчиннинг бир ҳуснига ўн ҳусн
қўшиб юборган эди.

«Шунга уйланганимда нима бўлар эди? Менга ҳо-
зиргидек азиз туюлармиди?»

Рўзғор қурганларида тотув яшармидилар ё ното-
тув — фол очини қийин. Лекин шуниси аёнки, Ҳақим-
бекнинг қисмати бошқача кечар эди. Шу ўй бирдан
дилида армон қўзғатди: «Бу қандай кўргилик?! Наҳот
Унга соядек ергашиб ўтсам? Наҳот энди У мен учун

армон — шу ёноқларни силашга ортиқ ҳаддим йўқ?! Мен ҳақимда қандай фикрда экан? Зигирча кўнгли бормикан, жиллақурса, ҳурматлармикан ё азбаройи ачинганидан меҳр кўрсатармикан? Мен каби унга ҳам қийинмикан ё барчасини аллақачон унутиб юбордимикан? Ҳозир нимани ўйлаётган экан-а?»

Ойбарчиннинг кўзларига у ошкора синчковлик билан тикилди. Қарашда гумонгирлик йўқ эмас эди. Ойбарчин аста кўзини олиб қочди. Чамаси, у Ҳақимбекнинг кўнглидагини уққан, шунинг баробарида бурунги хотиралар, армон бўлган тилаклари дилида бош кўтарган, фақат буларни ташига чиқаришни, Ҳақимбекка сездириб қўйишни сира-сира истамас эди. Унинг маъсум чеҳрасидаги бсаги яшноқликдан асар ҳам қолмади, қуйи лаби хиёл титраб кетди. Ҳақимбек кечинмалари унга ойдек равшан эканига ишонди. Назарида, руҳлари туташ ирмоқлар каби сингишиб бораётир. У ҳузурбахш изтироб таъсирида мунғайди ва узун кечалар тангридан мана шундай дамларни тилагани ҳақида ўйлаб кетди. «...Бири кам дунё-да бу! Ойбарчин-эй! Бунча ҳам яхшисан, кўкрагимдан итармайсан. Бечора, мусичадан ҳам уволсан, бир гап айтиб, дилини сғритмай, дейсан-да?! Борингга шукр, Ойбарчин! Сени кўрсам, юрагимга мадсор киради. Сен бўлмасанг, анави ишга журъат қилармидим?! Бугун...»

Шу асно у Ойбарчиннинг тим кора кўзларида жил-валанган шавқ учқунларини илғаб қолди. Бировнинг ҳолига Ойбарчин кулмайди, Ҳақимбек бунга иқрор, бироқ эзгин кайфиятига буткул зид шавқ учқуни унинг туйғуларини топтади. Чиндан ҳам Ойбарчин ичида ундан кулаётган бўлса-чи? «Эҳ, Ҳақим, Ҳақим! Сени жин чалди-ёв, қайси эшикни очсанг, бошингда таёк синяпти! Ойбарчинга суянай деб беҳидай сарғайиб келувдинг! Келган ўз оёгинг, кетган ўз оёгинг, қуллуқ бўлсин еган таёгинг!» — У пўшаймон бўлиб, Ойбарчиндан кўз узди, деразага қаради. Қўққисдан Салом Ҳаққулнинг, «Қассобга мой қайғуси, эчкига — жон», дегани хаёлидан кечди. — Мазах қил-э! Ҳа-а, шу экан-да! Мен — нодон... Ҳа, майли, Ойбарчин, сен манглайи ярқироқ қизсан, турмушнинг аччиқ-чучугини тотмагансан. Удоққан кучук остонангга бош уриб келибди, уни тепма, қақшатма! Шўрлик имдод тилайди-да. Ёлғизлик азобини билмайсан, Ойбарчин, кўнгилетаринг бўлмаса ҳам қийин экан!»

Дераза ортидаги ўрикнинг серпўстлоқ танаси на-

миққан, у жигартоб кўринарди. Ёмғир томчилари баргларга шартиллаб урилар, банди қуриган япроқлар эса шохидан узилиб, пирпираб тушар эди. Йирик бир томчи дераза ойнасига чарсиллаб тегди-да, узум суви янглиғ сачраб кетди. Кейин яна, яна... ниҳоят, томчилар деразанинг ғуборли ойнасида намчил из қолдириб, кўзёшидек сирғалиб туша бошлади.

Ҳакимбек ёзгириб, вазмин кўзгалди. Эшикка етай деганда Ойбарчиннинг «Аразладингизми, Ҳаким ака?» деганини эшитди. Тўхтади, ҳа, энди сиздан умидимиз шу эди. Бизга нарёғи ҳам етиб ортади, дея захрини сочмоқчи бўлди, бироқ Ойбарчиннинг гапи шунчаки, кўнгил учун айтилмагандек туюлди. Унинг титроқ овозида ачиниш ҳисси ҳам бор эди. Ҳакимбек ўпкалагангамо қайрилди.

— Ишингиз тугадими? Энди бўшмисиз, Ойбарчин?

— Нимаиди?

— Улар дунёда бир...

Ойбарчин бир қалқидио шамдек қотди. Анор донасидек ақиқ, ингичка лабларидан қон қочди. Кечинма майлида эҳтиётсизлик қилиб, хунук гап чиқишига йўл қўйганидан афсусланди шекилли, юзига ташвиш соя солди. Дикқати ошганини яширолмай фонендоскопнинг тарғил ичагини эзғилай туриб цикаста овозда деди:

— Сизни ака ўрнида кўрсам-у... Қўйинг, ундай де-манг менга! Худди бир нимадан хафа боладай эшикдан кириб келувдингиз! Энди...

— Гап бундай, Ойбарчин!— Ҳакимбек ҳаяжондан бўғилиб тин олди. Ойбарчиннинг: «Худди бир нимадан хафа боладай эшикдан кириб келувдингиз!..» деган гапи яхлаган дийдасини эритди. Бўсағада турганида, кейин каравотда мўлтайиб ўтирганида Ойбарчин уни бир нимадан хафа болакайга ўхшатган, шавқ туйғандир?! Ҳакимбек тўлқинланиб кетди, энтикканча:

— Ойбарчин, билсангиз, бугун менинг туғилган куним!— деди.— Гап шундаки, қиёматлик қарздорингизман! Сиздан кўпдан кўп яхшилик кўрдим, Ойбарчин! Бугун...

Ойбарчин унинг гапини бўлди:

— Вой-бўй, шундай дейишга уялинг, Ҳаким ака!

У Ойбарчиннинг гапини тинглашни ҳам истамай, «Бир зум гапимни бўлманг», деган маънода кескин ишора қилди ва кўтаринки оҳангда сўзлай кетди:

— Э, сиз шошманг! Нима яхшилик қилганингиз-

ни ўзингиз ҳам билмайсиз, ҳали айтиб бераман, Ойбарчин! Ҳаммасини, батафсил... Гап шундаки, мен бари-нинг баҳридан ўтиб, гарданимдаги қарзни уздим! Асли бу қарз ҳам эмасдир, нима бўлсаям шундай қилиш зарур эди, қилдим! Қисқаси, бугун — туғилган куним! Аминман, бундай кун қайтиб эшигимни қоқмайди! Ақалли бирор марта мен ҳам одамга ўхшаб туғилган кунимни нишонласам, бунинг нимаси ёмон? Ойбарчин, сиз бирга бўлинг, жилла қурса, чорак соат... Осмон қулаб тушмас, ахир? Лоақал чорак соатгина-я! Хўп, денг! Сизга ёлгон, менга чин: шу кеча мижжа қоққаним йўқ! Тонг туғмаёқ, насиб этса, бугун базми-жамшид қиламан, деб кўнглимга тугдим. Эрта билан Ғужбоғтепага чиқдим, қишлоғимизда шундай тепа бор, ўзиям Оқтовдан чўнгроқ! Шунга чиқиб, чўнқайдим-да, ўлаатга разм соли-иб қарадим, Ойбарчин, ишонсангиз, нортуюдай чўкиб қолдим! На бир дўсту ёрим бор экан, на бирон яқиним! Зарур бўлмаганида сизни сира ҳам безовта қилмас эдим. Айтар гапим армон бўлиб қолмасин, деб бош эгиб келдим, Ойбарчин!

— Нима қил, дейсиз? Ахир, кўрар кунимни билмасангиз экан.

— Ойбарчин! Еттиётни айтмай, тупроғи бўлакнинг — дарди бўлак. Лекин боя отам ҳам, ажал қувиб келяптими, тентак, мунча жониқмасанг, деб таъна қилди! Танамга бунда-ай ўйлаб қарасам... майли, ҳар кимнинг ўз шўри!

Ойбарчин ўрнидан туриб кетган, хона ўртасида қўл қовуштирган кўйи қўрқувдан қалт-қалт титраб, адойи тамом бир қиёфада турар эди. Ҳакимбекнинг, муқаррар қазосига кўзи етгандек беаёв, ички бир армон билан сўзлаши, айниқса, охирги илтижоси, гап оҳангидаги таъна-маломат уни беҳад чўчитган эди. Ҳуркак оҳу каби у тисланди ва стол зиҳига таяниб, ўтириб қолди. Ёқасини ғижимлади, Ҳакимбекка бирров кўз ташлаб, оққўнгиллик билан юпатган бўлди:

— Қўйинг, унақа деманг, Ҳаким ака! Мени жудаям қўрқитиб юбордингиз! Сиз... сизга нима бўлди ўзи?

...Улар ресторан бурчагидаги хилват жойга бориб ўтиришди. Зал гирди алоҳида-алоҳида ёйсимон бўлма-лардан иборат, улар банд этган стол ҳам вассажуфт-намо деворли бўлманинг ичкарасида эди.

Қуббадаги тилла суви юритилган биллур қандилу сернақшин устунлардаги шамсимон чилчиروқнинг

аксари атай ёқилмаган, ҳайҳотдек зал нимқоронғи. Ресторандаги энди бошланган шўх-шан, сурурли, «олий-мақом» оқшомги ҳаёт ҳали-ҳозирча изга тушмаган эди. Пойгакда турган савлатли киши димоғ-фироғ билан залга назар ташлайди, кўз учида таъбига мос жой қидиради. Аллаким соядек липиллаб Ҳакимбеклар ёнидан ўтади; қўшни столдаги бесаранжом қиз яланғоч елкаларини қисиб, лабини чўччайтиради, кимдир йўлдошига аччиқ қилиб, ғичирлатиб курсини суради; ликопчаларга урилган қошиқ-пичоқлар шақир-шуқур товуш чиқаради.

— Э-э, хуш кўрдик, Шер ака, хуш кўрдик! Офтоб қаёқдан чиқди, десак, ўзлари экан-да! Қамишдан бел боғлаб келдик, хизматингиздамиз! Хўш, нима буюрадилар?

Ҳакимбек ресторан хизматчиларини шарпасидан танир, ҳузурида камондек букилиб турган ингичка мўйловли бақакўз йигитни жини суймас эди. Унинг гапларидан энсаси қотди.

— Менга қара, Мирқобил,— деди у такаллуфсиз,— ўша, нархи ошган коньягингдан — арман коньягидан...

— Сабил, арманский?..

— Менга қара!..

— Анчадан бери қурғурнинг ҳидиниям искамадик. Бўлса, нима... Бирда-ярим Ҳаким шернинг гапини ерда қолдирганмидим?

— Топасан!— Ҳакимбек кўрсаткич бармоғини букиб, столни урди.— Ҳали шефинг кетмаган чиқар? Тишининг қавагида асраганлари бор, мени айтди, десанг, беради.

— Хўп, ака, бир оғиз гапингиз...

— Иннайкейин шампан, икра-пикра, бир қути «БТ», у ёғи ўзингга ҳавола.

Чап билагига оппоқ сочиқ ташлаб олган Мирқобил расамадини келтириб, назокат ила таъзим бажо этгач, соқчидек чир айланиб олди, пошналарини бир-бирига уриб, гўё фавқулудда нафис бу ҳаракати билан Ҳакимбекларни, булар тугул аҳли зални қангу-манг қолдириб ва шундан ўзи мағрурланиб, шодмон киёфада нари кетди.

— Э, аммамнинг бузоғи-е! Бунча қилиғи совуқ? Кўрсам, елка томирим тортишади.— Ҳануз столни чертиб ўтирган Ҳакимбек ўз кўйича сўзланди. Унинг ўйчан нигоҳи оёқ учидаги курсида турган қора чарм сумкачага қадалган, гўё бир тилсим ҳикматини илғаб,

шуни назардан қочирмай кузатар эди. Ойбарчин, нимасига бунча маҳлиё бўлиб қолди, дея ажабсиниб, сумкасига қаради ва журъат қилиб, уни панзга суриб қўйди. Йўқ, Ҳақимбекнинг хаёл пардалаган маънисиз назари шу ёққа илинганча қолаберди. Ниҳоят, тилсим гўё шарақлаб очилдию ботиндаги иқлим Ҳақимбекни сескантирди. У хиёл ижирғаниб, норизо, бош кўтарди.

— Дунёнинг бўлган-тургани шу-да, Ойбарчин. Бир кун... Ҳа, опкелдингим, Мирқобил? Дуруст, дуруст!

— Ҳақим шернинг кўнгли қушсути тиласа ҳам, топамиз! Мана, армани...

— Менга кара, Мирқобил, кў-ўп, чайналма! Қани, конъякни оч, шампанниям. Қадаҳларга қуй... Бор энди, ишингдан қолма... Ойбарчин, бир кун десангиз, қарасам, телевизорда Алла куйлаяпти. Изида, кўлагаси пилдирайди. Битта бўлса, кошки, ўнтача бор-ов. Телевизордагилар ҳам қилиқ қилишади-да, деб турсам, кўлага деганим зарби отнинг белини синдирадиган шерийгитлар экан: кўшиққа эш бўлиб, муқом қилишяпти. Ё алҳазар! Қўшиғининг номи шунақами, ишқилиб, ора-сира Алла, эҳ, одамлар, одамлар, деб қўяди. Хай, қани, олдик, Ойбарчин, улар — нима, кўзёшига арзимайдилар!

Ойбарчин гап кўшмади. Ҳайрат тўла кўзларини катта-катта очиб, ҳайрон қаради-да, тараддуд ичра нопормон қадаҳнинг «хипча бели»дан тутди. Чўкиштиргач, лабига текизиб, тотинган бўлди. Кейин аста гултувак панасига яширди.

— Ичмайсизми? Раҳмат сизга! Майли, ихтиёрингиз. Лекин бугун мен ичмаман! — Ҳақимбек конъякнинг сўнгги қатрасигача смирғач, бежирим қадаҳни тарақлатиб столга қўйди. — Уҳ-ҳ! Шунақа гаплар-да, Ойбарчин! Кўлагалар-ку ўз йўлига, лекин Алла ўшаларнинг аҳволига тушиб қолса, бу — даҳшат! Унда чидаб бўлмайди! Кўшиқни эшитатуриб, раҳматли Салом Ҳаққулнинг ҳасратини эслаб кетдим. Ўлимидан бурун «Иннияти шифо, айнияти вабо» деган эди у. Э-э, минг ўйланманг, бунинг тубига етолмайсиз, Ойбарчин! Сиз — ҳурсиз, сиз... боягина юз очган, ҳали ел ҳам искамаган қизғалдоқсиз... Менинг жажжи қизалоғим бор, — Ҳақимбек ўнг қулочини ёзиб, кўли билан қизининг бўйини чамалаб кўрсатди, — худо ҳаққи, ўшанинг ўзгинасиз! Баъзан унинг юзини бетимга босгим келади, қошида тиз уриб, қўлчасидан тутаман-да, ўзимга қаратаман, шунда у: «Отажон, нима дейсиз? Қанақа

одамсиз ўзи?», деяётгандай хомуш тикилиб тураверади; мунисим-эй, қани энди сенга гап уқдириб бўлса! Оқибат, ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Ишонсангиз, уни жеркиб ташлаб, кўчага чиқаман-да, улоқиб кетаман. Э-э!...— У қўл силтаб, бетоқат қонъякка узалди. Хаёл билан бўлиб, қадаҳнинг чилпиллаб кетгани, дастурхонга ичимлик тўкилганини ҳам назардан қочирди. Кейин жаҳд билан уни силқорди; газак қилмади. Сочикни олиб, лаблари четини сидирди-да, анча-гача суратдек қотиб турди. Ниҳоят, узрли жилмайиб, деди:

— Айбга буюрмайсиз, Ойбарчин, анча қийнаб қўйдим-ов сизни.

Зиқлик ва ўша ҳайроналик Ойбарчиннинг юзларини ҳамон тарк этмаган эди. У, ўзидан ранжиганнамо, бушашиб, дастурхон қатимини ўйнаб ўтирар, Ҳакимбек ҳасрат қилиб қийналган кезларгина ичи ачиб, раҳм-шафқат билан унга тикилар эди. Ҳакимбек, қизалоғимни гоҳо жеркиб ташлайман, деганида дили оғригандек ғалати қараб қўйди, қизчанинг мунгайиб қолишини кўз олдига келтирди чоғи:

— Қизлар кўнгли чиннигулдан ҳам нозик, Ҳаким ака!— дея астойдил уни койиган бўлди. Буни у Ҳакимбекни ўзига яқин олиб, дашном беришга ҳақи бор киши алфозида айтди. Гапнинг оҳангидан силқиб турган таъна Ҳакимбекнинг юрагини ўртаб юборди, у оғир чайқалиб, қоматини орқага ташлади-да, суянчиққа ястанди ва истехзо билан Ойбарчинга тикилди: «Шунгайм фаросати етмайди, деб ўйлайсиз шекилли!» Ойбарчиннинг чехрасида хаёл кезиниб қолди: маъюс тортиб, ресторан саҳнига юзланди. Шунда Ҳакимбек: «Икки дунёда ҳам мени кечирмайди бу!— деган қатъий фикрга келди.— «Қизлар кўнгли чиннигулдан ҳам нозик» эмиш. Ўзига шаъма қияпти. Боя, сизни ака ўрнида кўраман, деб авраган эди. Топган гапини қаранглар бунинг!»

Ойбарчин бир ниманинг мавридини кутаётгандек сергак чимирилди, зиқланиб яна унга қаради. Бу Ҳакимбекка оғир ботди. Юрагини тимдалаган оғриқни босиш учун ичишга жазм қилди ва серҳашам ёрлиқли қонъяк шишасига қўл чўзди. Ойбарчин қисиниб, деярли пичирлаб: «Намунча ичмасангиз, Ҳаким ака?» дегачгина нафсини тийди; кўнгли тўлиб:

— Мен сиқилсам, арзийди,— деди.— Шу ёшга кириб, на бир кўчат экдим, на бировнинг оғирини

енгил қилдим! Эсиз, умр чирқира-аб кетди-я! Қачон қарамай, бир фалокатга чалиниб, жабрини тортиб, шунинг ҳасратида ўтипман. Шу ёққа келатуриб, қўйингчи, бугун ҳам битта йигитнинг гули пайҳон бўлганининг устидан чиқдим. Ё фалак! Жиллақурса қўлтиғидан ололмадим ғарибнинг! Ҳолбуки... уф-ф, сиз нимага зиқланасиз, Ойбарчин? Ўн гулингиздан бир гулингиз очилмаган!..

— Бечорани машина туртиб юбордим, а?

— Машина туртса-ку, бир нав эди-я...

— Нима бўлди ўзи, Ҳаким ака?

— «Чашма»хўрлик...— Аҳмаднинг тупроққа беланганча супада чўзилиб ётгани кўз олдига келдию юраги жизиллаб, ортиқ бу ҳақда сўзлашни истамади. Ойбарчиннинг, тушунмадим, деганини эшитди-ю, пайқамаганга олди, теваракка кўз югуртирди. Ялпи чироқ чарақлаб, зални мунаввар этган, ресторанда ажиб бир файзу тароват, кўтаринкилик ҳукмрон эди. Шу руҳ аста-секин қонига сизиб кирди, ўзларининг бу тахлит ўтиришлари кўнглига ёқди, нашъу намоли туюлди. Гапини ерда қолдирмай, рўзгорини ташлаб келиб ўтиргани учун Ойбарчиндан миннатдор бўлди. Куяётган суратдаги хира тасвир янглиғ ўтган дамлар ёди хаёлида тикландию гўё маҳобатли залга яна зимистон чўкди. Ва у пилла ичидаги ғумбак каби етти йилнинг нари-бериси хотираларига кўмилиб қолди.

«...Ойбарчин! Аканг қарағай — бўладиган бола-да. Райкомсомолга ишга чақиритишпти, бугун каттанинг суҳбатидан ўтдим! Кувончимни ичимга сиғдиролмай, тўғри қошинга келдим! Нима дейсан, совчиларни юбораверайми?— Қиз бошини эгди. Ҳакимбекнинг кафтига босган кафти терлаб кетди.— Нима қилай, айт! Ё ўқишинг бирёкли бўлсинми?»

Ойбарчиннинг узуклари титраб эди. Ҳакимбекнинг қўлини қаттиқ сиқди. Кейин серкиприк кўзлари мастона сузилди. Толеидан энтикканча изили қарашга ботинди: «Ихтиёр сизда!» Унинг киприклари аста юмилди. Маст оҳудек бўй чўзиб, чўғдек ёноғини Ҳакимбекнинг юзига суйкади...

— Хўп денг, Ҳаким ака, мен қайтай.

Ҳакимбек хаёлини банд этган хотирадан ажралишни истамай, кўзини юмди, афсус чекиб, бошини сараксарак қилди. Нотанти тақдир ишидан бўғилиб, Ойбарчинга саволчан хўмрайди: «Хўш?»

— Ҳали ўзингиз айтдингиз-ку?..

Ойбарчин йўриғини топиб, «Лоақал чорак соат...», дея ўтинганига шаъма қилди. Буни фаҳмлаб Ҳакимбек зил кетди ва ортиқча гапга имкон қолдирмай, шиддат билан қаддини ростлади-да, ўтиришга руҳ бағишловчи оярдам оҳангда:

— Қаёққа шошасиз, Ойбарчин?! Ахир.. сизни қарангу! Туз тотмадингиз? Бунақа эмас-да, энди! Ахир бугун менинг туғилган куним бўлса!— деди у ва гўё Мирқобилга таассуб қилиб, ярашиқсиз назокат билан конъякни кўлига олди, бежирим қадаҳнинг зарҳал ҳсиясига довур тўлғазди. Конъяк эриган тилла янглиғ оловланиб, кўзларини қамаштирди. Бу пайт Ойбарчин хиёл нарига сурилди-да, ёнбошидаги курсидан юра чарм сумкачасини олди, атай стол устига қўйиб очди, нимакидир излаб, кавлаштирди. Ахтарганини тополмагач, бир лаҳза ўйланиб қолди, сўнг бўйинга тақиладиган мўъжазгина соатини чиқарди-да, Ҳакимбек пайқагулик намойиш билан тилла қопқоқчасини очиб, киприк каби нозик миллиарга тикилди. Ахийри, диққат бўлиб «Сиз менинг қўлу оёғимни ипсиз боғлаб ўтирибсиз!» деган маънода хомуш бош чайқади. Ага, қопқоқча ширқиллаб бекилди. Сат занжири бир ҳовуч тилла сувидек сумка ичига шириллаб тушди. Ойбарчин сумкачани пастга, илгариги жойига эмас, балки дастурхон четига суриб қўйди, гўё учирим қилдики: «Ижозат бериш, мен қайтай, ахир кеч қолдим!» Ҳакимбек гарчи мункайиб, конъякка илкниб ўтирган бўлса-да, Ойбарчиннинг уринишию имо-ишораси назаридан четда қолмади. Ҳамияти қўенди: «Ёт қабулардай қочишини! Бировнинг ўлиб-тирилгани билан неча пуллик иши бор бунинг! Клеопатра!..»

Клеспатра! Бу ном Ҳакимбекнинг юрагини тошириб, оламча хотира кўзгади. Етти йил бурун у Ойбарчинга оғиз урди ва розилиғини олгач, кечқурун «Клеопатра» фильмини бориб кўришди. Ойбарчин ҳусн бобида Клеопатрадан ўтса ўтгулик эди. Ҳакимбекнинг кўнгли тоғдек ўсди. Ичида деди: «Миср маликасиам бўлса сенчалик бўлгандир-да!» У Ойбарчинни эркалади. шалоладек сочларини силади.

Ойбарчиндан айри тушгач эса, барчасига кўл силтади. Кунлар лойқа сувдек оқиб ўтаберди. Бултур, касалхонадан чиқкандан кейин, бир кеча уни туш кўрди. Тахтиравонда Клеопатрадек виқор билан ўтирган Ойбарчин ҳаммаёкни остин-устун қилиб, дунёсига кириб келди. Эртаси кун Истарчи момо «Қани?

Ҳани?» дея юрагини доғлагач, кўзларидан бутунлай уйқу қочди. Пушаймонини айтай деса, дардини тинглайдиган киши йўқ. Бир оқшом ёнбошлаб ётганча Клеопатрани ўйлаб кетди. Фасоҳатли эди у, Ойбарчиндай сулув эди. Хаёлан унга ҳасрат қилди. Шу-шу, хулёси — Клеопатра юрагидан жой олди. Назарида, бир угина Ҳакимбекни тушунади, юз кўришса — бас, сўзсиз, имо-ишорасиз дардини англайди. Ҳозир Ҳакимбек ногоҳ асл ҳақиқатни идрок этди: шунча вақт сизинган хаёлий санами аслида эл қатори бир актриса — Элизабет Тейлор экан! Унга етишиш, майлича дил ёзиш мумкиндир, бироқ у Клеопатра эмас-ку! Ролдан чиққан заҳоти Тейлорга айланган. Гавҳар нега «рол» идан воз кечмайди, деса, бу ёғи чатоқ экан-да.

Нечун хаёлий Клеопатрага бунча ёпишиб олди у? Ахир... Клеопатра минг йиллар бурун ўтган! Кинодаги — арвоҳининг соясими? Вожаб, асли у қандай бўлган экан? Ҳарнечук, маликанинг малоҳату фасоҳати иродасига бўйсунган. Муродим деб не-не саркардалар тугул бир кўкракдан сут эмган жигаргўшасини, охиروقибат, ҳатто ўз жонини қурбон қилган. Бировнинг дардини тинглашга зиғирча фурсат топганмикан у! Барчамиз ҳам бор-йўғи каттаю кичик муродларнинг қулимиз, холос! Шу мурод йўлида изғиб, тилсимли бу хилқатга — ёруғ оламга, ён-веримиздагилар кўнглига бундок тўйиб назар ташламай, ҳаю ҳўйт деб ўтиб кетаверамиз! Ойбарчин худкомлик қиляпти, мен-чи?! Меники уникидан минг чандон ошиб тушяпти!

Нафсиламри, Ҳакимбек Ойбарчиннинг бағри бутлигига, айрилиқ жароҳати битиб кетганига имон ўгирди. Лекин унинг ётсираётганини ҳис этди-ю, азоб чекди. Ҳайҳотдек оламда ёлғизланиб қолибди-да! Бундан ҳам даҳшатлироғи — энди у то абад шу қисматга маҳкум! Ҳар ким бир муроднинг қули-ку, Ҳакимбек... Шунинглагач, қийноқдан вужуди ларзага келди. Момақалди роқ гулдираб, жала қуйгач, тошқин сел туяқорини кўзичоқларни, бешигу ўтовларни ланғиллатиб оқизиб келабери, қутуриб ўзанини яксон қилади, шу каби Ҳакимбекнинг кўкрагида чўкиб ётган ҳасратлар қисирлаб кўзғалди, ночор ҳолатидан зиқланиш, қисматдан норозилик туйғулари бирдан қўпдию у жаҳд билан қўл кўтарди-да, қарсиллатиб столни муштлади:

— Бас! Барчаси битди! Бу кўргилик менга муносиб эмас! Ахир! Ахир!.. — дея қақшади ва бирдан жи-

миб қолди, Ойбарчинга ноҳақ зуғум қилаётганини пайқаб, ғазабини ичига ютди. Қўллари дағ-дағ қалтираб, юзлари бурда-бурда бўлиб кетди. Хийладан сўнг:— Одамгарчиликнинг уруғи қуриган экан асли! Ҳатто сен ҳам жонимни эговлаб юбординг, Ойбарчин!— деди у «сен»сирашга ўтиб. Гарчи Ҳакимбек иложи бори-ча майинлик билан гапирган бўлса-да, товушидаги зардали оҳанг Ойбарчинни сескантирди. У хиёл четланди, бироқ буни Ҳакимбек пайқамади.— Талотўпдан қочиб жон сақлаган жойим эди бу ер! Сен... бунча менга ўша кўлагангни пеш қиласан? Борарсан қошига! Ҳозир...— У кифтларини қисиб, ярашимсиз букчайди ва шаҳодат бармоғини эшикка нуқиб, давом этди:— Анави гужум эшик ортида ажал пойлаб турибди мени! Эртага йўқман!— Ҳакимбек бу гапим қандай таъсир қилар экан, деган таъмада Ойбарчинга зеҳн солиб қаради. Унинг бурунгидан ҳам каттароқ очилган кўзидаги қўрқувни, юзидаги саросимаю лабидаги титроқни кўриб, нафсонияти қонди. Шундагина дилдан тилига кўчган ишорат нечоғли даҳшатли бўлмасин, вужуди жимир этмаганига ўзи ҳам ажабланди. Ва бўлғуси можарою терговларда иштироки қай тахлит кечишини яна бир карра тасаввур қилишга уринди, ҳарчанд тиришмасин, у манзарани хаёлида жонлантира олмади. «Ҳойнаҳой ишимга зиён етади — панд беришади ё чиндан ҳам судгача масалам ҳал бўлади». Шу дилгир иқрорда у:— Ҳа-а, эртага йўқман!— дея хомуш таъкидлади яна.— Кўнгил ёрай деб би-ир келувдим-да, сен...— Ойбарчинга таъна қилгани сайин, ғалати ҳузур туйди, бағри эзилди.— Бир йилдирки, аламим олти, бу оқшомни кўзим тешилиб кутдим: бир йил! Ойбарчин, ахир, айтар гапим бўлмаса...— Ҳакимбек куйиб-пишиб қўл силтади. Чўнтагини кавлаб, дастрўмолча чиқарди-да, юқори лаби устидаги реза-реза терни сидирди. Ноҳақ қойилган боладек оғриниб, ўзининг ҳақлигини даъво қилиб, кек билан Ойбарчинга қаради. Ногоҳ унинг: «Қизлар кўнгли чиннигулдан ҳам нозик!», дегани ёдига тушдию ихраниди. Бояги қилмишини, қони қайнаган дамдаги аҳволу руҳиясини ва жаҳлини қўзғаган турткиларни хаёлан бир-бир назардан ўтказди. «...Ўт олиб кетганда ҳам шундай қилмаслиги керак эди-да!— Сумкачасини жўрттага дастурхон устига қўйганлиги учун Ойбарчинга айб тақади.— Жаҳлимни тизгинлаёлмай қолдим. Аслида ўзингдан ҳам ўтди, Ҳакимбек! Кун кўрмай куйиб-ку-

йиб, кун кўрганингда, дардингга малҳам топганингда, бирдан жудо бўлиш... Шунга тутақдинг-ов. Жонимни эговлаб юбординг, дединг. Тавба, у кетаман дея бошласа, нуқул анави ёдимга тушади». Ойбарчининг эри — саратонда ҳам қора костюм-шим кийиб, ингичка бўйинбоғ тақиб, саланглаб юрадиган чиллакдек, ранглар йигит — Ибодин лоп этиб кўз олдига келди. Бир гал Ойбарчинни қўлтиқлаб бораётганини кўрган. Ҳозир шуни эслади ва яна ғазабга миниб, дағ-дағ титрай бошлади. Қани энди, гирибонидан ғиппа бўғсаю... Ер юзидан унинг изини ўчириб юборса ҳам алами босилмас!

Иттифоқо, бултур, тўшакда ётганида Ойбарчин иккови етаклашиб касалхонага боргани ёдидан кечди. Ушанда Ибодин сиполик билан қўл берган. Кейин бўйинбоғини бир оз бўшатиб, қўлини орқасига қилиб, хонада кезинган. Туйқусдан ғўдайиб, деган:

— Хижолатпазликка ўрин йўқ! Ҳа-ҳа, Ҳаким ака, икки орадаги гапдан жабардормиз. Биз Ойбарчиндан, у биздан сир сақламайди. Тақдирнинг иши! Сизнинг саломатлигингиз масаласига келсак, умид шуки, ҳализамон отдек бўлиб кетасиз. Биз ҳам бу дардга чалинганмиз. Кўриб турибсиз, мана, ёшларга илм бериб юрибмиз...

Шу маззара тагин кўз олдидан кечдию Ҳакимбек қуйи лабини қимтиди. Ибодинга қасдланиши адолатдан эмаслиги равшанлашди. «Бу ғарибда нима айб? Ойбарчин мендан кўра унга азиздир? Чиндан буни севаманми, а? Чамамда, бир нимасига илҳақман. Гўё ўша нарса менга етишмайди. Камқон киши қонсирагандек жисми-жоним ўшани тилайди. У — нима ўзи? Муҳаббат — шу эканми ё? Йў-ўқ, агар севганимда... бсандиша ўйларга бормас эдим! — Ҳакимбек ижирганди. — Бўлмағур хаёлга бориш тугул, қўйиб берса, у маҳал ҳар қандай номаъқулчиликдан ҳам тап тортмас эдим! Қизиқ, нега энди бу разиллик бўлиб туюлади? Ҳазар қиламан, кўзларига тик қарашга ботинолмайман — нега? Келиндай сузилиб ўтиришларини-ей! Ийманчоқ шу тобда нимани ўйлаётган экан? Дилини қаттиқ оғритдимми, а?»

— Хафа бўлдингизми, Ойбарчин? — Ҳакимбекнинг овози титраб чиқди. У оғир хўрсинди ва эшитилар-эшитилмас, «сен» сираб: — Мени кечир! — деди. — Ҳали эслаб, даллидемона, деб кулиб юарсан. Боя ундай де-моқчи эмасдим, кечир! Жаҳл чиқса, ақл кетар, дегани

шу-да. Чўгда ўтиргандай беоромсан, кетгинг бор — биламан, эл иснодига қолгинг йўқ. Ҳам муродимни англаёлмай, анг-тангсан. Ўтиндим, йўқ деёлмадинг: юз амри ширин. Энди кўнгилчанлигингга пушаймонсан. Шунда ҳам шартта туриб чиқиб кетолмаяпсан. Ахир, ундай қилолмайсан, Ойбарчин, чунки қизалоғимнинг ўзгинасисан! У ҳам нуқул «Отажон, қанақа одамсиз ўзи?» деяётгандай мўлтирайди. Сизлар тамоми яхшиликсизлар, қай бирларингга дуч келмайин, ўзимдан нафратланаман! — Ҳакимбек нимадир дейишга оғиз жуфтлаган Ойбарчинни гапиргани кўймади, шоша-пиша давом этди: — Рост! Ишонинг! Мен... — У гапини йўқотиб, тажанглашди. — Ҳали нимаям демоқчи эдим-а... — Ҳакимбек ютоқиб сигарет чекди-да, ёнига ўгирилиб, тутун қайтарди. Шунда устундаги кўзгуга ва ундаги ўзининг аксига нигоҳи тушди: қонталаш кўзлари киртайган, юзлари қуруқшаб, тиришган. Чап кабоғидаги «халтача»ни жимжилоғи учида силади. Боя тутқич бермаган фикр яна шуурида кезинди: — Гоҳо ойнага қараб, ўзимни таниёлмай қоламан! Қаранг,— дея кўзи четидаги пилта-пилта ажинни чимдиб кўрсатиб, хўрсинди: «Ким айтади мени ўттизга кирган, деб?» Бу ўй тилига кўчмай, хаёли чалғиди. — Рас-сво бўлди! Вай берилди!

Ойбарчин оҳиста кўзғалиб, Ҳакимбек тарафга силжиди ва баҳузур ўтиришига бир нима халақит бераётгандек бесаранжомланди. Сўзлашга шайланди-ю, тагин фикрини баён этиш йўлини тополмади чоғи, чимирилди. Зийнатли биллур кўрадаги узум шодасидан тирсиллаган ҳусайни донасини юлиб олди-да, сочиққа арта-арта:

— Сиз... — дея сўз бошлади ва машғулотидан чалғиб, ҳусайнини дастурхонда қолдирди. Кўрага яна уза-либ, қора мускатдан бир дона олдию сувочган бандига паришон термилди. Операция пайти, кейин ҳам Ҳакимбек иситмалаб, озмунча алаҳламаган. Ҳозирги ҳолидаги бежолик баайни ўша талвасасига уйғун ва бу Ойбарчиннинг дилидаги «Бирор фалскага чалиндимикан?» деган иштибоҳни қайта бошда кўзгаган эди. У Ҳакимбекка тинчлик бермаётган тилсимдан огоҳ бўлишга, жонига оро киришга мойиллик туйди. Шу боис ҳадик аралаш давом этди: — Ҳаким ака! — Сўнг Ойбарчин, бу гапни кўзгашга ҳаққим бормикан, деган истиҳолада ийманиб қолди, лекин яна жонсўзлиги устун келди. — Эсингизда бўлса, операциядан кейин

сизни алоҳида бўлмага жойлаштирувдик. Бирда кирсам, иситмалаб, ёниб-тутаб ётган экансиз. Шу, денг, мотоциклда кетаётгандай қўлни кергансиз. Ўзингизча, рулни сиқиб тургандирсиз-да. Ё тавба! Ҳалиям кўз олдимда: ўнг тирсагингиз букри новдадай қотди. Ўзи-ям нуқул шу қўлингизга куч бердингиз. Ахийри, кифтингиз қалт-қалт учди. Қора терга ботиб кетдингиз. Чамаси, ҳеч эвини қилолмадингиз. Бирдан умидингиз узилгандай, оқ уриб юбордингиз. Э, худойим-эй! Қўлингиз шалвираб тушди, лабларингиз гезарди, қовоғингиз пир-пари учиб, ич-ичингиздан бир ҳайқириқ отилиб чиқди: «Тамом!», дедингиз. Ким билсин, жарга учдингизми, ҳарқалай, шу кеча навбатчи эдим, қошингиздан жилмадим. Иситама юрагига тўкилса, жароҳатини юмдалайдиганлар бор, шундай қиларсизми, деб чўчувдим. Йўқ, тун бўйи ўзингиз билан олишиб чиқдингиз. Не маҳал эди, чақчайиб бирдан бош кўтардингиз, ўнг кафтингизни кўзга тутиб қарадингиз. Кўзингиз қинидан чиқиб кетай деди. Ҳайронлар қолдим. «Воей, бу не азоб! Ҳакимжон ака, ўзингизни босинг! Ахир жонингиз қийналиб кетди-ку!», деб кафтимни манглайингизга қўйдим. Тавба, пешонангиз муздай... На овозимни танидингиз, на ўзимни кўрдингиз! Икки кўзингиз — қўлингизда, аъзойи баданингиз қалт-қалт учади. Билониҳоя, сесканиб пичирладингиз. «Қон» дедингиз шекилли. Юрагим шиғиллаб кетди. Бармоқларингизни йириб, баттар ваҳимали овозда зорландингиз: «Қо-он?!» Э, худойим-эй, азбаройи ҳаросат олиб, бўлмадан аста чиқдим. Даҳлизда ўғринча эшик пойлайтуриб не гумонга бормадим, хаёлнинг не кўчасига кириб чиқмадим. Касалингни яширсанг, иситмаси ошкор қилади — ҳаётингиз қил устида тургандай эди. Ёмон кўрқдим, Ҳаким ака! Олдинига, мен бору йўқ, жавраниб сирини очиб қўймасайди, деб ҳайқидим. Ичингиздаги сиртингизга тепмагач, яна безангладим. Қизамиқнинг юзага тошмагани ёмон! Тагин: «Кечиримсизсан-да, Ойбарчин, эгри кўнгилга бординг!» деб ўзимдан қанча койиндим. Аслида... кечиринг, Ҳаким ака, ўлимдан гап очиб, тоқатимни тоқ қилдингиз! Айтинг, нима бўлди ўзи? Безиллатиб қўйдингиз-ку мени!

Маҳобатли залдаги босинқи шовур жисмига қўнган оғрикдек боягина Ҳакимбекнинг асабини кемираётган эди, энди барини тамом унутди. Ўнг қўлини курсига тираганча бир оз энгашиб, таажжуб ичра Ойбарчинга

қулоқ солди. Гапларини тинглайтуриб, бадгумонлиги тутдию ундан шунча гап чиққанига ишонқирамади. Юраги бежо бўлиб, дамбадам столга узалиб сарғич коғоз-сочиқдан йиртиб олиб, уни ямлаб, сақич каби чайнай бошлади. Шунинг саробарида Ойбарчиннинг юзидаги, айниқса, хайрихоҳ кўзларидаги ўзгаришларни таъқиб этиб борди. Ойбарчин аввалдан охир бирдек: пича ўнғайсизланиб, азият чекиб, тутила-тутила сўзланди, гапирар экан, қайта бошдан шуни бошидан кечираётган каби шошиб, эчкини қолди, бунни кўргач Ҳакимбек ортиқ шубҳаланмади. «Қимсанинг оғзидан олиб оёғимга ташлаганида, чини-пишиги билан бунчалик куйиб-пишмасди. Гапи ишонимли. Тағин шу бақтгача бировга чурқ этмаган кўринади!»

Ниҳоят, Ойбарчин жимиб, «Нима гап ўзи?» деган сўрокда унга тикилди.

Ҳакимбек суянчиққа таяниб, кунишган, Ойбарчиндан кўз узмай ҳамон ўй ўйлар; мискин қарашида оғриниш, малолат. Ахийри, бу ифодалар ҳам кул босган чўғ каби сўнди. Кенгайган, нурсиз қорачиқлари тубига тошдек оғир хаёл чўкди, боқишлари маънисизлик касб этди.

..Оқтов белидаги илонизи йўл. Чап сиқин — тик жар. Қарасанг, юрагинг орқага тортиб кетади. Тубанда — иланг-биланг йўлда аранг ғимирлаётган машиналар қўнғиздек қорайиб кўринади. Олд — эниш. Ҳакимбек ҳар гал босинқираганда ёки тушида довоннинг нақ ўрнанига чиққанда ҳаросатда қолиб, кўл тормозни сиқади. Тормоз симининг пўлат толалари шарт-шурт узилади, елд гилдирак ғийкиллаганча котади. Қани энди тезликни сусайтириб бўлсаю кажави салвери босиб жарга оғаётган мотоциклни бошқара олса! Таҳликада чиранади: рулни ўнгга тайиради, ана шу сония туман чуллаган ҳайхотдек жарга... юзма-юз келади. Тушида илонизи бу йўлдан ўтабериб, ажалнинг совуқ туркини кўрабериб тўйган. Ҳосир, гарчи ўзи сира-сиранистамаса-да, хаёлан яна ўша мудҳиш жар ёқасига бориб қолди. Шу тариқа юраги безиллаб турганида туйқусдан янграган чолғу садолари уни чўчитиб юбordi. Сесканиб «А-а?...» дедию нима гап ичини англаш истагида ён-верига олазағак боқди. Серҳашам устулар саҳи юзини тўсиб қўйган, оғиз бурчақдан сержазава мусикий садолар таралар, ўчиб-ёнаётган турфа чироклар ёғдуси оша ресторанини камалак житосига қўмган эди. Завқини тия олмаган ёш-яланг куй суръатига

уйгун муқомда йўргалаб, саҳнга чиқиб боряпти. Шунинг кўргач, Ҳакимбек, эчкиўйин бошланибди-да, деб аччиқ кулимсиради. Кейин тирсакларини стол зиҳига тираб, кафтларига ияк босди. Ойбарчиннинг чехрасидаги хижиллик шарпасини уқиб, сергак тортди, бироқ унинг сўроғини эслаёлмади.

— Сиз... — Ҳакимбек фикрлашига ҳалал бераётгандек коньякни четга сурди-да, дабдурустдан сўради: — Нима ҳақда сўзлаётувдим-а? — Шу чоғ тили учида айланган гап ёдига тушдими, бирдан чехраси ёришдию Ойбарчинга гал бермай илиб кетди: — Ҳа, биласизми, мен... мен... — Яна алаҳлади, яна ўша жархаёлидан кечди, бу ўз навбатида Ойбарчиннинг гапларини эсига солди; чап қабоғи уча бошлади: хосиятсизлик! Уни силашга тутинган эди, бармоғига титроқ кирди, Ойбарчинга сездирмаслик учун қўлини панага — тиззаси устига қўйди. Қайғули гапни айтишга шайланган каби қошларини уюб, дилгир сукутга толди. Кейин жазавали мусиқа садолари таралаётган тарафга ҳўмрайиб қаради, хўрсинди, гуноҳкорона жилмайиб, қўлларини ёйди: — Тақдир, Ойбарчин! Яшириб, нима?.. Тунов куни бир сипфдош ошнамни учратиб қолдим. Физик-да, кўринмайсан, десам, фалон-писмадончи йиллар атрофида айланишиб юрибман, дейди. Бу нима дегани экан, деб тоза гаранг бўлдим. Ўйлаб қарасам, ҳалиги, мактаб давримизни назарда тутган экан! Шунга ўхшаб, мен ҳам ҳануз «Клеспатра»ни кўрган оқшомимиз атрофида ўралашаман! Ўша оқшом... хайрлашатуриб, сен: «Ҳаким ака! Тоғамнинг Ибодин деган биз тенги ўғли бор. Одам қўйишяпти!..» дединг. Мен айтдим: «Парво қилма, Ойбарчин, бурунгилар, югурганники эмас, буюрганники, деган». Эркаланиб суйкандинг, мотоциклга ўтиратуриб, бир хаёлим Эски шаҳарга бориб, тоғаннинг ўғли билан орани очди қилишга чоғландим. Қарасам, бемаҳал — тун яримдан оққан. Салом Ҳаққул илҳақдир, ичини ит таталаётган чиқар. Эшикдан бош суқарим билан: «Олдимга похол солиб кет-э! Обғинг олти, қўлинг етти, юрибсан-да!», деб қўйиши бор. Қўй, яхшиси, уйга ҳайда, деб ўлаатга йўл солдим. Димоғ чоғ, ўзимча Салом Ҳаққулга тегишаман: ҳой ака, каттангман деб кўп ҳовлиқманг! Бош ҳисобчи тугул Зобитов бўлмайсизми, бир чертишда учириб юбораман! Ҳакимбек, сиз билган Ҳакимали эмас! Алпомишдай тап тортмайин Мурод тепага от солди у! Шошманг, ҳали жилов қўлга тегсин, бу ер-

ларни жаннат қилмасам, Ҳакимбек отимни бошқа қўяман! Даштингизда бир хўжалик тузай, кўрган, ёпирай, деб ёқа ушласин! Э-э, ниятлар улуг, ака, на-сиб этса, суяшиб ишлашамиз!.. Ҳакимбек, назаркар-дасан Ҳакимбек! Қачон қарама, шу ҳол — ғанимингни ўтсиз ўртаб, оёғинг узангида! Улоқ ҳам сен тан! Бер-ганга қўша-қўша-да. Ойбарчиндай бир санам совчинг-нинг йўлига кўз тикиб ўтирса-я! Э, дўст!.. Ирим қилиб, эр-хотин — қўш хўкиз, «омоч» сургаб юришимизни хаёл қилдим! Қўлингда оппоқ йўрғак, тойлогинг юзи-ни очиб қўйгансан. Унинг жимит кўзлари жавдирай-ди. Орзумандлик қурсин, ўзимда йўқман! Жужуғим-нинг бетини кўрсам, дедим. Қани, кимга тортибди, бизгами ё онасига! Ҳарчанд тикилмай, юз бичимини илғаёлмадим, сувратини ақлимга сиғдиролмадим. Ирим қилган ёмон-да, Ойбарчин. Кўнглим қаттиқ чўкди. Шайтон айтди: «Ҳакимбек! Эгамдан эгар тилаб эдинг, узанги тутди, Ойбарчин, деб эдинг, гулзорингда бу чечак битди. Онангнинг ҳақи қолдими яна? Нарёғини сўрар бўлсанг, ўзинг ҳам бир ғарибнинг тилаб топга-нисан-да!» Ҳали шу васвасадан қутулмаёқ рўпарада — йўлимда кезинган шарпаларни илғаб қолдим. Ҳушёр тортиб, тевааракка алангладим. Қарасам, Авлиё Сўп-поқ ота сағанасига етай деб қолибман. Муштдайлигим-дан онам: «Ҳай, болам, оқчангал тагида ўйнама, ажи-наси озгингни қийшайтириб қўяди!», деб уришгич эди. Дафъатан «Нима бало, кўзимга жин-пин кўрин-дими?» деган хаёлга бордим. Мазоратнинг гирди чан-галзор-да! Яқинлашганим сайин чироқ ёруғида шар-палар аниқроқ кўринаверди. Бир маҳал ҳалигилар дими?» деган хаёлга бордим. Мозоратнинг гирди чан-галзорга уриб кетишди. «Фалокатнинг устидан чиқ-дим-ов! Э, худо, ишқилиб, паноҳингда асра-да!» Сенга ёлғон, менга чин, этим увишиб, шаштим анча синди. Шайтоннинг васвасасини эгри йўйдим, лекин тап торт-моқ қаёқда! Юрагимга қувват бердим: э, Ҳакимбек, нимасидан қўрқасан? Ё кочиб қутуласан, ё кечиб. Қа-моқдан қочган битта-яримтадир, раъйига қараб, тек ўтирасанми, тагингда уловинг гижинглаб турса! Иш-қилиб, йўлингга боқон¹ солмаган бўлсин! Э, тўсгандачи, нари борса тушиб олишарсан. Биров-икковининг тушмуғини ерга ишқарсан. Кимнинг ўқи ўзса, ўша-

¹ Боқон — гов (одатда туҳфа олиш учун янги келаётган ке-лин йўлига боқон солинади).

нинг гапи гап-да! Шофёрда савки табиий бўлади — бирон хавфни сездими, сергакланади, ёвдан қочгандай ўзини ўша нарсадан халос қилишга тутинади. Аввалига юрагим питирлади; ҳали-замон чоҳга қулайдигандайман. Отни қамчилашдан бурун йўлнинг пойчоғини олдим. Ёмғир ялаган нам асфалт йилтиллайди, қорабайирнинг терчилаган сағрисими дейсан. Шундай пайтда моторнинг гуриллашиям кўнгилга қувват бўлар экан. Боратуриб, оёқ остидаги кўндаланг хариға кўзим тушди. Йўк, у хари эмасди. Ия, одамми? Намчил йўлда бемалол узала тушиб ётибди-ку? Хийладир бу? Ҳакимбекни овсар деб ўйлашган-ов? Камбағалга ичим ачиб тўхтасам, ҳол сўрасам: «Бу — нима ётиш, ака?», десам. Шу пайт у кишим сапчиб турсаю ксплендек ташланса! Уловга зор қолишган чиқарда?!»

Нам асфальтда гилдирак тояди. Қочаман деб бўйним сиғиши мумкин. Э, сахташ таваккал, дедим. Йўл чеккасини олиб, газ дастакни бориचा бурадим. Анамана дегунча ётганнинг бош учидан бежавотир ўтдим, ўтдиму шу заҳоти оёққа қалқиб, жон-жаҳдда тормозни босдим. Гилдиракнинг гийқиллаши қулоғимни тешиб юборай деди. Мотоциклнинг кети балиқнинг думидай ликиллаб ўйнади; сўнгра у кажава силтовида сўл биқинга сирғалиб кетди. Тойғонган гилдираклар йўл четидаги шағалга ботиб, кажава илкис «ўмган» кўтарди, ерга оёқ тираб уни пастга босдим у тагин рулни буриб, чир айланганча изимга қайтдим...

Эсимда, даставвал узаниб ётганнинг бош учидан ўта турди, тоза завқим келди. Мотоцикл Бойчибордай жанот чиқариб, яшиндай оқиб боряпти, десанг. «Ҳой, гариб! — дедим кишига. — Маҳмуд кўрнинг олаперидай аъжир бўлсанг ҳам энди човут сололмайсан!» Ўта-ўа, дилимдан бир иштибоҳ кечди: «Кўкрагини захға бериб, шунча пайт пойлади, энди нега ташланмади?» Камоқдан қочгани биласан, бир ишга бел боғласа, ўлган-ёитганига қарамайди! Анави қилт этмади-я. Жиллакурса, иримиға бош кўтармади? Ё тавба-а!

Шилта йўлда ялпайиб ёт-э! Нима азоб?

Рост, унга кизиксиниб қарамадим.

«Аждарҳонинг чангалидан қутулдим-ов!», деб ўйладим. Шу тобда иссиққина уйға бориб, оёқ узати-иб ёнбослаганча Салом Ҳаққулға мақтанишдан ортиқ саолат йўк эди менга! Ишонсанг, кўнглим бирдаг алағда бўлди. Кимдир: «Ҳакимбек!», деб овоз берди. Ё шун-

дай туюлдими менга? Ҳаркалаи, ялт этиб чақирганга қайрилдим. Сўнг орқаси тутган қушноч момодай шай-тонлаб қолдим-ов. Кўнгил сезар экан-да! Ётишими-ей, нимасидир кўзимга иссиқ кўринди. Юрагим така-пука бўп кетди. Қайтишда кўрдим, у нари томонга бетланганча асфалтга юзини босиб ётган экан. Бош чаноғи дабдала, мия — тўкилган увадами, дейсан. Йўл — қон. Ивиган қон кўлмаклаб, зиғир мойдай ёйилмоқда. Эгардан тушмай, уни айланиб ўтдим-да, жувозчи отдай доира ясаб, яна изимга қайрилдим. Ётганга рўпара бўлиб, мотоциклни тўхтатдим. Юрагим гупириб, на йўл танобини олдим, на тушаримни билдим. Бир пайт ғафлат босиб калитни суғурибман, буни қаранг, бирдан олам зимзиё бўлди-қолди. Худо урди! Биров гирибонимдан бўғгандай нафасим сиқилиб, баттар гангидим. Чироқни ёқай деб шу ошиқаман, қани энди лаънати-нинг тугмачаси топила қолса! Талмовсираб, кафтим билан чироқ манглайини пайпаслаб-пайпаслаб, ахийри топдим, калитни жойлай десам, қўлим нақ тараща — айтганни қилмайди. Назаримда, оқчангал буталари шитирлади. Ана, тош кўчди, ҳойнаҳой биров йўлга чиқатуриб, тойганиб кетди! Шарпа гап-сўзсиз яқинлашиб келаверди. Миямга довр музлаб... ортқ қўрқувдан қутулдим. Калит ширк этиб жойига тушди, сўйла бураган эдим, атроф чараклаб кетди. Дафъатан кўрганим — ётганнинг хира йилтираган қорачиғи бўлди. Шунда фаҳмладим: боя мана шу новча қомату сзғин яғрин, барлари тарвайган чарм камзул кўзимга чалинган, кимнидир эслатгану кайтишга ундаган. Айтдим-ку, узала тушиб ётиши ҳам жуда таниш эди. Бунакани кўравериб кўзи пишган кишидай хотиржам, ҳалигига яқинлашдим. Ҳайронман, негадир қўлтиғидан олиб ўнгармоқчи ҳам бўлдим. Панжаларим шилимшикка ботди. Ишонсанг, бирон мўйим қилт этмади. Қайтанга, ўнгаришга ҳожат йўклигини уқиб, шалвираган билагини қўйиб юбордим. Уликнинг ўмгани шилқ этиб тушдию яна чипиллаб, асфалтдаги конга ёғинди. Ким бўлди бу?! Ёнгашиб, башарасига тикилдим, ёнг ёноғи ёрилиб, эти айрилган, суяк титиғлари пайраҳадай туртиб чиққан. Абжақ юзида даҳшатли азоб заҳри силқибгина турибди. Лаблари алланимадан корозидай бўрилган, лаб ўчида бир нидо котиб қолган. Назаримда, шу нидо — бўғзига тикилган шу фарёд, мана, ҳозир, ҳозир отилиб чиқадигандай!.. Ўша! Унинг шамол омонсиз юлқиган ниҳолга қараб, ноумид бош

чайқагани, «Иннияти шифо, айнияти вабо», дея ўртангани; кечки соат бешларда эса яккаланиб қолганидан нолигани; чорпояда тамаки тутатиб ўтирган Бўри маймоққа зимдан бежо қарагани; кейин хайрлаша-туриб, видолашгандай тикилгани; кўзидаги мунг, армон — барчаси бир сидра кўриниш бериб, хаёлимдан ўтди. Бунақа фалокат юз беришини олдиндан пайқаб юрган каби совуққонлик билан, ҳа, ўша, деб кўйдим. Салом Ҳаққулнинг ўлими ҳарчанд муқаррар туюлмасин, киёфасида додлаётган норозилик... мени даҳшатга солди. Ёпирай, бу не кўргилик? Хўш, нега бунча жабрланган? Гуноҳи нима? Ишонсанг, ҳа, ўша, дедиму шу заҳоти хаёлимнинг бир четида серсоя ўрикзор, чорпояда тамаки бурқситиб, писмиқланиб ўтирган Бўри маймоқ намоён бўлди. Ўша! Лекин бу итфеъл жаҳолатга мук кетиб, шундай ёвузлик қила олишига сира кўзим етмас эди,— Ҳакимбек, Ойбарчиннинг шундоққина кўз ўнгида воқе бўлаётган мудҳиш ҳодисотни аниқ-равшан кўриб турган каби ранги бўзариб, сўлжайиб анчагача тек қолди. Унинг кичрайган корачиқларида даҳшат эмас, балки хунрезлик қолдирган ададсиз ўкинч акс этарди, қошлари асабий керишган, жағ пайлари тугун-тугун бўлиб туртиб чиққан эди. У сўлиш олиб тамшанди-да, малолли томоқ қирди: — Бир пайт қандайдир хириллаган товуш эшитилди: «Ий-е, Ҳакимбой, б-бўтам...» Бўри маймоқ! Акасига таассуб қилиб, у ҳам бачам, бўтам, дегич эди. Бели синган кишидек кийналиб ўмган кўтардим. Қарасам, пахталик кийган икки бирдай киши қошимда қаққайиб турибди. Чорпахил Бўри маймоқ қозондай телпакни бостириб олган, нуқул ҳансирайди, найнов шеригига йўл бермай тайсаллайди: «Тек! Тек! Кейин...» Найнов тиш кайрайди, кўлида ошпичоқми, ойболтами, пишқилиб, тиғи чироқда ялт-юлт қилади. «Ўзимизнинг Ҳакимбой бу! Б-бемаҳалда... нима қип юрибсан, санки?» Айбни хаспўшлаймиз, деб кизиқ устида одамни тириклай кўмишдан қайтмайдиган бу ўлаксахўрларни, қонюқи яроқни кўриб туриб, эс-ҳушимни йиғолмадим: «Бу?... бу?...», дея олдим холос. Онгим кетиб қолган экан-да! «Мунча искаланасан? Бор, йўлдан қолма!» — деди Бўри маймоқ ва «Хаёлингни йиғ-ов, бола!» дегандай туртиб, билагимдан қаттиқ сиқди. Кейин мотоциклни йўлнинг нариги ўзанига ўнгарди, моторни ўт олдирди-да, ҳамон анграйиб турганимни кўриб жаҳли чиқди чоғи, келиб, елкамга илкис нуқи-

ди: «Туёғингни шиқиллат, кани!» Катта йўлдан колхозга қайриладиган муюлишдами ё кайинми, харнечук бир нима сел каби таҳдид солиб изимдан келаётгандай туюлди, ўтирилсам, юк машинаси, бечироқ, бало-қазодай ёпириляпти! Кўзим мошдай очилди. Жон аччиғида газ дастагини бурадим... Шу кеча мижжа қоққанам йўқ. Сабаб, касд қилинади? Наҳот Бўри маймоқ... шу ипирисқининг кўлидан одам ўлдириш келса-я?! Йўғ-э! Унда нега йўлда тимирскилагаиб юрибди? Анави найнов ким? Э, киёмат, шунчаям кийнашадими, а? Кечқурун ўз оёғи билан кириб-чиқиб юрган одам, дабдурустан... У идора олдида ҳам Бўри маймоққа оғир қараб қўювди-я, кўнглига гулгула тушган экан-да! Боёқшнинг айтар гапи ичида кетди! Ётсам, юрагим тошади, кўнглим айнийди, турсам, тиззаларимни қучиб ўтирсам, алланимабалолар кўзимга кўринади. Найнов эшик ортида ойболта ўқталиб, пойлаётгандай туюлади. Ё бечироқ машина ажалдай ёприлиб, тикка келаверади... Ниҳоят, ёруғ уриб, дераза пардаси оқаринқиради, ўтирган жойимда узалиб, пардани жиндай кўтардим-да, осмонга тикилдим: юлдузлар милтираб сўняпти. Ана, йўлнинг нари бетигаги уйда чироқ ёнди. Санд Маҳсум! У деразага ёнлама турганча шим кийиб, қайишини илди, ҳомуза тортиб керишди, кейин чивик бекасам чопонни кифтига ташлади. Ювингани чиқди, шекилли. Ҳаприкиб ўрнимдан турдим, бунга қара, туфлини ечиш ҳам хаёлимга келмабди. Судралиб Маҳсумникига кириб бордим. У пишкак эшиб, қудуқнинг муздай сувига чайинаётган экан. Мени кўриб, завқи келди: «Оҳ, оҳ, оҳ, роҳатижон-э!— деди сув силқиган қўллари билан жундор қўлтиқларига шаппатилаб.— Ҳа, жўра, тинчлик-омонликми, хўроз қичқирмай питирлаб қолибсан?— Сахарлаб уникига чиққаннинг боисини айтдим.— А? Йўғ-э, қўйсангчи! Юракни ёрма! Ий-е, шунақа де? Ёпирим-эй! Энди нима қиласан? Наҳс босган сени! Қўй, жўра, бўлди, гапирма, бас! Худо хайрингни берсин, уйинга бор! Бизникига келсанг, оғайни, дилхушлик билан кел! Ҳеч маҳал сеникига бирор ғурбатни бошлаб чиққанманми, а? Мени кийнаб нима қиласан. Бор, кет! Кет, ошна! Маҳмуд кўрнинг кучугидай изғиб-изғиб, пиширган ошинг-да бу, айлан — ич, ўргил — ич!.. Кенгаш дейсанми? Бош қотди-ку! Салом Ҳаққулга қўшиб сениям гўрга тиқишмаганига ҳайронман?» «Изимдан тушишди, дедим-ку сенга!» «Шунақами! Йў-ўқ, булар сенга

тегишмайди, Ҳаким! Икки кишини бирдан гумдон қилишининг ўзи бўладими! Лекин, гапнинг миси чиқса, ковушининг тўғрилашлари аниқ. Ёпиқлик қозон ёпиқ колсин! Ёлғиз ўгилсан, суянадиганинг йўқ. Кимдир, ўликларга сиғинар бўлсанг, тирикларни ўз ҳолига қўй, деган. Тўғри айтган шу. Кар бўл, кўр бўл, тириклардан қолма! Ўлгандан нима фойда! Зобитовдай одамнинг назарига тушсанг, кам бўлмайди. Бизгаям зараринг тегмайди. Ахир сен билан мен — эртанинг одамимиз! Янаям ўзинг биласан, ошна! Аммо бизникига чиққанингни зинҳор-базинҳор ит ҳам сезмасин. Мен сени кўрмадим, бу гапни айтмадинг — эшитмадим. Келишдикми? Ана, холос!.. — Маҳсум супрадай қулоғига қўлини қўйиб, кўча бетдаги шовурни диққат билан тинглади. Сўнг ҳўл тезакдай тутайверди: — Э-э, одам бўлмай кет-э! Айтмовдимми, ана, из олиб келишда. Раиснинг «Волга»си-ёв шу. Ҳей, қаёққа боряпсан, биқиндаги дарчадан чиқ. Бунча имиллайсан, бўлсангчи, ахир, сигнал беряпти-ю!..» дея шошилтирди. Чиндан ҳам раиснинг тимқора «Волга»си дарвоза олдида турган экан. Зобитовнинг шофёри Ражаб тентак эшик ойнасида бош чиқариб тиржайди-да: «Иби, қаёққа юрибсиз, ако? У ёққа раис буво йўлингизга маҳтал ўтирептило! Чиқинг, э!..», дея бақирди. Чиқдим. Борсак, идора сув қуйгандай жимжит, гўё ҳеч гап бўлмаган. Ғира-шира бетон йўлак ҳали супуриб-сидирилмаган. Қишин-ёзин пахталик шимини ташламайдиган фаррош чол — Ёвқоч бақакўз кифтида дастаси бир қулоч супурги билан боғдан чиқиб, пилдираб келяпти, турш юзидан уйқу шиши аримаган. Анави ишдан бе-хабар-ов. Оғзининг бепаравўзлиги, ҳамишаги ҳиринг-ҳирингига қараганда, Ражаб тентак ҳам ёстиқдан боягина бош кўтарган! Унда, найнов ким? Зобитовнинг чордевордаги муридлариданми ё? Енг ичида қилишибди-да? Нега энди... Зобитов бемаҳал... чорлади? Унинг кенг, серҳашам хонаси пастаккина эди. Эшикдан бош суқишим билан моғор ҳиди кўнглимни оздирди. Дераза табақаларини кенг очиб юборгим келди. Ҳоргин осилиб турган мошранг барқут пардалар дераза тугул, деворни ҳам тўсиб қўйган эди. Шифтдаги чироқлар қалампирдай қизариб-бўзариб милтирайди. Нима бало, идорада тонг оттирганми, дейман? Аҳволим танг, зўрға оёқда турибман. Чаноқ суякларим сирқирайди, кўзларим ачишади. Зобитов, ҳайҳотдай хона тўрида, узун, ялтироқ стол ортида, деворга юзланиб, буюқ ургандай

қўнишиб ўтирибди. Қўллари кителининг чўнтагида. У менга саросар ранж билан бир қаради-да, стол четида ётган «БТ» қутисини очди. Сигарет олиб, эзгилади. Тамакисини илон тасвири туширилган муштуғига жейлади. Муштукни лабига қистириб, думини чайнай-чайнай, тириш манглайини асабий ишқалади. Турқ дегани шунақа ҳам совуқ бўладими, а? Дўнгманглай. Ияк туртиб чиққан. Биров бир мушт уриб, тумшуғини ичкарига тикиб юборганми дейсан. Кўзларига сув тортилгандай, қаримсең. Серажин қабоқларига гўё коракуя суртилган. Афтидан, у ошига пашша тушганини сира ҳазм қилолмаётган эди. Тажанглигини яширмай, дўрдоқ лабларини бурди. Таадди қилиб гугурт чақдида, босиб-босиб чекди. Бурқсиган оқиш тутун бурчакдаги алвон ўроғлик тагкурсини чўлғаб олди. У не-не ўйда тагкурсига ўрнатилган мўъжаз бронза бюстга термулганча: «Хў-ў-ўш, бачам,— деди,— нима гап? Қани, сўйланг! Сўз сизга!» — Унинг ҳайбати босиб, жағим қаришиб, ерпарчин бўлиб туравердим. У кучаниб, дағдаға қилди: «Ҳа-а? Дамингни пешлаб келмовдинми?» Кўзим тинди. Чайқалиб кетдим. Олапар бўлишга ҳам бир қарич дум керак экан! Ўлгим келмади. Ҳе йўқ-бе йўқ оёқ остида қолган қумурсқадай янчилиб кетиш аламли туюлди. Хайриятки, минг чумоли ўрмалагандай аъзойи баданим жимирлаб, кўз олдимни тўсган зулмат бирдан ёришди. Жон терига тушдим, сабил чаккаларимни бир қитиклайди, қани энди уни сидирғудай ҳолим бўлса!.. Зобитов бурилиб, чап кўзини қисиб, ўнг кўзи билан қаради. Қараши заҳаролуд эди. Сертук қаншарида шунчалар толғинликни уқдим, ҳеч ҳисоби йўқ. Сездим: бир оғиз гап камлик қилади, икки оғиз — ортиқча. «Ишонсак, бу маъракабузар қовун тушириб қўймасмикан?» деган ўйловда-ёв у? Иккиланияпти чоғи. Айб устида чув тушган боладай қўлларимни қовуштирдим, бошим хам. Ювош, мўмин-қобил кўринсам, ичи ачишига, «Тирмизак-да бу, ҳали суяги қотмаган, бошини силаса, чизилган чизиқдан чиқмайди!» деган тўхтамга келишига кўзим етди. Одамнинг олasi ичида дегани шу-да, Ойбарчин! Бошингни кундага қўйишса, ҳуққабозга найранг ўргатишни ҳам эплар экансан!.. Зобитовнинг ранг-рўйини кўриб, қўрқяптимикан, дея ўйладим. Йў-ўқ, бу одам ҳазар қилишдан кейин туғилган. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин! Қай гўрдан келаётувдинг, нени кўрдинг, деб қолса-я? Бор гапни айтиш керакми, ё?.. Қилми-

инин эслашга тоқати йўқдир? Ҳар эҳтимолга қарши... Ипсиз бойландинг, Ҳаким, дейман ичимда, ҳали ажриққа ағанатади бу! «Гап мундай, биродари азиз,— деб Зобитов менга тик қаради: ичимдаги қириндини равшан кўрди-ёв. Юрагим орқага тортиб кетди. Кўзимни опқочай, десам, шубҳаланади. Мўлтайиб туравердим. Кейин билсам, одамзод бир-бирининг кўнглига назар солар экан-у, барибир туб-тубидагини илғаёлмас экан.— Оқтуя кўрдингми?!» Йўқ, дейишим эксиз эди, индамадим! Иккикзламачилик қилмай оғизини айтсам, шу маънода киши билмас бош чайқадим. «Чапанисанда, бачам! Сени жонқобиллигининг яхши кўраман! Битта иним — суянчиним бор эди, қабатига сан кирдинг, қанотим жуфт бўлди! Кўзим тирик экан, хорлик нима — билмайсан! Бироқ, шилтангни тозалаб юр! Кимки бировга чоҳ қазиса, оқибат ўзи йиқилади. Бу мени гапим эмас, улуғларники. Бор, бачам, юмушингни қилавер!..» Елкамдан тоғ қулаб тушди. Кўпқарида туёқ остида қолгандай белим чиқиб, суробим тўғриланган эди. Хонадан судралиб чиқдим. Қайси йўлдан уйга бордим — эсимда йўқ. Адашмасам, йўлда биров гапга тутди: «Салом Ҳаққулнинг машина туртиб кетибдими?» Унга мўлтайиб қараганим, ўпкам тўлиб, унсиз йиғлаганим рост. Лекин ўша ким — ҳали-ҳамон менга қоронғи. Шу кундан арокка мук кетдим. Сени ҳам, Салом Ҳаққулнинг ҳам унутай, дедим-да. Бурунги эшиклар энди берк эди, менга сўйр эди, Ойбарчин!.. Бир кун азонда онам шўрлик туртиб уйғотди: «Отажоним, турақол! Раис буванг одам юборибди. Сени йўқлаётган эмиш», деди. Бордим. Зобитов бошдан-оёқ разм ташлаб, ҳолимга куйингандай бошини сарак-сарак қилди: «Ҳой бачам, бу нима туриш? Қарчингайдай қирчиллаб тургич эдинг? Энгил-бошингга мундай қара! Уят-э! Кўчада ётган Боқи пиён ҳам сендан минг марта авло! Кишиларга ман, Салом Ҳаққулнинг ўрнига укамиз — Ҳакимбекнинг тайинлайман, деб юрсам-у!..» деб гўё менга ҳиммат қилмоқчи бўлди. Рад қилдим: «Салом Ҳаққулнинг ўрнига бошқа бировнинг тайинлайверинг! Мен кетмоқчиман, комсомолга чақиришяпти», дедим. «Шунақа, де? Энди, Ҳакимвой, колхоз сизга каптархона эмас, пир-р этиб келиб, бесўроқ пир-р этиб учиб кетаверсангиз! Муни эгаси бор. Каттага, бу бала бўлмайди, сиз айтган ишни ҳали уддалаёлмайди, деб айтдим. Пича тупроққа қориш, пешонанг мундай йилтирасин, суягинг қотсин, бачам. Кейин ўзим сани юқорига

тавсия қиламан. Қулоғингда бўлсин! Мунақа гаплар олдин манави ерда,— дея у столни сертаъкид чертди,— гишиси керак! Менга қара, яхшиси, сан кассирликни ол! Бош ҳисобчиман деб каталакдай хонага тиқилиб ўтирасанми, а? Мундай, тоза ҳавода бир-икки йил ишла, хўпми? Гап бор-да!..» Шуйтиб, қўлим ишга бормай, бирер ойни ҳардамхаёл ўтказдим. Куз оёқлаб, куёш тафти қайтди, совуқ тушди. Зобитов арқонни узун ташлаган экан. Бошида Тошбоевникига бир юбориб олдию кейин қиш киргунча на юмуш айтди, на йўқлади. Ўзинчи декабрда қўққисдан қақириб, газетага ўроғлиқ нарсани қўлимга тутқазди: «Ҳакимвой,— деди у ғалати тикилиб,— шуни Ўринов аканга етказ!» Йўлда кетаётиб, унинг маънодор қарашини ҳеч унутолмадим. Сабрим чидамади, ахийри, синамоққа қилди-ёв, деб мотоциклни четга олдим. Қуёш чараклаб турса ҳам ҳаво совуқ, қиш чилласи қўлга нина санчади. Аста ўрамни очдим, қарасам, боғи бузилмаган беш бойлам ўнталик. Бирини қўйин чўнтакка тиқдим. Қўлидан келса, терингни шилсин, Ҳакимбек! Бу бойўғлининг кўзини шуйтиб ўйиш керак, деб кўйдим ичимда. Кечга бориб у яна дараклатди, рўбарў бўлувдим, арзандасининг ножўя қилиғидан кўнгли ўсса ҳам, иримига койиған отадай: «Нима килдинг-а, бачам?», деди. Миқ этмадим. «Ўмарибсан-да, а?» Тасдиқ маъносида бош ирғадим. Ғайирлигим тутиб, узил-кесил: «Лекин қайтиб бермайман!» дедим. «Ҳэ, тен-таг-э! Ишнинг белига тепаёздинг-ку!— деди Зобитов. Кейин «қўл-оёқли бўп қопсан-ку, бачам» дегандай мийиғида кулиб, тагдор қаради:— Илинганга чакачарвидай ёпишмасдан мавриди билан... Егиси келган йўриғиниям топади-да, каллаварам!..» Э, Ойбарчин, нимасини айтай сенга! Шу-шу, кун туғса ҳам, ой туғса ҳам менга, Зобитовга туғди... Сомончига сомон, менга пул қаҳатми?! Қўрғурни банкдан срезент қопчикка жойлаб чиқаман, кассир — ўзим, инкассатор — ўзим, бурунги чекистлардай қўйин чўнтакда пистолет. Оку қора кўзга кўринмайди. Вақт-бемаҳал Зобитовнинг дарвозаси Ҳакимбекка очик! Унинг бир қилиғи мени танг қолдирарди. Дарвозадан кириб борсам, гўё бўлак ташвишга алаҳсиб, ўлик-тиригимни унутиб кўйгандай ажабсинарди. Не ҳасратда келганимдан беҳабардай ўткам овозда: «Оламда нима гап, бачам?— деярди.— Тинчликми?» «Опкелдим!» У анқовсираб, «Нимани?» дегандай им қоқарди. «Анчайин юмуш билан безовта

қилганинг номаъқул-да», деб тумтаярди. Сўнг янгамиз-ни чақириб: «Хоним, чой қўйинг! — дерди. Дастурхон устида нелишга нон ботириб ерди: — Бояна катта сим қоғди. Планини ўн кунда дўндирамизмиш. Хўп, дедим. Элни оёққа турғизиш даркор! Бир-икки заҳматкашга машина олиб бермасам, бўлмайдиган. Чини-пишини билан тер тўкадиганларга қайишган тузук, бачам. Нима қилай, барчанинг бошини бирдай силаёлмасам? Э-э, уят бўп кетди...» Арзу доди юрагидан булоқдай тошиб чиқарди. Қопчиқдаги пул тугул, Ҳакимбекнинг ўзи ҳам унинг салоҳияти қошида ер билан битта. Уйга қайтгач, тўшакда ётиб, уйқум қочиб, кечаси билан тўлғонганим-тўлғонган. Одамлар оғзи билан юради, сен ҳам гапга учиб... Ўйлаганинг бошқа чиқар-ов. Кўрдинг-ку, элни деб бечора борида бўлдиради, йўғида йўндиради. Аслида анави шайтонбаччалар унинг ичига кириб олган, йўлдан урган ҳам шулар. Ўзи бун билмайди, дейсанми? Дарди ичида, деб ўйлаб қолардим. Гоҳо унга ёрилгим, ҳақ йўлни кўрсатгим келар эди. Дастурхони устида неча бор селдай тошганман. У кўз остида тикилганча оғзига талқон солиб, гапимни тасдиқлагандай бош ирғаб ўтирган. Барини тўкиб, оғзига караганман. Ҳақсан, ё ноҳақсан, дейишга маҳтал бўлганман. «Э, бачам, ёлғиз откинг чанги чиқмас! Юртни деб бошимни не-не харсангга урмадим! Бу ёғи — мунака. Бориб, пункдаги Ғофиржон акагининг оғзига урмасанг, иш чаток! Айг, бугун ҳам пича қўшиб юборсин! Йўкса, эртанги бюрсада мани...», деган-у, бундан ўтказиб чурқ этмаган. Даҳлиздаги брезент қопчикни кўлга олсам, тоши кам. Ҳа энди, янгамиз бозор-ўчарликка пича олгандир-да, деб қўяқолардим. Елкамаелка шунча ишлаб, Зобитов бирда-ярим кўлимга қараган одам эмас!.. Дарвозасига бақамти даричадан чиқа туриб, гумонгир назар кетимдан совуқ тикилиб қолганини аниқ сезардим. Мен билганим — иккита Зобитов. Котилликдан сўнг бири мен билан тиллашди, кўлимга кишан солиб, молтопар тўрвани бўйнимга осди. Кейингиси ҳаммаша эл ғамини еб, поилож ғирромлик килиб, ўзи ҳам бундан озор чеккан жонкуяр тахлит кўриниш берди. Лекин бу Зобитов деганининг уруги сероб. У бир юҳо эди. Мен тугул, бутун бошли ўлаатни ямламай ютса ҳам, ҳеч вақо кўрмагандай қўр тўкиб, сипо, сиёсат килиб тураверарди. У аввал-охир менга зигирча ишонган эмас, лекин тўрвақоқди биз тан эди... Э, Ойбарчин! Пул деганининг париникидан зиёда жоду-

си, мушки анбардан аломат бўйи бўлар экан. У кишини сархуш қилиб, ақлини ўғирлар экан. Гоҳо, кечалар шу бўйга қўмилган хонада сўшпайиб ўтириб, гирдимда хазондай сочилган пулларга термулганча ғаройиб хислар туярдим. Уларнинг кетида бир тилсим яширину таннархи адои ниятларимга бийлагудай! Шунда юрагимни жиз-жиз куйдирган алам жиндай пайсал топарди! Зобитовдай эл таънасидан ҳайиқиб ўтирмадим. Бўрининг оғзи еса ҳам қон, емаса ҳам. Давринг келдими, сур энди, дедим-да, ундан бурун «Волга» миндим. Йиғинганимнинг бетига қарамай, шопириб-шопириб сомондай совурдим, «Ҳаким шер!», деб ном чиқардим. Ахийри, шунчаликка бориб етдимки, осмоннинг устуниман деган не-неларни хўрозқанддай пулга чақдим. Э, Ойбарчин, нобоб бир хатолик ўтди-да мендан...— Ҳакимбек нордон дори ютганидан мамнун боладай жилмайинқиради. Ойбарчиннинг: «Қандай хатолик?», дея сўрашидан умидвор, севинч учқунлаган қув назар билан унга тикилди.

Ойбарчин, гўё тўй-тўйлаб қайтгач, кулбахонаси ўрнида маҳзун култепага дуч келгандек ногаҳоний мусибатдан икки букилиб, ғамга қўмиб қолган эди. Сулув чехрасида, кўзларининг ичида мунг ва изтироб. У ададсиз азият чекмоқда. Ҳойнаҳой, Ҳакимбекнинг қочирими қулоғига кирмаган. Ниҳоят, ўпкаси тўлиб, кўкси сезиларли кўтарилиб туша бошлади, сиқимидаги узумлар эзилдими, бармоқлари орасидан намлик сизиб чиқди...

Ҳакимбекнинг чаккалари қотирмадек тиришди. Кибр билан қаддини керди-да, тикрайиб қаради. Дўзах азобини бир сидра бошидан кечирган ва интиҳосига етиб, мушкулотга сўнгги нуқта қўйган одам — Ҳакимбек, Ойбарчин қисматимга куйинар, бахтиқаролигимга ачинар, деган эди. Ҳасрат қилиб, қаҳрга қолишини кутмаган эди. Тумшайиб, айтганларини аввал-охир эслаб кўрди ва унда нафратга сазовор бўлгулик бирон кинғирлик кўрмади. Назарида, шундай қаро кунга йўликиб сондан чиққаннинг аҳволига фақатгина қайғуришу ҳамдardлик ўринли. Рост, Ойбарчинга тиз урди, нобоб хатолик ўтди-да мендан, дея ғариблигига ишора қилди. Энди, қочирими ерда колгач, ҳамияти баттар оғриди. Нимадир ичида қолгандек туюлди, қўқ-қисдан гапи чала-чулпалигини эслади. Дарвоқе, Ойбарчинга у дардини дастурхон қилди. Бироқ, борини тўкиб солмади. Шу боис Ойбарчин ҳеч вақони тушунма-

ди... Вазият бирмунча ойдинлашди. Аммо Ҳакимбек қиссагўйлик қилишга рағбат туймади. Ойбарчин билан бу тахлит ажрашишга ҳам кўнгли бўлмади. Ахийри, унинг бунчалар соддадиллигидан ранжиб, қайириб ташлаш муроидида кўпни кўрган кишига хос вазминлик билан деди:

— Ойбарчин, менга бундай қараманг. Сизга бу — «Қасаллик тарихи»ни тўлғазиш эмас, олсангизу чатиб ташласангиз. Буни ҳаёт, дейдилар, азизам!

— Қўйинг-э! — Ойбарчиннинг койинган овози зўр-га эшитилди. — Сиз... шундай қилишга қандай ботиндингиз-а? Яна, буни, ҳаёт, дейдилар, деганингизга куййми! Мақтанадиган жойни топиб, мени етаклаб келган экансиз-да? Бўлди, гапирманг! Шўрингиз қайнаб юлганига кўзим етувди, лекин шунчаликка боргандирсиз, деб ўйламовдим. Кишининг боласи уволга қолса-ю, сиз...

— Ие-е, мен қараб турибманми? Салом Ҳаққулнинг хуини довлاديم-ку! Раҳматлининг армонини ушатган бўлсам. Бу камми?

— Армонини ушатдим, дейсиз, Ҳаким ака. Шунча йил қандай чидадингиз, а? Тагин орқаворотдан қилиб юрган ишингизни қаранг! Ҳакимбек шунақа одам, дейишса, ишонмас эдим. Ўз оғзингиздан эшитиб... Қўйинг-э! Қонун бор эди, ахир сизни отиб юборишмасди-ку!

— Нима қиласиз мени қийнаб, Ойбарчин!

— Э, Ҳаким ака, тоқайгача эл кўзига чўп соласиз? Сизни худоям кечирмайди!

— Оббо, «берди»сини айтгунча, уриб ўлдирасизми! Мен-ку ётиғи билан сўзлаётувдим, калаванинг учини чувалатиб, нуқул «Қонун!», «Худо!» дейсиз! Худойлаган билан бир пима ўзгарадими? Боя.. Ҳа, ҳа, — У чуқур нафас олиб, ҳоргин уф торгди. Кейин кўнглидагини айтарини ҳам, айтмасини ҳам билмагандек жиёл иккиланди. Кифти билан юзини тўсди-да, ўнғайсиз: — Бултур куним битган эди, узайтирган — ўзинг! — деди. Гапи вазиятга номувофиқлиги боис, сўзлабнатуриб аччиқ ранж чекди. — Операция чоғи кўнглим чўкиб ётганида, билмадим — тушимдами, ўнгимдами, фариштадай келиб, манглайимни силадинг, Ойбарчин! Кўргани кўзинг йўқ экан, нега шундай қилдинг?.. Бундан роппа-роса етти йил илгари — Салом Ҳаққулнинг ўлиги устидан чиққан кечам Чорбоғдаги кинотеатрда оқшом кўрган киномиз эсингдами?

«Клеопатра». Унда, Клеопатранинг Римга сафари ҳам хотирингда чиқар? Ўзи қарам элатнинг маликаси-ю, худди юрт эгасидай салтанат билан кириб боришини қара! Ёпирым-эй! Осмонўпар тахтиравони пойида римликлар, истайдими, йўқми, Цезарь қатори тиз уриб, қуллуқ қилади — эсингдами шу!.. Сен ҳам туман кўйнидан чиқиб, Клеопатрадай руҳимга кириб келдинг! Қани энди қурбим етса — сендан қочиб кутулсам! Мендан кулма, гапнинг чини — шу! Бундан бу ёғи тоза аломат. Шу, десанг, жонимда бўлак Ҳакимбек мудраб ётган экан. Сени кўрдим дегунча инжиқланиб бош кўтаради, менга ҳакамлик қилади. Юрагим қон қусади. Эслашга ҳаддим сиғмаса ҳам, ўша қатрон кечани ўйлаб кетаман. Бир ботир гўё чўкмор билан қоқ миямга кўйиб юборади, кейин анчага довур ўзимга келолмайман. Ичай, аламдан чиқай десам, ярим жон, тўшакда ётибман... Сени ҳам, қизчамни ҳам кўрмасам, дер эдим. Кўрсам, жоним қийналарди. Касалхонадан чиқач, сенга йўлиқмаслик пайида юрдим. Хийла вақт ўтди, баногоҳ бир хуфтон анави поликлиника даҳлизида тўқнаш келдик. Гавҳарда зарур ишим бор эди. Банкда кассир у, танирсан? Буни қара, сим қоқай десам, шу теваракдаги автомат-телефонларнинг яроклиси йўқ. Поликлиникага кирдим. Даҳлизда, деворга осиглиқ кумушранг автомат-телефон бор экан. У трубкани кўтаргач, «Ҳа, ойимча?.. дейишимни биламан, эшик тарафдан «Ҳаким ака, ўзингизмисиз?» деган овозинг келди. Юрагим бир қапчиб тушди. Кўзимнинг қирани ташладим: сени қошларингдан танийман-да, Ойбарчин! Ингичка, камондайин қошларингга қарадим! Сени лабларингдан танийман-да, Ойбарчин! Қон томай деб, анор донасидай тирсиллаган ақиқ лабларингга қарадим! Кўзларингга қарашга ботинмадим, Ойбарчин. «Шаҳар-жойга танда қўйибсиз, Ҳаким ака?», дединг; тегишган бўлдинг. Хаёлимдан бир ўй кечди: «Бизларни соғиниб, шаҳарга уя курдингизми, Ҳаким ака, демоқчи-да! Ҳалиям, ройиш, сенга кўнгли бор». Қурғур хаёлнинг кўчаси кенг, не ўйлар кезмайди унда, Ойбарчин! Кулбахонанг қаерда, билиб қўйсак, зиён қилмас, деб сўраб эдим, индамадинг, кулимсираб эшик сари юрдинг. Марҳаматингни эгри тушуниб, кутар, дея телефондаги суҳбатни давом эттиравердим. Ташқарига чиқсам, йўқ экансан, Ойбарчин! Рўйхатхонага киргандир, чиқар деган умидда биғиндаги эшикка кўз тикиб турдим. Жингалаксоч бир йигит ўша

хонага юзланди. Туткичдан тортди, силкиди, тақиллатди: кулф. Негадир, сени жонсарақ ахтардим, осмонўлар бикони айланиб ўтиб, нариги кўчага юзландим. Қарасам, худди ўзинг: кизил плашли бир жувон қўгирчоқдай қизалоғини етаклаб боряпти. Юришлари нақ сеники! Қоматини адл тутиб, майда-майда одим ташлаб, бир ўрим сочи тақимини ўпиб кетаётир. Оловдай ловиллаб етдиму унинг билагидан тутдим, шартта ўгирдим. Ўзимизнинг қирғизлардан экан, боёқишнинг капалаги учиб кетди... Шундай қилиб, сени йўқотдим-қўйдим. Оғзимдаги ошни олдиргандай жуда алам қилди. Манави қора қутида,— Ҳакимбек кўрсаткич бармоғининг учи билан калласини «қоқди»,— не-не шумшук режалар туғилмади, Ойбарчин! «Бир балоси бўлмаса, танача кўзини сузмайди. Ўзи гап қотди-ку, эрига кўнгли йўқдир, турмушидан норозидир? Дуч келган Ибодин Ҳакимбек эмас-да сенга!», деб ўйладим. Ёқир ният қутқуси сабаб, ўшанда сиз,— деди Ҳакимбек яна «сиз»лашга ўтиб,— тоза илҳақ кўриндингиз менга. Ўйловдимки... хай, кўйинг, у ёғини айтмай, жудаям ийиғи чиқиб кетди! Уят-э! Ғалати-я?! Қинғир хаёл товоғга кирган чўкиртақдай тинчимни олдию сиздан ортиқ ҳайиқмай қўйдим...

Ойбарчиндан садо чиқмади. Устига пақир тўла супуринди ағдарилгандек ерпарчин, мунғайиб ўтирарди. Ҳакимбек унинг авзойидан уқдики, энди туриб кетмайди. Ҳарнечук, анави «ой»га чанг солишлар қай тариқа барҳам топади, эшитгиси бор. Лекин Ойбарчин «Хўш, кейин-чи?» дея сўрамади, бу маънода кўз ҳам тикмади. Гулдондаги сплоқ чечакларга нигоҳи илинганча чимирилиб ўтираберди.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, Ойбарчин, қўйинг, ранжиманг! Ўима қилай, ахир, сизга юрак ёргим келди-да! Айбим шуки, олти йиллик емишимни, бир йиллик кечмишимни биратўла, рўйроост айтяпман!.. Алалхусус, яна тўқнашдик. Чорраҳани айланиб ўтиб, Янги шаҳарнинг йўлига чиқдим. Не кўз билан кўрайки, автобус бекатида ўтган-кетган машинага қўл силкиб, тутақиб турибсиз. Эгнингизда жухуди атласдан қўйлак. Шу сизга чунокам ярашади, Ойбарчин, ҳеч тараф йўқ! Банкка қичанглаётган одам, қорангизни кўрдиму «Волга»ни миниб чиққанимга чакдон суюндим. Худойим ишингни ўнглаб юради, Ҳакимбек! Миндирасану ҳайто-ҳайт деб Оқтовга, тўғри Берансойга ҳайдайсан!.. Тушиб, қўлингизни олдим, секин, маънодор сиқдим.

Бунинг натижасини кўриш муродида кўзингизга қадалиб тикилдим. Аввало, қўлингизни аста тортиб олдингиз, кейин «Эси жойидами бунинг?» деган маъно англатиб, лабингиз бурилди. У вақтлар кимсан — Ҳаким шер эдим, бу иддаонгиз айил ботди, Ойбарчин! Ўша кезлар дилимдаги шу эди: ўтар дунё, кетар дунё! Эртан сендан қоладигани — дўппайган мозор. Ҳў-ўй, кўзинг тиригида отни қамчила, айшингни суриб қол, дердим. Дастим узун, юртда ўзимни Ҳаким шер биллиб юргичман, соямга салом бергувчи сон-минг. Сиз эса... «Ҳа-а, нима бу, димоғ-фироқ? Кишининг ишқорини оздирасиз. Ўтиринг, элтиб қўяй» дедим. Сиз бундай бир қарадингиз, ҳурдай, десаммикан?! Изғириқ учирмади, йўқ бўлиб йитмадим! Сиз бундай бир қарадингиз, қизимдай десаммикан?! Ер ёрилмади, кириб кетмадим!.. Шунда ҳам чакамўғлигим қолмади-қолмади, ҳа-а, майли, дедим, худонинг куни кўп-ку, бизга ҳам атагани йўқ эмасдир... Менинг иккита тушим бор, Ойбарчин! Босқинқирасам, шуларни кўрганим-кўрган. Кеча уйқум адашди, сахармардон суякларим бир оғирлашди-ей!.. Ўзимни сезиб ётибман-у, баҳарнав кўзим илинди. Босинқирабман, денг. Ҳовлимда, тахтиравонда Сиз гулдай очилиб, Клеопатрадай кибр билан ўтирибсиз. Ёспирай, бунчалар чиройли бўлмасангиз! Тагин марҳаматингизни қаранг: оқбилак қўлингизни Ҳакимбекка узатгансиз! Аммо икки орада мозорат, сиз нари, мен бери ёқда. Ўнг қўлимда бир бойлаб чўкирттак, гулдастанинг сели қочмаган дастаси эмиш. Мозорат гирди бир пасха девор билан ўралган. Деворга орқасини бериб Истарчи момо чўнқайган. У ҳадеб мени қойийди, жаврайди. Йўл мозоратни кесиб, тикка ҳовлига чиққан эмиш. Боратуриб қўлимдаги дастанинг боғичи сирғалиб тушди. Энгашиб узалувдим, Истарчи момо безиллаб, икки қўлини бирдай силкий бошлади: «Ҳай, жувонмарг, қўй, қуриб кетгурни олма!» Белги бериб турибди, боғич — беҳосият! Ихтиёрсиз олдим, у жиякнамо қора латта эди... Сиз ҳурдайн, қизимдайин қараш қилиб, тириклайин қаро ерга тикқан кун илк дафъа шу тушни кўрганман. Тўғри, унда мозорат бугунгидек аниқ намоён бўлмаган, оралиқ ҳийла олисмиди. У айқириб оқаётган бўтана дарё кўринишини берган. Чўчиб уйғонгач, азонгача мотам тутиб ётдим. Ирим қилиб, икки дунёда ҳам сизга дастим етмаслигига имон ўгирдим. Ҳаким шернинг қўли ҳам калта экан-да, бу оламда шундай хилқат ҳам бор экан-да,

дедим. Тушим таъбири рост чиқди: намозгар ҳовуз бўйида гужбоғликларга мояна тарқатиб ўтирсам, Истарчи момо тиланчидай қўл чўзиб тепамга келди, Ойбарчин! Шундан берисини сен сўрама, мен айтмай! Юрагимдаги доғу алам кетди-я! Қўлимдаги қонни ювдим! Лекин қийин бўлди бу!

Ҳа, шунақа! Зобитовни кесишади! Туғилган куним бугун, деб бежиз лоф урмадим, Ойбарчин. Боя туришимни болага ўхшатдинг, бошим осмонга етди. Бундай кун умрда бир келади, қани, сен учун!— деди Ҳакимбек тўлиб-тошиб, сенсираб. У қадаҳга узалатуриб ҳаёлан Ойбарчинга мурожаат қилди: «Сенинг мавжудлигинг, тахтиравонинг учун, тахтиравондан ҳам юксаклигинг, қўлетмас илоҳанг учун!»

Тинимсиз ўзгариб бораётган ғалати-ғалати таассуротлар Ойбарчинни ўйлантириб қўйган эди, ниҳоят, унинг юзларига шундай бир ҳаяжон тепчидики, бежирим қадаҳ тутган қўли титраб кетди, шунинг касрида қалққан ичимлик қадаҳдан тошди. Кипригидан узилган кўзёши оловланган чеҳрасини ювиб тушди. У кўзёшини сидирмади, орланмади, аксинча, улуг ҳодисотга шохид кишидек тўлқинланиб, кечиримли, эъзозли назар билан Ҳакимбекка кўз ташлади. Кейин меҳри ийиб, аста ўрнидан турди-да, столи айланиб ўтиб, унинг чиройли чаккасидан беозор ўпиб қўйди. Қайтиб бериб курсисига ўтиргач, кафтлари билан чўгдек ёнокларини тўсиб, бир лаҳзалик сукутга толди. Соддадиллик ва табиийлик Ойбарчиннинг бу мунис ҳаракатларига шундай бир жон ато қилган эдики, Ҳакимбек ўша — ризолигини тилаб розилигини олган кундагидан ҳам толеини юз чандон баланд, ўзини масрур ҳис этди. Бироқ бу оний хушбахтлик замирида ачиб, жийиб ётган зардоб тўсибдан кўриниш бердию қулоғидаги ортиқ қағи ҳамиша ҳамдам азобу уқубатлар кўкрагидан сиқиб, жону жаҳонини исканжага ола бошлади.

— Ҳаким ака, энди сизни қамашадими?

Ойбарчиннинг дўлвор сўровидан у кулди, ва уни кизига қисслаб, ҳар иккаласини ҳам бойчечакдек қувончбахш, маъсум, ҳимоясиз эканлигига ишонч ҳосил этди. «Шунча ҳам беозор бўладими киши? Итнинг ҳам, битнинг ҳам кўзини қувонтирай, дейди булар. Анавилар эса топтаб кетади!» Унинг бағри туз сепгандек ачишди. Оёқостидаги мижигланган, абгор бойче-

чак хаёлида жонландию бу ғамгин ўйлардан тезроқ халос бўлай дея ғапга чалғинди:

— Аслида, бу — иккинчи даражали масала. Қамоқча ҳудо подшо. Қирриқлик қилинса, сувдан қуруқ чиқилади. Кассир — даллолдай ҳожатбарор-да, менда нима айб, Зобитовнинг кўрсатмасини бажарган одамман, деб бақрайиб тураверсанг, бўйнингга сиртмоқ солармиди? Ғирромликка асти тоқат қолмаган, Ойбарчин!

— Нима гуноҳ қилган эдик, фалокат йўл қараб турса? Энди, икки кўлим бир тепамда бўлиб... Не-не ниятда қирчиллаб юргич эдингиз! Бирда сизни истаб йўлга ҳам чиқдим. Ўйингизга боргани юзим чидамади, Саид Маҳсумга йўлиқақолай деб идорасига бош суқдим. Миттигина одам экан. Итирқин хонада бешоволтов бир бечоранинг ғийбатини қилиб, тутунга кўмилиб ўтиришган экан. «Ойбарчинмисиз? — деди. — Ҳа-ким жўра энди йўқ, Ойбарчин! Бизнинг жононни у йўлдан урди. Сиз энди каминага тегсангиз, газетачилар тили билан айтганда, мақсадга мувофиқ бўлади! Дурустми? Совчиликка кимни жўнатай! Ҳақимбойни-ми, а?» Жўрангиз ичиқора экан, бахиллиги шунчаликки, тегишган бўлиб, кўлимсираб ғап қотяпти-ю, ғайиртовуши ҳирқираб чиқяпти. Айтганига ишонгим келмади, сизни кутдим, чимилдиққа сёқ босгунча кўзим тўрт бўлди, Ҳақим ака! Кейин... қорангизни кўрсам, тутдай тўкилиб юрдим. Менга ҳам осон тутманг, эрта сўлган гулдай сарғайдим. Не бўлса-да, айбингизни ювибсизку! Энди юрт оқсоколларига юкининг, иқрорингизни айтинг. Эл ҳимматли, эл кечиримли. Қамоқдан чиққач, чўмилтирилган чақалоқдай топ-тозариб, ҳаётни қайтадан бошлайсиз, Ҳақим ака.

— Янгитдан, дейсизми?

— Ҳа, янгитдан! Ишонинг, кўрмагандай бўлиб кетасиз ҳали! Мен ҳам... гоҳ толиқиб, кўнглим совиганда, сизни ўйлайман, оламда борлигингиз руҳи-жонимга далда бўлади. Кўча-кўйда тўлиб-тошиб юрганингизни кўрсам, бир қарич ўсаман. Қачон қарамай, сиз хурсанд юрсангиз, дейман.

— Раҳмат, Ойбарчин!

Ҳақимбек ўрнидан тургиси, Ойбарчинга тиз уриб, оёғини кўзига суртгиси келди. Лекин ўрни эмас. У Ойбарчиннинг даъватидан руҳланган кўйи эртанги ҳодисотлар, қайта бошдан тикланажак Ҳаёт ҳақида ўй сура бошлади. Иттифоқо, зийраклик билан бир

ҳикматни англади; Ойбарчин гўё қудуқнинг оғзида турибди, Ҳақимбек — тубида. Ойбарчин юқоридан, бу ёққа чиқинг, дея ундайди: пиллапосясиз бу қудуққа тушмоқ бору чиқмоқ душвор!

«Ҳаммомпиш ўйнаётган боламидимки, уни бузиб, текислаб, қайта бошдан янгисини қурсам?» Ҳақимбек мийиғида аламли кулги, дилидагини Ойбарчинга сездирмаслик учун деразага бетланди. Хаёл уммони унинг кўнглини ўртаб юборди.

...Чимтол супа. Қорамтир фалакда юлдузлар ғужгон. Заминда... шоҳтутга осилган сурп-экран. Унда дудама қиличлар ярақлайди. Ана, оқлар келди! Чапаев аскарлари қаёқда қолди? Ахир, оқлар ҳаммаёқни ғорат қилди-ку! Қизилларнинг кўзи қаёқда, анавиларни янчмайдими?! Шу жойга келганда томоша куй бўлди. Киночи чол — Исмоил чўлоқ чопилган аскардек гурсиллаб қулади. Қий-чувда кимдир чироқ ёқди, чол сартахтага олинган ўликдек қотиб ётар эди. Биров куйиб-пишиб деди: «Бечора, тупроқ тортиб келган экан-да!» Ҳақимбекнинг бағрида армон қолди. «Эҳ, Чапай, Чапай! Оқларни тирқиратмадинг-да, Чапай! Майли, ҳали шошмай туришсин, ўзим Чапай бўлиб, кунларини кўрсатаман!» У эсини таниб, кўрдики, Чапаевнинг даври ўтган. Қийинчиликни бўйнига олиб, даштда бахтига яраша бир хўжалик тузгани маъқул. Кўрган кўз қувониб, Боғи Эрамми, десин. Тошлоқни текислаб асфалт йўл чиқаради. Икки биқинда кўркам, ғиштин бинолар киприкдек тизилади. Анави Берансойни кенгайтириб, ҳадсиз кўлга айлантиради, балиқ урчитади. Тоғ бағрига сув чиқарса, арчаю-ёнғоқ экса, ўрмон тутиб кетади. Улуғ ишлар қилади у! Овлоқ дарани яшнатиб, одам топмас ўша жойда мактаб-интернат, техникум қурдиради. Манман деган мутахассисларни ййғади. Ўқувчилар бамисоли Боғи Эрамда юришади, ишдан озод, фақат ўқишади. Ўтли-шуддиларини Московга элтиб, университетга жойлайди. Меҳмонга келганлар «Оббо, Ҳақимбек Қиличович-э! Қилса бўлар экан-ку!», деб ёқа ушлашади. Сердарахт, хушманзара кўчалар Алпомишу Гўрўғли номида. «Муқбил Тошотар» стадиони. Тоғ сийнасидаги боғ-роғ «Ойбарчин» деб аталади. Ҳу баландликда унинг хаёлий сиймоси — ҳайкали: у қўлларини чўзиб, кўзи тўрт бўлиб, Алпомишини интиқ кутиб туради. Ўтли кўнгилларни юксакликка чорлайди!..

Шу манзара кўз олдида намоён бўлдию сўнгсиз

армон забтида Ҳақимбек сассиз ингранди. Ойбарчиннинг «Чўмилтирилган чақалоқдай топ-тозариб, ҳаётни қайтадан бошлайсиз!» дегани дилида яна умид қўзғайди ва «Асли одамзод нима учун туғилади?— дея мулоҳаза юрита бошлади.— Уруғимизни экиб кетганлар ҳокитуробдир. Киндик қонимиз гўё даракчи, у томганда, насли, яъники ҳаёти давом этаётганидан боболар руҳи шодланади. Эртан бир кун биз ҳам ҳокитуробга айланамиз. Шундай экан, ўтганлар руҳини чирқиратиб, ҳокитуробини оёқ ости қилмаслик, қора қонга бўяб, топтамаслик керак. Тириклик ҳар қайсимизни бино этатуриб, капалак умридай қисқа муҳлат беради, шу фурсат ичида эрталик боқий кунингни, ҳокитуробингни завола билмас чечакларга буркаб кет, дейди. Шу мурод йўлида ҳарқанча чарсиллаб яшасанг арзийди! Ана,— деди у деразадан аён кўриниб турган чарогон кўчадаги хушқад ниҳолларга кўз тикиб,— улар тагин куртакламоқда, мўрт бўлса-да, яшил япроқ ёзмоқда! Қишнинг нафасини сеза туриб, барқ урсам, дейди! Табиатнинг расм-русуми шунақа! Охирги нафасгача яратиш ва шу ният йўлида жон тикиб курашиш зарур! Ҳечдан кўра, кеч — чақиндай чақна, Ҳақимбек!»

Кўнгли ўсиб, Ойбарчиннинг қўлидан тутиб сиқидида, ўзига қаратди.

— Нима дейсиз, Ойбарчин, мени қарғиш урганми?! Унгмайманми, а?

— Қўйинг, ундай деманг!— Ойбарчин уни астойдил юпатди.— Рост, сизни уриб қўйибди. Лекин эртанги кундан кўнгил узманг!

— Бир кун келиб, эл катори юришимга ишонасизми?

— Ишонмай нима, Ҳақим ака. Бир қўшнимиз бор, муаллим-да, нукул «Насиб этса, келар Шому Ироқдин», деб юради. Оғири орқада қолган бўлса. Энди бўёғи ўзингизга боғлиқ. Ҳали нимани кўрдик, Ҳақим ака!

— Раҳмат, Ойбарчин! Кўксим тоғдай ўсди. Шундайлигингизни билиб, юкиниб келдим-да, сизга. Мингдан-минг куллуқ! Жўяли гап қилдингиз, ҳасратимни элга айтмасам, кимга айтаман? Эҳ, Ойбарчин, Ойбарчин!— Ҳақимбек унинг қўлини қўйиб юборди. Шу чоғ авж пардаларга юксалган мусикий садолар чаппар уриб қандилларни зириллатди-да тинди, аксланган садолар ҳам титрай-титрай вазмин ғовурга сингиб,

йўқолди. Энди ён тарафдан ғурурга йўғрилган дардчил, сертаъкид овоз шукуҳлана борди: «О, улар тушмас ерга. Ерда нима — бойланиб?! Шу заҳот учар кўкда Бургутларга айланиб... Бургут менинг аждодим, ўлим деган нима гап? Йўқ, йўқ, менинг авлодим Ётмас ҳеч қачон титраб!..»

Шеър руҳи Ҳакимбекнинг юрагидаги мудроқ туйғуларни қўзғай бошлади. У ёниқ овоз таралаётган тарафга бутун гавдаси билан ўгирилди. Биқинларидаги столда тўрт чоғлик йигит; тўрда бир шоир оёқда қалқиб ёдаки шеър ўқийди, ёнидагилар столга ўмган бериб, эзилиб тинглашади. Хумкалла, тепакал шоир қийиқ кўзларини чирт юмган, баркашдек юзига қон тепчиган. Шавки ичига сиғмай сор лочиндай тўш уради, ҳавода мушт силкийди: «Сиз-чи? Сиз ҳам титрайсиз. Титраб-қақшаб яшайсиз! Лекин, билинг, оламда Бургут деган бир куш бор! Титрамайди ўлимдан, Долға каби шиддаткор!..»

Шоирга ҳавасманд термулиб ўтирган Ҳакимбек, қойил-э, дегандек армонли бош чайқади. «Баҳодирнинг изи қолади, шоирнинг — сўзи! Сендан нима қолади, Ҳакимбек?!» У оғир қўзғалиб ўрнидан турди-да, чилпиллаган қадаҳнинг бандидан тутганча шоир қошига борди. Шеър ниҳоясига етган, шоир дўнг, ялтироқ манглайидаги шабнамдек терларни арта-арта, қув жилмайиш билан: «Шамоллаганман-да, хириллаб, кўнгилдагидай ўқиёлмадим ҳам!», деяётган эди. Ҳакимбек даврадагиларнинг қиёфасидан шеър қолдирган таъсир юкини ўқди. Шоир буни сезиб турган бўлса ҳам, жўрттага шайтонлик қилаётгани, «Бу-ку, унақа-бунақа асар эмас, афсус маромида жарангламади!» деган шаъмада шеърни ўзининг қадрини ошираётганини Ҳакимбек фаҳмлади. Мийиғида кулиб, деди:

— Галниям зира-пиёзлаб, тоза бошлар экансан! Калланг ишлар экан, биродар! Шоир бўлсам, бешак сендай тўқирдим. Қани, кел, битта чўқиштирайлик! Мана шу шеъринг учун! — Ҳакимбек қадаҳини пешлади.

— Ана шу-да! Ана шу! Қаерга борма, мухлислар!.. — Шоир нима киларини билмай қолгандек қўлларини ёзди. Илжайди. Ўйноқлаб, Ҳакимбекка юзланди. Кейин ҳовлиққан кўйи қадаҳига узалди ва унинг бўшлиғини кўриб, ишонгиси келмагандек айлантириб қаради. Шашти синиб, деди:

— Э, буёғи дўлоб-ку? Рауф, ароқ-пароқ буюрсангчи?!

— Энди турсак ҳам бўлар? Чўнтакда ҳемири йўғ-у...

— Мулла мирқуруқнинг жойи эмас бу, де! Оёбо-о,

— Шоир ташвишланиб киссаларини кавлаштирди. Ниҳоят, ён чўнтагидан мижиғланган беш сўмлик чиқарди-да, беписанд, столга ташлади. — Рауф, чоп, ука, битта топиб ке!

Рауф қошларини кериб, калакаомуз жилмайганча тагдор қаради: «Ароғ? Букингизга мушук офтобга чиқмас!

— Ҳей, Мирқобил! — Ҳакимбек қўл учида имлаб, официантни чақирди. — Қани, барака топкур, ҳунарингни бир кўрсат! Меҳмонларнинг сийловини жойига қўй! Каминанинг ҳисобидан!.. Биродар, молинг кўнгилга ўтирди! Сотмайсанми бизга?

Ҳакимбекнинг эшитган қулоққа ғалати туюлган тилагидан шоир нашъа қилди. У хўрозқанд сўраётгандек тамшаниб, оғирлигини чап оёғига солди, найрангли илжайиб, сўради:

— Бўладиганини айтинг, қанча берасиз? Кетай, десам, йўлкира тополмай бошим қотиб турувди ўзи.

Ҳакимбек чўнтагидан бойламига қўл тегмаган қизилидан чиқарди-да, дастурхон устига ташлади.

— Уҳ-ҳў! — Шоир пулни кафтига олиб, салмоқлади, кейин «Бошингга кўтарсанг арзийдию акангинг қадрига етмайсан! Ҳой, бола, тарозининг шайинини кўр!» деган хушнуд писанда билан Рауфни нуқиди. Сўнг биров турткилагандек ялт этиб Ойбарчинга юзланди. Ҳакимбек ҳам елкаси оша Ойбарчинга қаради ва унинг анжирдай эзилиб ўтирганини кўрдию хатолик ўтганини англади.

«Рост, худойим сизни уриб қўйибди!..»

Шоир жиддий тортди, сипо, томоқ қирди-да, бойламини стол четига қўйди. Кейин мавқе сақлаб, деди:

— Ташаккур! Биз овлоқ шаҳарда сиздай шеърпарастни учратганимиздан мамнунмиз. Буларингиз — ўзингизга сийлов. Асари учун қадаҳ сўнишнинг ўзи шоирга давлат! Сизга бағишладим ушбу шеъримни!

Ҳакимбек сиртига сув юқтирмаса-да, зил кетди. Шоир қўлини қайтаргани ва пулингиз — ўзингизга сийлов, дегани, кўнглини қанчалик кенг тутмасин, ҳамиятига тегди. Шоир паришон, қўл учида бойламини яна пича суриб қўйди. Тенгситмагани тегишиб, бир

челак сувни бошидан қуйиб юборган каби Ҳақимбекнинг елкаси тиришди. «Ўзингни бос, Ҳақим! У-ку вақтини хушлаб ўтирган эди. Келиб тирғалган — ўзинг? Нега яна... Еярга бир тишлам зогораси йўғ-у, бунча ўзини осмонда кўрмаса? Зобитов эмасдир, ахир?!»

Шоирнинг, сизга бағишладим ушбу шеъримни, деган марҳамати ҳовурини босолмади. У чап қабогини кериб, тикрайди, димоғидан заҳар томди. Баногоҳ Ойбарчин зимдан кузатиб турганини, норози қиёфасини туйди. Хотиралар, аввал-бошдан то охир бари бирваракайига миясига урилди, шунча тоат-ибодату покланиш орзусидан сўнг яна шеър сотиб олишга бел боғлагани, шу баҳонада сармоясини намойиш этгани, тагин бун Ойбарчиннинг кўз олдида қилгани... вужудида чидаб бўлмас оғриқ қўзғади. «Эҳ, Ҳақимбек, Ҳақимбек! Шу одатинг зиғирмойдай кўнгилга урдида, биродар! Чиллангда чироқ кўрмаганмисан, дейман?» Мушти омбирдек сиқилдию қўлидаги қадаҳ заиф чирсиллади. Кафти жизиллаб ачишди; қадаҳ синиқлари қатори ичимлик ҳам оёқостига — паркет полга тўкилди.

— Ҳақим ака, қайтайлик...

Ойбарчиннинг зорланган овозини у зўрга эшитди, тишини тишига қўйиб, ғазаби босилишини кутди. Ниҳоят, қонини кўпиртирган ҳовур жисмини чатнатиб, бошига кўтарилди. Қалт-қалт титрай бошлади. Кўз олдида гўё мислсиз портлашда бодраган тупроқ кўриниш берди — Клеопатранинг кунпоаякун тахтиравони кўкка учди.

Аллақим билагидан сиқиб турарди, у хушламай ўтирилди ва Ойбарчиннинг ёлворувчан нигоҳига дуч келди.

— Ҳа-а, сафар қаридими, Ойбарчин?

— Бемаҳал бўлиб қолди, Ҳақим ака! Қизчангиз йўл қараб ўтиргандир?

Ҳақимбек итоаткорона пойгак сари юрди. Уч-тўрт одимдан сўнг тўхтади. Шимининг киссасига қўл суқди-да, қатлоғлик пул чиқарди, қайтиб бориб, уни дастурхон устига қўйди. Яримлаб қолган арман коньягига тикилди, кўзи қиймади, жаҳдланиб қўлига олдию кўтариб, то нафаси қайтгунча симирди. Кейин қўлининг орқаси билан лабини артиб, пича тин олди. Шишанинг тубида бир-икки қултум қолган эди.

— Тўқилса, биратўла тўқилсин битим! Ахир, иримчи одамман, Ойбарчин!— Ҳақимбек қолганини ҳам сиқорди-да, тамшана-тамшана шикаста қулди.— Энди кетсак ярашади.— У пулни шишага бостириб қўйди, сўнг сочиқни олиб, лабларини сидирди.— Ма-на энди, ҳайто-ҳайт деб орқамизга қарамай кетаверамиз! Сизнийм овора қилиб қўйдим, Ойбарчин. Айб-ситманг. Мен ҳам одамларга қўшилсам, элга эла-кишсам, дейман. Ибодинга очигини айтинг. Тушуна-ди, эси бутун. Ҳавасим келади унга!

— Нимага ундай деяпсиз, Ҳақим ака?

— Унга осон — ёнида сен бор. Азобни Ҳақимбек-ка чиқарган. Анави шоирни қара, бош қашишга тир-ноғи қолмаган, босар-тусарини билмайди. Э-э, белда белбоғинг бор экан, Бойчиборинг бўлсин-да! Майли, ёвнинг човутида, Барчинойинг бор бўлсин! Шунинг кўйида от солиб ўтсанг...

Остонага етгач, эшик тутқичига қўл чўзатуриб, у вазмин бурилди ва камалак жилоли саҳнга, сер-гулу садолар оқимида маст бўлиб рақсга тушаётган гуруҳга ҳасратли қараб қўйди.

— Кўрган-боққанамиз шу бўлдимиз? Кетар жафо-сига бир ўйнамаймизми, а! — деди. Розилик ҳам сў-раб ўтирмай, Ойбарчиннинг қўлтиғидан олди-да, саҳн-га бошлади. Сергулу оҳанглардан жунбушга келган, қўлу оёғи, белу кўкрагини ўйнатганча ўзини орқага, тоҳо олдинда ташлаб, бош чайқаб рақсга тушаётган тўдага етиб, тўхташди. Ҳақимбек Ойбарчиннинг бе-лидан озорсиз кучди, Ойбарчин ҳам окбилак, нозик кўлларини сомелик билан унинг яғринларига қўйди. Шу йўсин умумнинг ҳамда куйнинг оқимига зид тарзда давра четини олиб, оҳиста айлана кетишди. Ҳақимбек, хаёлинг бир буржидан ҳасратли нидо окиб келаётганини англади. Шуурида чарх урган ўтли саслар жисми-жонини банд этди: «Тирикман зоҳир аммо, халқ бир одам гумон айлар, Ва гар на маҳз сураат танда жонидан адашганман, ҳай, ёринг-ман!» Шу мунгли муножот, унга монанд маҳзун куй, хонанданинг нолон, ғамбода уни... Ҳақимбекнинг то-мирида кон бўлиб оқди. Юрак тепиши баробарида ҳаракати ҳам борган сайин сусайди. Қўшиқнинг ваз-мин оқимида тебрана-тебрана рақс тушаберди. Анча-дан сўнг, муаттар бўйни туюб, сергак тортди. Алла-дек элитган наво хаёлидан чекинди. Кўпдан буён қўмсаб юрган — димоғига урилган бўйни дараклаб,

теваракка безовта аланглади. Кейин кўзини чирт юмди-да, ҳид олди. Ҳид димоғи остидан, Ойбарчиндан таралаётган эди. «Эҳ, худойим-эй! Бу— ниманинг ҳиди, а? Бунча ўткир бўлмаса?! Қалампирмунчоқникимикин? Топдинг! Анавиниси-чи? Сочини қатиқлаб юбган чиқар-да? Шунинг... йў-ўқ, сут ҳиди, сут ҳиди бу!»

Ҳидларнинг момоси — шу ҳид Ҳакимбекни масқитирди. У баҳузур сўлиш олди; кўзларини очгиси йўқ эди! Бироқ, ногаҳоний турткидан чайқалиб кетдию кайфи учди, ялт этиб зарб еган тарафга қаради ва тирғалиб турган барзанги йигитга ёмон олайди. Афтидан, барзанги жазга туша-туша, ирғишлай-ирғишлай чайқалиб кетгану келиб Ҳакимбекка урилган эди. У Ҳакимбекка парво ҳам қилмай енг ҳимарди ва улуг ишга қўл уриб, шуни маромига етказиш пайида бўлган тиришқоқ тахлит бир силкиниб олди-да, яна зикрга киришди.

Ҳакимбек Ойбарчинни қўйиб юборди. Оромим, деб, тинчингни бузса, ҳақоратласая қилмиши ўринлидек яна миқ этмаса — инсофданми шу? Ҳакимбек муттаҳамчиликка яраша жавоб қилгулик азму қудрат туйди. Рақсга тушаётганларни туртиб-силтаб, йўл очди-да, давра ўртасига чиқиб борди, жамоа диққатини тортиш ниятида арслондек ўкирди:

— Э-ҳе-эй! Қоч, нари! Дов меники, қани, бошладик!

У оҳанглар таъкидига бўйсунмай, жаҳд билан «Лазги»га шох ташлай кетди. Бир давра олгач, Ойбарчиннинг белидан қучдию чирпирак қилиб айлантирди, ахийри уни қўйиб юборди ва қўлига илинган бошқа қиз билан телбаваш ўйнай бошлади. Қуйи лабни у асабий қимтиган; битта-ярим тирғалса, жеркиб, кўкрагидан итариб юборар, ўзи эса минг муқомга йўрғалар, аҳён-аҳёнда қарс уриб созандаларни қичар, «Қиздир!» дея пишанг ташлар эди. Ногоҳ оппоқ чамандагул этакли кўйлаги қоматига ярашган Ойбарчин даврадан сирғалиб чиқаётганини илғади. У остонага етганда қайрилиб қаради ва узр сўрагандек ширин табассум ҳадя этиб, енгилгина қўл силкиди. Ҳакимбек чалғинишни истамаган каби унга жавобан бош ирғаган бўлди. Кишилар четланган. Улар саҳн гирдида чапак чалишиб, ҳавас-иштиёқ майлида лаллайиб туришар эди. Қиз-жувонлар давра жиловини қўлга олиб, хандон-хушхонликни жонлантирган, ода-

тийликка хилоф нимадир қилишга ундаётган бир ўктам йигит чиққанидан ўзларида йўк шод. Навкирон руҳдан илҳом олиб, ял-ял ёниб, бири-биридан қолишни истамай, ҳар қайсиси ўзича Ҳакимбекнинг назарига тушиш, жиллақурса, кўзини бир ёндириш иштиёқида муқом қилишарди. Ҳакимбек эса айқириб, айқирганда гашти келиб, словдек ловуллаб ўйнардди. «Э, бу аёл зоти!.. Эр мардумларни қара! Бу қўлагалар қачон сонга киради, ҳайронсан. Йиғсанг, бари бир пичоққа соп бўлмайди. Кетдик, де, жаҳаннамга бошла, эргашади! Алланинг кўлагалари!»

Дўрдоқ лаблари сўлжайган, завқи келиб, ҳадеб калласини ўйнатаётган носкадибош кишига кўзи тушдию Ҳакимбек уни Салим гуппига ўхшатди: «У ҳам бўйнини шундай лиқиллатади».

... Салим гуппи эшагига хала босиб, қичаб келаберади. Уч-тўрт ҳамқури йўлини тўсади, давра олиб, бешқарсак чалади. Салим тўқимдаёқ қанот ёйиб, кифтларини учириб нағма қилади. Сўнг сертупроқ йўлга ирғиб тушади-да, аввало бешқарсакка жўр бўлади, бари бирваракайига эшилиб: «Ҳа-а-а, ҳу-у-у, ҳа-а-а»лаб даврани қиздиришади. Ниҳоят, бир йигит оловни қўзғайди: «Қўйма-а!» Бошқаси шайтонлаб, дағ-дағ титрайди, шақилдоқдек шақиллайди: «Салим! С-салим! С-салим! А, қўйма-а-а!» Салим гуппи чарс муқом билан қўймичларию белини қилпиллатиб рақсга тушиб кетади.

Шу манзара ҳаёлидан кечгач, гўё биров Ҳакимбекка пишанг ташлади: «А, қўйма-а-а!» У такка тўхтаб, ўкирди:

— Жим!

Ҳукмфармо овоз қалдироқдек гумбурлаб, мусиқий садоларни босиб кетди. Давракаш малаклар ҳангу манг, ҳаллослаб туриб қолишди. Иштиёқмандлар соме назар билан «Яна нима ҳунар кўрсатар экан бу?» деган маънода тикилиб туришар эди.

Ҳакимбек ўнг кўлини адл кўтарди ва атай, анчага довур жимликни сақлади. Ниҳоят, таранг сукунат чўкди, кишиларнинг сабру тоқати сўнгги нуқтага етди, шунда у эътирозга ўрин қолмайдиган устивор оҳангда амр этди:

— Бешқарсак!

У ҳа-ҳулаганча қарсак маромини белгилаб, чапак чалди, бешқарсакни бошлаб берди. Салим гуппига таассуб қилиб, рақсга туша-туша, ботиний шавқ таъ-

сирида оламини унутди. Кимгадир аччиқма-аччиқ қий-қириб ўйнаган сари суяклари енгиллашиб бораётганини ҳис этди.

— Э, дўст!

— Шох ташлашингдан, аканг!

— Бўш келма!

Ҳақимбек қушдек енгил тортиб, росмана жаҳд билан чир айланиб олаётиб, қўли момиққа тегиб кетганини сизди.

— Во-ой! Қон! Қўлингиз қон... қилдингиз!

Чинқириқ қулоғини тешиб юборди. У шамдек қотди, сўнг боши айланиб, беҳол чайқалди, айюҳаннос солган жувонга еб юборгудек ўқрайдию унинг махер жемпери енгигаги қон юқини кўриб, ваҳму ҳаросат босди. Ҳали қадаҳ синиги тилиб юборган чоғи, ўнг кафти, йўғон бармоғи ҳамон симиллаб оғрияпти. Бироқ кафтига қарашга юраги бетламади. Ғафлат босиб ёв чанғалида қолган баджаҳл ярадор каби юраги тақа-пуқа, кўзлари ола-кула бўлиб, қуршаб турганларга бир-бир қараб чиқди. Ва уларнинг таъқибли назаридаги таънани уқди: «Ҳой, Ҳақимбек! Чиндан ҳам биз мўрималахдирмиз. Бироқ имонимиз бут! Қўлимиз тоза!» Кишилар гўё ич-ичларида қаҳқаҳа уришар, покдомонликларини писанда қилишар, бу билан уни қаро ерга тикишар эди.

«Вақтичоғликнинг мавриди келди! Кул! Заҳрингни соч! Ҳаммангнинг мисинг чиқар! Ҳеч қайсинг фаришта эмассан! Бир пақир керосин бўлса-ю... Ойбарчин қани, қани у?!»

Одамлар Ҳақимбекнинг кўзига бало-қазодек кўринди. Издиҳомдан ётсиради. Ғариб, яланғоч кимсадек ўзини шарманда ҳис этди. Баайни шу кечинмалар нафсониятнини оғритди. Тақдир бировни ер, бировни осмон яратганидан қалт-қалт титраб, тишини ғижирлатди, кўзлари қонга тўлиб, жеркинди:

— Йўқо-ол ҳамманг!

Малаклар таппот урган чечаклардек сўлишди. Лабларини буришиб, туртиниб-суриниб чекина бошладилар. Шошиб қолган кимсалар эса нима қиларини билмай гангиб туришар эди. Орқаворотдан биров юрак ютиб тўнғиллади:

— Жинними бу?!

Ҳалигина бўйнини ликиллатган носкадибош киши ёқасини тўғрилаб, томоқ қирди-да, тумшук қилиб, ўдағайлади:

— Ҳў, йигитча, кўтар жийда халтангни! Хурмача қилиқ қил-э! Бир қултум отволиб, ўттиз икки гўлоҳ-га ўт кўясанми, дейман? Мелиса чакириб, танобингни тортсак-ку, биласан-а!..

— Ия, бизнинг мухлис-ку!

Шоирнинг пушаймонли овози қулоғига чалинганч, Ҳакимбекнинг ори келди, талмовсираб издиҳомни ёриб чиқди-да, эшик сари юрди. «Шулардан бир му-чам каммиди менинг? Қаёқдаги ёввош қочоғонлар оёқ-ости қилишса?!»

Ҳаво намчил, ёмғирда тўкилган хазонлар ерпар-чин бўлиб ётар эди. У хиёбон оралаб бораётиб, тўх-тади, сигарет тутатди ва шу чоғ кўрдики, бир жувон шошқалоқлаб ресторан сари кетаётир. Юришидан — Ойбарчин. «Ташлаб кетишга кетди-ю, тагин кўзи қиймай... жанжал чиқаради деб чўчиган чиқар? Э, Ҳакимбек, қандай кунларга қолдинг, Ҳаким-бек!»

...У камзули чўнтагини пайпаслаб, ҳайрон бўлди. Қалитни қачон шимининг киссасига тикқан — эсла-ёлмайди. Ҳарқалай, мотор бир зарбда ўт олди. Ўтир-гач, тагидан нам ўтди, ёмғир ёққан чоғи, эгарпўш ивиб кетибди. Бироқ уни олиб кўйишга ҳафсаласи келмади. Муфтани қўйиб юборатуриб, чирокнинг мур-ватини пайпаслади: ёнмади. Шунда ниманидир уну-тиб қолдиргандек кўнгли алағда бўлди. Яна бир сез-ги таъбини хуфтон қилди. Бу нохуш аломат таъби-ридан фол очиб ўтирмай, газдастакни тоблади. Кета-кета, таъқиб қутқуси юрагини сиқди: панадан бирсв қирқ газлик шамшир билан қоқ мясига ураётган-дек туюлдию ҳушёр тортиб, хавф сезган тарафга — йўлнинг сўл қанотига қаради. «Ё раббий! Бу дарди ҳаринадан қачон қутуламан?» Қаршисидан «ЗИЛ» тимсоҳдек ўрмалаб келмоқда эди. Қаҳри қўзиб, ўлиб кетмайдими, деган зардада жон-жаҳди билан «шоҳ-лашиш»га хезландию шу сония бу тентаклик эканини идрок этди. Зеро, ажалнинг ўзидек ваҳимали, баҳай-бат машинага мотоциклнинг бас келиши маҳол эди. Ё иккала даюсни ҳам ёқасидан олиб, кабинадан ту-ширсами, қора қонига белаб, кейин газандахонага судраб борсами? Қани, ким экан ўзи булар? Бўри маймоқ ўч олмоқчими? Ё ҳужжатларни даъво қил-яптими? «Узанидан умидни узинг, биродари азиз, кечикдингиз. Энди Ҳакимбекка бандаси бас келолмас! Дов — бизники, мард бўлинг!.. Бу итялоқларининг

латтачайнарлигини-ей! Муроди нима — мени камсит-моқчими ё...»

У қайриладиган томонига бир қур назар солди-да, тезликни оширганча ҳаялламай рулни бурди. Мотоцикл енгил илдамлаб, кажава теварагида жувозчи отдек чир айланди ва шаҳарни иккига айирган намчил йўл узра елдек учиб кетди.

Янги шаҳар ортда колди. Эаки шаҳар чорраҳасигача йўл текис, икки ёнда симёғочлар шамдек тизилган, улардаги неон чироқлар атрофга сутдек ёғду сочиб, чараклаб турибди. Чироқсиз юганда жин урмас. Ундан у ёғи... қизиқ, нега ёнмайди?

Ҳакимбек чироқдонни шаппатилаган эди, нимадир шиқирлади. Шишаси тўкилгандек. У қўл юборди, синиқлар бармоғига олмос тиғидек тегди. «Э, номард! Тош билан атай мажақлабди-я. Тикка устига ҳайдасак, қўркиш — балойи жон, ура қочиб бир балога йўлиқади, деган ўйдадир-да. Оббо! Ишқилиб, бир марта чириллатиб қувишар, уларнинг чироғи ёруғида ҳам ўлаатга етиб оларман!»

Колхоз йўли дарадек қорайиб ётарди. Тутлар икки ённи девордек тўсган; осмонда увада булутлар кезинар эди. Бирон-ярим деразадан қуйилган ёғду бўйрача энликдаги жойни ёритган, лекин Ҳакимбекка бу чўт эмас, йўлни қаришма-қарич, ўнқир-чўнқиритача гўё кафтида, ажиб равшанликда кўриб турар эди. Гилдираклар равои ўзани ўпа-ўпа чир айланади; намхуш шамол Ҳакимбекнинг юзини ялаб ўтади. «Ҳозир пасайиб, тушовланиб қолди-ку булар? Канадай ёпишишдан бурун йўлнинг ҳадисини олмай-дими киши!» Оралиқ масофа чиндан узайган, чироқ ёғдуси фонусникидек ланғиллашидан аёнки, «ЗИЛ» ўйдим-чуқурда қапчиб, учиб-қўниб келмоқда. «Бизлар азалдан товчи!» Хаёлида шу сатр чарх урдию ит-ялоқлар чанғалидан қутулиб чиққанига қаноат ҳосил қилди, тетикланди. «Лекин, билсанг, оламда Бургут деган бир қуш бор! Титрамайди ўлимдан, Долға каби шиддаткор...» Таранг, пурвиқор овоз шуурида жаранглаган сайин жағлари қаришди, вужуди пайга айланди. Юрагида ададсиз қувват туйди. Тўсиндан, қуш бўйи соядек эргашиб жонидан тўйдирган ит-ялоқлар билан ижикилашгиси, қитиқлатларига тегиб аламидан чиққиси келди. Хуфтон палла тарғил тана алаштончан болани судраб чиққан жойдан ўтгач, атай тезликни сусайтирди. Йўлнинг бу ёғи бежаво-

тир; Ғужбоғгача икки биқин яланг дала, мол-ҳол лоп этиб олдингни кесиб чиқмайди. Қишлоққача тўрт қадам, бир газ берса, уйига етиб турибди-да.

Рўпарадан келаётган трактор чироғи Ҳакимбекнинг кўзларини қамаштирди. Кўзгучадан кўрди: «ЗИЛ» бечироқ, шашти ёмон. У юҳо ҳамласини нақ гарданида ҳис этдию газни босди. Мотоцикл бойловда ётган асов тойдек ирғишлаб, отилиб кетди. Бир дамлик таҳликадан халос бўлгач, калакаомуз илжайганча сртига ўгирилди ва... бўғинлари бўшашиб, жони чиқиб кетаёзди. Хотирасида гўё чақмоқ чақди ва унинг ёруғида важоҳатли юзлар, қасдланган кўзлар равшан кўринди. «Ўша!» Қотиллик содир бўлган кеча изидан тушган машинага тутқич бермай кетатуриб, у баайни ҳозиргидек бурилиб қараган ва ғира-шира илғаган: шофер рулга ўмганин ташлаб, жон-жаҳлида машинани тезлатиб келаётган эди. Ҳозир айнан шу манзара кўзига чалингач, фаромушлик боис, ёдидан кўтарилган бурунги ҳолат ҳам хаёлида жонланди ва бугунгисига уйғунлик касб этди. «Айтмовдимми, ўша бу: Бўри маймоқнинг кетида ўламсаланиб турган найнов! Боя, ошхонада унга кўзим тушиши билан қайдаям кўргандай бўлган эдим, бежизи эмас экан-да! Хотирамдан ўчганини қара! Тағин касофат чарм камзул кийволибди. Э-э, шошма-шошма, Салом Ҳаққулни чопган шу чиқар? Ярим кечаси, ойболта кўтариб юрган эди-ку? Худди ўзи! Қонхўр-э! Пес пез билан қоронғида топишганини қара! Энди нима қилдик? Қишлоққа ҳам етдик, индамай муюлишдан қайрилиб кетаверамизми? Улар икковининг, ҳойнаҳой, ойболтасиям шай? Яхшиси, уйга бориб, дўппини оли-иб, пишик ўйлаб кўриш керак? Нима дединг, Ҳакимбек? Тезликни пасайтирма! Тўғри кетаётган бўлиб, бурымда тормоз берасану шартта чанга қайтасан! Шунда гангиб ўтиб кетишади!»

... Йўлнинг қоқ белида қорайиб кетаётган кажавали мотоцикл туйқусдан чир айландию йўлнинг сўл қанотида терс томонга қараб туриб қолди. Мушукка ташланган ит янглиғ басма-бас келаётган «ЗИЛ» шуёққа бир баҳя қимтилди, бироқ тезлик туфайли тўғрига ўтиб кетди ва орқа чироқлари қон қуюлган кўзлардек қизарди; тормознинг чийирилган шийқиллаши сукунат қаърига ғулгула солди. Орқа ғилдираклар учиб-қўниб дўкирлади, борт илгаклари бежо шикирлади...

Ҳақимбек қўштабақа дарвоза қабатидаги эшикча-ни тепиб очди-да, ҳаприқиб ичкари кирди. Лаҳаддек зимзиё ҳовли алланечук безовта кўринди. Гўё анави пана-пастқамда ё оғил эшиги ортида биров болта кўтариб, йўлини пойлаб тургандек. Шу чоғ ногоҳ эшикча шийқиллади; ҳовлига тумшук суққаннинг ёқасидан бўғиб олиш учун апил-тапил кетига бурилди, йўқ, эшикчани ўйнаган бемаврид шамол экан! Тал-васада эсанкираб, ҳушёр одимлаганча ойнабанд айвонга яқинлашди. Эшикни очиб киргач, уни ёпишни ҳам унутиб, тўғри хилват меҳмонхона тарафга юрди. Айвонга бақамти уй ёнидан ўтаётиб, деразага кўз қирини солди: ғира-шира хона кўкиш ёғдуга кўмилган. Ичкаридан алланечук олаговур, мотамсаро нолиш, эзгин муножот тараларди. «Кино кўришяптими дейман». Қандайдир жўровоз таваллою энтикиш аро баногоҳ, инсоний унлардан мутлоқ устивор, долғали овсоз улугвор жаранглади. Ҳақимбек сёғи михланганча туриб қолди. «Мен тириклик ва бақодирман; менга имон келтирганнинг жони узилса, яна унга жон ато бўлғай...» Табаррук оби замзамдан тотинган умидвор касал янглиғ суяклари қизиб, жиққа терга ғарқ бўлди. «Мен тириклик ва бақодирман; менга имон келтирганнинг жони узилса, яна унга жон ато бўлғай!..» Кўпдан дили тилаган хотиржамлик руҳижонини чулғаб олди ва, чўкаётган одам хасга ёпишганидек, шу каломга маҳкам тармашди, у гўё шу-урига зиё, дилига таскин, руҳига қанот ато этаётган эди. Даҳлиздан аста ўтиб, меҳмонхона чироғини ёқди. Ясатиғлиқ серфайз хона бўсағасида турган кўйи у каломни яна бир карра хаёлан такрорлади.

Хона таъбига мувофиқ тарзда саранжом-саришта: тўрға ва икки биқинга беқасам кўрпачалар солинган, симобий шоҳи жилдли болишлар ҳурпайиб турар эди. У кўкрагини сика бошлаган зиқлик чангалидан озод бўлиш илнжида кўрпачани босиб-эзгилаб ўтди-да, қирмизи шокиласи ер ўлиб турган зарҳал пардани силтаб-силтаб, икки ёнга сурди. Баногоҳ дераза ортида бир шарпа кезингандек туюлди. У қорамтир ойналарга диққат билан тикилди. Назарида, аллақандай шамойил кўриниш берди. Бу ўз акси эканини хаёлига ҳам келтирмай миясига урилган иштибоҳ қутқусида шошқалоқлаб, пардага чанг солди. Уни ростлайтуриб, кўли асабий титради ва аянчли аҳволидан ижирғанди. Устига устак, дарво-

захонада ваҳм босиб, дағ-дағ қалтирагани ёдига тушди, орияти қўзиб, номус ва уятдан юзлари буришди. «Эшикчани қулфламадим-а?!» Шу ўй кўнглидан кечдию ортиқ ўзини идора этолмай, шубҳа ва қўрқинч комига тушди. «Деразадан мўралаган ким? У милтиқ ўқталиб турувди чоғи?» Ҳақимбек сесканиб, чор ёнини қуршаган жиҳозларни сергак назар билан кўздан кечирди. Барқут қопламали вазмин столу пойгак бурчакда — пастак жавонда тумтайган «Фатон» телевизор ва унинг тепасидаги тимқора телефон аппарати — барчаси қандайдир фалокат исини олгандек безовта, гўё шу дилгирликка шоҳид бўлишни истамаган каби норози тўрсайган. Девордаги чўғдек гиламлар, назарида, бир нимадан кийналаётгандек бежо. Тили қисиклиги боис дардини ичига ютган аламдийда каби хона тумтайиб гўё тағдор қараб турарди унга. «Яхшиликдан дарак бермайди бу! Ҳали устимга бостириб чириб, ётган жойимдан чопиб ташлашса-я?!» Тошбоевнинг, найнов тиржайи-иб, Салом Ҳаққулнинг қаншарига болта солди, дегани хаёлидан мезондек сузиб ўтдию тасаввуридаги чўкинди хотира даҳшатли йўсинда қайта жонланди: найнов қаҳқаҳа солди-да, — жаҳолатга тўлиқ бу гулдирак Ҳақимбекнинг қулоғини батанг қилди; — қўшқўллаб ойболтани кўтарди ва ҳавойи саржинчидек чиранганча боши устида туриб қолди! Ойболта унинг нақ қаншарига тушгулик эди, қўрқинчдан қошлари ораси муз қотди, Ҳақимбек сўнгги нафаси чиққунга қадар ойболтанинг муздай дами-ни хаёлидан қува олмади. «Унга нима зарур экан? Мол-дунё орттираман, деб бировнинг қонини тўкишдан ҳазар қилмасмикан?» Дилидаги устивор Ҳакам унга уқтирди: «Э, Ҳақимбек! Сен анойи экансан! Кишига олов отиб ўрганган у... Чақалоқ эна қорнидан нимага чирқираб тушади? Билсанг, жисми-жонида бир ташналик туяди. Ташналик уруғласа, уруғ илдиз отса, бора-бора эътимодга айланади. Булоқдайин қобиқни ёриб чиқишингда қанот бўлади. Алпомишдай, Барчинингни кўзлаб учаверасан. Бунга қурбинг келмаса, ташналик руҳингни қовжиратиб, жонингни захарлайди. Оқибат, ёруғ олам кўзингга қоронғи туюлиб, бахтиқаролигинг илдизини ўзгалар саодатидан қидиришга тушасан. Йлло, уларнинг пайини қирқмоқ баробарида ташналигингни пича босасан! Модомики, найнов кун кечириб баҳонасида мардум қонини ичган экан, қон тўкиш энди унга писанд эмас. У бағ-

рини кемирган чанқоқликни шу тариқа қондиради. Бирсвни боғбон, бошқани сарбон, кимнидир қотил, зўрни жаҳонгир қилувчи асли шу — ташналикдир!»

«Анави қонхўр ўлигингга ўт қўйишдан ҳам қайтмайди! — Ҳакимбек жавон биқинидаги жимжима безакли сандиққа тикилганча ўйловда қолди. — Бундай кўргиликка чидаб бўлмайди! Чоғланиб турган маъқул! Кунини кўрсатиб қўйиш керак! Шундай! Ҳозир, ҳозир!»

У икки ҳатлашда сандиқ ёнига борди ва тахлоглик шойи кўрпачаю духоба ёстиқларни бир силтовда гурсиллатиб қулатди. «Калит қай гўрда қолди? Жавон тепасида тургич эди-ку?! Ҳозир!»

Ҳакимбек сандиқ зулфинидаги япасқи қулфчани қайириб, бир кучанишда шартта юлиб олди. Жони ҳалқумига тиқилиб, оч яшил тус қопқани силтаб очди-да, тахлоглиқ беқасам чопону серкашта белбоғларни ва атласу бўхчаларни — човутига илинган матоҳни бошидан ошириб итқитди. Ахийри, сандиқ тубида бир-икки китобу қупт билан терилган турнақатор тиллазаёмларгина қолди. Улар ҳаво рангда муздек товланиб ётарди. «Оббо касофат-э! Қай лаҳадда экан у?» Жиззакилиги тутдию ғазабини босолмай, заёмга чанг солди, титраб-қақшаб уни нимталашга тутинди. Бирсқ бармоқлари шу қадар бежон эдики, қат-қат қозони бурдалаш тугул икки бўлиб ташлашга ҳам қурбч етмади. Баттар қутуриб, заёмларни ғижимлади ва терчираган гулкори деворга қарата иргита бошлади. Шу пайт фанер-шифт устида нимадир шитирлади ва ваҳима солиб бўсагадан тўрга томон сирғалди. Ногаҳоний бу товуш ҳаприққан Ҳакимбекни шунчалар шоширдик, оқибат у ҳушини буткул йўқотди, ҳатто товонидан яхдай тер чиқди. Бурчакдаги ёйсимон карнизга етгач шовқин тинди, карниз ортига бир нима ҳўл латгадек сирпаниб тушди. «Ҳа, бошингни егур!..» Каламуш ўзини ўнглаб олишга уринибми, жон-жаҳди билан карнизни тирнай бошлади. «Бехосият-э, ис олган шекилли!»

Ҳакимбек стол устига иргиб чиқди-да, бурчакдаги ўша карнизни муштлаб, ичкарига тиқиб юборди. Узалиб, фанер қоплама устини тимирскилай бошлади, жонсарак пайпаслай-пайпаслай портфель дастасидан тутди. Уни силтаб тортган эди, тупроғу хас-ҳашак шовуллаб бошига қуюлди. Карнизни ростлаб қўйишни ҳам унутиб, пастга сакради. Қопқоқнинг «жағ»ини

очаётгандек кучаниб портфель оғзини иккига айириб юборди. Ялтироқ қурт каби яшилланган элликталигу аккредитив васиқаларга¹ кўзи тушди-ю, бўшашганча туриб қолди. Сўнг уларни аста бир четга сурди. Портфель тубида ўқлар сочилиб ётарди. Уларни кўрган заҳоти юраги увишди. Ўша — бурунги вос-вос яна хаёлини чулғаб олди. Назарида, мана ҳозир, милтиқни топади, ўқлайди, кейин... Наҳотки пешонасига шу ёзилган бўлса?! Наҳотки ўзини ўзи отиб қўйса?! Йўғ-э! Ушанда ўқ-дорини портфелга тикиб ташлаган экан-да?! Милтиқни-чи? Милтиқни қай гўрга қўйган экан?

Тимирскиланиб, жавон орқасини, кўздан пана жойларни бир-бир қараб чиқди. Йўқ, ерда ҳам, осмонда ҳам йўқ! Э-э, кўрпа орасига қўймаганмиди уни?

— Ана-ку! Турибди-ку! Вой, каллаварам-ей, кавлаштирмаган жойинг қолмади-я!

Ҳақимбек ағдар-тўнтар тўшак орасидан яккатигни сугуриб олди. Ҳамон юраги бежо эди. Нима қилса экан: ўқлаб қўйсами ё... ўқламагани маъқул-ов... Ҳали бир тўхтамга келмаёқ, мук тушди, шоша-пиша милтиқни ўқлади. Шу чоғ эшик гижирлаб, қия очилди. Ҳақимбек беихтиёр туриб кетди, ҳадик қутқусида жониқиб тисланди. Ва шу заҳоти ишкалга йўл қўйганини фаҳмлади: эшик занжирини илмагани етмагандек, яккатигни олишни ҳам унутибди-я! Тинка-мадори қуриди. «Ҳалиям кеч эмас!» У эшикдан кўз узмай, жавонга таянганча аста-секин энгашди. Мана, қўли чақмоққа тегди. У яккатигни қулайлаб тутганча энди чақмоқни тортаётган эди, олчагул қўйлакнинг қилвираган этаги кўринди, кейин қора бахмал нимча кийган Ҳанифа остонада пайдо бўлди. У юрак ютиб ичкарига кирдию эсхонаси чиқиб, ағдар-тўнтар тўшакларга, хазондек сочилган заёмларга, ўпирилиб ётган карнизга, сўнг, жавонга қапишиб суратдек қотган эрига қаради. Ҳақимбек унинг қўрқув тўла кўзларидаги сўроқни уқди: «Нима бўлди, дадаси, тинчликми?»

Ҳанифанинг бемаврид бостириб кириши, нигоҳидаги сўроғу ҳайроналик, шунинг оқибатида бемаъни аҳволга тушиб қолганлиги Ҳақимбекни тутақтириб юборди. «Шумоёқ! Қовириб қўйибмидим сенга, зип

¹ Аккредитив васиқа — омонат кассага қўйилган маблағни исталган омонат кассадан олиш учун бериладиган ҳужжат.

этиб келсанг, есанг!.. Тоза юзим шувит бўлди-ку, а? Энди бу не ўйга бормайди дейсан?»

У бўғилиб кетди, кўйлагининг ёқаси бўйнига тарададек қадалди, уни силтаб тортган эди, бир эмас, уч тугмаси чиртиллаб узилди ва чўғдек гиламга маржон каби сочилди. Ҳанифа тугмалар бекор узилганига ачингандек юзини буриштирди. Ҳакимбек баттар хит бўлиб, ўқрайди: «Нима дейсан? Зарур ишинг борми менда? Қочиб кетаётганим йўқ-ку, ахир!»

Ҳанифа қўрқа-писа сўзланди:

— Боя, кассир манавини ташлаб...

Шундагина Ҳакимбек унинг журъатсизгина чўзилган қўлига, сиқимидаги пулга — пул дегулиги ҳам қолмаган, эзғиланиб, ийиғи чиқиб кетган уч сўмликларга эътибор қилди, уни кўргач, тагин миясига қон тепди.

— Эҳ-ҳ, пу-у-ул! Яна пулми? Ўлсин бу пул! — У чарсиллаб ёнди-ю, бирдан тек қотди, тутаб бош ирғади: «Сонга кирмади булар! Пул йўқолмади, мен қутулмадим!» — Туйқусдан унинг кўзлари чақчайди ва ярадор арслон каби ҳамла қилиб Ҳанифага ташланди. Учсўмликларни юлқиб олиб ғижимладию ғимояга чоғланган ва зўрға чап тирсагини кўтариб, бошини тўсаётган хотинининг башарасига урди. — Олма, олма, олма, деб худонинг зорини қилмаганмидим сенга, калтабин? Колхозда ишламасам, анавилар бўйнимга тахтакач солиб туришса, бўғзимга ҳаром-ҳариш тиқишса, сен... шундан беҳабармисан? Бу—меники эмаслигини, бировнинг ризқи эканлигини яхши биласан, кўра-била туриб, жўрттага шундай қиласан! Қани, Ҳаким қачонгача чидар экан, дейсанда-а? Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан даъвога? Эй, киши ялоғини ялашдан, қарғишга қолишдан ҳайиқмайсанми сен? Ё раббим, гуноҳим нима менинг? Бунча қийнамасанг?! Ўҳ-ҳ, ўлдираман, қонингни ичаман ҳаммангни, ҳаромхўрлар!

Ҳамон чап тирсагини кўтариб, юзини тўсиб турган Ҳанифа девор бўлиб қолган эди. Ҳакимбек, ўлдираман, дея росмана таҳдид қилгач, у чўчиб, тисарила-тисарила бўғиқ, ҳирқироқ овозда чинқирди:

— Эна, энажо-он!

Шу пайт эшик табақаси кенгроқ очилдию қўрқиб кетган Адолат онасининг этагига ёпишганча ичкарига мўралади, жовдираган кўзларида ёш ғилтиллади, юзлари ваҳмдан бурилиб, уввос тортиб йиғлаб юборди.

Унинг ортида — ғира-шира даҳлизда Ёдгор калтанинг саросимали юзи кўринди. Келин ва бобою набира босинқи овозда ғўнғиллашди. Кейин чол товушини кўтариб, иддао қилди: — Э, садқан сар, менга деса, ўлиб кетмайдими!

Кимдир эшикни қарсиллатиб ёпди. Буёғи камлик қилгандек шу чоғ телефон қақшаб жиринглади. Аппарат телевизор устида, Ҳақимбек қўл чўзса етгулик жойда эди. Уни олдию аччиқ устида тоблаб ерга урди, трубка илондек сапчиб, нақ оёғи остига тушди; тембр қитирлади, палағда, дағдағали овоз эшитилди: «Ало-о! Ҳўй, Ҳақим! Менга қара, бўтам, сан кў-ўп ҳаддингдан ошма...»

Ҳақимбек шайтонлаб қолгандек нима қилаётганини унутиб, тимқора аппаратни коптокдек тепиб юборди, аппарат чирпирак бўлиб, бориб деворга урилди-да, шарақлаб парчинланди, титиғи чиқиб кетди. Шундан кейингина у бир оз ҳовридан тушди. Қайдандир намхуш, зах ҳаво сизиб кираётган эди. Эшикка қаради, зич берк. «Зулдинни илиш керак!»

Ҳанифанинг ночор бошини тўсиб, мурувват тилаб мўлтайган ҳолати, қизининг қўрқинчдан бурилган юзлари, отасининг саросимали чақчайган кўзи... бирдан ёдига тушдию куйиб-пишиб эт ташлади. Ахир шу дилсиёҳликни истаганмиди у? Нега унинг дардини сезишмайди? Ҳолига қўйишмайди? Билган номаъкулчилигини қилиб, бесўроқ дунёсига бостириб киришади! Нега? Топташади, хўрлашади! Нега?!

Эшик зулфинига узалатуриб, оёқостида, остонада сочилиб ётган пулларга назари илинди. Янада қони қизиди. Энгашиб, кейин мук тушиб, эмаклаб, битта-битталаб уларни териб олди-да, чўян печга ташлади. Иттифоқо кўнглида бир истак туғилди, у совуқ тиржайиб, кўз остидан портфелга қаради, ўтиб, уни печ ёнига кўтариб келди ва тахлам-тахлам элликталикларни жуфтлаб олганча кизгин ҳафсала билан печ учоғига қалай бошлади. Мана, портфель ҳам эски ўрадек бўшади-қолди, энг тагида иккита ўқдон кумушдек қорайиб ётарди. Ҳақимбек уларни олиб, ёнига қўйди ва овунч топганидан мамнун бўлиб ўчоқдаги «тараша»ларни яна бир сидра кўздан кечирди, нашта қилиб кафтларини бир-бирига ишқаладию ногоҳ бўлак иблисона ният дилида куртак ёзди. «Чиқиб, Маҳсумни етаклаб келаман! Манави сабилнинг бир бойламини қўлига тутқизсам, бақами чикади. Ҳамя-

лоқларини сариқ чақага сотади. Оёғимга бош уради, ўп, десам товонимни ялайди: «Ёқиб нима қиласан, жўра, менга бер! Жон жўра, анавилар... тўнғизлар сени...» Шундай қилиб, палидларни ўбдан хўрлаш керак! Чунонам эзгилайки, тоабад эсларидан чиқмасин! Манави ялтироқ қуртларни кўрса, найнов ҳам жил-пэнглаб қолади. Бўри маймоқни бийдай қовуради. Нима, маймоқнинг қони қон эмасми?!»

Ҳакимбек бўлғуси қирғинбаротни тасаввур қилди. Оқ толни қора толга, олмани ўрикка, толни теракка улаб дунёни терс айлантириб юборишга қодирлигидан ҳузур қилиб ҳиринглади.

«Акасининг шўрига Бўри маймоқ йиғлайди, ҳарна бўлганда ҳам, бир қориндан талашиб тушган, жигари. Лекин анавилар оғзига ёғ томар-томмас етти пуштини пуллайди! Оёғи олти, қўли етти бўлиб...

Овчи чумчуқ тутибди-да, Ҳакимбек! Бир қилмаганинг — шу қолувди! Қўй, ўша қорамоховларингни! Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам! Э, гугурт қани? Чўнтагимда бор эдию? Камзул?.. Қачон ечдим уни? Ана, турипти-ку. Ҳозир, ҳозир! Мана шундай! Ҳа, иблис, ёнмайсан-а? Куйиб, кул бўлмаганингга қўйиб бўлман!..»

Печ ўчоғида қолган-қутган пулнинг қўланса ҳиди димоғига ўтирди. Ҳакимбек яна кўнгилга қувват это этувчи, бўёқларники янглиғ аломат бўйни туйди. Бунини у турфа атрлар ичидан ҳам қийналмай ажрата оларди, оҳорли пулнинг заиф уфори эди бу!

Ҳакимбек юзини сидиргач, жойлашиб чўнқайди ва печ оғзинини ланг очиб қўйди. Кўкиш аланган эринчоқлик билан аста-секин таралади, тилло суви юрилган тиллари маъюс солланиб, гоҳо пириллаб, ажиб бир жозиба касб этади. «Қурғур-эй!.. Ҳа, Ҳакимбек, итдан қўрққан мушукдай, қилиб ўтирган ишингни қара! Ризқини эгасига бермайсанми, тентак?»

У яна тинчини йўқотди. Печ оғзини шарақлатиб ёпди-да, жонсарақ туриб кетди, хона ўртасига етганда қўкиб ётган тўшакларга кўзи тушди, бунини энди кўраётгандек қаттиқ ажабланди. Мияси беҳад толиққан эди, чаккалари лўқиллаб, қулоқлари остида гўё телефон сими чийиллай бошлади. У карахт, зилзамбил бошини сарак-сарак қилди. «Ёпирым-эй, бу нимаси, юрак ухлайди, дегани шумикан? Қизиқ, сим қоққан ким бўлди? Бўри маймоқми? «Бўтам» деди-ку. Нима, пўписа қилмоқчимини ё огоҳлантirmoқчимини?

Фитнами ё суиқасдми? Ҳар иккаласи ҳам! — У мийи-
гида кулди. — Сўзлашсанг бўлармиди? Ана шунда...
Қизиқ, нега айнан бугун мояна опкелишди? Бир ба-
лоси бордир? Шаъмамакин? Шаъма бу! Қўй, тақим-
лашмайлик, бўрисан, егансан, сенинг ҳам тумшугинг
қон, гарчи колхозда ишламасанг ҳам мўмайгина сар-
моя чиқариб турибмиз, дейишмоқчи. Эҳ, тупурдим
сарқитингга! Шошма, шошма, Ҳанифанинг қарашлари
бежороқ эди-ёв! Асли, бир ҳасратда кирдию... Оғзинг-
даги сақичингни олдирдинг-а! Жўяли муомала қил-
ганингда... Кассир уни юраколди қилган чикар: «Тў-
қайга ўт кетса ҳўлу қуруқ баравар ёнади, эринг ёш-
лик қилмасин! Жаврини сизлар тортасизлар, келин!»

Тавба, нега унда итялоқ кўйишди — ақлга сиғ-
майди. Бузгунчиларнинг устози бир макрни бошлади-
ёв? Кассирни жўнатишга жўнатган-у, кейин айниган:
«Ўлса, очиқ пуштага! Йўқса, қўлга олиш керак!
Судда тескари гувоҳлик берсин!» Ундай десанг, жи-
ноятга шерикман-ку! Уф-ф, миям ғовлаб кетди. Ёки
гап бир жойдан чиқсин, деб... Ҳеч-да, ҳайиқишди-ку.
Ҳужжатларнинг пайига тушишган. Қозонбошида тур-
ганимни пайқашибди чоғи, э-э!.. — Ҳакимбек калава-
нинг учини иллагандек бирдан бошини кўтарди, кўз-
лари чақнаб кетди, гап бу ёқда экан-у, деган каби
афсусланиб бош чайқади. Махсумга иқроор бўлган
эди-ку, тилидан чопилган экан. Махсум, наҳотки чин-
дан ҳам...

Ҳакимбек англади: бугунги суришманинг охир-
оқибати чамалаганидан анча жиддий ва аянчли ту-
гайди. У — сел ўзанидаги дамба. Оқим муқаррар су-
ратда уни оқизиб кетади ё яксон қилиб янчиб ўтади.
Залворли юк кўкрагидан босиб, умид чечакларини
абгор қилди.

«Булар ҳалиям кўнгил узгани йўқ. Ҳалиям Зо-
битовнинг жонига оро киришмоқчи. Ёпирай! Ҳани-
фадан гап ол, Ҳаким, ҳалиям кеч эмас. Шошма, ўп-
кангни бос, ақл билан иш тут! «Ёвузликка карши —
маккорлик». Шунақа кино бор эди шекилли? Ҳани-
фа келганда ҳам анави сабил қўлимда экан-да? Э,
галварс! Ишнинг чувини чиқаради у. Хўш, нима қил-
дик? Бемаҳалда йиғлаётган ким? Бунча ўқирмаса?..
Хў-ўш, шундай ҳам бўлсин, дейлик! Мендан ҳадикси-
рашлари турган гап. Кассирликдан кетибманки, па-
йимни қирқишолмай гаранг. Азбаройи қўрққанлари-
дан чўтал тўлашади. Тагин зуғум қилишмоқчи, та-

гин... Йўқ, энди кеч! Дамбани бузган ўзинг, энди қалқон бўл, дейишмоқчи. Чиқмаган жондан умид. Бу — Маҳсумнинг йўриғи! Шундай қилсак, иш ҳамирдан қил суғургандек осон кўчади, деган-да. Ҳа, тулки-ей! Панага уриб кетасан-у, думинг белги бериб қўяди. Тошбоев айтгандай, бу тўқайда сен янгисан, Маҳсум!..

Ҳали замон келиб қолишар, шу кеча қандай бўлмасин, тиллашгани келишади. Келишсин, марҳамат, эшигимиз очиқ. Аммо, кеч...»

Ҳакимбек тўрга ўтиб, кўрпачага мук тушди. Эшикка юзланиб толгин чўнқайди. Мудроқ босиб, чаккалари тиришиб, сиркираётган эди. «Шу кунлар ҳам ўтиб кетармикан? Мен ҳам элга элакишиб, эмин-эркин юрармиканман? Кечалари тўшагимда бемалол оёқ узатиб ётармиканман? Шундай пайтлар келармикан, а? Қўлларим увишиб қолибди». У милтиқни аста гилам устига қўйди. Терчилаган кафтини кўйлагига суртмоқчи бўлди, ногоҳ кўзи қонга тушди. «Қон?!» Нина санчилгандек вужуди жимирлаб, манглайдан муздай тер чиқди, у чумолидек ўрмалаб тушдию кўзига қадалди, ачиштирди, кейин бўзарган ёноғини ювиб, сирғалди. «Қаерда қўлимни қонга булғадим, а? Тағин...»

Хонада ачимсиқ, оқиш тутун кезинарди.

Тутун ичида, остонада гўё аллаким пайдо бўлди: эғнида қора чарм камзул, қўлида қонга беланган ойболта. Ҳакимбек жонҳолатда милтиққа чанг солдию ердан уза-уза мўлжал олиб, тепкини босди: нимадир ширкиллади. Жониқиб, яна тепкини тортди, бирмунча ваҳимали чирсиллаш эшитилди. «Отилмади!» У бемажол, телбанамо саланглаб кулди. Эшик табақаси зич берклигича турар, хона тугул даҳлизда, ҳатто кўча томондан ҳам шитир этган шарпа сезилмас эди. «Бунақада жинни бўлиб қоламан. Ойболта... Нега энди у айнан ойболта кўтариб келиши керак экан? Ёпирай, ўй сургулик ҳолим колмади. Фикрларим чувалашиб кетяпти! «Жисмимиз ҳокитуробга айланади, ундан навқирон чечаклар униб чиқади!» Бу гапни кимдан эшитдим, а? Қизиқ, қўлимни қаерда қонга булғадим экан? Қотиб қолибди-ку! Э-э, кафтимни бир нима тилибди. Қаердадир биров, қўлингиз қон, дегандай бўлувди! Қаерда? Э, ҳа-а!..» Қулоқлари остида бешқарсак янгради. Тағин томошадан чексиз завқ туйиб, савқи табиий қутқусида ингичка

бўйнини лиқиллатиб, калласини ўйнатаётган носкади-бош киши, тагин саҳн, қизгалдоқлардек чаппор уриб рақс тушаётган қизлар... кўз ўнгида намоён бўлди. Ва яна, чир айланиб олаётиб, қотма жувоннинг билагига қўли тегиб кетди. Жувон иддао билан жеркиндио чинқириб юборди: «Во-ой, қо-он! Қўлингиз қон... қилдингиз!» Яна, Ойбарчин эшикка етгач, бурилиб, узр, деган каби ширин табассум ҳадя этди ва енгилгина қўл силкиди... Тагин... ҳидларнинг момоси — сут ҳиди димоғига урилдию... саракни — саракка, пучакни пучакка ажратадиган устивор Ҳакам қалбида оғриниб бош кўтарди. У сўроқ сўрди:

«Ҳакимбек, инсоф билан айт-чи, нечун Ойбарчинни оворайи саргардон қилдинг?»

Жавоб бўлмади.

«Худпарагасан, Ҳакимбек! — Ҳакам унинг қарши-сида тоғ каби юксалди, чап қанотини ёйиб, тилсимли қудрат мужассам бармоқларини гулкори деворга босди, девор қумдек шовуллаб ерга тўкилди ва кўз ўнгида етти қабат олам намоён бўлди. Далада ғимирлаб юрганларга ишора қилиб Ҳакам деди: — Анавиларга бундай бир назар сол. Сен уларни кўлагага менгзадинг. Улар киминг сенинг?»

Ҳакимбек кўрди: келинчақлар кун тиғида қовурилиб, қирт-қирт куймаланади. Бўшлиққа қўл чўзган Истарчи момо ёвонда арвоҳдек судралиб юрибди. Очил писмиқ соясига ўралашиб, куймаланиб сув тарайди, кўйлаги шўрлаган, гарданини офтоб олган. Улар ўз кўйича ғимирлаб ишлай берди, Ҳакимбекка эътибор қилмади. Манглайтери билан топганини Ҳакимбек туя қилганда ҳам бу шўрликлар қайрилиб қарамаган. «Чўпоннинг чўкайини ур-э, Ҳакимбой, уялмайсанми?» дейишга тиллари бормаган.

Ҳакимбек кўрди: бир меҳр тилаб, сочларингни силасам, деб Гавҳар узалди!

У ижирғанди.

Ҳакимбек кўрди: уфунат чўккан ошхонадан сархуш Аҳмад отилиб чиқди, «Уч-чувчи-нинг ор-рзувси бит-та-а — ба-ландли-и-ик!», дея хониш қилганча гандираклаб оёқостиға юзгубан йиқилди.

Ҳакимбек ғижинди. Шунда Сўровчи деди:

— Бу йигитни кутқаргулик азминг бор эди, афсус, саховатинг етмади. Уни ва уларни сен кўлагага менгзадинг, улар киминг сенинг?

Тагин жавоб бўлмади. Кейин Сўровчи деди:

— Сенинг биродарларинг, улар — сенинг ўзинг! Уларга муҳаббат ва дўстлигинг қани?

Сўровчи давом этди:

— Сенинг бино бўлишингда на қасд, на ихтиёр бўлмаган. Сен чечак каби юз очдинг. Сенинг бурчинг — чечак янглиғ ҳокитуробни яшнатиш ва биродарларингга, бинобарин, ўзингга меҳру саодат улашиш эди. Табиат янглиғ саховатманд бўлиш эди. Илло, сен чалғиндинг — нафсдан тийилмадинг!..

— Мен сенга имон ўгирдим, — деди Ҳакимбек, бироқ у ёғини айтолмади. Шу пайт аллаким пойгакда туриб, ҳадеб имлаётгандек туюлди. У Ҳакамдан юз ўгирди ва оёқсарига қаради. Зобитов, эғнида кулранг плашч, чап қўлида кулранг шляпа, шляпани кўкрагига босиб, бурчакка тақалиб олган, қошларини кериб, муштук тутган ўнг қўлини ҳавода силкиб, жағи-жағига тегмай жаврайди. У аҳён-аҳёнда сўлиш олиб, лабининг учидаги оқни кафтида сидириб, э, одам бўлмай кет-э, дегандек афсус билан бош чайқайди, бурчакка, бир нимага ишора қилиб, менсимай қўл силтайди, кишишади, яна гапга тушиб кетади...

Бурчакда, тилсимон тахт. Тошбоев муштига ияк тираб ўтирибди. Оёқ учида — дошқозон. Тошбоев гоҳ ўтин қалайди, гоҳ капгир солиб, қозонни қовлайди, кулади.

Ҳакимбекнинг миясидаги бир тизимча таранг тортилди, кейин димоғи чандон ачишдию тизимча чирт узилди.

— Соб бўлди! — деди у ва ноумид қўл силтади.

Чироқ қорайиб, илкис липиллади ва энди бурунги-сидан равшанроқ чарақлади. Унинг кўзлари катта-катта очилиб кетди, миясига келган фикр қутқусида милтиқнинг совук, ваҳимали нилига тикилиб қолди. Боя, ойнабанд айвонда кела туриб, «Менга имон келтирганинг жони узилса, яна унга жон ато бўлғай» деган калом қулоғига қуйилгач, хаёлида бир ўй учган юлдуздек йилт этган эди. У зимдан илдиз отиб, энди еужудини чирмовуқдек чирмаб олди...

— Ку-ку-ку-ку, ку-ку... — Бу сас нимадандир огоҳ этаётгандек туюлдию Ҳакимбек девор соатга ялт этиб қаради: жигарранг каккуча инидан бош чиқариб, бир маромда сайрамоқда эди. Соат юзида у Ойбарчинни кўрди. Ойбарчин эшикдан чиқатуриб, қайрилди-да, узр дегандек ширин табассум ҳадя этди, кейин енгилгина қўл силкиди: «Хайр!» Жавобан Ҳакимбек синиқ жил-

майди ва хаёлан қўл силкиб қўйди: «Э-э, Ойбарчин! Ресторандан тополмагач, бадбахтни чиндан ҳам худо урибди, деб кетгандирсан? Мени деб Ибодиннинг дилини сиёҳ қилдинг! Илож қанча, бугун туғилган куним эди. Кўнгил тилади сени! Чунки — сен тамоми яхшиликсан, янглишиш киридан поксан. Ана, кун ҳам оёқлади. Сен ким-қандай тушлар кўриб ётгандирсан, Ойбарчин?

Бошимга қийинчилик тушган пайтда сени таний билмадим. Бир умидим сен эдинг, энди талъатингга етишиш маҳол! Ҳаётни янгитдан бошлаш керак, дейсан, Ойбарчин! Хўш, қандай, қандай қилиб — айт! Бунинг бирдан-бир йўли — онадан қайта туғилиш. Менинг ичларим идраб, юрагим зардобга айланган! Покланай, деб оби замзамга тушсам, у ҳам айнийди. Унинг тиниқ қолгани дуруст! — Кейинги гапни айтатуриб, Ҳакимбекнинг ёноқлари кўрғошиндек қотди ва яна юзи буришиб кетди. — Биз далаларни шудгор қилиб бўлдик!»

Боя кўрганлари — қиш нафасини сеза туриб, барқ ураётган анвойи гуллар, зариф майсалар, барг ёзаётган ниҳоллар... кўз олдига келди. Бугунги руҳиясини унга муқояса этдию дилида бир илинж уйғонди. Шу чоғ Ҳакамнинг муздек нафаси ёноғига урилгандек бўлди: «Ёлгон баҳор эди у, Ҳакимбек!»

У чакмоқ урган каби титраб кетди.

— Ку-ку, ку-ку, ку!..

«О, ўлмаган жоним менинг! Яна ҳам отилмаса... умрим узоқ бўлади!» У каккуни нишонга олди-да, тепкини босди. Бу сафар ҳам чақмоқ чирсиллаб ниш урди, бироқ пистон чақилмади. Фақар, телбаваш кулгидан, — буни кулги деб ҳам бўлмасди, — Ҳакимбекнинг юзи хунук кийшайди. Айтмовдимми, отилмайди, деб, отилмади. «Отилмаса — покман. Умрим узоқ бўлади!» демовдимми, а? Яшашга изн бу! Йў-ўқ! — Жаҳолат домида қаҳри кўзиб, ўрнидан туриб кетди у. — Йў-ў-ўқ! Мен тойгандим, У марҳамат кўрсатдимми? Мен ҳам мурувват қилмайман!

Ҳакимбек жазава ичра жўшиб шуни айтдию қаҳри каттиқ Ҳакамнинг игнадек қадалган совуқ назарини туюб, яна жим қолди. Гуноҳкорона бош эгди, ўзини оқламоқ илинжида пичирлади:

— Нима қилай, ахир, сайраши жонимни эговлаб юборди!

Ҳакам норозиланганини туйдию юзага қалқмаган ниятини ҳам ошкор этди:

— Рост, каккуни чўқлай туриб, бахташ таваккал, омадимни синаб кўраман, деб эдим. Дилимда мунофиқона ўзга ният ҳам йўқ эмасди. Қушча уни юрагимга қутқу солди, вақту соатим етаётгандай сиқилдим. Уни даф этсам, гўё мушкулим осонлашиб, исканжадан қутулиб, поёнсиз ялангликка чиқиб қоладиган эдим. Ана шунга...

Ана шунга иқрор бўлгач, Ҳакимбекнинг дилида ўзига нафратдан бўлак ҳеч вақо қолмади. Довучча егандек юзлари буришди, лабларига аччиқ бир жилмайиш инди, тавба-тазарру қилгач, мажолсиз кўзлари аста юмилди, чехраси қўрғошин янглиғ қотди, шуури музлаганча, шайланиб, беором қушчанинг ўн иккинчи сайроғини бетоқат кута бошлади...

* * *

Шу пайт... Ёдгор калта орқасини деворга бериб, тиззаларини қучганча ўй ўйлаб ўтирар эди. «Эсиз, эсиз! Алпомишдай йигит!.. Бунинг йўлга солгувчи дўст-у ёри бўлмаса? Э, тавба. Биродарлари бор чиқару, лекин қаёқда юрибди улар? Дўсту душман олдида довираши уят-да, уят! Ҳув, тентак! Гулдай хотининг бор, асалдай ширин қизинг! Бирига эгалик қил, бирига — оталик! Элга элакиш, қани, йўлингни кесиб ўтгувчи киши топилармикан Ғужбоғда!

Сенинг юришнинг бу. Ҳе-е, садқайи йигит кет-э! Миям айнимаса, бувасининг келбати бор бунда, деб юраманми. Қилич қоровулбегининг тирноғигаям арзимайсан сен!»

Бир тўйда Ҳакимбекнинг кураш тушганини кўриб, мулла Суяр деган: «Бунинг бувасига тортди, Ёдгорбой!» Ҳозир шу ёдига тушди-ю, Ёдгор калтанинг меҳри меҳри ийди. «Ўзи-ку, олов-а, олов, лекин... қиличдай кесгир йигит бирдан ўзини йўқотди-қўйди. Боши айланиб қолдими ё? Сен ҳам ота бўлиб, мундай кўнгил сўрамасанг! Қизи-иқ, анави тушнинг таъбири не бўлди? Ажаб қудуқ эмиш! Қудуқ қаърида... Зобитовнинг қудуғи мундай хунук кўринмовди. Унда, Ҳакимбой ҳам етти яшар бўз бола эди чоғи?..

Зобитов колхозда ҳисобчи эди. Ўғил тўйи қилди — юртга ош берди. Келган-кетганнинг иссиқ-совуғига қа-

раб туринг деб у Ёдгор самоварчини иписиз боғлади. Ёдгор калта ҳам оёғи олти, қўли етти бўлиб хизмат килди. Ҳали кечки базм бошланганича йўқ. Уйинқароқ болалар-у аёлларнинг чувиллаши Ғужбоғни тутган. Ҳакимбеклар қишлоқни кўчириб, бекинмачоқ ўйнашапти.

Аввал бошда Зобитов, «Ҳўй, бачам!» деб Ҳакимбекни имлаб чақирди. Ёдгор калта кўрди: тўй эгаси ўғлининг қулоғига бир нимани шипшиб, кифтига қоқиб қўйди. Ҳакимбойи ҳам қаторга қўшилиб колганидан Ёдгор калтанинг кўнгли тоғдек ўсди. Кейин ўғлининг кораси ўчиб кетди. Ёдгор калта алағда бўлди. Тағин Зобитов юмуш буюриб, бирор ёққа юборгандир, кеп қолар, деб ўзини овутди. Шўрва ича туриб, томоғидан сира ғўшт ўтмади — ўғлига илинди. Зобитовнинг ёнига бориб, аста сўради:

— Бизнинг улни кўрмадингизми?

— Оёкотида ўралашиб юрувди-ку боланг,— деди Зобитов.— Меҳмонларнинг кўлига сув куйиб тур, десаам, шуниям эпломлади-е!

Ёдгор калта Ҳакимбегини дараклади. «Ўғлим!» деди, «Ҳа!», дейдиган киши топилмади. Ўзини тўрт деворга уриб, бир пасда адои тамом бўлди.

— Қайдасан?! Қайдасан улим — Ҳакимбой! Овоз бер, қайдасан?

Ногоҳ супа тарафдан эшитилар-эшитилмас овоз келди:

— Ҳакимбой кудукда-а-а!

Ҳакимбойининг — жигарбандининг товуши!

Ёдгор калтанинг миясига қон урди. Супа этагида кудуқ бор эди-я! Кечга томон оғзига беш-олти боғ маккажўхори ташлаб қўйишаётганини кўрган эди. «Ишқилиб, бола-бакра тушиб кетмасин-да!», деган ҳаётга ҳам борувди-я! Айтгани келди! У жон куйингда маккажўхори боғламларини олиб иткитди, қудуққа энгашиб, «Ҳакимбой!», деди. Яна ичкаридан, «Ҳакимбой кудукда-а!», деган овоз келди.

Ўшанда қудуққа қандай тушди, ўғлини елкасига миндириб қандай чикди — Ёдгор калта ҳали ҳам аклига сиғдирилмайди. Болам бечоранинг юраги чикиб кетгандир, деб қаттиқ кўрқди. Уйга келиб, уни ўраб-чирмаб ётқизгунча қулоғига гап кирмади. Ўғлининг тўрт мучаси соғлигини билгач, ўзини пича босди. «Қудуқ тепасида пишириб қўйганмикан сенга?», деб ўғлини койиди.

Ҳақимбек эса чулдирагани-чулдираган:

— Офтобни кўрдим, ота, қудуқда туриб офтобни кўрдим!

— Ярим кечаси офтоб нима қилади, тентак!

— Кўрдим-у! Ка-ат-та!— У қулочини ёйиб кўрсатди.

— Ойни кўргандирсан, болам! Қудуқ тепасида...

— Йў-ўқ, офтоб эди!

— Ҳа, майли, сен айтганча бўла қолсин! Қани, энди теккина ёт-чи!..

«Ҳақимбой қудуқда!» деган гап асли шундан қолган. Ким кўп — Ҳақимбекка иши тушган кўп, «Ҳақимбекни кўрмадингми?», деб ғужбоғликдан сўровчи кўп. Шунда, «Ҳақимбойми? Ҳақимбой қудуқ-да!», деб кулиш ғужбоғликнинг катта-ю кичигига одат. Ҳатто Ёдгор калта ҳам димоғи чоғ пайтлар, кампири Ҳақимбегини йўқлаб қолса, «Унинг қудуқда чиқар», деб тегишади.

Буни қаранг, орадан шунча вақт ўтиб, Ёдгор калта босинқираса, тушида Ҳақимбойини кўрса, Ҳақимбойи қудуқда ётса?! Бунинг таъбири не бўлди?!

У, ҳозир, етти яшар Ҳақимбегини қудуқда кўрганидаги каби ҳолатга тушди. Бежо кўнгли ўғлига талпинди. Беихтиёр ирғиб турди-да, ковушини оёққа илишни ҳам унутиб, меҳмонхонага шошилди...

1983 йил.

АЗАЛ ВА АБАД

МУСИБАТ КУНИ НАҚЛИ

Беихтиёр ўрнидан туриб кетди у. Нохуш таҳлика юрагини сиқар, гарчи табиатан лоқайд ва совуққон бўлса-да, шу тобда ҳаяжандан бармоқларининг учига довур титраётган эди. Оққушни ки мисол бўйинлағи хиёл чўзилди, у саҳнга — доналар сийраклашган шахмат тахтасига одатий кибр аралаш синчков назар солди: зоҳиран, оқларнинг ҳоли танг эди...

— Уҳ-ҳ! — Қимдир ногоҳ энтикди, қора рух майдон адоғидаги катакка ташланган, шу йўлдаги шоҳни олиб

кочиш мумкин бўлса-да, фарзиннинг бой берилиши муқаррар эди.

— Уҳ-х! — Бу гал бир неча киши бирданига энтикиб юборди. Бундан унинг дилгирлиги янада ошди. — Мунча куйиб-пишмаса булар? — деб ўйлади у, тўсіндан юзи ўзгариб кетди, зеро, унинг иродасига итсат этмайдиган бармоқлар доналар узра чўзилган, ҳозир тождор фарзинга тегиб аянчли хато қиладигандек, ҳаётини издан чиқариб юборадигандек Лорелеянинг юраги увишди, беихтиёр ўзини пича кетинга ташлаб, хаёлан ўтинди: — Кўлингни торт! Тега кўрма унга! Тега кўрма! — Тождор кўлини тортди. — Ҳа, шундай! Ошиқма. Ишингга пишиқ бўл. Чуқурроқ ўйла. Бекорга у фарзини бераётгани йўқ. — Тождор одамларнинг ғашига тегиб бошини қашиди, кейин катъий бир фикрга келди шекилли, кескин узалди. — Им-м! — Лорелеянинг нафаси ичига тушиб кетди. Тождор, унинг назарида, қовушмаган ҳовлиқмалик билан фарзинни тахтадан юлиб олди ва четга суриб қўйди, шу чоғ енги тегиб кетди шекилли, тош қулаб, хунук товуш чиқарди, одоб юзасидан уни тиклаб қўйиш ўрнига шоша-пиша боя фарзин турган катакка ўзининг тим қора руhini сурди. — Одам деган шунақаям беўй бўладими, а? — Анавининг кўргамсизлиги, беўхшов килиғи ва ҳамон фарзиннинг ағанаб ётиши кўнглида нохуш таассурот қолдирган, тўпорилиги, шу худкомлиги билан ҳам ҳарифига у бас кела олмаслигини Лорелея англаб етган эди. — Бунинг нимасига умид боғлаб келдим? — Ададсиз чарчоқ туйиб кўзларини юмди у. — Бир қайиови ичида бўлмаса... Наҳот шунга фаросати етмайди? Шу ақл билан қандай қилиб чемпион бўлган? Ё тавба а... Ким у — енгимдан тортаётган? Қўядими, йўқми булар? Мунча юлкишмаса? Ҳа-я, нега тик оёқда зинкийиб турибман? Ўтириш керак-ку ахир... — Ҳали бу фикри катъийлашмай, боя кўргани — тожга даъвогар бўлмиш шу кеча уйқу билмай тузган мансуба якуни кўз олдига келди, чор тарафидан ёв босиб келаётгандек тинчини йўкотди у. — Нима қилди энди? — Теварагига аланглаб, кўрдики, қуршаб ўтирганларнинг кайфияти тамомила бошқача. Ётсиради. — Кетиш керак! Тезроқ чиқиб кетиш керак бу ердан. Анавининг бели майрилиб кетди, ортиқ қиладиган ишим қолмади. Мен ўйловдимки... Ҳозир у филини тутиб беради, ахир, мен биламан-ку ҳаммасини, кейин... Ўзиям ғирт галварс экан-да, йўқса... Мен ўйловдимки, кечаси билан

ухламаган одам... йўқ, кетиш керак, ҳозироқ чиқиб кетиш керак! Кўз тикиб ўтиришдан маъно қолмади. Ким у — енгимдан тортаётган! — Лорелея асабий юлқинди. — Ҳоли-жонимга қўядими, йўқми булар? Худойим-эй! — Дилгирлигининг дастлабки қалқими шу бўлдики, енгидан тортган кимсага қасдма-қасд бошини баланд кўтарди ва ҳали енгини тортиб олмай туриб, ким биландир ўчакишганлигини тамомила унутди, бақамти ўтирганларни четлаб ўтди-да, ихчам зиналардан қуйига эна бошлади, унинг асаблари шу қадар чийралган эдики, бориб Георгийнинг нақ ёнидан, атай унга кўриниш бериб сўлга қайрилди ва виқор билан — бошини баланд кўтариб — даъвогарга беписанд назар солди, кейин янада намойишкорона алпозда бир-бир босиб юқорига кўтарилар экан, иситма алангасида кўзлари тинди, Георгийдан узоқлашган сайин унинг: — Лорелея! Қайт, қайтгил! — дея илтижо қилишини илҳақ бўлиб кутди. Ниҳоят, бу илҳақлик ўкинчга айланди ва ўксик кўнглини ситиб юборди. Кўзлари намланиб, томоғига бир нима тиқилди. Ўзини хўрланган ва ҳақир ҳис этди, сўнгги зинага кўтарилди у, остонага довур икки қадам қолган, лекин Георгий ҳамон ортидан келмаган ва ҳатто чақирмаган ҳам эди. — Мен... мен атай кўриниш бериб ўтдим-а унга! — деб ўйлади Лорелея хўрлиги келиб, сўнг қуйи лабини тишлади, ғурурини шунчалар топтаганлиги учун сира ўзини кечира олмасди у. Назарида, манави ўтирганлар ҳам унинг дилидагини уққан, азбаройи ғаши келганидан чиқиб кетаётганлигини гўё ҳамма билар эди; боя бетоқат бўлиб титраб кетди-ку ахир, ён-веридагилар шуни пайқамаган дейсизми, кўра-билатуриб, атай ўзларини гўлликка солишади, гўё эътибор беришмаган, ҳеч вақони сезишмаган, ичларида эса хоинона кулишади. — Мунофиқлар, — дея ижирғанди у. — Тайин борми буларда? — Бир пайтлар ўзининг ҳар бир ҳаракатини ҳам мана шундай — юрак ҳовучлаб кузатишгани, сўнг даста-даста гуллар тутиб олқишлашгани ёдига тушди, хаста дили баттар ўксиди, тубсиз дара қаърига тойиб кетаётгандек, қайтиб ўнглай олмайдигандек ҳис этди ўзини, мотамсаро, остонага довур борди-да, беихтиёр тўхтади, ортига — кўнгли қолган кимсаларга ўгирилиб қаради, шаҳодат бармоғини чаккасига тираб, ўйга толган киши алпозида ўтирган Георгийга кўзи тушдию довучча еган каби юзи буришди. — Мунофиқ! — Ичичидан тошиб келган ғазаби чатнаб миясига урилди-

да, аламзада ингроққа айланди: — Э, худо! Манави каллаварамларингни қара! Ҳали булар, Георгий ҳар юришининг минг томонини ўйлаяпти, деб ўтиришган чиқар? Мунча анойи бўлишмаса?! — Унинг, бу ўйинда Георгий аниқ ютади, ҳозир у ҳунар кўрсатиб, ҳаммангни майна қилиб ўтирибди, аслида кечаси мўлжалини пишиқлаб, олган, дегиси, нафасини ичига ютиб ўтирган эсарларни масҳара қилиб кулгиси келди. Фаҳмча, шундай деган тақдирда ҳам бирон хайрхоҳ бўлмайди, ҳеч ким унга ишонмайди. Жинними бу? Қаёқдан кеп қолди ўзи, дея ижирганишади, жеркишади, чиқариб ҳайдашади. Бармоғини букиб тишлаганча унсиз йиғлади. Йиғлайтуриб, Лорелея англадики, ҳар қалай, анавиларга ўхшаб аҳмоқ бўлиб ўтиргани йўқ, нима бўлишини билади, шундан таскин туйди у, нигоҳини залдан узаётди, кеча ўзига шакаргуфторлик қилган сартарош йиғитни илғаб қолди. Ҳатто шугина ҳам Лорелеяни буткул унутган, ҳатто шугина ҳам чап кафтига нияк тираганча қирғинга гирифтор сипоҳларга тикилиб, афтидан, юрак ҳовучлаб ўтирар, бармоқларни орасидаги сигарет тамоми кулга айланган ва ундан ҳамон ингичка тутун таралиб, ҳавога сингиб кетар эди.

Лорелея унинг панжалари нозик қўлига қаради, кечагина ўзи Паганининикига¹ менгзаган шу қўллар ҳозир оқжим ва ёкимсиз кўринди, сартарошнинг турли кремларни кафтига суртиб, аллакимларнинг юзини уқалати хаёлидан кечди, кўнгли беҳузур бўлди, қайрилиб эшикка йўналди. Шу чоқ тўсиндан кимдир унинг йўлини тўсди. Лорелея таққа тўхтади, бир хил бўлиб, ўпкаси тўлиб кетди, йўқ, қайтмайди энди, кетди. Намланган кўзларини юмиб очди, ва кўрдик, ланг очик қўш табақа ўртасидаги эшик устунига рўбарў келган экан, ёпроқ боплаб масҳара қилгандек титраб кетди у, бўшашганча устунни айланиб ўтди-да, мармар зиналарни бир-бир босиб асфальт йўлакка тушди. Ўйга оёғи тортмади — юрагига қил сирғмас эди. Қаён боришини, нима қилишини ўйлаб кўргунча бўлмай йўлакни кесиб ўтди ва паришонхотир, хиёбонни сралаб зориб кетди. Кетатуриб, Георгийнинг олдида тушиб боргани, атай бошини баланд кўтариб хусумат билан қарагани ёдига тушди. Ўзининг шу қилиғи, аламини бо-

¹ Никколо Паганини (1782—1840) — италиялик улуғ скрипаччи, композитор.

ссмай юрагидагини сездириб қўйгани орини кўзга-ди.— Уят бўлди. Нега тушиб бордим? Нима зарил эди?— Дарду алами кучайиб, ўзини шу куйга солган Георгийга ғашлиги ортди.— Доғули. Наҳот у мени кўрмаган бўлса? Кўрга-ан!— У тушиб борганида Георгий гўё ўйга толиб ўтирар, фақат нигоҳигина бу ёққа — Лорелеянинг боши оша залга йўналган эди, у аниқ бир нуқтага тикилмаётганлигини, ҳеч вақони кўрмаётганлигини, фикри-ёди бошқа ёқда эканлигини Лорелея англаган, бироқ ҳозир худди шу манзара қайта бошдан ҳаёлида жонлангач, ҳамма-ҳаммаси унга бошқача бўлиб туюлди.— Тушиб келаётганимни у кўрган,— деб ўйлади Лорелея, назарида, чиндан ҳам Георгий аввал бошда унга кўз учиди бир қараб олгандек эди.— Кейин жўрттага ўзини кўрмаганга олди, жўрттага!— Бу гумон ортиқ ғазабини келтирмади, кўнглининг бир четида шу ўйи ҳақиқатдан йироқ эканлигини ўзи ҳам сезиб турарди. Тўсиндан Георгий уззу кеча уйку билмай, аввал ҳалокатдан қутулиш, сўнг ҳарифини чалғитиб, халтакўчага қамаш йўлини топгани, тагин ўзини бечора кўрсатиб зимдан ниятини амалга ошираётгани ҳаёлидан кечди.— Шунча шумликка борган одамдан ҳар балони кутиш мумкин,— деб ўйлади у Георгийни баттар ёмон кўриб.— Дарёга ҳўл обориб, қуруқ қайтариб келади бу! Мунофиқ! Атай кўрмаганга олди-я! Арпасини хом ўрдимми мен, йў-йўк, жўрттага шундай қилади у, жўртатга. Ичидагини билмасам экан. Мени кўролмайди, ерга урмоқчи бўлади. Камситади... Қаерга кеп қолдим ўзи?— У сув юзиди қалқиб ўйнаётган япроқларга ва хиёл кирланган нилуфарга тикилиб қолди.— Қаер бу?— Қачондир шу йўлакдан ўтган, фавворани ҳам кўрган эди. Ҳовузнинг нариги четида, мармар тўсикда ўтириб итининг бошини силаётган кизга кўзи тушди.— Одамлар суйганиниям мунча эркаламайди,— Георгий шу кеча шахмат тахтаси узра мук тушиб ўтирганида бориб суйкалгани ва унинг силтаб ташлагани Лорелеянинг ёдига тушди,— бежиз итга меҳр қўйишмас экан-да ўзи,— алам билан кулимсиради у,— ҳамма хоин, бир-бирини кўргани кўзи, отгани ўки йўк. Мана, Георгий, сал кам чемпион, шундай бўлатуриб, умр бўйи мени таҳкирлаб келади,— шунда ҳақиқатан ҳам Георгий ўзига нисбатан ими-жимиди ҳаминша ёмонлик қилиб келгандек, руҳини синдириб, шунинг баробарида ўзи юзага чиқишга интилгандек бўлиб туюлди.— Аслида йўриғига юрмай,

Канченжангига¹ кетсам бўлар экан. Экспедициядан қолиб ўтирибман-а мен тентак. Э, тавба! Юргил, ёним-да бўл, нахот ёлғиз қолдирсанг, деса ёш боладай лаққа тушиб ўтирибман-а!— Лорелеянинг алами келди.— Мунинг обрўи менга соя солмасин дейди-да. Вой шайтон-эй, билмас эканман уни.— У бир нуқтага тикилиб қолди, орадан хийла вақт ўтгач, ўша нуқта аста-секин тароватини йўқота бошлаган нилуфарга айланди.— Илгариям келувдим шу ерга? Ҳа, ҳа, ҳовузчанинг кунчиқар тарафидан ўтиб кетувдим. Э-э, ҳа... Мунча ҳаво дим бўлмаса? Шўрликка қизчанинг силаб-сийпашини ёқмапти-я. Ит итлигига боради-да, барибир. Сени тушунармиди у?— деб ўйлади Лорелея, ҳовузчани айланиб ўтгач, яна йўлида давом этди, шу чоғ чап юзи тортилиб, ёноғи пир-пир уча бошлади, қўли билан у чаккасини босган кўйи:— Шунча одамни майна қилиб ўтирибди-я,— деган хаёлга борди, беихтиёр отаси Султон Мирзонинг гангиган, абдолваш авзойи, сўнг қора плашч кийиб юрадиган Пири Мафиянинг сиёқи кўз олдидан ўтди, бироқ Пирнинг қиёфасини аниқ-таниқ эслай олмади.

Ойиси айтган:

— Балокаш дунё экан-да, қизим. Муҳаммад Расул-ни қамаган, сўроқ қип отган шу бағриқурт, дейишгич эди, ўзиям Азроилга ўхшаб ҳамманинг юрагини опқўйганди. Бир кун шотирлариминан кеп уйимизнинг тоза чангини чиқарган. «Нақл»нинг қўлёзмасини топ, деб идорасига чақиравериб отанг бечорани сил қилган. Кеп-кеп, энди шу алайҳиллаъна отангнинг оёғидан об ўтирса-я?!

Лорелея нохуш ўйларни қувмоқчи бўлган каби бошини сарак-сарак қилди.— Наҳот у шунчалар қабиҳ бўлса? Наҳот у далвай килиб чалғитса-ю, шунга ҳеч кимнинг фаҳми етмаса? Наҳот у бир умр тантана қилса-ю, макрини ҳеч ким англамаса? Худо бордир-ку, ахир?! Кўриб тургандир-ку? Қазган чоҳига бебокнинг ўзи тойиб кетар ҳали, ахир...— У хиёбон оралаб тез-тез юриб кетди.

Елпиғичсимон даричани силтаб очди-да, ҳовлига кирди ва гулзор оралаб ўтган йўлакдан боратуриб, зина олдида турган кампирга кўзи тушди.— Ким бу? Нима қип турибди бу ерда?— У суриниб йиқиلاءз-

¹ Канченжанги — оламдаги сарбаланд чўққиларнинг бири (Непалда).

ди.— Янглишиб, бошқа бировникига кириб қолдимми ё?— Шу гумон боис аввал эшикка, сўнг дераза равокига қаради, гултувакдаги лимоннинг сарғиш мева-ларига кўзи тушгач, баттар ҳайрон бўлиб кампирга юзланди, кампир ўғирлик устида қўлга тушган каби бечорасиниб бурчакдаги хас-хашакка ишора қилди ва етти ёт бегона тилда бир нималар деди, шундагина Лорелея унинг қўлидаги супургига эътибор берди.— Фаррош-ку. Қўрқиб кетди-я шўрлик. Нимадан чўчийди мунча?..— Кампирнинг ҳилвираган халатию жовди-раган мунчоқдек кўзларига кўзи тушгач, бир гуноҳга ботган каби ич-ичидан эзилди.— Авзоимдан ҳайиқди. Тушаклар нега саранжом-сарингга эмас деб жеркисам ё шикоят қилсам бечоранинг шўри қайнаб қолади чоғи. Ҳар қалай, бекаман, кимсан — тожга даъвогар-нинг хоними. Мунча титрамаса, э, худо,— зиналар-ни бир-бир босиб, юқорига кўтарилар экан,— эрта бир кун наҳотки мен ҳам шу кўйга тушсам?— деб ўйлади у ва ҳақирлик туйғуси яна юзага қалқиб чиқ-ди,— йўқ, йўқ, худо сақласин! Бундан кўра ўлган аф-зал. Қизи-иқ, нега ивирсиб юрибди у бу оламда — ўзи-ни хўрлаб?..— Лорелея ичкарига киргач, чап қўли билан эшикни ёпди-да, бир нимани эсламоқчи бўлган каби ўйланиб туриб қолди. Хийладан сўнг у ҳамон ёноғи учиб, ҳалто лабининг бир чети тортилаётганли-гини пайқади. Бироқ ортиқ бунга аҳамият бермай, даҳлиздан ўтиб меҳмонхонага кирди, паришон, жиҳоз-ларини кўздан кечирди, сўнг яна икки қадам юрди ва хонанинг қоқ ўртасига келиб тўхтади, шууридаги қандайдир майл уни безовта қилар, лекин нима шу, ҳеч идроклай олмасди. Нихоят, бориб нигоҳи бурчак-даги жавонга илинди.— Нима? Нимани истайман, э худо, мунча мени қийнамасанг?— дераза томон пича силжиб энгашди, титкилай-титкилай «Малборо»нинг қирмизи қутисини топди, бир дона сигарет олиб лаб-ларига қистирди. Беқўним, ўт чақиб уни чўғлантирдию тутун тикилиб бирдан ўқчиди, томоғи ачишиб, кўзла-ри ёшланди.— Қуриб кетсин! Ер ютсин ҳаммасини!— Юриш-туришию саъйи-харакатида у ҳеч бир маъно кўрмас, қилмишлари бемаънилик бўлиб туюлар, хуф-тон дилини баттар сиқар эди бу. Ўйинни, Георгийни ташлаб залдан чиқиб кетгани энди пушаймон кўзгай бошлади ва бу туйғу сувга тушган спёҳ каби таъбини хира қилди, ўзини қўярга жой топа олмай қолди у.— Ахир...— Кресло кўзига чалинди, ўтиришга майл сез-

ди, лекин ҳали жойлашмайтуриб, эслашга тоқати қолмаган ўша — ўзини йўқотиб қўйгани, кейин қадр истаган каби саҳн сари намоишкорона тушиб боргани, устига устак, Георгийнинг кўрмаганга олгани — ҳамма-ҳаммаси шундай кўз олдидан ўтди ва ижирғаниб ўрнидан туриб кетди, вужудини қовураётган асабийлик иситмасида хонанинг нариги бурчагига борди, қўллари титрар эди, баногоҳ залда аллаким енгидан тортгани ёдига тушди. — Ким бўлди у? Нима дарди бор экан менда?

Бир ойдирки, Лорелея шу шаҳарчада, ўша ким бўлмасин, Георгий билан кўча-кўйда юганини кўрган, ахир, уни танийди. Ҳозир у ён-веридагиларга Лорелеянинг ғийбатини қилаётган, устидан кулаётган чикар? — Сўнгакларига довр чатнаб кетди унинг. — Кир кўйлакка кишан ёқа. Нима бўлгандаям яхши қилмадим, охири бахайр, энди... — Георгий ўшанда аламангиз чимирилгандек, аслида, кўзларини хиёл қисиб кек билан кузатиб турган-у, ўзи тикилиб қарагач, нигоҳини олиб қочгандек бўлиб туюлди унга. — Энди кечирмайди у, — деб ўртанди Лорелея, ораларида тубсиз жарлик пайдо бўлганлигини ҳис этиб, — кўнглига тугиб қўйди, тамом-вассалом. Биламан-да унинг мунофиқлигини, аслидаям орамизда табиий нарсанинг ўзи йўқ, шуниси сезишим ёкмайди унга. — Георгийнинг кек билан қараб туриши кўз олдига келди. — Энди пайт пойлайди, ўч олади, — алаmidан Лорелеянинг юраги сирқираб кетди, лабининг учи тез-тез қимтилиб ғашини қўзғай бошлади, тагин бўсағада турган кампирни кўриб, киприклари пирпиради, ўйлаган ўйининг тубига етолмаётган каби манглайини тириштирди. — Эшик очикми? Ахир, боя уни ёлмаганмидим мен? Ким бўлди бу? Бўсағада нима қип турибди? Кўзлари мунча жовдирама-са? — Ёлворинкираб, маҳзун термулаётган кампир девордаги суратга имо қилиб тушуниксиз тилда бир нима деди, кейин калтак ейишдан чўчигандек бошини ичкари тортиб, тислана-тислана хонадан чиқиб кетди. Эшик хиёл очиқ қолган эди. Лорелея, яна унинг қораси кўринармикан, деган ўйда чўзилиб ташқарига каради, йўлак кимсасиз эди. — Ким бўлди бу? Қайдадир кўргандайман? Э-э, — боя уни зина олдига учратгани ёдига тушди, — эсим курсин! Фаррош-ку! Ўша. Нима иши бор экан? Лабим... шамоллатиб қўйдимми ё?... Анави нима деди? — Қўққисдан ўн йилча илгари Канченжангига қилинган сафар хаёлидан кечди. Ўрта-

лаб қайтамиз деган кечаси Бахтиёрнинг юзи қийшайиб чиқди, тонг пайти Лорелея кўрдики, боёқишнинг юзи тортишиб қолибди, шунда дафъатан у кулиб юборди. Урганмаган кўзга ғалати кўринар экан-да ўзи. Кейинчалик, Бахтиёр даволаниб чиққач ҳам, оғзи бари бир чап тарафга тортилиб қолди. Ҳар гал шўрликка кўзи тушса — бас, Лорелеянинг кулгиси қистарди. Ҳозир шунини эслаб, юраги увишиб кетди, — ҳали юзим?.. Йўқ, асабдан, ҳаммаси асабдан! Сил қилди мени, адо қилди бу! Наҳотки энди Бахтиёрга ўхшаб!.. Йўқ, йўқ, худо сақласин! Атир суртиш керак, қиздиради... — Шунда кўнглидан кечган тартибсиз кечинмалар сирли бир нарсани кўмиб юборгандек бўлиб туюлди. — Нима? Нимани ўйлаётган эдим? Бахтиёрнинг лаблари, йў-ўқ... худди қизларникидай ақиқ эди-я! — Бир гал, тишлаб, уувиб олсанг, деб ўйлагани хаёлидан ўтди, киприкларини пирпиради. — Одамнинг кўнглига нималар келмайди-а? — Бирдан бўсағада мунғайиб турган кампир ёдига тишди. — Ҳа-а, алланимага у ишора қилди. — Лорелея бошини кўтариб, кампир им қоққан тарафга юзланди ва дераза равоқида турган фаранги атиргга кўзи тушди. — Э, ана-ку! — Унинг хаёли чалғиди, кейин, дераза томонга ўтатуриб, кресло қаршисидаги столчага тизгасини уриб олди, алланима шиқирлади, назарида, бир нарса ағанаб кетди, шунда тутиб қолай деган ўйда хиёл энгашди ва столчани бор бўйи билан эгаллаб турган шахмат тахтасини қучиб олаёзди, ҳаяжони пича босилгач, секин ўмганини кўтарди, эрталаб Георгий тошларни йиғиштиришни унутган, шу боис, залда ҳали давом этаётган ўйиннинг якуни тахтадан аниқ кўриниш бериб турар эди. Шунга кўзи тушди-ю, бир хил бўлиб кетди у, ҳаммаси тониб бўлмас даражада равшанлашди: шу дамгача Георгийнинг гўё кибру ҳавоси ёқмаган, ундан ўзича норози бўлиб юрган, энди эса икром туйғуси бундай майлга имкон қолдирмаган ва руҳи-жонини эзиб ташлаётган эди. — У ютади, — хоинона шу ўй кўнглидан кечдию шу пайтга довур бўйин эгишни сира-сира истамаган ва биз ирода деб атайдиган алланима ичида синди, шунинг иситмаси жисми-жонида титроқ кўзғади: — Муқаррар ютади, — деб ўйлади Лорелея ўзи ҳам шунга амин бўлиб, ва беихтиёр, хона бўйлаб асабий кезина бошлади. Ўлик бўёқ чапланган тўрт девор ҳам, ҳувиллаб ётган ҳовли ҳам, ўзининг нотовонлиги ҳам бирдек ғашини қўзғар, кўз илғамас қандайдир куч исканжага олиб гўё беомон

сиқар эди. Иситмалаб совқотаётган бетоб каби у қалт-қалт титрай бошлади.— Нега шундай қилади, нега?— Кимни айбларини билмай тагин Георгийга ёпиша кетди:— Арпасини хом ўрдимми ё? Аввал, турмуш қурган пайғаларимиз бошқачайди-ку, ахир, оғзидан Лорелея тушмасди-ку!— Тўйларидан кейин, орадан уч ой ўтгач, туғилган кунини нишонлаш баҳонасида Чортққа олиб чиққани ёдига тушди, кейин Эверест¹ сифаридан қайтганида бир кучоқ гул кўтариб йўлига чиққани... шу ва шу каби эрига нисбатан ҳурмат, наиники ҳурмат, дилида меҳру муҳаббат қўзғайдиган хотиралар хаёлидан бир-бир кечдию дийдаси эриб, мунғайиб қолди.— Ҳар тугул, айб мендан ўтди,— дея ўзини қойий бошлади у,— лузуми йўқ эди шунинг. Ахир, у бечорада нима айб? Шу шахматни деб...— Бултур, Жазоир турнирида ютиб чиққач, қуёнчиқлабми қулаб тушгани, юзлари буришиб, лабларига довур кўкариб кетгани ёдига тушди. Шунда у хаёли жойида бўлмай алаҳлаган:— Заковатнинг фавқулодда миқёсини кўрсатаман!— деган, қўллари эса акашак бўлиб тиришган, жон ҳалпида оёқ қоқиб типирчиллаган, шулар хаёлида жонландию Лорелеянинг кўзларидан тирқираб ёш чиқди, ўшанда у нима қиларини билмай қолган, ҳозиргина минглаб кишиларни ҳайратга солган Георгийнинг ихлосмандлари кўз олдида пиёнистадай ёр билан битта бўлиб ётиши уни саросимага солиб кўйган. Кўнглига келгани шуки, одамларда бу жуда нохуш таассурот қолдиради, дилларда туғилган эҳтиром ҳисси ирганиш туйғуси билан қоришиб кетади, ихлослари қайтиб Георгийни энди ачиниб эслаб юришади. Ўзининг жуфти ҳалоли эмас, қандайдир карғиш теккан банда каби Лорелея унга ачиниб, ҳам ижирғаниб қараган, юрак ютиб яқинига йўламаган. Ҳозир шу ёдига тушгач, яна ўша совуқ туйғу вужудига ўрмалади.— Мен тушунмайман шуларга,— деди у ўшанда Алла Пугачёвага ўхшаш жувон бориб Георгийнинг қўлини уқалай бошлаганини эслаб,— қандай юраги бетлар экан, жони ачийдиган кишиси бўлмаса? Анави рангпар йнгит бунинг бош остига шарфини қўйган-а,— кўзлари чарос қиз эса мук тушиб, ўша қатиги чиқан юзни силаган, шундай силаганки... Аста-секин гарангсиб турганларнинг бари Георгийнинг устига ёприлиб

¹ Эверест (Жомолунгма) — Ҳимолай тоғидаги сарбаланд чўққи.

келган ва оломон Лорелеяни бир четга суриб ташлаган. Ҳозир тагин шу ҳол рўй бергандек, одамлар юлқиб, турткилаб нари итқитаётгандек хўрлиги келди унинг. Ўшанда Георгийнинг ёноғини сийпаган ингичка бармоқлар кўзига кўриндию аллақандай ғашлик юрагини ғижимлаб ташлади,— одамлар бунинг нима-сини мунча яхши кўришади, ахир, майиб-мажруҳларга ачиниб қарайди-ку ҳамма, касалмандлардан ирганади-ку?!. Бунинг оёғини уқалашдан ҳам ор қилишмайди, нега? Бу... бу... шайтонниям дарёга ҳўл олириб, қуруқ қайтараб келади-да бу,— деган ўйга борди, тагин юрагини сиқа бошлаган аламда қоврилиб, гарчи Георгий шундай бўлмаса-да, ич-ичидан ўзи ҳам шуни англаб турса-да, ёлғизлик домига итқитиб ташлагани, танг аҳволга солиб қўйгани, изтироблари ҳаққи, уни айблай бошлади: — Эҳ, бу Георгий, Георгий! Унга қолса, ой туғсаям, кун туғсаям унга туғса-да. Каттаям, кичик ҳам гирдикапалак бўлса-да унга. Нима эмиш, инсоният заковатининг янги уфқларини очармиш! Топган ниқобини қаранг. Ҳеч бир корчолоннинг ҳаёлига келмайди бу! Инсоният... инсоният... қуллуқ қилса-да унга. Йў-ўқ, мен ўзимни хор қилдириб қўймайман сенга!— деди Лорелея кеча, кечқурун бўйнидан қучмоқчи бўлганида Георгий иддао билан қўлини суриб қўйганини эслаб.— Бағритош... Ўзимни хор қилдириб қўймайман сенга!— Яна у ғазабдан қалт-қалт титрай бошлади, ғайришуурий тарзда бориб креслога ўтирди-да, қўлларининг учи билан чаккаларини босди. Сўнг бетоқат бўлиб, ўчиб қолган сигаретини чўғлантирди, турди, яна хонанинг уёғидан-буёғига юра бошлади.— Ҳаммани оёқ остида кўришни истайди!— Алами келиб, димоғини кўтарди у.— Лекин мен сенинг хўрда-бўрданг эмасман!— деди Лорелея овоз чиқариб.— Бари бир бўйин эгмайман!— Шунга яраша бир қуч сизди у ва ўйларидан ҳузур топди.— Ҳеч қачон сенга бўйин эгмайман, Георгий! Одамлар жалойирга жар солсин, бошига кўтарса кўтарсин сени, бироқ мен...— Қутуриб қулоч отаётган денгиз, қумлоқ соҳил, тошиб келаётган издиҳом, расулиллоҳ каби пешқадам Георгий унинг тасаввурида намоён бўлди, ўзи кўкрак кериб қарши чиқмоқчи бўлган бу қудрат жаҳаннам қаърига итқитиб ташлашини у англади, айни пайтда шу ёввойи талотўпга қарши боришида жонини ёқадиған ғайритабиий шавқ ҳам яширин эди.— Майли, ўлсам ўлай, лекин...— Георгийни бошда кўтаришга ҳозир оломонни,

шунинг йўлини тўсиб чиқишини хаёл қилдию юраги тошиб кетди, унинг гапи ҳеч кимнинг қулоғига кирмайди. Шундай бўлади одатда, кони кўпирган кишилар тошқин каби уни босиб-янчиб ўтишади.— Лекин кейин-чи, кейин? Аввал бошда қандайдир кўнглибўш кўзи қонга тушиб чинқириб юборади. Ён-веридагилар сергак тортади. Аюҳаннос солинади. Ваҳм босиб конлар совийди, энди қизиқ устида қилинган хато учун пушаймон бўлинади, одамзод шундай ўзи, босар-тусарини билмай қолган пайти қилғилиқни қилади-ю, сўнг хаёли жойига келгач, афсус-надомат чекади, ҳа, ҳа, аввал пушаймон бўлишади, кейин гуноҳга ким ботганлигини билиш ниятида бир-бирига қарай бошлашади. Алоҳал, қосиру ноқосир қўшилиб Георгийни айбдорга чиқаради, зеро, унга эргашиб нобоп қадам ташлашганини англашади ва ундан юз ўгиришади, кайтишади...— Лорелея қумлоқда ётган пажмурда танасини кўз олдига келтирди.— Кейин одамлар мотамсаро бир алпозда, Георгийни ташлаб, унга сари қайта бошлайди. Келиб, теварагини олишади, юзлари аянчли буришиб унсиз нола чекишади, гуноҳларидан ўтишини сўраб яратганнинг ўзига муножот қилишади.

Муножот қилаётганларнинг аччиқ афғонига бўлак бир ғовур ҳам қоришиб кетди, Лорелея ҳайрон бўлиб атрофига аланглади, кейин фаҳмладики, шовқин ҳам, чинкиллаган овоз ҳам девордармиён хонадан келаётир.— Даъвогарнинг ўйинида сакталик сезила бошлади.— Ғалаговур ичидан бу овозни у ажрата олди.— Гроссмейстер Ашраф Алиев-ку! Бу партияни шу анди шарҳлаётган экан-да?— Лорелея англадики, қўшниси залга бормаган, ўйинни телевизорда кўраётир, товуши чинкиллаб келаётган — Ашраф Алиев.— Нима, сакталик дедими? Наҳотки? Ахир, юришлари олдиндан маълум эди-ку!— Лорелея ўйланиб қолди, кейин руҳи енгил тортиб, хушҳол жилмайди.— Нега энди ҳаммаси унинг хоҳишича бўлиши керак? Кутилмаган бир юриш билан Георгийнинг оёғини осмондан қилиши мумкин-ку анави? Нима бўлгандаям телевизорни қўйиш керак!— Ойиси танига ёғ суртиб силаганидаги каби Лорелеянинг асаблари юмшаб, алланечук ҳаловат туйди у. Бориб, бурчакда турган телевизорни очди-да, кайтиб келиб ўзини креслога ташлади ва стол киррасига тирсагини тираб, иягини кафтлари орасига олди.— Сакталик сезила бошлади деди-я. Ҳали ютказиб қўйсайди бу!— Шундай бўлиб чиқишига нечундир

кўзи етмади ва яна безовталана бошлади. Кўнгли бир нимани тусаб, ғаладонни титкилади. «Малборо»нинг бежирим қутисини очиб сигарет олди-да, лабига қистирди. Шу чоғ экран пирпираб хиёл ёришди ва Георгийнинг ангори уни қоплаб олди. Уруш кўрган кишиникидек совуқ ва чайир бу қиёфада боя ўзини саросимага солган бераҳмлик шундоқ кўзга ташланиб турар эди. Лорелеянинг юрагидаги ҳаяжон бирдан сўнди, бегоналар орасига кириб қолган бола каби ўнғайсизлана бошлади у. Шу чоғ Георгий бошини кўтарди ва ўгирилиб унга қаради, ваража қилгандек Лорелеянинг товонига довр музлаб кетди, кўзларини чирт юмиб олди у.— Бу қандай ситам, э, худо, Георгий мен ҳақимда ҳозир нима деб ўйлаётган экан?— У кундага бсшини қўйиш дамлари тобора яқинлашиб келаётган катлга маҳкум осий каби ҳис этди ўзини.— Эртага нима бўлади? Одамлар нима дейди? Унга бари бир, бирини миниб, бирини етов қилиб кетаверади, кимсан — тождор, кимсан — Георгий Расулович, лекин мен-чи?..— Ойиси, таъна қилиши мумкин бўлган қариндош-уруғлари, дугоналари бир-бир хаёлидан ўтди.— Ҳали залдан чиқиб кетганимни телевизорда кўрсатишган бўлса-я! Вой, шў-ри-им, ҳалитдан ойим қойиётган чиқар? Бахтиёр ҳам...— У, мийиғида жилмайганча креслода ясланиб ўтирган Бахтиёрни кўз олдига келтирди.— Менинг устимдан кулаётгандир у? Айтмабмидим сенга, бу тенгинг эмас, деб, пиширган ошинг, айлан ич, ўргил ич, деяётган чиқар? Георгийни жинидан баттар ёмон кўради.— Эҳ, Лорелея, Лорелея, билмайсан-да, шунингни кўрсам адо бўламан. Худди мени топташ учун дунёга келгандай. Ҳасратимнинг чеки йўқ, Лорелея! Куйиб кетдим, куйиблар кетдим. Ҳалиям кеч эмас, ахир! Кафтимда кўтариб юраман сени, Лорелея!— Нега унинг гаплари энсамни қотиради? Георгийга нега талпиндим ўзи? Кўнглим бормиди ё? Бахтиёр қаёқдан топар экан бундай гапларни, худди китобларда ёзишгандай-а! Лекин у билан мен бир нафас ҳам туrolмайман. Шунини ўзиям билади, алами келади, калака қилади мени. Ҳа, майли,— Лорелея англадики, бунинг ҳаммаси ўткинчи, писанд этгулик эмас, таъна-маломатлар ҳам унутилади, ҳозир дилини ўртаётган бўлак саҳву хато: ўзини тутта олмади, зални ташлаб чиқиб кетди у, қайтиб боришга эса ғурури йўл бермайди. Ҳалокатга маҳкум этадиган — шу. Лорелея буни англаб турар эди. Юз

ўғириб кетай деса қандайдир боғланиб қолган, тагин ундан айрилиш хатарли, ваҳму аросат чуллаган дунёда суянчиксиз қоладигандек... Ҳаросатли шу ўйлардан чалғиниш ниятида,— Георгийнинг аҳволи нима кечди?— дея кўзларини очди. Ўйин ҳамон давом этар, соддафаҳм тождор ҳамон бежавотир, ҳамон ҳарифига ҳамла қилар эди.— Вой, бечора-эй!— дея ингранди у, тождорнинг чув тушганлигини ич-ичидан ҳис этиб.— Мунча шўрнинг қайнамаса?!

Тошларнинг оқи териблиб қолган, тагин ҳар жой-ҳар жойда сочилиб ётар, зоҳирий ҳаракатларида бири-бирига узвий боғлиқлик йўқдек туюларди. Улар қурбон бера-бера маҳв бўлаётган пароканда қўшинни эслатарди кишига, аслида эса турли юртдаги бир мамлакат айғоқчилари каби аниқ мақсадга бўйсунган, фалакда буни яратган эгаму ерда Лорелеягина кўриб турар эди.— Билмас эканман-ку бу Герогийни,— деб ўйлади у алам билан,— наҳотки шунчалар доғули бўлса? Наҳот у кўнглига туккан ниятини маромига етказса-ю, ҳеч ким халақит бера олмаса?— Шу пайт Георгий, яна унинг ҳарифи бўй-басти билан намойиш этилди, сўнг тождорнинг чеҳраси экранни тўлиқ қоплаб олди, унинг юзларига ҳаяжон тепчиган, болаларникидек маъсум лабларини тез-тез қимтиб қўяр, афтидан, нимагадир ишонар, кўнгли тўқ эди. Қоматини хиёл у орқага ташлаб, зимдан Герогийга назар солди, унинг ҳолдан тойганлигини пайқади шекилли, юзларига мамнуният силқиб чиқди. Лорелея шиша синиғи устида ўтирган-дек бежо қимирлади, ютинди ва шу пайт у тождорнинг япаски бурнию дўрдоқ қуйи лабида зуҳур бўлган овсарлик аломатини илғаб қолди, қўлим баланд деб чув тушаётган мужмағилга унинг ичи ачиб кетди.— Кўр қўтос экансан-ку! Манглайнинг шўр бўлмаса, худо сени шунга рўпара қилармиди? Энди бу жарга қамайди сени. Э-э, бу Георгий, Георгий!..— Баногоҳ у қисматида тождорникига ўхшашлик кўрди ва сесканиб кетди. Унга туюлдики, Георгий учун одамлар ҳам шахмат донасидай гап, кимдир — тўра, кимдир — пиёда, қилни кирк ёрган дирижёр каби у ҳаммани ўйната билади. Томошабинлар-ку майли, не-не grosмейстерлар тугул ҳатто тождорнинг ўзини ҳам илондай авраб, домига илинтириб ўтирибди-ку! Демак, қачондир у Лорелеяниям қаро кунда ярайдиган пиёда билган,

сура-сура секин фарзинга олиб чиққан, мана энди жон тикилган ўйинда ютиб чиқиш учун уни қурбон қилиб юборади.— Маккор!— деди Лорелея титраб-қақшаб, милклари намланди.— Ҳеч маҳал у мени севмаган, севмайди ҳам! У дунёю бу дунё ўзидан бошқани ўйламайди. Мен... мен билмас эканман сени, Георгий! Боя мени эзиш учун жўрттага шундай қилдинг, жўрттага!— деди у ва саҳн сари тушиб боргани, кўзини шу ёққа тикиб ўтирган Георгий ҳаёлида жонланди.— Кўра-била туриб, киприк қоқмади-я. Ҳой, Лорелея, қайт, деса, жилла қурса, кўнгли учун шундай деса асакаси кетармиди? Нортуяга ўхшаб мунча кек қилмаса бу? Мен... мен... аёл бошим билан...— Лорелея ўкраб йиғлаб юборди, сўнг қўллари билан юзини тўсганча кифтлари силкина-силкина хўрсинди.— Наҳот ўша гаплардан хабар топган бўлса у?— Шундай бўлиши мумкин эди. Баногоҳ кеча келган ҳафталик газета унинг ёди-га тушди ва юраги музлаб кетди.— Нега йиртиб ташламадим шуни? Э-э, худо, ортиқ сабрим қолмади мени. Йўқ, йўқ,— деди у шоша-пиша,— Георгий мен айтганчалик бадкирдор эмас. Аввалдан билади, ҳамма балони билади, фақат алдам-қалдамга учмайди, холос.

Буёққа жўналаридан аввал, йўлоёқ улашаётган оқшом, гўё ҳафталик газета илтимосига кўра Абду Шотир уларникига ташриф буюрган, суҳбат чоғи у ажиб назокат билан:— Жамики шотирлар Сизга ихлосманд ва улар, Георгий Расулович, Сизга фақат омад тилайдилар!— деб айтган, сўнг:— Адолат тантанаси йўлидаги курашлар тоза ҳолдан тойдирди,— дея нолинган ва хазин жилмайиб, бошқа илож йўқ, деган маънода қўлларини ёйган:— Начора, пешонада бор экан бу ҳам! Енгни ҳимариб майдонга тушдик, энди қараб турган — номард. Муҳаммад Расулнинг табарук номини бақадриҳол юзага чиқариш — вазифамиз. Айрим баднамолар... Ҳа, майли, у зот сизнинг бобонгиз бўлган деб эшитаман, Георгий Расулович?! Умуман, шу масалага, маънавий қотилларга, ҳамонки уларнинг эл устида юришига шахсан Сиз қандай қарайсиз, Георгий Расулович?

Ўшанда Георгийнинг энсаси қотган. Буни Абду Шотирдан яширмаган ҳам.

— Газетхонларни бу тўлқинлантирган савол,— дея оҳанжама қилган Абду Шотир. Шунда Георгий хушламай деган:

— Муҳаммад Расулнинг кўзи тирик бўлганида шогирдини ҳимоя қилиши тайин эди. Начора, у... Бу киши эса нобоп пайтда гирдобга калла ташлади. Одамзодни шайтон йўлдан оздирмасин. Шахсан мен учун масала сувдан тиниқ, ойнадан равшан. Вақти-соати билан ҳамма жанжал ювурқоннинг устида бўлганлиги айтилар?

Муҳаммад Расулнинг шогирди деганда наҳот у отамни назарда тутган? Йўқ, йўқ ишонмайман. Ҳамма жанжал ювурқоннинг устида, дегани нимаси? Гирдобга ўзи тушган эмиш?.. Ўшанда Абду Шотир, маънавий қотил деб отамни айтмоқчи бўлувди шекилли? Лекин нега? Георгийнинг тилидан уни бадном этиш учунми? Шундай бўлса ажаб эмас! Бадкирдор. Хоин. Анави хатдан олинган кўчирмани қаерга қўйган эдим ўзи?— Бесаранжом бўлиб, Лорелея атрофига аланглади, сўнг туғилиб ўсган уйидан жуда олисда, мусофир юртида эканлигини англаб таҳлика ичра қолди.

«..... комиссариатига!»

«Аллома Муҳаммад Расул нақли» хусусидаги афкор каминага тегишли, номани ўз қўлим ила битганман.

*Султон Мирзо.
193... йил».*

Маълумингиз бўлғайким, ушбу кўчирма архивдаги аслига тўғридур. Кафиллик ила имзо чекувчи:

*П. М.,
198... йил».*

Олти ой муқаддам шифохона йўлагига аввал Лорелея учта нусхага рўбарў келди, уларнинг бошларида шлём, шлёмларида митти антенна, совутсимон резина либос таналарини сириб турар, на темир одамга ўхшар эди улар, на бошқага. Лорелея нусхаларни четлаб ўтиб, отаси ётган палатага қайрилди, даҳлиз ҳувиллаб ётар, ётоқбўлма ҳам кимсасиз эди,— отам шифохонада шунчаки ётибди, зериккан бўлса айлангани чиқиб кетгандир,— деган ўйга борди у, тагин бўйнини чўзиб дам олиш хонасига мўралади, шунда ток ургандек титраб кетди. Биров кириб, пичоқлаб ташлагандек, Султон Мирзо диванда ярим осилиб ётар, тирноқларига довури кўкариб кетган эди. Уни бу алпозда кўриб, Лорелеяни

ваҳм босди, ҳамширани чақирай деди-ю, қани энди овози чиқса...

Султон Мирзога укол қилишаётган пайтда у оёқ-остида ётган хитойи қоғозни илғаб қолди, энгашиб уни олди, олатуриб, «... комиссариатига!»— деган ёзувга кўзи тушди, шунда-да қоғозни стол устига қўйди, қўятуриб парёстиқ тагидан бир учи чиқиб турган жилд-ни кўрди.— Бечоранинг бошига тошдай ботаётган чиқар?— деган хаёлда уни суғуриб олди. «Аллома Муҳаммад Расул нақли». Жилдга шундай ёзув битилган эди.— Георгийнинг бобоси эмасмикан бу?— Лорелея билар эдики, Муҳаммад Расул деган фозил ўтган, исломпараст сифатида айбланган...

«Комиссариатига!»— деган сўз бирдан унинг миясига урилди, бурилиб қоғозга кўз югуртди: «...Номани ўз қўлим билан битганман. Султон Мирзо»? У ялт этиб отасига қаради, юзига пича қон югурган, манглайини маржон-маржон тер қоплаган шу кимсадан буткул кўнгли қайтганлигини ҳис этди.— Наҳот у? ...Бежиз дийдаси қаттиқ эмас экан-да?!. Элдан чиқиб, яккамоҳов бўлиб қолсайдик ҳали? Э-э, худо, шу етмай турганди ўзи!— Аллақандай ҳадик қутқусида апир-шапир қоғозни гижимлаб, сумкачасига тикди.— Ўзинг асра, худойим, шундай кўргуликдан ўзинг асра!— Шу пайт Султон Мирзо хиёл ингранди, бурнининг учига довор терлаб кетди.— Бу кунингдан ўлганинг яҳши эмасми?!— Султон Мирзо унинг дилидагини уққандек, дарду оҳ чекди, уқубат силқиб чиққан юзлари буришди, ниҳоят, у кўзларини очди ва бошини хиёл буриб оёқостида аланглади, сўнг столга кўз югуртди, кейин қабоқларини кўтариб тагдор назар билан қуршаб турганларга бир-бир қараб чиқди. Султон Мирзо ўзига тикилгандагина Лорелея унинг муддаосини англади, хира тортган қорачиқ ичида гўё аллаким таҳдид солар:— Анави қоғоз сендами?— дея ўдағайлар эди. Айб устида қўлга тушган каби жунжикиб, беихтиёр Лорелея сумкачасига узалди, шу чоғ Мирзо:— Тек! Тек!— деган маъно англатиб қўл учида сезилар-сезилмас ишора қилди. Лорелея — дилида иштибоҳ — нима қиларини билмай мунғайиб қолди.

Султон Мирзо кўзларини юмиб, пича тин олди. Сўнг манглайи тиришиб оғир ютинди. Агар, Лорелея қимир этгудек бўлса, у кўзларини очар ва норозилигини яширмай оғир назар ташлар, тагин силласи қуриб мўлайганча ўйга толар эди.

Ниҳоят, ҳамширалар бўлмани тарк этишди. Султон Мирзо кўз учида уларни кузатиб қолди, кейин шифтга термилганча хўрсинди, бир нима ёдига тушгандек, тимирскиланиб парёстиқ остини пайпаслади, қўққисдан жони ҳалқумига тиқилган каби жаҳд билан ярим ағдарилди ва чақчайиб Лорелеяга қаради.— Сендами?— Лорелея ихтиёрсиз равишда яна сумкачасига қўл чўзди. Шу пайт:— Қўлёзма?!— деди Султон Мирзо ҳирқироқ овозда.— Қўлёзма қани, қўлёзма?!— Лорелея талмовсираб ўрнидан турди, у тургунча бўлмай Султон Мирзо курсида ётган жилдга чанг солди ва уни олиб бағрига босди. Шунда Лорелея у алланечук енгил тортиб, сарафроз жилмайганини пайқади.— Анави қоз сендами?— деди у бир маҳал, толғин ва шикаста товушда, Лорелеянинг жавобини ҳам кутмай,— майли, сенда турақолсин шу,— дея илова қилди. Гап алфозидан жуда зада бўлганлиги аён сезилиб турар эди. Нордон нимарса еган каби башараси ҳам буришди. Алоҳал, хотиржам, Лорелеяга юзланди-да,— бери кел, қизим,— деди ва ёнидан жой кўрсатди. Ўзи шифтга термилиб, анчага довор ўй ўйлаб ётди, манглайини уқалай-уқалай, ишонса бўладими ўзи, деган каби Лорелеяга синчков назар солди. Ахийри, буткул салохиятини йўқотиб, ёш боладай жовдиради.— Қизим!— деди у зорланиб.— Ёшсан, ҳали баситсан, бу дунёнинг паст-баландини билмайсан, биз энди ёшимизни яшаб, ошимизни ошадик. Ўйлаб қарасам, сендан бўлак кўнгилетар суянчигим йўқ экан. У кун ёмон туш кўрдим, қизим, раҳматли Муҳаммад Расул — жойи жаннатда бўлсин!— келиб, бошучимда қон йиғлаб ўтирган эмиш... Ортимда қоладиган, чироғимни ёқадиган — сен, билиб қўйишиңг керак!..— Султон Мирзо гапи қандай таъсир этаётганлигини билмоқ истабми, Лорелеянинг кўзига қадалиб қаради, кейин томоқ қирди.— Бурунни сассиқ деб кесиб ташлаб бўлмайди экан!.. Ҳали нима деяётувдим? Ҳа, ҳа, пича илгари учтаси келувди. Сенга қандай тушунтирсам экан? Шотирлар... Мен уларни қизил қор ёққандан бери биламан, кизим... Бирининг оти — Шотир Бек, боши нақ осмонга етган. Беҳзод чизган миниатюраларни кўрганмисан? Ушандаги суворийга ўхшаб, ёнламасига қарайди нуқул. Бирининг оти — Абду Шотир. Товуснинг ўзгинаси, ҳар куни минг тусда товланади. Бирининг оти — Шотир Қўл. Кўрсичқондай искаланиб, бит кўзлари жалтанглаб туради. Қизим, бу иккови асли қўғирчоқ. Шотир

Бек уларнинг этаги остидан қўлларини тикиб, ўйнатгани-ўйнатган. Қўғирчоқлар манак қокади, улар эмас, аслида Шотир Бек ваъз ўқийди. Шунақа. Отанг ҳам илоннинг оёғини санаган. Энди келиб-келиб шу шотирбаччалар томимизга тош отаётибди. Эй-й, нимасини айтасан қизим, асли гап бу холчочуқлардаям эмас, томимизга тош отишга уларнинг қандай ҳадди сизсин, қилвирликни қилаётган — Пири Мафия! Дунёнинг бир четида ўзи биқиниб туриб, Шотир Бекни «хўрозқанд» қилади-да, уни, у шотирларини, шотирлари шотирчаларини ўйнатаберади. Томимизга тош отаётган — шу! Тўйда кўрса тўнимни, уйда кўрса унимни бер дейди бу балохўр! Қўймайди. Ахийри бошимга етади. Хаммасиям гўрга-ю, лекин... Йўқ, истеъфо бериш керак! Истеъфо бериш керак, истеъфо...

Шу чоғ аллаким эшикни оҳиста чертди, сўнг у қия очилди-да, олмаукол кўтарган ҳамшира ичкари кирди. Султон Мирзо нохуш тараддуд билан сўлиш олди, зимдан Лорелеяга, тилингдан чиқмасин бу гаплар, деган маънода қаради, кейин билинар-билинемас қўл силкиди: — Майли, сен йўлингдан қолма. Ҳа, айтгандай, аянг эртага овора бўлиб келиб юрмасин, номозгарга томон ўзим бориб қоларман...

Худди айтгани каби эртаси кун пешин чоғи Султон Мирзо вазмин одимлаганча дарвозадан кириб борди. Инграниб ётган кечаги хастага сира ўхшамас эди у. Нуроний чехраси бағоят сокин, сийрак сочлари кумушдай товланар, қатлаб билагига ташлаган камзул ҳам, эгнидаги оппоқ кўйлак ҳам қандайдир улуғвор тус берар эди. Келиб, у супада ўтирганча хамир ёяётган аёлнинг қўлтиғидан олди ва тургазиб юзидан ўпган бўлди. — Хоним, битта чойхонапалов дамланг, ўлар дунёда оёкни узати-иб бир кўнгилни хушлайлик. Касалхонангги елкамнинг чуқури кўрсин деб секин-чин чиқиб келавердим. — У Лорелеяга юзланиб, жилмайган бўлди. — Ҳаммасига этак силкидим, — деди кейин. — Қирпичоқ бўлишлар жонга тегди. Танамга ўйла-аб қарасам, истеъфодан маъкули йўқ экан. Ўйиндан чиқиш керак. Қараб турайлик-чи, нима ҳунар кўрсатар экан шотирбаччалар.

— Ишдан бўшайсизми энди, адаси?

— Худо хоҳласа...

— Ажаб киласиз.

— Шунинг айтмадан-да. Касалхонада ётиб-иб, «Нақл»ни кўлдан чиқардим. Энди бир амаллаб нашрига эриш-

сак — бас, биздан қоладигани шу аслида, нима дединг, аяси?

Султон Мирзо бу кунга довур на аёли ва на Лорелея билан бунчалар очилиб-сочилиб гаплашмаган, сира уларга маслаҳат солмаган эди, эҳтимол, шу боисдир, аёлининг чандон меҳри ийди: — Жонингизни жабборга бериб нима кўрдингиз, адаси? Ҳузури жонингизниям ўйланг-да, ахир, — деди у. Бунга жавобан Султон Мирзо мийиғида жилмайиб қўйди. Шунда Лорелеянинг юраги япроқдай титраб кетди, бир ҳадик сезгандай бўлди у...

Ҳали шом қоронғиси чўкмайтуриб, дарвоза табақаси ланг очилди ва аскарча кийинган уч сипоҳ — бетакаллуф — ҳовлига кириб келишди. Шишасимон тувак қўлтиқлаб олган новча йиғит чап қоғоғини хиёл керганча азмойиш олиб Султон Мирзога қаради.

— Ҳм-м? — Сўрида ёнбошлаб ётган Султон Мирзо сапчиб ўрнидан турди, тутатқан киши алпозида жайдари дўқ қилди: — Эшикнинг турмини буз-э!

Шишасимон тувак кўтарган чап мийиғида номига илжайди.

— Бас! Истеъфо бераман мен!

Сипоҳлар ойнабанд пешайвон елдига келишди.

— Гадой топмас жойга кетаман! — деди Султон Мирзо бир баҳя пастга тушиб. Шишасимон тувак кўтарган эса силкиниб димоғидан кулди.

— Чархларинг бир тескари айлансин... — деди Султон Мирзо яна бир баҳя пастга тушиб.

Келганлар мум тишлаган каби сассиз-садосиз, ҳамон ғўдайиб туришар эди. Султон Мирзонинг сабри битди шекилли, жонсарак бўла бошлади. У бир ютишиб олди-да: — Энди бўладиган гап шу, Шотир Бек, ука, — деди ялинчоқ оҳангда: — Бориб, Пири Комилга айтинг, фақирнинг бир қошиқ конидан кечсинлар — каминайи қулингиз истеъфо беради. Агар, кўнгил узгилари келмаса ҳазратнинг ўзлари от солсинлар.

Шотир Бек ранжидими, хиёл бошини бурди-да, кўз учида қараб: — Поезд жилиб бўлган! — деди. — Гаплашиб олиш керак!

— Адолат нуқтаи назаридан! — Изох берди унинг ортида турган.

— Халқ манфаатини кўзлаб! — дея аниқлик киритди ортида турганнинг ортида турган.

— Офтобда қатиқ ялашган қардошлар-эй! — Султон Мирзо сезиларли ғайрат билан сўридан тушди-да,

гўё тилар-тиламас меҳмонхона сари юрди.— Эгар олган билан иш битди-қўйдимми?!.

— Поезд жилиб бўлган!— деди Шотир Бек, бир парда баланд овозда, сўнг шерикларига кўз қирини ташлаб, юрилсин, деган каби бош силкиди ва ўзи Султон Мирзога эргашди.

Қош қорайган паллада ўчоқ бошидан ажиб зира-вору ош ҳиди таралди. Орадан бир майдон вақт ўтгач, қозон-товоққа андармон аяси зорланди:

— Мундай қарашайинам демайсан, айланай, ҳеч бўлмаса, ановиларнинг чой-пойидан хабар ол!

Лорелея огриниб ўрнидан турди, Георгий хорижда эди, йўқса аллақачон уйига кириб кетган бўларди...

Борса, меҳмонхона эшиги зич ёпиқ. Ҳайрон бўлди у.— Аямнинг ўзи шуларга чой-пой дамлаб берса, асакаси кетармиди,— деб энди изига қайтаётганида ҳарбийча дағдаға қулоғига чалинди.

— ...Шундай, Султон Мирзаевич, чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Тайсалламанг. Оёқ — узангида...

— Пир?..

— Пир эътибордан қолган. Бу масалага қайтилмайди.

— Қариганда қармоққа илиниб...— Илинж туғдирган ҳаяжон боисми, Султон Мирзонинг товуши ҳирқираб чиқди. Қиличнинг дамидай кесгир овоз унинг гапини бўлди:— Қўрқманг! Халқ, яъни биз сизни кўллаймиз.

— Чунки мен адолатли ишлар қиламан-да.

— Ҳа. Қилишингиз мумкин, қачонки биз қанотингизга кирсак. Хў-ўш, бир нарсани келишиб олайлик: отга минилгач, биринчи муовин Одил Шерович ишдан четлатилиши керак. Хоин у. Шахсий манфаати йўлида ҳар қандай ифлосликдан қайтмайди. Унинг ўрнига...

— Шотир Бекни қўямиз!— дея кимдир луқма ташлади.— Ёш. Ташкилотчилик иқтидори зўр. Боз устига, халқпарвар.

— Гап менда эмас, гап вилоятни ўйлашда!

— Она вилоят учун ҳеч ким сизчалик жон куйдирмайди, Бек! Қолаверса, шу лавозимга сиз чиқсангиз борми, менинг назаримда, бутун вилоят хурсанд бўлади.

— Хўп, масала талашмайлик. Бунини Султон Мир-

заевичнинг ўзи ҳал қилсин. Шахсан менга амалнинг кераги йўқ. Мабодо халққа нафим тегадиган бўлса, бошқа гап. Хў-ўш, иккинчи масала: Қобил Ҳобилов деган жиртаки бор, муовин, шуниям шартта думини тугиш керак. Жуда иккиюзламачи одам. Асли шу жой Шотир Қулники. Биласиз, халқ уни қадрлайди.

— Халқ деманг, Бек! Эшитган қулоққа...

— Нима, биз халқ эмасмизми?

— Менимча, Қобил Ҳобиловнинг ўрнига Абду Шотирни қўйган маъқул-ов. Одамлар, ҳар қалай, мендан кўра уни... билишади. Фақирга Мўмин Қобилнинг жойиям бўлаверади. Югур-югури кам.

— Камтарлик ҳам эви билан, Шотир Қул! Хў-ўш, қолган ходимларнинг тенг ярми қуритилади. Агар, бизнинг шотирларни ишга олсангиз борми, Султон Мирзаевич, сиздан ҳамма миннатдор бўлади. Биз, ёшларнинг бошини силаяпти, деб...

— Савоб иш-да!..

— Фақир истеъфо бермоқчи эдим?..

— Георгийнинг номзоди борлигини кўра-билатуриб, а? Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Шунга ақлингиз етмайдими, оқсоқол? Этак остида қолгани қолди, деб юрган чиқарсиз-да? Ҳай-ҳай, эҳтиёт бўлинг. Худо кўрсатмасин, қандай кунларга қолинади.

Султон Мирзонинг тагин нафаси ичига тушиб кетди. Лорелея шу ёшга кириб, бундай бетакаллуж муомалани кўрмаган, яна кимга, келиб-келиб унинг отасига.— Ким ўзи булар? Мунча зуғум қилишмаса?— У силтаб тутқични тортди, ичкаридаги зулфин кўчиб тушди шекилли, паркетга урилиб бир нима шиқирлади. Ва эшикнинг ўнг табақаси ланг очилди.

Хона кўкимтир тутунга кўмилган. Меҳмонлар нечундир хонтахта-ю, курсиларни бир четга суриб қўйиб, полга кўрпача солишган ва ҳар бирининг олдида биттадан чилим, ўртада эса лаган, лаган тўла тезак эди. Чордона куриб ўтирганлар шир-яланғоч... Султон Мирзонинг юзлари бўғриқиб кетган, афтидан у тисарила-тисарила бориб бурчакка тақалиб қолган, зўр бериб хаяжонини яширишга уринар, пайт пойлаётган ярадор арслондай зимдан анавиларга тикилганча ярим ёнбошлаб ётар эди. Дафъатан Лорелея гангиб қолди: шир-возникидай шохчалар Султон Мирзонинг бошидан туртиб чиқиб турарди.

Эшик очилган заҳоти Султон Мирзо сачраб тушди,

апир-шапир чойшабни олиб оёқларини ёпди ва туриб ўтирди. Меҳмонлар эса қилт этишмади. Тўрдаги сипоҳ, Лорелеянинг тусмолича, Шотир Бек ўгирилиб илон қараш қилди, унинг норози бўлиб тўрсайишида юракка ваҳм соладиган таҳдиду зуғум йўқ эмас эди. Кейин у юзини тескари бурди ва писанда билан думини қайирди-да, авратини ёпди. Ёнидаги Абду Шотир ҳам унга таассубан намойишкорона тарзда шундай қилди, сўнг чиғаноқсимон туёғига кўзи тушиб ҳаваси келди чоғи, таманно билан силаб илжайди. Бир четда ўтирган Шотир Қул эса кўрсичқондай питирлаб ўзини тўрт томонга урди, ахийри Шотир Бек жиддий томоқ қирди, шундан кейингина у хушёр тортиб, шалвираб қолди.

Дастурхон устида ўша — боя Шотир Бек қўлтиқлаб келган шишасимон тувак, унинг ичида эса товусникидай оҳанжама дум. Шуни кўргач, Лорелея бежиз отаси чойшабга ўранмаганлигини англаб етди.

— Биз турдик унда! — Шотир Бек димоғини кўтарди ва Султон Мирзога мавқе тутиб қаради. — Шу гап — гап.

— А? — Султон Мирзо сергак тортди, сўнг ялт этиб Лорелеяга юзланди ва иддао билан уни жеркиб ташлади: — Чиқ, йўқол!

Бейхтиёр, Лорелея даҳлизга чекинди, шу чоғ ўз-ўзидан қарсиллаб эшик юзига ёпилди ва унда Абду Шотирнинг турқи намоён бўлди. Лорелеяга қараб у аввал башарасини буриштирди, кейин тилини чиқариб ажива қилди.

— Эгар олган билан иш битди-қўйдими? — Султон Мирзонинг гап оҳангида савдолашиш майли сезилиб турарди.

— Чўбирга сиз мининг, чангини мана биз чиқарамиз!

— Манави биз танми?

— Ташвиш тортманг. Бу-ку ўзингизники, агар, яна мингта авратпўш керак бўлсаям, топамиз, оқсоқол, фақат...

— Хўш, хўш?

— ...Бизнинг айтганимиз айтган, деганимиз деган бўлади. Яъни, халқ учун, адолат тантанаси учун курашсангизгина...

— Маъқул, маъқул.

Лорелея ҳали ўзига келмайтуриб, эшик табақаси ланг очилди ва ўша — аскарча кийинган уч сипоҳ,

уларга эргашиб Султон Мирзо — жуда хотиржам — чиқиб келишди. У тош қоғиб қолди. Тушими бу ё ўнгими? Тавба, қандай кўргулик?

Лерелеяга кўзи тушиб, Султон Мирзонинг капалаги учиб кетди.

— Ҳа, қизим? — деди у ачиниш ва ҳайронлик билан. — Сенга нима бўлди? Тобинг қочдимий? Рангинг бир аҳволда? — Султон Мирзо унинг манглайига қўл учини тегизди ва: — Иситманг бор-ку! — деди астойдил куйиниб, сўнг ташқарига овоз берди: — Аяси, ҳо-о, аяси, қизингга қара! Мен... меҳмонларни кузатиб келай!

Ҳафта ўтиб, тонгги газетада Вилоят Олий Кенгаши Ҳайъати Фармони маълум килинди. Унда қайд этилишича, Олий Кенгаш кўпмингсонли меҳнаткашларнинг таклиф ва истакларини, шунингдек, шотирларнинг талабларини кўриб чиқиб, қарор қилади:

1. Халқ хотираси ва соғлиқни сақлаш, Маърифат, Маданият, Моддий таъминот Давлат қўмиталари тугатилсин ва Улус ҳақида ўйлаш Умумвилоят қўмитаси тuzилсин.

II. Уртоқ Султон Мирзаевич Мирзоев Улус ҳақида ўйлаш Умумвилоят қўмитаси раиси этиб тайинлансин.

Орадан ҳафта ўтмай, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган гап чиқдики, шаҳар аҳли тонгдан шомгача шуни сақичдай чайнай бошлади: нима эмиш, Георгий Расулович қўмимага биринчи муовин, Лорелея фавқулодда муҳим ишлар бўйича масъул котиб бўлар эмиш! Султон Мирзо, қўмимага раис бўлиш иккинчи даражали масала, биз учун энг муҳими уни монополияга айлантиришдир, деган эмиш!

Миш-миш қулоғига етиб боргач, Султон Мирзонинг капалаги учиб кетди. Уша куниеҳ у Георгий билан Лорелеяни кабинетига чақирди ва айтдики: — Агар менга ичларинг ачиса, тиңчгина ишласин шу киши десаңглар, истеъфо беринглар, бўлак даргоҳдан ҳам иш топишлар сизларга!

Кейин...

...Шотир Бек биринчи, Абду Шотир иккинчи муовин бўлди унга. Энг йирик бўлим эшигига янги исму шариф зикр этилган қуйидаги ёрлик илиб қўйилди: Шотир Қул — фавқулодда муҳим ишлар бўйича масъул котиб...

Ҳозир шуларни, шотирларнинг кейинги саъй-ҳаракатию Султон Мирзо пушаймонларини эслаб, нафрат, ачиниш ҳисси Лорелеянинг дилини банд этди.— Бир фисқу фасод билан ҳатто Георгийни ҳам қўмитадан учуриб юборишди-я. Э, қойил-э! Тагин бирон амални эгаллаб олмасин булар, деб чўчишган чиқар-да?! Тўрт кунлик дунёда бир лавозим деб шунча талваса! Шунча жонҳалаклик шартмикан, а?— У ҳамон бир нуқтага тикилганча мунгайиб ўй ўйлар, боя нега кўз ёш тўкканлигию ҳозир қаерда эканлигини ҳам тамом унутган эди:— Э, тавба!— Узоқ тин олди у, назарида, минг йилдан буён шу алпозда ўтирар, неки ёдига тушган бўлса, алмойи-алжойи тушдай туюлар, саҳву хато қолдирган асоратгина кўнглини хуфтон қилиб турарди гўё. Ниҳоят у:— Хаёлдан чиқариб ташлаш керак!— деб ўйлади.— Ҳаммасини унутиш керак! Чарчадим, эзилиблар кетдим! Менга нима азоб? Ахир, ширин жонимни мунча қийнамасам? Отам нафсиғолиблик қилган бўлса қилгандир, Георгийнинг унда хусумати бўлса бордир? Лекин менга нима? Нима дейди менга? Ўзи изимдан соядай эргашиб юрган, ўзи совчи қўйган. Энди... Йў-ўқ, мен бундай кучлардан қўрқаман. Георгий бўлмаса, аллақачон юрагим ёрилиб ўлардим. Худоба шукр, ёнимда шу бор, тоғдай суянчиқ. Менга ёмонлик соғинармиди у. Ўйнаса ўйнабди-да шу шахматни, чемпион бўлса бўлар, менга эътибор қилмаса қилмас, шунга шунчами? Эҳ, худойим-эй! Пича кечиримлиям бўлиш керак-ку, ахир! О, Лорелея, Лорелея, тинчгина яшаганга нима етсин! Келсин, ҳали ўзига ҳаммасини айтиб бераман, йўқ, йўқ, биласан-ку мен жиннивойни, кечир, дейман, эркаланаман, унга анави гапларни айтиб бўлмайди. Қутуриб кетиши мумкин. Бобомга панд берса, менга панд берса, деб... Йўқ, йўқ, у ҳақда оғиз очиб бўлмайди. Э, худо, қандай кунларга қолдим?!— Қайноқ кўз ёшлари юзини куйдириб ўтди, у оғир хўрсинди-да, кўлларини туширди...

...Тождор кафтига ияк босганча зимдан Георгийни кузатар, афтидан, уч пиёдаси шоҳини зирҳлаб илгарилаетганидан ўзида йўқ хурсанд эди у. Тагин филию руҳи ҳам олдинма-кетин келаётир. Лорелея, кифтлари силкиниб синиқ кулимсиради.— Эгар олгани билан иш битди-қўйдами дегани шудир-да. Боёқишнинг кўзига ҳеч вақо кўринмайди ҳозир,— деган ўйга бор-

ди.— Ҳали Георгий филиниям бериб юборса агар, нима қиларини билмай тоза ҳовлиқса керак...

— Фарзинидан жудо бўлгач, даъвогар ўз навбатида саросимага тушиб, биз билган Георгий Расуловичга исхос юришлар қилди. Биринчидан, позициясини мустаҳкамлаш ўрнига шошқалоқлик билан ҳужумга ўтди. Ўз навбатида бу шунга олиб келдики, филиниям бой берди. Ўзингиз кўриб тургандек, оқ шоҳнинг ҳоли танг! Ёб катакдаги аспнинг ҳаракати вазиятни юмшатармикан? Йўқ, менимча, йўқ, ўз навбатида чемпионнинг қўли устун...— Ашраф Алиевнинг тўю азада бирдек, чинкиллаган, чинкиллаб кишининг ишқорини оздирадиган овози Лорелеянинг дилида яна нохуш туйғулар қўзғади.— Ялпизлашга шошилманг, холочуқ,— деди у киноя билан овоз чиқариб, сўнг экранда жўриниш берган Георгийнинг ўйчан қиёфасига тикилганча:— Одамлар бежиз бир кишига эргашиб кетмас экан-да ўзи,— деб ўйлади,— худо берган бўлса — бас, истасанг гипноз қиласан, истасанг каттаю кичикни йўригингга соласан.— Хаёлининг бир четида тагин отаси, абжир шотирлар ҳам Пири Мафия шарпа каби кезина бошлади. Эгнига ювинди сачраган каби таъби кирланди.— Отам аввал бошдан кўп балони сезган, истеъфо бераман деб кўп чайналди. Лекин, бари бир отўйиндан чиқиб кета олмади. Макрнинг уюрмасига тушиб қолсанг, шу-да. Шатранж билимдониман деб кеккаядиган Ашраф Алиев ҳам олдига похол ташланганини фаҳламади-ку! Кўпчилик очик кўрдай туғилиб, шу кўйда ўтиб кетар экан-да оламдан... Ҳали Георгий мот қилса, кейин нима деркан Алиев?— Аслида кемтикбурун шу гроссмейстерни Лорелеянинг икки суймасди, бироқ ҳозир унинг аҳволига ачиниб кетди.— Вой, шўрлик-э! Ҳолингни билсанг бўлмасмиди, а?— деди у, сўнг гроссмейстер ўрнига Султон Мирзони қўйиб кўрди.— Айб ўзларида, калта ўйлашади, тагин даъволари оламини бузади. Тўғри қилади-да ахир Георгий шуларнинг шармандасини чиқариб.— Энди у шармандаси чиқаётганлар қаторида ўзини ҳам кўрди.— Ҳаммани майна қилиб ўтирибди-я,— деди алами келиб,— ичида устимдан роса кулаётган чиқар?

— «...Бу менинг сўнгги ўйиним бўлади!» Георгий Расулович ўз навбатида бугун оқшом газетаси мухбирига шундай интервью берган. Сўнгги ўйин! Курашларга бой сўнгги ўйин. Ўз навбатида у ё тож олиб келади, ё... Ҳозирча ҳукм чиқаришга шошилмайлик, кў-

райлик, қани у қандай якун топар экан?!— Шарҳловчи айтган ва ҳеч қутилмаган бу янгилик аввал Лорелеяга пича эриш туюлди.— Халқ манфаати йўлидаги сўнгги ўйин,— деб ичида қулди ҳам, сўнг сергак тортиди, Георгий бу гапни атай, ўзига қарата айтгандек, ғалати таъсир қилди.— Сўнгги ўйин? Нега? Мен...— Бу гапдан хабар топмай қолганлигига у ажабланди.— Нега айтди экан бу гапни, ё тавба?— Шу гапнинг ортида туриб, Георгий заҳарханда қилаётгандек, аслида хатарли бир ҳаракатни чамалаб қўйгандек бўлиб туюлди унга. Бу, кетма-кет рўй бериб келаётган жамики кўнгилсизликлар бугунми-эртами, ишқилиб, охир-оқибатда беҳосият якун топишидан муқаррар далолат эди гўё.— Сўнгги ўйин?!— Лорелеянинг тирноқларига довр жимирлаб кетди.— Нима бало дориди бизга, э худо?— У кўзларини чирт юмди, нимадир қилиши, бу ишора тагига етиши лозимлигини кўнгли сезди, бир тўхтам истаб ўй ўйлаётганида жуда муҳим нимадир бордек туюлди, шунини эслашга тутинди, назарида, агар шунини эслай билса, тилсим очилар, юрагига ваҳм солган интиҳо нима эканлиги гўё ойдинлашар эди. Манглайини муздай тер босди. Фикрини ҳар қанча тинитмасин, на айқаш-уйқаш тушлари, на ўзга хотира ёдига тушди, ўй ўйлаб ўйиннинг тубига ета олмагач, толғин кўзларини очди ва кўрдик, Георгийнинг сертук қўллари асп сари чўзилди...

...Ва у беихтиёр чинкириб юборди.

Кеча, шом маҳали эгнига халатини илиб ваннадан чиққач, тошойнага ўзини солатуриб, кўзгуда кўрдик, столчада шахмат тахтаси, тошлар терилган, мана шу курсида — юзида қон йўқ — тош қотиб Герокий ўтирибди. Лорелеянинг кўлидаги тароғи тушиб кетди. Етти йил муқаддам, Адриатика соҳилидаги спорт саройига киратуриб, рўпара келаётган йигитни у кўрган, кейин, кўз кўзга тушгач, йигит кимгадир урилиб суриган, сўнг ўзини ўнглаб олгач, кадалиб унга тикилган ва юзларидан қон қочиб, ҳозиргидай тош қотиб қолган. Шунда Лорелея ток ургандай сесканган, бошидан ҳуши учиб, ғайришуурий таъсирни, қўлу оёқлари музлай бошлаганини ҳис этган. Гўё аллаким анавининг кўзлари ичидан ўзига тикилиб тургандек туюлган. Ниҳоят, йигитнинг киприклари пирпираб юзларида саросима акс этган, кейин ўлиб кетган кишисига баногоҳ

тўқнаш келган каби ранжидахотир яқинлашган ва, шуми ёки бошқами, деган таҳликада хиёл бўйинини чўзиб унинг рафторига қараган, шу эканлигига имон ўгиргач, лаблари титраб, чимирилган кўйи: — Сиз? — деган. — Наҳот бу — сиз, Лорелея?.. — Шунда, баданида илон ўрмалаган каби Лорелея қаттиқ сесканган. юрагида бир ваҳм уйғонган, тисарилиб қочмоқчи бўлган, лекин оёқлари иродасига бўйсунмаган, ғайриихтиёрий тарзда салимона тураберган у, кейин боши айланиб, кўзи тинган, — изғирин юлқиб ўтаётган музлоқ чўққи, қандайдир маҳобатли хоч, чормих қилинаётган малиҳ унга намоён бўлган, малиҳни чормих қилаётганлар унинг нисбатида чумолича кўринмаган, аслида ҳисобсиз бўлиб, гўё унинг майлича улар севимли юмушларига машғул бўлишган, — Лорелея ҳушини йиғиб, атрофига аланглаган, ҳеч кимни кўрмаган, бирок юрагида туғилган ваҳму ҳаросат кейинчалик ҳам уни тарк этмаган. Орадан етти йил ўтиб, кеча шом маҳали қўрқинчли шу ҳолга яна гувоҳ бўлгач, юраги ачишганча у Георгийнинг тепасига борди.

— Георгий? — деди у ёлворган оҳангда. — Сенганима бўлди, Георгий?

Унинг манглайини силагиси, дардига малҳам бўлгиси келди, бироқ шунга яраша куч сезмади ўзида. Юзи гезариб лаблари кўкарган, тамоми мурдадек Георгий у билган, шунча йил бир ёстиққа бош қўйган жуфти ҳалоли эмас, балки етти ёт бегона эди гўё. Шу ғарибу нотавонга ачинишми ва ёки тақдир келиб-келиб шунга дучор этганлигидан норозиликми, ҳар қалай, шунга ўхшаш бир туйғу уни безовта қилди. Георгийнинг қийналаётганини кўриб туришнинг ўзи ноқулай, унга қарашай деса яқинлашишга юраги бетламас, ташлаб чиқиб кетай деса нимадир йўл қўймас эди. Лорелея ич-ичидан иқрор бўлдики, бу манглайи шўрга у ҳеч маҳал меҳр қўймаган. Шунча йилдан бери ҳозир ўзи ётсираб турган мана шу кимса билан яшаб келганлиги ўзига ҳам ғайритабиий ва эриш туюлди. — Одамзот қисмати шу экан-да, — деб ўйлади у, жонини қийналаётган Георгийнинг йўғон томирига тикилганча. Шу кўргилик ўзининг эмас, бошқанинг манглайига битилганидан мужмағил таскин туйди, — ўлиб қолса-я ҳали! — Бунинг мурдасию бегона юртдан шунинг спектаман деб, ҳужжат тўғрилайман, самолётдан жой оламан деб югуришлари, минг бўсағага бош уриши, бари-барчаси бирдан хаёлида жонланди, даҳшатга ту-

шиб: — Георгий! — дея зорланди, — сенга нима бўлди, Георгий? — Георгий қилт этмагач, ҳалиги ситамнинг борки мусибатини ҳис этди, хўрлиги келиб йиглаб юборди у. — Георгий! Кўзингни оч, Георгий, мунча мени қўрқитмасанг, ахир?!

Георгий тамшанди, лекин садо чикмади ундан. — Сув берайинми? — Ҳозир сув берса Георгий ўзига келадигандек, шунда бошига тушажак кўргуликдан халос бўладигандек, Лорелея шоша-пиша бориб холодильникни очди ва ундан «Кока-кола» олиб, қайта эрининг тепасига келди, шунда у пайқадикки, Георгий деворга — бир нуқтага тикилган кўйи хаёлан ниманидир муҳокама қилар, чамаси, йўл излар эди, бирдан Лорелеянинг шашти пасайди. «Кока-кола»ни столга қўятуриб, беихтиёр ўгирилди ва девордаги суратга кўзи тушиб, шу пайтга довур уни пайқамаганлигига ажабланди, сурат юзини деярли тўсиб қўйган шағам лопиллаб сўнаётир, ҳасратли ёғдулар чормихдаги Исо алайҳиссалом чеҳрасини хиёл нурлантирган... Георгийнинг бунга тикилиб туришида ҳеч бир маъно кўрмади у, сўнг қайтиб унга юзланди ва шунчалар қўрқиб кетдики, ғайришуурий тарзда ортга чекинди, кейинчалик, эшикка чиққач, юзига муздай шабада тегиб хиёл ўзига келгач, хоинона хатти-ҳаракати нохуш асорат қолдирганлигини англади, хижиллик дилини хуфтон қилди, шунда ҳовлига чиқатуриб, — хизматкорни чақирай, — деган ўйга борганлигини эслади, шу билан ўзини оқлади, назарида, ваҳима қилишга асос йўқ, дарди тутган, ҳадемай ўтиб кетади, илгарилариям шундай бўлганку, ахир! — Шу ўйлар таъсирида хийла хотиржам тортди у, баногоҳ хизматкор аёлни чақириб хаёлида, асли зикланиб кетганидан, ҳуд-беҳуд кимсанинг қийналаётганига гувоҳ бўлишни, шунинг баробарида ўзи ҳам азоб чекишни истамаганидан буёққа қочиб чиққанлигини ҳис этди. Дилгир ўйларни хаёлидан қувмоқ ниятида бош чайқади, кейин: — Бечора, нега шундай кўйга тушиб қолди ўзи? — дея Георгийнинг мусибати асосини излай бошлади гўё, — беўй ва олифта тождорни койиб, Георгийга ён босган бўлди у, бироқ, — бугун чала қолган ўйин оғир кечди, шўрлик зикланди, шунга дарди қўзиди шекилли, — деган тахмин хаёлига келдию севинчга ўхшаш туйғудан юраги тошиб кетди. Чала қолган ўйин — қоралар тазйиқи тирқиратиб юборган, маҳв бўлаётган пароканда оқлар кўз олдига келди: — Боёқишнинг куни битди-да, — деди Лорелея

ички бир қониқиш билан.— Мен нима қилай? Менинг кўлимдан нимаям келарди? Менга қолса-ку...— Шунда аллаким жуда ҳам тепада, маҳобатли юксакликда туриб, ҳамма-ҳаммасини, ҳатто унинг кўнглидаги но-бакорликни ҳам аниқ-равшан кўриб ўтиргандек, мунча майда бўлмасанг, эй, бандаи ожиз, дея маҳзун бош чайқаётгандек бўлиб туюлди унга, Лорелея юришдан тўхтаб, алланечук хавотир билан бошини кўтарди ва ҳайиқиб гунафшаранг фалакка термилди, шу чоғ бирдан оламини зулумот қопладию сирли бир ваҳм унинг юрагини ўртаб юборди, тинчини йўқотиб, кўз ичида ойни ахтарди ва баҳайбат нигоҳга кўзи тўқнаш келди, қўрқинч заҳридан нафаси қайтиб, ҳатто юраги урмай қўйди! Кейин — орадан қанча вақт ўтган, билмайди — шуни идроклаб етдики, киприк қокаётир. Бир маҳал вужудида титроқ уйғонди ва оёқларининг учига довр жимирлаб кетди. Оғир хўрсинди у, ва кўрдики, булутларни тилиб чиққан ой чалғининг учидай бўлиб сирғалаётир. Хаёлчан, хиёл вақт туриб қолди. Кейин ўсал бўлган болага ўхшаб бир-бир одимлаганча зинага етиб келди, лекин ичкари киришга юраги бетламади. Секин қайрилиб, ойнинг сарғимтир шуълаларини эзгилаганча ҳовлидан чиқди. Кўчада ўлик бир сукунат тўшалиб ётар эди. Лорелея ўзини ғариб ҳис этди,— эй, худойим-эй!— дея ўртанди,— гуноҳим нима эди менинг?! Нима қилай, айт, ахир, нима қилай? Нега ўзинг бундай яратдинг мени? Нега?— Ичидагини яширишнинг ҳожати бўлмаган билгувчига мурежаат килди у,— яккамохов бўлиб қолишни мен ҳам истамайман! Мениям севишса дейман, ортимдан, ана, Лорелея Султоновна деб шивирлаб қолишса, ҳамманинг назарида турсам, дейман ахир, нима Георгий хоҳламайдими буни? Уям хоҳлайди! Шунинг учун ҳам ўлиб-тирилиб ётибди-да. Эртага ё ажива бўлади у, ё авлиё! Ахир...— Лорелея залда ўтирган ва инонихтиёри ўзганинг таъсирида бўлган, шунинг фавқулодда юришидан тўлиб-тошиб, аъроф ҳолидан куйиб-пишаётган талотўпни кўз олдига келтирди.— Ахир,— дея маломат билан зорланди у,— шу авсат тоифангга мансуб эмасман-ку мен, худойим! Йўқ, менинг тупроғим бошқа жойдан олинган,— кеча, кечкурун телевизорда намойиш этилган Наполеон ҳақидаги фильм ёдига тушди, жаҳонгирга арзи ихлос билан талпинаётган, унинг пойини ўпишга ҳозир тўда кўз олдидан ўтди, мийиғида аччиқ кулимсиради:— Ахир, шу фотиҳ дов-

руг топаман деб қанча элнинг тинчини бузган, неча юз минг кишининг қонини тўккан. Унинг оёғи остида лнчилиб кетганлар ҳам, фотиҳ бўлмаса-да, боши думалоқ одамлар эди-ку, шуларнинг ҳам ўзига яраша ҳою ҳаваси бор эди-ку, лекин бу ҳеч кимни ташвишга солмайди, армон билан куйиб кетганлар ҳақида солномачилар ҳам бир сўз айтмайди. Чунки улар шунга маҳкум, шунга муносиб, чунки улар Наполеон эмас, ҳатто бахтиқаро Маккча¹ бўлолмайди, шунинг учун ҳам улар тақдир ўйинида қилич ё қалқон. Уларга шундай қаралади, тарихда шундай қайд этилади, фалон урушда фалонча одам қурбон бўлди, вассалом. Наполеон эса тилдан тушмайди, номи қўшиқдан қўшиққа кўчиб юради, хуллас... Георгий ҳам шу, фатҳу нусрат билан ё доврुक топади, ё эртага буткул назардан қолади, лекин менчи, мен? Нега энди сояга ўхшаб эргашиб юрибман унга? — Мабодо... тождорнинг аёли бўлганимда-чи? — деган шайтоний ўй кўнглига келди ва Лорелея унинг хушсурат чеҳрасини эслаб, ҳазин кулимсиради. — Яратганнинг тантиғи-эй, — ўзича, у тождорнинг сиёқидан ҳолини чамалаб кўрди. — Ҳеч бало қўлидан келмайди. Ёш болага ўхшайди-я. Уни Георгий эртага хасдай синдириб ташлайди. Бунда на қалб бор, на мурувват. Одамзот нега ўзи бир-бирини босиб-янчиб юқорига интилади, нега оёқостида қолиб топталганга ҳеч ким ачинмайди, нега топтаганга, фотиҳга ҳамма ихлос қўяди! Нега? Қўрққаниданми? Шу юмуш қўлидан келмаслиги учунми? Йў-ўқ, қанча тепага ўрласанг, шунча сирли кўринасан! Э-э, худо, нималарни ўйлаётман мен? Георгий уни ғажиб, суякларини туфлаб ташлайди ҳали. — Сипо тождорнинг бугун ортидан эргашганларга жуда расамадини келтириб қўл силкитгани халёлидан кечди. — Мунча ўзига бино қўймаса, шўрлик? Шунақа муомаланинг роса ҳадисини олган экан. Ишқилиб, эртага... — У, Георгийни шарафловчи асъасаю дабдабани, талотўп ичидан анавининг мосуво бўлиб, бош эгиб чиқиб кетишини тасаввур қилди. — Ҳаёт кимни аябдики, бунга шафқат қилсин? — Лорелея кўча адоғига бориб қолган, тоғ тарафдан муздай шабада эсар, кишини жунжитқарар эди. Алоҳал, дилдираб нзига қайтди у, бурунги ҳаяжони босилган, умидсизликкина тушқун руҳини топтар эди. — Канченжангига

¹ Карл Макк (1752—1828) — австралиялик фельдмаршал. Наполеон Бонапарт қўшинлари билан жанг қилган.

борганимдаям...— Бир нимага эришишга кўнглида ишонч туймади.— Наҳотки шу кўйда ўтиб кетсам? Ахир, анавидан нима камим бор менинг? Наҳотки энди... Эртага нима бўлар экан?—Георгийнинг аҳволидан келиб чиқиб, тусмол қилиш мумкинлиги хаёлига келдию уйга қайрилди, эшикни очиб ичкарига кирган заҳоти зимдан эрига назар солди, кўрдик, юзига пича қон югурипти. Шахмат тахтасидаги вазият эса ҳамон аввалгидай, деярли ҳеч бир ўзгариш сезилмас эди.— Уқубатлар адо қиптию сени, Георгий,— деб ўйлади Лорелея гаюрлик билан,— кунинг битибди чоғи!— У ломим демай зални кесиб ўтди ва ётоқбўлмасига кириб эшикни ёпди. Бориб, ўзини тўшакка ташлади.— Қачонгача шу азобга чидаб яшайман? Нега мунча топтайсан мени, худойим?!— Шунда Лорелея ҳатто яратганнинг ўзидан ҳам кўнгли қолганлигини, ҳамма-ҳаммасидан совуганлигини ҳис этди, бир пайтлар Кенченжангига чиқаман деб уринганлари, иктидорига ишонганлари, «Гинесснинг рекордлар китоби»га номим киради деб ўйлаганлари энди масхараомуз бўлиб туюлди. Ҳеч маҳал Кенченжангига чиқа олмайди, беҳроғига ҳам, шунга кўзи етди, лекин...— Нега энди буям ҳолини билмайди, ахир? Нега ҳадеб ўзини уриб-беради? Агар, ёнимда шу ўралашиб юрмаганида, эҳтимол... Биттаю битта ўғлимни шуларга ташлаб қўймас эдим? Қайнонам ўлганининг кунидан, келин-келин, дейди, унча жини сўймайди мени, қошки шуни сезмасам экан, болаям унинг таъсирида бешиб бўлган.— У оғир хўрсинди, ич-ичидан шунга икзор эдики, аввал бошдан меҳр қўймади унга, оёғимга тушов бўлади деб оиладан четлатди, нуқул ўзини ўйлади, довруқ топай деди, мана энди на дилёра, на дилтортар кишиси бор.— У— Лорелея, йўлга тушишларидан бир кун аввал ойиси билан хайрлашиш ниятида уйига борган, шунда ҳардамхаёл отаси икки бармоғини шох қилиб сузаман деб, роса уни чўчитган, сўнг бирдан маънос тортиб:— Шўринг кайнаб қолди-ку, қизим,— деган.— Султон Мирзонинг дўкони паторат топди, кўчада бош кўтариб юролмайсан энди. Бу фасоддан Георгий ҳам хабар топади ҳали. Шунда у сени ҳайдаб юборади. Қозон чайишния билмайсанда, қизим, ҳа-ҳа-ҳа! Лекин сен бўш келма! Менда айб йўк. Ҳозир Пири Мафияни фош этиш чора-тадбирларини белгалайман! Ҳа-ҳа-ҳа...

— Шу кўргилик етмай турувди ўзи,— деб ўйлади Лорелея.— Буёқда Муҳаммад Расул машмашаси. Уёқ

да Пири Мафия... Отамни бадном қилиб ташлайди улар. Асли имони бутмикан унинг?! Э, худо, қандай кунларга қолдим? Нечун Георгийга дучор қилгансан мени? Жонимни азобда ёқиш учунми? Оҳ-ҳ...— Илк учрашувларидан кейин, орадан бир ой ўтиб, тоғ этагида, қапада ўтирганида осмондан тушгандай Георгийнинг эшикда пайдо бўлгани ёдига тушди. Лорелея ўшанда тоби қочганлигини баҳона қилиб шерикларидан ажралиб қолган, аслида узлуксиз саъйи-ҳаракатлар кўнглига теккан, шу чўққига чиққан тақдирда ҳам ҳеч вақо ўзгармаслигига имон келтирган. Умиди узилган бир пайт энди юлдузи чакнаётган гроссмейстер Георгий Расулович шундай рўпарасида пайдо бўлган. Ва майин жилмайиб деганки, Эйнштейн айтмоқчи, сиз — альпинистлар жонингизни жабборга бериб чўққига чиқасизлар, йўқотган нимангизни ахтарасизлар ўзи?

— Сизни!— Зиқланиб ўтирганлиги боисми, Лорелея шундай деган, пича кўнглини ёзгиси келган, жилмайган.

— Шундай дейишингизни билар эдим. Аммо бу чин дилдан айтилган гап эмас. Амални бўйнига олиб, ўз оёғи билан қошингизга келган муҳибга очиқ бўлинг! Зеро, дейдилар: қандай ўлчовда ўлчасангиз, шундай ўлчовда ажр оласиз.

— Мен тушунмадим сизни, Георгий!

Георгий хазин жилмайган.

— Сиз учун... ўлимгаям тайёрман, Лорелея! Бор гап шу.

— Бало экан ўшандаям бу,— деб ўйлади Лорелея,— агар, манави машмаша орага совуқчилик солмаганда ундан сарафроз, ундан кўра меҳрибон бормиди оламда? Кун сайин мендан узоқлашиб кетяпти. Шунинг ўрнида бошқа биров бўлса бунчалар ситам ўтказмасмиди? У мендан безган, худо билсин, асти севмаган. Мениям кўнглим жиз этмайди-ку, ахир! «Қандай ўлчовда ўлчасангиз, шундай ўлчовда ажр оласиз». Ҳаммаси риё, ҳа, шундай, ҳаммаси ёлғон. Асли мени топташ учун яратган уни. Ҳа, майли, эртага буям синар, буям менинг ҳолимга тушар ҳали. Шунда салом бераман, вақтида босар-тусарингни билмаган эдинг, қалайсан энди, Георгий?— дейман. Тавба, нега одамлар бир-бирини бунча ёмон кўради? Бир-бирига хиёнат қилади, чалади. Нега?

Ўшанда... Қўмита раисига ҳали муовин бўлишга-

нича йўқ, аввал бошда шотирлар қўғирчоқ театрида ошкоралик масаласига доир кенгаш чақиришди, улар шу оқшом, газетада ёзишича, кенгашдан кейин қўғирчоқлар тоифасига мансуб бўлганлигимиз учун бизнинг ҳақ-ҳуқуқимиз камситилмоқда, деб намойиш қилишди. Шундан келиб чиқиб, қўғирчоқ тоифасига мансуб бўлганларнинг талаб ва истаklarини ўрганиш бўйича нуфузли комиссия тузилди, унга атоқли қўғирчоқбоз Пири Қўғирчоқ раис этиб тайинланди.

Шу хабарни ўқигач, Султон Мирзо: — Воҳ! — деб юборди. — Ахир, бу Пири Мафия-ку! Юқоридагиларнинг кўзи қаёқда? Наҳотки мундай бир тузукроқ одам топилмаса? Ёки... шотирларнинг ўзи шуни талаб қилишдимикан? Агар шу гумон рост бўлса, хатарли. Олдини олиш зарур. Қалтис хатолик ўтди-да. Пирларини юзага чиқариш учун... Касофатлар. Эҳтимол, Пирнинг ўзи ташкил қилгандир? Ҳар икки ҳолдаям охири бахайр... Хў-ўш, энди у қандай тадбир белгилар экан? Бу ҳаракатдан кўзланган мақсад аниқ. Аввал қўғирчоқларнинг ҳар бир ўйини телевизор орқали намойиш этилсин, дейишади. Жамоатчиликка яшин тезлигида таъсир ўтказишнинг замонавий воситаси — шу. Буни ҳисобга олмаганмиз биз. Кўпчилиكنи оғдириб олишгач, қўғирчоқ тоифасига мансуб бўлганларнинг мавқеини ошириш ва келажагини таъминлаш масаласи кун тартибига қўйилади. Ҳа, худди шундай бўлади. Падарига лаънат! Падарига минг лаънат ҳаммасининг...

— Диққат, диққат! Муҳтарам телетомошабин дўстлар! Қўғирчоқ тоифасига мансуб бўлганлар ҳам вилоятимизда алоҳида нуфуз тутати. Шуни инобатга олиб, бугундан эътиборан қўғирчоқ театри, унинг артистлари, инжасанъат намуналари билан сизни таништира борамиз! — Шундай деб диктор қиз ғилай кўзларини сўзди ва илтифот юзасидан жилмайди. — Бугун кўп минг сонли телетомошабинларнинг талабларига мувофиқ ёрқин истеъдод соҳиби Абду Шотир фаолияти ҳақида кўрсатув берамиз. Абду Шотир қўғирчоқбоз Пирнинг тарбиясини олган... Ҳозир у рок-музика оҳангларида «Таъзим» деган пантомимани ижро этади. Марҳамат, томоша қилинг.

Абду Шотир таманно билан саҳнага чиқиб келди, сўнг қора шляпасини қўлига олди-да, манглайи ерга

теккунча эгилиб таъзим қилди, кейин шляпани қий-
шиқ қўндириб, паришон қиёфага кирди. Муаллақ ҳа-
ракат қилган кўйи гўё йўл боса бошлади. Баногоҳ алла-
ким рўпарасидан чиқди, йўловчининг нимасидир ға-
шига тегди шекилли, Абду Шотир бурнини жийирди,
мунча кеккаймаса бу, деган каби лабини буриб қўйди.
Шувиллаб орқага «оқаётган» лента бўйлаб илгарила-
ётган туядай чайқалиб яна «юра» бошлади. Сўнг бир
нимани эслаган бўлиб кўкқисдан тўхтади, каллахум
деган маъно англатиб кўрсаткич бармоғини чаккаси-
га босди. Ҳали ўзи учратган ва паст назар билан қа-
раган аслида улуг зот, лекин танимаган, сийини қил-
маган.— Биз шундайларнинг қадрига етмаймиз!— У
ўкинч ила бош чайқади ва кескин равишда халққа
юзланди. Шу чоғ зарби оламни бузиб резу наво тарал-
ди. Абду Шотир оҳанглар қуюнида эшилиб-буралиб,
минг имо, минг ишора тавсифида ўша зотни таъриф-
лай кетди. Эл бошига қирон солиб, гўё қирқ бошли
аждаҳо юртга тажовуз қилди. Қон йиғлаган — ким,
тиз чўкиб худога ёлворган — ким. Ниҳоят, ўша зот
килич яланғочлаб аждаҳога рўбарў чиқди ва тонгни
шомга улаб у билан олишди...

Лорелея ҳайрон бўлган...

— Нима демоқчи ўзи бу?

Оёқларини айқаштирганча ясланиб креслода ўтир-
ган Султон Мирзо ёйилиб кулимсираган:

— Бошингга бало ёғилганда кунингга яраган ким,
эй, авом, танийсанми шуни? Сен унга саждалар қил-
гин, бурчлисан, демоқчи.

— Қимга?

— Султон Мирзога-да! Ишқилиб, кўз тегмасин.
Бошланиши чакки эмас. Қанотимга кириб, астойдил
ташвиқот қилишяпти. Аммо-лекин шартлариям шун-
га яраша. Илож қанча, бажарамиз-да энди. Лекин Одил
Шеровични жойидан жилдириш осон кўчмайди. Хў-
ўш...

Шу чоғ жавонда чиқиллаб турган биллур соат тақ-
қа тўхтади, яратган эгам жон ато этгандек у Султон
Мирзо томонга юзини бурди ва унинг кўзгусида Шо-
тир Бек кўриниш берди.

— Ташвиш тортманг, оксокол,— деди у кўз ости-
дан тикилганча. — Ният холис бўлса, худо қўл-
лайди.

— Бўлмаяпти-ку!— Султон Мирзо асабий, чинқи-
риб юборди.

— Қаловини топиш керак, қаловини. Бўшашиб ўтирган билан биров бўлдириб бермайди-ку!

— Қани ўша қалови, қани?

— Бир шоввоз бор...

— Хўш?

— Ўзиям чўпоннинг чўқайини уради.

— Нима бўпти шунга?

— Анойилигингиз ҳеч қолмади-да, оқсоқол. Одил Шеровичнинг ковушини ёлғиз ўшагина тўғрилаши мумкин, тушундингизми?

Султон Мирзо бир сесканди, сўнг гезариб соатга юзланди. Норозилигини яширмай тўнғиллади:

— Ким у?

— Шотир Шайтон.

— Шотир Шайтон? Бу кишим нима даъво қилдилар... кейин?

— Шотир Шайтонми? У, биринчидан, ўзимизнинг одам. Иккинчидан, оламшумул провакатор. Омон бўлсангиз, ҳали бундайлар асқотади сизга. Раҳбарлик осонми, оқсоқол. Ҳатто Пир ҳам Шайтонга суянган, душманлари юрагига унинг тилини бигиздай санчган. Сиз ҳам... олишингиз мумкин-ку уни, саркотибми ё босалар тарбияси бўлими...

— Ноҳалол йўл.

— ...Лекин замонавий.

— Бизга тўғри келмайди.

— Келади!— деди Шотир Бек кескин оҳангда, муҳокамага ҳожат қолдирмай.

— Мен бир ўйлаб кўрай?

— Эртадан бел боғлаб ишга киришсинми?

— ...

Шотир Бек, бошқа иложингиз йўқ-ку бари бир, деган каби чап лабини қимтиб, мийиғида кулди, сўнг унинг акси ўчдию одатдагидек, соат чиқиллаб юра бошлади. Султон Мирзо аввал бўзарди, кейин шолғомдай кизариб кетди.— Вой муттаҳам-эй, вой муттаҳам-эй! Одамга ўхшаб мундай оёқ узатиб тинчгина ўлай десанг, шунгайм қўймайди-я!— Тутақиб, жаҳл билан соатга узалди ва уни олиб полга урди. Чил-чил синган биллур қоплама кўз ёшидай тирқираб кетди. Шу пайт даҳлиздаги тошойнада Шотир Бекнинг хафагазак қиёфаси намоён бўлди, бироқ унинг овози равоқдаги гулдон ичидан гулдираб чиқди:

— Ўзингизни босинг, оқсоқол. Биз шунчаки, сизнинг ҳолингиздан хабардор бўлайлик деб... Демак, ке-

лишдик. Шотир Шайтон эртага енг химариб даврага тушади. Сизнинг номингиздан унга сўз бераман энди...

Султон Мирзо — хона ўртасида — захрини ичига ютганча серрайиб туриб қолди. Пичадан сўнг ўзига келди шекилли, қалт-қалт титрай бошлади, нафаси қисиб, ҳаво сира етмаётган каби бирдан ташқарига отилди...

Эртаси куни ҳали тонг бўзармай ноғсра нағмасидан шаҳар қалқиб уйғонди. Бир малак чаппар уриб, кунботар тарафдан шундай ўйинга тушиб келдики, ҳатто Тамарахоним ҳам бунчалар хирому бунчалар муқом қилмаган, нозу ишва билан юракларни бунчалар куйдирмаган эди. Лекин у ўтиб кетган ҳамсоно изида, Одил Шерович мунофиқ, Одил Шерович ғаламис, Одил Шерович бюрократ деган шубҳаю миш-миш хазондай тўзғиб қолаверди. Дилларида шу фасод илдиз отаётганлигини одамлар сезишди, айни пайтда миш-мишга рағбат туйишди. Ўша малак ўтган кўчада шундай қўланса бурқсидики, нақ димоғни ёргудай. Шунинг баробарида у афъюндай ҳушни олиб, кишилар ўз-ўзидан, Одил Шерович мунчалик ифлос, деб шивирлай бошлашди.

Бу ҳол тушга довур узвий тарзда давом этган, одамни танбалликка ундаб, фисқу фужурга майл қўзғайдиган ғаюр рез шаҳарни батамом чўлгаб олган...

Шу малак кечга томон муштипар аёл шамойилида Улус ҳақида ўйлаш Умумвилоят қўмитаси эшигидан оҳ уриб кириб келган, икки кўли бир тепасида бўлиб, қон йиғлаб, атрофига одам йиққан, сўнг, Одил Шеровичнинг дастидан дод, деб кўзёшики дарё қилган. Оҳ, деган, уҳ деган, мендан нима ёмонлик ўтдики, у қарғади, қарғамаса гулдай қизимнинг оёғи синмас эди, оёғи синмаса бир йилдан бери касалхонада ётмас эди, касалхонада ётмаса Ҳошим суюқ уни йўлдан урмас эди, суюқ йўлдан урмаса қизим қўзилаб юрмас эди, мен ҳам куйиб кетмас эдим, деган. Мунинг ўзиям, боласиям гуруҳбоз, ҳозир қайта қуриш, э, вой, шундай жойда ким ушлаб турибди уни, бу дунёда адолат йўқ экан асли, энди ўзимни ўлдирганим бўлсин, деб чиқиб кетган у. Фақат орадан бир ярим ой ўтгач, шу даргоҳга яна ўз оёғи билан кириб келган, энди Шотир Шайтон бўлиб, ҳақни қарор топтириш ва болалар тарбияси соҳасига мутасадди сифатида...

Бунга довур арзчи бўлиб у Одил Шеровичнинг устидан имзосиз хат ёзган; вакил бўлиб бориб шикоятни текширган; мўрдашўй бўлиб унинг маййитини юв-

тан; гўрков бўлиб гўрини қазган; ичкюяри бўлиб то-
бут олдида борган, қабри устида ваъз айтиб, кўзининг
сийдигини оқизган...

Шунда Султон Мирзо нари-бери юрганча ички бир
ҳадик билан бот-бот қиблага тикилган, бот-бот кўкра-
гини чангаллаган, ахйири, сабри тугаб даҳшатга тушиб
зорланган:— Йўқ, йўқ! Бундай яшаб бўлмайди, чи-
даб бўлмайди бунга! Одамкушлик бу! Истеъ...

Шунда супа лабидаги гужум Шотир Бек шамойи-
лига кирган, тарвақайлаган шохи билан у Султон Мир-
зонинг қулоқ-чаққасига чунонам ўхшатиб шапалоқ
тўширганки, Мирзо ҳовлининг бир четига учиб кетган.
Кейин дераза ойнасини дириллатиб қаҳрли бир овоз
учган:— Ўпкани босинг, оқсоқол! Ҳайит қурбонсиз
бўлмайди! Адолат учун кураш ҳеч қачон осон кўчма-
ган! Кемага тушдингизми, чидайсиз энди, йўқса...

Жинлар ёпирилиб ичини эзиб ташлаган каби Сул-
тон Мирзо ётган жойида бирдан чинқириб юборган...
Шундай бўлган, ҳа, шундай...

— Пири Мафия отамнинг юрагини олиб қўйган
эди,— деб ўйлади Лорелея,— одам деган шунчаём
пасткаш, шунчаём ёвуз бўладими, а? Георгийнинг қа-
рашларими-ей, Пирга ўхшаб кетади, эҳтимол, шунинг
учун жиним суймас уни. Ҳа-да, бири шотирларни, яна
бири тошларни ўйнатади, фарқи шу! Йўқ, йўқ, унча-
лик эмас! Инсоф билан айтганда, Георгий бошқача
одам, анавидан худо сақласин! Эримнинг мавқе тутиб
туриши ёқмайди менга. Шу ҳолига тожга даъво қи-
лиши-чи?!— Георгийнинг бераҳмлиги, ўзига бино қўйи-
ши бежиз эмаслигини, асли ичида бир бало борлигини
у фаҳмлади.— Келиб-келиб, Паганинидай бадрўй ким-
са мусиқа оламини остин-устин қилиб юборган-ку, ким
шуни туш кўрган ахир, балки буям...— Бугун ўйин қол-
дирилган пайтдаги Георгийнинг аҳволу руҳиясини кўз
олдига келтирди, сўнг:— Ҳеч-да,— деган ўйга борди,—
анови исканжадан чиқиб бўпти у. Инсоният закова-
тининг янги имкониятларини очиб беролмайсиз энди,
Георгий Расулович,— дея заҳарханда қилди Лорелея,—
эртага шу пайтда мотам тутиб ўтирасиз шекилли?—
Эрининг эҳтимолдан холи бўлмаган инқироzi дилида
зиғирча аянч кўзғамади, кўзларини чирт юмиб пича
ётди, яна зиқлана бошлади, гўё жарликка туташ зи-
мистон кўчада кетяптию босаётган ҳар бир қадами
ҳалокатга гирифтюр этиши муқаррардек...

Хона шу қадар сокин эдики, шахмат донаси урилган тахтаининг тиқирлаши ҳам, Георгийнинг хисирданиши ҳам — бари-барчаси аниқ-тиниқ эшитилиб турарди.— Наҳотки ҳалиям кўнгил узмаган бўлса? Чиқмаган жондан умид деганлари шу-да, а? Ҳозир у нима қилаётган экан?— Лорелея беихтиёр ўрнидан тура келди, шундай қилиш гарчи ҳаёлида йўқ эди, бироқ қандайдир куч таъсирида бориб, эшик кесакисига суянганча залга кўз ташлади. Георгий ҳамон рўпарасидаги деворнинг юқори қисмига, афтидан, суратга — Лорелеяга бу кўринмас эди — тикилиб ўтирар, зўриқ-қаниданми, йўгон томири бўртиб чиққан, тиришган манглайида эса ҳаёл шарпаси кезинар эди.— Нима экан у? Мунча термилмаса?

Георгийнинг ақлини ўғирлаган нима?— Шунинг билмиш ниятида у залга чиқди ва секин эрининг тепасига бориб, ўгирилди, аввал бошда чап тарафда очик турган китобга, ундаги мансубага, сўнг бошини кўтариб деворга қаради ва суратга кўзи тушди.— Тавба, шунинг нимасига мунча тикилмаса у?— Лорелея суратдан кўз узмай туриб худди бир буюмни ўйнаётган каби эрининг бўйнидан қўлини ўтказди ва одатий истигно билан: — Георгий! — деди, — мунча ўзингни кийнамасанг, Георгий! — Суратдаги Исо алайҳиссаломнинг илоҳий сокинлик ҳукмрон рафтори унинг ҳаёлини банд этди.— Йўқ, бари бир ишонгим келмайди шунга! — дея бадгумон ўйга борди, кейин яна Исонинг сеҳрига берилиб, муҳокама юрита бошлади.— Ҳақиқатан ҳам, агар у, Лазарь, тур ўрнингдан, деса ўлган одам тирилла қоладигандек. Бунга шак келтириш гуноҳ, лекин мен ишонмайман шунга. Кимдир, қачондир ўлганга қайта жон ато этувчи шундай бир қудрат бино бўлишини истаса истагандир, шунга шу нақлни тўқиб чиқариш баробарида ўзиям ишонса ишониб қолгандир, эҳтимол. Кейинчалик шу нақл асосида Исонинг суратини ишлаган мусаввир ҳам шундай бўлишини хоҳласа хоҳлагандир. Ахир, кўнгилга таскин берувчи шундай гапларни ўзимиз ҳам хуш кўрамиз-ку, банди оқиз, Пири Мафияга ўхшаганларнинг товони остида қолиб топталганда, ширин жонидан ситам ўтганида кимга ёлборишни, кимнинг оёғига бош уришни билмай, қисмати хўрликда кечишга маҳкум эканлигини англаб тўлғониши, шўрлик отамга ўхшаб талвасага тушиши, кон ютиши табиий, ахийри, бу ёруғ оламда дилёраар бирон жонзод топилмагач, ҳаёлан шундайни бино этмай,

унинг қўли билан адолатни тикламай, унинг қўли билан ғанимларидан ўч олмай иложи қанча?! Лекин шу билан бирон нима ўзгариб қоладими, ахир? Йўқ! Йў-ўқ, йў-ў-ўқ!

... Чўбир отга Пирнинг шотирлари мингашгунча Султон Мирзо тинч эди. Кунлар, ойлар ўтди, кейин қор ёғди, излар кўмилди. Ва аста-секин Шотир Шайтон хиром этган ўша кўчалар бўйлаб тагин фасод ивирсий бошлади. Нима эмиш, Султон Мирзо мунофиқ эмиш, тилда ўзга — амалда ўзга, аздаҳидил улусгаям қайинмасмиш! Нима эмиш, немисга у сотилганмиш, шу боис яккаю ёлғиз кизинаям ўз оти билан Кунтуғмиш эмас, балки Лорелея дея атармиш!..

Аввал бошда Султон Мирзо фосид бу иғвони писанд этмаган бўлди, теварагини олиб юрганлар ўзларини торта бошлагач, пичок бориб суякка қадалгач, ахийри кирқ йиллик қадрдони Қора Мушукка у ёрилди.

— Дунё тескари айланиб кетдими дейман, Қора-Сой? Оёқдан ушлаб орқага торта бошлади-ку бу нокаслар!

Қора Мушук кўп балони биладиган, қўлидан иш келадиган писмиққа ўхшаб димоғдан маънодор товуш чиқарди: — Имҳм.— Сўнг хўжасига таассубан у ҳам оёқларини айқаштирди ва бир нимани ўйлаган, ўйлаб алаҳсиган каби бурнини чуқалай бошлади. Унинг ир-кит панжаларию кўзлари жаланглаб ўғринча қараши Султон Мирзога сира-сира ёқмади. Мушукнинг иззатини билмай жуда бемалол, беписанд ўтириши ҳам дилига озор етказди.— Куним сенга қолдими энди? Кўтар жийда-халтангни!— деб жеркиб ташлагиси, борки аламини шундан олгиси келди-ю, тагин ўзини босди.— Дўст бўлиб сир олган, душмanning ишини қилиб юрмасин шуям,— деб ўйлади.

Қора Мушук тирноғидаги нажасни шимига артди-да, курси суянчиқларига тирсакларини тираб, пича ясланди. Кейин Султон Мирзонинг кифти оша ташқарига улуғвор назар ташлади.

— Имҳм. Жўра, бу фитнами ё суиқасдми?

Бу гал унинг қулоқ-чаққасига тарсаки тушишига бир баҳя қолди. Султон Мирзо қўл кўтаришга кўтарди-ю, мушукнинг кўзлари чақчайганини кўриб, шаштидан қайтди.

— Сени жин урдими, Қорабой?— деди у ранжиганини яширмай, тумтайиб.— Пир ҳам бунча калонди-моғлик қилмайди менга, биродар.

Қора Мушук бу гапни қулоғи остидан ўтказиб юборди. Ҳеч вақо бўлмаган каби хотиржам, ҳатто пича юввош тортиб, бирмунча салим овозда:— Пир тушмагур таҳдид қияптими, а?— деб сўради, сўнг оёқ учига қараб ўйга толган киши сиёқига кирди. Ниҳоят, бошини кўтарди ва Султон Мирзога тик қараб:— Катта фалокатнинг бошланиши бу, жўра!— деди юракка ваҳм солувчи овозда.— Ишқилиб, охири ба-хайр бўлсин!

Қора Мушукнинг гап оҳангида салқиб турган нохайрхоҳлик Мирзонинг жон-жонидан ўтиб кетди. Азбаройи ғазабини босиш учун ўрнидан турди ва у дераза олдида борди.

— Мендан нима хатолик ўтдики, бунча зуғум қилсанг? Пати юлинган уккидай ўшшасан, Қорабой.

— Эй, жўра, жўра. Нимасини айтاي, уйингнинг пешайвони тушиб кетди-ку, ахир! Эртадир, кечдир, жиловни Пир олади энди, биласан, қасоскор у. Мирзонинг одами деб нақ кўкимни кияди. Шу азоб жонимга зарилми? Сендан бир ҳиммат кўрганимдаям, бошқа гап эди. Демокчиманки, алам қилмасди. Бекордан бекорга... Ахир, мениям дунёдан умидим бор, бола-чақа дегандай...

— Ўлиб қутулмасам, тириклайин қутулмайман шекилли ундан?

— Ҳа-а, жўра, вақтида айтдим, кўзингга қара, ҳов, бошинг бориб деворга урилмасин тағин, дедим, қулоқ солмадинг. Ишнинг пачаваси чиқдию! Энди-и ўнглаш қийин. Сичқонлар ким бўлмаса, ҳатто шулар ҳам сотилиб кетди-ку! Қиррик кўрсичқон ҳам кеча жуфтакни ростлади. Ошхонадан файз қочди, жўра. Пир бало экан, касофатларга автономия ваъда қияпти. Лекин бунга йўл қўйиб бўлмайди. Сичқон мардумдан паст халқнинг ўзи йўқ. Қара, тузингни еб, хатар туғилган заҳоти тузлигингга тупуриб кетишди. Шу кунларда Георгий Расуловичникига ўтиб тирикчилик қиялпман десанг. Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, Султон Мирзо!

— Пишлоқ олчиқай, оч бўлсанг!

— Ҳа йў-ўқ! Бароқ хоним кунимга яраб турибди. Ўлар аҳволда эмасмиз. Ишқилиб, бир амаллаямиз-да.

— Бароқ хоним деганинг ким бўлди?

— Ҳм-м. Пирнинг суюкли надими,— деди Қора Мушук пича ифтихор билан.— Шу ёшга кириб, бундай нозиктаъб, бундай офатижонни сира кўрмаганман. Э-э, жўра, бизнинг қавм эгалламаган жой дунёда қолмаган экан ўзи. Энди шу... сичқонлар масаласи... ташвишлантириб турибди-да одамни.

— Бир гап бўлар, Қорабой. Пир айтган-қўйган-да.

— Йў-ўқ, масала жиддий. Кеча Бароқ хоним Пир билан музокара олиб борган. Битта шартим бор, дебди Пир, сичқонлар эвлашса, кенг уйнинг келинчаги — шулар, агар биз уддалаймиз десангиз, марҳамат...

— Қандай шарт экан у?

— Пир зотнинг тузига дар қолиб турибди, жўра.

— Қанақа зотнинг тузи?

— Имҳм,— Қора Мушук ёши бир жойга борган раиснинг дўлворлигига астойдил ачинди шекилли, спниқ кулимсиради. Бир нима демоқчи бўлди у, яна бошини қасиш туриб қолди. Атрофга аланглади, фавқуллода муҳим сирни очмоқчи каби тараддуд ичра пича энгашди. Сўнг: — Султон Мирзаевич,— деди шивирлаб: — Гап бундай: ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ барабар ёнади!— Қора Мушук аллақандай илинж билан унинг кўзларига қадалиб қаради, сўнг ҳафсаласи пир бўлиб,— бир замбил гўшт...— дея тўнғиллади.— Муовинларнинг ким томонда ўзи?

— Қўйинларига қўл солиб кўрмадим ҳали.

— Имҳм, Георгий Расулович-чи?

— Мен билмадим, Қорабой.

Алами келди чоғи, Қора Мушук пихиллаб кулди.

— Э, омон бўлинг-э, хўжайин!— деди у қўққисдан «сиз» сираб.— Куёвингизнинг кўнглидагини бир четга қўя турайлик, ҳатто тумшуғингизнинг остида нималар бўлаётганлигини билмайсиз сиз! Жонзот борки, таъма билан яшайди, итниям, битниям ўзига ағдариб олди Пир, биласизми шуни?

— ****

— Фалокат оёқ остида, жўра. Юзингга оёқ босишга ҳаддим йўқ, лекин начора, бунакада узоққа бориб бўлмайди. Сичқонларни умидвор қилиш керак эди, уларни асраш бўйича жамият тузмайсанми, мана мени мутасадди қилиб қўймайсанми! Ҳаммаёққа айвоқчи ташлаб, шотиру шотирбаччаларни қўшиб сотиб олмайсанми! Ваъдани қуюқ қилиб, бирининг тўпписини бирига кийгизиб юрмайсанми?! Сендан нима кетди, жўра! Бугунни амалла, эртага худо подшо!

— Қўлимдан келмайди бу, Қорабсй, қўлимдан келмайди бу. Кўр асосини бир йўқотади, бас. Бошда чув тушганим етар!

— Имҳм. Пирга дум бер унда. Йўқса пайинтғи қирқиб юборади у. Эртага қизингга шикаст етса, мени бўғизлаб кетишса, капанг куйиб қолса...

— Сен ҳид олиб тур-да.— Гапи ўролига тушмагач, Султон Мирзо ғарибона илжайди. Сазоси ўлган Қора Мушук эса мунғайиб пастга тушди, оғир-оғир одим босиб остонага етгач, қайрилиб Султон Мирзога қаради.

— Бисмиллонгдан билинувди ўзи. Эҳ, Мирзо, Мирзо! Ҳамма эгри, таёқдай тўғри бўлишни сенга ким қўйипти. Энди ўзингдан кўр!— Қора Мушук ўнг қўлини силкиб калакаомуз оҳангда деди:— Чао, маэстро!

Эртаси кун ёш шотирларнинг Биринчи Умўмвилоят кенгашида сўзга чиққан Шотир Қул дабдурустан қўмита раисига қўрқоқ дея айб тақади.

— Йўқса биз,— деди у,— аллома Муҳаммад Расулдан жудо бўлмаган, жудо бўлмаган бўлур эди унинг дуру ноёб «Нақл»идан!

Президиумда ўтирган Султон Мирзо асабий, лабини жийирди, сўнг сўз сўраб вазмин ўрнидан турди-да, минбарга борди, атай кулимсираб солиҳона гап бошлади:— Шотир Қул, ука, Муҳаммад Расул жаҳолат қурбони бўлганлиги рост, лекин уни қаро ерга тиққан ким? Ўзлари эмасмикин мабодо?

— Демогогия!— Шотир Шайтон зални нақ бошига кўтарди.— Қачонгача аравани қуруқ опқочасиз, ўртоқ Мирзаеч?!

— Дуру ноёб экан ўша «Нақл»,— деди Султон Мирзо тўлқинланиб,— уни таъқиқ этган ким? Ўзлари эмасмикин мабодо?

— Провакация!— деди ҳаяжондан бўғилиб Шотир Қул.

— Регламент!— дея тўнғиллади Абду Шотир.

— Ўртоқлар!— Султон Мирзо енгил тин олди, сўнг чиройи очилиб ўтирганларга юзланди.— Ҳозирги шароитда шундай баҳсу мунозаралар бўлиши табиий. Бугун қувонч билан сизларга шуни маълум килмоқчиманки, дуру ноёб «Нақл» бой берилгани йўқ! Ҳа, ишонинг, кишилар жонини тикиб бўлса-да, уни асраб қолишган...

— Ҳа, шундай, лекин сиз эмас!— Қандайдир хоним луқма ташлаб аввал унинг гапини бўлди, кейин биров ўрнидан турди: Қора Мушук!

— Қора Мушук гувоҳ!...— деди Султон Мирзо энтикиб. Шу пайт мажлисга раислик қилаётган Шотир Бек тартиб сақлансин деган маънода микрофонни чертди, сўнг Қора Мушукка қарата:— Марҳамат, ўтиринг! Султон Мирзаевич гапини тугатсинлар. Фикрингиз бўлса кейин айтарсиз,— деди. Қора Мушук каловланди. Жойига энди чўка бошлаганида ёнида ўтирган Бароқ хоним ирғиб турди-да:— Бунинг гапи жуда муҳим, масалага аниқлик киритади. Бу — гувоҳ. Талаб қиламан, сўз берилсин!— деб қичқирди.

— Талаб қиламиз!— Шотир Шайтон шовқин кўтарди.— Гувоҳга сўз берилсин!

— Ўртоқлар, тартиб сақлансин!— Шотир Бек илтижо қилган бўлди.

— Биз талаб қиламиз!— Бароқ хоним, мунча додирамасанг, деган каби Қора Мушукнинг биқинига нукиди.— Сўз берилсин!

— Сўз берилсин!— Айюҳаннос солди Шотир Қул.— Ахир, Султон Мирзонинг ўзиям Қора Мушукнинг гувоҳлигини тан олди-ку!

— Баски, шундай экан, қани, эшитайлик-чи,— деди Шотир Бек,— Қўғирчоқ тоифасига мансуб бўлганларнинг талаб ва истакларини ўрганиш комиссия раисининг бўлажак муовини, тузилажак Сичқонларни асраш жамиятининг бўлажак раиси Қора Мушук қандай янгилик билан бизни хушнуд этар экан?

— Ўртоқлар...— деди Қора Мушук буткул довдираб,— Айтмаганимгаям қўймади-да, ўзи. Султон Мирзо...— эксплуататор.

— Вей, жинни, қўлёмани айтсанг-чи, қўлёмани!— дея уни турткилади Бароқ хоним.

— Қўлёмма... Ўртоқлар... Пирда... Мафияда...

Султон Мирзо аввал титраб кетди, сўнг лаблари гезарди, ва эҳтимол, дўлдай ёғилган карсақлар зарбидан... яшин урган чинор каби гурсиллаб полга қулади.

Оғзидаги ошини, халтасидаги тошини олдиргач, роппа-роса бир ҳафта у касалхонада ётди. Ҳали сўфи азон айтмайтуриб, худонинг берган куни телефон жиринглар, мунтазам бир овоз уни ажалдай таъқиб этар

эди: — Султон Мирзо? Ҳали тирикмисиз? Сиз билан гаплашаётган — Робот. Маълумингиз бўлсинки, гўрингиз қазиб қўйилган. Кафанлик тайёр!.. Энди биз ҳақсевар арбоб Шотир Бекнинг тонгги газетада эълон қилинган мақоласини ўқиб эшиттирамиз: — «Аллома Муҳаммад Расул нақли» инсон заковати бино этган мумтоз обидадир. Жаҳолат ҳам, бидъат ҳам уни маҳв этолмади. Мусибатли йилларда у жонфидо шахс ёстиги остидан ўзига паноҳ топди. Пири Мафиянинг маърифий хизматлари туфайли бугунги кунга келиб, асар дунё юзини кўраётир. «Нақл»га ҳар биримиз юрагимизнинг тубидан жой беришга бурчлимиз! — Кейин худо жон ато этгандек, бурчакда турган телевизор экрани бирдан липиллайди ва...

...бағоят сипо кийинган Абду Шотир саҳнга чиқиб келади. Аскар каби у оёқларини жуфтлаб хиёл бош эгади-да, назокат ила таъзим қилади, сўнг димоғини пича кўтариб, тўмтаяди. Бир оз сукут сақлагач, чўзиб темоқ қиради ва: — Ўртоқлар! — дейди у калондимоглик билан, нолинчоқ овозда, — шундай миш-мишлар қулоққа чалиняпти, как будто биз... ҳа, ҳа, как будто бизда лицо, демоқчиларки, қиёфа йўқ эмиш! Қиёфа?! — Унг қўлини у ҳавода ўйнатиб ярим доира чизади, сўнг ҳайратини изҳор этиб: — Қиёфа! — дейди. — Нима ўзи бу! — Тўсатдан ўзи кескин оҳангда изоҳ беради: — Биринчидан, ҳеч канл-~~а~~ қиёфани биз тан олмаймиз, қачонки эзгулик ва адолат ҳаққи, халқ манфаати ҳаққи кураш кетаётган бир пайтда. Иккинчидан, қиёфа — нима? Мана, сизнинг қалбингиздан жой олган бир қиёфа, — Абду Шотир хамирдан қил суғурган каби ҳаракат қилади, — уни олиб бурда-бурда қилиб ташлаймиз. Сабаб? У шунга маҳкум! Нега? Чунки манфур шахснинг чиркин башарасини ниқоблаб келган. Хўш, ўша манфур шахс Муҳаммад Расулдек алломани тириклай ерга кўмиб, устига тупроқ тортган бўлса-чи?! Ўша манфур шахс, «Нақл»ни асраш лозим, дегани учун бошқа бир фозилни таъқиб этган бўлса-чи?! Ўша фозил муттасил қувғинда яшашга, Пири Мафия деган ном остида иш кўришга мажбур бўлган бўлса-чи?! — У пича сукут сақлаб, янада хазин ва янада ҳасратли овозда дейди: — Кеча мендан, нега тирноғингизни олмай-сиз, ахир, ўсиб кетибди-ку, — деб сўрашди ёшлар. Шунда айтдимки, ҳали эрта, тирноқ олмайман мен, токи адолат тантана қилмагунича! Ўртоқлар, исён бу, ўша манфур шахсга, Султон Мирзоларга қарши исён бу!..

Ўша кунлар, Султон Мирзо жинни бўлиб қолипти, деган миш-миш оғиздан оғизга кўчди. Беморлар келиб эшикдан мўралар, Султон Мирзога улар ҳайвонот боғидаги маймунга қарагандай ачиниб қарашар эди. Ахийри, шўрликнинг тоқати тоқ бўлди ва шифохонадан чиқиб кетди. Уйига келгач, бир ҳафта иситмалаб ётди. Гоҳо у чиндан телбаваш кулар; ўзича аллакимга:— Раислар қуллуқ бўлсин!— дер эди.—...ким? Йўқ, йўқ! Тополмадингиз; устоз, Бисмарк эмас бу! ...Ежов? Йў-ўқ... Берия? Қанақа Берия? Э-э, фозили замон, сиз тополмадингизми, демак, билингки у Адольф Виссарионович... Ҳа-ҳа-ҳа. ...Битта илинжим бор, шуям ушалсин... ...Ҳа, шундай, пича сабр қиласиз энди. Ҳе-ҳе-ҳе... Биламан, устоз, биламан, ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳо-ҳо-ҳо...

...Ҳа, ҳеч вақо ўзгармайди,— деб ўйлади Лорелея фикрини давом эттириб,— ахир, масиҳнинг ўзи ўлимга маҳкум бўлса, у қандай қилиб жони узилганга қайта жон ато этиши мумкин? Ҳеч, ҳеч...— беихтиёр кейинги сўзларни у овоз чиқариб айтди, Георгий сергак тортиб бошини кўтарди ва хиёл қоматини ростлади, сўнг ёқтирмаган каби унинг қўлини нари суриб қўйди, Лорелеянинг хаёли чалғиди,— буларнинг тагида қандайдир макр ё ёвуз бир ният ётади,— шу хаёл билан у Георгийга юзланди,— мана, буям каромат кўрсатмоқчи, шунга шунча тўполон, шунча оворагарчилик, қанча одам сарсон! Совуришаётган пулларни етим-есирларга бўлиб беришсин... Йўқ, йўқ, бу билан ҳеч нимани ўзгартириб бўлмайди. Бири кам дунё. Буни изга солиш мумкинмикин сира? Йўқ, ҳеч, ҳеч қачон. Қачон беш бармоқ бирдек бўлганки, энди бўлсин. Кимки эвини топса, бошқалар ҳисобига ўша яшайди. Бундайлар эса, худога шукр, оз эмас, яна ғарибга қийин, яна бечоралар илоҳа яратади ва яратганидан имдод тилайди, шу тахлит ўзини авраб кун кечиради. Шунақа.— У афсус билан бош чайқаганча айланиб ўтди-да, Георгийнинг рўпарасидаги курсига ўтирди.— Буям авлиё бўлмоқчи. Нима азоб сенга? Ниманга етмайди, ё тавба-а!

— Георгий, нима қилмоқчисан ўзи? Мунча жонингни қийнамасанг, ахир, ютқазсанг, ютқазарсан. Шу билан осмон узилиб ерга тушармиди! Билсанг, ютган тақдирингдаям ҳеч вақо ўзгармайди. Боя, ҳолингни

кўриб...— Иситмалаб ётган Султон Мирзонинг куйиб-пишганлари ёдига тушдию унинг юраги тўлиб кетди, шунча йил бирга яшаб, ҳеч маҳал Георгийга ачинмаган эди, ҳозир бирдан милклари намланиб, кўзларида ёш ҳалқаланди, сўнг юзини ювиб тушди. Ва англадики, ўзгаларни ҳайратга соламан деб қилаётган саъйи-ҳаракатдан наф йўқ, турмушга маъно киритадиган бўлак нарса. Ҳозир у шунинг шарпасини пайқагандай бўлди.— Мен... мен бундан буён...

Георгий уни энди кўриб тургандай кўзларини катта-катта очди ва ҳайронлик билан Лорелеяга тикилди.

— Биласанми, ҳозир нима ёдимга тушди, Георгий? Бўйи бир қарич қизча эдим, ҳар оқшом бувим Орзигул деган пари ҳақида чўпчак айтиб берарди, ўшанда мен бунинг чўпчаклигини қаёқдан билай, ёти-иб ўйлардим, қани энди мен ҳам Орзигулдай пари бўлсам, юзларим ойдай бўлса, унинг ошиғидай ошиғим бўлса. Уша йилит Орзигулидан жониниям аямас экан. Сен билан мен... шунча бирга яшаб...— Георгийнинг кўзларида у тугаб бораётган сабрни, гаплашишга топган вақтингни қара, деган зардани кўрди-да, жим бўлиб қолди.— Кечир! Мен сендан хафа эмасман, Георгий! Тушунаман!..— У туриб кетмоқчи бўлди. Лекин аллаким этагидан босиб тургандек, нимадир тилига кўчмай қолгандек, шунинг олдида эртанги ютуқ ҳам, ютқизиқ ҳам сариқ чақага қимматдек эди гўё.— Сен тушунсанг-чи, ахир, Георгий, намунча куюнасан?— деди у дабдурустдан. — Шунчасини ютдинг, кимдир сениям ютади-да энди. Ҳаёт шунақа-ку ўзи. Ҳаммаси бориб турган бемаънилиқ, бошқа ҳеч нарса эмас, сенинг курашинг ҳам, ютуғинг ҳам, ютқизиғинг ҳам! Ҳеч қачон барчага бирдек нафинг тегмайди, ҳатто пайғамбар бўлган тақдирингда ҳам! Шуни билиб қўй! Билиб қўй шуни!

Георгий, ниятинг нима ўзи, деган қаби тажанг бир алфозда унга тикилиб турар эди. Лорелея эрининг қимтилган лаблари учиди, нега ғашимга тегасан, деган маънони укди ва англадики, у жеркинмоқдан бери бўлиб турибди. Шунга алланечук гуноҳкор ҳис этди ўзини ва кўзларини олиб қочди.

— Лорелея!— деди Георгий вазмин оҳангда,— сени ҳеч тушунолмай қолдим.— Ғазабданми, унинг товуши бўғилди.— Айт, нима хоҳлайсан мендан? Муродинг нима ўзи?

— Биласанми, Георгий, мен... мен ўйлайманки... кейинги пайтларда... англашимча...

— Тинч қўй мени, Лорелея! Феълимни биласан-ку!..— Георгий қошларини асабий керди, жағ пайлар туртиб чикди, сўнг ҳуд-беҳуд кўзларини пича юмиб турди-да, тагин чимирилганча китобга энгашди ва мансубага назар солди, кейин бошини кўтариб — Лорелеяни буткул унутган каби суратдаги Исо алайҳис-саломга тавалло қилиб узоқ термулди, у кўзларини юмиб яна ўйга толди, Георгийнинг саъю ҳаракати ва беписанд муносабатида кишини таҳқирловчи нимадир бор эди. Лорелеянинг хўрлиги келди.— Имдод тилаяпти... Йўқ, бу жўрттага шундай қилади.— Бир хаёл шартта бурилиб, ётоқбўлмага кириб кетгиси келди, яна ўзини тутди.— Кўрай-чи, қани, нима каромат кўрсатар экан?— Чамаси, бир чойнак чой ичгулик вақт ўтди, ниҳоят, Георгий шахмат тахтасининг нариги четида турган филни боя фарзини турган катакка сурди. Тангликни сира ҳам юмшатмас эди бу.

— Руҳ билан шоҳ беради сенга,— деди Лорелея, ортиқ чидаёлмай.— Қочасан. Фарзининг қурбон бўлади. Фил билан руҳини оларсан, лекин манави сипоҳини у илгари сурса борми, буям кетди деявер. Шунда сенинг отинг қолади, унда фил, уч пиёда... Обрў борида этагингни йиғ. Яхшиси, таслим бўл ё эртага ўйинга борма, Георгий!

— Эртага мен ютаман!—Қироат билан айтилган бу гап Лорелеяни сескантириб юборди, сачраб у бошини кўтарди, назарида, ҳукм каби қатъий бу сўзни Георгий эмас, қандайдир ҳукмфармо устивор овозда айтгандек эди. Бу синоатнинг тагига етолмай, у жовдираб турганида Георгийнинг лаблари яна газара бошлади.

— Шусиз ҳам бир кунинг ўтади-ку, ахир!— Лорелеянинг бўғзига шу маломат тиқилди. Георгий ўрнидан турди, тураётиб боши айланиб кетгандек юзи буришди, кейин тепадан, Лорелеянинг тубанда қолиб кетганлигини писанда этгувчи, бинобарин, ғашини кўзговчи акбарона назар билан жуда ҳам тепадан унга қиё боққанча ҳалиги овозда:— Истасам, ҳозироқ ўзимни чемпион деб эълон қилишим мумкин,— деди,— лекин...

Лорелея унинг товуши қандайдир ҳасратдан ҳазин тортиб чиққанини пайқади, лекин деган сўз талаффузи шу қадар синиқ эшитилдики, хонн туйғулари шўр-

ликнинг юраги япроқдек титраётганини, бир нимадан жаттиқ безовта эканлигини ошкор этиб қўйди, шуни англагач, алланечук бехосият хавотирдан Лорелеянинг юраги ҳам зирқираб кетди, кўнглида ғашлик қўзғаган бу сезим, энг ёмони, хосиятсиз бир балони бошлаб келаётгандек эди.

— Георгий!— деди у, ўзини ночор хис этиб,— биласанми нима... мундай... очик гаплашиб олишимиз керак, Георгий!

Унга туюлдики, баҳсу муроқаба — бари-барчасига этакни силкиб, ҳозироқ Тошкентга, уйга кетиш керак. Ёлғизлик ситамидан қутулиш, гарчи жини суймасада, рўзгор икир-чикирларига кўмилиб тинчгина яшаш шу тобда унга ҳаммасидан авло бўлиб кўринди. Георгийга илтижо билан термилди у, шу чоғ эрининг:— Гаплашадиган гап ҳам қолмаган!— дегани қўлоғига чалинди. Дафъатан Лорелея эсанкираб қолди, кейин йиғиға ўхшаш бир нима ичидан тошиб келдию эрининг билагига ёпишди:

— Мунча тошбағир бўлмасанг? Мунча қийнамасанг? Ахир, кон қилиб юбординг-ку мени, Георгий!

Георгий оғир хўрсинди, сўнг кўлини секин тортиб олди. Лорелеянинг очик қолган бармоқлари, боя чўғдай чатнаган меҳри, дийдаси музлаб кетди.— Такаб-бур,— деб ўйлади алам билан.— Бадбин!— Ва, Георгийнинг бояги кибру ҳаво билан тепадан беписанд қарашини худди сурат каби кўз олдида туриб қолди.— Нега тақдир шунга рўпара қилди мени? Мунчалар бахтикаро бўлмасам! Э, худо-о!— Георгийнинг, истасам, ҳозироқ ўзимни чемпион деб эълон қилишим мумкин, деган гапи қайта бошдан эшитилгандай бўлди, у маҳзун оҳангда шундай деганлигини буткул унутди, шу боис, бу гап, хусусан, эртага мен ютаман, деган писанда атай хўрлаш учун айтилгандек бўлиб туюлди, юрагига наштардек ботди, кўз остида, ғазаб билан у Георгийга қаради ва унинг шими киссасига қўл суқиб, гўё мавқе сақлаб туришида ҳам чидаб бўлмайдиган такаб-бурликини кўрди, асаблари чатнаб, жағи қариша бошлади, шунда,— бундайлар, бундан манманлар ҳам утган-ку, ахир, ярим дуёни бешикдай тебратиб Амир Темур ҳам ўтган-ку, шулар нима бўлдию бу не бўларди, адам шамоли пайти келиб ҳаммасини хазондай тўзғитади, ҳаммасининг кули кўкка совурилади,— деган ўйга борди ва хохолаб кулиб юборди, кулатуриб, кеку аламдан иборат тугун юрагида чигал бўлиб қолганли-

гини ўзи ҳам ҳис этди. Шунга жавобан ғазабми, нафратми ва ёки адоватми, ҳар қалай, шунга ўхшаш бир ифода кўрарман деб эрининг кўзига тикилди, йўқ, Георгийнинг бояги тажанглиги буткул тарқаб, юзлари мулойим тортган, қарашлари ҳам бағоят сокин, фақат кўзлари ичида аллақим Лорелеяга тикилиб тургандек, ундан кулаётгандек эди гўё. Лорелеянинг вужудига титроқ югурди, миясига қон уриб, гарчи ўзи истамаса-да, ғайришуурий тарзда хунук хохолади ва асаблари қақшаб, шахмат тахтаси турган столни жўрт-тага ағдариб юборди.

Полга сочилган доналарнинг шиқирлаши ниҳоят тинди ва яна хонага оғир сокинлик чўкди, ташқари жим-жит — олам сув босгандек, ҳатто фалак ҳам бу кеча чақинлар чақмас эди.

Қадам товушлари сукунатни парчинлади — Георгий гўё ҳеч вақо бўлмаган каби секин бурилди-да, дераза рўпарасига бориб, ўйчан туриб қолди. Ҳатто телба-тескари қилиғи билан ҳам Георгийнинг иши бўлмаганлиги Лорелеяни адоин тамом қилди. Боши айланиб, кўзлари тинди, кейин қон тепчиган юзлари ловуллаб, ирғиб ўрнидан турди, ётоқбўлмасига томон қайрилмоқчи бўлди-ю, лекин шу заҳоти оёқ остида турган шоҳга кўзи тушиб, уни тепиб юборди, сўнг яна — ҳатто ўзи истаманган ҳолда — бўғиқ кулди, кейин тошиб келаётган юраги қон бўлиб кўзларидан окди — ҳўнграб йиғлаб юборди у.

— Ўзингдан бошқани ўйламайсан! Одам эмассан сен. Бадкирдорсан. Ҳа, ҳали... — Ўгирилиб Георгийга қаради у, эри орқасини бериб, дераза олдида қилт этмай турар, ҳатто пинак бузмаган эди, шуни кўриб, унсиз бир ингроқ билан бармоқларини тишлади ва қайрилиб беихтиёр ётоқбўлмасига қараб юрди. Зеро, бош ургулик ўзга жой ҳам йўқ: бориб Лорелея ўзини тўшакка ташлади-да, юзларини парёстикқа босганча қалт-қалт титрай бошлади. Кейин ичидан хўрсиник ва бир дунё йиғи тошиб келди. Орқасини бериб турган Георгий, унинг кенг яғринлари ҳеч хаёлидан кетмас, эрининг шу туришида ҳам гурурини топтовчи алланима яширин эди. — Нега бордим ўзи? Тирғалиб нима қилардим? Э, худо! — Бўлиб ўтган дилгирлик асорати жонини ўртай бошлади. — Нимагаям чиқдим шунинг олдига? — деди у бошини сарак-сарак қилиб, афсуслушаймон забтидан ўзини кўярга жой топа олмай; қилмишидан туғилган норозилик заҳри шу қадар куч-

ли эдики, Георгийнинг кўкини кийса-да, ўзини ўтга-сувга урса-да, дунёнинг кулини кўкка совурса-да ала-ми босилмас, шу боис нима қиларини билмай тўлғанар эди у.— Ер билан битта қилди-я! Мени камситиш учун атай...— Георгийнинг беписанд қараши кўз олдига келдию тутaqиб туриб кетди. Қуйи лабини конатиб юборгудек тишлаб, юзларини тўсганча ингранди:— Э, худо, нега бунча ғариб қилиб яратдинг мени? Гуноҳим нима эди, ахир? Нима ёмсиллик қилувдим сенга?— Яна юзтубан, тўшакка ўзини ташлади.— О, худо! Худо-жон!— Сиқташдан таққа тўхтади у, бошини кўтарганида тўлқин-тўлқин сочлари чайқалиб кетди.— Чиндан менга кўнгил қўйганмикан шу?— деб ўйлади дераза ортидаги гунафшаранг оламга тикилганча, шунда ички бир овоз йўқ дея жавоб қайтарди унга.— Ҳеч...— Балодан халос этувчи фавқулодда мансуба топиш умидида ўзини ҳам аямай кўкариб ўтирган Георгий кўз олдига келди, қўрқинчми, ҳар қалай, шунга ўхшаш нохуш туйғудан жунжикиб кетди у.— Қандай одам бўлди бу?— Қандайдир шуъла эрининг кўнгил кўчасидаги зимистон қаърни гўё ёритиб юборди, ўша ерда ғимирлаб юрган жониворни кўргани сайин Лореленинг ваҳми ошди,— Тавба қилдим! Қандай одам бу, ахир! На ўзини аяйди, на бошкани.— Шунда иккинчи учрашувлари ёдига тушдию баттар юраги увишди унинг.— Сизга уйланишим шарт...— Рози бўлмасамчи?— Яратганнинг иродаси шундай...— Лорелея хандон отиб кулган, Георгий бурилган-да, индамай кетаверган.

Кечмишининг ўша лаҳзасини қайта бошдан яшай бошлади гўё ва Лорелея аён кўрдики, Георгий йўлак бўйлаб кетиб бораётир. Ҳаммаёқ ок-оппоқ, кори куралган йўлак муз қотган, лекин унинг оёқлари музга ботиб-ботиб кетади, изидан эса ҳовур кўтарилади. Нега ўша пайтда бунга у эътибор қилмади экан? Тавба, худди шундай бўлган эди-я, худди шундай бўлган. Кейин Георгий унинг бўйнига гўё кўз илгамас пини солиб тортган, шундай куч сезгач, Лорелея беихтиёр унга эргашган. Сўнг у жонидан азиз кишидек, ҳозир уни йўқотиб қўядигандек юрагини ҳовучлаб кетидан югурган, бориб унинг йўлини тўсган. Георгийнинг кўзларига қараган, шунда боши айланиб оёқлари бўшашиб кетган. Негаки унинг кўзларида қабарикшиша кўзойнак бору кўзойнак ортидан аллаким унга тикилиб тургандек эди гўё.

Лорелеяга у ғалати қараган, бироқ ҳеч нима демаган. Қабарикшиша кўзойнак ортидан ҳамон қорачиқлар тешиб юборгудек назар билан унга тикилиб турар эди...

Лорелея кўзларини чирт юмиб олди, шунда ҳам дилидагини уқувчи назар таъқибидан қутула олмади. Юрагини қўрқинч чулғаб, беихтиёр ўрнидан туриб кетди у.— Наҳотки жодугар бўлса?— Ўйлаган ўйидан ўзи чўчиди, қўллари япроқдек титраб туриб қолди у, кейин жон ҳалпида бориб чироқни ёқди, шундагина бурчақда ўзига тикилиб турган жувонга кўзи тушди. Бир лаҳза суратдек қотди, кейин:— Ким бўлди? Қаёқдан кела қолди?— деган ўй кечди хаёлидан. Ва жувоннинг аянч буришган юзида, ташвишланиб қарашларида ҳам шу таҳликали саволни кўрди. Жувон ичкўйлагининг бурмаларини ғижимлаб турар, у Азроилнинг қошида зир қақшаётган каби эдики, ўзининг ночор ва аянчли кўриниши билан ҳар қандай одамни даҳшатга соларди. Лорелеянинг кўзи унинг бармоғидаги Сфинкс кўзли узукка тушди. Алланечук таниш эди бу, беихтиёр чап қўлига, сўнг яна жувоннинг узугига қаради. Шундан кейингина тажанглик исканжаси хиёл бўшашди, анави ўзининг акси эканлиги, яъни рўпарасида тошойна турганлиги шуурига етиб борди. У бирдан ҳолсизланди ва:— Мунақада жинни бўлиб қоламан,— деб ўйлади,— нима азоб бу?— Юраги гупиллаб, вужудига муздай тер тошганлигини ҳис этди, бўшашиб диванга ўтирди, шу чоғ тошойна равоқидаги тимқора жундор нарсаси алвастига ўхшаб ғимирлаётганини пайқаб чинқириб юборай деди, ҳаяжонини пича босиб зингил солиб қарагач, у тўзғиб ётган париғи эканлигини англади, бироқ кўзларига ишонмади,— менга бир бало бўлди ўзи. Жин чалдимикин? Анови...— Яна унинг хаёлидан, жодугармикан, дея гумон кечди ва совқотган касп қалт-қалт титрай бошлади,— Георгийнинг ёнига чиқсамми ё? Бунақада эсдан кетиб қолиш ҳеч гап эмас,— у зўрға ўрнидан турди, гарчи Георгийнинг олдида чиқаман деган ўйда бўлса-да, ихтиёрсиз равишда дераза томонга бурилди, ниҳоят, дераза равоқидаги чала чекилган «Малборо»га кўзи тушди, шу заҳоти сигарет қолдигидан тараладиган нохуш ҳидни димоғида туйди, кўнгли айнаиди, лекин... «Малборо» қутипутиси билан залда қолган, шу тобда уёққа чиққиси, анавини кўргиси йўқ эди, узалиб шуни олди ва лабига қистирди, уни чўғлантираётиб, доналарнинг шах-

мат тахтазига урилиб шиқирлаганини эшитдию бири-биридан нохуш бугунги воқеалар таассуроти руҳини эзиб юборди. Бояги таҳлика, қўрқинч, жонини ўрта-ётган ҳасаддан энди асар ҳам қолмади, одам боласи чидолмайдиган мусибат бошига тушган каби у муш-типар бўлиб мунғайди. Кейин,— ҳатто сигарет қолди-ғини қаёққа ташлаганини ҳам эслай олмайди ўзи,— толғин кўзларини шифтга тикиб ётганча шуни англа-дики, ҳеч қачон кишилар бир-бирига дўст бўлмайди. Туғишгандан кўра яқинсираб юрадиганлар ҳам асли-да шу муносабатлари ҳақида ўйлаб кўришмаган. Ҳам-маси алдоқ, риёкорликдан бўлак нарсасиз. Қачон-ки манфаатлар тўқнаш келганида ҳар қандай яқин-лик паторат топади. Мана, Георгий, Лорелеяга ундан кўра бегона афзал-ку! Етти йилдан бери бир уйда яша-ган, етти йил бир ёстиққа бош қўйишган, лекин ўйлаб кўрса, Лорелея у ҳақда ҳеч вақо билмайди. Рост, ойда-йилда у куёнчиқлайди. Эҳтимол, бу кўпчиликка ко-ронғидир. Тағин девордаги суратга термилиб, соатлаб тавалло килади, буни ҳеч ким ҳаёлига келтирмас, ле-кин Лорелеянинг ўзи-чи? У ҳақда яна нима билади? Ҳеч нима. Ҳеч маҳал улар яхлит бир оламга айлан-маган, айланмайди ҳам. Лорелея яна шуни англади-ки, ўзиям тамомила холи, ҳеч кимсанинг даҳли бўл-маган, ўз сири, ўз ўйи, ўз кечмишига эга айрича хил-қатдир, ўзга хилқатлар билан яктан, яқиният бўлиши, бир-бирига қўшилиб кетиши мумкин эмас, асло мум-кин эмас!

Одамлар мунча риёкор? Мунча мунофиқ бўлмаса улар? Ит ҳам, бит ҳам ўзини ҳақман дейди. Тили айлангани сайрайди, баландпарвоз гапларни хуш кў-ради. Нима эмиш адолат эмиш, нима эмиш, миллат эмиш, миллат-а...— У кўшниси, донгдор артистни кўз олдига келтирди,— зилзиладан бир кун олдин теле-визорга чиқиб, оламни бузган, сен учун жоним сада-қа, халқим, деган, эртаси кун — халқи бошига ташвиш тушганида бола-чақасини олиб қочиб қолган. Тавба-а. Манфаат йўлида бунча мунофиқлик қилмаса булар? Одамзоднинг ҳар қандай саъю ҳаракати замирида асли пинҳон бир ният — шахсий манфаат яширин бў-лади. Қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам. Отам шун-дай дерди. Ҳа-да, миллат деганиям, адолат деганиям аслида ўзим бўлайин дейди...

Мана, Георгий. Нима эмиш, фавқулодда мўъжиза кўрсатармиш, инсоният заковатининг янги уфқларини

очармиш. Нечоғлик олижаноб бу ният, лекин шу ҳавойи гап замирида бозор-ўчардан тортиб мен олиб киядиган шиппаккача яширин-ку!

Ойим-чи? Агар Георгий ютса, севинганидан чапак чалиб юборади. Нега? Қуёвим чемпион дейди, ҳеч кимга гап бермайди. Давранинг тўри шуники. Қуёвим дейди-ю, аслида... ҳаммаям шу. Залда ўтирганлар ҳам... йўқ, йўқ, буларнинг манфаати бўлакча. Биров бошқа бировни ейишидан ҳузур топади улар. Ё раббий, одамзод наҳотки шунчалар тубан бўлса? Рим киборлари гладиаторларни бежиз олиштиришмаган. Зўрдан зўр чиқиб қон тўкишидан улар завқ топишган. Икки зўраборни тишлатиб қўйиш, қайсики маккор, қайсики ёвуз, қайсики кучли бўлса ракибини ўлдиришга махкум этиш, ўзларини улардан-да устивор, ҳукмфармо сезиш — даҳшат-а?! — Гарчи бурчакка тақалиб қолган бўлса-да, ҳамон чопқисини ташламай, жон талвасасида ҳансираётган Спартак, унинг нақ бўғзига найза тираб турган рақиби, тепада мавқе сақлаб ўтирганча бу манзарани кузатаётган киборлар Лорелеянинг ҳаёлидан ўтди. — Қабоҳат. Разолат бу, разолат! Одамзод наҳот шунчалар тубанлашиб кетса?! — Кейин отасининг гапи ёдига тушди. — Қизим, гадойнинг уяти бир эшикдан ўтгунича. Қўлингга милтиқ олиб кўрмагансан-да. Овга чиқсанг, дастлаб кийикнинг чиройига маҳлиё бўласан. Биттасини отиб йиқитсанг, бас, энди отишдан завқлана бошлайсан, одамзоднинг феъли-хўйи шунақа...

Тушида ҳам кийиклару олишаётган гладиаторларни кўриб чиқди у...

...бир маҳал руҳсиз кўз очди. Тун бўйи какра чайнаган каби оғзи тахир, қорғинлик танини тўшакка михлаб ташлаган эди. Чаккалари сирқираб огрир, кўнгли ғаш, нимадандир қаттиқ норози. Кўрдики, ётган маҳали не алпозда бўлса, ҳозир ҳам худди шундай — ҳатто чироқ ўчирилмаган. Хона ёришиб кетганиданми, чироқ синиқиб, тун бўйи ёниб энди адои тамом бўлаётгандек, сўнгги нурларини зўрга таратаётгандек туюлар эди. Тахтапарчин полда гижим бўлиб ётган пайпоқларию халатига кўзи тушгач, ҳайрон бўлди у, қачон ечингани эсида ҳам йўқ эди, кейин илғадики, тошойна равоқида пахмайиб париқи турибди. Парик қандайдир аёлнинг тери-периси билан қўшиб шилиб олинган сочлари каби жуда хунук кўринди унга.

Деразадан қуюлаётган бир тутам нур тошойна қиррасига тегиб синар ва бориб ўлик деворга илашарди. Тонг аллақачон ёришганди, фақат... қизалоқлигида бувиси нақл қилган шайтон келиб, билдирмайин суёканиб кетгандек Лорелея ўзини оғир ҳис этди.

У, шифтга тикилган кўйи чалқанча ётар экан, аввал шуни англадики, бугун бари бирёқли бўлади. Чала қолган ўйинга ҳам нуқта қўйилади. Сўнг кечаги қилмиши, ўйлари, туши — ҳамма-ҳаммаси бирдан ёдида тикланди. Тузатиб бўлмас хатоларнинг нохуш таассуроти кўнглини хуфтон қилди. Кейин қандайдир калаванинг учи хиёл кўриниш бергандек туюлди, назарида, шунинг нималигини билса, барчаси бирдан ойдинлашадигандек эди. — Нима экан у? — Лорелея кўзларини юмди, кеча ўзи кўрган кинодаги манзара кўз олдига келди. Спартак жон ҳалпида ҳансирайди. Ўлимга маҳкум. Ҳаёт ундан юз ўгирди, мамот... Найза тиғи нақ бўғзига кадалиб турибди. Лекин... Шунини санчишга ракибининг ҳоли йўқ. Қўллари титрайди. Меҳр... меҳримкон бермайди бунга. Шу ожизлиги учун тақдир уни жазолайди (орқасидан найза санчишади), Спартакка эса имкон беради, имкон!.. — Ушанда у итдай хор бўлиб ўлиб кетишим ҳеч гап эмасди! Лекин тақдир уни сийлади, унга имкон берди — ўзини ўлимга маҳкум этган киборларни, сўнг жамики қулдорларни даҳшатга солиб исён қилди, у ва унинг шериклари бутун бошли Римни зир титратди, шукуҳли сенат ҳаётини эвриб юборди, номини шавкатга буркади. Ҳа, агар икки кетса, албатта ўзи сийлайди. Лекин кимни? Ким бугун ўша имконга эга бўлади? — деб ўйлади Лорелея, вазиятдан келиб чиқиб. Хаёлан аввал ўша тождорга, сўнг Георгийга шундай имкон берди, кейин ўша жойга ўзини қўйиб кўрди. Назарида, аянчли бошланса-да, алоҳал шавкат келтириши мумкин бўлган шу имкон бугун кимгадир насиб этиши муқаррар эди. Ёзмишдан фол очишга кўнгли чопмади, лекин нимадир кўнглига ғулу солганча хаёлида кезина бошладики, уни аниқ тасаввур эта олмай Лорелея қийналиб кетди. Ойиси, кечаги туши, тождорнинг тумшугидаги овсарлик аломати — бари-барчасини бир-бир хаёлидан ўтказди, буларнинг ҳеч бири тасаввуридаги нимарсага уйғунлик касб этмади. Кеча дераза олдида ўзига орқасини бериб турган Георгий шундоқ кўз олдига келди. — Йўқ, йўқ, бу эмас, — ниҳоят, унинг деворга тикилган кўйи тош қотиб ўтиргани тасаввурида жонланди ва миясида чақ-

моқ чаққандек бўлди.— Э-э, ўша сурат... мен эътибор қилмаган эканман,— ҳаяжонланиб Лорелея ўрнидан туриб кетди, наҳот унда сирли бир ечим яширин бўлсаъ Йўғ-э. Унда Георгийни мунча ўйга толдирган нима ўзи?— Шуни билишни истарди у. Шу пайтга довор деворда осиглиқ турган, неча бор ўзининг ҳам кўзи тушган, лекин парво қилмаган қандайдир сурат бирдан фавқулодда сирли тилсимга айланган эди. Бу унинг ақлини шоширди, апир-шапир халатини олиб эгнига илди-да, залга чиқиб борди. Ўгирилиб, суратга синчидек қадалиб қаради. Ва кўрдик, Пикассонинг «Герника»си. Канвейлер, қиёфасида испан фашизми акс этган деган бесўнақай отга, халқнинг тимсоли — ярашиқсиз ҳўкизга, сўнг Исо алайҳиссаломга бир-бир назар солди. Умидни парчинловчи тасвир...

Мунинг нимасига бунча термилди у?— Лорелея ҳафсаласи пир бўлиб эрига юзланди. Георгий шахмат тахтаси узра мук тушиб ҳамон ўй ўйлар эди, ниҳоят, у хиёл ўмганини кўтарди, чимирилган кўйи киртайган кўзларини яна суратга тикди, ўйчан юзларида севинч шарпасими, ўзидан қониқишми, ҳар қалай, шунга ўхшаш бир ифода акс этди. Лорелея сергак тортиб бошини кўтарди, устидан биров муздай сув қуйиб юборган каби сесканиб кетди у.— Ё раббидий!— Беихтиёр ёка ушлади. Боя ўзи кўрган «Герника» ўрнида — лопиллаб сўнаётган шағам, сўнг дафъа бодраган аланга ортида — Исо алайҳиссалом, у майин жилмайганча тикилиб турар, нур чамбари эса майин жилваланар эди. Лорелеянинг оёқ учига довор қалтироқ югурди. Кўзларини у хиёл олиб қочди.— Наҳотки!.. Ё менга шундай туюлди?— Тағин янги эътиб суратга қаради. Ўша — бесўнақай от, ўша — ярашиқсиз ҳўкиз! «Герника».— Менга нима бўлди ўзи? Ё тавба.— Лорелея суратдан кўзини узиб, тахтадаги вазиятга назар солди. Сурат билан эрининг ҳаракатларида ҳеч бир мантқий боғланиш кўрмади у.

Георгий қора шоҳга таҳдид қилаётган филни ҳам қурбон қилди, сўнг фил турган катакка ҳарифи шоҳини суриб қўйди.

Лорелея, ҳайронман, деган каби лабини буриб кифтини учирди,— эсини еб қўйганми бу? Биргина аспирит! Нима қила оларди энди! Тождорники-чи? Уч гиёда, фил, рух... Мосуво бўлдинг, Георгий!— Шунда аллаким девор тарафдан ўзига тикилиб тургандек, устидан кулаётгандек бўлиб туюлди унга, сачраб шу-

ёққа қаради ва майин жилмайганча малиҳона назар солиб турган Исо алайҳиссаломга кўзи тушди ва бирдан фикрлари остин-устун бўлиб кетди.— Боя... Пикассонинг «Герника»си... ё худо! Наҳотки...— Кўрган-боққанларига ишонгиси келмай, аввал Георгийга, сўнг яна суратга кўз ташлади.— Ё тавба!— Исо алайҳиссаломнинг қаншарига тикилиб турганича у кеча кечқурун ҳам шунга кўзи тушганлигини, сурат кеча ҳам айнан шу алпозда бўлганлигини эслади, демак, боя у чалғиган, эҳтимол, бу галлюцинациядир, азбаройи чарчоқ дастидан яхши кўрган асари кўзига кўрингандир?!— Ҳозир бунинг аҳамияти йўқ,— деб ўйлади у атай ўзини чалғитиб.— Ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Лекин кишини ҳайрон қолдирадиган нарса-ку. Суратнинг бирон сири бормикин ё? Георгий шуни англаб турибдимикан? Наҳот ҳеч ким билмаган нарсани у билса? Наҳот у мўъжиза кўрсатса?!— Георгийнинг ғайриоддий юриши, Исо алайҳиссаломнинг маъноли жилмайиши, суратда гирдибалоларнинг кўзга чалиниши — ба-ри-барчасида ақл бовар қилмайдиган қудратнинг сирли ҳаракати яшириндек эди гўё, бу ҳаракат шаккоклик қилаётгани учун Лорелеяни жазолашга — эзиб, уни ерга тиқиб юборишга қаратилгандек эди. Кеча кечаси таъқиб этган устивор назар баногоҳ кўнглидан кечдию қўрқинч балойи жон юраги орқага тортиб кетди.— Наҳотки?..

Георгий, ниҳоят, аспини айланма йўлдан олиб келиб қора катакка қўйди. Аспнинг зуғумидан қочиб, қора шоҳ ўзини четга олди, оқ шоҳ ҳам унга бақамти — охирги катакка сурилди. Кейинги сафар шоҳ билан изма-из келаётган қора сипоҳ унинг ҳимоясига ошиқди — бошқа ҳеч бир илож йўқлигини Лорелея кечроқ англади.— шу тариқа қора шоҳ қочиши мумкин бўлган бирдан-бир йўлда ҳам тўсиқ пайдо бўлди. Кейин...

...Лорелея беҳол кўз очди ва кўрдики, сертук қўллар олдинга чўзилаётир. Беихтиёр у чинқириб юборди. Георгий — экранда — бамайлихотир, бутун гавдаси билан энгашди-да, аспини яна тўдага солди, бу гал у шоҳига бақамти — оқ катакка келиб жойлашди. Тождор, афтидан, қочираман деган илинжда шоҳини қўлига олди, олди-ю, уни қайси катакка қўярини билмай музтар туриб қолди. Бир йўлини ўзининг руҳи тўсиб қўйган, ортда эса пиёдаси, биқинда — фили... Нариги тарафга, чекинай деса оқ шоҳ...

...Мот!

Лорелея босинқираётган ва тушида жарга тойиб кетаётган каби сесканиб тисланди ва беихтиёр, ҳам юзларини яширди, ҳам кўзларини чирт юмиб олди. Назарида, оламини тутиб турган қандайдир устун синди, ҳаммаси кунпаякун бўлиб кетди ва кўкка сачраган зарралар қайта унинг кифтидан босдию зил-замбил бу юк ичидаги бир нимани эзиб юборди...— Ҳали шу сатрларни ёзиб бўлмайтириб, хона ичи кўкиш шуълага тўлиб кетди. Беихтиёр бошимни кўтариб деразадан зимистон қатърига тикилдим. Қорамтир булутлар фалакни қоплаб олган, гоҳо улар чок-чокидан сўкилар, шунда ўрикнинг қуриган шохларини эслатиб олов таралар, қасирлаш зарби дераза ойнасини зириллатиб юборар эди. Менга туюлдики, қасирғалар аллақандай унларни ҳам олиб учаётир. Бир лаҳза тош котиб қулоқ тутдим, фаҳмимча, аллаким муттасил таъкидлар эди: — Шунда у ўзгарди!

— Шунда у ўзгарди! — Мен бу овозни аниқ эшитдим, у жуда бўғик, жон бераётган бечораникидек шикаста, сўник эди. — Ким бўлди бу? — Шунда арвоқлар ва жинлар ҳақида неки билсам, неки эшитган бўлсам, бирдан бари ёдимга тушди. — Наҳот Георгий ундан норози? Наҳот у хун сўраган Дания қиролининг арвоҳи каби ҳамон изғиб юрибди?! — Юрагим увишиб кетди. Туи қабристондек сокин, зулумот даҳшати оғир эди. Баногоҳ, макрли сулувлар кўп балоларни кўриб, ахийри алвастига айланади, деган фикр келди хаёлимга. — Лорелеямикин? — Шу чоғ бояги овоз янада таҳдид солиб ёпирилди. — Ёз: шунда у ўзгарди. Алам ва ҳақирлик бечорани эзиб, ер билан битта қилиб ташлади.

— Шахмат майдонида... инсон фантазияси учун... чексиз имкониятлар...

Қора шоҳ ҳамон — экранда — муаллақ осилиб турар, Лорелея эса ҳамон умид узгиси келмай даҳшатли орзиқиш билан унинг сўнгги саъйи ҳаракатига кўз тикар эди. Ниҳоят, шоҳ қалтирай бошлади, сўнг тарақ этиб ўша — ёзмишида бор бўлган мусибат равоқига қулаб тушди. У тирик жон устига қулаган, босиб қолгани типирчилаётган каби бир неча бор оғир чайқалди, сўнг тақдирига тан берди гўё, оғир ғамга ботиб тек туриб қолди.

— ...Инсон заковати... мисли кўрилмаган... геннал комбинация!

Сокин портлаган олқишлар ғовури хонани тутиб кетди. Лорелея — экранда — ўзини қўярга жой топпмай янги тождор сари талпинаётган тўдани, Георгийнинг оёғи остига келиб тушаётган алвон чечакларни аниқ кўрди.

— Субутсизлар! Соткинлар! Қачон буларда тайин бўлдики, энди бўлсин? Уч йил бурун анави бахтиқаронинг этагини ўпган, уни кўкларга кўтарган ҳам шулар эди-ку, ахир. Бугун эса ерга уриб топташмоқда, хор қилишмоқда, хор. Э, худо, қачон бу ғариблар қўли устунга мутеликдан халос бўлади, қачон? — Ўтибордан қолган тождорнинг бир четда мунғайиб туришию Георгий ҳатто писанд қилмаётган, пойида тўшалиб ётган чиннигуллар — Лорелея шу гулни жонидан ортиқ кўрар эди — шикаста дилида бир дунё армон қўзғади. Шу чоғ аллакми билиб-билмай чиннигулни, гулни эмас гўё Лорелеянинг юрагини эзгилаганча камера сари интилди, сўнг экранда юзларида ҳаяжон тепчиган Ашраф Алиев намоён бўлди, Георгий эмас, балки ўзи оламни остин-устун қилиб юборган каби у шоён бир мамнуният билан шуни айтдики, ушбу дамда ялпи инсоният янги даҳосини олқишшлаётир. Ва яна шуни ҳам қайд этиш керакки, Георгий Расулович жаҳондаги навжувон тождор. Навқирон чемпионнинг истиқболи порлоқ. Ўғлидаги фавқулодда истеъдодни эрта пайқаган Ориф Расулов олти ёшидаёқ уни Москвадаги махсус мактабга етаклаб боради...

Мендаги иқтидорни ҳеч ким пайқамаган, ҳеч ким менга йўл кўрсатмаган! Менинг шайнимга ҳеч қачон шундай гаплар айтилмайди ҳам! — Лорелея ҳаётда янглиш йўлга кириб, умрини елга совуриб бўлгандек ҳис этди ўзини. Кўзи етгани шу эдики, бу ҳаётни қайта бошлаш энди сира мумкин эмас, ҳар қалай, кеч, зеро, ҳавас қилгулик ёшдаям эмасди у. — Тугади, соб бўлди ҳаммаси! Вақтида ҳимо беришса мўъжиза кўрсатишим мумкин эди-ку Георгийга ўхшаб. «Гениал комбинация» эмиш. Боягина мана шу Ашраф Алиевнинг ўзи нималар деб валдирамади! Энди, шунақа эканда бу ҳаёт...

Икки ойча мукаддам кўмитанинг фавқулодда кенгаши чақирилган, тўшакда михланиб ётган Султон Мирзо гарчи унда иштирок этишдан бош тортса-да,

муовинлари келиб, уни ҳоли-жонига қўйишмаган, қатнашмасликка ҳаққингиз йўқ, бевосита сизга дахлдор масала, деб кўз очиришмаган. Аскарча кийинган ўша уч сипоҳ зўрға оёққа турган Султон Мирзони олдилагига солиб олиб чиқишган. Фойтунга ўтиратуриб, Султон Мирзо ўгирилиб қизига қараган, кўзлари шунчалар жовдираганки, бугун отасининг бошига муқаррар фалокат тушишини Лорелея ҳис этган, назарида, ҳозир уни шаҳардан олиб чиқишади ва жаҳаннам вайронасига юзма-юз қўйиб, шотирлар ўн қадам чекинишади, сўнг Шотир Бек шафкатсиз йўсинда ҳукм ўқийди:

— ...Шундай! Шундай! Ўз даврининг онгли аъзоси сифатида репрессиянинг, шунингдек, иккинчи жаҳон урушининг олдини олмаганликда айбланади. Ва халқ номидан олий жазога ҳукм этилади. Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ!

Аскарча кийинган икки сипоҳ бешотарларини ўқталишади ва Султон Мирзонинг чап кураги остини нишонга олишади.

— Ўт очилсин!

Жаҳаннам вайронаси ларзага келади...

Ўшанда мотамсаро кўйнинг хазин унлари қулоғига чалингандек бўлган, юраги зирқираб беихтиёр Лорелея уларга эргашган.

Қўғирчоқ театри зали денгиздай чайқалади. Номдор шотирларнинг қовоқлари солиқ, лашкарбошилар каби улар ваҳм солиб кезинади, шотирбаччалар эса қуюндай изғийди, одамларнинг ўтакасини ёриб жеркийди, жўрттага дағдага қилади.

Юрагини олдириб қўйган Султон Мирзо — бир нажоткор истабми — залдагиларга мўлтирай-мўлтирай президиумга чикиб борди, бўйинларига довур терлаб кетганди у. Ҳали қўмита раиси ўтирмайтуриб Шотир Бек ўрнидан турди. — Ўртоқлар! — деди у. — Қўғирчоқ тоифасига мансуб бўлганларнинг талаб ва истакларини ўрганиш комиссиясига қўмита ходими Шотир Шайтон томонидан шикоят тушган. Ўзларингизга маълум, ҳозир бу тоифага эътибор катта. Шунинг учун масалага жиддий қарашга биз ҳам мажбурмиз. Шотир Шайтон, қўмитада ортиқ ишлай олмайман, деб ёзибди ўз шикоятида, сабаб шуки, раис билан уларнинг орасида кескин зиддият туғилган...

— Ундай бўлгани йўқ шекилли? — деди Султон Мирзо бир нимадан чўчигандек, қисиниб.

— Иэээ,— Шотир Бек, гапни бўлманг, деган каби атай чўзиб томоқ қирди.— Хў-ўш, мен ўйлайманки, бу масалани коллегиял равишда ҳал қилишимиз лозим ва зарур! Ҳар ҳолда, Шотир Шайтон каби истеъдодлар... иээээ, қўмитага керак. Халқнинг умиди, келажаги шулар! Иэээ, биз уларнинг кўкрагидан итара олмаймиз! Хў-ўш, сўз — Шотир Шайтонга. Марҳамат, сиздан эшитайлик, нима бўлган ўзи?

Шотир Шайтон аллақачон минбарга чиқиб олган, сочлари паришон, ўзи жуда ҳам ғариб ва жабрдийда аҳволда эди.— Азизлар! — деди у йигламоқдан бери бўлиб. — Бундай маҳкамачилик шароитида ишлаб бўлмайди, бир иш қилиш уёқда турсин, ҳатто нафас олиб бўлмайди! Қийналиб кетдим, азизлар! Кеча раисга, Мирзаечга кириб, Муҳаммад Расул «Нақл»ини эълон қилайлик, дедим. Йўқ, қулоқлари кар. Манави девор нима, у — нима. Ўв-в, бола, биласанми, уни нима қилганман, нақ манглайдан отиб ташлаганман, ҳм-м, мен ўтирган хонанинг бўсағасиям бу номни эшитмасин, дейди...

— Қачон?! — Султон Мирзо жони бўғзига қадалиб чинқирди.

— Кеча! — деди Шотир Шайтон ўдагайлаб, сўнг вазоҳат билан Султон Мирзога юзланди. — Кеча, эрталаб, нима склерозмисиз?

— Ҳай, ука, инсофинг борми ўзи? Кеча ишга чиқмаган бўлсам, ҳатто қорангни кўрмаган бўлсам?!

— Кеча бўлмаса, олдинги кун! Нима, бундан ҳам тонасизми? Сизда юз борми ўзи? Уялинг!

— Бир ойдан бери кўрпа-тўшак қилиб ётибман-ку, нокас!

— Ним-ма-а?!— Шотир Шайтон ижирганиб афтини буриштирди-да, бирдан авжга миниб ҳужумга ўтди: — Э, сизда юз борми ўзи? Болангиз тенги нарсани сўкасиз, уялинг! Нега ҳақорат қиласиз мени? Нима ҳаққингиз бор? Ҳали судда жавоб берасиз! Мен қўймайман энди, керак бўлса Каттагача борман. Қўймайман!..

— Ҳа, яхши, сал ўзингизни босинг, ука!

— Нега мен ўпкамни босишим керак? Нега ўпка дейсиз?! Ўзингиз халққа қарши бўлсангиз. Зараркунанда бўлсангиз. Хоин. Ноҳалол... Сиз уялинг, Мирзаеч!..

— Ҳэ-э, уялмайди бу! — жеркинди Абду Шотир.

— Уяти бўлса, бекордан бекорга шу жойни банд

эгиб ўтирармиди?!— деди Шотир Қул.— Боши касалдан чиқмайди!

— Бу инсон ўзидан бошқани ўйламайди!— Шотир Шайтон тутаб кетди. Айни мавридида Бароқ хоним ўтирган жойидан луқма ташлади:— Инсон дема-э! Ҳайф...

— Қўлингиз бўлай, хоним, салбий маънода айтим бу гапни!— Ҳалимона бош эгиб изоҳ берди Шотир Шайтон, сўнг пича тин олди-да, яна аввалги важоҳат-да:— Мен бутун кирдикорини очиб ташладим, шахсан юзига айтдим, миқ этолмади. Эй, сиз уялинг. Юз борми сизда, Мирзаеч? Ахир, ишни эвлаёлмасам, ўзим ариза бериб кетаман, деган эдингиз-ку, кетинг-да энди!

— Ҳэ-э, кетмайди бу!— деди Абду Шотир бурни-ни жийриб.— Сил қилади бу ҳали!

— Қўрсига ёпишиб олган,— деди Шотир Қул,— канадай!

— Ҳайдаб юбориш керак!

— Шошманглар-ов, ахир, ўзиям гапирсин!— деди Одам хуноб бўлиб.— Униям эшитайлик, қани, нима деркин?

— Нимасини эшитасан? Шу гап-да.

— Пирни сайлаш керак!

— Султон Мирзонинг ўзи яхши!— деди иккинчи Одам.

— Жим-э!

— Одил Шеровичнинг бошига етди-ку бу!

— Пир — улуғ инсон!

— Яшасин Пир!

— Иээ,— Шотир Бек ўрнидан турди-да, қаламининг кети билан столни чертди, ғовур пича босилгач, гўё норози алпозда:— Ўртоқлар!— деди у димоқдан овоз чиқариб.— Тартиб сақлансин-да ахир, ўртоқлар! Қарвонсарой эмас, бутун бошли қўмитанинг мажлиси-ку бу!.. ...Хўп, хўп!— Шотир Бек, таслиммиз, деган наби кулимсираб қўлларини кўтарди.— Айтганларингиз бўлади... ..Тўғри, давр изн беради сизларга. Истаган кишингизни сайлашингиз мумкин... Пирнинг номзодини? Хўп, майли... Майли дедим-ку, ахир. ...Ҳозир, ҳозир овозга кўямиз!

Худди шу пайт жуда оғир ҳансираш эшитилди, залда ўтирган одамларнинг нафаси ичига тушиб кетди, шотирлар эса устивор хаҳолай бошладди. Қимдир жўрттага кичкирди, қимдир ғовур кўтарди, хуллас, бошбўшидоқлик авжига чиқди.

— Пир!

— Яшасин Пир!

— Ура! Ура! Ура!

Султон Мирзонинг ранги ўчиб, дафъатан юзлари жамирдай кўпчиди, кейин у янада ютоқиб ҳансирадио муштдайгина бўлиб мунғайиб қолди. Айни шу лаҳза панжара гулчин эшикнинг бир табақаси шаҳд билан очилди, аллаким энтикиб юборди:

— Ў-ў, Пир! Пир!

Кўринишидан жуда ёш, сипо ва хушбичим йигит ичкари кирган ҳамоно шотирлар шов-шув кўтаришди, шотирбаччалар гўё ўзларидан кетган бўлиб, оҳ-воҳ чекнишди: — Ў-ў, қадамларига ҳасанот!

— Салламно! Салламно!

— Бахтимизга омон бўлинг, устод!

— Устодни сайлаш керак!

Пири Мафия ҳали президиумга чиқмайтуриб, Шотир Шайтон ирғиб жойидан турди-да, тантанали равишда унинг номзодини раисликка кўрсатди. Кейин Шотир Қул сўз олди ва у айтдики, қисқа фурсат ичида Абду Шотирчалик ташкилотчилик иқтидорини ҳеч ким намоиш эта олмаган. Унингча, энг муносиб номзод — шу, ҳам ёш, ҳам халқпарвар. Абду Шотир эса, олий амалга Шотир Бекдан кўра муносиб арбобни кўрмайман, дўстлар, шунинг учун унинг фойдасига ўз номзодимдан воз кечаман, деди.

— Иээ,— Шотир Бек сўл мийиғида илжайди,— ўзингдан доно, тадбиркор, ўзингдан халқпарвар, фидойи турганда раисликни даъво қилишга журъатинг етмас экан. Шу арбоб, яъни Пири Мафия фойдасига мен ўзимнинг номзодимдан воз кечаман [залнинг шотирлар ишғол этган қисмида қарсак чалинди] ва унга овоз беришларингни сўрайман [қарсаклар]. Мен ишонаман, Пири Мафия халқ бахт-саодати йўлида катта ишлар қилади [яна қарсаклар]. Мен яна шунни айтмоқчиманки, бу ерда кўрсатилган номзодлар тартиб бўйича Пирдан кейин, яъни ҳамиша биринчи ўринда турмоғи шарт [ва яна қарсаклар]. Хўш, қани ўртоқлар...

Ҳеч қутилмаганда Султон Мирзо титраб-қақшаб ўрнидан турди, асабий, бўғиқ овозда: — Комедияни бас қилинг! — деди у. — Мен...

— Ўтир-р! — деди Шотир Шайтон ҳукмфармо тарзда.

— Ўтирмайди бу! — деди Абду Шотир — Уятсиз!

— Э-э, уяти бўлса, амал талашармиди?!— деди Шотир Қул.

Шотирбаччалардан бири Шотир Қулга ўгирилиб ҳиринглади:

— Бунга ким қўйипти амал талашини! Тўнини бичадиган биз-ку!

— Ахир, бу исён-ку!— Султон Мирзо қалтираб кетди.— Хиёнат-ку!

— Йўқ, оқсоқол, бу — тўнтаринш!— Шотир Бек серрайиб кулди.

— Ҳа, яхши, тўнтаринш бўлса тўнтаринш-да!— деди Султон Мирзо алланечук сокин овозда.— Ўртоқлар! Сизнинг иззат-икромингиз ҳам, амалингиз ҳам, ҳимматингиз ҳам зарил эмас менга. Фақат бир шартим бор: сайлашдан бурун бўлғуси раиснинг қиёфасини бир кўрсак! Ахир, у ниқобда-ку!

— Йўғар!— Шотир Шайтон ўрнидан туриб кетди.

— Бузғунчи!— Абду Шотир турасолиб, теварак-атрофидагиларга кутқу солди:— Ҳой, яхшилар, оёққа туринг! Бу имонсизни ҳайдаб чиқаринг! Савобга қоласиз!

— Тошбўрон қилинг, халойиқ!— вағир кўтарди Шотир Қул.

— Тинчланинг, тинчланинг!— Шотир Бек яна столни чертди.— Биз бугун расман сайлов ўтказишга...

Шу чоғ гашга тегувчи гаюр қаҳқаҳа зални тутиб кетди.

— Ҳа-ҳа-ҳа, безовта кўринасиз, Адольф Виссарионович! Кўнглингиз тўқ бўлсин, сиз қаро ерга тикқанлар кайтиб келишмайди, залда ўтирганлар бошқа! Булар сизни танишмайди, ҳали совунингизга кир ювишганича йўқ. Шунинг учун ҳеч тортинмай ниқобингизни олиб қўяверинг!— Боягина титраб-қақшаб, гезариб ўтирган Султон Мирзо энди бемалол, қаддини орқага ташлаб қаҳқаҳа урар эди, кейин у Пири Мафияга ишора қилиб:— Маскада-ку бу мунофиқ!— деди.— Ҳэ-ҳэ-хэ, Иосиф Виссарионовичмисиз? Йў-ўқ, Берия? Ежов? Ҳитлер? Ҳи-ҳи-ҳи, Адольф Виссарионович, ҳа-ҳа, шахсан ўзлари!

— Мирзаеч!— Пири Мафиянинг кўрғошиндай сачраган овози ҳаммаёқни куйдириб юборди.

Султон Мирзо бирдан ҳушёр тортди, қалт-қалт титраганча сахн четига борди-да, пилдираб пастга туша бошлади:— Йўқ, йўқ! Бундай ҳужжатга мен қўл қўёлмайман, Адольф Виссарионович!..— Унинг кўзла-

ридан жовуллаб ёш қуйилди.— Худо хайрингизни берсин, Адольф Виссарионович! Шафқат қилинг! Муҳаммад Расул яхши одам. Сизни назарга илмай чакки қилипти, тентак-да у, лекин сиз кенг бўлинг, унга ёмонлик соғинманг, Адольф Виссарионович!..— Қўш табақали панжара гулчин эшикка етгач, қайрилиб у ортига қаради ва шаҳодат бармогини президиумга нуқиб:— Бу — Адольф Виссарионович! — деди.— Мартаба муборак, Адольф Виссарионович! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа...

Султон Мирзониинг телбаваш қаҳқаҳаси чилчироққа тегиб, аксу садо таратди...

Саҳнга чиқиб келаётганлар — экранда — Георгийни қучишар, юзларидан ўпишар, қутлашар, талотўп тожнинг кечаги соҳибига, назардан қолган шўрлик йигитга на қайрилиб қарашар, на кўнгли учун бир оғиз илиқ гап айтишар, билъакс, тўпориларча уни четга итқитиб ташлашаётган эди.— Э, бечора-э! Ғарибсан-да, ғариб. Энди ақлинг етгандир — ҳаётнинг юҳо-эканлигига! Мағзингни чақиб, писта пўчогидай ўзингни туфлаб ташлашдими! Ҳ-ҳа-ҳа!— Лорелея телбаваш кулди. Ўзни қўярга жой тополмасди у.— Ҳа-а, бу Георгий, Георгий! Бало бу! Шу ёшга кириб бунақа устаси фарангни кўрмаганман!— У синиқ илжайди. Ўзи билган, шу пайтга довури бақамти яшаб келган Георгийнинг кўз юмиб очгунча қўл етмас даражада юксакка чиқиб кетганлиги, табиийки, аламини кўзгади, ҳеч маҳал ўзи шундай бўла олмаслиги юрагини вайрон қилди.— Наҳотки, ахир нотагон бир одам...— Алланечук нохуш ғала-ғовур асабларини чийириб юборди, сил бўлиб тўшакда михланиб ётган кўҳна касал каби хушламай теваракка аланглади: шовқин таралаётган нуқтани излаб топгач, ўлганининг кунидан ўрнидан турди-да, бориб телевизорни ўчирди, шунда кўзи тиниб чагилиб кетишига оз қолди, тинкаси қуриб деворга суянди у. Экран липиллаб, сўнгги лаҳзаларда унда намоён бўлган Ашраф Алиевнинг ювиксиз башараси, сочилиб ётган чиннигуллар, тождорга кийдирилаётган лавр гултожи, ва ниҳоят, мийиғида жилмайганча талотўпга тикилиб турган Георгий унинг ёдида муҳрланиб қолди, кўзларини юмса-да, ҳаёлидан шу нари кетмади, ҳаяжон тепчиган олқиш ва қийқирик, ғовурниям босиб кетаётган Ашраф Алиевнинг шоён овози ҳамон асабларини кемирад эди гўё.

Унинг паришон нигоҳи хона бўйлаб тимирскиланди, кейин у дераза ошиб гиштин супага кўчди, ҳовли сокин ва кимсасиз эди, лекин Лорелея шуни пайқаддики, мана шу ўлик деворлар ҳам, анави солланган чечаклар ҳам ҳадемай жунбушга келади, ҳозирча портлаб кетиши мумкин бўлган қувончни сийналарида хоинона яшириб туришибди, ҳадемай анави йўлак ҳам одамга лиқ тўлади, улар садр туша-туша жунуни қўйган қаландарлар каби қайнаб-тошади, яшил тўсиқни, ҳатто чиннигулларни ҳам босиб-янчиб, оёқ остида пайҳон килишади, қийқириб оламни бузишади ҳали. Георгийни бошларига кўтаришади. Эртага дунёси босиб кетади унинг суратлари...

У кун келган ва ҳамон телевизор устида ётган ҳафталик газетгага кўзи тушдию бир тиг юрагига қадалгандай оғриқ туйди у.— Шу ердаям менга тинчлик беришмади-я! Кимга зарил экан шу? Қайси ичиқора жўнатди экан? Атай...— деб ўйлади Лорелея инграганча, сўнг ёстиқдай пакет юзидаги босма ёзувларга кўз кирини солди: «...Шахсан Георгий Расуловичга.

Тошкент. Маҳаммад Расулнинг жонфидо дўстларидан».— Пири Мафиянинг иши бу!— Лорелеянинг баттар алами келди, ҳатто отаси бас келолмаган куфроний бу тўда, ҳўққабоз бу кас олдида ўзининг ҳам ожиз эканлиги эзиб кўборди уни.— Одамзод шунчаям пасткаш бўладими, а? Юзага чиқай деб ҳеч балодан кайтишмайди-я!— Қани эди қўлидан келсаю Пири Мафияни ҳам, унинг шотирларини ҳам битдай эзиб ташласа. Бунинг сира иложи йўқ эди. Қанчадан-қанча одам мана шу азият туфайли ҳоли забун, бу номард хилқатда қон ютиб ўтишини англаб етди у.— Эй, яратган эгам, қандай дунё бўлди ўзи бу!

Георгий Расулович номига жўнатилган ҳафталикда «Аллома Муҳаммад Расул нақли» чоп этилган. Шотир Бек ёзишича, ноёб бу асар йиллар бадалида маърифатли инсон томонидан тўтиёдек асраб келинган, Султон Мирзо кабилар вақтида ҳатто «Нақл» қўлёзмаси билан таниш бўлганларнинг бошида ёнғоқ чақишган. Неча одамларнинг ёстиғини қуритган. Аммо ўша маърифатпарвар, гарчи умрини тикиб бўлса-да, катли ом йиллари «Нақл»ни сақлаган. Бугун унинг солиҳ жонфидолиги туфайли асар қайта бошдан халқ мулкига айланди, «Нақл»ни ярим аср асраб, айни кунда нашрга тайёрлаган Пири Мафияга, Шотир Бекнинг ўйлашича, халқнинг эҳтироми чексиз...

1. Мен, Муҳаммад Расул, нақл этмоққа бурчлиманки, жаҳолат тутуни офтоб юзини тўсиб, оламни зулумот қоплагач, жабрдийдалар оҳу зори фалакка ўрлади. Мен, Муҳаммад Расул узлатга чекиндим ва худованду каримдан одил салтанат ва мурувват тиламоқдин ўзгани ихтиёр этмадим. Алоҳал, арзу нолам ул мартабали даргоҳга етиб, валлоҳи азлам шомдан тонгга ўтар палласи — уйқу уйғоқ ётган жойим — воқеан зулумот ёришди ва фалак қаъридан ўликка жон ато этгувчи солиҳ бир калом ёғилди: қиёмат-қойим аввалида аҳли муслим юзидин шарм, дилидин ишонч са диёнат кетгусидир. Баҳри муҳит ўрнида увлаган саҳро ва заққум дарахти бино бўлур. Волидаи муҳтарама ўз фарзандидин, бандаи мўмин ўз яратганидин юз ўгирур. Хазиният чўкмиш етти иқлим яъжуж ва маъжужлар ва Дажжол истилосида қолмиш, азим азоб чеккан мазлумнинг ҳамду ноласи фалакни тутгай. Имдод тилагай у. Шунда ўзи бино этганининг дарду оҳидин Падар нусратли ўғлон бино этур, мусоҳибим, мадҳи улёнинг бино бўлмоқдин азал вазифаси — саодатманд кўнгилларга саҳоват дарахтини экмак, афиф сифатларни қайта бошдан тирилтирмакдир.

Айтадиларки, жоҳиллик жаҳолат туғдиргай, эзгулик — карам. Ва яна айтадиларки, яхшилик яхшиликдин бино бўлгай...

Бугунги газеталар устида яна бир ҳаворанг пакет қаппайиб турар эди. — Ё тавба, қачон кела қолди бу? — Ҳали остонада фаррош кампирнинг ҳозир бўлгани, бир нима деб минғирлагани Лорелеянинг хаёлидан кечди. — Уша қолдирдими ё? Ишқилиб... — Ички бир қўрқинч билан у хиёл қаддини ростлади: юраги ҳаприқиб, бсрди-да, конвертни қўлига олди. «Шахсан Георгий Расуловичга.

Тошкент. Муҳаммад Расулнинг жонфидо дўстларидан».

Тирноғининг уч-учидаги ваража аста-секин Лорелеянинг аъзойи-баданига ёйилди ва ҳовур каби кўтарила бориб кўнглини озурда этди. Кўзлари тиниб, чап қабоғи ўча бошлади. Қийноқ ичра: — Тағин нима бало бўлди экан? — деб ўйлади. Шунини билиш рағбати ту-

файлигина у пакетни очишга тутинди.— Яна газетами?— Бирдан Лорелеянинг силласи қуриди, сабру тоқати адо бўлиб, жонидан тўйиб кетганлиги ўзига ам аёнлашди.— Ҳаммаси остин-устун бўлиб кетдими дейман?— Ҳафталик кўзига балодай бехосият кўринди. Уни бир четга улоқтиргиси келди, ихтиёрсиз равишда аввал биринчи, кейин ички бетларга кўз югуртди.— Хайрият!— Ҳеч гап йўқ эди, апир-шапир тўртинчи саҳифага назар солди.— Пири Мафия билан суҳбат?— Унинг манглайи тиришди. Сарлавҳа остидаги куйидаги ёзувга нигоҳи тушди: «Худованди каримдан одил салтанат... тиладим деган калом учун халқ душмани дегувчи ғаддорлар замони ўтди...» Ва ўша машғум хатнинг кўчирма сурати: «...Комиссариатига!..»

Хона димиқиб, сира ҳаво етишмаётгандек, юраги уришдан тўхтаб қолаётгандек азим азоб туйди у.— Шунча гурбат бир, шу тилхатнинг чиқиши бир бўлди.— У кўзларини юмди, назарида боши айланиб, ҳозир қулаб тушадигандай.— Хонумони куйди. Тамом. Ҳамма айб ўзида. Калтабин, кўрқоқ, ярамас.— Шошиб қолган Султон Мирзонинг ёш боладай довдирашлари, дастлаб истеъфо бераман деб умтилганлари бир-бир хаёлидан кечди.— Ўзидан бошқани ўйламади. Георгий билан орамизни бузгани камдай манглайимга тавқи лаънат илди. Кимсан ўша — замони ўтган одамқушнинг қизи, дейишади энди.— У ингранди.— Бош кўтариб юролмайман. Бу кунимдан ўлганим яхши. Ҳали ўғлимнинг юзига ам солишади, унга ам маломат қилишади, эзиб-топтаб, ер билан битта қилиб ташлашади. Айби нима унинг? Гуноҳим нима эди менинг, эй, раббим! Қаёқдаги луфатларни бошимга солмасанг, ахир? Ётти пуштимизнинг шўри қуриди, кўз очиргани кўймайди булар!— Қўлидаги газетани у нимта-нимта қилиб ирғитди, шунда капалакдай учиб-қўниб бир бўлак оёғи остига келиб тушди. «Қўмита пленуми»? Лорелеянинг тиззалари қалтираб кетди. *«Шу йил 13 апрель куни пойтахтда. қўғирчоқ театрида Улус ҳақида ўйлаш Умумийлоят қўмитаси пленуми бўлиб ўтди. У бугунги яшариш жараёнида қўғирчоқ санъати тутаётган роль ва бу жаҳоннинг ақтуал проблемаларига бағишланди.*

Пленумда улус ижодиётига, халқ талантларига ғамхўрлик қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, маданий меросга янгича қараш проблемаси кун тартибига қўйилди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Улус ҳақида ўйлаш Умумийлоят қўмитасига раис ва правление аъзолари сайланди. Ўз қўл остидаги иш соҳасига раҳбарликни таъминлай олмагани, ўз обрўйини тўкиб қўйгани учун С. Мирзоев қўмита раислигидан озод қилинди. Қўмита раислигига икки кишининг номзоди қўйилди. Сайлов пайтида улус Г. Расуловни ёқлади. У 72 овоз олди ва штирларнинг таклифига биноан фахрий раис, 27 овоз олган П. Мафия эса қўмита раиси этиб сайландилар...»

НАҚЛ

II. Умри узоқ бўлғай, илалабад, ўзгалар умри зийнати ва ғарибу бенаво ҳимоятида кечгай, залолатда қолмиш одамиятни ул ҳидоят сари иқтидо қилгай демишлар ва анинг исмини Георгий оти ила аташни ихтиёр этмишлар...

III. Олти яшаринда ул илму аъмол истаб, ўзгашахрни манзил тутгай. Муҳаррам ойининг бир шоми ғарибонида анинг кулбаи дилини мажҳул ғулу чулғаммиш. Падар мадҳи улё кўнглига солмишки, ҳимоятталаб муҳиби имдод тилаб дарду оҳ чекур. Жонини қўюрга жой топмай ҳасратли кеча субҳигача йўл юрмакни ул ихтиёр этмиш ва чошгоҳ маҳали оёғи тортмиш хилхонага етиб бормиш. Ва кўргай, босиб ўтилмиш гул косасида қатра ёш титрар. Ва кўргай, қавми азим азоб тўюр. Ва кўргай, алар юзига ҳижоб ёпилмиш сабий дафнига ҳозир. Мотамсаро қавмига яқинлашмоқ баробарида яна ул кўргайки, сабий киприкларига-да шабнам киби ёш илинмиш. Унга аён ўлмиш... ва ўнг қўлини азот кўтариб айтмиш, аслан бинони нобано этманг! Ва ул тупроқда ётмиш ҳабибига назар солмиш, нафас урмишки: — Қазойи муаллақ чоғи эртадур, муҳибим, тура кел! Ва, уйқуси учмиш каби сарнигун Кунтуғмиш ётган ўрнидан тура келмиш...

Ашраф Алиевникига ўхшаш чинкиллаган овоз қулоғига чалинди. Лорелея паришон, пича гарангсиб турди, сўнг хаёлини йиғиб олди-да, — ана, келди, — дея муҳокама юрита бошлади, — бир йўлини топиш керак, — жони ҳалқумига тиқилиб, беихтиёр ўзини тошойнага солди, сочларини тўғрилаган бўлди. Боя бекор зални ташлаб чиқибман-да асли. — У пушмон бўлиб, қуйи лабини тишлади, ҳозир муқаррар Георгийга

рўбарў чиқиши, шунда бир оғиз, ҳа, ҳа, жиллакурса, бир оғиз ширин сўз айтиши, хурсандман Георгий, дейиши лозимлиги хаёлидан кечди, маънос тортиб кўзгудаги аксига — ҳазин жовдираётган кўзларга термилди, бирдан ўпкаси тўлиб афсус-надомат билан бош чайқади, — қўлимдан келмайди бу, қурбим етмайди. — Руҳан буткул синганлигини, Георгийнинггина эмас, ҳатто ойисини ҳам шу тобда кўргани кўзи йўклигини ҳис этди у, маҳзун бош эгди. — Сенинг олдингда бурчлиман, Георгий, лекин начора. Бизнинг оила бахтиқаро экан, шекилли. Кечир, кечир мени Георгий! — Шундан кейин дийдаси тамом совуди, бежо, бошини кўтариб дераза оша йўлакни кўздан кечирав экан: — Кетиш керак, — деган қатъий тўхтамга келди. — Ғудранган ким бўлди? Ашраф Алиевми ё?.. — Ҳозир у тўқнаш келиб қолса ўнғайсизлик туғилишини, мулозамат қилиш лозим бўлишини ўйлаб қийналди. Шу пайт унинг хаёлига: — Ахир, мен буларнинг барчасидан юз ўгирияпман-ку! — деган ўй келди. — Кетиш керак! Ашраф Алиев тугул анавининг ўзи чиқмайдими олдимдан! Энди бари бир, энди ҳеч ким қайтара олмайди мени, ҳеч ким!

Йўлак тугул яшил тўсиқ орти — кўча ҳам сокин, ундан нари — қирлар кимсасиз, тоғ этагидагина битта-яримта тошбақасимон машиналар қўнқайиб турар, олам сув босгандай осуда эди. Тағин пича энгашди у ва офтоб нурида найзанинг тигидек ловуллаб ёнаётган чўққи бор бўю баста билан кўриниш берди. Лоре-леянинг безовта кўнглида бир илинж ғимирлагандек бўлди. — Кетиш керак, — деб ўйлади у маҳобатли Абсурддан кўз узмай, хаёлан юрагида туғилган ниятнинг амалга ошган палладаги таъсир доирасини чама-лаб: — Худди атом бомбаси портлагандай бўлади, аввал мана бу уйдаги, кейин шаҳардаги, сўнг оламдаги шодумонлик, асъасая дабдаба бирдан тинади. Георгий шарафига қадаҳ сунаётганларнинг юзлари буришиб кетади, мотамсаро шивир-шивир бошланади: — ...шундай, шундай!

— Наҳотки?!

— Шундай!

— Кўргулик экан-да...

— Шундай. Бандалик энди, Георгий Расулович, Бандалик!

— Мусибат!..

— Шундай...

...Лорелея Султоновна бевақт кетганлиги муносабати билан...

— Нима бўпти ўзи?

— ...шундай, шундай.

Газеталарнинг тўртинчи саҳифасида бериладиган таъзияномани у хаёлан тасаввур қилди: йўғон қора ҳошия, ичида ҳарфлари қоп-қора ёзув: Лорелея Султонова. Кейин одатда шундай сўзлар айтилади: Ўзбек совет тоғ спортни огир жудоликка учради. Бешафқат ўлим орамиздан совет альпинизмининг таниқли намояндаси Лорелея Султоновани олиб кетди...

Унинг ёрқин хотираси дилимизда абадий яшайди. Имзо. Имзо. Имзо. Тепада — сурати. Суратда у худди калака қилаётгандек кулиб турган бўлади — бу дунёдан, шотирлардан, Георгийдан...

Палахса-палахса тоғ ўрқачлари, жаҳаннам ваҳми яширин даралар хийла слисда эди, бироқ деразадан сурат каби кўзга яққол ташланиб турган шу манзарага, худонинг ғазабидек қайнаб тошиб чиққан чўққига тикилар экан, тош қотиб туришга маҳкум хилқатнинг тирик жонга адовати-ю, беомон қаҳрини ҳис этгандек бўлди, назарида, чўққининг атрофини олиб, Азроил қуюндай изғир, қонга, қурбонга илҳақ эди у. Лорелея зада юрагида ғаюр севинч туйди. — Кишт, Георгий! — деди у бурилиб ғаладонга кирар экан, сўнг анжомларини шоша-пиша юктўрвасига жойлай бошлади. — Аввал ҳайрон бўлишади. Ахтаришади. — Қаёқда қолдилар шундай пайтда?! — деб куйиб-пишишади, кейин хабар топишгач... — У саросимага тушган кишилар ангорини яна кўз олдига келтирди.

— Наҳотки?..

— Шундай кунда-я... нима зарил экан хонимга, ахир?!

— Шу чўққига чиқаман деб бугун ўйингайм келмаган эканлар-да?

— Йўқ, зални ташлаб чиқиб кетдилар.

— Наҳотки!.. Ғалати аёл эканлар-ку, а?

— Рост. Мен ўз кўзим билан кўрдим. Жуда асабий эдилар...

— Ажал-да, ажал. Асли қун битган, насиба туганган.

— Тўғри айтасиз. Қун битгандан кейин қийин.

Улгуриш керак. Тезроқ кетиш керак бу ердан. Шунда... — ўзича, Георгийга мурожаат қилди у, — одамлар сени бирдан унутади, Георгий! Унутади! Сен шунга

маҳкумсан. Чунки менинг ҳаракатим сеникидан минг чандон сирли, даҳшатли бўлиб туюлади уларга.

— Нима бўпти ўзи?

— Анави чўққига чиқаман деб...

— Ҳатто Амин Селимович чиқолмаган-ку унга.

— Шуни айтинг! Аёл боши билан!..

Ҳамма мен ҳақимда гапира бошлайди, Георгий! Эрталаб газеталарни опкелишади. Кўрасанки...— Лорелея таъзияномаю суратни хаёл қилди. Назарида, шу сурат қимордаги туз каби Георгийнинг қўлини босиб тушади. Нега шундай қилганлигини биргина эри билади, билади-ю, бироқ тилига чиқара олмайди, ҳатто кейинчалик, шахматшунослар мана шу ўйин ҳақида ёзатуриб, бот-бот уни эслашганида ҳам.— Шундай, Георгий! Сенга ўзимни оёқости қилдириб қўймайман! Сен ўйлаган бечора пиёда эмасман мен! Ўч оламан! Отам ҳаққи, ўзим ҳаққи, ўч оламан! Энди сенинг галинг, чидайсан! Чидамай иложинг йўқ. Бир умр куйиб ўтасан! Шунақа!— Лорелея унинг сочлари оқариб, ҳеч кимга қўшилмай телба бир алпозда юришини хаёл қилди, лекин бу унга ҳузур бағишламади, шундай бўлишига ишонмади,— ҳа, ўзидан бошқани ўйлармиди у,— деди алами келиб, тутакиб,— лекин, бари бир, куяди-ку! Довруғи бўғилгани, жиллақурса, хурсандчилиги татимагани учун куяди-ку! Куяди. Алам қилсин. Келиб-келиб шундай кунда-я... дейди, ёнади-тутайди, ичини илон кемиради. Қани энди уддасидан чиқсаю Лорелеяни қиймалаб ташласа!— Эҳ, дейди, пича олдин билганимда-ку...— дейди. Наилж. Мен эса шу қилганига атай жилмаятуриб... Лорелея ўзининг гўё тобутда, ўлмаган каби гулдай очилиб, жилмайиб ётган ҳолатини кўз олдига келтирди, бош учида — Георгий, мотамсаро алпозда маҳзун туради,— отаси ким эдию бунинг қизи ким бўлсин!— деб ўйлайди. Ҳа, худди шундай бўлади! Шошмай тур ҳали, туғилганингга пушаймон ейсан!— Ғарибудиёр Георгийнинг мусибат чангалида саргайиб сўлиши, Лорелеянинг маййитини опкетаман деб, ҳужжат тўғрилайман деб, ўзини тўрт деворга уриши, охир-оқибат, маънан синиб, адои тамом бўлиши, ҳатто кейинчалик кимгадир бу кунги фавқуллодда ечим хусусида сўзлагиси келган тақдирда ҳам Лорелея ва унинг ўлими ҳақида изоҳ беришга тўғри келиши, юзи кулса-да, ичи куйиб, ахийри қон бўлиб кетиши хаёлидан кечди. Осмон узилиб тушганда ҳам, қасддан Лорелея шундай қилди, дея олмайди. Нозик*

таъб, оксуяк. Ғурури йўл қўймайди бунга. Ҳар қанча зил кетмасин, ичида ҳар қанча ёмон кўрмасин, бари бир, йўқ ердаги ёлғон-яшиқни тўқиб чиқаради: — Тож кийишнинг шарафига шу чўққини забт этай деб, мен... ва ҳоказо. Мунақалар аёли, умуман, ўзининг атрофида нохуш гаплар айланишини ўлақолса исташмайди! Ҳаммаси хаёлий бўлса-да. Начора, ғишт қолипдан кўчди. Шундай қилайинки, тоабад эсидан чиқмасин! Луқма талашаётган шотирбаччалар, ҳатто ўша Пири Маффия ҳам бир сесканиб тушсин! Ифлослар! Суф сенинг сиру синоатингга... — кийиниб жаҳд билан энди даҳлизга чиқаётганида Георгийга рўпара келди, баданида илон ўрмалаган каби жунжикиб кетди у. Кейинчалик, ушбу қиссага маълумот йигатуриб, бирга униб-ўсган психолог дугонасидан эшитдимки, тахминича, аввалига Лорелея режаси бузилишидан қаттиқ чўчиган. Сўнг зали ташлаб чиқиб кетгани ёдига тушган. Бари бир, интиқом туйғуси устун келган. Отасини янчиб ўтган тўда кўзларига Георгий шамойилида кўринган ва ички адоватини ортиқ яширолмаган. Турмуш ўртоғини [у айнан шундай деб айтди — муаллиф] кўрмаганга олиб четлаб ўтиб кетмоқчи бўлган.

Георгий, табиийки, унинг энгил-бошига ажабланиб қараган. — Йўл бўлсин, Лорелея? — деган, хавотир тўла товуши титраб чиққан, албатта. Лорелея ҳайрон бўлган, тўхтаган. Турмуш ўртоғининг қўлидаги гулларни кўришни истамагандек индамай тураверган...

— Йўл бўлсин, Лорелея?

Лорелея, нима ишинг бор, дегандай таадди билан уни ёнлаб ўтди-да, зиналарни бир-бир босиб супага тушди. Шундагина кўча эшик олдидаги қора «Мерседес», унинг теварагидаги хушҳол кишилар салоҳияти унинг шаштини қайтарди, аввал бошда нима қиларини билмай пича шошди у, бўшашган кўйи бир-икки одим босди, кейин, нима бўлса бўлар, деган ўйга борди ва қадамини тезлатди, оломонга юзини тескари буриб кўчага чиқди-да, уймалашиб турганларни четлаб ўтиб тоққа олиб чиқадиган йўлга қайрилди.

Баногоҳ Георгийга, сўнг одамларга тўқнаш келгани, шу кимарсаларни четлаб ўтишга мажбур бўлгани баттар аламини қўзғади, бирон кимсага қорасини кўрсатиш нияти йўқ эди, ҳаммаси ҳам зигирёғдай кўнглига урди. Бироқ манфаатни ҳузурижонидан бўлак

ҳеч вақони ўйламайдиган шумшук оломон шу ерда ҳам унга тинчлик бермади, ҳоли-жонига қўйишмади, шу ерда ҳам уни топташди ва бу — чўмилаётган пайти гала безбет устига ёпирилиб келиб, масхара қилиб кулгандек нохуш таассурот қолдирди унда. Аламзада юрагида чексиз нафрат туйди.— Мен буларнинг хўрда-бурдаси эмасман-ку, ахир. Қачонгача таъқиб этишар экан? Хай, шулар ҳам муродига етсин.— Ҳадемай анави хабар ёйилиб, булар саросимага тушиши ва бақрайиб қолишлари хаёлидан кечди, шунда кўнгли пича таскин топди, бироқ шу заҳоти англадики, талотупнинг саросимаси оний — бир лаҳзалик, нари борса бир кунлик, бир ҳафталик, ҳаёт эса абадий, Лорелеянинг юлдузи учганидан кейин ҳам гўё ҳеч вако бўлмагандек бу тўда яшайверади, кимдир тўй қилади, кимдир кўшиқ айтади, дейлик, бир кун келиб, уларнинг сочлари ҳам оқаради, мункиллаб, асога суяниб қолишади, лекин бу ёруғ оламдан кўнгил узгилари келмайди. Султон Мирзаевич, юрагимга қувват бўлган бойлигим — сен, яна бири — аъмолим, дер эди, аъмолиниям, ўзиниям фасодга қориб ташлашди, шўрликнинг юраги ёрилган чиқар! Хўш, нима бўлди, нима ўзгарди? Ҳеч нима. Уям ўлади, Пири Мафрин ҳам. Кимдир эрта бир кун «қабр»ни очади. Пирни бадном этиб, Султон Мирзони ёқлайди, гўё адолат тантанаси учун курашади. Бу курашнинг замирида ҳам унинг қандайдир манфаати ётади аслида. Шу кунларни кўриш насибамда йўқ экан, лекин аминманки, ўшандаям манави жилға жилдираб оқиб турган бўлади, ўшандаям Георгий каби қайсидир худком оламни ларзага солиш умидида тсжга даъво қилади, ўшандаям,— Лорелея ёнидан балиқдек сузиб ўтаётган машинага армон билан тикилди,— кимдир «Мерседес»да сайр қилади, бироқ...— Лорелея бўлмайди. Қайтиб мана шу йўлдан ҳеч қачон юрмайди у! Юрмайди...— Лорелея яна шуни англади: тириклик шундай тилсимки, ҳеч маҳал у кўнгил узишга имкон бермайди. Аяси, шўрлик аяси... Унинг дийдаси юмшади, бироқ шаҳрига қайтгач, ҳар қадамда дуч келадиган таҳқиромуз назарлар, шотирлар ўйини, кимсан, кўмитанинг фахрий раиси — Герогий Расулович бир-бир хаёлидан ўтдию дарди-дунёси қоронғи бўлиб кетди.— Ўтир!— Бу гап кўнглида қоришиб ётган қанча таъна-маломатнинг бири каби бўлиб туюлди унга.

— Лорелея!— Аллаким бир мушт ургандек, у сач-

раб бошини кўтарди. Рўпарасида «Мерседес»нинг эшигини очиб турган Георгийни кўриб, бирдан кўнгли юмшади, ҳозир эри бағрига олиб:— Қўй, Лорелея, шугина-кудуратингни унут!— дейдигандек, жиллақурса кўнгли учун:— Ҳеч аразчилигинг қолмади-қолмадида. Наҳот мени ўйламасанг?!— дея суюдигандек, бармоқларини тароқ қилиб сочларини силайдигандек туюлди ва ўпкаси тўлиб кетди.

— Георгий?!— деди у ҳайрат билан, кўзларида ёш ҳалқаланиб,— сен?..

— Ўтир!

Ихтиёрсиз равишда у орқа ўриндиққа чиқди ва жойлашиб ўтирар экан, енгилгина хўрсиниб қўйди. Шундан кейингина Лорелея зимдан эрига қаради ва тоққа бирга чиқишган пайтларидаги каби у ҳам қалин кийинганлигини пайқади. Георгийнинг ниятини фаҳмлаб юраги музлаб кетди.— Ҳали буям менга эргашсайди-я? Афтидан, чўққига чиқмоқчи шекилли? Ҳолижонимга бу қўядими-йўқми ўзи?— Отасининг, мундай оёқ узатиб тинчгина ўлай десанг, шунгайм қўймайди булар, деган гапи хаёлидан кечди. Тўхтат, тушиб қоламан, демоқчи бўлди у, лекин шуни айтишга журъати етмади, баттар бўғилди. Георгийнинг салоҳияти кўз илғамас зулм каби уни эзиб турар эди.— Одам эмас бу! Сенми ошга тушадиган пашша, деб атай ўчакишиб қелган соядай илакишиб хит қилмасайди ҳали! Йў-ўқ, бунинг нияти бошқа, билади, ёнимда юрса қийналаман. Мен уриниб-суриниб ётсам-у, бу киши чўққига чиқиб олса — биринчи бўлса, хаммани тонг қолдирса! Бадкирдор. Яна бир қарра эзиб, қаро ер билан битта қилмоқчи. Вой, ёвуз-эй! Шунчаям пасткаш бўладими киши? Вой, иблис-эй! Ҳали сен шошмай тур!— Заҳарханда қилди.— Сен ўйлаганчалиқ анойи эмасдирман, ахир! Шундай қилайинки, тоабад, эсингдан чиқмасин! Тоабад пушаймон бўл, тоабад қон ют, қон йиғла...— Жиллақурса, мана шу кимсадан аламинин олиши мумкин экан. Лорелея шуни ҳис этди, баногоҳ, кузов мангалайидаги кўзгуча орқали ўзига тикилган нигоҳни илғаб қолди у, ҳайдовчининг юввош боқишларида, тан-тиқ, ҳамма қон қақшасаям сен ўз билганингдан қолмас экансан-да, деган маъно яширин эди. Лорелея шуни уқиб, худди биров таҳдид қилаётгандек, эшик томонга пича сурилди ва баттар қунишиб деразага юзини бурди.— Сенга нима?— деди у асаблари қақшаб, сўнг ўркач-ўркач тоғларга кўз юборди.— Қорда қолиб

лукиллаб чопаетган нортуяларга ўхшайди-я,— деди пичирлаб, атай ўзини чалғитиш учун. Пича беридаги олачалпоқ қирлар олдинга силжаётган тошбақага ўхшаб кўринар эди.— Бугинага нима экан?— Гарчи Лорелея муҳокама юритишни сира истамаса-да, бари бир ўзини чўмилаётган, манави ҳайдовчиниям устига ёпирилиб келган нокас ўрнида кўрди. Ва азбаройи бўғилганидан дод деб юбораёзди.— Ё қудратингдан, эгам! Мундай оёқ узатиб бемалол ўлганиям қўймайди шекилли, бу аживалар!— Шу чоғ йўл четида мунғайиб турган қабрга унинг кўзи тушди.— Ўлим барҳақ!— деди у отасининг гапини эслаб,— лекин ҳамма гап она қорнидан ерга тушгач, сўнгги манзилингга қандай етиб келишда. Анави қабрда ётган ким? Бир қаро кунда, шу овлоқ жойда паймонаси тўлишини сира ўйлаб кўрганмикан у? Тирик жондан қолган охирги асар. Ҳали тош ҳам қўйиб улгуришмапти. Нега ғарибнинг ўзини яккамохов қилиб кўмишди экан? Йўқлагувчиларга зор бир бенаво эканми ё? Ва ё отамга ўхшаб бир манглайи қорамикан?— Аянчу изтироб Лорелеянинг жонини қақшатиб юборди. Яқин ўтмишда Султон Мирзога гирдикапалак бўлган, уни осмону фалакка олиб чиққан, эшаклари сувдан ўтгач эса ташлаб юборган, наинки ташлаб юборган, оёқости қилган тўда саъю ҳаракатлари хаёлидан кечди.— Нақадар хиёнаткор, нақадар омонат бу дунё!..

Йўлга чиқишдан бир кун аввал бориб Лорелея отасини кўрган, Султон Мирзо гарчи ҳали амалда бўлса-да, мартаба муборак Адольф Виссарионович, деб зални ташлаб чиққанидан буён хаёли жойида эмас, бир нуқтага тикилганча ётгани-ётган эди. Дори ҳиди кўлансиган хонага кирган заҳоти Лорелеянинг нафаси қайтди. Султон Мирзонинг телбаваш сиёкига кўзи тушиб, келганларига пушаймон бўлди у.

Лорелеяни кўрган Султон Мирзо аввал бошда кўриб кетди, қўли билан юзини тўсиб:— Кет! Кет!— дея чинқирдию ҳўнграб йиғлаб юборди, онаси ўртага тушгач,— ахир, қизингиз — Кунтуғмиш-ку бу,— дегач, бир оз тинчиди, унга ётсираб термилганча узоқ ётди, сўнг бежо кўзларига алланечук мунг чўкди, лаблари асабий титраб киприклари намланди.— Қизим!— деди у умрида илк дафъа меҳри жилва қилиб.— Она қизим! Кунтуғмишим!— У нажот истаган каби титроқ қўлла-

рини чўзиб Лорелеяга талпинди. Ва унинг бармоқларидан тутиб, қаттиқ сиқди.— Сен бошингни баланд кутариб юр, она қизим!

— Ҳаммаси бўлмағур гаплар-а, ада?

— Нима-а?

— Муҳаммад Расул?..

— Молчать!

Султон Мирзо бирдан жазавага тушди. Иргиб ўрнидан турди-да, тикрайиб Лорелеяга қаради.

— Сен нима демоқчисан ўзи?— деди у иягини чўзиб.— Шу тавқи лаънатни ёпиштирмоқчимисан менга! Ўргилдим сенинг макру синоатингдан!— У бориб, хона бурчидаги курсини хиёл орқага сурди ва қадимий ёзув столига ўтирди, хиёл қоматини орқага ташлаб, ясланди-да, вазмин назар солиб:— Бу мартабани биз сўраб олганимиз йўқ!— деди совуқ писанда билан.— Берган ўзлари, оладиган ҳам. Ўн марта ариза кўтариб чиқдим, худо хайрингзни берсин, мени кутқаринг, ана ёшлар бор, талабгор, кучларини синаб кўришсин, дедим, йў-ўқ, Султон Мирзаевич, нима деяпсиз ўзи, бошқа муносиб кадр бўлганида сизни овора қилмас эдик, ишонч билдирилдим, энди ишлайсиз, қўлга олинг, тартиб ўрнатиш, дейишди. Буёқда аҳвол бунақа. Бизнинг жойга кўз тиккан мафия бор, доғули Пир бор. Тинч ётармиди улар? Иғво қилишади, фисқу фасод тарқатишади. Лекин Султон Мирзоям осонликча жон бермайди! Биз сизга суянамиз, синглим, сизларга таянамиз халқимизнинг маэстролари! Ҳаммаси изга тушиб кетади. Хў-ўш, бизга қандай хизмат бор?.. Омон бўлинг, саломатлигингиз керак. Илтимосим шуки, ҳар хил каланг-қасанг тўдаларга қўшилманг! Шу ёшга кириб, гуруҳбозлик қилиб барака топгани билмайман! Шунақа гаплар! Хўп, хайр, бугун жуда оғир кун бўлди, иш кўп, биров уй дейди, биров машина. Ишлайдиган одамнинг ўзи йўқ. Ҳа-ҳа-ҳа. Давр шунақа. Юлиб қолсам, дейди ҳамма. Ничево. Хайр, одамлар кутиб қолишди. Бешта кам ўнда Каттагаям чиқишим керак...— Султон Мирзо ўрнидан туриб, хайрлашгани расман қўл чўзди, шу чоғ нимадир ёдига тушди шекилли,— ҳа, ҳа— деди маънос тортиб, сўнг столни айланиб ўтди-да, қўлларини орқасига қилганча хона бўйлаб вазмин одимлай бошлади.— Сиз Лорелея Султоновнасиз, а?

— ...

— Гап бундай, Лорелея Султоновна! Мен тушуна-

ман, сизларгаям қийин. Қайишишим керак, буниям биламан. Лекин начора, бошбошдоқлик. Каттаю кичик масалани ҳозир умум ҳал қилади. Бундай пайтда шуни унутмангки, фақат гуруҳларгина ютиб чиқади, холос... Уларнинг лидерлари билан ҳисоблашмай кўр-чи, оёғингни осмондан қилиб юборишади. Тўғри, Георгий доно йигит, лекин тўдаси йўқ-да унинг. Қайси лавозимга номзодини қўймай, кўз очиб-юмгунча бадном қип ташлашади. Шунақа, талаш-талаш. Муқаддас нарсанинг ўзи қолмади. Умид қилиб, менга кўз тикиб юрманлар тагин...

— Бизга ҳеч нима керак эмас, ада!

— Молчать! Ҳа-ҳа-ҳа! Нима керак сенга? Адолат тантанасими? Ҳэ-ҳэ-ҳэ! Халқнинг манфаатими! Ҳў-ҳў-ҳў! Сенга ўхшаган оғзи каттанинг қанчасини кўрди-ик. Шотир Бек деганлар, ашуласи авж бўлса-да, ўзи кичик тортиб, келиб оёғимиз остида эмаклаганларини кўрди-ик! Ҳэ-ҳэ-ҳэ!..

Султон Мирзонинг истеҳзоли ўша қаҳ-қаҳаси тагин оламни тутиб кетгандек бўлди. Лорелея кўзларини юмиб, буни унутмоқ истаган каби бошини сарак-сарак қилди.— Ёши бир жойга борганда амал талашиш керакмиди унга?— деб ўйлади.— Мана энди қулоғидан ушлаб мағзавага ботиришди. Ўзи пиширган ош, айлансин ичсин, ўргилсин ичсин... Бахтиқаро Макк. «Мен бахтиқаро Макк бўламан!» Шўрлик барон. Эй, худо, бормисан ўзи? Яратган дунёингнинг боридан йўғи яхши-ку, ахир! Қаёқдаги қаланғи-қасанғиларга қўшилиб, амал талашиб, биров битимни ўлдирай деса, хатто шунга имкон бермай ивирсиб юришдан мурод нима ўзи? Ё тавба, бугун, шу асрда мўминларингнинг ҳоли шуми?— деб ўйлади у заҳарханда билан, сўнг кеча ўқиган Георгийнинг маҳв этилиш тафсилоти хаёлидан кечди.

НАҚЛ

IX. ...Нусратли Георгий шул йўсинда каромат кўрсатмишки, қавми эътимод ила изидин ҳамд айтмиш. Илло ноинтибоҳ мушрик анинг ишоратидаги лозим ва лобид нажот йўлидан тойрилмиш, иддао қилмиш, нусрат ва акбарлик даъвосида яратганнинг карамини истифода этмиш.

Георгий мазохир кўк сори юзланиб, истидъо қилмишки, Сен азалсан, суюб яратган ўзинг, ҳукми ҳозиқ

ўзингсан, агарчи ғофил мункир келса, кўрсатмиш йў-
лингни нораво билса, проданг не эрур?

Ва У айтмиш: аларни-да кечир ва сен аларга-да
ҳимматда бўл!

Ва, мадҳи улё аларга карам қилмиш...

Орадан йиллар ўтиб, мусибат куни ҳақидаги ушбу
қиссага маълумот йиғатуриб, Лорелеянинг психолог
дугонасидан эшитдимки, тахминича, ўша лаҳза Султон
Мирзо қисматидан у ёзгирган. Унга юраги ачишган.
Лекин Муҳаммад Расул нақл этган масиҳни у зинҳор-
базинҳор Георгийга нисбатлаб кўрмаган. Кейин у му-
қаррар, онасини ёд этган.

Аям нима қилаётган экан ҳозир? Эрта-индин қи-
зим билан куёвим кепқолади деб куйманиб ётган чи-
кар-да?— Тинчлигини бузиб, ўй ўйлашга халал бера-
ётган ғайришуурий таъсирни сездим у, хиёл сергак тор-
тиб бошини кўтарди ва машина эшигини очиб турган
Георгийни кўриб, чимирилди, сўнг атрофга аланглаб
англадики, манзилга етиб келишибди. «Мерседес»дан
тушатуриб,— Георгийдан, сен қайтасанми, деб сўраш
керак эди,— деган ўйга борди,— балки у қайтар? Шун-
дай қилгани маъқулдир?.. Нега аям уни жонидан ор-
тиқ кўради, а? Қизиқ, куёви бўлса бўпти-да, ахир, ба-
ри бир бегона-ку. Бунинг нимасини мунча ёқтирар
экан? Ҳарқалай, ўғил кўрмаган, эҳтимол, шунгадир.
Э-э, бу Георгий, Георгий!— У эрининг чайир билакла-
рига назар солди.— Ёнимда юрганиям дурустга ўхшай-
ди, деб ўйлади кейин.— Энди менга зиёни тегмайди,
адашмасам, чўққига чиқмоқчи у. Шунгаям човлингни
тиқ-э! Ҳа, майли. Менга деса, осмонга устун бўлмай-
дими?! Ойим бунинг нимасини мунча суяр экан, а?
Тавба. Осма кажавада қаёққа элтмоқчи у? Тентираб
юрмайлик деб шундай қилдимикан ё? Зоҳири ўткир,
бало бу Георгий, бало. Лекин ошикиб нима, қачон бўл-
масин, бари бир, етиб борадиган манзил-ку. Ҳаёт фо-
жиадан иборат, унинг ҳамма кўчалари бир жойга олиб
боради. Хемингуэй шу гапни жуда топиб айтган-да.
Эҳтимол, шу сатрларни ёзаётган пайти билиб-билмай
ўзини ўлимга чоғлагандир?! Аям шунчалар яхши
кўришимни билармикан? Шўрлик бирдан чўкиб қол-
са керак, а? Менинг куюгимда... Ҳаёт шу-да ўзи, ҳеч
кимгаям мурувват қилмайди. Унинг ҳамма кўчалари
бир жойга олиб боради. Георгий шу тобда нималарни

ўйлаётган экан? Бахтиёрмикан у? Ахир, боягина чемпион бўлди-ку. Уйдагилар ҳали бу янгиликдан беҳабар чиқар? Худо билсин, Тошкентда энди тонг отяпти,— Лорелея, соат неча бўлди экан, деган ўйда енгини ҳимараётиб, чап билаги сиқувдан холли эканлигини пайқади.— Э-э, қургур қолиб кетибди-ку. Кеча оқшом ечиб олиб телевизор устига қўйган эдим-а. Ҳа, майли, Георгий ҳали қайтиб боргач, уни кўради, шунда тўйимиз ёдига тушади, никоҳ оқшоми ўзи тақиб қўйган эди, эслаб дили вайрон бўлади. Шунақа. Уйдаги ҳар бир жиҳоз ҳам мени эслатиб туради унга. Ўртанади. Куяди... Аям ҳали ухлаб ётгандир? Қаёқда! Бу кеча қудандалар киприк қоқмаган, ҳозир дастурхон атрсфида ўтириб, тождорнинг шарафига қадаҳ чўқиштиряпти. Йўқ, йўқ отам бир аҳволда... Анави гап-сўзлар... Хурсандчилик татирмиди? Бизникилар уйда кўмилиб ўтиришган, буникилар...— Лорелея аллаким ўмизидан олиб ҳимо берганлигини пайқади, нима гап ўзи, деган каби гарангсиб эрига қаради.

— Тушамиз.

— Тушамиз?— Қалин қорга оёқ босди у, сўнг шундоқ манглайида юксалиб турган маҳобатли чўққига кўз қирини ташлади.— Шунга чиқиш керакми энди, а?— деди у масхараомуз алпозда.— Мунча важоҳати хунук бўлмаса унинг?— Чўққи муз қотган аждаҳо каби даҳшат солиб турар, кунботиш тарафга қулаётгандай туюлар эди. Лорелея кўзларини чирт юмди, қайта очгач, тагин кўрдик, шундай. Ҳайрон бўлди у. Қоя учи узлуксиз шу ёнга оғиб борар, сермалган қилич каби у булутларни кесиб тушар эди гўё.— Эй, худойим-эй, бу кўргулигинг нимаси энди! Амин Селимовичнинг бежиз боши айланмаган, бежиз учиб тушмаган экан-да у, яратганинг ғазаби-ку бу!

— Ҳа, топдинг, худонинг ғазаби бу. Амин Селимович ҳу анови қоядан кулаб тушган эди...

Лорелея сесканиб кетди, у ялт этиб овоз келган тарафга қаради. Георгий хазин жилмайганча ўша қояга ишора қилиб турар эди. Сирини олдирган каби Лорелея ожиз қолди ва эрининг иродасига итоатан чўққи томон юз бурди. Амин Селимович қулаб тушган ўша қоядан пича юксакда яна бири шамширдек туртиб чиққан, у янада сирли ва маҳобатли эди.— Шуниси маъқул,— дея кўнглига тугди у.— Селимовичдан, жилла қурса, бир қадам илгарилабди, деб юришади!

— Йўқ, сен анча илгарилайсан!

Лорелея ажабланиб Георгийга юзланди. Хиёл чимирилганча пича қараб турди-да, сўнг: — Сен қайтасанми? — деб сўради атай, хуш кўрмаганлигини сездириб, Георгий гапини ерда қолдиргач, ғаши келди, тагин: — Сен... қайтасанми? — деди хиёл зарда аралаш. Лекин ичида: — Бари бир эмасми, менга деса бориб Канченжангига чиқмайдими энди, — деб қўйди ва зимдан унга қаради. Кўрдик, кеча кечқурун не алпозда бўлса, ҳозир ҳам шу кўйда — юзидан қон қочиб, кўзининг остию лаблари кўкарган. — Бир балога чалинди бу, — беихтиёр девордаги сурат ёдига тушди, Лорелея шунча вақт уйда ўтириб, мундай бир қизиқмапти ҳам. Ахир, олиб астар-аврасини титиб ташласа бўлар эди-ку. Шуниси алам қилди унга. Бироқ ҳар қанча ўкинмасин, ўкинган бўлиб ўзини чалғитишга уринмасин, бари бир, қандайдир кўрқинч юрагини ҳаприқтириб турганлигини, бундан қочиб қутулиб бўлмаслигини англади, бир лаҳза иккиланиб тургач: — Нима бўлса бўлар, — деди-да, кунчиқарга юзланди ва филнинг қуймичидай дўппайиб ётган бел бўйлаб чўққи сари юра бошлади. — Ўзингизда омонат қўйилган нарсани эгасига топширинг, сизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг! — Шу тиловат Лорелеянинг дил уйини ёритди. Фаҳмича, хиром этик кийган аллаким таъқиб этиб гўё изма-из келар эди. Шунда Георгийнинг ўзини бир фалокатга чоғлаган кишиникига монанд бояги ангори унинг кўз олдига келди. — Наҳотки у? Тагин?.. — Лорелея тўхтаб, ортига ўгирилди, бироқ эрининг юзига қарашга ҳадди бўлмади.

— Сен қолақол, Георгий! — деди у астойдил, шу боис овози титраб чиқди, бир хил бўлиб кетди у, ҳозир эри, қайтамиз, деб қолса агар, кўнмоқдан ўзга иложи йўқ эди. Лекин Георгий ундай демади, гарчи товуши меҳрга йўғрилиб, ҳирқираб чиқса-да, иродаси бошқача бўлди: — Қани энди тез-тез юр, Лорелея! — Георгийнинг товушидаги ўксик оҳанг дилида шундай бир аянч туғдирдики, ўзини чоғлаган фалокат муқаррар юз беришига ортиқ шубҳаси қолмади, айти пайтда ҳадиқ ва хавотир туйди, афтидан, олдинда нима бало кутаётганлигини Георгий ҳам билар, ҳалокат Лорелея англаганидан кўра кўрқинчли ва оғир бўлгудай эди. Унинг тиззалари қалтираб кетди. Бурунги қатъияти буткул адо бўлиб, йўлида давом этар экан, — наҳот, — деб ўйлади, — наҳотки унгаям қийин бўлса? Қўй шу ғурбатни Георгий, кечир мени, десаммикан? Шундай

десам, тилим кирқилмас, ахир? Наҳотки шу арзимаган гина-кудуратни деб... мен-ку, ҳай, аёлман, лекин у-чи? У эркак-ку, ахир. Ҳой, бас қил, қайт энди, йиғиштир шу тентакликни, деса-чи...— Шу чоғ тобора яқин келаётган вертолёт гувирию қушлар сайроғига монанд наво таралди ва у ногоранинг шиддатли садоларига эш бўлиб тушди. Куй аста-секин сокинлашди, сўнг хонанданинг масрур хониши уни босиб кетди: «Бу кун қуршамишдир беҳисоб дўст-ёр, юлдуз мисол чакнаб сингдим дилларга...»— Шунақа,— деб ўйлади Лорелея.— Бугун сенга миллион-миллион одамларнинг ҳаваси келади. Бугун сенинг дўсту ёринг беҳисоб. Довруғинг дунёни титратиб турибди. Бугун сенинг туғилган кунинг, Георгий! Лекин шуни унутмаки, вақти-соати етиб ҳатто қуёш ҳам ботади. Сен ҳовлиқма кўп, Георгий. Бу чўққиниям забт этарсан, ниятингга етарсан, шунда-да билиб қўй, «Тождорнинг қўш ғалабаси» деб ёзишмайди. Бу гал сен ютқаздинг. Имкон менга насиб этади. Ўша Пиру шотирларнинг фисқу фасодига ҳам, сенинг асъасаю дабдабангга ҳам — ҳамма-ҳаммасига ўзим чек кўяман!— Лорелеянинг бояги меҳридан асар ҳам қолмаган, толғин ва асабий эди у. Ярим чақиримча йўл босгач, тўхтаб пича нафас ростлади, сўнг, ўша қояга довр сабрим етармикан, деган ўйда тагин чўққига қаради. Кўзларига у янада ҳайбатли, ваҳимали кўринди, танидаги ғадир-будир жароҳат чандиклари каби юракка аянч солар эди. Қоянинг қайқи учи булутларни тилиб, даҳшат солиб тушаётгандек. Кўзларини юмди у.— Ҳеч бир ишим бароридан келмади-келмади, э, худо.— Абсурдга чиқишга-ку кўзи етмас, чўқлаган манзилга ҳам етиши маҳол эди. Чекинишга эса номус изн бермасди. Устига устак, Георгий соядай эргашиб келар, бундай шароитда тўхташ, нафас ростлаш ҳам мушкул кечарди.

Ўзини мажбурлаб бўлса-да, тагин илгарилар бошлади у. Лекин қайтиб қояга қарамади. Ниҳоят, чўққининг аждаҳо думидек буралиб ётган этагига етишди.

Лорелея қайта бошдан ботинкаси боғичларини тортиб боғлади. Юктўравадан анжомларини олаётиб, Георгийнинг:— Ма, арқон,— деганини эшитди. Беихтиёр:— Нима?— деди писанда қилиб.— Ҳали сен ҳам чикмоқчимисан, Георгий?— Жўрттага айтган кейинги гапи шу қадар синиқ чикдики, ўзи ҳам нохуш аҳволда қолди. Бирдан ўзига, отасига қилинган зуғумлар,

юз-хотирсиз кишиларнинг беор хуружи ёдига тушиб, шу тобда ҳам андиша қилиши ортиқча туюлди ва у димоғини кўтариб киёр билан эрига қаради. Георгийнинг лаби кимтилганини кўриб, саркаш бир завқ туйди, сўнг калхатдек ҳурпайиб турган чўққига синчи каби назар солди — чиқишга ўнғай бўлган йўлни чамайлаш бошлади. Алланечук ғаюр қувват юрагини тошириб, тагин у қочирим қилди: — Яхшиси, шу ерда мени кут, Георгий! — Шундай деб у чақмоқтошга оёқ кўйди ва бир ҳалп билан ярим қулочча ўрлади, кейин чап оёғини ковакка тиқиб, тизза бўйи кўтарилди. Энди имиллаб-симиллаб бўлса-да, тикка чиқиши ёки бир сакрашда чўнқирнинг нарёғига ўтиши, сўнг қиялаб бориши мумкин эди. Лорелея гарчи, ажал истаб шу жаҳаннамга келган эса-да, савқитабийи ҳушёрлик қалтис ҳаракатдан уни тийди, оёғи тоғиб чагилса — бас, жарга учади, шиша синиғидай йилтираб ётган тошларга урилиб нимта-нимта бўлади. Қўрқинч уни оссикантирди, худди шу пайт аввал юракка қутқу солувчи ногора садолари, кейин даъватчан унлар қулоғига чалинди: «Имкон бир берилур умрингда сенга...» Телбавор жазава таъсирида у қояга сакради, дафъатан ўнг оёғи остидаги тошнинг уқаланганини ҳис этди, шунинг баробарида журъати парчинланди, жони ҳалқумига тиқилиб, — наҳотки? — дея ўртанди. — Наҳот қулаб тушсам? Наҳот адо бўлди? — Ваҳму аросатда бўшашиб кетди, бултур Канченжангига чиқатуриб, тойиб йиқилган Чўянбоевнинг ўкириги эшитилгандай, шу ўкирик дарани тутиб қулоқларини қоматга келтиргандай бўлди, шўрликнинг паррихта танаси, буришиб кетган юзи кўз олдидан ўтди, пича наридаги бутага чанг солиб, жонҳолатда ўзини қутқаришга интилди. Шу чоғ бу ваҳмга сира ботишмаган заифона чирсиллаш қулоғига чалинди, кейин шохча синиб қўлига келди ва у мувозанатини йўқотиб чагила бошлади. Юраги сидирилиб кетди. Шундоқ қўл чўзсанг етгудек жойда балқиган офтоб кўзларини қамаштирди, сўнг гирди қора тортиб бирдан чекилди ва осмон қаърига сиклиб кета бошлади. — Кўнглимга солган экансан-да ўзинг! — Аъроф ўйлари, ношукрлиги, Георгийни силқилгани — ҳамма-ҳаммаси кўнглидан кечди. — Э, худо, шунинг учун жазолаяпсанми мени? Кечир! Ўзинг кечир! Ўзинг кечир, плоҳим! — Улим ваҳми аралаш бир фарёд ичидан тошиб келиб бўғзига тикилди ва оламни зулумот босди. — Кечир! — Шу чоғ унга туюлдики, бир

дунё адолатсизлик сўнгида яна бир адолатсизлик рўй бераётир. Оҳ, чекиб, кимга нола қилсин? Ёқлагувчиси борми ўзи? Бирдан шуурининг бир чети ёришди ва ўчоқ бошида куймаланиб юрган ойиси ажиб равшанликда кўриниш берди. — Аяжон! — Шу мунгли ўтинч қулоғига чалинган каби ойиси бошини кўтариб унга қаради, қўрқинч тўла кўзларини катта-катта очиб, сенга нима бўлди, қизим, демоқчи каби лабларини қимтиди.

— Аяжон!

— Жоним қизим, қизгинам! Дардингни олай қизим, сенга нима бўлди?!

НАҚЛ

XIV. ...Шул асно нусратли Георгий анинг ва ўзининг ёзғувида бор бўлмиш куфри неъмат ҳали бул эрмаслигини кўнглида сезмиш. Яхшилик муродида астаҳидил умтилмиш ва озурдажон ҳимосига дасти тамоми етмиш.

Зеро, раббил оламин рўзи қиёматда бино этмишига дегай: — Бандам, хаста ўлмиш чоғимда невчун ҳол сўрмадинг? Ва бандаси дегай: — Эй, раббано, невчун сенинг ҳолинг сўрайки, ўзинг наҳрулҳаёт эрсанг?

Раббил оламин яна айтур: — Огоҳ ўлмадингму, ажз бандам хасталанмиш, илло нусрат қилмадинг. Магар анинг кўнглин сўрсанг, маним раҳматимга эришгай эрдинг.

Кейинчалик, мусибат куни ҳақидаги ушбу қиссага маълумот йиғатуриб, Лорелеянинг шўрлик ойисига рўбарў келдим, икки букилиб, мунғайиб қолган бечора аввал Султон Мирзони айтиб йиғлади. — Охирги кунларда боёқишнинг хаёли жойида бўлди, битта гуноҳим — қўрқоқлигим, деб қон йиғлади, бутун дардини тўкиб солиб қизига хат битди, жўнатгунча бўлмай... Кейин у мени ўчоқ бошига етаклаб борди. — Ўша кунни, қудалар кеп қолармикан, ош дамласаммикан, деб шу ерда куймаланиб юриб эдим, бир маҳал қизгинамнинг зорлангани қулоғимга чалингандай бўлди. Мундай қарасам, шўрлик қизим тоғдан қулаб тушяпти. Кўзимга шу кўринди, болам, аниқ кўрдим. Қизим, ҳар аяжон деганида юрагим бир узилиб тушди. Жоним қизим, дейман, дардингни олай, дейман, қани қўлимдан бир ҳимо келса. Оҳим худога етдими, бир маҳал фа-

ришта унинг қўлтиғидан олди... Бу не кароматинг, худойим, дейман, мунинг кўзимга кўрингани нимаси? Уйлаб, ўйимга етолмайман. Ай, болам-ай!.. Шунда кизимнинг юзи докадай оқариб кетувди, йўқ, мен дуойи жонини қилгач, ҳалиги келиб қўлтиғидан олди, денг...

Аллаким Лорелеянинг қўлтиғидан тутиб, суягандек бўлди. Шунда миясига бир зарб урилди, гўё чақмоқ чақдию ажиб равшанликда майин жилмайиб турган Исо алайҳиссалом шундоқ кўриниш берди унга. Енгил ҳимо туфайли ўзини ўнглаб олди, шу чоғ аллаким: — Кўзингга қара, Лорелея! — дегандек туюлди. — Георгий?! — Кўнгил уйини ёритиб юборган туйғулар бирдан сўнди. Георгийнинг ҳимосига маҳтал бўлгани, шу туфайли омон қолгани, зорлангани — ҳамма-ҳаммаси учун ўзидан нафратланиб кетди ва алаҳда қоврилиб тагин тепага талпинди...

Укпар булутлар қирмизи тусга кирганда у чўққига қўл чўзса етгудек жойда турарди. Вужуди лаҳча чўққа айланган, томирлари лўқиллаб хиёл тортишар, қони қизиб кетганиданми ҳеч вақо кўзига кўринмас эди. Чойшабга ўхшаб ётган қорларни айланиб ўтди-ю, буёғига чиқиш амримаҳол эканлигини англади. Қолган бўлса, уч қулочча жой қолган, фақат шамол ялаган тошлар силлиқ, ҳам адл эди. — Энди понасииз силжиш осон бўлмас. — Қайрилиб у шафаққа қаради. Уша — муаззам замин ҳозир унинг оёқлари остида бир бурдагина бўлиб ётар эди. Қуёш эса темирчи сандонидан учган чўғдайин жизиллай-жизиллай қорга сингиб бораётганди. Ҳадемай қоронғи тушади. Олам зимистон қатърига сингади.

Чўққи устида бир сир яшириндек Лорелеянинг дили орзиқди, тезроқ чиққиси, тезроқ шундан огоҳ бўлгиси келди. — Бечора Георгий, ахийри қолиб кетди-я. Ҳар қанча уринмасин, бари бир, ниятига етолмади у! — Лорелеянинг дилидаги тўфон тинган, алланечук таскин топган эди у. — Атир-шапир белидаги арқонни олди-да, ёзди, сўнг узалиб тошнинг ёриғига пона қоқа бошлади. Жоникқанидан қўллари қалтирар, болға эса тошга тегиб уни парчинлар, ушоқларини пайраҳа каби сачратиб юборарди. Арқоннинг учини понага илдиргач, оёқ остидаги тошга таяниб ясланди ва чўзилиб бирон қарич тепадаги айрига пона суқди. Уни қоқатуриб, болға тойиб кетди ва жимжилоғини нақэзиб юборди. Оғриқнинг забтидан боши айланиб кўз-

лари тинди, бир ҳовуч қор эгнига кириб, оёқларининг учига довур сирғалиб тушгандай бўлди...

Ниҳоят, чўққи манглайига дасти етди. Ёриққа пона суқар экан, нуқул ҳансирар, нафас ростлашга эса сабри етмас, буткул ҳолдан тойган эди у. Тин олай деса, назарида, қўлу оёғи акашак бўлиб қоладигандек. — Э, худо, ўзинг қўлла энди! — Кўзларини юмиб астойдил тавалло қилди. — Ўзинг қўлла энди, худойим! Жиллақурса, бир марта менинг тилагим ҳам ижобат бўлсин, — аллақандай ҳовур оёқ учидан то бошига довур кўтарилиб борди-да, жони чиқиб кетди гўё. Ортиқ тоқати қолмагач, ўзини ташлаб юборса юборгудек алпозда тек туриб қолди. Шу пайт аллаким тагин қўлтиғидан олди ва тагин пича ҳимо берди, шунда темир йўлга қулаб тушиб, ғилдирак тагида қолиб кетмайин дея жониққан кишидай бесабр ҳаракат қилди у, жонини сақлаб қолиши мумкин бўлган жойга интилди.

Лорелея ғадир-будирга оёқ тираб, тошларга ёпишганча тепага талпинар экан, на оғриқни ва на силжиётганини сезар, савқитабий илинжгина кўнгил узишига имкон бермай турар эди. Азоб ва уқубат эса чиқмаган жон умидини парчинлар, дам сайин, нафас сайин адо бўлиб бораётган эди у. Зил-замбил тош осилгандек тани оғирлашиб, сезимлари сусайган, шуурида бир интилишгина яшар эди, холос. Ниҳоят, у бирдан эзиб-янчиб ташлаётган кучнинг таъсиридан халос бўлди, хавф ариганлигини фаҳмлади. Тин олатуриб, юзлари чатнаб кетганлигини, музга босгани сайин ловуллаб ёнаётганини ҳис этди. Бўлак ҳеч вақо рўй бермади. Алоҳал, ўрнидан турмоқчи, нима бўлаётир, шуни билмоқчи, мундай теваракка қарамоқчи бўлди, бироқ қўллари иродасига бўйсунмади, бошини кўтаришга қурби келмади, гўё шол бўлиб қолган эди. Аянчли шу ҳолига ўзининг кулгиси қистади ва бир нима келиб бўғзига қадалди.

Лорелея бошини кўтарганида қуёш ҳали буткул ботмаган, унинг қирмизи шуъласи сачраган қонга ўхшаб кетарди. Ер жуда ҳам пастда қолган ва жуда ҳам омонат кўринар, алланечук бегона эди. У оёқлари остида увол бўлиб ётган заминга қараб, заҳарханда кулди. Сўнг тирсакларига таяниб ўмганини ердан узди-да, қўлларини тошга тираб хиёл қаддини кўтарди, чайқала-чайқала мук тушгач, пича тин олди, кейин зўрға оёққа турди. Келиб изғирин юзига тикандай урилар, кўз очиргани қўймас, у — Лорелея, қаерга оёқ

босиб турибди — ўзи билмайди, кўз очишга ҳоли йўқ, маст каби чайқалар, ҳар чайқалганида ҳозир тойиб дарага қулаб тушишини ҳис этар, бироқ сира ўзини қўлга ололмасди.

Кўзларини йириб зўрға очди у. Шунда қоя-поя билан қўшилиб қулаб тушаётгандек ҳис этди ўзини. Кўнгли беҳузур бўлди. Назарида, қорайиб ётган тоғу тошлар ҳам, ирkit булутлару заҳриқотил изғирин ҳам — ҳамма-ҳаммаси аламини ичига ютган отасига ўхшар, афтидан, Лорелеяни кўргани кўзлари йўқ эди. — Мен уларни топтаб ўтдим, — деб ўйлади Лорелея, маҳзун, шикаста. — Георгий эса мени...

— Қурбақани боссанг варқ дейди. Бугун демаса, дейдиган пайти келганда дейди. — Отаси шундай деган. Ушанда у эндигина кўмигага раис бўлиб ўтган эди. Лорелея сезган, шунга довур бирон ойча Султон Мирзо нимадандир чўчиб, юрак ҳовучлаб юрган. Бир оқшом сўрида ёнбошлаб чой ичаётган Султон Мирзонинг оёғи эчкиникига ўхшаб кетишини у пайқаб қолди, туёқларини кўриб, беихтиёр: — Вой! — деб юборди. Султон Мирзо сергак тортиб, ялт этиб унга қаради ва секин оёғини кўрпача остига тикди.

Лорелея тош қотиб қолган эди.

— Нима, адангни энди кўряпсанми? — деди аяси. Султон Мирзо унга чақчайди.

— Ҳа, жин чалдим сени? Ё алайҳиллаъна кўриндим кўзингга, а?

Лорелея отаси ёмон кўриб қолганлигини қарашидан сезди. Бироқ ҳеч кутилмаганда Султон Мирзо: — Бери кел, қизим, — деди ипакдай майин овозда. Лорелея ҳали ўзига келмайтуриб, супа лабида керилиб турган қурбақани кўрди, — шуни босиб олмай тагин, — деган ўйда сўри томон боратуриб, кўрдик, отасининг кўзи кўкиш тоблаб кетди, гарангсиб қолди у ва беихтиёр қурбақанинг оёғидан босиб ўтди.

— Варқ! Варқ! Варқ!

— Молчать!

Кейин Мирзо уни ёнига ўтқазди ва айтди: — Қизим, қурбақани боссанг варқ дейди. Бугун демаса, дейдиган пайт келганда дейди.

Отаси яна айтди: — Қирқ ёшимда кўрган қизимсан. Эсингни танийтуриб, тагин мунча ўзингни ўтга, сувга урасан, тентак. Ўт ўтлигини билдирса, ўт бўлар-

миди у? Сув сувлигини билдирса, сув бўлармиди у? Ўтда куйма, сувда чўкма, дейман. Менинг бошимга тушган мусибат сенинг ҳам бошингга тушмасин, дейман. Шунинг учун ердан оёғингни узма, шунинг учун хаддингни бил, зинҳор ундан нарига ўтма!..

Босиб ўтишингни шу абгор тошлар ҳам ёқтирмас экан-да?!— деб ўйлади Лорелея, гира-ширада янада ваҳимали бўлиб кўринаётган тоғу тошларга тикилганча. Сўнг исканжага олган санчиқ дастидан ғунажак бўлиб қолди, ичи музлаб қалт-қалт титрай бошлади у, тинкаси қуриб, мук тушди, кўзлари юмилиб кетди унинг. Шунда отасини тевараклаб олган тўёқлилар авзойи яна кўз олдидан ўтди.— Ўлаксага кўз тиккан қузғунга ўхшашади. Нима эмиш, ҳақ эмиш, халқ эмиш, аслида, нафсидан бўлак ҳеч вақо кўзларига қўринмайди. Мана, мен нуқул Георгийни айблайман, худком, мени кўролмайди, дейман. Ўзимни ўлдираман дейман. Ичимдан нима ўтишини эса битта ўзим биламан, эвини топсам, ўзимдан ҳам яшираман. Яшаш учун кураш, тирикликнинг ёзилмаган йўл-йўриғи шунақа шекилли-да. Шундай кун кўришда, шу нифоқ, шу адоватда нима маъно бор? Пири Мафия дунёни қизгнган, Муҳаммад Расулнинг кўкини кийган. Шу билан нимага эришди? Отам Георгийнинг нонини туя қилди, лекин унгаям талабгор чиқди-ку! Оғзидаги ошини тортиб олишди-ку! Пири Мафия дунёга устун бўлармиди? Шотир Бек қараб турармиди энди? Мен ҳам шуларнинг қилиғини қипман-да, а? — Беҳол кўзларини очди ва у кўрдикки, сув босгандек ҳаммаёқ жинжит, олачалпоқ олам бир бурда бўлиб оёқлари остида қунишиб ётибди.— Эришганим шуми? Шунча мотам тутдимми шунга? — У қийшайиб қолган понага, сўнг эгарининг қошидек қўнқайиб турган чўкки мугузига нигоҳ ташлади, ҳали одам боласининг қадами етмаган жой бу, шу ёшга кириб бунчалар шукуҳли манзилга чиқиш сира насиб этмаган эди, эртага газетачилар асьасая дабдаба билан чанг чиқаришади. Лорелея Султоновна деган ном қалдироқдек учади, гарчи шуни у англаб турса-да, хўрсиниқ аралаш ўксик бир сезимдан бўлак ҳеч вақо туймади, назарида, кечмиши ҳам, саъю ҳаракатлари ҳам, ҳали дилини вайрон қилган изтироблар ҳам, умр бўйи юрагини эзган армон ҳам — ҳамма-ҳаммаси бирдан ўзининг маъносини биратўла йўқотди:

ғам тўнган кўзларини қуйига тикди у, кўрдик, зулмат пардаси ёпирилиб келаётган уфқда сувайдо каби бир дор қолибди, қуёш куюндига айланиб битибди.

Назарида, олам кўрғошиндай қотди...

Санчиқ дастидан у букчайиб қолди, шундагина куюнда мезондай учаётган булутларни кўрди, шу куюн ҳалпини ҳис этди, бироқ на унинг ўкиригини эшитди, на бўлак нарсани. Тўзғиётган булутлар бирдан титилиб кетдию ҳайҳотдай жарлик кўзига чалинди, юҳодек ютаман деб турар эди у. Кўрдик, куюнда арқоннинг учи сигирнинг думидай ликиллаётир. Сал берида эса ханжардек санчилган поналар. Қайтиб тушиш осон бўлсин учун Георгий шундай қилганини у фаҳмлади, хазин жилмайган кўйи баттар қунишди, кейин чиройли бошини орқага ташлаб фалакка термилди, нимадир кўнглига ғулу солди, шуни эсламоққа тиришди.— Э, ҳа, қани ўша нигоҳ?— Кўз учиди ахтариб тополмади уни; фалак тобора зулматга чулғаниб бораётган эди.

Лорелеянинг кўзлари юмилди, қўниша-қўниша тош қота бошлади у.— Спартак имкони дегандинг, мана у, лекин нима ўзгарди, нима? Ҳеч нима! Э, хомхаёл, хомхаёл!— Илк дафъа Лангарга чиққанида ёш боладай севинганлари, кейин ҳовлилари, ўчоқбошида куймаланиб юрган ойиси, Канченжанги сафарида тоғ касалига чалиниб, қоядан учган йўлдоши, унинг пиррихта танию даҳшатдан буришган юзлари бир-бир хаёлидан ўтди.— Нима азоб? Нима зарил эди унга? Ҳаддингдан ошсанг, қисмат ўч олади. Шундай қудрат борми ўси? Наҳотки у қандайдир сипоҳлар сиёқида отамдан ўч олди? Йўқ, йўқ, ҳаёт факат шуни англаш учунгина берилмас? Ахир, унда нега инъом этилади бу тилсим? Бунинг маъноси нима?.. Наполеон қирғинбарот қилди, деб ўйлаб эдим кеча,— жуда ҳам қуйида чумолидай изғиётган, бири-бирини қиличдан ўтказаётган гала унинг тасавурида жонланди.— Шўрликка ҳавас қилиб юриб эдим, хўш, аслида нимага эришди у? Рост, дунёни бир коса сувдай чайқалтирди, дейлик, ўчмас ном қолдирди, лекин у ҳеч ўйлаб-кўрганмикан — мужмагил бу оламда номи қолди — нимаю қолмади — нима? О, Лорелея, Лорелея! Кўзингга ҳеч нима кўринмади-я! Жонингни жабборга бердинг-а! Нимага интилувдинг? Қани ўша ахтарганинг?— Лорелея англадики, Наполеону Спартакнинг ва ҳатто Георгийнинг ҳам жонини ёққан, доимий ҳаракатга ундаган аслида шу, вақти-соати билан бу қулларнинг ё миллатнинг ва

ёки инсониятнинг шаъни билан боғланиб кетган, холос.— Нима у? Нима ўзи? Тинчимизни ўғирлаб, шунча безовта қиладиган, бизни шу кўйга соладиган нима?— Кўзларини очиб, илтижо билан фалакка термилди,— саъйи-ҳаракатингда маъно борми ўзи? Нега бино этдинг?— Кўрдик, бало-қазодай қора қуюн босиб келар эди.— Наҳот?!

НАҚЛ

XVII. ...Шунда ул айтмиш, мен ушбу оламнинг соҳиби эрурман. Одам Ато ҳам, Иброҳим ва Мусо, Муҳаммад Расулиллоҳ ҳам асли мен, менинг ўзим, менинг исмим ва менинг сифатларимдир. Мен ўшал сифатларда умматларимга кўриниш бердим ва олам равоқини анвойи чечаклар ила бегадим, яхшилик дарахтин кўжартиб, заволга юз тутмиш ҳилқатни яшартирдим.

Э, ҳабибим, сизга суюнчли хабар айтурмен, сиз ҳам ортингиздагига суюнчли хабар етказинг: ҳабибим, сизга дўстмен! Ва яна айтингки, муҳаббатим сизга! Ва мен, ҳабибим, сизга раҳматлар олиб келдим!

Ҳабибим, ғарибу бенаводи мейхонингиз дариғ тутманг ва йўлдан озган ғофилга йўл кўрсатинг, биродар бўлинг, умид қўлингиз чўзинг!..

Бошини қуйи солиштираётиб, оёқ учида бир таниш ангор Лорелеянинг кўзига чалинди, ҳайрон бўлди у, сўнг жағ пайлари туртиб чиққан, бўғриққан юзларга тикилиб қаради:— Георгий? Нима истайди у?— Георгийнинг ҳолига ич-ичидан аянг-ла кулди.— Наполеон!— Шунда киприкдек тизилиб қолган поналар унинг ёдига тушди.— Бу ҳалиям умид узмапти-да?!

Георгий илкис силтанди, силтанди-ю, шу заҳоти тек қотди, бир тажанглик юзларига қалқиб чиқди, кейин эгилиб оёғи остига қаради.— Нима қилмоқчи бу?— Георгий бошини кўтаргач, кўрдик, ҳасратданми кўзлари тиниб, юзлари яна бўғриқиб кетибди. Кейин унинг қўли чўққида тимирскилана бошлади, бежо бармоқлар емиш қидираётган ипак қурти каби кезинар, тутиб олгулик нарсалар илинмагач, тагин пича силжир ва яна серманар эди. Гоҳи хиёл титраб кетгани, жониққани аён сезилиб қоларди. Шу қўллар боя беҳад хотиржам ва комил ишонч билан фарзинни илгари сурган, жарта уни тикиб юбориш ҳисобига қора шоҳни халтақў-

чага қаманган, кейин улуғвор бир ҳаракат билан аспини келтириб ҳужумга ташлаган, ақлларни шошириб мўъжиза кўрсатган эди. Шу тобда эса...

Лорелея ўзи сари тилар-тиламас узалган қўлни, сўнг кенгайиб кетган қорачиқларни, улардаги сокин қўпаётган норозилигу безовта кўнгил ҳасратини илғади. Илғади-ю, буларнинг ҳаммаси ўзи сувратини кўрган Исо алайҳиссаломнинг боқишлари каби ғайритабиий туюлди.— Нима истайди у?— деб ўйлади Лорелея мажҳул алпозда.— Муроди нима унинг?— Бирдан кўзлари хира тортди, шунда жуда муҳим бўлган муҳокамасига ҳали яқун ясаб улгурмагандек туюлди унга, шунинг нималигини эслашга тутинди, алоҳал, ўзига мулойим боқиб турган Исо алайҳиссалом рафтори унга кўриниш берди.

— Сен кимсан? Нимасан? Мунчалар сирлисан? Аслингдан хабар бер?

Назарида, зимистон қаърида қалдироқ қасирлади.

— Вифаниялик Лазарь деган кимсага жон ато этганинг агар рост эса, мадҳи улё эсанг, менга йўл кўрсат!

Унинг кўнглига солдиларким:

— Расулиллоҳ неники сизларга буюрган бўлса, қилинглар ва неданки сизларни қайтарган эса, қайтинглар!

Унинг шу каломга инонгиси келди, бироқ бунда ҳеч бир маъно йўқлигини, яъни инонганда-да бошидан мусибат аримаслигини идрок этди. Ва яна у шуни англадики, инонмоқ истагани ҳам, масиҳ ҳам мана шу чўққи каби бир тилсимдир. Масиҳ рафторида унга кўриниш берган сурат, сийратини кўрмоқ эса ҳеч кимга насиб этмагай.

У сўроқ сўрдики:

— Сувратингга боқиб, унинг англагани шуми эди?

Унга жавоб айтмадилар.

У сўроқ сўрдики:

— Илоҳий ечимларни кўрибму эди у?

Аммо жавоб айтмадилар.

— Қандай тилсимдир бу? Ё раббано!

Шунда ҳаммаси илгари, жуда илгари, минг йиллар бурун, ҳатто ундан ҳам аввал ва ёки тушида бўлиб ўтгандек туюлди унга. Жисми-жонини чангак қилиб ташлаган оғриқ ҳам, ўзининг чўққида омонат ўтирганию кимнингдир шувёққа чиқолмай тирмашиб ётгани ҳам — ҳамма-ҳаммаси қандайдир мавҳумлик касб этди, буларнинг тақдирига дохиллик ҳисси йўқолди ва

анчайин туш каби хотиридан ўча бошлади. Баногоҳ у кўз юмган хилқатда зимистон чокини тилиб чақмоқлар чақаётгандек, жуда сирли ҳодисалар рўй бераётгандек туюлди, шулар ичида кўрмаса армонга айланадиган бир тилсим асрори воқе бўлаётгандек эдики, шу сезим туфайли тугаб бораётган иштиёқ дилида аланга олди, беихтиёр кўзларини очди ва сачраб кетди у. Ўша — етти йил илгари Спорт саройида рўпара келиб, Азроилдан қўрққандек титраган, сўнг: — Лорелея?! — дея тош қотиб қолган Георгий...

НАҚЛ

XVIII. Георгий ўн тўртга тўлиб, ўн бешга қадам қўймиш, ки қурамиш олам ва қавм ичра карам кўрсатиш пешонасига ёзилмиш эрди. Шунга ноил бўлажак анжуман эртаси, қасри олий бўсағасида олам ҳодис заифага ул рўбарў келмиш — сувратинда азим иштиёқ, сийратинда забун руҳ устивор, ани кўриб ул ношод ўлмиш. Шунингчун ул ношод ўлмишки, ноатони ато этиш ҳаваси ул зарифа бошига мусибат келтиргай ва яна шунинг чун ул ношод ўлмишки, мусибат қавмига маломат келтиргай.

Георгий кўнгил кўзини кўк сори тикмиш ва интибоҳ ила имдод тиламиш: Ё падари олий, дарду оҳим қулоғингга етсун, шу ўксук кўнгилни ўкситма, шу кулфат ўғлингнинг ёзғувида кечсин, ахир, уни бино этган ўзинг, сабру қаноатсиз имон келтирсин ва ўғлинг шод ўлсин!

Фалакнинг чашми айнларидин сел киби ёш оқмишдир.

Расуллиллоҳнинг дилига солдиларки, тиламиш ўтинчи ижобатдир ва яна шуни дилига солдиларки, заифани асли Қўйтуғмиш оти ила атамишдирлар, анинг ноатони ато этмоғи мадҳи улё кароматига шак келтирилмиш кунда шоми ғарибонда, мадҳи улёга ажал косасини тутмоқ баробарида кечгайдир...

Георгий азим азоб туймиш ва эшитмишки, эй, ҳабибим, акбарсен, акбарлик қилгил, қайғу ва ситам етганга ёрдам қўлингни чўз, токи мен сени суяй!..

Чўчиб, бирдан уйғонган каби Лорелея мусибат юкини юрак-юракдан ҳис этди ва жон-жаҳди билан унга талпинди. Бироқ шуурий ошиқиши ҳар қанча тез кечмасин, музлаб қолгандайин қимирлаши қийин бўлди.

Дутқаришга умтилатуриб, кўрдик, Георгийнинг нигоҳи бағоят сокин, юзлари ҳалим ва солиҳ эди...

Эмаклаб, Лорелея беўхшов ҳаракат қилганча понага талпинди, ҳаракатлари сира қовушмас, бармоқлари акашак бўлиб қолган эди. Алам қилгани шуки, арқон шундоқ қўл чўзса етгудек жойда турар, бироқ сира ета олмасди унга. Ниҳоят, узалди, шу чоғ... пона ўқдай келқиндию учи Лорелеянинг бармоғига урилиб, синдириб юборди: жойидан кўчган тош палахмондан отилган каби чирпирак бўлиб учиб кетди,— баногоҳ у изғириннинг бўри каби увиллашини аниқ эшитди,— арқон отнинг сағрисиға теккан қамчиндайин шарақлади-да, кейин илондек сирғалиб кўздан йўқолди...

НАҚЛ

XX. ...Токи мен сени сўяй, умринг яшин каби кечмиш эрса-да! Зеро, мунқазир инсон руҳин йлдирмак эрмас, ани халос этмак мақсудида бино бўлмиш эрдинг, ҳабибим!..

СУЛТОН МИРЗОНИНГ ҚИЗИГА МАКТУБИ

Қизим, тўримдан гўрим яқин! Кўнглим сезиб турибди шуни! Бари бир, сенга бу хатни сира-сира ёзгим йўқ. Юраккинам безиллайди, қизим!— Нега?— деб сўрарсан эҳтимол. Айтсам-да, тушунмайсан. Буни англаш учун кам деганда етмиш йил умр кечиришинг, ўлим билан юзма-юз келишинг, жувонмарг бўлмай деб алдам-қалдам йўл тутушинг, кейин шу айбингни хаспўшлашга, риёкорликка кўникишинг, рўзгорим бадас-тир бўлсин деб, эғтибор истаб, кимсан фалончи эканлигингни кўрсатиб қўяй деб қонунни босиб ўтишинг, хато қилишинг, гуноҳга ботишинг, лекин тавба-тазарру қилишни ҳаёлгаям келтирмай яшаб кўришинг керак бўлади аввал! Қизим, аслида кимгаям юрак ёриб, кимгаям топиниб борар эдинг? Қўрққулик худонинг ўзи бўлмагач!

Дунёйи қўтир деганлари шу!

Қизим, мана сен, Султон Мирзо — ким, биласанми шуни? Нечоғлик худбин у, нечоғлик журзатсиз! Ҳеч пайқаганмисан? Йўқ! Чунки кўнлар қатори фақир ҳам ўзимни сипо тутганман, гоҳо тантилик қилганман, хуллас, суратим ўзга, сийратим ўзга, кишиларда бўлакча таассурот қолдириб яшаганман. Бу гапларни бировга

айтиб бўлмайди, қизим! Сендан беш баттар мунофиқ кимсалар масхара қилиб устингдан кулади. Қани, ўзинг инсоф билан айт-чи, шу гапларни ўқиб, мендан кўнглинг совиб бормаяптими ҳозир?!

Туғилиш осон, қизим, ҳатто ўлиш ҳам, лекин яшаш оғир!..

Бошимга иш тушгач, қирқ йиллик қадрдонларим ҳам юз ўгиришди. Ҳатто тил учида кўнгил сўровчи топилмади. Мени тушунмай, сен ҳам қайтсанг, тобутимни ким кўтаради, гўримга ким ғишт қўяди, ким?

Майли, бўлганча бўлар!

Қунтуғмиш, аввал сен уйимизга бақамти касалхонага бор, куйганлар ётадиган бўлмага кир, кўр! Қўрқма, бечора отанг — Султон Мирзо умрини шу бўлмада кечирган одам бўлади, билсанг!

У-ў, Кунтуғмиш, қизим, биласан, куйган жой илвираб сувочади, дока шунга чаппа ёпишиб қолади, савил қолгурни ҳамшира юлиб олаётган пайтда куйган кўнгил оҳу зорини ҳеч эшитганмисан? Йў-ўқ? Бор, кўр унда, эшит! Қани, юрагинг чидаш берармикан?

Онажоним, бу шундай ситамки, худо кўрсатмасин, ҳатто душманингнинг бошигайм солмасин уни!

Сенинг отанг — Султон Мирзо, гуноҳи нима — билмайман, шу машғум азобни юраги кўтариб, бу ёруғ кунларга етиб келган ситамдийдалардан. Вақти-замонида шу Пири Мафия шотирлариминан оламни ағдартўнтар қилиб, ахийри дунёга ўт қўйиб юборган, не-не одамлар куйиб кетмаган шунда! Э-э, нимасини айтасан, қизим! Тўқайга ўт кетса ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Сенинг отанг — ҳали эсини танимайтуриб етиб қолган одам, ҳар қанча ҳушёр бўлмасин, балойи азимда қовурилиб, кўзининг ўтини олдириб қўйган. Қўрқиб, қалтираб яшаш-яшашми?

Дийдиё билан иш битмайди, умр поёнига етган бўлса...

Соқовнинг охирини эшит: на Муҳаммад Расул, на унинг «Нақл»и шунча вақт ўтиб бировнинг эсига тушгани йўқ. Бугун муллаям шуни хутбага қўшади, тирмизак ҳам шуни айтиб йиғлайди, жумладан, сениям тинчингни ўғирлаган, шундайми? Сенга айтиб қўяй, Кунтуғмиш, агар Муҳаммад Расул бирон кишидан рози кетган бўлса, билгинки, у Султон Мирзодан рози!

Қатли ом йиллари «Нақл»ни ёзиб битиргач, — ўша кезлар мен пойтахтда яшаб, ўқир эдим, — раҳматли қўлэзмани жўнатди. Мутолаа қилгач, эртаси қуниёқ

унга хат йўлладим: «Зинҳор-базинҳор асарнинг ҳиди-ни чиқарманг, исломпараст сифатида муқаррар сизни айблашади, қиёмат кунларга қоласиз, устод!»

Шу орада уни ҳибсга олишган, нима жин урган — билмайман, келиб хат Пирнинг қўлига тушган. Чақиришди, қўлэзamani топиб берасан дейишди, сиқиб сувимни ичишди, эришганлари шу бўлдики, сенинг кўзинг тушган тилхатни зўрлаб ёздириб олишди. Менинг айбим ҳам, хатойим ҳам — бор гап шу ўзи!

Оғир йиллар эди, қизим! Бировни қўявер, ҳатто со-янгдан ҳадиксирардинг! Бироқ «Нақл», ҳа, ҳа, ўша — эндиликда тилдан-тилга кўчиб юрган маълум ва машҳур «Нақл» машғум кунлардаям Султон Мирзонинг ёстиғи остини бир лаҳза тарк этгани йўқ! Гоҳо шундай бўлар эдики, кечаси уйқум қочиб, бош остимда бомба ётгандай қўрқиб кетардим. Сени ўйлаб кўзим илинмагани, тонг отгунча юрак ҳовучлаб чиққанларим рост, лекин виждонга хилоф йўл тутмаганман! Шунинг учун ҳам юзим ёруғ, шунинг учун ҳам ифтихор қиламан!

Бошимизга не кунлар тушмади, қизим, ҳаммасига чидадик, ният қилган кунлар келганида...

Мен — нодон, хом сут эмган банда, шундай кунлар келганида шотирларнинг тузоғига илинишимни туш кўрибманми, а? Мен туш кўрибманми, қизим, ўша тилхат адолат кунда бошимга тўқмоқ бўлиб тушишини? Мен туш кўрибманми ахир, Муҳаммад Расулнинг бошига етган дажжол шундай бир кунда унинг «ҳомийси» бўлиб тарих саҳнасига чиқишини! Мен туш кўрибманми ахир, эллик йил умримни тикиб бош остимда асраган «Нақл» шундай ажойиб паллада кўчкидай эзиб-янчиб устимдан ўтишини!..

Ахийри, жонимдан тўйдим, дараклай-дараклай Пирнинг уйини топиб бордим, — сен билмайсан бу гапларни, қизим, — шаҳарнинг овлоқ маҳалласида яшар экан касофат, сиртдан қарасанг, уйиям қабрга ўхшаб кетади. Шу ёшга кириб, унинг асл қиёфасини ҳеч кўрмаган эдим, ана кетди, мана кетди бўлиб, совуқ терга ботиб ётган экан, тикка устига бостириб кирдим. Азроил ҳам бунчалар хунук бўлмаса керак: қуруқ устухон, на жир, на эт бор. Дарвоқе, икки кўзи косасида чақчайиб турибди. Ё кароматингдан, эгам!

Уфунат чўмган хонага ҳали бош суқмайтуриб, мурданинг қўлидай совуқ бир овоз келиб юзимга урилди: «Хизмат?» «Нега менга айб тақаяпсан? Муродинг нима ўзи?» «Қайси масалада?» «Муҳаммад Расул?..»

«Молчать!»

«Молчать!» дейиш Пирдан «юққан» менга, Кунтуғ-миш.

«Муҳаммад Расулни гўрида тик турғазиб нима қил-моқчисан ўзи, Пир? Игвою тухматларинг бошингда таёқ бўлиб синмасин ҳали? Замон бошқача ҳозир!..» «Мирзаеч! Кўп валдирама. Биласан, ҳаммаси худодан. Бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам асли шу! Ўттиз еттинчи йили у мени бор қилди, Муҳаммад Расулни йўқ қилди. Шўрликнинг куни битган экан, умрига умр қўшиш на шоҳнинг қўлидан келарди, на гадонинг. Бундан бохабарсан-ку, Мирзаеч!» «Қўлинг қон сенинг!» «Мирзаеч! Расмий топшириқ, бурч дегандай... Ҳуку-матга шак келтириш жоизмикин, а?» «Қўлинг қон сенинг, Пир!» «Қўлим қон эмас менинг, Мирзаеч, қў-лим қон эмас! Ким менга шу қисматни раво кўрган бўлса, ўшанинг қўли қон! Мен бу айбни ўзимдан соқит қиламан!— У жазавага тушиб, алаҳсирай бошлади.— Нега мундай қарайсан, менга Муҳаммад?! Бир кўча-да униб- ўсган дўстимсан, биласан, лекин айб сендан ўтди, Муҳаммад! Ўзинг мени ерга урдинг, камситдинг, сасойи қилдинг! Айғоқлар гувоҳ, жойимга кўз тикдинг! Хў-ўш, мен қўл қовуштириб қараб туришим керакми-ди, а? Айб ўзингдан ўтди, Муҳаммад! Қинсиз қиличга нодонгина мушт уради. Биласан, қаҳрим қаттиқ, жин-нифеъл одамман, жаҳл қилсам, қочмайсанми! Шун-да бошинг омон қолармиди балки? Энди у эмас, бу эмас, пешона, ҳаммаси худодан. Кўрар кунинг оз экан, биродар. Шунини тушун-да сен ҳам, мундай қарама мен-га, мундай қарама, Муҳаммад! Таъна қилма, биродар, кўрқитма мени! Кўрқитма!— Кейин у сачраб кўзлари-ни очди, ҳаром терга ғарқ ботганча мўлтайиб менга қаради:— Худо хайрингни берсин, Муҳаммад, тегма менга, тегма!— Пичадан сўнг, хаёли жойига келди чоғи, тикрайди, оғзидан тўпук сачратиб ўшқирди:— Молча-ать!— Бирдан ғазабга минди у:— Нега мени кўрқитасан, Мирзаеч! Нега таъқиб қиласан мени, гал-варс? Терингни шилиб оламан ҳали!.. Шошмай тур! Сенинг ниятинг ёмон, этагимни кўтармоқчисан, лекин сен хаёл қилганчалик анвойи эмасман, Мирзаеч! Ун-йил бурун оғир дардга чалиндим, операция пайти қур-ғур юрак панд берди. Хабаринг борми шу гапдан? Бир улиб тирилдим! Раҳмат ҳакимларга, жонимга оро ки-ришди. Ҳакимлар, клиник ўлим, дейишади буни, Мир-заеч! Сен билган қўли қон эмасман, мен бошқа одам-

ман, уқдингми? Ҳа-ҳа-ҳа! Афсус қилсанг арзийди, ахир бу расман ҳужжатлаштирилган, ўртоқ Мирзаеч! Сен галварс даъвонгни бориб сувга айт! Ҳэ-ҳэ-ҳэ!.. Эҳ, Мирзаеч, ҳеч дўлворлигинг қолмади, қолмади-да. Сен билан биз ХХІ аср бўсағасида яшаймиз-ку, биродар! Қачон қарамай, думингни қўлимга илдири-иб ўтира-сан!! Истеъфо билан қутулмайсан энди, ўзинг жилов-ни тутқазсан. Йўқса...»

Мен билган Пир ўлган, бу бошқа одам эмиш! Топган гапини қара! Киши иғво қилиб кун кўриши, ҳатто эътибор топишиям мумкин экан-да!..

Балодан халос бўлиш осон, лекин халқнинг қарғишига қолишдан қўрқаман, қизим! Асли бу Георгийнинг жойи эди, афсус, ҳалиям бўлса...

Э-э, Кунтуғмиш, Кунтуғмиш! Асли бу тупроққа қарғиш текканми дейман, худонинг қаҳрига учрадими дейман. Йўқса, кунимиз шотирларга қолармиди?!

Шу десанг, алмойи-алжойи тушлар кўравериб, қон бўлиб кетдим, Кунтуғмиш! Шотирлар бирда Муҳаммад Расул, бирда олабўжи шамойилида устимга бостириб келишади, мени бўғишади, юрагимни ёрмоқчи бўлишади... Лекин ноумид шайтон, кетсам-да умид билан кетаман, қизим! Менинг умидим сендан, Кунтуғмиш! Умидим Георгийдан! Умидим ўғлинг — Умиддан...

1987 йил

ҲЙЛАР ВА ҲИДОЯЛАР

АБАДИЯТ НАФАСИ

Худо берганлар-ла олишмагин ҳеч,
Худо берганларга худо берибди.

Ҳофиз

I

Ҳаётда гоҳо шундай тўфонлар кўпади, шундай эврилиш ва ёки ҳеч кутилмаган бухронлар содир бўладики, ҳар қандай хоҳиш-ирода, инсоний ғараз ва ёки ҳасад-хусуматдан у юксак туради. Тафаккур тарзида фавқулодда силжиш яратган, кўникмага айланган нуқтаи-назарни остин-устун қилиб юборган бу ҳодисот қошида, табиийки, тоза кўнгил инсон ё ожиз қолади ва ёки шоён ҳайратга тушади, фақат шундай яшариш қилишга орзуманд, бироқ ноқобил худкомгина уни маҳв этсам дейди, феъли айниб бадбинлиги тутса мабодо, шу ҳодисот юзига қора чаплаб, майлича, ерпарчин қилишга, тарих саҳифасидан ўчириб ташлашга умтилади. Бироқ...

... у ўз йўлида собит кетаётган салобатли карвон янглиғ инсоний қутқуларга зиғирча ҳам парво қилмайди, зеро, у аллақачон солномалар қатига сингиб кирган ва мангу яшилликнинг туғма улфати янглиғ ўз кўйича барқ уриб яшаётган бўлади аслида.

Сизнинг қутқу билан зарра ишим йўқ,
Шундай салобатли карвонман улуг...

Албатта, ҳар қандай ҳодисотнинг аввали ва охири, инсоний шуурни ишғол этиш мақоми ва унинг яшаш тарзи бўлади.

Ушанда бир минг тўққиз юз олтмиш тўққизинчи йилнинг биз учун ғаройиб ва янгича дунёлар очган заъфарон кузи эди. Бу олам — тўрт тарафи тоғу тош билан ўралган юпун шу қишлоқдан иборат деб билган, болалиги эгат ораларида кўмилиб қолган биз — ғарибу нотавонлар, ниҳоят, аянчли ва беомон захматдан халос бўлиб, юрагини йироқ жануб тортган учирма қушлар янглиғ олис пойтахт сари талпиндик. Кип-

рикларга инган гард аримаган, ҳали нафас ростлаб улгурганча йўқ, бу рангин, сержило дунёдан қайтиб яна ўша — дўзах азобига дучор бўлмаслик учун, бу ботқоқликдан биратўла оёқни узиб олиш учун фақатгина ўқиш, қандай бўлмасин, дорилфунунга кириш дарди билан ўртаниб яшар эдик. Сергулу, шундай беором кунларнинг бирида — йўлакдаги дўкон пештахтасида тахланиб турган мўъжаз мажмуа кўзга чалинди ва ундан бўёқ ҳиди шундай уфуриб турар эди ҳали. Аввалига, шуни харид қилсак, куйиб қолмасмиканмиз, деган каби хавотир билан кишилар журъатсиз тикилиб туришди, унга кўзи тушиб кимдир ногоҳ энтикди ва у талаш бўлиб кетди.

Ҳануз ёдимда менинг: жилди тўлиб кетган дардчил самога ўхшар, у йиғламоқдан бери бўлиб турар ва фалакнинг бағри ўйилиб куйган кўнгил оҳу нола-си битилган эди: «Онажон»...

Абдулла Орипов...

То шу кунга қадар сўлим ғазали ва ё шеърини мутолаа қилганда хушҳол ва ошуфта кайфият уйғотувчи, майин бир руҳият ташувчи салим ва латиф исму шариф кўнгилга сингишган, унга — Эркин Воҳидовга нисбатан янги бу ном бирмунча дағал, ҳадеганда ботишмайдиган, қандайдир айрича — куни кеча қишлоққа кўчиб келган, ҳали бизга қўшилиб улгурмаган, шу боис хиёл ётсираб турган ўсмир каби сирли ҳам ноаён бир хилқат эди у. Ва ўша мажмуадаги шеърлар битилган қуюқ, серсиёҳ ёзув шоир руҳиятидан огоҳ этиб, дарду дунёсини англашда рамзий таъсирини ўтагандек бўлиб туюлади менга.

Аввал бошда маънавиятнинг қакроқ дала-тузига баҳорий насимдай уйғоқлик бағишлаб сизиб келган, табиийки, «Онажон»дир. Сўнг «Биринчи муҳаббатим», «Ўйларим», «Баҳор»...

Бу ҳали биз хаёл қилмаган, демакки, биз кўникмаган, тасаввурга сиғдириш маҳол бўлган, бинобарин, ҳаётий йўсинга зид, тафаккур ғалаёни, юлдузларнинг хира хандаси, инжиқ руҳнинг исёнларига айрича бир кечинмалар уйғунлашган солиҳ шеърини эди.

Олис жануб тортганидай кушча юрагин,
Йироқларга етаклади мени бир сурон.
О, Абдулла, кўзларингни очиб карагин,
Ким айтади бу дунёда йўқдир деб бўрон...

Дорилфунуннинг метин бўсағасига бориб бошимиз урилганида, биз хаёл қилган, китобларда чиройини чизиб кўрсатган дунё ўзга-ю, дунё ўзгача эканлигини идрок этганда, анчайин бошпана олиш учун риёкор сиёсатга қароллик қилиб ўн беш йил изғиганда, оддий бир ҳақиқат ҳеч қачон юзага чиқмаслигига кўзинг етганда, кимга бориб дод деярингни билмай адолат истаб дарду оҳ чекканда бот-бот шу сатрлар хаёлдан кечган:

Йиллар она қучоғидан олди-ку юлиб,
Савдоларга урди мени мурғак ёшимдан
Бир маҳаллар қуюндайин юардим елиб,
Энди бўлса у айланар менинг бошимда...

Шундан буён ҳам йигирма йилдан зиёд вақт ўтди. Ва агар, ўша кезлар ҳаётнинг риёкор, хаёлий манзилларида капалакдай учиб-қўниб юрган бўлсак, секин-аста у биздаги ҳою ҳавасни қайтариб олди, чағир зиналарини бир-бир босиб тубанга — ўзининг беомон, бадкирдор қаърига тушиб боришга ундаган эди. Ҳар сафар шунн сен ҳис этган чоғинг, оҳ чеккан турналар қарвони янглиғ қон силққан сатрлар бир-бир ёдингдан кеча бошлайди:

Бундай юртда энди қирғин шарт эмас,
Вабо ҳам қочади ундан йироққа.
Ҳатто дарёлари қурир басма-бас,
Ҳатто тупроқлари тушар титроққа.

Бу маломат, келиб кўзга йиқилгувчи мотамсаро унлар ортида биз кўниккан ситам, тилсимланган қисматнинг аянчли фожиаси яширин. Зеро, Тарих унсиз эди, унсиз бўлиб қолар, Келажак узоқдир, тили йўқ унинг...

Халқнинг дили бу — шеърият. Унда сувратланган кечинмалар кечмишнинг кўринишлари демакдир: Боқинг, қораймоқда ер, осмон, офтоб, Фариштаман дейди булутлар тагин...

Худо шу бахтдан мосуво этмаган бўлса агар, бу шеърият илоҳаси камалакдай жилоланиб дил уйингга уйғоқлик кйритганини, унда арфа навоси янглиғ ҳайратангиз садолар таралаётганини ҳис этасан.

Мен ҳам тонглар баъзан йўлга
Мунаввар қуёшга кўксимни очиб.
Сенинг ҳаёлингдан мадад сўрайма.
Сенинг ҳаёлингга бораман қочиб...

Умрнинг турли фаслларида турлича жило касб этади бу шеърият. Сиз унга рўбарў келганда бир зум шошилманг, бош устингизда мажнун дарахти, майли, шовқин солсин, унга қулоқ тутинг, шунда дил уйингизга ажиб бир уйғоқлик кириб келади, ҳаёл сизни рангин дунёлар сари етаклайди...

Дўсту ғариб, кел, қўлингни тут, Кўтарайин сени баландга. Кел, бир зумга дунёни унут, Юрагингда ёқай аланга. Пастда қолсин нобакор хилқат, Пастда қолсин танбал-булутлар, Кўзларингда чақнасин факат Юксак ҳаёл, самовий ўтлар. Юксакларда чарх уриб айлан, Руҳинг мангу турсин ёришиб. Ўлганда ҳам вужудинг билан Кетмагайсан ерга қоришиб.

II

Ҳали сўз тутқунликдан халос бўлмаган, норозилик дарҳол ўзини сездириб қўядиган ссойишта йиллар. Шу боис, озурда дилдаги ташналик боис Абдулла Ориповнинг фавқулодда жозиб, исёнкор шеърияти тафаккур дунёсини батамом чўлғаб олган. Гарчи шоир шахсияти ҳақида ҳеч вақо билмасак-да, уйғоқ ва безовта, солиҳ ва мукаррам шеъриятига, бинобарин, дардчил ва сердолға дунёсига ошуфта яшар эдик.

Шундай кунларнинг бирида Алишер Навоий номи билан аталган кўчанинг кунчиқар тарафида баногоҳ мен уни кўриб қолдим. У — Абдулла Орипов — баҳайбат денгиздаги жимит қайиқдай — ўзи-дек озғин, бироқ шунга яраша худо бўй берган новча бир адиб билан йўловчи автоларга кўз тикиб йўл четида турар эди. Ҳаётда ҳайратангиз ҳолларга гувоҳ бўлганман, бироқ ҳеч маҳал бунчалар ҳаяжон туймаганман. Гулга иниб турган капалакка термулгандай нафасимни ичимга ютиб уни кузата бошладим. Рости, Орипов менинг тасаввуримда бўлакча эди, аслида эса жуссаси кичик — эътиборни тортмайдиган даражада — озғин, зоҳиран, соддадил, таллас, сувратларини кўриб, биз таниган шоирга сира

Ўхшамас, кўзларидаги ёвқурлик, юзларидаги темуро-
на шиддат-шижоат нечундир шу тобда изсиз йўқолган,
йўловчи авто тутиш ташвишига қоришиб кетган эди
тўё. Ора-сира у шеригига юзланиб, жуссасига ботиш-
маган салоҳият билан бир нима дер, сўнг ҳеч кимни-
кига ўхшамайдиган нашъу намо билан озгин кифт-
ларини учириб мириқиб кулар эди.

Фавқулодда ҳодиса рўй берган каби томошатаалаб
ёшлар тўда-тўда бўлиб, йўлакда йиғилиб қолишди,
йўқ, улар бекатда троллейбус кутишмас, балки зим-
дан шоирни томоша қилишар, «Ҳа, шу! Шу — Абдулла
Орипов!» «Қани, қани?» «Ана, ана!» дея шивирла-
шар ва шаҳодат бармоқларини унга сари чўзиб, бир-
бирларига кўрсатишар эди. Юракдаги ҳайрату ҳавас
ял-ял ёнган юзларга, чақнаган кўзларга сизиб чиққан,
бирок уларга шунча ҳаяжон улашган, уларни ларзага
солган шоирнинг на бу ва на бошқа биров билан зи-
ғирча иши йўқ, теварагида шундай бир тўлқин чайқа-
либ турганлигини эҳтимол сезар, ифтихор қилар, аммо
пинак бузмас, парво ҳам қилмас, ўз кўйича қарар,
матлаби — шериги йўловчи автони тезроқ тутсаю
манзилига у жўнаб кетса.

Бир зум ўз ҳолимга қўй сен ҳам, болам

Аён-ку менга ҳам инсон матлаби.

Бир зум одам каби яшайин мен ҳам,

Мен ҳам яшай бир зум бир одам каби...

Ҳорғин кайфият ташувчи бу маънос сатрлар ора-
дан бир неча йиллар ўтгач юзага келган: тирик шо-
ирни, хусусан, Абдулла Ориповни илк дафъа ўз кўзим
билан кўрган ўша кун эса у ўз йўлига кетгач, ҳая-
жондан энтиккан кўйи ётоқхонага борган ва унинг
худо бўй берган йўлдоши — ҳали ёш ҳисобланмиш
носирнинг ойбитикда ёритилган асарларини топиб,
Абдулла Ориповга нечоғлик эътимодим баланд бўлса,
шундай бир эҳтиром билан мутолаа қилишга тутин-
ган, рости, тилло топган гадо ҳолида эдим — шу пайт-
га довур ўзим билмаган ва лекин бу ёруғ оламда мав-
жуд бўлган, яъни у билан — Абдулла Орипов билан
ёнма-ён юришга ҳақли бир адиб борлигидан юрагим
тошиб кетган эди, албатта. Табиийки, шу кайфият
таъсирида ёш адиб асарининг бир неча саҳифасини
ўқиб ўтдим ҳам, ҳатто шундай толе насиб этган но-

сир сувратига неча бор ҳавас билан қараб ҳам олдим, сўнг... у мен кутган сиру синоат, мен хаёл қилган илоҳий нафасдан буткул мосуво эканлигини кўриб, кўнглим совий бошлади, шунда-да умидим узилиб битмаганлиги боис қайта бошдан қиссани ўқишга тутиндим, кўрдимки, мўъжиза эмас у, чиндан-да жўн, жула афтода...

Шундай асарлар қўлга тушса хонанинг бир четига итқитиб юборадиган ёшда эдик, бироқ шоирнинг ҳурмати — ойбитикни хонтахта устига қўйдим, ўзимни алданган ҳис этиб, дилимда ранж ва ё огриниш бино бўлди. Шундай азим шоирнинг ҳеч қачон адабиёт тарихига мансуб бўла олмайдиган қимса билан етаклашиб юриши... менинг дилимни хуфтон қилган эди.

Шоирлар алдайди бизни, жонгинам...

У пайтлар ҳали дунё кўрмаган бир толиб эдик, рангин бу оламни тамомила бўлакча хаёл қилардик: элнинг шоири манглайдан худо ўпган бир сиймо, кўпчилиқ қатори наинки у ивирсиган кўчада, наинки шу дунё ҳирсида ёнган бадбинлар ичида, наинки сиёсат тазйиқида, балким самовотда — арши аълода, ўзи каби худо ёрлақаган азизлар ичра, фариштилари ҳимоятида сайру саёҳат этади, турфа ранг анвойи чечакка термулиб, шоирона ўйларга толади, сўнг қордан-да оқ қоғозга юз буриб илоҳий нафас йўғрилган ҳеч ўлмас асарлар битади, деб ўйлар эдик. Биз билмас эдикки...

Баҳор доим эмас, уч ойдир, халос...

III

Ҳа, у пайтлар наинки элнинг шоири, балки унинг ўзи — инсон зоти нурдан бино бўлган, дея ўйлар эдик.

Кўз олдимда шу қадарли пок эди олам. Гўё нурдан яралганди инсон деган зот. Мен онамни ўйлар эдим инсон деган дам. Йўқ, маймундан тарқамаган дердим одамзот...

Биз билмас эдикки, шоир ҳам одам, у ҳам гоҳо фарзандига оддий бир хўрозқанд олиб бериш учун

Сарик чақага зор қолади; қимматчилик замонида кун журиш осон эмас, эл қатори шошиб ишга боради, ҳорғин қайтади; у ҳам тонглар баъзан йўлга қарайди, мунаввар қуёшга кўксини очиб, сенинг хаёлингдан мадад сўрайди, сенинг хаёлингга боради қочиб; унинг ҳам ташвиши шу дунёча бор, унинг ҳам ғаними ҳаддан зиёда, тинсиз таъқиб этар ҳасад-хусумат, тулпорга орзуманд баднафас пиёда, шунда гоҳ бир дўсту надам меҳрига, гарчи у адабиёт тарихига ҳеч қачон жира олмаса-да, шунинг бир лаҳзалик бегараз суҳбатига зор бўлади, дунёга сиғмай зулмат салтанати ичра ўлик уйқуда ётган шаҳарнинг сокин кўчалари бўйлаб кезинади, юрагини қон қилган ғамлар секин-аста шамойил касб эта бошлайди.

Танҳо саҳроларга бош олиб кетсам,
Ё йироқ ғорларни ошён этсам,
Бедўсту беёрон тугасам, битсам,
Кўнглинг тўладими, ўшанда, айт-чи?

Толғин ва безовта сатрлар силсиласида силқиб турган дарду ҳасрат, таънаю маломат, табиийки, ҳеч маҳал осмондан тушмайди. У сен кўпдан буён орзиқиб кутган қувончбахш ҳодиса панасида яшириниб ва ёки сен ўтирган курси талошида айбнома бўлиб, гоҳо яшнаб чиққан шеъринг боис дарду дунёси зимистон ўлган дилозор ҳамкасбнинг ружуси, фисқу фасоди шамойилида дилингни озурда этади.

Бундай захру ситамдан ким холи? Ким у — бахтиёр? Олис даштларда танҳо бир ўзи сурув ортида юрган саҳройи чўпонми? Коинот қаърида ёлғиз бир ўзи — кемада учаётган космонавтми? Зах йўлак четида ўтириб, ҳар ўтган кимсага умидвор жовдираб қўл чўзаётган шўрлик тиланчими? Йўқ! Ҳатто унинг ҳам ғаними бор: Гадонинг душмани гадо бўлади... — Абдулла Орипов шундай дейди ва у ҳақ бўлиб чиқади. Зеро, бешикдаги чақалоқнигина — агар, ёмон кўзлардан худо асраса, — осойиш дилига ёр бўлиши мумкиндир, халос.

Абдулла Ориповнинг фавқулодда шодумон кунини эди бу — кўпдан кутган ва худодан тилаб олган якаю ёлғиз ўғли дунёга келган, дастурхони шунга яраша тўкин, хонадони шунга яраша файзли. Биллур қадаҳлар жаранги алламаҳалга довури олис-олисларга таралиб турди. Ниҳоят, баланд мақомдаги тилак ва

сархуш қутловлар поёнига етди ва тамаки тутунига кўмилган, эзилиб кетган хонада шоир билан холи қолдик. Ва мен ойнаи жаҳон устида териблиб турган янги мажмуасига ишора қилиб дедимки: — Абдулла ака, дастхат ёзиб беринг, шу ёруғ кундан бир ёдгор бўлиб қолсин!

Дафъатан унинг чиройи бузилди, дилидагини фавқулодда теран тарзда ифода этгувчи маънос нигоҳида чексиз бир мунг. алам ва ҳақирлик билан акс этди, сўнг у узалиб — фақат ўзигагина ярашиши мумкин бўлган инжиқлик билан муқовасидан тутиб мажмуани олмоқчи бўлди. Жилд қурғур пахтадай ҳилвираб турар эди, табиийки, у сидирилиб келди. Орипов китобни олиб бир четга ташлади-да, тагин юзада турганига қўл чўзди. У атай муқовадан тутиб тортар, жилд эса муқаррар сидирилиб келар эди. Кейин яна... яна... Бу эса, табиийки, унинг аламини қўзғар, таҳқирнинг саф-роли оғуси шундай бир шоирнинг нафсониятини оғритиб, заҳар бўлиб томар эди.

Мен бир йигитни биламан: биров ёвузлик қилса, у тонг қолади, келиб дардини айтади ва дейдики, сиз айтинг, у менга ёмонлик қилди, шундайми? — Ҳа, шундай. — Йўқ, сиз шундай қилиб айтингки, менинг дилимда унинг ёвузлигига бас келгувчи нафрат тугилсин.

Шу нафрат вужудида ўт бўлиб ёнгач, милтиқнинг ўқидай бўлиб у йўлга чиқади.

Инсон дунёсидан ранг-баранг хилқатнинг ўзи йўқ бу оламда.

Ва ниҳоят, мен шоирнинг қароғига қалқиб чиққан ёшни кўрдим, киприкларига илиниб қолган ўша кўз ёши токи сизиб чиққунига қадар буткул руҳини синдириб, унинг қаддини икки букиб ташлагандай бўлиб туюлди менга.

— Э-э, нимасини айтасан, ука-а, — деди у ички бир армон билан чўзиб, — гўримга ғишт қилармидим шуни? Мунча мени куткилашмаса булар?!

Дили озор чекканида, ҳасратини Ориповчалик ўк-синиб ифода этадиган бўлак бир кимсани учратмадим ҳали.

Қолмаса дунёда мендан хотирот,
Наинки хотирот, оддий, жўн бир от.
Бўлса на бир қавмим, на хеш, на авло.
Кўнглинг тўладими, ўшанда, айт-чи?

Айтишларича, мунтазам равишда тарих ё у ва ёки бу тахлит такрорланиб туради, инсоннинг фожияси шундан иборатки, кечмиш хатолардан ҳеч қачон хулоса чиқариб олмайди у.

Сталин жаллод, деймизки, ёвуз, қатли ом қилди у, давр қаттол эди — шундай беомон, Қодирийдай, Чўлпондай даҳолар жувонмарг кетди!

Алам қилмайдими кишига — қачонки бу риё эканлигини, қачонки улар кўролмасликнинг қурбони бўлишганини англаб турсанг!

Мустабид ҳоким ҳеч шубҳасиз салтанатини қон билан ювади, мамлакатни у жаҳолат исканжасида тутиб ўсишни бўғади, тафаккур чечакларини ўтаб ташлайди, пана-пастқамда омон қолган бирда-яримни қовжиратиб қуритади. Бу — муқаррар ва лекин биз истаймизми, йўқми, истибдод рақ ўсимтаси каби ҳаётнинг қон томирларини чирмаб олишида худбинлик, мунофиқлик, ичиқоралик, яъни дил қасрида пайт пойлаб ётган, мавриди келиши билан бирваракайига бош кўтарган аламзада илону аждаҳолар ҳамласи зобитнинг зуғумидан устиворроқ бўлади.

Мен ҳаётни собит ҳолда кўрмадим асло, Тузилган у агарлардан ва магарлардан...

«Бола эдим. Кўклам қуёши намиққан заминни секин-аста илита бошлаган кезлар. Қирғинбарот уруш куни кеча якун топган каби руҳиятда жароҳат. Хаёл-хаёл билан эски тегирмон қошига бориб қолибман. Қарасам, кишини шоширувчи манзара: сирти совуқ ялтираб, бир-бирига чирмашиб ётган аллабало тегирмон атрофини чирмовуқдай чирмаган. Онгим кетиб тош қотдим, бутун вужудим кўзга айланди: карахт, танидан иссиқ ўтиб жони кираётган, ҳузур қилиб керишаётган каби билинглаётган сонсиз-саноқсиз илонлар чирмовуғи эди у!

Изн берилгач, нафса банди бўлиб узликсиз ғимирлаётган галамислар ҳақида ўйласам, нечундир шу манзара менинг кўз олдимни тўсиб қўяди. Ўша юҳс — бир-бирига чирмашиб тўлғанаётган илонлар ваҳми дилимни чўлғаб олади» (Одил Ёқубов).

Ҳа, қаро кунлар Қодирийнинг бошига бежиз тушмаган, дейди шоир, ўша замонларда ҳам кетмондас-тадай йўғон қаламини кифтига ташлаб юргувчи, Абдулла Қодирий ҳам гапми, ким бўпти у бизнинг олдимизда, дегувчи не-не «даҳо»лар, уларнинг ўзига яраша фисқу фужури, даъво ва хусумати бўлган. Орадан

йиллар ўтди ва ўша бадбин, бадкирдорларнинг изини қолдирмай худонинг ўзи йиғиштириб олди, сўнг янги ва бегубор насл юзага келди, ўтмишга, ундан қолмиш неъматга тоза кўнгил билан ёндошди улар, шунинг учун ҳам том маънода ҳайрат туйишди ва эҳтиромини изҳор этиб унинг ўзи муносиб бўлган мавқега кўтаришди...

Азалдан шундай яралган — бири кам дунё бу ўзи. Эҳтимол тараққиётнинг табиати шуни тақозо этар, эҳтимол нокомил халқнинг шўришли қисматидир бу?

Ҳа, дарвоқе, мен шундай бир кимсани биламанки, у шоирга ўлим тилаб қадаҳ кўтарган! Айтишларича...

Ҳа, майли, лекин, жонингдан ситам ўтганида шундай демаслик мумкинми сира:

Оламга ўт қўйса ҳар айтар сўзинг,
Йиқсанг дунёларни — тиккан чоғ кўзинг,
Сўнгра мўри каби қолсанг бир ўзинг,
Кўнглинг тўладими, ўшанда, айт-чи

Ёш бир мунаққиднинг даъвосича, Абдулла Орипов шеъриятида ҳасад-хусумат хусусида гоҳо маломат билан, гоҳо ўкинч, гоҳо ранж билан, афсус-надомат билан юракдан тўкилган асар шунчалар кўпки, шунинг ўзи сиймо ва унга муносабат — куйган кўнгил манзараларини чизиб бергувчи ажиб бир илмий тадқиқотга асос бўлиши мумкин.

Бу — рост, шоирнинг шу йўсиндаги талай шеърлари замирида ётган зарда тафсилотлари бир мунча аён менга, бироқ шу тобда оқ қоғоз юзига шуни тўкиб солишга нечундир эҳтиёж сезмаётирман. Эҳтимол, шарқона тамойиллар сабаб, эҳтимол мавриди эмасдир ҳали? Лекин шу аёнки, ҳар бир инсон, хусусан, у қанчалик дарёдил, қанчалик фавқулодда иқтидор эса, шунчалар аянчли қисматга гирифтор бўлади. Бу қисмат нечундир Эрнст Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» қиссасини — Сантьяго жиловдаги Улуғ Балиқни ёдга солади. Бу Қисмат гарчи жиловланган, гарчи ҳимоясиз бўлса-да, очофат акулалар гала-гала бўлиб чор тарафдан узликсиз ҳамла қилса-да, гарчи тилка-пора этса-да, охир-оқибат, бари бир нимадир қолдиради

ўзидан. Ва ўша нимадир ўзининг фавқулодда салоҳияти, бўлак бир дунёларга мансублиги билан тириклар кўнглига ғулғула, қўрқинч ва ҳаяжон, ҳайрат солиб яшайверади ҳамиша.

IV

Дарахтлар япроқ ёзади ва шоир яланғоч бўлиб қишдан чиққан ғариб бу оламга илоҳий бир файз, кўрку тароват ато этади; дарахтлар сарғайиб сўлади, заъфарон хилқатни хазонрезгига кўмиб ташлайди ва кун битган кампирнинг панжаларидай аянчли кўриниш касб этади.

Ҳукм этмакка шошилма бир оз...

Абадий қисмат эмас бу, ахир! Ҳали ажиб бир чиройни етаклаб яна баҳор келади, яна куртак чиқаради улар ва напормон гуллардан оламга сирғалар тақади.

Олаговур замонни гурас ва гурас тўдалар манфаати чайқалтириб, ҳокисор кимсалар қатори шоирни ҳам инжиқ тўлқинлар бир четга итқитиб ташлаган кезлар...

Беш кун йўл юриб, ниҳоят, Карлова-Варига етиб бордик. Қўнолға шу қадар сўлим, шу қадар баҳаво, жозиб ва кўҳлик эдики, жазирама ўлкадан қора терга ботиб келган биз — ғариблар хаёл каби гўзал шундай жойларда мангу қолиб кетсам, дея орзу қилар эдик. Малакнинг сийнасидай беғубор осмон ва унинг танига сингиб кетган бўйчан қайрағоч, уфқларга туташ ям-яшил ўрмон, гиламдай тўшалган дилбар майсазор, гард инмаган йўлак, эринчоқ кезинган намхуш сабо-лар...

Ва сен кишандан халос бўлиб, зиндондан чиққан, чиққанда ҳам ногаҳоний саодат туфайли фавқулодда олиймақом ҳаётга, фавқулодда бокираликка рўбарў келган ҳақирдай шошиб қоласан, ҳурматга сазовор, маҳобатли шу иқлим қошида тарбиясиз, нотагон ҳис этасан ўзингни.

Ва алам қилади сенга

Жаҳолат,

Сарғайиб сўлаётган Ватан,

Хазон бўлаётган умр...

Кунлар ўтади.

Ва сен тагин барчасига кўникасан.

Кўзинг тўйганлиги боис, ортиқ бу ҳолат қайтарилмайдн.

Секин-аста ҳис этасанки, бу масканда қиладиган бўлак юмушинг қолмади. На китоб, на ғаройиб хил-қатларга бўлажак сафар юрагингга сиғмайди. Қайтгинг келади, бироқ хоҳиш, инон-ихтиёрдан ташқарида — истайсанми ва ёки йўқми, сафар муҳлати битажак кун келиши керак.

Дарду дунём қоронғи — арчазор оралаб кетган ёлғизоёқ сўқмоқ бўйлаб тоғнинг чўққиси томон одимлар эканман, бир маҳал шууримга сингган сатрлар баногоҳ ўрнидан силжиган қор кўчкиси янгилиг ҳаёлимга ёпирилиб келдилар:

Парчагина булут,
Чексиз осмон
Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл,
Барча ташвишларни унутиб, шодон
Қайтгим келаётир қошингга буткул.

Ва шунда жуда ҳам олисда қолган — ҳамиша бири кам, нотугал рўзгорни, ўралашиб юрганида ўрни билинмайдиган бола-чақани, қуриб кетиши яқинлашиб қолган денгизни, уни асраб қоламиз деган, тилимизга давлат мақоми берамиз деган, бир четдан, хусусан, тараққий топган ҳам бунинг устига ўз майлича яшаётган гулдай мамлакатдан туриб кузатганда, аслида ортиқча, уярмадай туюлгувчи жангу жадални, тирикчилик йўлидаги имтилишини халқчил даъволар ила ўраб-чирмаётган, ундан ҳам аянчлиси, шунга маҳкум бўлган дўсту ёронни, гарчи қафасда қолган, устига устак патлари юлинган қушдай ночор бўлиб туюлса-да, ўша заминни, қисмати, жон ришталари шунга туташ мушфик-муштипар қариндош-уруғни, муте ва маҳкум ҳаётни дил-дилдан соғиниб, жоним ўртаниб кетаётганини теран ҳис этдим. Забун шу ҳаёт юҳо каби беомон ўз дсмига тортар эди.

Нима бу — Ватанга муҳаббатми ва ёки ўзинг кўниккан кишан, ўзинг кўниккан тамойиллар, ўзинг кўниккан ҳаёт, кўникма қошидаги инсоний ожизликми?

Мен ўйлайманки, азалий туйғуларга бизчалик ўралашиб, буткул ўзи билан ўзи бўлиб қолган бир халқ ер юзида бўлмаса керак.

Имиллаб боради йўлда мўйсафид,
Ўтган асрларнинг хаёли бошда.
Енида типирлар набираси хит,
Қўйворса етгудай шаҳди қуёшга!

Чол-чи, тутмиш унинг қўлидан маҳкам,
Набира кўзида андишаю зор.
Ота, набирангни озод қўй бир дам,
У ҳали узоққа кетмоғи даркор.

У ҳали номингни кўксига жойлаб
Самолар қўйнида ургусидир барқ.
Уни қадамингга ташлама бойлаб,
Қўйвор набирангни, отажоним, Шарқ...

Сафардошлар гулхан ёқиб, шу оқшом шунинг атро-
фида кўнгил очишни муносиб кўришди, бироқ ҳали
чигил ёзилмайтуриб, дилдаги рағбат шамол ялаб ўтган
шам каби сўнди. Мотамсаро сукунат тўрт тарафдан
сиқиб кела бошлади гўё. Кўнгил бир нимани тусар,
бироқ шунинг нима эканлигини ҳеч ким айтиб бера
олмасди. Шу маҳал ҳеч кимга қўшилмай ўз кўйича
ўйга толиб юргувчи қиз секин даврага чиқиб келди
ва ҳаяжон туфайли бўғилган овозда энтика-энтика
шеър ўқий бошлади:

... Халқим, тарих ҳукми, сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?..

Ҳали у яқунлаб улгурмай юраги тошиб кетган уч-
тўрт ёш — яланг силжий-силжий унинг ёнига чиқиб
боришди.

Ва биз шунча дарё, тоғлардан ошиб, қай бир юрт-
дан келганимизни айтсак агар-да, ҳатто бу номни умри
мобайнида бирон-бир марта эшитмаган кишилар сал-
танатида туриб, уларга бир қадар экзотик туюлгувчи
рақсларимизни ҳеч хижолатсиз намоёйиш этар, уларга
тамомила тушуниксиз бўлган бир тилда аждодлардан
мерос — шарафсиз шу юртни шарафлар, шундан юпанч
ва ҳаловат олар эдик:

Юсак арғувоннинг учида ҳилол
Паҳмоқ булутларни этади нимта.
Қайдадир шоира куйлайди беҳол:

— Кўнглим ҳам бу кеча ойдай яримта...
Увада камзулда биллур тугмадай
Булутлар ортидан боқади юлдуз.
Қайдадир юртини эслаб инграр най,
Қайдадир қўзигул ёради илдиз...

Беғубор фалакка, ёмғир ювган майсалар-у ўрмон
қаърига сингиб бораётган шеърий сатрлар изида биз-
нинг орзиқиш, доғу ҳасрат, соғинчу муҳаббат туман-
дай чўкиб қолар эди:

Миноралар эмас бу — фалакка қасам
Қасоскор боболар кетмишлар санчиб.
Мен тортган ғамни ҳам бир-бир санасам,
Улик фиръавнлар кетарлар сапчиб...

Тобора мавқе топаётган, гарчи ҳозирча биз банд
этиб турган бўлсак-да, ҳаётнинг эътиборга молик ман-
зили сари кун сайин, соат сайин яқинлашиб келаётган
навқирон наслга ички бир ҳадик-ҳавотир, ҳаяжон би-
лан тикилиб туриб, бу авлоднинг бу қадар шеърпараст
эканлигига, рости, ҳайронлар қолдим. Ва яна шунга
ҳайрон қолдимки, биз жуда кеч анграган, кеч муҳаб-
бат қўйган Она-Ватанга эътиқод шу шеърият бошлаб
келган уйғоқ ва безовта, мукамбар туйғулар туфайли
уларнинг дилида жуда эрта қанот ёзмиш. Бу шеърият
кимнинг закосидан бино бўлган, ким у шоир, нажот
қалъаси ҳақида шеър ёзганми ва ёки йўқми, асли қа-
ердан, қай тарзда кун кечиради, дўсту ёри ким, ким-
лар душмани, қай бир гуруҳга мансуб?..— бу билан
уларнинг сира иши йўқ, агар ишонсангиз, ҳаёлига
ҳам келмас эди бу ўйлар. Турли вилоятлардан келган,
турлича кийинган ва ўрта мактабнинг турли синфла-
рида таълим олаётган бу насл — улар турналар каби
тизилиб, турналар каби нолон — кўнглига ёққан, юра-
гининг туб-тубларидан жой берган ардоқли шоирининг
тили билан, унинг шеърлари воситасида соғинчу ҳас-
ратини, армону муҳаббатини изҳор этишлар, юракла-
ри офтобдай ёниб шеър ўқишар, бу эса Абдулла Ори-
пов шеъриятининг на ҳасад, на хусумат дахл қила
олмайдиган — абадиятга мансуб умрининг бошланғич
фасли бўлиб туюлар эди менга...

21 март 1991 йил.

МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ

Офтоб ботиб кетди, эгилди бошим,
Хажрингда бағримни ерга берурман,
Юлдуздек сочилди кўзимдан ёшим.
Тун лаҳад бўлса, ой қабр тошим.

Абдулла Орипов

I

Сенинг ичингдаги Дилшоджонмиди,
Ёки Эгамқулми, Сардорми, Собит?!
Ичимдан нимадир кетди ўприлиб,
Сенинг меъморинг ким, эй, темир тобут?
Сени очмоқликка рухсат бермади,
Киприклари қиров, кўк кўзлик зобит.
Тирик юрганимдан уялиб кетдим,
Сенинг меъморинг ким, эй, темир тобут?
Оналар қучоқлаб зор-зор йиғлади,
Ота човут солди бамисли бургут.
Ота-онаси борми баттолнинг
Сенинг меъморинг ким, эй, темир тобут?
Омон қайтсин дея дуо килгандик,
Номаълум хатардан бўлибсан нобуд...
Ҳар икки дунёси бўлсин жаҳаннам,
Сенинг меъморинг ким, эй, темир тобут?
Халқим!
Дуонинг ҳам кучи қолмапти,
Энди, йиғла, йиғлаб ўзингни овут.
Бутун бошли халқдан ҳаддинг зўр экан —
Сенинг меъморинг ким, эй, темир тобут?
Биз ҳеч ким эмасмиз қулдай беқадр.
Биз учун турмадир отамерос юрт.
Эй, менинг кўксимни пармаловчи қурт —
Сенинг меъморинг ким, эй, темир тобут?
Тангри жазоси бор, унутманг зинҳор,
Имон келтирингиз сиз ҳам зобитлар.
Учар ликоблармас юртим кўкида —
Учиб бораётир темир тобутлар!

•СССР Бош прокурори ўртоқ А. Я. СУХАРЕВга
Нусхаси: СССР халқ депутати, академик А. Д. СА-
ХАРОВга.

1989 йил 18 август куни соат 18 да ҳарбий қора-
ловчи Орлов билан телефон орқали боғланиб, ундан

шу қисмда хизмат қилаётган пайтида ўлдирилган ўғлимиз Зиёдулло Рўзиқуловнинг ишига боғлиқ тергов қандай бораётганлиги ҳақида сўрадим.

Аввал мен унга айтган, шунингдек, ёзган эдимки, ўғлимизнинг жасади солинган тобут очиб кўрилганда ўнг кўзи тагида тангадек кўкиш доғ бўлган, ўнг ўмров суяги синдирилган, нақ юраги устидан пичоқ санчилган. Табиийки, қайта тиббий текширув ўтказишларини ҳам талаб қилдим. У эса тергов жараёни қандай бораётганлигидан мени огоҳ этиш ўрнига, жонга тегдигиз ўша ўғлингиз билан, деб жеркиб берди. Қимга бориб арз қилсангиз қилаверинг, қайта текширув ўтказмаймиз, чунки йўл узоқ, деди.

Шундай бир вазиятда мен нима қилай?!

Ўйлаб-ўйлаб, ахийри Сизга мурожаат қилишни лозим топдим. Оила ичим номидан ўтиниб сўрайманки, ўғлимиз қотилини топишда, илтимос, ёрдам беринг!

Файзулла РЎЗИҚУЛОВ».

II

Ёмғир тинмай ёғди кун бўйи, Ёмғирли кун каби эзилди
дардим,
Ййдоқ кўчаларда жим юрган кўйи Сенинг изларингни
ахтардим...

Ёмғир ҳеч маҳал бунчалар — на кеча, на кундуз тинмасдан ёғмаган, ҳеч маҳал инсон дарди бунчалар эзилиши мумкин эканлигига шоҳид бўлмаганман. Тоғ бағридаги бу қишлоққа ҳам таъзия учун келмаган эдик, аслида.

Осмон тунд, қир-адир, ҳатто майсалар ҳам ёмғир захридан эзилиб кетган эди гўё. Зах тортган пахса девор олисдан қорайиб кўзга чалинар, ундан сал берида — қора чопон кийган, қадди дол эркаклар — ҳасрат тўла овозда нола қилишар, уларнинг фигони наинки фалакни, ҳатто тоғу тошларни ҳам титратар, тош қотган дийдаларни тилкалаб, қон қилиб юборар эди: — Жигарим-о-ов, жигари-им! Жигарим-э-эй, жигари-им!

Жудодик ҳасрати силққан нолаи зор ҳали тинмасидан, айтиб йиғлаётган аёллар дарду оҳи ловуллаб кўкка ўрлайди: — Келинчакнинг қўлин тутмай куйиб кетган болам-эй-й!..

Биз эниш йўлакдан бир-бир босиб, мотамсаро ҳовлига тушдик ва удумга кўра — овоз бераётганлар рўпарасига — супага қўйилган темир ўриндиққа бориб ўтирдик, унсиз, юзимизга фотиҳа тортгач, турдик; таъзияга келганлар бесаранжом, қирдаги оғоч курсиларда ўтиришар, ора-сира йўлга қараб қўйишар, афтидан, ниманидир кутишар эди.

Ҳамманинг юзи тунд, ҳамманинг дили хуфтон.

— Нима бўлган экан ўзи?

— Ток урган эмиш.

— Ургутдан ҳам бирини «ток урди»га чиқаришган экан, тобутни очишса, пичоқланган бўлиб чиқибди.

— Шунинг учун ҳам ўзимизнинг дўхтирларга кўрсатиш керак, кейин армон бўлиб юрмайди, тўғрими?

— Тўғри.

Жамоа шу фикрда эди, лекин... Кимдир гоҳо тақдирига тан беради: «Кўргулик экан-да. Болам қайтиб гирилиб келармиди дейсиз?» Кимдир бу шўришни ёзғувидан кўради: «У эмас, бу эмас, ажал. Нима қилайлик, пешонасида шу бўлса, ахир». Кимдир: «Ўликни кўп қийнамайлик! Шунча топталгани ҳам етар!», дейди. Азалдан шундай ақидалар билан яшаб келганимиз учун ҳам бу гаплар бирдан туйғуларни ғалаёнга келтиради, бирдан-бир тўғри фикр шу фикр бўлиб туюлади ва ҳеч қандай куч енгиб ўта олмайди уни. Ва сен шу ақида қошида ожиз, аччиқ ҳақиқатларни ўзи билан олиб кетаётган сирли тобут ортидан алам билан термулиб қоласан, хиёл ўзингга келгач, беихтиёр элга эргашасан, бориб, кўпчилик бўлиб ўша тобутни қаро ер бағрига қўясан. Вассалом. Сенинг юрагингда бир дунё алам қолади, тобут ичида эса айтилмаган ситамлар...

— Нега?

— Нима учун?

Ўзбекчилик.

Замон эса айрича ўзандан кетаётир. Ўзини ҳимоя қилишга ожиз, мўмин-муштипарга зигирча шафқат қилмайди у.

Оқмоғидан тўхтаса дарё, Қуриб, бир кун бўлғуси адо. Адо бўлар қотиб қолган халқ, Анъаналар ботқоғи аро...

— Кейинги йигирма кун ичида Пойариқдан ўлиги келган учинчи йигит бу!

— Москвада, тоғалари опкелгани кетишди.

Кишилар гўё ўзларича дардлашар, аслида, бизга қилинаётган ҳасрат эди бу, таъна-маломат эди бу, зеро, улар — даланинг одами, сурув боқиш, кетмон чопиш бўлса экан, мана бундоқ бўлади, деб кўрсатиб қўйишса, йўқ, бўлак масала бу, жуда жиддий, ҳар қанча бош қотиришмасин, қандайдир носоғлом, шубҳали ҳодисалар рўй бераётганлигини эҳтимол англашар, бироқ, нега, нима учун шундай бўлаётир — буни тушуниб етишмайди, бу билан аслида ҳам зиёлилар, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи масъул шахслар шуғулланиши лозим, рост, қачонлардир, қайлардадир ўзлари ҳам «Ватан олдидаги фарзандлик бурчларини ўтаб қайтишган», эсларини танишганидан буён шу ҳол: эртанги йигит борки, ҳарбий хизматга чақирилади, ҳаётнинг ҳеч ким бука олмайдиган темир қонунига айланган бу, бағрингдан узиб олинган жигарингги ҳарбий комиссариатга қадар кузатиб борасан, шу билан бас, у ёғи сенинг инон-ихтиёрингдан тамомила ташқарида, чекига тушган жойда у хизмат қилади: қурилиш батальонидами ва ёки Афғонистонда, Мўғулистондами ва ёки Олмонияда... Ўзларининг хоҳиш-иродасига итоат этмаган ҳолда улар Тбилисида, Бакуда қон тўкишди, ўз кўйича тинчгина кун кўраётган афғонларнинг уйини бузишди. Биз эса бу қилмишни тўрпардадек безовчи, бироқ метиндек мустаҳкам сиёсий иборани ўйлаб топдик: «интернационал бурч»! Ҳа, истаймизми, йўқми, бу соҳада сталинча ақидалар муқим яшаб келаётир, эҳтимол шунинг учундир фариштадек бегуноҳ, беозор йигитларимиз хизмат бурчини ўтай туриб, ногаҳоний ўлимга дучор бўлишмоқда?! Зеро, бугун маҳв этилаётган сталинча сирли шафқатсизликларни эслатмайдими бу Сизга?!

Ҳарбий хизмат наҳотки тоабад шундай давом этса?!

...Керосин сепилган олов каби нолаи фиғон аланга олиб бирдан кўкка ўрлади: тиббий ёрдам ишораси туширилган сарғиш машина қия йўлдан эниб тушиб келаётган эди. Ғилдираклари майсаларни эзиб-янчиб борди-да, у қўнқайиб турган уйнинг биқинида тўхтади. Ҳалидан бери айтиб йиғлаётган аёллар энди уни муштлаганча қақшашар, уларнинг кўзёши дарё бўлиб оқар, оҳу фарёдга сира чидаб бўлмас эди.

Талотўп ичида машина деярли кўринмай қолди. Ниҳоят, миқтигина ўзбек лейтенант йигит минг тавал-

ло билан тўдани хиёл орқага сурди, шундан сўнггина машинанинг орқа эшиги очилди ва ранги қув ўчган катта лейтенант, бир эмас, иккита аскар йигит, тагин аллаким — у сипойи кийинган эди — тушиб келишди. Рост, улар билан бировнинг зиғирча иши бўлгани йўқ, барча бирдек машина ичига талпинар эди. Кишилар бутун вужуди билан интилган нарсани авайлаб кўтарганча олиб майсалар устига қўйишди: қизил мато билан ўралган тобут эди у.

Нималар келмайди шунда хаёлга?!

Катта лейтенант хиёл бошини солинтирган кўйи сизга яқинлашди, авбал зимдан синовчан назар солди, сўнг мурувват қўзғовчи синиқ овозда: — Чекишдан борми, йигитлар? — деб сўради.

— Унинг ичидаги нима? — деди унга жавобан Фарҳод Бобожонов, мен унинг ҳамиша сокин юзида силқиб турган қаҳрни кўрдим, ёноқлари ҳам пир-пир учаётган эди.

— Марҳум. — Катта лейтенант, афтидан, бу гапнинг чувалашишини истамас эди, шунинг учун бўлса керак, шоша-пиша, жуда ҳокисор оҳангда изоҳ берди: — Бахтсиз ҳодиса: боёқишни ток урган — 380 киловатт. Очиқ ётган кабелни...

— Ота-онаси бағридан юлиб олганларингда тўрт мучаси соғмиди унинг?

— Ҳа, албатта, энди...

— Шундай омон-эсон олиб келиб, уйдагиларнинг қўлига топшириш сизларнинг бурчингиз! Модомики, шуни удалай олмас экансиз, бирон-бир йигитни аскарликка чақиришга ҳаққингиз йўқ сизнинг!

— Тўғри. Тушунаман, — деди у жуда ғамгин қиёфада, бечорасиниб, — лекин ўзининг эҳтиётсизлиги туфайли...

Кейинчалик биз унга — Сергей Савенкога куйиб-пишиб шунча гапни айтганлигимиз учун ўзимиздан ҳам хафа бўлиб кетдик, чунки унинг вазифаси шу — «бахтсиз ҳодиса»га гирифтор бўлганлар тобутини ташиш экан, холос.

Шу пайт боя талотўпни бир четга суриб, сарғиш машинанинг орқа эшигини очган катта лейтенант ДЗОТни кўкраги билан тўсишга чоғланган аскардек отилиб келди-да, бирдан ўшқира кетди: .

— Нега бошни қотирыпсанлар? Олифтагарчилик қилишга бўлак жой қуриб қолдими?

- Кимсиз ўзи?
- Мен район ҳарбий комиссариатиданман. Афғонистонда хизмат қилганман, билдингизми?!
- Яхши.
- Кабелни ўзи босиб олган. Вассалом! Гапни кўпайтирманглар!

Афғон тупроғида ўзининг «интернационал бурч»ини ўтаб келган йигит ҳар қанча пешгирлик қилмасин, дафн маросимига йиғилган кишилар бари бир темир тобутни очиб, жасадни қайта тиббий текширувдан ўтказишни талаб қилишди, аскарнинг отаси: «Бир натижа чиқармикан?» дея пайсалга солган эди, «Тошкентдан манави кишиларни худо етказди, шулар ҳам биз билан бирга боришади», дейишди улар ва шунга биз рози бўлдик.

Саидахмад Мирзатоев жасади солинган темир тобут тагин сарғиш машинага ортилди. Муштипар онаизор жигарбандининг ҳатто ўлиги ҳам қўлидан чиқиб кетаётганлигини кўриб, ер муштлаб қолаверди. Кўргуликнинг аччиқ мусибати каммиди унга? Шунча ситам етмай турганми эди? Лекин на чора?

Одессада ўтказилган илк тиббий текширув ҳулосаси кўнгилда шубҳа ва гумон туғдирган, устига устак, кейинги пайтда ўлиги келган ургутлик, иштихонлик, пойариқлик аскар йигитларнинг деярли барчасини «ток урган»! Қисматдошлар кўргулиги замирида қандайдир носоғлом, пинҳоний саъйи-ҳаракат яширин бўлиб туюлмайдими Сизга?

Киров номли хўжаликнинг «Ғаллакор» қишлоғидан токи Пойариқ ноҳия марказига қадар озмунча йўл эмас, тагин лойгарчилик, уйларни, кўприк ва йўлларни сел ювиб кетган. Қолаверса, ўша якшанба жумҳурият халқ депутатлигига қайта сайловлар бўлаётган кун эди, Пойариқда бўш ўрин бўлиб, унга даъвогарлар ичида биринчи котиб Саъдулла Бойзоқов номзоди ҳам бор, демак, эҳтимол каттаю кичик раҳбарлар сайлов участкаларида, шунинг учун ҳам тиббий текширув ўтказувчи ҳакимни топа оламизми ва йўқми деб ташвишда эдик биз, йўқ, ноҳия фирма қўмитаси биринчи котиби қабулхонасида уч-тўрт масъул ходим, котиба қиз телекўрсатувни томоша қилиб ўтиришган экан. Табиийки, уларга биз ташрифимиз сабабини айтдик, бироқ жумҳурият телевидениесининг пурмаъно кўрсатуви фикру ёдларини тамомила банд этган эканми,

Ҳаттирча эътибор қилишмади ҳам. Эҳтимол, бизнинг ташвишимизни тушунишмагандир, ўзи шундай-ку, ахир, танимаганни сийламайдилар, сийламаганнинг гапи эса ерда қолади. Биринчи котибни йўқлаган эдик, у киши чиқиб кетганлар, дейишди. Тиббий текширув ўтказувчи ҳакимни топишда ёрдам сўраган эдик, бугун дам олиш куни бўлса, ким қаерда юрибди, биз қаёқдан билайлик, дея елка қисишди. Шундан кейин шоир Ҳамроқул Асқар секин борди-да, аввал тегевизорнинг унини ўчирди, сўнг кечирим сўраб, айтдики, шундоқ икки қадам нарида бир аскар йигитнинг ўлиги турибди, унинг қариндош-уруғи турибди, қишлоғида буларни кутиб эли турибди! Улар имдод тилаб келишган Сизга! Жилла курса, шуни ҳурмат қилинг!

Ҳамма нарса кеч тушунилади. Инсон тақдири ҳал бўладиган шундай нозик дамда бу идорадагилар нечун вазмин сукут сақлашганлигини мен кейин англадим, назаримда, улар барчасини беш қўлдек билар, ҳатто бизга қоронғи бўлган сирдан-да воқиф, шунинг учун ҳам беҳайр бу ишга аралашини сира-сира исташмас эди, қолверса, қўлларида шу юмуш билан шуғулланинг, деган кўрсатма ҳам йўқ, бу хилдаги масалалар уларнинг вазифа доирасига кирмайди ҳам, яъники, шундай деб ҳисоблашади. Шунга одатланишган. Биз эса уларнинг тинчини буздик, қолбуки, темир тобутда оқиб келаётган жасадлар бугун янгилик эмас!

Азалий ақидалар ва ҳамон яшаб келаётган эскича қарашлар...

Ҳа, уларнинг беписанд муомаласидан шу англашилари эдики, ҳар қанча уринган тақдирда ҳам бу саъйи ҳаракатдан ҳеч бир натижа чиқмайди. Юрагим сиқилиб кетди, яшириб нима, бундай пайтда киши ҳатто шундай ишга ўралашиб қолганлигиндан пушаймон бўласан, зеро, қандайдир бир йигит; «Қўлингдан нима ҳам келарди?» деган каби ич-ичидан кулиб қараса, тинглашни ҳам истамаса ва кейин сен у қандай кучга таянаётганлигини сезсанг, шу куч қошида ўзингнинг чиндан ҳам ожиз эканлигини ҳис этсанг, алам қилмайдими бу сенга?!

Секин кўчага чиқдим. Осмон қовоғини солиб олган, тўзғиб юрган увада булутлар гоҳо чак-чак томчилар, кўкламнинг сўник қуёши кунботар сари силжий бошлаган эди.

Сарғиш машинанинг орқа эшиги очилди-да, қора

чопон кийган афтодаҳол қария тушиб, менинг ёнимга келди; кейин билсам, марҳумнинг тоғаси экан у. ёши — олтмишда, исми — Ўроқбой. Уч ўғли ой бориб, омон қайтибди, тўртинчиси ҳозир хизматда экан.

— Энди, ука-а, нима бўлсаям бир ёрдам қилингизлар!— ўтинди у.— Буёғини тезлаштиришсин, илтимос. Таъзияга келган жамоа тарқаб кетади, ахир.

Шундагина мен масаланинг нозик бир жиҳатини ҳис этдим: тиббий текширувдан ўтказмай туриб, ҳеч бир одам қайтиб марҳумни ўша — ер муштлаб қон қақшаётган аёллар, йўлимизга кўз тикиб ўтирган кишилар қошига олиб бора олмайди. «Шундай экан, нега энди уззу-кун ўликни свораи сарсон қилдинглар?» — Бу таъна-маломат ҳар бир қарашда акс этиши муқаррар. Ва ҳар бир кўнгилда тобад жуда нохуш асорат қолдиради бу. Шунинг учун ҳам шартта изимга қайтдим, қабулхонага чиқсам, шоир ҳалиям телефон кўндоғини қулоғига босганча рақам терар, хонадагилар эса хушламайгина уни ҳамон кузатиб ўтиришар эди. Баногоҳ у тетикланди: қудуққа умидвор қичкираётган каби илтижо билан деди:

— Ало-о! Ало-о! Менга ўртоқ Абдурахмонов керак эдилар!

Вилоят фирқа қўмитаси биринчи котибининг исму шарифини эшитгач, ўтирганлар бирдан сергак тортишди ва шу пайтгача ўзлари назарга илмаган шоирнинг юзидаги ҳар бир ўзгаришни энди диққат-эътибор билан кузата бошлашди.

— Ало-о, Пўлат Мажидович, саломалайкум, мен Ёзувчилар уюшмасидан, Одил Ёқубовнинг ёрдамчисиман. Бир қатор шоиру ёзувчилар Пойариққа келган эдик, ҳеч қутилмаганда нохуш бир ҳодиса устидан чиқиб қолдик. Шу десангиз, бугун бир аскар йигит... Шундай, шундай Пўлат Мажидович!.. Шундай! Раҳмат Сизга, мингдан-минг раҳмат, Пўлат Мажидович!— У телефон кўндоғини секин жойига қўйди ва шу лаҳзадан бошлаб, назаримда, қўмита томирида тўнгиб қолган қон тагин кўпириб оқа бошлади. Ранги оқарган ким, телефонга ёпишган, қўшни хонага югурган ким. Мен эса, хўш, нима бўлди оқибат? деган маънода унга синовчан назар солдим.

— Ҳозир комиссия тузиб жўнатаман, шахсан ўзим охиригача назорат қиламан, дедилар.

Елкамиздан тоғ қулаб тушгандек эди гўё. Рутубатли хонани тарк этиб, қўмита ҳовлисига чиқдик..

Ҳар бир лаҳзаси ҳисобда бўлган вақт эса ўтиб борар эди. Йўқ, орадан бир пиёла чой ичгулик фурсат ўтмаёқ ноҳиянинг биринчи котиби ҳам елиб-югуриб қаёқдандир келиб қолди. Тафсилотлардан батафсил хабар топмаёқ у киши қаттиқ афсусланди.

— Пўлат Мажидович эрталаб Пойариқда бўлган экан, лекин сиз бу ҳақда ҳеч нима демапсиз?

— Айрим қишлоқларни сув босди, уйларни сел ювиб кетди, шу билан овора бўлиб десангиз... Э-э, аттанг, аттанг!..

— У киши бу масалага жиддий қараётир.

Биринчи котиб, тушунарли, деган каби бош ирғади, сўнг узил-кесил кўрсатма бердики, тиббий текширув ўтказувчи ҳаким, ноҳиянинг бош ҳакими, прокурор ва ички ишлар бўлими бошлиғи зудлик билан топиб келинсин!

Тиббий текширув ўтказиш учун шунча расмий ташкилот раҳбари жалб этилиши етти ухлаб, менинг ҳатто тушимга кирмаган, орадан бирон соат вақт ўтгач, шу ҳол ойдинлашдики, ҳали бу зарурат ҳолва экан. Биринчи котиб ҳакимларга ва шахсан прокурорга: «Ўлим сабабларини аниқлайсиз, натижасини шахсан менга маълум қиласиз, лозим бўлса, жиноий иш қўзғаш ҳақида расман хат ёзасиз», дея аниқ кўрсатма берди, бироқ айни шундан кейин ҳеч кутилмаган парокандалик содир бўлди. Гап нимада эканлигини ҳали биз англаб етмай туриб, Ўроқбой оқсоқол ҳаллослаб қсшимизга келди-да:

— Вақт кетиб қолди-ку, а? — деди эзилиб.

— Ҳозир. Буёғи кўз юмиб-очгунча ҳал бўлади, оқсоқол.

— Э-э, сизлар эшитмапсизлар-да, а? Ахир, прокурор укамиз, бўлмайди, бундай қилишга менинг ҳаққим йўқ, деди-ку! Ана, кетяпти у, кўрдингизми?

Оқсоқолнинг жониққанича бор: чиндан ҳам қора плашч кийган рангпаргина прокурор йигит тумшайганча кетиб борар эди. Эрталабдан буён узлуксиз давом этаётган сансолорлик юракларга тўкилиб кетганлиги учун ҳам асабий, шартта унинг йўлини тўсиб чиқдик.

— Хўш?

— Менинг ҳаққим йўқ.

— Нега? Нима учун ҳаққингиз бўлмас экан, қачонки биринчи котибнинг шахсан ўзи кўрсатма берган тақдирда?

— Бари бир, ҳаққим йўқ менинг.

У — Баҳодир Саъдуллаев — йигирма саккиз яшар йигит, айтишича, жасад ҳарбий қисмда тиббий текширувдан ўтказилган, қайта кўрик қилиш учун эса вилоят миқёсида нуфузли комиссия тузилиши, комиссиянинг ишга киришиши ҳақида у қарор қабул қилиши лозим экан. Шу қарорни мен чиқара олмайман, дейди прокурор укамиз. Нега десангиз, ҳали комиссия келмаган, нега десангиз, унинг ҳаққи йўқ эмиш, бугун якшанба ва ҳоказо. Ва ҳоказо. Тоғдек важ-қорсон. Енгиб ўтиш маҳол бўлган расмиятчилик. Нима ҳам дея оласан киши? Лекин, шунга имоним комилки менинг, мабодо шу йигитнинг дейлик бирон жигарбанди ҳарбий хизматга чақирилгудек бўлса, шубҳа йўқки, на кечаси, на кундузи тиним нима — билмайди у, ҳар қандай қонунни четлаб ўтиб, жониачир кишисини жумҳурият ҳудудида қолдиришга уринади, қолдиради ҳам, бироқ, назарида охир-окибати у қадар хайрли туюлмаган адолатли ва савоб ишдан зўр бериб ўзини олиб қочади.

Зўрнинг зугуми билан ноҳия касалхонасига Баҳодиржонни ҳам сургалаб бордик, лекин шундан кейин ҳам қани энди у бир зум тинчлик билса денг, ҳали бош ҳакимни, ҳали тиббий текширув ўтказувчини, ҳали ички ишлар бўлими бошлиғини четга тортади, уйи куйган одамдай бесаранжом, ташвишлана-ташвишлана бир нималарни уқтиради уларга.

Ун бешинчи апрель куни ўзим шоҳид бўлган жамики тафсилотни батафсил ёзишдан мақсад, мен ўйлайманки, ўша — анчайин важларларни рўкач қилаётган, ўзларини ҳар ёнга ташлаётган маҳаллий тармоқ раҳбарлари бевосита жавобгар шахслардирлар, аскарлар ўлими бундай тус олишида улар ҳам жиноятни содир этаётганлар билан теппа-тенг айбдордир. Агар, ҳар бир фожиа асорати ўз вақтида изчил ўрганилса, ўлимга олиб келган сабаб ойдинлашса, биринчидан, чиндан бахтсиз ҳодиса рўй берган бўлса, буни билгач, ота-она юрагидаги ҳовур ва алам босилади, халқ ичида қаҳру ғазаб, норозилик илдиз отмайди; иккинчидан, қотиллик содир бўлган тақдирда гуноҳкор аниқланса, у жиноий жавобгарликка тўртилса, тўғри, бу саъйи ҳаракат на жувонмарг бўлган йигитнинг ўрнини босади, на ота-она юрагидаги доғу ҳасратни, — бироқ жиноят юзасидан берилажак жазо фақат шунинг учунгина эмас-ку, ахир, жамиятнинг ҳар бир аъзоси —

миллатидан қатъий назар — тенг қадр-қимматга эга эканлиги, унинг ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза этадиган Қонун мавжудлигини англатмайдими бу?! Адолатсизликни бартараф этиш, ўзгаларни ҳушёрликка ундаш, бинобарин, кенг қулоч отиши мумкин бўлган зулм ва жаҳолатнинг олдини олиш эмасми бу?!

«Ўтган йили ноҳиядан юзлаб йигит ҳарбий хизматга чақирилди. Шу йилнинг ўзидаёқ бир неча тобут келтирилди, 34 нафар йигит ногирон бўлиб қайтди, — жумҳурият Олий Советининг ўтган сессиясида Иштихон ноҳия фирқа кўмитасининг биринчи котиби, депутат Тўрақул Йўлдошев шундай деди. — Коми АССРда бир йигитимизни калтаклашди... Фрунзе шаҳрида йигитларимиздан бири ном-нишонсиз йўқолди...»

Бироқ уларни хизматга узатган, демак, биринчи навбатда ҳимоя қилиши лозим бўлган ноҳия, вилоят ҳарбий комиссариатлари эса жим, йилига юзлаб тобут келса-ю, ўзларига бунинг зиғирча ҳам алоқаси йўқ сингари улар сукут сақлашса?! Жон-жаҳдлари билан биринчи тиббий текширув хулосасини ҳимоя қилишса, ёпиқ тобутнинг ёпиқлигича кўмилиши учун жонларини жабборга беришса?

Буни қандай тушунмоқ керак?

Фавқулодда тадбиркорликми? Журъатсизликми? Ва ёки халқига хиёнатми бу?..

Токи темир тобут ўликхонага элтиб, темир стол устига қўйилмагунча катта лейтенант Сергей Савенко бирмунча хотиржам, барчани бадгумонликда айблаш билан овора эди, бироқ тобут очилиши аниқлашгач, аввалига у бесаранжом бўла бошлади, кейин келиб бизга ўтиндики, ҳарбий қисмдаги елкадош дўстлари Саидахмаджоннинг дафн маросимида ишлатсинлар учун, яъни ота-онанинг оғирини енгил қилиш ниятида пича пул жамғаришган, бир минг тўрт юз сўм, шуни биз ё унинг қариндош-уруғига ва ёки отасига топширсак!

Аламингни чандон ўртайдиган таклиф. Унга жавобан нима ҳам дея оласан киши? Сенинг хайриянгга зорми улар, десанг, чиндан ҳам бу халқ кўзбўямачилик қилиб роса пул топган шекилли, деб ўйлайди; буни таҳқирлаш деб билади улар, десанг, икки дунёда ҳам ишонмайди.

— Кеча биз Саидахмаджонларникига ўхшаш жуда ғариб бир хонадонда меҳмон бўлдик, — дедим гапни узоқдан бошлаб, — «Москва» колхозида. Уй эгаси —

Амир Қўшмуродов топган-тутганини дастурхонга қўйди. Етти боласи бор экан унинг, жами тўққиз жон. Тўрт гектар ер олган. Пудрат асосида бултур ўн тўрт тонна пахта етиштирган шу оила, биринчи кунданоқ негадир ҳосил иккинчи сортга олинган, хуллас, йил — ўн икки ой қирт-қирт заҳмат чекиб, тўққиз жоннинг топгани — 4100 сўм! Не-не солиқлар, техника ҳақи, бўлак харажатлар ҳам шунинг ичида. Жон бошига тақсимласанг, ойига 30—35 сўмдан тушмайди ҳатто. Лекин, биродар, сенинг пулингни олмайди булар! Ҳақорат деб тушунади! Шунақа халқ бу!

Сергей Савенко ишонкирамай мийиғида синиқ илжайди, бироқ, бари бир, охир-оқибат мен айтгандек бўлиб чиқди.

— Сенинг садақангга зормидим мен?!— Сергей Савенко куйган кўнгил фарёдини тушунмади, албатта. Бироқ силқиб турган қаҳру ғазабни ҳис этди ва индамай нари кетди.

Вилоятдан келиши кутилаётган тиббий текширув ўтказувчи Бош ҳаким ва комиссиядан ҳамон дарак йўқ, қуёш эса хиёл қизарганча мағриб уфқига оғабшлаган эди. Уззу кун тик оёқда турган кишиларнинг токати тоқ бўлган, назаримда, шунча елиб-югуриш, барча-барчаси бирдан ўз аҳамиятини йўқота бошлаган эди. Шундай бўлади-ку, ахир, руҳинг тушиб кетади ва оқибат тақдирга тан берасан.

— Очса, очиб қўя қолишмайдими?— деди Ўроқбой ака ҳам ҳорғин товушда. — Қариндош-уруғи, сизлар, районнинг катталари шу ерда бўлса? Ёки шунча одамнинг гапи ҳеч қаерга ўтмайдими, а?!

— Москва кўзёшларга ишонмайди-да.

Ўроқбой ака, тушунмадим, деган каби хиёл энгашиб менга кулоқ тутди.

— Миллион одам йиғилиб, даъво қилгандаям ўтмайди, оқсокол, муҳр босилган бир парча қоғоз — ҳужжат бўлиши керак, расмий ҳужжат!

— Улиб кетган кишига ҳужжат нимага керак, чирғим?

— Ўлганлар учун эмас, тириклар ўзини ҳимоя қилиши учун керак, оқсокол.

Ҳамроқул Асқар асабий, идора томон юрди ва бир оздан сўнг хиёл чехраси ёришиб ичкаридан чиқиб келди: — Йўлга чиқишганига анча бўлибди.

Шу чоғ Сергей Савенко аллақандай хира суратларни бизга узатди, бетон устида ётган, йўғонлиги биلاق-

дай келадиган, майишган жойи эса титилиб кетган кабель тасвири...

— Нима бу?

— Мирзатоев босиб олган кабель.

— Босиб олганида оёқяланг бўлганми у?

Сергей Савенко бизга мўлтираб қаради, афтидан, калаванинг учини йўқотиб қўйган эди.

— Биласизларми,— деди у ҳеч кутилмаганда, — кейин у массаж қилинган, айрим жойлари шунда кў-карган ҳам.

— 380 киловатт ток урадию одам боласи соғ қоладими, а? Жизганаги чиқис кетгандир, ахир?

У бизни деярли эшитмас, гарангсиз қолган каби нукул гўлдиар эди: — Оёғи... чап оёғи...

— Ҳали дафн маросими бўлади, бориб халқнинг олдида сўровчиларга шу гапларни айтасиз, Сергей Федорович?

— Тушунсангизлар-чи, менинг айбим нима, бор-майман деб худонинг зорини қилдим, ҳоли-жонимга қўймай жўнатишди. Менга осон тутасизларми? Ҳаҳ, ўша...

— Оёғига нима қилган?

— Тиззадан пасти... суяклари синган.

Ниҳоят, тобутнинг темир қопқаси олинди. Саксон тўққизинчи йилнинг 12 декабрида ҳарбий хизматга кетган ўн саккиз яшар йигит ҳозир узилган гулдай бўлиб тобутда ётар эди. Эгнида — аскарлик кийими, оёқяланг, оёқлари устида — юлдузча қадалган фуражка. Гўё ҳозир жони узилгану шу бўйи қотириб қўйишган. Фақат кимдир обдон бурнини эзгилаган, ҳа, дарвоқе, юзлари хиёл саргайган, буришган лабларида, ҳа, ҳа, лабларида беомон оғриқдан инграниш асорати из қолдирган, иягида, ёноғида, манглайида захаёб, қотиб қолган қонни эслатувчи қоп-қора доғлар. Унга кўзи тушган заҳоти шўрлик ота ўкраб юборди:

— Э-воҳ! Болам бечоранинг нима гуноҳи бор эди, худойим?!

Мен ҳаким эмасман, шунинг учун ҳам ортиқча сўз айтишдан ўзимни тияман, бироқ ўз кўзим билан шуни кўрдимки, чиндан ҳам марҳумнинг ўнг билагида иккита ботиб кетган қонталаш из, тирсакдан юқори ва чап қўлида, ўнг оёғининг тўпиқдан юқори қисмида кўкарган жойлар мавжуд эди, чап оёғи тиззадан паст-

дан синган, терининг бирон қаричи тикилган бўлиб, ҳамон қонталашиб турар эди.

«Кабелни босиб олган» товонларда эса ҳеч бир асо-рат сезилмас, зоҳиран куйиш, пайларнинг тортишиб қолиш аломатлари йўқ эди; текширув ўтказган ҳаким бунинг барчасини қайд этди, фақат хулосавий ҳукм чиқаришга шошилмади, нуфузли комиссия келишини кутди у.

Ўликхонадан ҳовлига чиқдим, зил-замбил кун се-кин-аста оёқлаб борар эди. Сигарет тутататуриб, шун-ча вақт бирга судрашиб юрган кишилар қатори наза-римда сийраклашиб қолгандек туюлди, бир нимасини йўқотган одам каби беихтиёр теварак-атрофга аланг-ладим.

— Ҳа, нега ҳайрон бўляпсиз?— деди шоир, сўнг жавобимни кутиб ўтирмай ўзи изоҳ берди: — Жуфтак-ни ростлаб қолишди.

— Ким?

— Сергей Савенко ҳам, бошқа ҳарбийлар ҳам...

— Қилса, бўлар экан-ку?!— деди кимдир чексиз бир надомат билан, мен товуш келган тарафга юзлан-дим: эллик ёшлардаги вазмин бир киши ариқ бошида чўнқайиб ўтирар, ғам тўнган кўзларида армон ва ҳас-рат акс этар эди.— Боламнинг ўлигини шу ерга ҳам, бўлак жойларга ҳам олиб бордим, йўқ, қайта текши-рув ўтказишга журъатлари етмади. Ёзмаган жойим, қилмаган саъйи-ҳаракатим қолмади, ука. Ўзимдан ўтганини ўзим биламан, аёлимни айтмайсизми, қўй-ган нарсасини жойидан топа олмайди, ҳамон хаёли жойида эмас, э-э, нимасини айтасиз...

У — Файзулла Рўзиқулов — Наримонов номидаги қароргоҳда яшайди, касби — шофёр. Ўғли — Зиёдул-ло Рўзиқулов Сосновий Бор шаҳрида хизмат қилату-риб, 442-госпиталга тушган ва бултур биринчи август кuni вафот этган. Шундан беш кун бурун Файзулла ака аёли билан Ленинград вилоятига борган ва ўғли-ни кўриб қайтган. Иккинчи август кuni телеграмма олганки...

— Эртаси куниеқ биз етиб бордик,— дейди у. — Гўё ўғлим кимёвий тарзда заҳарланган эмиш. Ишон-гим келмади. Ахир, у олти кун касалхонада ётган-ку, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш наҳотки шунча кийин бўлса? Нега энди кўзи тириклигида бизни ча-қиришмади? Нега тиббий текширув ўтказилаётган

пайтда ичкарига бизни киритишмади? Жасадни минг машаққат билан олиб келгач, удумга кўра ювиш учун уни темир тобутдан олаётгандагина барчаси равшан бўлди. Ана, Мамаражаб Нугаев, Ҳиммат Эргашев — уруш қатнашчилари, шулар гувоҳ, Норжигит Саноқулов, Қулмамат Хидиров — оқсоқолларимиз, шулар гувоҳ, кирқ икки нафар киши — тиббиёт ходимлари дейсизми, ҳуқуқшунослар дейсизми, зиёлилар дейсизми, шулар гувоҳ, шулар ўз кўзлари билан кўришди: ёноғи кўкарган, ўнг ўмров суяги синган, нақ юраги устидан пичоқ санчилган... Бошимни урмаган тош иморат қолмади, ука, қай бирига куяримни ҳам билмайман: ўн тўққиз ёшида жувонмарг кетган жигаримгами ёхуд ёш боладай алдашмоқчи бўлишганигами?.. Бу «имтиҳон»дан келиб чиқиб ўша каттоллар бундан беш баттарини қилишмасмикан? Қайтиб бордим, рота командирни Крошкиндан, полк командирни Марковскийдан, штаб бешлигидан, «Агар, сизларнинг фарзандларингизниям шундай қийнаб ўлдиришса, нима қилган бўлур эдингиз?», деб сўрадим, тумшайиб ерга қарашди улар. СССР Бош прокурорига уч марта, СССР халқ депутати марҳум академик А. Д. Сахаровга, Ленинград ҳарбий горнизонига, Ҳарбий Бош прокурорга икки марта, СССР Мудофаа министрига, СССР Соғлиқни сақлаш министрига мурожаат қилдим, улардан ҳам шундан ортиқ жавоб ололмадим мен...

Яна баҳор келади, дудоғига шабнам инган ғунчалар яна юз очади. Яна Юлдуз Усмонова ял-ял ёниб, тўлғоқли овозда илтижо қилади: «Сен мени ишонтир, сен мени ишонтир муҳаббатингга-а!..» Суйганини соғинган ошиқ ойдин кечалар уйку — нима, билмай тўлғонади, яна тонг отади, кеча кўзи ёриган онанинг меҳри билан серғалва бу оламни куёш аллалайди, лекин у — яшашга ҳаққи бўлган, бу олам чиройига ҳали кўзи тўймаган ўн саккиз яшар йигит қайтиб бу дунёга келмайди энди.

Жудолик ситами. Уни тушуниш, унга хайрихоҳ, ҳамдард бўлиш бошқа, кўргулик бошга тушганида юракдан шу ситамни кечириш бошқа. Бу дунёда фарзанд доғидан кўра мусибатлироқ кулфат бўлмаса керак.

• Тераклар учига илиниб қолган қуёш, шоир айтмоқчи, шарт узилган бошга ўхшаб қуйига эна бошлади. Худди шу пайт дарвоза ланг очилди-да, тиббий текширув бўйича вилоят Бош ҳақими ичкарига кириб кел-

ди. Дафъатан у ҳарбий қисмда ўтказилган тиббий текширув хулосаси билан танишиб чиқди ва, айтдики, бу қонуний кучга эга эмас, негаки ток урган тақдирда терининг жароҳатланган қисми кесиб олинади ва махсус тарзда, етти кун мобайнида тадқиқ этилади, сўнг текширув якуни қайд этилган жойга тикиб қўйилади. Ашёвий бу далил йўқ, қолаверса, аскарнинг ўлимидан буён атиги уч кун ўтибди, холос. Демак... — У шундай деди-да, темир тобут турган хонага қараб юрди...

Одам юрган йўл узра асло Бош кўтармас ва ўсмас гиёҳ. Қадим урфинг от йўлингдаги Тўсиқларки отгандай гўё.

Қора хуфтонда биз мотамсаро қишлоққа кириб бордик. Сўзлашгулик ҳолимиз қолмаган эди, бироқ машинадан тушишимиз билан кишилар, эрталабдан буён туз тотмаган, бетоқат, бизнинг йўлимизга кўз тиккан кишилар сел каби тошиб, тўрт тарафдан устимизга ёпирилиб кела бошлашди. Шундагина мен халқ деб аталмиш асов бу кучнинг қудратини илк дафъа ич-ичимдан ҳис этдим, худо кўрсатмасин, агар у ғазабга мингудек бўлса, шундай бир беомон тўфонга айланадики, ҳеч бир тазйиқ уни даф эта олмайди. Ҳозирча у бир нарсани, ютоқиб фақат бир нарсани билишни истар эди, холос: гарчи аччиқ бўлса-да, бор **ҲАҚИҚАТНИ!**..

20 апрель 1990 йил.

ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ

Ҳар битта қувончда мингта ғам кўрдим.

Қабртошдаги ёзув. XVI аср.

Дўрмонда, идора ёнидаги кичик бир кўчада саккизта ногирон бола бор: бири фалаж, иккинчиси боддан букчайиб қолган, учинчисининг акли заиф... Экологик талофот таъсири эмасми бу?

Фарҳод Ражабов.

Биз — мураббий, ёш авлоднинг тарбиячиларимиз. Улар қанчалик соғлом, қанчалик заковатли бўлишса,

бизга бу шунчалар қувонч ва саодат бахш этади. 1971-72 ўқув йилида Навоий райони марказида кар ва гунг болалар махсус мактаб-интернати очилган ва ўшанда биз 150-200 нафар ўқувчига эга бўлгандик, 1987-88 ўқув йилига келиб, бу кўрсаткич 285 нафарга етди. Аҳвол шундай давом этаверса агар...

О. Будько, Д. Казакова, А. Лакчаков, М. Рўзиева, Н. Спиридонова, З. Тоирова, О. Умаров, А. Шах-базиди, Р. Юхананова, В. Молчанова [жами 97 киши].

Сабру тоқатнинг ҳам чегараси бор-ку, ахир! Инсоф қолганми ўзи бу ёруғ оламда? — юзлаб кишилар, хусусан, мураббийлар бирваракайига шундай нидо қилса, сиз нима деган бўлур эдингиз?

Темир «капалак»лар...

Яқин-яқингача куз келган заҳоти улар осмону фалакни тутиб кетар, тошбағирлик билан заҳриқотил сепганча далаю қишлоқлар узра учиб юришар эди. Капалаклар, арилар ва ҳатто қушлар ҳам бу тазйиққа бардош бера олишмади ва ахйри ўз маконларини уларга тамомила бўшатиб беришди.

Бугун бизни улар Орол сари бошлаб учаётир. Қу-йида — шу зуғум туфайли пайҳон бўлган замин, кемалар қабристонини ва ўлик денгиз...

Қайтгач, Аму соҳилига чиқдик. Қорақалпоқнинг биз тенги шоиру носирлари армон каби чайқалиб ётган дарё бўйида, тўрангиллар соясида бир отамлашсак деб дилга тугишган экан. Яшириб нима, ўртада — дастурхон, қандайдир Медведев айтмоқчи, пора эмас, йўқ, ота-боболардан қолган удум бу! Шу десангиз, дастурхон ҳам қорақалпоқ ёвони каби файзсиз, бир бурда қотган нон, бир боғ пиёз ва минерал сув...

— Шуям анқонинг уруғи, — деди Ўрозбой Абдураҳмонов маҳзун жилмайганча, — шу сувниям биз меҳмон отангдан улуг деб...

Сухбатимиз, гапнинг очиғи, унча қовушмади. Ҳали нафас ростламайтуриб, вьетнамликка ўхшаш йигитни йўтал тутди, йўтал шу қадар кучли эдики, бечоранинг муштдайгина жуссаси қалт-қалт учарди. Шу орада юзлари шишиб кетган шериғи ҳам унга эш бўлди, ҳадеб у йўталини бўғишга уринар, азбаройи қийналгани-

дан йўғон томири бўртиб чиққан, кўзлари эса ёшланиб кетган эди. Ўзларининг дардмандлигидан хижолат чекишди шекилли, ахийри улар ўринларидан туриб, тўранғиллар орасига кириб кетишди, бироқ ўша шўрликларнинг ўқчиши, алам ютиб балғам ташлаши ҳали-ҳали кулоғим остида, ҳали-ҳали шу ёдимга тушса агар, юракларим қон бўлади, қон!

Америка қўшинлари Вьетнамда кимёвий урушга якун ясаётган кезларда вьетнамликка ўхшаш бу йигит ҳали бола бўлган: соғлом ва орзуманд, ҳали шу қисмат ўз бошига ҳам муқаррар тушажагини у хаёлига ҳам келтирмаган.

Академик Владимир Соколовнинг кафолат беришича, пестицидларнинг асосий қисми тирик мавжудод, шу жумладан, инсон ҳаёти учун бағоят хатарлидир. Вьетнамдаги кимёвий уруш фавқулодда кулфат ва аянчли асоратлар қолдирди. Шафқатсиз даражада гербицид қўллаш наинки табиатни, балки ҳаётни ҳам издан чиқариб юборди. Қанчадан-қанча кишининг умрига зомин бўлди у.

Сенга тенгдош йигит ўпкаси оғзига тикилганча ўқчиётганида, қон аралаш балғам ташлаётганида, азбаройи ҳаво етишмай яна бири кўкариб-бўзарганида — қурукликда қолган балиқдай оғзини каппа-каппа очиб ҳансираётганида, сен — ундан аҳволи бир қадар саломат бўлган, бундай кўргулик, бундайин ситам наслига ҳали у қадар таҳдид солмаган одам — не кўйга тушар эдинг?! Унинг, дардга чалинган наслининг, хазондай созурилган замини, зардобдай бўзариб жон бераётган денгизи ҳаққи, шу шўришлар ҳаққи елкангдан босиб тушаётган уволу гуноҳдан халос эта олармидинг ўзингни?!

Сизнинг дилингизда эҳтирос қўзғалоқчи эмасман, навоийлик мураббийлар қатори «Сабру тоқатнинг ҳам чегараси бор-ку, ахир! Инсоф қолганми ўзи бу ёруғ оламда!» дея қарс уринг демоқчи ҳам эмасман, на чора, ўз кўзим билан кўрган, ўзим англаб етган кулфат ҳақида бўлакча оҳангда сўзлаб бўлмайди.

Буни англаш учун ўша — денгиз бўйига бориш, тамомила айниган ўлимтик сувни, одамникига жудажуда ўхшаш, жуда баҳайбат темир қовурғаларни — қалашган кемалар қабристонини, кечга томон эса оламни тутиб кетгувчи тузли тўзонни, шунда мўйноқ-

ликнинг кўзи қонталашиб, қўллари акашак бўлиб қолишини ўз кўзинг билан кўриш, касалманд ва ноумид кимсанинг нафрат тўла сўзларини ўз қулоғинг билан эшитиш керак бўлади. Тагин сафардошинг айтган шундай сўзларни ҳам эшитиш керак бўладик, унда сен бирдан ҳушёр тортасан ва қўли очиқ мезбон ҳозиргина келтириб дастурхонга қўйган тиллоранг баликқа тикилган кўйи тош қотиб қоласан. «Тановул қилманг, айтиб бўладими ахир...»

Бир замонлар ўлатга дучор бўлган қоратанли аҳолини халос этиш ниятида овлоқ ва ёввойи ўлкага борган овруполик оқтанли шифокордай ҳис этасан ўзингни.

Денгиз ҳаёт-мамоти бўлган, балиқ тутиб тирикчилик қилган юз мингларча кишининг на азалий удуми, на хўжалик юритиш тарзи ва на дарду дунёси билан ҳисоблашадиган, на уларни, на келажагини ёқлайдиган бирон-бир киши шунча йил ўтиб, топилмади, оқибат қишлоқлар файзини йўқотди, оқибат қум кўчиб боғларни босди, оқибат умидлар узилди буткул. Бугун мўйноқликлар сиздан, биздан юз ўгиргандек гўё. Ахир, уларнинг қишлоқларида дамқисма, қоқшол, ҳатто моховлар пайдо бўлаётган экан, шунинг ўзиёқ академик Яншин даъвосини тасдиқламаслиги мумкинми сира:

— Бу жинойтдир!

— Бизнинг қўлимиз калта! Вилоят — бари бир вилоят экан-да,— дея зорланди ўша — вьетнамликка ўхшаш йигит,— сизлар бор гапни рўй-рост айтишингиз керак, ҳар қалай, овозингизни кўпчилик эшитди.

Эҳтимол, шундайдир, эҳтимол бу ҳам анчайин нисбий тушунчадир?

Ҳа, дарвоқе, Вьетнам хусусида нечун сўз очилди?

Шахсан мен Орол ва у туфайли, турфа захриқотиллар туфайли инсон саломатлигига етаётган зиёну заҳмат фақат пахта якказироатчилиги билан изоҳланади, деб ўйлайман, якказироатчилик чирмовуқдай чирмаган кезлар кимёвий қирғинбарот Вьетнамда аллақачон

тугаган, унинг мудҳиш оқибатлари эса инсонпарвар совет олимларига кундай равшан эди.

«Вьетнамда биз аср жинояти — нафақат халққа, балки бу юрт тупроғига, тирик мавжудодга қарши очилган урушга дуч келдик,— деб ёзади академик Соколов ўз мақоласида,— табиатнинг жамики жонли аъзосига нисбатан ваҳший йўллар билан қилинган беадад қабоҳатни кўриб, ёқа ушламаслик ҳеч мумкин эмас.

Босқинчи ёв матонатли халқ қаршилигини синдира олмагач, унинг бирдан-бир яшаш манбаини йўқ қилишга қарор қилди...

Уларнинг қўлидаги гербицид ва дефолиантлар мамлакат учун қирғин, очлик-қаҳатчилик туғдирувчи қуроллар эди аслида...»

Ҳа, айнан шундай.

Етмишинчи йиллар. Кимё корхонаси бизга икки қадам, шунинг учун ҳам хўжалик махсус қовғалар билан бориб, шаҳардан суюқ аммиак ташиб келишни жорий этган. Қовға ўқариқ бошига қўйилар ва унинг жўмрагидан сувга бир маромда дори томчилаб турар эди. Худо урган кунларнинг бирида қовға жўмрагига нимадир тиқилиб қолган. Ҳадеганда суюқ аммиак келавермагач, табиийки, бригада бошлиғи қаттиқ безовта бўлган, қовғанинг ўёқ, буёғини қовлаштирган, жўмракка оғиз босиб пуфлаган, ҳеч бўлмагач, тиқилиб қолган матоҳни сўриб ташлаш керак, деб ўйлаган, шундай ҳам қилган.

Ҳали элликка ҳам тўлмаган келбатли киши эди у.

Бир қултум заҳриқотил боёқишнинг ичига кетган. Икки-уч кун ўтмай у шифохонага тушди. Операция қилишди, ичагининг идраб кетган қисмини жарроҳлар кесиб ташлашди, ичини тозалашди, кейин яна, яна... Бироқ шундан ҳеч бир наф тегмади унга.

Гўрўғлидай одам — исми Мансур, Ҳақназар полвоннинг ўғли, тоғни урса талқон қилар эди — бир ҳафтага етмади шўрлик!

Агар мен янглишмасам, шунда одамлар илк дафъа хушёр тортишди ва ўша — мўрисидан сарғиш тутун бўрқсиб чиқаётган, наинки чиқаётган, балки бутун бир воҳага таралиб, тумандек чўлғаб ётган комбинатга ҳадик-хавотир, таҳлика ичра тикилиб қолишди. «Наҳотки у шунчалар даҳшатли бўлса?!»

Ўшангача...

Қирқ еттинчи йилнинг иккинчи июлида Нью-Миксико штатининг Россуэл шаҳри яқинида ерга номансуб қандайдир учар ликопча қулаб тушган дейишади. Ликопчадан икки миллча наридан одамга ўхшаб кетадиган тўртта мавжудод топилган ва улар шу тайёрада учиб келган дея тахмин қилинган, биологик тадқиқотлар эса шуни кўрсатганки, табиатан инсон боласига сира-сира ўхшамаган улар...

Шаҳар, мана бугун — орадан шунча йиллар ўтгач, чиндан ҳам тун қўйнида сузиб келиб, чўлга қўнган учар ликопча тасаввурини қўзғайди менда, гўё у нилуфар каби тонгда юз очган, сийнасида: ишга шошаётган кишилар, турнақатор иморатлар, сарғимтир тутунга чўлганган корхоналар...

Ҳа, ўша мусибатли кунга қадар бу шаҳар ва унинг тепасида салладай чувалган тутунлардан бирон-бир киши зиғирча бўлсин чўчимаган. Москва тасарруфидаги бу қалъага бориш, ҳамон қишлоқларда тақчил бўлган сарийёғ ва ёки бир нимта гўшт олиш уларга оламжаҳон шодлик бахш этган. Ҳеч маҳал улар: «Ким? Қачон? Нега энди айнан бизнинг тумшуғимиз остида шу мўриларни қурди? Кимлар яшаётир у ерда? Нима бало ишлаб чиқармоқда ўзи?», деган саволларга жавоб ахтаришмаган, шундай хаёлга ҳам боришмаган аслида. Ишнинг кўзини биладиган кишилар келиб, фавқулодда кўркам шаҳар қуришганидан улар хурсанд, келиб кимлардир бу ерда яшаётганидан эса сира-сира хафа эмас эдилар. Аксарият эшитган, ҳатто кўрганлар бор: ўша сарғимтир тутунга агар зоғ рўпара келса ҳам, тамом, қулаб ерга тушади ва жон таслим қилади, пойтахтлик олимлар унинг таъсир кучини синаймиз деб қирқтача куёни нобуд этишган; шу ҳаводан нафас олишяптими, демак, ўзлари ҳам заҳарланишаётир, ер юзидаги жамики расо мамлакатларда эса бундай талофат ҳаққи маълум миқдорда ҳукумат тавон тўлайди, шуни билишса-да, ҳеч вақо даъво қилмади улар; ерни-да, сувни-да, ҳавони-да заҳарлаган, бироқ шундан огоҳ этмаган шаҳарликлардан, олимлардан ва ёки ҳукуматдан ҳеч маҳал норози бўлишгани ҳам йўқ. Бироқ бу оламда ёзилмаган шундай бир қонуният мавжудки, унга биноан бола йиғламаса она сут бермайди. Ҳуқуқини танимаган, ҳақини талаб этмаган сўнгги нафасига қадар топталаверади. Ва охиروқибат, бир кун у жони ҳалқумига тиқилганча беих-

тиёр фарёд чекади:— Сабру тоқатнинг ҳам чегараси бор-ку, ахир! Инсоф қолганми ўзи бу ёруғ оламда?!

Ҳазрат Навоий номини олган бу шаҳар ярим кечаси учиб келиб, чўлга қўнган тайёрага бежиз қиёс этгулик эмас. Зеро, олтмишинчи йилнинг бошларида воҳанинг Чўли Маликка туташ жойида у фавқулодда суръат билан қад ростлади. Шаҳар ҳар қанча диловар бўлмасин, уйи-жойини ташлаб биров шу ёққа талпинганини аниқ эслай олмайман, лекин унинг оғушидан қўним тогган Есенинга ўхшаш йигитлар, мовий кўз дилобар қизлар ҳатто олис қишлоқ мактабларига қатнаб, рус тилидан бизга сабоқ беришар эди...

Беш-олти йил аввал бу шаҳар ҳақида тўлиб-тошиб шундай ёзишган: «Улуғ шоир Навоий орзуси бугун воқеликка айланди. Навқирон шаҳар ва унинг қудратли саноати кундан-кунга барқ ураётир. Шаҳарнинг истиқболи порлоқ».

Бугун мени ўйга толдирган ҳам шу — шаҳарнинг эртанги куни, эртанги ташвишларидир. Ахир, шу ерда униб-ўсганман, жон риштам туташ унга, гиёҳванд каби у жисми-жонини заҳарлар экан, бундан кўз юмиш ва ёки сукут сақлаш мен учун оғир. Тасаввур қилинг: юз ўн етти минг киши — олтмиш мингча рус, мингларча яҳудий, эстон ва татар, қанча украин, шунингдек, ўзбек шу ерни ўзига «Ватан» деб билган, шу ерда улар оила қураётир, шу ерда улар фарзанд кўраётир, шу ватанда илдиз отаётир, модомики шундай экан, бу шаҳар ва унга туташ воҳа аҳлини аслида нима кутаётир эртага?!

«...Шундай ҳол давом этаверса, бирники мингга, мингники туманга деганларидек, келажак наслларга янада оғир талофат етмайдими? Туғма ногиронлар сони камайиш ўрнига, нега йилдан йилга ошиб кетмоқда? — дея ташвиш чекишади навоийлик мураббийлар. — Шундай талофат кўришимизга қарамай, давлат манфаатига қарши бориш — бошга бало орттиради, амалдорлар тазйиқига гирифтор қилади деган истиҳолада ҳамон дардимизни ичимизга ютиб келмоқдамиз. Бурқ-сиб ҳавога кўтарилаётган, оқова сувлар туфайли ерга сингиётган заҳар... дўзах азобини бошимизга солмоқда».

Ҳавонинг ифлосланиши, экологик аҳволнинг аянч-лилиги яқин-яқингача пардалаб келинди, дейди улар. Ёки бу, сизнингча, ёлғонми? Давлат манфаати инсон саломатлигидан устун турадими ё? Нима бўлганда ҳам факт фактлигича қолади...

1960 йил Зарафшон дарёси бўйида иссиқлик электр станцияси қурила бошланди. Келаси йил эса бесўна-қай бирлашма — «Навоiazот», сўнг Электрохимия за-води...

Кимёвий толаларни қайта ишлаш фабрикаси.

Тоғ-кон металлургия комбинати.

Ўн маҳсулотлари комбинати.

Мотор-ремонт заводи.

Цемент заводи.

Уларнинг аксарияти биринчи даражали заҳар чи-қитли муассасалардир. Бу муассасаларнинг киприкдек тизилган турфа хил мўриларида, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, худонинг берган йили 125 минг тонна атро-фида бири-бирига ўхшамаган, бироқ инсон саломат-лиги учун бағоят хатарли бўлган кимёвий моддалар ҳавога учиб чиқади ва шусиз ҳам нобоп жойга қурил-ган, ҳавоси ҳамиша дим бўлгувчи шаҳарни, наинки шаҳарни, балки бутун бир Зарафшон воҳасини беками-кўст заҳарлайди. Бултур йил оёқлаётган кезлар ҳаво таркибида азот оксиди ўн, аммиак миқдори эса ўттиз икки баробар ошиб кетган. Тоғ-кон металлургия ком-бинати ҳавзасидан ерга сингиётган минг чандон хатар-ли сув эса заминнигина яроқсиз қолга келтириб қол-май, ерости сувларини ҳам нурлантириб бўлди. Бун-дан беҳроқ ҳавзалар, оқова бўлак корхоналар атрофи-да ҳам озмунча эмас. Шунинг оқибатида Кармана му-зофотидаги қишлоқлар аллақачон фйзини йўқотган. Агар сиз бундан ўн йилча муқаддам мана шу ерлар-да — «Ленин йўли» колхозида бўлсангиз, полиз ора-лаб оқаётган зардобдай сувда сигарет қолдигидан тор-тиб, то ишлатиб ташланган резина матоҳгача кўришин-гиз мумкин бўларди, азбаройи сув тақчиллиги туфай-ли улар шаҳару қорхона чиқит сувларидан фойдала-нишар ва шу тарика мева-чева, сабзаот етиштиришар эди! Ҳозир эса ўша пайтда боғ бўлган дов-дарахтлар ҳам қуриб битган, айрим ҳовлилардагина ҳамон узум япроқлари сарғайиб турибди, бироқ болдай товланаёт-ган ҳусайни таъмини тотиб кўришга эса бирон-бир киши журъат эта олмайди.

Энг даҳшатлиси шундаки, ота-боболардан мерос бу юртдан эсон-омон нарироққа кўчиб кетишни ҳеч ким хаёлига сиғдира олмайди, гарчи улар хатто ичар сув билан таъминланмаган бўлишса-да! Турмуши минг машаққат билан кечаётган шу юрт узра иссиқлик электрстанцияси мўрисидан кўкка ўрлайдиган беш минг тонна кислотали буғ ҳар йили ёмғир бўлиб ёнилишини, майли, мен айтмай қўя қолай. Мен айтмай қўя қолай — биргина ўнинчи беш йилликда Ўзбекистоннинг [шу жумладан воҳанинг ҳам] ҳар гектар пайкалига 2,2 килограмм миқдорида гербицидлар, 16,2 килограмм дефолиантлар, 36 килограмм инсектицидлар сочқидай сочиб ташланганини!

Агар сиз икки миллион гектардан зиёд ерга чигит қадалишини назардан қочирмасангиз...

Келинг, яхшиси энди академик Соколов қайд этган рақамларни кўздан кечирайлик: «фақат жанубий Вьетнамнинг ўзига босқинчилар тўқсон минг тонна гербицид ташлашди. Қирқ фоизча жойга беш марта, ундан ҳам кўп заҳар сепилди... Қайта парвариш қилиш учун гарчи ҳаракат қилинса-да, дов-дарахтнинг қарғиё ўн фоизи қуриб қолди».

Ўзбекистонда эса фақат ўнинчи беш йилликнинг ўзида тўққиз миллион 172,5 минг тонна соф азот ишлатилган. Ҳар йили қўлланилаётган хлорли пестицидлар миқдори эса роп-роса олти минг тонна. Хлорли органик бирикмалар шундай бир балоки, у инсоннинг жисмоний иқтидоринигина эмас, балки аклий қобилиятини ҳам ўтмаслаштира боради, ҳеч кимга сир эмас бу, шунинг учун ҳам ақли нокислар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётир.

Тирноққа зор бўлиб изиллаётган келинчаклар, тирноққа зор бўлиб, қон йиғлаб ўтаётган кишилар... наҳотки сиз уларнинг кўз ёшига ачинмайсиз, наҳотки сиз уларнинг қарғишидан чўчимайсиз! Ахир, азот кислотасининг ирсиятга зиён етказиши бундан роп-роса қирқ йил мукаддам маълум бўлган, эди-ку. Нега биз ҳамон бун кишилардан яширамиз, ҳамон навоийликлар шундай балонинг ўн тўққиз тоннасини йил мобайнида, ҳатто ўзлари англамаган ҳолда симириб келишади. Ҳуда-беҳуда ерга солинаётган фосфор ва калий ҳақида, кимёвий ўғитлар ҳақида, улар истеъмол қилаётган ноз-неъматлар таркибидаги нитрат миқдорини йилдан-йилга ўстираётганлиги ҳақида, майли, мен гапирмай қўя қолай. Майли, мен гапирмай қўя

қолай, нитрат кишиларни инжик ва асабий куйга солишини, бироқ шу ўғитлар ҳар қандай АЭС чикитига нисбатан икки, пестицидлар эса ўн олти баробар хатарли эканлигини, шунинг учун ҳам жумҳуриятда икки юз мингдан зиёд бола ҳар йили сариққа гирифтор бўлаётганлигини... бу, жумладан, рак ва буйрак дардига чалинганларнинг ҳар учдан бири қайтиб ўнланмаётганлигини, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонат дунёсининг 220 ва ҳатто ўндан ҳам зиёд тури тамомила қирилиб битганлигини айтмай сира-сира иложим йўқ менинг! Чунки асрлар бўйи шу заминда яшаб келган, яшашга тўла-тўкис ҳақлари бўлган бу мавжудодлар адолатсиз истибоддод туфайли қирилиб битдилар. Бугун маҳв этганлар тугул ҳатто яратган эгамнинг ўзи ҳам қайтиб уларга тириклик бахш эта олмас эҳтимол. Ҳолбуки, бу замин бизга тўшак, бу осмон бизга бино, бу мавжудод, турфа бу неъматлар оламга кўрк, бизга ризқ бўлсин учун яратилган эди.

Жеймс Жойс она Ватани ва унинг қисмати қўлида бўлганлар, улар халқ бошига солган кулфатлар ҳақида ўйлай-ўйлай, келган сўнгги хулосасини айтишдан аввал худо урганни пайғамбар асоси билан қандай туртиши хусусида сўз юритмоқчиман, зеро, бунингсиз Зарафшон воҳаси аҳли қандай шароитда кун кечираётганлигини яхлит тасаввур этиб бўлмайди.

Бундан бир йилча муқаддам — қайта қуриш айни авжига чиққан кезлар ҳориб ишхонадан қайтдим-у, ўйни тўлдириб ўтирган элатдошларга кўзим тушди. Ҳам чарчаш, ҳам қишлоқ соғинчи боис, унинг ҳавоси, жондош тупроқ ҳидини ҳали туйиб, ҳали севиниб улгурмасимдан, иситгичга орқасини бериб ўтирган йигит ҳадеб ишқаланаётганини пайқаб қолдим. Унинг юзлари қуруқшаган, кўзлари бежо, лаблари қақраб кетгандек эди гўё, жуда безовта, афтидан, юраги қаприқиб кетар, шунда ўзини қўярга жой топа олмай жон-жаҳди билан қашинар, назаримда, ҳеч нима кўзига кўринмас эди. Ўша — вьетнамликка ўхшаш йигит каби дард тутганда истиҳола қилиш, ўзгалар назаридан қочиш босқичидан ўтган эди у.

Пича ўзига келгач, кўйибадидан ор қилгандек, хиёл ийманинқираб сўрашгани кўл чўзди у. Аввал унинг кўлидаги сувочган ярага, сўнг билаги, кўкрагидаги қўтирсимон жароҳатларга кўзим тушди. Ўшириб

нима, юрагим орқага тортиб кетди шунда. Шўрликнинг оёқлари, ҳатто бўйинлари ҳам яра-чақа бўлиб кетган, энг даҳшатлиси, улар сувочиб турар эди.

Мен бу касаллик вабодай юқумли эканлигини яхши биламан. Ўша йигит айбга буюрмас мени, азбаройи бу дард қай гўрдан келиб чиқишини бир шифокорчалик билганлигим учун ҳам бугун у ҳақда сўз юритишга мажбурман.

У шифо истаб келган экан...

Уч-тўрт йил аввал шамоллаш туфайли шифохонада ётиб, қандайдир юмуш билан бир куни аллергия — ёқмасга, луғатда ёзишларича, «организмда ёт модда, микроб ёки уларнинг маҳсули туфайли юзага келадиган, организм реакциясининг кескин сусайиши, ёки кучайишидан иборат касаллик»ка гирифтор бўлганлар ётувчи бўлимга кириб қолдим. Мабодо бу ерга бош суқсангиз агар, нимадир ёқмас бўлиб, кундуз кунни-ку, майли, хастанинг қиладиган бўлак иши йўқ, ҳатто узундан-узоқ қиш кечалари ҳам йўлакда сил бўлиб қашиниб юрувчиларни, ҳаво етмай кўкариб ётган ўн саккиз яшар қизларни, ўтда куйган каби аъзо-йи баданига пуфак тошиб кетган аёлларни ҳар қадамда учратишингиз мумкин бўлади. Иқлимнинг булганчилиги оқибатида шу куйга тушган бу шўрликларнинг жон ҳалпида қашинганини, кўлу оёқлари, кўкраклари яра-чақа бўлиб кетганлигини кўриш нечоғлик азоб эканлигини тасаввур қила олармикансиз сиз? Қичий-қичий товондан бошлангувчи дард гумириб келиб юракка тўкилганида у қандай талвасага тушишини, бечора ўзини еб ташлашини тасаввур қила олармикансиз сиз? Ширин жонини халос этмоқчидай, асабий умтилаётганларни кўриб туриб сиз, ё раббий, дейсиз, бу ситам, бундай жабру жафога қайси гуноҳлари учун мубтало этилди улар?!

Мен баъзан бу хасталарни даволаб, ҳаммо балони кўриб-билиб, тагин ичига ютиб юргувчи шифокорларга, рости, уларнинг тарс ёрилиб кетмаганига ҳайронлар қоламан...

Ўша йигит шифохонама-шифохона қатнаб, гоҳ Тошкент, гоҳ Бухорода сурункасига даволангач, хар қалай, пича ўзига келди, бироқ нима унга ёқмас бўлган — юртининг сувими, ерими ва ёки ҳавосими — шифокорлар бунини аниқлай олишмади. Модомики, шундай экан, қишлоққа боргач, ўзига ёқмайдиган нарсани туйган заҳоти унинг дарди яна қўзийди, шунинг-

дек, ҳар баҳор, ҳар қишда — ҳар сафар ҳаво ўзгарганида бу дарду бедаво қайта ва қайта хуруж қилади. Шунда, билингки, дунё кўзларига қоронғи бўлиб, у қашинади, тароватли баҳор кунларида ҳам боёқишга ҳаво етмайди, нафаси қисади, саркаш ва асабий, яралари сувочганча қўллари қўтир боғлаб...

...худонинг хоҳлаган бир кунни ў сизнинг естонангизни босиб ўтади ва нақ уйингизга кириб келади! Бунга журъат этишга унинг маънавий ҳаққи йўқ деб ўйлайсизми ё? Орамизда оралашга ҳақсиз-ҳуқуқсиз, қўтири юқиши мумкин, деб ҳисоблайсизми? Йўқ, унда «сиз янглишасиз»...

Ҳар биримизнинг олаётган нафасимизда, ичаётган сувимизда, тановул қилаётган таомимизда, демакки, қонимизда, жисму жонимизда у яшаётир, бир қаро жунда у бош кўтармайди деб ким кафолат бера олади?!

«Қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкинки, — деб ёзади навоийлик шифокорлар бир ҳужжатда, сил, тери-аллергик [—ёқмас] ва юқумли касалликлар оқибатида ўлим, болалар ўлими жуда ўсиб бораётир...»

Агар мен янглишмасам, ёқмасга гирифтор бўлганлар жуда нуфузли ва каттагина «қўшин»ни ташкил этишади. Кимгадир кимё корхонаси мўрисидан бўрқсиб чиқаётган тутун ёқмаса, кимгадир гўза гули, бошқа бировга эса бўёқ ҳиди ёқмайди, ҳатто акация атридан зада бўлганлар бор. Чунки биз инсон боласи табиятан яшаши мумкин бўлган иқлимдан буткул бўлакча шароитда яшаётирмиз, биз нафас олаётган ҳаво, замин — биз истеъмол қилаётган неъматлар, биз истеъмол қилаётган пахта ёғи, биз ичаётган сув аллақачоноқ заҳриқотилга айланиб улгурган. Шунинг учун ҳам биз гоҳо бир-биримиздан, гоҳо ҳатто ўзимиздан ёқмас бўламиз. Инсон саломатлигини издан чиқарувчи ЗАҲРИҚОТИЛ моддий оламда аллақачоноқ за н ж и р л и р е а к ц и я га киришиб бўлган. Сиз истайсизми ва ёки йўқми, нимаси биландир у инсоният бошига мислсиз кулфатлар ёғдирган қатли ом механизмига жуда-жуода ўхшаш, айтиш мумкинки, бу реакция ҳар қандай қатли омдан ваҳшатли ва беомондир, у шундай ҳосилалар берадики ҳали!..

Никита Хрушчевнинг «Коммунизм — мамлакатни электрлаштириш + кимёлаштиришдир!» деган ҳавойи шиоридан кейин қулоч ота бошлаган бу реакция мар-

шал Брежнев замонасида тўла кучга энди, шаклу шаймий ва моҳият касб этди, шунинг учун ҳам бугун шир ташлаган кимса ҳақида эҳтимол бир нима дейиш кийиндир, бироқ уни муайян мақсадга бўйсундирган, зимдан жорий этган шахс тасарруфидаги йилларни, унинг кирдикорини юмшоққина қилиб турғунлик, турғунлик даври деб аташларига сира-сира қўшилгинг келмайди. Рост, ўша йиллар сиртдан қараганда байрамона, бир қадар сокин кечди, бироқ айни шу даврда юритилган, нанки юритилган, балки чуқур илдиз отган яширин сиёсат бугун белги бераётган ботиний емирилишларга олиб келганлигидан кўз юмиш мумкинми, ахир? Секин аста ернинг ишдан чиқиши, кишиларнинг тоза ҳаво, тоза сувдан маҳрум этилиши, уларнинг, ҳатто наслининг саломатлигига зиён-заҳмат етиши — ирсий маъбаднинг бузилиши маршал Брежнев сиёсатининг варам мевалари эмасми, ахир?!

Бу кишилар жисмоний жиҳатдангина эмас, маънавий жиҳатдан ҳам мажруҳ этилмадиларми?!

Биргина Навоий районида ўтган йилнинг саккиз ойида мингга яқин киши ўткир ошқозон-ичак касаллигига, бу йилнинг саккиз ойида эса 55 киши оғир, 91 киши енгил кўринишдаги сариққа, 31 киши тиф ва паратиф, 31 киши қоқшол, 25 киши бруцеллёз, 14 киши эса кўкйўталга гирифтор бўлганлигини яна қандай изоҳлаш мумкин? Қандай изоҳлаш мумкин — биргина «Қизил Ўзбекистон» колхозида саксон фоиз аҳолининг турли-туман дардага мубтало эканлигини? Қандай изоҳлаш мумкин — шу хўжаликда истиқомат қиладиган 2315 боланинг роппа-роса қирқ беш фоизи организми касал юқтирмаслик ва касалликка карши курашиш, яъни имминутет ҳосил қилиш қобилиятини йўқотганлигини? Ахир, биз уларни келажак эгалари деб атаймиз-ку? Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган мана шу қизлар, орзуманд йигитлар баногоҳ шамоллаб қолишса ва ёки йиқилиб, бир жойи қонаса, кейин нима кўргулик содир бўлишини айтишга ҳатто тил бормади, тил!

Беихтиёр шеърӣ сатрлар хаёлдан кечади: Дунёни қизғанма мендан, азизим, Қалбингни ёқмасин шубҳа ва сўроқ. Мен ўзга манзилга тикканман кўзим, У сенинг кулбангдан жуда ҳам йироқ...

— Ҳар икки набиранг бири Алишер! — дейди Абдулла Орипов. Абдулла ака менинг бир қошиқ қоним-

дан кечсин-у, лекин шу тобда ушбу сатрни қуйидаги ҳолида жуда-жуда айтгим келаётир: — Ҳар икки на-биранг бири хастадир!

Мана, улуғ шоир Навоий орзуси қай тарзда воқе-ликка айланаётир, тагин унинг номини олган воҳаю шаҳарда. Ана шу воқеликнинг ич-ичига кириб борар экансиз, хоҳлайсизми, йўқми, ваҳму аросат исканжа-сида қоласиз. Неча йиллар ортида туриб, мислсиз истибдод чангалида ётган Юлиус Фучик сўнгги сўзла-рини гўё сизга карата айтаётгандек бўлиб туюлади:

— Огоҳ бўлинг, одамлар!

Пайғамбар алайҳиссаломнинг асоси билан туртгани шуки, бу шўрликлар ҳатто ичар сувдан ҳам мосуво бўлишган...

Маршал Брежнев сиёсатининг бир қабиҳ жиҳати шундан иборатки, мендан кетгунча, эгасига етгунча, жайдарироқ қилиб айтганда эса, мендан кейин қиёмат қўпмайдими! деган ғайриинсоний бир ақида шу давр-да сизнинг, бизнинг — ҳар биримизнинг қон-қонимиз-га сингиб кетди. [Мусаввир Далининг шундай бир сув-рати бор: чормих қилинган Исо хоч-почи билан қўши-либ, булганч заминдан — кўк сари — узилиб бораётир, шунинг баробарида жамики муқаддас туйғулар, умид ҳам, диёнат, эътиқод ҳам...] Шунинг оқибати ўлароқ, ҳеч вақодан биз тайсалламай қўйдик. Ҳозир Самар-қандаги Суперфосфот, «Красный двигатель» заводлари, «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Зарафшон бўйи-даги қолган-қутган чўчқачилик, товуқчилик фермала-ри борки шилта ва чиқитларини шу дарёга ташлаб қўя қолишмоқда. Негаки дарёнинг эгаси йўқ. Аслида унинг дарё деғулиги ҳам қолмаган. Самарқанд вилоя-тидан нарига ўтмаёқ у аллақачон қуриб битган бўлур эди, яхшиям, Навоий ГРЭСи бор экан, унинг ускуна-ларини ювмаса, совутмаса бўлмас экан, шунинг учун ҳам етимнинг кўз ёшидай сув ўзанда милдираб оқиб турибди, аслида у ҳам, агар нарёгини суриштирсангиз, на ичишга ярайди, на экин суғоришга. ахир, Навоийда ҳам Самарқанддаги каби корхоналар озмунча эмас, уларнинг мутсадилари ҳам Брежнев даврида тета-поя бўлишган, улар ҳам чиқитдан ўнғай ва осон қуту-лишни ўйлайдилар-у, бироқ шу заҳриқотил айланиб келиб ўзининг, фарзандининг умрига, эртанги кунига зомин бўлишини хаёлларига келтирмайдилар. Улар

уйлайдиларки, чиқит сувга тушгач, оқиб кетади, знён етган такдирда ҳам ўзгаларга етади; улар шуни билмайдиларки, хиёл юқорида — дарёнинг бошланғич қисмида ҳам совет кишилари истиқомат қилаётир, улар ҳам айнан ўзлари каби фикр юритаётир, улар ҳам...

«Навоназот» икки ариқ заҳарланган сувни, ёлғиз ГРЭСнинг ўзи ҳар ҳафта ўттиз тонна кислотани имижимида шу дарёга қўшиб юборади. Устига устак, симоб дейсизми, олтингугурт, бўлак турфа металл моддалар дўйсизми, ишқилиб, сувни «тўйинтираётир», унинг таркибида минг гардибало бор, наинки бор, балки табиий миқдорига нисбатан қирқ баробар зиёддир.

Ана шу сув сал кам қайноқ ҳолида [олтмиш градусда] — ГРЭСдан чиққач — қувурлар орқали Катта ксмга ташланади, районнинг тенг ярми эса худди шу анҳордан сув ичади, боғ-роғлар, полизлар, экин-тикинлар суғорилади ундан, шу сув ҳисобига ёвонларда пахта етиштирилади. Айнан шу сув туфайли аксарият болаларнинг тиши, жигари касал. Шу сув туфайли қизамиққа қарши эмлаш қирқ, ичтерламага қарши эмлаш тўксон фоиз ҳеч қандай самара бермаётир. Айнан шу сув туфайли болалар иммунитет ҳосил қилиш қобилятини йўқотишмоқда, ҳали бу оламни кўз очиб кўрмай — сна корнидаёқ дарду балоларга гирифтор бўлишмоқда! Ботинан пушт қуриётир!

Мана шулар ҳақида ўйлар экансан, Жейм Жойс ғазаб ва нафрат билан айтган сўзлар беихтиёр тилинганга кўчади: — Ирландия шундай бир тўнғизки, ўз пушти камаридан бўлган жигарбандлари бошини ўзи кемиради!

«Ўтказилган текширув ва тадқиқотлар хулосаси деярли бир хил: одамлар ва ҳайвонлар ўртасида юз бераётган касаллик ва ёки ўлимнинг асосий сабаби гербицидлар билан заҳарланишдир, — деб ёзади академик Владимир Соколов, — тўла бўлмаган маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, 1961 йилдан токи 1969 йилга қадар бир миллион 293 минг киши заҳарланган. Аҳолининг бир қисми нобуд бўлган. Беморлардан бир қанчаси тадқиқ этилганда шу равшан бўлдики, насл сураётган ирсий талофат оқибати ўта хатарли бўлиб, ҳали катта кулфатлар келтириши мумкин».

Бу мақола «ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ» деб номланади.

Зеро, ҳар бир нарса ўз номи билан аталиши керак.

Ахир, истеъмом худбинчилиги туфайли табиатнинг асрий мувозанатини бузишга, аجدодлардан мерос бўлмиш унумдор ердан, тоза ҳаво ва тоза сувдан кишиларни маҳрум этишга, энг даҳшатлиси, уларнинг саломатлигига зиён-заҳмат етказишга ва секин-аста наслини қирувчи сфатга гирифтор қилишга бирон-бир тузумнинг, наинки тузумнинг, ҳатто яратган эгамнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқи йўқ-ку! Модомики, шундай экан, ниҳоятда танг шароитда кун кечираётган навоийликларни янада аянчли куйга солиш, аҳволни янада мушкуллаштириш инсофу, адолатга зид бўлмайдими?

«Йигирма беш йилдирки, дамқисма билан касалман. Навсийда қандай боғ-роғлар, узумзорлар бўлар эди, эндиликда улардан асар ҳам қолмади. Ер, сув, ҳаво — ҳамма-ҳаммаси заҳарланди. Ахир, келажакни ҳам ўйлаш керак-ку!» — менинг додим эмас бу.

«Ўзи-ку бизда ҳар бешала даражанинг барчасига тегишли заҳар чиқитли корхоналар бор экан, энди бу завод нега керак? Бундан ўн беш йил муқаддам... кар ва гунг болалар йилига ўртача 170 тани ташкил этарди, ҳозир эса бу рақам 285 тага бориб етди. Ўлганнинг устига чиқиб тепиш эмасми бу. Биз — мураббийлар асбобсозлик заводи қурилишидан норозимиз... Шифокорлар айтишича, ичкиликка берилганлар майиб-мажруҳ бола кўришар экан, ҳозир умрида оғзига ичкилик олмаганларнинг фарзанди ҳам шу алпозда туғилаётир», — менинг эътирозим эмас бу, шунингдек, тубандаги норозилик ҳам: «Турғунлик йиллари ҳозирги корхоналар халқ рухсатисиз қурилган... Ҳатто собиқ СССР соғлиқни сақлаш министрлиги ҳам район санитария эпидемиология станцияси рухсатисиз қурилишга ижозат бериши мумкин эмас!» — район санитария эпидемиология станцияси шифокори Б. Бекназаров, кар ва гунг болалар махсус мактаб-интернати мураббияси М. Қиёмова, Ватан уруши иштирокчиси Э. Жўраев... қилган таъна-маломатлар бу!

Зеро, гап «Социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш программаси»да кўзда тутилган ва яқин келажакда амалга ошадиган «Навоиязот» ишлаб чиқариш бирлашмасини, Электрохимия заводи цехини ёки Цемент заводини янада кенгайтириш (!) ёхуд металл парчаларини қайта ишлайдиган цех қуриш

хусусида эмас, балки бу ҳужжатда ҳатто қайд этилмаган, бироқ саҳни дастлаб йигирма-йигирма беш, кейинчалик олтинчи гектарни ишғол этадиган, экологик зиён келтириши нуқтаи назаридан тўртинчи ё бешинчи даражали тамомила янги — А с б о б с о з л и к заводи қурилиши ҳақида кетаётир!

Ғайонининг «Коммунизм учун» газетаси шу муносабат билан «Кенгашли тўй тарқамас» деган суҳбат эълон қилди. У, шунингдек, юзлаб мураббийлар имзо чеккан норсзилик мактуби билан танишар экансиз, беихтиёр шуни ҳис этасизки, юраклардан қон силқиб турибди. Аслида ҳам шундай бўлиши табиий-ку, кишилар учун ҳаёт—мамот масаласи-ку бу!

Қолаверса, буёғи ошкоралик, Иосиф Сталин давридаги каби юқорининг кўрсатмаси қонун тусини оладиган йиллар эмас бу, олий давраларда ҳам муайян тадбир белгиланишидан аввал, ҳар қалай, муҳомаддан ўтказилаётир, ҳатто мамлакатни идора этишда халқнинг хоҳиш—иродаси инobatга олинаётир, ҳуқуқий давлат шу йўсин қарор топади ўзи. Шундай бир даврда нега энди навоийликларнинг хоҳиш-истаги, истаги, талаб ва ғурури, ҳақи-ҳуқуқи топталиши керак?

«Ҳозир матбуот экологик муаммоларни бежиз кун тартибига кескин қўяётгани йўқ, — деб ёзади мураббийлар ўз хатининг давомида, — шароитнинг ўзи шуни тақозо этмоқда. Шуни кўра-билатуриб, аниқ чоратадбирлар белгилашга нега шошилмаяпмиз? Орадан ўн-йигирма йил ўтгач, ўзбекистонликлар ҳам «Ўзгил китоб»дан жой олмайди, деб ким кафолат бера олади? Ҳар қандай виждонли кишини бу саволлар ўйлантириши табиий...»

«Завод қурилиши масаласи ш а х с а н район партия комитети ва район совети ижроия комитетининг т а ш а б б у с и билан кўтарилди. М е н ҳ а м х у д д и с и з л а р д е к р а й о н к е л а ж а г и н и ў й л а я п м а н!» — дейди район партия комитетининг биринчи секретари М. Холиқов.

Раҳмат сизга!

Нима дейиш мумкин яна?

Майли, гарчи жўнлашиш бўлса-да, гарчи мактаб ўқувчисига ҳам бу аён бўлса-да, мен шуни айтай: район партия комитети биринчи котибнинг эмас, балки шу район коммунистларининг, ижроия комитет эса халқ сайлаган депутатларнинг, бинобарин, халқнинг

иродасидан келиб чиқиб, иш юритиши лозим. Даврининг жайдари ва оддий талаби шу!

«ХАЛҚ ИРОДАСИ ХУКУМАТ СИЁСАТИНИНГ НЕГИЗИ БЎЛМОҒИ КЕРАК!» — бу ақида Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида қайд этилган ва у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан роппароса кирқ йил аввал қабул қилинган.

«Кенгашли тўй тарқамас» деган суҳбатнинг ўсидаёқ халқнинг хоҳиш-иродаси ўз аксини топган-ку, ахир: «Бунинг бизга фойдаси йўқ... Юқори ташкилотлар билан келишган ҳолда шоҳи-атлас фабрикаси қурамиз».

«Миллион сўмлик завод қуриш имкенияти бор-у, оддий бир ҳаммом қуриб ёки тўғри ишлатиб бўлмайди. Кўчаларимиз ҳамон ўзига яраша».

«Нарпай»да мой заводи бор эди, қаёққа кетди у?»

«Ўлганнинг устига чиқиб тениш эмасми бу?»

Шундай, ҳа, шундай. Йўқса, ташаббус кўтариб чиқишдан аввал халқ билан кенгашиш, жилақурса, район партия комитети биринчи котиби номига ёзилган ва район марказий шифохонаси бош шифокори, шунингдек, район бош давлат санитар доктори имзо чеккан ҳужжат — расмий хатдаги хулосавий қисмга эътибор қилиш мумкин эди-ку: «...Юқорида қайд этилган фактлардан келиб чиқиб, — дейилади унда, — районнинг қатор шифокорлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун фақат тиббий тадбирлар ўтказишнинг ўзи етарли эмас, деб ҳисоблайди, бунинг учун табиатга зиён етказувчи қатор экологик муаммоларни яхлит тарзда ҳал этиш тақоза этилади».

Расмий бу хат ташаббус кўтариб чиққан шахснинг шахсан ўзига ёзилган эди-ку! Бундан, шундай ҳаттоликга йўл қўйган ўтмишдошлари қисматидан нега у кўз юмди?! Келажак деганида нимани хаёл қиладди у?!

Ўша суҳбатда В. Коваленко — Навоий тоғ кон металлургия комбинати директори муовини — ҳам иштирок этган ва элга қарата айтганки, «айни пайтда Россия Федерациясида ана шундай заводдан учтаси ишлаб турибди. Ўзбекистонда эса Тошкент областининг Янгиобод, Самарқанд областининг Советобод ва Навоий районида қурилиши мўлжалланяпти...

Республикадан рухсат олинди...

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигидан ҳам рухсат олинди...

Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитетидан бизга шу жойни маъқул деб топишди».

Демак, корхона иттифоқ министрлигига қарашли. Демак, шу ерда қуриш мўлжалланган, наинки мўлжалланган, балки республикадан рухсат олинган, модомики шундай экан, муқаррар у қурилажак.

Демак, сиз билан бизга қолган юмуш шуки, вақтида Владимир Ильич: «Ўз республикаларидаги аҳволнинг РСФСРнинг аҳвол ва шароитларидан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятлари борлигини тушунсинлар», дея ўлка коммунистларига уқтирганини уларга эслатишдан, Ўзбекистон ўрмонларга бурканиб ётган бепоеъ Россия эмас, балки пахта якказироатчилиги туфайли унинг кўпмиллатли аҳолиси чексиз талофат кўрганлигини айтиб ўтишдан, шунингдек, республика Соғлиқни сақлаш министрлиги, хусусан, табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитетидаги «жонкуяр» мутасаддиларга таъзим бажо этиш ва бу «саховати», кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган «инсонпарварликлари» учун уларга мингдан-минг ташаккур билдиришдангина иборат, халос.

Демак, Навоийда истиқомат қилаётган русларнинг, украин ва ёҳудийларнинг, чечен ва ўзбекларнинг ҳар бири йил мобайнида ҳавога қўшиб бир килограммдан зиёд заҳриқотил истишаётгани — 45960 килограмм углерод оксиди, 19 тонна азот кислотаси, 80 тонна исгази, етти ярим тонна углеводород, қанчалан-қанча заҳарли оқовалар ва минерал ўғитлар, гербицидлар, дефолиантлар ҳали ҳам улар учун кам. Демак, районда шу йўсин яна бир корхона — лениолиум ишлаб чиқувчи фабрика қуриш ҳам кўзда тутилганлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

Демак, Инсон ва унинг ҳақ-қуқуқи, саломатлиги, жўнгина қилиб айтганда эса, одамнинг одамга ўхшаб яшаши ҳақида...

Демак, Бизнинг вазифамиз кўникмоқ беун!

Демак...

Мен эса шуни ҳам айтишни жуда-жуда истар эдимки, биродарлар, унутманг, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор! Биродарлар!..

1989 йил, октябрь.

ХОТИНДАН ҚЎРҚУВЧИЛАР

Инсон боласи муттасил тарзда сиёсатга банд бўлиб яшай олмайди, хусусан, оддий кишилар. Қайта қуриш, мажлис-тўполон, сиёсий ва иқтисодий мустанақлик бобида эхтирослар жунбушга келган бир пайтда бунинг тамомила акси бўлган жуда сокин ҳаёт ҳам азалий ўзанида давом этаётир. Шундай жойларга қадамингиз етгудек бўлса агар, истайсизми га ёки йўқми, тириклик дунёсидан узилиб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни. Шундай қишлоқлардан бири Ширини деб атади, у Навбаҳор ноҳиясида жойлашган. Айтишларича, бу қишлоқ аҳлининг феъли-хўйи габроволикларнинг ўзгинаси.

«Афанди мана шу қишлоқдан чиққан!», дейди ноҳия оқсоқолларидан бири. «Тўғри,— дейди шириниликлар,— энди у киши сал оми бўлганлар, лекин биз...» Уларнинг инжилганича бор, на кечаси, на кундузи тиним билишмайди. Ҳозирга довр ўнга яқин исраимий ташкилотлар тузиб ташлашди. Хусусан, «Озгинлар», «Кўзоғнаклилар», «Бурунбойлар», айниқса, «Хотиндан қўрқувчилар жамияти» катта нуфусга эга...

«Хотиндан қўрқувчилар жамияти» раисининг айтганлари агар рост бўлса, ҳатто ноҳиянинг саркотиби ҳам улар билан ҳисоблашишга мажбур экан! «Бизнинг ҳаракатни бўғиб, бўлиб-бўлиб ташлаш учун саркотиб нималар қилмади,— дейди у.— Саъйи-ҳаракати ҳеч натижа бермагач, «Хотиндан қўрқувчилар жамияти» тузди, ўзи шунга бош бўлди ҳам, қани энди шу натижа берса экан! Одамлар ҳақ-ҳуқуқни танияпти ҳозир! Навбаҳорнинг атиги 0,5 фоиз йигитигина у кишига эргашган бўлди, тагин шулар ҳам амалидан ажраб қолмай, деб юрак ҳовучлаган амалдорлар. Юқоридан ҳар қанча тазйиқ ўтказишмасин, бари бир, кундан кунга бизнинг жамият аъзолари сафни кенгайиб бораётир. «Хотиндан қўрқувчиларнинг ёши ўтганлари ҳам мажбуран келиб бизга қўшилмоқда. Хуллас, ҳозир эркакман деганнинг тўқсон беш фоизи бир тан-бир жон, бир жамиятда тутиб турибмиз уларни!»

Жамият раиси билан бўлган суҳбатимиз оёқлаган пайтда шириниликлардан бири кажавали мотоциклда ҳовлиқиб келиб қолди.

— Ака, бизнинг кенжатоёни кўрмадингизми?

— Йўқ, тинчликми?

— Эрталаб десангиз иситмаси чиқиб турган экан, дўхтирга олиб борувдим. Кўрди. Дори ёзиб берди. Етаклаб чиқиб, кажавага мингаздим, дорихонага кириб-чиққунимча йўқ-да касофат.

— Шундан бери ахтарасанми? — деди раис миёнида кулганча.

— Бормаган жойим қолмади, ака!

— Бола нарса, чўмиламан деб дарёга тушиб кетгандир?

Шириниликнинг ранги қув ўчди.

— Шундай, деб ўйлайсизми? Дарёвотни кўрсам-микан, а? — У мотоциклни дарё томон бурди.

— Нега ундай дедингиз? — дедим ранжиганимни яширмай. — Ўзи юраги ёрилгудай бўлиб турибди-ю, тагин сиз?..

Раис хаҳолаб кулиб юборди:

— Ана, қаранг, кажавада ўтирибдию кенжатойи. Бу афанди хаёл билан... Э-э, қойил-э!

Кейин маълум бўлишича, ширинилик дорихонага чиндан ҳам кирган, уйқуси келган бола шу пайт ёпинғични бошига довур тортиб уйқуга кетган экан. Ширинилик ярим кечагача ўғлини ахтарибди, кажавада ўтирган кенжатой: — Ада, уйга кетайлик! — дея хархаша қилса, у жеркиб ташлар эмиш: — Жим ўтир, тентак! Укангни топмасдан уйга бориш йўқ! Аянг нақ теримизга сомён тикади-я!

Ширинилик дегани шунақа аломат халқ бўлади. Қуйидаги ҳангомалар эҳтимол сизга ҳазил-мутойиба бўлиб туюлар, лекин аслида бор гап, агар ишонмасангиз, Афанди чиққан ўша қишлоққа ўзингиз боринг, бундан-да аломат ҳодисаларга гувоҳ бўлиб, ёқа ушлайсиз.

ПАЙШАНБАГА ҲАЛИ БОР

Ота-онамни кўриб келай, деб хотин Нуротага отланди, кетатуриб, эрига тайинлади:

— Пайшанба куни бориб мени опкеласиз.

Пайшанба куни ширинилик «Москвич»га минди-да, қайдасан Нурота? деб йўлга тушди. Бир ярим соат йўл юриб, ниҳоят Нуротага етиб борди. Энди шаҳарга бўрилган эди, Навоийга қатнайдиган автобус шундоқ зинидан лип этиб ўтиб кетди. «Хотин ҳам шу авто-

бусда кетди-борди-ёв», деб ўйлади ширинилик ва «Москвич»ни шартта изига қайтарди.

Автобус билан қорама-қора Навойга келгач, қараса, йўловчилар орасида хотини йўқ. «И-я, — деди у ҳайрон бўлиб, — нега кўринмайди у? Ё уйга кетвордимикан?»

Бориб, болалардан суриштирса, йўқ, хотини уйга ҳам келмапти. «Ёпирай, — деди у ҳайрон бўлиб, — нега келмайди, а?»

— Бугун қайси кун ўзи? — деб сўради у катта ўғлидан.

— Пайшанба, — деди катта ўғил.

— Йўғ-э, — деди ширинилик, — ахир, Нуротадан автобус келдими, келди. Ундан бир дунё аёл тушдими, тушди. Шуларнинг ичида ойинг йўқмиди, йўқ эди, демак, бугун пайшанба эмас, пайшанба ҳали олдинда.

— Ҳа, шу кун бориб ойимларни опкеласиз-да.

— Шу-да, — деди ширинилик, — мен бўлсам, бугун — пайшанба, деб шунча йўлга бориб юрибман-а...

ЧАККИ

Томидан чакки ўтиб, шириниликни тоза безор қилди. Куз оёқлаган кезлар астойдил киришиб, серсомон лой қориди. Энди у томга чиққан эди, қўшниси: «Ҳорманг!», деб қолди.

— Тўртта ёмғир севаласа, бир челақ чакки ўтади, — деди ширинилик. — Абдовини олиб, бошлаб бир сувамасам...

— Э-э, ундай қилманг! Ундай қилманг, — деди қўшниси, — кейин қийналиб қоласиз-ку?!

— Нега?

— Тоғорадан нечта?

— Бир эмас, иккита.

— Челақ ҳам серобдир?

— Э-э, нимасини айтасиз. Ҳар йили чакки ўтган жойларга қўййлик деб... Бешта челақ.

— Ака, чакки ўтмай қўйса, кишда уларни нима қиласиз?

— Тўғри айтасан, жигар. Буёғини ўйламаган эканмиз-ку! — дебди ширинилик ва томдан тушибди.

КАНАГА ҚАРШИ КУРАШ

Ширинилик уй курмоқчи бўлди.

— Ёишт қуйишга кўмаклашиб юбор, — деди у укасини чақириб.

— Ёишт қуйиб, жонимизни қийнаб ётамизми, ака, — деди укаси.

— Бўлмаса, нима қиламиз?

— Ана, турибди-ку тайёр ёишт, шуни ўмарамизда.

— Қанақа тайёр ёишт?

— Ҳеч каллангиз ишламайди-да, ака. Кечаси бориб, колхознинг товуқхонасини бузамиз!

— Э, балосан.

Ака-ука товуқхонани бузиб, эрталабга довур ёишт ташишди. Бир пайт мундоқ қарашса, ҳамма ёқни кана босиб кетибди.

— Энди нима қиламиз? — деди ака бошини қашиб, ука ҳам ширинилик эмасми, мийиғида илжайди:

— Бунинг йўли осон.

— Хўш, хўш?

— Ёиштни анави ҳандакка босамиз, кейин устидан сув қуйиб юборамиз, канаман деганнинг уруғи қолмайди.

— Калланг ишлайди, калланг!

Кечга томон тўполон қилиб келган тсвуқбоқар бир ҳандақ лойни кўриб ёқа ушлади, ёишлар аллақачон ивиб кетган, каналар эса сув юзида, супа бетиди мўрималаҳдек изғиб юришар эди.

ТОПҚИРЛИК

Биласиз, терим пайти теримчидан, тўғрироғи, унинг вақтидан азиз нарсанинг ўзи бўлмайди. Нима қилиб бўлса-да, уни пайкалдан чиқармасак, иши янада унумлироқ бўлса. Шириниликлар жуда топқир эмасми, буни тоза боплашади.

Теримчилар эгат олиб, теримга киришган пайтдаёқ самоворчи келиб самоворини ўрнатди-да, ўчоғига ўт қалади. Сувни десангиз ичгулиги йўқ, обдон қайнатмаса бўлмайди. Тушга томон кўққисдан бригадир келиб қолди, бирдан тутатиб уни уриша кетди:

- Сен нодон... сен калтафаҳм...
- Нима гуноҳ қилдим, ака?
- Одамлар даланинг нариги бошига чиқишди-ку!
- Чой ичиш учун шундан шунга келишадими энди?
- Ҳозир тўнкараман. Самоворни олиб бориб, беш минутда еш қиламиз, ака!
- Калланг ишламайди сенинг! Ҳар дақиқа ҳисобда-ку ҳозир.
- Нима қиламиз бўлмаса?
- Каноринг борми?
- Бор.
- Ол буёққа! Самовор сиғадими? Орқалатиб юборайин, зинғиллаб ҳайда!
- Мушқули осон ҳал бўлгани учун самоворчининг думоғи чоқ эди.
- Бригадир ҳимо берди, у орқалади, самовор қулайроқ жойлашсин дея самоворчи бир силкинган эди, қайноқ сув нақ елкасидан қуйилди. Дод деганча самоворни ташлаб юборди у. Бунни куриб бригадирнинг жон-пони чиқиб кетди:
- Бир тушликка етадиган обижушни нобуд қилдинг-а, нокас!

«САЛАРКА ЎЗИМИЗНИКИ, ЎҒЛИМ»

Ширинилик мой қуйиш нуқтасида хизмат қилар эди. Ёнилғи олиш учун келган тракторчи унинг феълини билганлиги учун ҳам тегишди:

- Чернобилни эшитдингизми?
- Ҳа, йўқ. Нима гап?
- Балойи азим келяптию шу ёқдан.
- Гапинг бирам совуқ-эй!
- Худо ҳаққи, рост! Нурнинг ўзгинаси эмиш. У ёғингиздан кириб, бу ёғингиздан чиқиб кетар экан, шу билан десангиз оллоҳу акбар! Аввалига ҳеч ишга ярамай қоларкансиз, кейин...
- Ким айтди сенга?
- Раис. Одамларни кўчириптию! Ҳозир шу нур анави тоғдан ошаётган экан, ҳадемай бу ергаям кеп қолади. Мойни ғамлаб олай, кейин бизниям нарёққа қараб шаталоқ отишимизни кўрасиз.
- Трактор «шаталоқ отиб» кетгач, нима қиларин билмай ширинилик гарангсиб қолди. Бўш цис

борлиги ёдига тушгачгина хиёл ўзига келди. Шартта бориб унинг огзини очди-да, ичига тушиб олди. Авжи саратон эмасми, ҳадемай нафаси қиса бошлади. Аввалига, «нима бўлсаям, балойи азим ўтиб кетсин», деб чидади, жони бўғзига тикилгач, талвасага тушиб минг уринса-да, ташқарига чиқа олмади. Ахийри, дод сола бошлади...

Шифохонада у ўзига келди. Кўзини очган заҳоти бош учида турган дўхтурнинг енгидан тортиб ўзига қаратди-да:

— Балойи азим ўтиб кетдимиз? — деди шивирлаб.

Дўхтур мийиғида жилмайганча:

— Ҳа, оғири ўтди, амаки, — деди.

Ширинилик бирдан жонланиб қолди.

— Саларка ўзимизники, ўғлим! Бунинг сассиғига ўрганиб кетганмиз, — деди у ички мамнуният билан. — Ҳар қалай, чидаса бўлади. Чернобилдан худо сақласин!

«ҲАНДАҚНИ КИМ ҚАЗДИ?»

Ширинилик ҳашак йиғиш учун чўлга чикди. Йўл узоқ, кечқурун уйга қайтишга эринди, чўпонникида тунашга қарор қилди. Пастда ётсам, қорақурт чақиб олмасин тагин, деб ўйлади, ваҳм босиб томга чиқди, худди ўзларининг супасидек экан, жой солиб хаёл билан уйқуга кетди. Ярим кечаси ташқарига чиққиси келди, қаерда ётгани хаёлида йўқ, турди-да, ўзича ҳожатхонага йўл олди... ва икки қадамча юрмай гурсиллаб томдан пастга қулади. Ўрнидан турар-турмас фиғони фалакка чиқиб хотинини сўка кетди:

— Энағар, пак қолди ўлишимга! Оёқостидан бу ҳандақни ким қазди ўзи? Ҳа-э, ўша...

«СЕНИ САХОВАТЛИ ДЕЙДИЛАР»

Зиқна ширинилик кўк чой ичиб, ишкомнинг соясида ёнбошлаб ётган эди, кимдир радиодан айтиб қолди: «...и, ҳар қайси атом бомбасининг қиймати бир неча тон сўм туради!»

— Э-э, худо! — деб юборди ширинилик фалакка кўз тикканча. — Ахир, сени саховатли дейдилар-ку! Агар шундай бўлса, чиндан бор бўлсанг, бир ҳиммат қил: шу бомбанинг аслидан бизнинг чорбоққаям бит-тагина ташла, мундай кун кўриб, одамга ўхшаб яшай!

ХОТИНДАН ҚЎРҚМОВЧИ

Ширинилик уйига меҳмон бошлаб келди.

— Хотин! — деди у дарвозада туриб. — Қани, дастурхон ёз! Меҳмон келди!

Дастурхон ёзган хотин очиқ чеҳра билан унинг истиқболига чиқди.

— Жой солдингми?

— Солдим, адаси.

— Чой қўйдингми?

— Қўйдим, адаси.

— Ош сол!

— Хўп, адаси.

Шундан сўнг ширинилик хотиннинг қулоқ-чакка-сига қўйиб юборди. Табиийки, уй бекаси бир сўз демади, бунинг мавриди ҳам эмас эди. Меҳмонлар эса мулзам бўлиб қолишди. Лекин меҳмондорчилик кўнгилхушлик билан бегидир ўтди. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, сабри чидамади шекилли, меҳмонлардан бири тараддудлана-тараддудлана сўради:

— Фалончивой, айбга буюрмайсиз, бир саволим бор эди.

— Хўш, хўш?

— Сийлаб бизни меҳмонга айтдингиз, келдик, иззатимизни жойига қўйдингиз, бунинг учун раҳмат. Уйлаб-уйлаб, бир парсага сира ақлим етмаётир.

— Нимага?

— Келишни урганингиз нимаси? Қовоқ солгани йўқ, гапингизни ерда қолдиргани йўқ, ортиқча бир сўз дегани йўқ?..

— Ҳамма гап шунда-да! — деди ширини нодор қилиб. — Бугун бўлмаса, эртага, эртага, индинга бир нима деб қўйиши мумкинми! Шунинг олдини олиб қўйиш керакми? Қичийдиган жойни олдиндан қашиб қўядиганлиданми биз, ака!

«ТОПИБСАН АХМОҒИНИ»

Ширинилик уй-жой солди, тагзаминни тиклаш учун учун энди цемент қориётган эди, бўлгуси қўшниси келиб, унинг ишига қараб турди-турди-да:

— Тагзамининг уқаланиб кетади-ёв! — деди ваҳима қилиб.

— Йўғ-э? — деди ширинилик.

— Ҳа-а, муниг бўлмайд. Шу замоннинг цементга ишониб бўладими, ука! — деди афсус билан бош чайқаб қўшниси. — Сомон кўш!

— Йўғ-э?!

— Сомонни аяма, сомонни!

Ширинилик цементни серсомон қилиб, тагзамин солди. Томни ёпгач, сувоқдан чиқараётиб, кўрдик, қўшниси тагзамин ётқизаётир, бироқ цементга сомон қўшмаётир. Ўзини у аҳмоқ қилганлигини сезиб, шириниликнинг жон-пони чикиб кетди. «Шу қилганига бир боламасам!..» деди у ичида. Ўйлаб-ўйлаб, топгани шу бўлдики, ҳовлисида бир дунё кўмирнинг увоғи ётибди. Шуни элаб, жуда ҳафсала билан лой қориди, кейин қайта бошдан томини сувашга тушди. Буни кўриб, қўшниси аввалига кулди, сўнг келиб сўради:

— Бу нима қилганинг?

— Э, ҳали, шуниям билмайсизми? — деди ширинилик ажабланган бўлиб. — Бундан чакки ўтмайди, қолаверса, уй ҳам иссиқ бўлади.

— Қўйсанг-чи?

— Помир томонларга ўтмаган экансиз-да? Серёгин жойлар эмасми, ҳамма томини шуйтиб ёпади.

Қўшни аввалига ишонқирамади, ширинилик қунт ва ишонч билан бутун томни суваётганини кўриб, ийманинқираб сўради:

— Кўмирнинг майдасидан борми яна?

— Бор-у, лекин қариндош-уруғ...

— Топишар ўзлари, қўшни, энди-и...

«кундан бошлаб қўни-қўшнилари шириниликни» қатнаб қолишди: «Лой қандай қорилади?», «й сувалади?», «Юпқа бўлгани яхшими, қалин я яхшими?»

пга довур бирон-бир уй қолмадики, томи кўмир билан сувалмаган бўлсин. Ниҳоят, ширинилик кутган кун ҳам етиб келди: тунд булутлар

оламни тутиб, шундай жала қуйдики, шундай жала қуйдики...

Кўмирнинг увоғи десангиз тушган ёмғирни тушганича ўтказиб юборар, тагин у қоп-қора бўлиб, уйичининг расвосини чиқарар эди. Ширинилик эса чакки ўтгани, тўшаклари қорага белангани сари қувониб ирғишлар эди:

— Қандай бўлар экан?! Ҳм-м, топибсан ахмоғинг-ни! Мана, энди тағзаминимиз турлича, аммо-лекин қўла-тўшагимиз бир хил бўладиган бўлди-ку!

1991 йил.

74

МУНДАРИЖА

Тоҳир ва Зухранинг кулмаган бахти	3
Қудуқ тепасидаги ой	64
Азал ва абад	182
Абадиёт нафаси	279
Москва кўзёшларга ишонмайди	297
Ҳаётга қарши жиноят	301
Хотиндан қўрқувчилар	327
Пайшанбага ҳали бор	328
Чакки	329
Канага қарши кураш	330
Топқирлик	330
«Саларка ўзимизники, ўғлим»	831
«Ҳандақни ким қазди?»	3
«Сени саховатли дейдилар»	332
Хотиндан қўрқувчи	?
«Топибсан аҳмоғини»	334

Адабий-бадиий нашр

Ғаффор Ҳотамов

БИРИНЧИ МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Қиссалар ва ҳикоялар

Мусаввир Р. Зуфаров

эпр: Б. М. Али, Е. Раҳимова. Расмлар муҳаррири А. Мамажонов.
Техн. муҳаррир У. Ким.

ИБ № 57

Берилди 20.12.94. Босишга рухсат этилди 7.03.95. Формат
ушнома қоғози. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли бос-
артли ранг оттиски 18,06. Нашр. т. 19,07. Нусхаси 10000. Буюрт-
моси шартнома асосида. Шартнома 53—91.

ти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

эликоси Матбуот давлат қўмитасининг 1-босмахонасида
шкент, Сағбон кўчаси, 1-бек кўча, 2-уй.